ҚИЁМ НАЗАРОВ

# ЖАҲОН ФАЛСАФАСИ ҚОМУСИ

II

О–Ҳ

**Тахрирхайъати:**

*О.У.Салимов, Х.О.Шайхова (илмий мухаррир), Р.А.Убайдуллаева, А.Э.Абдусамедов, А.Т.Аюпов, М.Н.Абдуллаева, Ў.П.Умурзоков, У.М.Уватов, А.Аъзамов, А.Х.Саидов, Б.О.Тўраев, З.Исломов*

**Масъулмухаррир:**

*М. Хожиматов*

Комуснинг ушбу биринчи китобида фалсафа тарихи, унинг тадрижий тараккиёт боскичлари, асосий оким ва йўналишлари, буюк донишманд мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди, машхур фалсафий асарлар хакида алифбо тартибида «А» дан «Н»гача бўлган ҳарфлар билан бошланадиган мухтасар маколалар, бу соҳага оид конун ва категориялар, тушунча ва атамаларнинг кискача изоҳлари берилган.

Китобнинг ушбу нашри Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг Республика Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда бажарилган ИФ 1–093 фундаментал ва ПЗ–20170930386 амалий тадкикот лойиҳалари асосида тайёрланган. Унда лойиҳа муалифи Қ.Назаровнинг 2000–2018 йиллар давомида амалга оширган илмий изланишлари якуний натижалари ўз аксини топган.

Китоб Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти Илмий таҳрир кенгаши (2022 йил 26 августдаги 3-сонли баённома) карорига кўра нашрга тавсия этилган.

This encyclopaedia consists of brief comments on the history of world philosophy, its branches and orientation, life and work of prominent scholars, special articles about well-known philosophic works, laws and categories, associated with this science and sort description of notions and terms.

The Encyclopaedia has been prepared on the basis of the Fundamental Project IF-1-093 of the Committee of coordination of development of Science and Technologies of the Republic of Uzbekistan. This book contains final results of the scientific research works of the project author Q. Nazarov for 2000–2018.

The book was recommended for publication by the decision of the Scientific Editorial Board of the National Society of Philosophers of Uzbekistan (Announcement No 3, 26.08.2022).

Энциклопедия посвящена ключивым понятиям и категориям, законам и традициям, персоналиям и произведениям, определивщем собою как сущность и структуру, историю и теорию философской науки, так и ее современные течения и направления.

В ней отражены конечные результаты исследования, проведенные в 2000–2018 гг. в рамках фундаментального научного проекта № ИФ 1-093 ГКНТ РУз по теме «Создание энциклопедии мирофой философии на основе изучения истории и эволюции мировой и отечественной философской мысли» (автор К. Назаров).

Рекомендована в печать редакционным советом Национального общества философов РУз (Протокол № 3; 26.08.2022).

# СЎЗБОШИ

Илм-фан ҳаёт ва давр билан ҳамнафас ривожланади. Ана шу маънода, ҳар қандай тараққиёт илм-фанга таянади ва ундан куч олади. Дунёнинг қайси нуқтаси тараққиётга юз тутган бўлса, демак, ўша ерда ушбу соҳага алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилгани маълум. Чунончи, Шарқ халқларида қадим-қадимдан илм-фанга хайрихоҳ бўлиш билан бирга, соҳа вакилларини ҳам маънан, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш қадрият даражасига кўтарилган.

Жаҳон майдонида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган янги Ўзбекистонимизда ҳам илм-фан ва халқ маънавиятини юқори босқичга кўтариш, маърифат аҳлининг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олимларимиз куч ва салоҳиятини тўлиқ намоён этишига барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида узоқ вақт давомида соҳада йиғилиб қолган муаммолар ҳал қилиниб, қотиб қолган қарашлар янгиланмоқда, изчил ва аниқ тараққиёт стратегияси асосида янги Ўзбекистон руҳи ва қиёфасига мос тарздаги янги маърифий макон шаклланмоқда.

Бутун дунё глобаллашиб, турли вайронкор ғоялар хуружи кучайиб бораётган ҳозирги даврда, мамлакатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларга садоқат туйғусини шакллантириш маънавий-маърифий соҳанинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу борада инсоният яратган бой маънавий ва маданий қадриятлар, жумладан фалсафага ҳам янги тафаккур ва замонавий мезонлар асосида холисона ёндашиш, мазкур фанга доир назария ва таълимотлар, тушунча ва тамойиллар, қонун ва категорияларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз олдида илм-фан, рақамли иқтисодиёт, инновацион ғоя ва ёндошувлар асосида кучли тараққиётга эришиш, таълимни ривожлантириш, илмий ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш, жамиятда зиёлилар, хусусан олимлар мавқеини кўтариш, янги авлод кадрларини билимли ва шижоатли, асл ватанпарвар қилиб тарбиялаш каби муҳим ишлар турибди. Бу ўринда албатта, буюк алломалар, атоқли файласуфлар, дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли олимлар мероси муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, уларнинг ҳаёти ва ижоди, илмий изланишлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берадиган манбалар, ўқув қўлланмалар, адабиётлар ниҳоятда кам. Шу боис бугунги кунда, кўплаб соҳалар қатори, фалсафа йўналишида ҳам ҳар томонлама пухта, пишиқ, мукаммал асарлар яратилиши ўта долзарб вазифалардан биридир. Бу жиҳатдан, қўлингиздаги икки жилдли «Жаҳон фалсафаси қомуси» илмий доираларда кўпдан буён кутилаётган муҳим адабиётлардан бири бўлди, дея таърифлаш мумкин. Мазкур асар жаҳон фалсафасидаги барча йўналиш ва оқимлар, донишманд ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ишончли маълумотлар ўрин олгани билан аҳамиятлидир. Фалсафа соҳаси билан боғлиқ илмий қонун ва категориялар, тушунча ва атамалар кенг ёритилиб, изоҳлар берилгани асар мавқеини янада оширади. Ўзбекистон ва Марказий Осиё заминида вояга етган мутафаккир олимларнинг башарият тафаккури ва цивилизациясига бекиёс таъсир кўрсатган асарлари, назарий таълимотлари, ғоя ва қарашларига оид янги маълумотларнинг муфассаллиги, шубҳасиз, ўқувчи асардан ўзи истаган нарсани топишига имкон беради.

Қомусни тайёрлашда ўзбек қомусчилик ва луғатшунослик мактабининг қадимий анъаналари ва бой тажрибаларига таянилган. Ўтган йилларда 12 жилдлик «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», кўп жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Алишер Навоий қомуси», «Бобур қомуси» сингари йирик ҳажмли илмий нашрлар яратилди. Шу билан бирга, «Фалсафа» қомусий луғати, «Ўзбекистон юридик энциклопедияси», «Ислом. Энциклопедия»си, «Маънавият: асосий тушунчалар луғати», «Педогогика: энциклопедия», «Тарих атамалари луғати», «Адабиётшунослик луғати», «Юридик атамалар луғати» каби илмий асарлар нашр қилинди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қомусни тайёрлашда ана шу манбалардан ижодий фойдаланилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги дунёда фаннинг турли соҳаларига оид қомуслар кўп бўлса-да, фалсафа соҳасида муомалада бўлаётганлари бир неча ўнтадан ошмайди. Бу борада қомуслар ва луғатлар яратиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ушбу йўналишда Шарқ ва Ғарб фалсафаси, минтақамиз халқлари ва Ўзбекистондаги фалсафий тафаккур тарихи ва тадрижига нисбатан умуминсоний ёндошув асосида, холисона ёзилган асарлар камлиги, аммо фалсафий мавзу ва масалаларга турлича ёндашувлар,

хилма-хил мазмундаги китоблар кўплигидан далолат беради. Афсуски, ушбу соҳадаги қомусларнинг аксариятида Шарқ ва ислом фалсафаси, унга хос тушунча ва тамойиллар, таълимот ва назарияларга етарлича ўрин берилмайди.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон фалсафаси, бу ҳудуддан етишиб чиққан файласуфлар, уларнинг ижоди ва илмий меросига муносабатда ҳам ана шундай бир томонламалик кўзга ташланади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қомусда бундай кемтикликларга барҳам беришга ҳаракат қилинган, ғайриилмий бир томонламаликдан мутлақо фарқ қиладиган умуминсоний мезонлар ва холислик тамойилларига таянилган. Китобда жаҳон фалсафасининг барча йўналишлари ва оқимлари, атоқли алломалар ҳаёти ва ижоди, бу соҳа билан боғлиқ қонун ва категориялар, тушунча ва атамаларнинг қисқа изоҳлари билан бирга, кўплаб Шарқ алломалари, жумладан Марказий Осиё ва Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан мутафаккирлар, уларнинг инсоният тафаккурига катта таъсир кўрсатган асарлари, назария ва таълимотлари, ғоя ва қарашларига ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият қомуслар ва луғатлардагидан кўра кўпроқ жой ажратилган.

Шу муносабат билан қомусга Шарқ, Ўзбекистон, ислом фалсафасига доир 1100 га яқин мақолалар киритилган ва бу ўз навбатида, мазкур бебаҳо меросни янада кенгроқ акс эттириш имконини яратаган.

Жаҳон цивилизацияси ва фалсафа тараққиётига катта таъсир кўрсатган машҳур асарлар ҳақидаги 370 дан ортиқ мақолаларни тайёрлашда ҳам ана шу мезонга асосланилган. Бу йўналишдаги қомус мақолаларининг 150 дан ортиғи Шарқ халқлари тафаккури ва ислом фалсафаси манбаълари, Марказий Осиё ва Ўзбекистон алломалари асарларига бағишлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Ушбу китоб жаҳон фалсафаси қомусшунослигида ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият асарларга ўхшамайди ва улардан тубдан фарқ қилади. Уни тайёрлаш жараёнида муайян минтақа ёки мамлакат, бирорбир аллома ёки мутафаккир, муайян ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириш, бошқаларининг аҳамиятини камситиш ёки йўққа чиқариш ҳақиқатдан йироқ ва бугунги давр талабларига жавоб бермаслиги шубҳасиз эди. Аксинча, уларнинг барчасини холис талқин этиш, фалсафа фани, унинг мазмун-моҳияти, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, хилма-хил фалсафий оқимлар, файласуфлар ва уларнинг таълимотлари ҳақида тўғри ва илмий тасаввурни шакллантириш қомуснинг бош мақсади ва ундан жой олган мақолаларнинг асосий мезони бўлганини эътироф этишимиз лозим.

Асарда ўзбек фалсафасига доир мақолалар умумбашарий фалсафий тафаккур тадрижининг таркибий қисми сифатида баён қилинган. Яъни, Қомуснинг охирги қисми Ўзбекистон фалсафаси, унинг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунларгача бўлган тарихи ва тадрижи, замонавий йўналишлари, ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Китоб сўнггида истиқлол арафасидаги ўн йилликларда мамлакатимизда яшаган ҳамда ҳозирги даврда ижод қилаётган фалсафа фанлари бўйича академиклар, профессорлар ва фан докторлари ҳақида қисқа маълумотлар берилгани ҳам қомуснинг қимматини янада оширади.

Қомусга киритилган 4000 дан ортиқ мақолалар ва изоҳларни тайёрлашда муаллиф кўплаб тарихий далиллар, фалсафий адабиётлар, турли илмий манбаларга, мумтоз файласуфлар ва атоқли мутафаккирлар билан бирга, чет эллик олимлар ва республикамиз мутахассисларининг асарларига таянган. Асар лойиҳасининг амалга оширилиши, мақолаларнинг манбалари, фойдаланилган адабиётлар ва уларнинг муаллифлари хусусида комуснинг «Хулоса» қисмида муфассал маълумот берилган.

Мухтасар айтганда, таниқли файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин Назаров томонидан нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё фалсафасида биринчи марта яратилган мазкур комусни мамлакатимиз ва минтақамиз ижтимоий тафаккурида бир бутун ва ноёб ҳодиса, халқимиз, зиёлиларимиз учун муҳим маънавий бойлик, деб таърифлаш ҳам мумкин. Шунинг баробарида ўзбек илм-фани, маданияти ва маънавияти, маърифат соҳаси мутахассислари, зиёлилар ва кенг жамоатчилик оммаси учун ҳам ушбу комус узоқ кутилган муҳим ва зарур адабиётлардан биридир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда асл фалсафани тиклаш, юртдошларимиз тафаккурини янгилаш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш йўлида яратилаётган кенг имкониятларнинг яна бир амалий натижаси бўлган мазкур қомусни бу борадаги ўзига хос янгилик сифатида қабул қилиш мумкин. Унда келгусида такомиллаштириш талаб этиладиган жиҳатлар, баҳсли ўринлар, айрим камчиликларнинг бўлиши табиий, албатта. Шу боис, халқимизнинг маънавий ва маърифий билимларини янада бойитиш йўлида жонкуярлик кўрсатаётган зиёлилар, тажрибали олимлар ва мутахассислар қомус тўғрисида холис фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ва у кенг жамоатчилик томонидан ўзбек фалсафаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асар сифатида баҳоланади, деб умид қиламиз.

**Минҳожиддин МИРЗО,**
**Республика Маънавият ва маърифат**
**маркази раҳбари**

# О

**ОБРАЗ** – хаётни, хакикатни билишнинг мукаммал воситаси, санъатда дунёни акс эттириш шакли. О.нинг ҳаётий жиҳатдан шартланганлигининг амалий ифодаси ижодкорнинг дунёқарашини акс эттиради.. О.да ҳамма ички нарсалар – ташқи киёфада, рангда, товушда ва идрок органларимиз қабул эта оладиган бошқа ҳиссий кўринишларда ўз ифодасини топиши англашилади. О. – фақат умумий ва шахсий, абстракт ва конкрет нарсаларнигина эмас, балки рационал ва эмоционал жиҳатларнинг органик бирлигидир. Бу хакдаги карашларни бир нуктага жамлаб умумлаштирсак, куйидаги схема ҳосил бўлади: Сўз – бадиий образ – образлилик – бадиийлик – фал-й эстетик категория. О.нинг умумий мезонларини нисбий характерда бўлса ҳам қуйидагича белгилаш мумкин: мазмун ва шакл бирлиги ва уларнинг уйғунлиги; тасвир ёки ифоданинг ҳаққонийлиги; тасвир ёки ифоданинг аниклиги; бетакрорлик (оригиналлик); эстетик бахо; шартлилик микёси ва даражаси; тил бадиийлиги. О. табиатидаги ўзгаришлар, бойиш ва тўлишишлар унинг тарихий шаклланган фал-й-эстетик категория эканлигидан далолат беради.

**ОБРАЗЛИ ТАФАККУР** – оламни образлар ёрдамида идрок ва тасаввур килиш асосида шаклланадиган тафаккур шакли; бирон-бир бадиий ёки санъат а-ри вужудга келиши ёки англаниши жараёни учун зарур тафаккур тарзи. О.т. жараёни бошқа барча ақлий фаолият турларидан катта фарк килади. Унинг намоён бўлишида ижт-й ва руҳий жиҳатлар, ижодий жараёнлар, рационал ёки норационал хус-ятлар устуворлик килиши мумкин. О.т. ҳар бир шахс, ижодкор ёки муайян субъектнинг ўзига хослиги б-н белгиланадиган ўта хусусий ходиса сифатида талкин килиниши ҳоллари ҳам учрайди. Ҳар иккала фикрда ҳам асос бор, лекин уларнинг ҳеч қайсиси ўзича бутун О.т. жараёнини қамраб ҳам ололмайди, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб ҳам беролмайди. У нафакат адабиёт ёки санъатда, балки фал.да, айникса билиш жараёнида муҳим роль ўйнайди, муайян вокеа-ходисаларни тушунишда ёрдам беради.

Юксак бадиийликка эришиш, образ яратиш жараёнини белгилайдиган О.т. бир қатор объектив ва субъектив факторларнинг уйғунлиги асосида шаклланади. Реал вокелик, инсон руҳиятидаги турли-туман кечинмаларнинг ижодкор дунёқараши, онги, эстетик идеали, ғоявий мақсади б-н синтезлашуви ушбу омилларнинг асосини ташкил этади. Ижод жараёнида бадиий мантиқ ва илҳомнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, улар ушбу жараённинг ҳар лаҳзаси, ҳар бир натижасида яққол намоён бўлади.

Шу маънода, О.т. микдорий эмас, сифатий ҳодиса, маън-й-руҳий жараёнлар мажмуидир. Қайси киши, актёр, ижодкорнинг О.т.и қанчалик кучли ва кенг доирага эга бўлса, унинг олам ва одамни англаши, уни акс эттириши ва ифодалаши шунчалик аник ва тўлик бўлади. Худди шундай, О.т.нинг таъсир кучи, замон вокеликлари ва давр талабларига ҳозиржавоблиги умумжам-т ҳаёти ва муайян халк тафаккурининг юксаклигидан, ундаги устувор ғоя ва тамойилларнинг қайси мақсад-муддаоларга хизмат қилишидан далолат беради.

**ОБРЎ** – маън-й т., инсоннинг маън-й фазилатлари, меҳнат фаолияти, насл-насаби, билими ёки касбий маҳоратига ўзгалар томонидан берилган юксак баҳо; жам-т томонидан инсон хизматларини тан олганлик ўлчови; субъект эътиборли жиҳатларини муайян умумийликда шаклланган қадриятлар даражасига қиёслаш натижаси. Бошқача айтганда, О. инсоннинг руҳий-психологик, интеллектуал ва амалий хатти-ҳаракатларининг кўпчилик томонидан эътироф этилиши. О. маънятга бевосита тааллукли бўлишига қарамай, унинг пасайиши ёки ошиши кўп омиллар б-н белгиланади. Одатда зоҳирий О. кўрсаткичлари сифатида маън-й юксаклик, моддий фаровонлик, турар жой, автомобиль маркаси, матбуотда тилга олиниш, оилавий шифокорга, психологга эгалик; шахснинг ахлокий сифатлари, касбий муваффакияти ва б. қаралади. Эзгу мақсадларни кўзлаб амалга оширилган ишлар инсон О.сининг ўсишига, бузғунчи, ёвуз мақсадлар эса унинг О.си пасайишига замин ҳозирлайди. Катта-кичиклигига кўра, О. ўзига хос даражаларга бўлинади ва унинг шаклланиши шахснинг ўз олдига қўйган мақсадларига бориб тақалади. Шахс мақсадлари ва амалга ошираднган ишлари гуруҳ б-н боғлик бўлса, олинадиган О. ҳам шу гуруҳ даражасида, жам-тга тегишли бўлса жам-т, давлатга тегишли бўлса давлат, тамаддунга тегишли бўлса тамаддун даражасида бўлиши мумкин. Ш-дек, О. алоҳида ёки бир неча соҳаларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Мас., тиббиётда орттирилган О., асосан шу ва шунга якин соҳа вакиллари ўртасида намоён бўлади. Мас., Нобель мукофотини олганлар орасида кўплаб соҳа вакиллари бор. Лекин уларни ҳамма ҳам билмайди, улар маълум соҳа мутахассислари ўртасидагина юксак О.га эга. Бирок, айрим машҳур шахслар муайян соҳада жаҳон илм-фани ва мад-тига қўшган улкан ҳиссаси туфайли бутун инсониятнинг О.-эътиборига сазовор бўлади, уларни барча яхши билади ва ҳурмат килади. Мас., Мирзо Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги кашфиётлари, Алишер Навоийнинг адабиёт, хус-н шеъриятдаги ижоди уларнинг жаҳон микёсида улкан О. қозонишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, О. гуруҳ, жам-т, давлат, минтақа, шаҳар даражасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Мас., тарихда Бухоро «Кувватул дин вал ислом», Самарканд «Сайқали рўйи замин», Шаҳрисабз «Куббатул илм вал адаб» дея эъзозланган бўлса, Хоразм меъморчилик ва санъат, Тошкент куролсозлик, Фарғона деҳқончилик мад-ти б-н О. қозонган. У. О. эса мадтлар туташган минтақа сифатида маълум ва машҳур бўлган. О. «ном қозонди», «довруғ таратди», «ҳурмат-эътибор топди», «шон-шарафга эришди», «тилларда достон бўлди» каби атамалар оркали ҳам ифодаланади. О. – инсон хизмати тан олинганини ифодаловчи ўзига хос мезон. Ҳоз. Ғарбда, одатда, зоҳирий О. кўрсаткичлари сифатида шахснинг моддий фаровонлиги, турар жойи, автомобиль маркаси, матбуотда тилга олиниши, оилавий шифокори ва руҳшуносининг мавжудлиги, касбий муваффакияти ва б.га эгалиги эътиборга олинади. Шаркда эса бундан фаркли ўларок, шахснинг эл-юрт олдидаги хизмати, маън-й ютуклари ёки халки орасида топган эътибори, одамларга кўрсатадиган тарбиявий таъсири кабилар О.нинг асоси бўлиб хизмат килади.

**ОБЪЕКТ** (лот. objiect – нарса) – субъектнинг билиш ва амалий фаолиятида унга қарама-қарши турадн-

ган нарса. О. фақат объектив реаллик б-н эмас, балки унинг бир қисми бўлган субъект б-н ўзаро таъсирда бўлади. О.нинг ажратилиши жам-т томонидан ишлаб чиқилган ва объектив реаллик хоссаларини акс эттирадиган амалий ва билиш фаолияти жараёнида рўй беради. О. билиш субъектининг сезгиларига таъсир қилиб қолмай, балки яширин, таҳлил қилинмаган шаклларда майдонга чиқади. О.ни идеал тарзда яратиш субъект томонидан билиш фаолиятининг натижаси сифатида рўй беради. О.ни яратиш вақтида мантиқий операцияларнинг қўлланилиши О.нинг «яратилиши»ни билдирмайди, билиш операцияларининг мазмуни субъект ичидан олинмайди, балки О. томонидан белгиланади. Субъект томонидан ишлаб чиқилган билим доимо О. б-н мувофиқлаштирилади, моддий амалий фаолият орқали текширилади (тажриба, эксперимент). Билишнинг эмпирик даражасидан наз-й даражасига ҳаракати О.дан четлашишни билдирмайди, балки О.нинг юза қатламидан чуқурроқ қатламига томон ҳаракатланиши сифатида майдонга чиқади.

Демак, фал.да О. т.си субъектга қарама-қарши бўлган, субъектнинг амалий, баҳоловчи ва билиш фаолияти йўналтирилган нарса, воқеа, ҳодиса ва б.ни ифодалайди. Шу маънода, Кантнинг «нарса ўзида»си фақат объект эмас. Объект бўла олмайдиган кўпгина моддий тизимлар бор. Бошқача айтганда, «объект» ва «объектив реаллик» мос келадиган т.лар эмас. Электрон XIX а.нинг охиригача, гарчи, объектив реалликнинг қисми бўлса-да, лекин билиш объекти эмас эди. «Субъект» ва «объект» т.ларида нисбийлик моменти мавжуд: агар бир пайтда бир хил нарса объект бўлса, бошқа шароитда эса субъект бўлиши мумкин ва аксинча. Компьютер жам-тнинг бир қисми сифатида субъектнинг элементи бўлиши б-н бирга, индивидларни ўрганишда объект ҳисобланади. А талаба билиш субъектидир ва айни В талаба учун у билиш объекти бўлиши мумкин. Л. Фейербах айтганидек, «мен» ўзи учун субъектдир, бошқалар учун эса объект, яъни хулоса шуки, «мен» субъект ҳам, объект ҳам бўлиши мумкин.

Моддий ҳодисалар б-н бирга маън-й ҳодисалар ҳам объект бўлиши мумкин. Мас., индивид онги унинг психикаси учун билиш объектидир. Ҳар бир киши ўз-ўзини, ўз хулқ-атвори, хислари, сезги ва фикрларини билиш объекти қилишга қодир. Бундай ҳолларда индивид сифатидаги субъект т.си фаол тафаккур сифатидаги субъект, соф «мен»гача торайиши мумкин. Бундай ҳолларда субъект мақсадга йўналтирилган фаолликнинг манбаи сифатида майдонга чиқади. Умумий тарзда «объект» ва «субъект» т.ларининг мазмуни ана шундан иборат. Бу т.лар турли ва айни пайтда, бир-бирига ўта олиши маъносида ўзаро боғлиқ ҳамдир. Уларнинг ўзаро фарқли қирралари мутлақ қарама-қарши эмас.

Гносеологияда объект деганда воқеликнинг истаган қисмини эмас, балки субъект эътибори қаратилган фрагменти тушунилади. У субъект фаолиятига жалб қилинади ва субъектнинг наз-й ёки амалий фаолиятининг предметига айланади. Бу фаолиятда фаол томон субъект бўлганлиги учун, у маълум маънода, «объектни вужудга келтиради» ёки, аниқроғи предметни ўз фаолиятининг объектига айлантиради. Тор гносеологик маънода субъектсиз объект бўлмагани ёки, аниқроғи, субъектсиз объект тушунарсиз бўлгани сингари унинг акси ҳам тўғридир. Яъни, объектсиз субъект ҳам йўқ, зеро субъектнинг ҳар қандай фаолияти ҳамма вақт предметлидир. Субъект ва объект терминларида билиш – субъект томонидан объектни фаол ўзлаштириш жараёни эканлиги ифодаланган, пайдо бўладиган билим эса бу жараённинг натижасидир. Ўзаро алоқадорлик мобайнида объект сингари субъект фаолияти ҳам ўзгаради, амалий фаолият эволюцияси жараёнида инсон ва жам-т прогресси содир бўлади.

**ОБЪЕКТ ВА СУБЪЕКТ МУНОСАБАТЛАРИ** – фал.да моддийлик ва маън-йлик ўртасидаги мунтларнинг таркибий қисми ёки намоён бўлиш шакли сифатида тушуниладиган, хоз. замон фанида объект б-н субъект ўртасидаги баъзан, умуман кўз илғамас қирралар орқали намоён бўладиган ўзаро алоқалар ва боғланишларни ифодалайди. Бу мунтлар табиий фанларда ҳам, ижт-й гуманитар фанларда ҳам ўз ўрнига эга. Гносеология тарихида ушбу масалада хилма-хил қарашлар мавжуд. Мас., Кант фал.сида субъект моддий ёки идеал нарса сифатида тушунилгани йўқ, балки соф фаолият, ўз-ўзича фаолият тарзида талқин этилган. Бу ғоя Фихте фал.сида янада ривожлантирилди. Бу концепцияда субъект инсон онгидан иборат қилиб қўйилади, унинг ўзи ташқи дунёни ёки объектни яратувчи субстанциядир. Фихтеда соф «мен» умумий инсон онги сифатида ҳаракат жараёнида ўзини ҳам, ўзининг қарама-қаршиси «менмас»ни ҳам назарда тутади. Табиийки, соф «мен»нинг табиати тўғрисида савол туғилади. Жавоб доирасида у аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Шунга ўхшаш субъектив тушунтириш экзистенциализм учун ҳам хос. У инсон ҳаракатлари ва фикрларининг манбаи (демак, субъектнинг фаоллигини ҳам) рационал билиш мумкин бўлмаган бошланғич реаллик экзистенцияси деб эълон қилади.

Замонавий фал. субъектни фаол, билиш жараёнининг ибтидоси деб тушунишни немис мумтоз фал.сидан мерос қилиб олди. Бу фаолликнинг табиати илмий-наз-й асослаб берилди. Ҳақиқатан ҳам, кўп ҳолларда алоҳида индивид томонидан қўлга киритилган, тил, нутқ ҳамда моддий ва маън-й фаолиятнинг бошқа шаклларида қайд қилинган билим, гўёки шу индивидга тегишли бўлмай қолади. Лекин бу билимнинг инсондан ажралаётганини, гўёки объектив руҳга айланаётганлигини, яъни билишнинг умуман субъектга боғлиқ бўлмай қолаётганлигини англатмайди. Билим бу жараёнда индивидуал субъект мулкидан гносеологик субъектнинг ижт-й мулкига айланади, холос. У гносеологик субъектнинг онгида, ижт-й онгда мавжуд бўла бошлайди. Билимнинг индивиддан бегоналашуви унинг экзосомалик воситаларда қайд этилишидаёқ бошланади. Бунда тил ва мантиқ жам-тга, гносеологик субъектга тегишли ва ўзлари ҳам билишнинг объектив тамойилларининг инъикоси бўлган муайян қонуниятларга бўйсунадилар. Худди ш.у. индивид томонидан маълум тил ва мантиқий шаклларда ифодаланган билим билиш фаолиятининг объекти сифатида бўла оладиган кишининг онгига зид бўлиши ҳам мумкин.

Билимнинг автономлиги феномени индивиднинг онгига нисбатан илмий фал.да индивидуал онглар йиғиндисидан иборат бўлмаган гносеологик субъект мавжудлигининг далили ҳисобланади. Билиш фаолиятининг социал аспектларини инкор этиш орқали гносеологик субъект т.сини тушуниш қийин, чунки бу субъектни билиш наз-ясидан чиқариб ташлашга олиб келади. Табиийки, агар субъект билиш жараёнида фаол томон бўлса, объект субъект фаолияти йўналтирилгани учун нисбатан пассив томондир. Агар билиш ўзининг пировард натижасига кўра воқеликнинг инъикоси бўлса, жараёнга кўра билиш субъект томонидан ташқи дунёни фаол равишда қайта и.ч. ҳисобланади ва у воқеликнинг турли шакл ва хус-ятларини акс эттиришга қаратилган. Шу маънода, инсон билими ташқи дунёнинг ўз онгига таъсир қилишининг оддийгина натижаси эмас, балки инсоннинг фаол билиш ва атрофни амалий ўзгартириш фаолиятининг натижасидир.

Билиш жараёнида объект ва субъект мун-тлари қарама-қарши қўйилмайди. Объектнинг субъектга боғлиқлиги, унинг субъект томонидан яратилиши ёки тақозо этилиши маъносида тушунилмаслиги лозим. Ташқи дунёдаги нарса ва ҳодисалар уларга субъект фаолия-

ти йўналтирилгандагина объектларга айланади. Субъектнинг билиш фаолияти асосида амалда инсоннинг ўзгартирувчилик фаолияти ётади. У инсонни фаолият субъектига айлантириб, бу фаолиятнинг объектлари сферасини аниқлайди. Инсонни ташқи дунёдаги нарсалар унинг фаолияти объектлари ҳолида эмас, субъект томонидан фойдаланилаётганлиги ва ўзгартирилаётганлиги учун қизиқтиради. Бу қоида инсон фаолиятининг натижаси, маҳсули бўлган нарсалар учунгина тўғри бўлиб қолмасдан, балки инсон иштирокисиз, табиий йўл б-н пайдо бўлган нарсаларга тегишлидир.

Билиш жараёнига субъект ва объект категориялари орқали қараш бир қатор муҳим гносеологик ғояларни аниқлашга ёрдам беради. Биринчидан, бу инъикос принципини билиш жараёнининг ижодий, фаол характерини эътироф этишга олиб келади. Инсон ташқи дунёни унинг онгида қачон акс этишини кутиб турмайди. Унинг ўзи субъектив диалектика қонунларига таяниб, билиш структурасини ишлаб чиқади ва амалий фаолият давомида уларнинг объектив воқеликка мослигини текширади. Билиш структурасини яратиш ижодни, сермаҳсул меҳнатни ва объектни эркин танлаш, баҳолаш ва ўзини намоён қилишни талаб қилади. Билишда ҳамиша инсоннинг онг фаолияти, субъектнинг билиш ва амалий мақсадларини амалга ошириш содир бўлади. Иккинчидан, бу ҳар қандай билим тури объектив дунёнинг субъектив образи эканлигини, билиш жараёнида субъективлик ва объективлик диалектикасини англашга ёрдам беради. Субъективлик субъектга хос бўлган нарсадир, унинг субъектив фаолият маҳсулидир. Шу маънода, билиш образи субъект фаолиятининг маҳсули бўлиб, субъективлик элементини, нафақат билишни ифодалаш шаклида, балки унинг мазмунида ҳам ўз ичига қамраб олади. Бироқ, субъект фаолияти объектга қаратилгани учун объектни адекват акс эттиришни ҳам ўз мақсади қилиб олади. Билимнинг мазмуни билиш жараёнининг амалиётга боғлиқлигига кўра, охир-оқибатда билишда белгиловчи бўлган объектив моментни ҳам ўз ичига олади. Билиш образи билиш объектига, бошқа томондан эса, субъектнинг билиш фаолиятига боғлиқ бўлмаслиги мумкин эмас, субъективлик ва объективлик зиддияти образнинг ички структурасини ташкил қилади. Худди ш.у. билишнинг барча босқичларида билиш образи объектив оламнинг субъектив тимсоли сифатида характерланиши мумкин.

Ва ниҳоят, айнан субъект объект мун-ти билиш жараёнининг социал боғлиқлик механизмини очишга ёрдам беради. Айнан субъект билиш жараёнининг фаол томони бўлганлиги учун, социал табиатга эга, у томонидан яратиладиган билиш структуралари нафақат объект тўғрисидаги ахборотга эга, балки ижт-й тар-ётнинг ҳолатини, жамиятнинг эҳтиёжлари ва мақсадларини ҳам акс эттиради. Субъектнинг объектга мун-ти субъектлараро мун-тлар б-н ҳам боғлиқдир. Айнан ана шундай мун-тлар доирасида билимнинг объективлашуви, унинг моддий қобиқ ичида мустаҳкамлашуви, ижт-й бойлик ва мулкка айланиши содир бўлади. Бугунги кунда билимни таҳлил қилишнинг асосий тамойили индивидуал субъектнинг унга қарши турган объектга мун-тини ўрганиш сифатида эмас, балки ижт-й, субъектлараро билиш фаолияти тизими мавжудлиги ва унинг тар-ётини тадқиқ этиш сифатида тушунишдир. Билиш ижт-й субъектлараро фаолият системаси бўлган умумий ҳодисадир, унинг доирасида субъект фаолиятини аниқ усуллари ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди ва ушбу умумийликнинг муҳим элементи сифатида намоён бўлади.

**ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК** – инсон онгига боғлиқ бўлмаган, ундан ташқаридаги моддий олам. Борлиқнинг моддий шакли бўлган материя ўзининг барча кўринишлари ва хоссалари б-н О.р.ни ташкил этади. О.р.га нафақат табиатдаги нарса, ҳодиса ва жараёнлар, балки табиат ривожининг олий маҳсули бўлган инсон ва жам-т ҳам киради. Инсонлар наз-й ва амалий фаолияти жараёнида моддий ва объективлашган маън-й бойликлар яратади, ўзаро алоқа ва мун-тда бўладилар. Буларнинг барчаси ижт-йлашган О.р.нинг турли шакллари сифатида намоён бўлади.

**ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ** – ҳақиқатнинг ўз объектига боғлиқлиги ҳақидаги онтологик асосга таянадиган шакли; инсон тасаввурлари ва билимларининг шундай мазмунидирки, унинг қадр-қиммати ўз субъектига боғлиқ эмаслигини англатади. Ушбу фикрда, етарлича изчил бўлинганида, ҳақиқатнинг у таянадиган объектидан ажратиш мақбул эмаслиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

Объектив ҳақиқатнинг муайян ижт-й субъектдан ташқари эканлиги ҳақидаги хулоса субъектив манфаатларни акс эттирувчи билимлар борлигига путур етказмайди. Ҳақиқат, маълум маънода, билимларнинг фойдалилиги б-н ҳам боғлиқ. У вақт ўтиши б-н моддий нарсалар, ижт-й ва маън-й жараёнлар моҳияти ва уларнинг намоён бўлишини тўлиқроқ акс эттириши б-н ўзгариб, бойиб боради. Мас., Демокритнинг атомистик концепцияси ҳам, ўз асосига кўра, ҳақиқатдир. Яъни, моддий жисмлар, ҳақиқатан ҳам атомлардан иборат. Гарчанд атомлар антик даврдаги тасаввурлардан ўзгачароқ бўлиб чиққан бўлса ҳам, кейинчалик уларнинг бўлинувчанлиги тасдиқланган бўлса-да, моддий жисмларнинг атомлардан тузилганини бугун ҳеч ким рад этмайди.

XVII–XVIII а.ларга хос атомларнинг бўлинмаслиги тўғрисидаги механистик-метафизик қарашлар танқид қилинаётганда, атомларнинг бутунлиги ва уларнинг ҳақиқатан ҳам маълум шароитларда бўлинмаслиги эътибордан четда қолдирилади. Хус-н, бутун кимё фани шунга асосланган. Лекин, ушбу концепция амалиётнинг содда, оддий, муайян даражасига мос келади. Тажрибанинг бундай даражаси ва атомлар бўлинмаслиги тўғрисидаги тасаввурнинг мутлақлаштирилганлиги бошқа масала. «Барча жисмлар атомлардан ташкил топган, атомлар бўлинмасдир», деган Демокритча фикрда «маълум шароитларда» деган шарт акс этган эмас, балки қатъий равишда «атомлар барча ҳолатларда бўлинмасдир» дея қайд этилган. Фан тар-ётининг кейинги даврларида моддий жисмларнинг атомлардан ташкил топгани эмас, балки атомни «бўлинмас» деган хулоса нотўғри эканлиги исботланди.

Биз антик атомистик концепциянинг XVII–XVIII а.лардан XX а. бошига қараб ҳаракатини кўриб чиқар эканмиз, бу жараёнда объектив ҳақиқатнинг ҳақиқий характерга эга ахборотлар ҳажмининг ўсиб бориши ҳисобига кўпайиши б-н боғлиқ йўналиш мавжудлиги кўзга ташланади. Тўғри, юқорида келтирилган абсолют ҳақиқатни нисбий ҳақиқатлардан таркиб топиб борилишини аниқравшан кўрсатувчи схема баъзи тузатишларга муҳтож. Шундай экан, атомистик концепциядаги ҳақиқат ҳоз. замон атомистик концепцияларининг ҳақиқат мазмунига ҳам киради.

Кўриниб турибдики, илмий концепцияларга «ҳақиқат» ёки «хато» маъносида ёндашганда уларнинг мазмунини, акс этаётган моҳияти, ҳаётга мос келиши, тамойилларининг ўзаро мувофиқлигини эътиборга олиш лозим. Мабодо ана шундай мувофиқлик мавжуд бўлса ва муайян шароитларда амал қилса, бу бизнинг тўлиқ, ишончли ҳақиқий билим б-н иш кўраётганлигимизни англатади (худди Демокритнинг атомистик концепцияси сингари). Аслини олганда, гносеологик маънода, ҳар қандай концепциянинг ўзи ҳақиқат ва хатонинг бирлигидан иборат. Бунда неча фоиз ҳақиқат, қанча хато ва адашиш бўлганлиги фан ва амалиётнинг кейинги рив-ш даражаси н. назаридан аниқланади.

О.ҳ.нинг турли шакллари мавжуд. Улар инъикос эттирилаётган объектнинг характерига, воқелик турларига, объектни тўлиқ ўзлаштириш даражасига ва б.га кўра хилма-хил шаклларга бўлинади. Дастлаб инъикос эттирилаётган объектнинг характерига мурожаат қилайлик. Инсонни ўраб турган бутун воқелик, биринчи ёндашувдаёқ, моддийлик ва руҳдан, маъни-йликдан ташкил топган ягона тизим эканлиги аён бўлади. Бу тизимнинг биринчи жабҳаси ҳам, иккинчиси ҳам билиш жараёнида инсон инъикоси объектига айланади. Улар тўғрисида ахборот турли хил ҳақиқатларда ифодаланади. Микродунё, макродунё ва мегадунё элементлари ва системаларидан келаётган ахборотлар оқими предметли ҳақиқат деб номлаш мумкин бўлган ҳодисани вужудга келтиради. У кейинчалик физик, биологик ва б. ҳақиқат шаклларига ажралади.

Индивид томонидан ўзлаштириладиган объект тўғрисида у ёки бу хилдаги қараш, хулоса, концепциялар бўлиши мумкин. Диний ва табиий-илмий концепциялар ҳам улар қаторига киради. Индивид эътиқодининг у ёки бу диний ақидалар комплексига мослиги ёки нисбийлик наз-ясини бизнинг оламни тушунишимизга тўғри келиши, ш-дек, эволюциянинг ҳоз. замон синтетик наз-яси тўғрисидаги масалани эътироф қилиш ҳақиқатга тўғри келади. Уларнинг ҳар бирига нисбатан «ҳақиқийлик» т.сини қўллаш мумкин. Бу эса ўз навбатида концептуал ҳақиқат мавжудлигини эътироф этишга олиб боради. Субъектнинг билиш усуллари ва воситалари, мас., системали ёндашув, моделлаштириш методи ва б. тўғрисидаги тасаввурлар ҳам шунга ўхшаш ҳақиқий асосга эга. Бунда бизнинг олдимизда ҳақиқатнинг яна бир шакли – операционал ҳақиқат пайдо бўлади.

Қайд этилганлар б-н бирга инсоннинг билиш фаолияти турларига хос хус-ятлар б-н изоҳланувчи ҳақиқат шакллари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу асосда илмий, кундалик, ахлоқий ва б. ҳақиқат шакллари мавжудлигини эътироф этиш мумкин. Кундалик О.ҳ. б-н илмий ҳақиқат ўртасидаги фарқни кўрсатувчи қуйидаги мисолга эътибор беринг: «Қор фақат оқ рангда бўлади» деган хулоса ҳақиқат деб қабул қилинган. Бу ҳақиқат кундалик билимга киради. Илмий билиш орқали биз аввало ушбу хулосанинг сабабини аниқлаймиз. «Қор оқдир» деган хулосанинг кундалик билишдаги ҳақиқатнинг илмий асоси «Қорнинг оқлиги – қор томонидан нурнинг қайтиши натижасида инсоннинг кўриш рецепторларида рўй берадиган таъсирланиш эффектидир», деган фикрда ифодаланади. Бу фикр энди оддий кузатувни қайд этаётгани йўқ, балки илмий наз-ялар – нурларнинг физик наз-яси ва кўриш ҳисси физик наз-ялари натижаси ва хулосасидир. Кундалик ҳақиқатда эса ҳодисалар ва уларнинг ўзаро мун-ти оддийгина қайд этилган бўлади, холос. Лекин кундалик ҳақиқатлар ҳам жуда оддий эмас. Туз конларида ишловчилар тузнинг ўнлаб турини, узоқ Шарқда яшовчи халқлар эса қорнинг ўнлаб шаклларини ҳеч қийналмасдан ажрата оладилар, аммо биз буни била олмаймиз.

Шу маънода, О.ҳ.га эришиш учун муайян илмий мезонлар қўлланилади. Илмий ҳақиқатнинг барча белгилари ўзаро боғлиқ тарзда намоён бўлади. Фақат системали тарзда, ўзининг бир бутунлигида улар илмий ҳақиқатни рўёбга чиқара олади. Ана шу жиҳати б-н илмий ҳақиқат кундалик билиш ҳақиқатидан ёхуд бошқа билиш шаклларидан фарқ қилади. Амалий-кундалик билиш кундалик ҳаёт тажрибасига асосланади, унчалик исбот талаб қилмайдиган тамойил, қатъий талабларга жавоб бера олмайдиган баъзи индуктив қоидалардан вужудга келади. Илмий билимнинг дискурсивлиги (мантиқий асосланганлиги) т.си эса хулосаларнинг қатъий изчиллигига, аниқ қоидаларга таянади, ҳақиқатга эришувда ишонарли натижаларни шакллантиради. Ш.у. илмий билим субъектнинг ўз билими тўғрилигига ишончи б-н узвий алоқада намоён бўлади. Фан мантиқий асосланган, систематик боғлиқлик ва тартиблилик асосида намоён бўладиган далилларга эга бўлган ҳақиқатлар б-н иш юритади.

Фан доирасида О.ҳ.нинг турли кўринишлари ҳам мавжуд. Уни гносеологик категория сифатида мантиқий ҳақиқийликдан фарқлаш лозим. Формал мантиқда мантиқий ҳақиқийлик гапнинг формал-мантиқий тузилиши б-н изоҳланган ва мантиқ қонунлари талабларига кўра қабул қилинган ҳақиқийлигидир. Ҳуқуқшуносликда ҳақиқат ўзига хос тарзда хилма-хил шаклда, жам-т қонунларига мос фаолият, қонунга бўйсунадиган хатти-ҳаракат тарзида намоён бўлади. Тарихий фанларда ҳақиқат хус-ятлари ўзига хосдир. Тарихий ҳақиқатни англаш ва қадрлашга асосланган тарихий билишда мутлақо ўзига хос билиш ҳолати юзага келади. Яъни, тарихий ҳақиқатлар кишиларнинг ўтган фаолиятларининг инъикосидир. Лекин уларнинг ўзи тадқиқодчи ёки тарихчининг амалий фаолияти тизимига кирмайди ва бу ҳақиқатда шакл ўзгаришлари рўй бермайди.

Тарихий ҳақиқатлар вақт жиҳатидан ўзгармайди, уларни талқин қилишда турли ёндашувлар бўлиши мумкин. Гуманитар билишга хос ҳақиқат учун эса ақлий тушуниш б-н бирга эмоционал, инсоннинг оламга нисбатан қадриятли мун-тини чуқур англаш ва шу асосдаги ижт-й мазмунга эгалик катта аҳамиятга эга. Санъатдаги «бадиий ҳақиқат» т.сида ҳақиқатнинг икки қутблилиги ёрқин намоён бўлади. Бундай ҳақиқатни билиш ва интеллектуал мулоқотда доимий қўлланиладиган ҳақиқат шакли сифатида қаралса тўғри бўлади. Бир қатор бадиий а-рларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларда бадиий ҳақиқатнинг ҳақиқатлилик асоси мавжуд. У гўёки а-рнинг юзаки қатламидан кўра чуқурроқ қатламига жойлашган. Гарчи «юзакилик» ва «чуқурлик» ўртасидаги боғлиқликни ҳамма вақт ҳам аниқлаш осон бўлмаса-да, лекин унинг мавжудлиги аниқ. Аслида эса улардаги бундай алоқадорликни бадиий шаклда намойиш қилиши ва очиб бериши лозим бўлади.

Билиш наз-ясида нисбий ва мутлоқ О.ҳ. шакллари муҳим ўрин тутади. Абсолют ва нисбий ҳақиқатлар масаласи инсоният ривожининг маълум босқичида кишиларнинг билиш жиҳатидан мураккаб ташкил топган объектлар б-н алоқадор бўлган, ҳар қандай наз-ялар ушбу объектларни тугал англаш даъвосини қилишга қодир бўлмаган даврлардаги дунёқараш муаммоси сифатида юзага чиққан. Абсолют (мутлақ) ҳақиқат деганда ўз объектига айнан мос бўлган ва билишнинг кейинги тар-ёти давомида инкор этилмайдиган билим, хулоса ва ҳукмлар тушунилади.

Бундай ҳақиқат: а) ўрганилаётган объектларнинг умумий ва алоҳида томонларини аниқ-равшан билиш натижасидир; б) воқеликнинг муайян жиҳат ва хус-ятларини тугал билишдир; в) нисбий ҳақиқатнинг кейинги билиш жараёнида ҳам сақланиб қоладиган мазмунидир; г) олам, ундаги энг мураккаб системалар тўғрисида ҳеч қачон инкор қилинмайдиган тўлиқ билимдир.

**ОБЪЕКТИВЛИК** – ташқи оламдаги мавжуд предмет ва ҳодисаларни фал-й таҳлил қилиш, билиш жараёнида субъект хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда баён этиш. О. ташқи олам предмет ва ҳодисалари қандай бўлса, шундай баён қилишдир. Фанда холисликни ёқлаб чиқувчи қарашлар билиш жараёнининг мураккаблигидан келиб чиқувчи, ҳар қандай чекланишларни, бир томонламаликни инкор этишга қаратилгандир. Айникса, ижт-й воқеликни билишнинг ўзига хослиги бу масалани фал-й муаммо даражасига кўтарди. Ижт-й воқеликни билишда билувчи субъектнинг ижт-й-икт-й манфаатлар б-н боғланиб қолиши билишнинг объективлигига путур етказади. Марксча дунёқарашда О. даражасини синфий манфаатларга мос-

лик даражаси б-н айнийлаштириб, бу масалага ҳам синфий ёндашиш талаб этилган эди. Ижт-й воқеликни билишда объективлик масаласини неопозитивизм намояндалари, хус-н, Б. Рассель умуминсоний манфаатларга мос келишлик даражаси б-н ўлчаб, уни мезон қилиб олди. Бундай қарашлар XX а.нинг ўрталарида ижт-й воқеликка янгича ёндашиш кераклигини ижт-й заруратга айлантирди ва «Янгича фал-й тафаккур» ҳамда «Янгича сиёсий тафаккур» услубининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Табиий ва ижт-й воқеликни билиш жараёнида билувчи субъектнинг билим, қобилият ва имкониятлари, ҳоҳиш-иродаси ва у томонидан ҳимоя қилинаётган муайян ижт-й қатлам ва гуруҳлар манфаатлари бевосита иштирок этади. Уларсиз билиш жараёни амалга ошмайди. Демак, тадқиқотчи субъект воқеликни акс эттириш жараёнида кимлар номидан қатнашишига ҳамда у томонидан ҳимоя қилинаётган манфаатлар доирасининг кўламига қараб объективлик даражаси белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда билиш жараёни субъектнинг ақлий, ҳиссий имкониятлари, ҳоҳиш-иродаси ва у томондан ҳимоя қилинаётган манфаатлар доираси б-н боғлиқ субъектив жараён бўлиб, бу эса бевосита объективликни ўлчаш мезони бўлиб ҳам хизмат қилади.

**ОГАҲИЙ, Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли** (1809 – Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи – 1874) – ўзб. шоири, тарихнавис олим, таржимон. О. дунёқарашининг асосида диний ва ижт-й-фал-й хурфикрлиликни ўзига хос уйғунлаштириш, ғоявий манбаларнинг ижобий имкониятларидан фойдаланишга интилиш, реал ҳаётга, табиатга ва замонасининг маън-й оламига мурожаат ва мун-т ётади. Шу даврдаги кўплаб мад-т вакиллари сингари, О. дунёқараши ҳам дунёни диний билиш, воқеликни идрок этишда ислом динини дастлабки асос сифатида эътироф этишга асосланган эди.

Инсонпарварлик ғояси шоир ижодида катта ўрин тутади. О. ўзининг инсон концепциясида ақлни, илмни асосий фазилат сифатида таъкидлайди, у инсон ва жам-т шаклланиши ҳамда рив-шининг мезонидир. Шоир жам-тда меҳнатнинг ролини тушуниб етишга ҳаракат қилди, меҳнат фаолияти ижт-й-тарихий ва эстетик қадриятлар жабҳасида яратувчи куч сифатида майдонга чиқади. О.нинг эстетик қарашларида Шарқ аристотелизми, тасаввуф эстетикаси, Алишер Навоий мактаби анъаналарини юксак даражада мужассамлашган. Шоир фикрича, энг қимматли қадрият – бу инсонни улуғлашдир, инсон илоҳий асоснинг ердаги олий даражада намоён бўлиши, бу дунёнинг зийнатидир. О. устози Мунис бошлаб қўйган, аммо тамомлай олмаган тарихий «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт боғи») а-рини тугатди. Бундан ташқари, Хива хонлиги тарихига оид «Риёз уд-давла» («Саодат бўстонлари», 1844) «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар сараси», 1845), «Жомеъ ул-воқеоти Султоний» («Султонлик воқеалари тўплами», 1956), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол шоҳиди», 1874) каби а-рлар муаллифи.

О.нинг тарихий а-рлари материалларининг бойлиги, ишончлилиги ва баён қилиш услубининг равонлиги б-н ажралиб туради. О. 1872 й.да бадиий меросини жамлаб «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девонини тузди. О. ижодида таржимачилик фаолияти муҳим ўрин эгаллади. У жаҳон мад-тининг нодир дурдоналари ҳисобланган Саъдийнинг «Гулистон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Кайковуснинг «Қобуснома», Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» сингари бадиий, тарихий, ахлоқий, фал-й, дидактик а-рларни ўзб. тилига таржима қилди.

**ОГОҲЛИК** – жам-тда одоб-ахлоқ нормалари, ижт-й-сиёсий қоидаларнинг бузилмасдан уларга риоя қилинишида жам-т аъзоларидан жамтнинг кенг маънодаги барқарорлигини таъминлашда хушёрликни талаб этувчи кенг фал-й т.дир. О. фақат физиологик ва биологик хус-ятга эга бўлмасдан, у маън-й-мад-й аҳамиятга ҳам эга. Жам-тда мавжуд ижт-й-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши бевосита инсон онги, тафаккури б-н чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир шахс ўзининг жам-т олдидаги бурч ва масъулиятини ҳамда жам-тнинг моддий неъматларига эгалик ҳуқуқи мавжудлигини англаб, идрок этиши унда огоҳлик туйғусини шакллантиради.

О. жам-тнинг ҳар бир аъзосидан дастлаб унинг жам-т барқарорлиги, тинч ва осойишта ҳаётдан ҳар томонлама манфаатдорлик туйғусининг шаклланишида намоён бўлади. Ушбу манфаатдорликни англаган одам жам-тда ўз атрофида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга лоқайд қарай олмайди. Сабаби у ўзи лоқайдлигининг зарари қандай оқибатларга олиб келишини тушунади.

О. лоқайдликнинг аксидир. Мазкур ҳар иккала т. мазмун-моҳиятига кўра муҳим аҳамият касб этади. Огоҳлик жам-тда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг шарти сифатида намоён бўлса, лоқайдлик жам-тнинг таназзулига замин яратади.

Айникса кенг қамровли сиёсий-ижт-й ислоҳотларни бошидан кечираётган, сиёсий барқарорлигини таъминлаш йўлида фаолият юритаётган мам-тларда огоҳликка амал қилиниши ҳар томонлама ўзини оқлашига шубҳа йўқ. Аксинча, лоқайдлик эвазига бой берилган огоҳлик кейин қимматга тушиши мумкин.

**ОДАМГАРЧИЛИК** – юксак маън-й фазилатлардан бири бўлиб, беғараз ёрдам кўрсатиш, беминнат хизмат қилиш, инсоний бурчни адо этиш б-н боғлиқ хус-ятни ифодалайдиган т., Ш-дек, О. ўзаро мун-тларда меҳр-оқибат, шафқат, инсонпарварлик тамойилларининг намоён бўлишини англатадиган ахлоқий сифат ҳамдир. О. қадимий маън-й қадриятлардан бири, у азалдан ўзаро меҳр-шафқат, беғараз ёрдам, хайрия ишлари, саховат каби туйғуларда ёркин намоён бўлиб келган. Бироқ О. жам-т ва давлат манфаатларига зид, ноқонуний хатти-ҳаракатларга олиб келмаслиги керак.

О. шахслар хатти-ҳаракатида, турмуш тарзида, кундалик воқеа-ҳодисалар асносида кўринадиган фазилатлар – хайриҳоҳлик, ҳурмат-эҳтиром, ҳамдардлик, ишонч билдириш, олийжаноблик ва саховат кўрсатиш, ҳиммат, ўзгалар учун ҳаловатдан кеча олиш каби хус-ятларнинг мужассам ҳолатда намоён бўлишидан ташкил топади. Кишиларда О. хус-яти аста-секин, босқичма-босқич шаклланади. Одамийликни, О.ни ҳар қандай шахс, ҳар бир одам ўз хатти-ҳаракати, қилаётган иши, бажараётган вазифаси орқали ҳар куни, ҳар дақиқа намоён этиши мумкин.

Бундай ибратомуз хатти-ҳаракатлар, ижт-й мун-тлар О. деб аталмиш улуғ туйғуга уланади ва Ватан, эл-юрт, халқ манфаати, башариятнинг эзгулиги йўлида қилинаётган олийжаноб ҳамда беминнат хизматлар қаторидан жой олади. Ш.у. ҳазрат Алишер Навоий:

«Одамий эрсанг, демагил одами,
Оникм, йўқ халқ ғамидин ғами»,

деб О. туйғусининг қадр-қимматини юксак эҳтирос б-н куйлаган. О. фазилати жаҳолат, бағритошлик, шафқатсизлик, лоқайдлик каби иллатларга зид т. сифатида талқин қилинади. Инсонийлик қиёфасини йўқотган, ножўя юриш-туриши, ахлоқсизлиги туфайли назардан қолган кимсалар «одамгарчиликдан чиқди» деб баҳоланади, уятга қолади.

**ОДАМ АТО (а.с.)** – Қуръонга кўра, Аллоҳ томонидан яратилган Ер юзидаги биринчи одам ва инсон зотининг отаси. Аллоҳ О.А. (а.с.)ни лойдан ўзининг ердаги ўринбосари (халифа) сифатида яратиб, унга ўз руҳидан жон ато этган. О.А. (а.с.) Абул-башар (инсоният отаси) деб ҳам аталади. Исломда О.А. (а.с.) биринчи пайғамбар ҳисобланади. Аллоҳ О.А.

(а.с.)га барча нарсаларнинг номларини ўргатди ва бу б-н О.А. (а.с.)ни фаришталардан юқори қўйди (Бақара сураси, 32–33-оятлар) ва фаришталарга О.А. (а.с.)га бош эгиб сажда қилишни буюрди. Фақат Иблис сажда қилишдан бош тортди (Сод сураси, 73–78-оятлар). Иблис такаббурлиги ва саркашлиги туфайли жаннатдан қувилди. О.А. (а.с.) жуфти халоли Момо Ҳавво б-н жаннатда яшаб, уларга барча неъматлардан ейишга рухсат берилди, фақатгина бир дарахтнинг мевасидан ейиш тақиқланди (Аъроф сураси, 19–21-оятлар). Иблис О.А. (а.с.) б-н Момо Ҳаввони алдаб, тақиқланган дарахт мевасини едиради. Бунинг жазоси эвазига улар жаннатдан чиқарилиб, уларнинг авлодлари ерда яшашга ва меҳнат қилишга маҳкум этилади (Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўз-н миллий энциклопедияси», 2003).

**ОДАМ САВДОСИ** – инсонни жисмоний-маън-й жиҳатдан эксплуатация қилишга асосланган, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этадиган ва бутун жаҳонни ташвишга солаётган жиддий муаммолардан бири. Бу муаммо б-н шуғулланувчи мутахассислар ва экспертлар фикрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у жуда мураккаб ижт-й-хавфли характерга эга бўлиб, ҳалигача унинг дунё ҳамжам-тида умумэътироф этилган аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунда, агар огоҳ бўлмаса миллати, жинси, ёши, яшаб турган мам-тидан қатъи назар ҳар қандай фуқаро ушбу жиноят қурбони бўлиши, ундан азият чекиши мумкин ва ушбу жиноят ҳар доим одамларни эксплуатация қилиш, яъни меҳнатига ҳақ тўламаслик, жабрдийдага руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиш б-н боғлиқдир.

Европа мам-тларида одам савдосига қарши кураш кўпинча жабрдийдаларни аниқлашга йўналтирилган холос. БМТнинг маълумотларига кўра, дунёда ҳар й.и тахм. 900 мингдан 5 млн. нафаргача инсон одам савдосининг қурбонига айланмоқда, жумладан, уларнинг 600–800 минг атрофидагиси аёллар ва болалардир. Ушбу кабиҳ жиноят туфайли дунё бўйича й.ига млрд.лаб АҚШ доллари миқдоридаги пуллар ноқонуний айланади.

Бугун одам савдоси ва меҳнат миграцияси б-н Европа Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Ташкилоти маълумотига кўра, Европа мам-тлари чегарасидан й.ига 200 мингдан 500 минггача одам ўтмоқда. Бунда сотиб юборилган одамларнинг 60% ини аёллар, 40% ини эркаклар ташкил қилади. Бу одамлар Белиз, Бирма, Босния ва Герцеговина, Гаити, Греция, Грузия, Доминикан Республикаси, Хитой, Куба, Либерия, Судан, Суринам, Туркия ва М. О. фуқаролари ҳисобланади. Сотилган одамлар жам-тда ҳимояси энг кам таъминланган жамоадир. Сотилган аёлларнинг аксарияти танафурушлик, эркаклар куллик, болалар тиланчилик қилмоқда.

БМТнинг тегишли Бошқармаси (ЮНОДК) томонидан тайёрланган маълумотларига кўра, ҳозирда 127 та давлат фуқаролари орасида ушбу жиноятчилик қурбонига айланганлар бор, 137 та давлатда эса мазкур муаммо б-н боғлиқ жиноятлар қайд этилган. Айни пайтда, одам савдоси кўпроқ минтақавий характерга эга бўлмоқда. Хус-н, қурбонларнинг умумий сонига нисбатан 25%и минтақалараро одам савдоси жиноятчилиги қурбонлари бўлса, 27%и мам-тлар ичидаги одам савдоси муаммоси жабрдийдалари ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган й.лик даромад 60 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тайёрланган таҳлилий ҳисоботга кўра, одам савдосидан жабр кўрганлар орасида сўнгги й.ларда аёллар сони, жумладан уларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳолатлари кўпаймоқда. Хус-н, мажбурий меҳнатда бўлган жами қурбонлар орасида аёллар ва қизлар салмоғи 55%ини, жинсий эксплуатация қилинаётганлар орасида эса 98%ини ташкил қилмоқда.

Халқаро миграция ташкилотининг тадқиқот натижаларига кўра эса ушбу жиноятчилик қурбонлари орасида ташкилотдан ёрдам олганларнинг аксариятини, яъни 62%ини аёллар ташкил қилмоқда. Тадқиқотчилар кузатувларига кўра, кейинги й.ларда одам савдоси геогр.си ҳам кенгайиб бормоқда. Хус-н, олдинлари бундай муаммо кўпроқ Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мам-тларида кузатилган бўлса, ҳозирда шарқий Европа ва МДҲ, хус-н, М. О. мам-тларида ҳам бу борада сезиларли муаммолар кузатилмоқда. Тадқиқотчилар фикрича, дунё миқёсида одам савдоси б-н боғлиқ муаммоларнинг кучайишига «қулай муҳит» яратаётган омиллар асосан қуйидагилар: дунё иқтисодиётининг тобора глобаллашуви; меҳнат ресурслари мобиллигининг ошиши, жумладан, халқаро меҳнат миграциясининг кучайиши; дунёнинг кўпгина мам-тларида янги хизмат турларининг шаклланиши ва бу йўналишда меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши; инсон капиталининг интернет орқали тезкор ва назоратсиз ҳаракатланишининг кучайиши ва ҳ.к..

Маълумотларга кўра, шундай суд ишларида фақат 10–15 фоизгача жабрдийдаларнинг тегишли ҳуқуқлари бузилганлиги тан олинади ва уларга айрим ёрдам чоралари белгиланади, холос. Шу б-н бир қаторда, кўпгина реципиент мам-тларида одам савдоси қурбонлари жабрланувчи сифатида қаралмай, одатда улар депортация қилинадилар ва кўпинча одам савдоси қурбонларининг ўзлари ҳам ўз ҳолатларини яширишга уринадилар, фақат вазият ўта мураккаб бўлиб қолгандагина реципиент мамлакатлардан чиқиб кетиш йўлларини излашга тушадилар. Бу эса одам савдосига қарши кураш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Юзага келган вазиятни инобатга олиб, халқаро миқёсда одам савдосига қарши кураш борасида зарур норматив-ҳуқуқий база яратишга йўналтирилган фаолият олиб борилмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюцияси 2000 й. 15 ноябрда қабул қилинган. Ш-дек, «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, одам савдоси, айниқса аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам шундай ҳужжатлар сирасига киради. ЎзРда одам савдоси б-н боғлиқ жиноятлар трансмиллий характердалиги, яъни аксарият ҳолатларда бир неча давлат ҳудудида содир этилишини ҳисобга олган ҳолда бундай салбий уринишларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўз-нда одам савдоси жиноятчилигига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид қатор халқаро Конвенцияларни ратификация қилиш б-н бир қаторда, бу борада тегишли қонунчилик базаси ҳам шакллантирилди ва у такомиллаштириб борилмоқда. Ш-дек, ихтисослашган муассасалар ташкил қилинди. Жумладан, Ўз-н 2003 й. 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 й.да қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди. 2008 й.да эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколни ратификация қилди. 2008 й. 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» махсус Қонун қабул қилинди ва унда шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ҳамда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш қатъий белгиланди. Ш-дек, Жиноят Кодексининг 135-моддасига («Одам савдоси») ўзгартириш киритилди ва унда ушбу жиноятни содир этган шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари белгиланди; 2008 й. 8 июл-

да ЎзР Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

**ОДАТ** – маън-й ҳаёт ҳодисаси, инсонга хос хус-ят, кишилар фаолияти ва хулқ-атворини ижт-й тартибга солишнинг тарихан қарор топган шакли. Кўпинча жам-тдаги ижт-й ҳаётда ўхшаш вазиятларнинг такрорланиши О.лар шакли, хулқ-атвор стереотипларининг (бир қолипдаги меъёрлар) юзага чиқишига олиб келади. Булар О. тарзида кейинги авлодга мерос бўлиб ўтади. Жам-тнинг саноатлашувига қадар О. индивиднинг ижтйлашув воситаси бўлган.

О. технологик, ижт-й ва мад-й тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтишида муҳим аҳамият касб этади. О. ижт-й назорат, гуруҳий жипсликнинг муайян шаклини мустаҳкамлайди, диний, этник ва умумий барқарорликни таъминлайди. Технологик ва и.ч. малакалари (тегишли йўриқномада қайд этилмаганлари), ижт-й-сиёсий фаолият шакллари, оила-никоҳ, турмуш тарзи, одамларнинг ўзаро мунтлари, диний удум, маросимлар ҳам О. ҳисобланади. Жам-т рив-ши жараёнида янгича О.лар шаклланиб, айрим эски О.ларни четга суриши ёки уларга зид тарзда мавжуд бўлиши мумкин.

Ҳоз. шароитда О.нинг таъсир доираси торайган, чунки ижт-й мунтларни тартибга солиш омиллари сифатида ижт-й ин-тлар (давлат, ҳуқуқ, фан, ОАВ, таълим ва ҳ.к.) асосий ўрин эгалламоқда. О. эса ахлоқ, турмуш, фуқаровий удумлар, этник мад-т соҳасида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Психологияда О. индивид учун ўрганиш бўлиб қолган ва муайян вазиятда бажариш эҳтиёжига айланган хатти-ҳаракатдир.

О. стихияли тарзда шаклланиши, муайян тарбия маҳсули, феълатворнинг барқарор хус-ятига айланиши мумкин. О.нинг физиологик асоси динамик стереотип, яъни бош мия катта ярим шари пўстлоғидаги асаб тизимидир. О. фаолиятнинг турли соҳаларида (меҳнат, ўқув, спорт ва б.) вужудга келиб, инсон хаттиҳаракатининг барча томонларини (ахлоқ, билиш жараёни, мад-ймаиший турмуш ва б.)ни қамраб олади. О. фойдали (мас., эрталабки бадантарбия) ва зарарли (мас., чекиш) бўлиши мумкин. Фойдали О.лар шахс ижобий хислатларининг шаклланишига хизмат қилади. Мас., меҳнат қилиш О.и меҳнатсеварликни ривожлантиради. Аксинча, зарарли О.лар салбий хус-ятларни, мас., вақтни беҳуда ўтказиш О.и дангасаликни, ишни охирига етказмаслик О.и иродасизликни келтириб чиқаради. О. тусини олган хатти-ҳаракатлар кишига мустаҳкам сингиб, табиатининг фазилати ёки иллатига айланади. Ёшликдан ижобий О.ларни таркиб топтириб, салбий О.ларга қарши курашиш таълим-тарбиянинг муҳим вазифасидир.

**ОДДИЙ ҲУКМЛАР** – таркибида мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган ҳукм. Мантиқий эга – субъект (Э) фикр қилинаётган нарса ва ҳодисани билдиради. Мантиқий кесим – предикат (К)га хос хус-ятни, мун-тни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар ҳисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади. Ҳукмнинг учинчи зарурий элементи мантиқий боғламидир. У субъект ва предикатни бир-бири б-н боғлайди, натижада ҳукм ҳосил бўлади. Оддий қатъий ҳукмнинг формуласи қуйидагича ёзилади: Э–К.

**ОДДИЙЛИК** (араб. одатдагидек, одатга айланганлик; кундалик, меъёрийлик; соддалик) – 1) одатийлик, ҳар куни рўй берадиган, ўрганиш бўлиб қолганлик; 2) осонлик, унча мураккаб бўлмаганлик; жўнлик; 3) кўп қаторидан, б.дан алоҳида ажралиб турмаслик; 4) камтарлик, камсуқумлик белгиси. Халқимиз О.ни ҳамиша қадрлаб келган. У жам-тнинг барча табақа вакилларига хос хус-ят.

Кишининг О.ига қараб, унга баҳо берилган. Баъзан О.ни тўпорилик б-н аралаштириб юбориш ҳоллари учрайди. Тўпорилик ҳам О. каби баъзан ижобий хус-ят касб этади, лекин у айрим ҳолларда гўллик деб ҳам тушунилади.

О. кишининг энг яхши хус-яти сифатида улуғланади. Баъзан О. «ҳамият» т.си б-н муштарак ибора сифатида талқин этилади. Оддий одамда ҳамият бутун бўлиши табиий. Ҳамият – ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини б.нинг тажовузидан ҳимоя қилишга бўлган интилиш, ор-номусни пок сақлаш туйғуси. Бундай интилиш ва туйғуга эга бўлган киши ҳамиятли, оддий одам дейилади. Улар нопокликка бефарқ қараб туролмайди.

Аждодларимиз ҳам О.ни юксак хус-ят сифатида улуғлашганлар. Улар б.дан ажралиб турмаслик мақсадида оддий турмуш тарзини танлашган. Айниқса, сўфийлар ва сўфий шоирлар О.ни маъқул кўришган. Ш.у. халқимиз орасида «Буюклик – О.дадир» деган ҳикматли сўз пайдо бўлгани бежиз эмас. О. камтарлик ибораси б-н ҳам ўзаро муштарак. Камтар одам ўзининг оддий юриш-туриши, муомаласи, кийиниши, ўзини тутиши б-н бирга, б.ни ҳам О.га чорлайди.

**ОДОБ** (араб. адаб сўзининг кўплиги) – жам-тда эътироф этилган хулқ меъёри. У шахс маън-й ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалаб, ўзаро мун-тда, оила, меҳнат жамоасида намоён бўлади. О. асосини ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбиялanganлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ташкил этади. О. кишининг жамоада ўзини тутиши, одамлар б-н муомала қилиши, турмуш тарзи, бўш вақтини ташкил этиши, ички ва ташқи олами қандай бўлиши лозимлигига оид қоидаларни (мас., ор-номус, шарм-ҳаё, иффат, камтарлик, хушмуомалалик,) ўз ичига олади.

Инсоннинг диний эътиқоди унинг О.ли бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутади. О. биринчи навбатда, оила муҳитида, колаверса, таълимтарбия, ижт-й-фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади. О. – инсонни маън-й камолотга етказувчи жараён, у болаликдан шаклланади. Ёши улгайган сайин инсоннинг О. даражаси кенгайиб боради. У киши фаолиятини, маън-й етуклиги, маъ-ятини белгилайдиган мезон. О. «тарбияли» маъносини ҳам англатади. У таълим-тарбия маҳсули, ақл суянчиғи, барча фазилатлар ибтидоси ҳисобланади.

Доно халқимизда «Адаб бозорда сотилмас», «О. ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир», «О.и йўқнинг ақли йўқ», «О.сиз ақл, ақлсиз О. йўқ», «О.нинг миллати йўқ», «О.лига имон ҳамроҳ» каби нақлларнинг кенг тарқалиши бежиз эмас. Шундай экан, ақл ва О. бир-бирига боғлиқ, муштарак т.лардир. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у камол топади. «Ҳикматнома»да «Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказади», дейилади. Эндиликда ота-боболаримизнинг О.-ахлоқ ҳақидаги ўгитлари, нақл ва ривоятлари ёшлар қалбига маън-й қадриятларни сингдиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, О.лилик ва ахлоқийлик, эзгулик, инсонийлик каби маън-й қадриятлар шахс камолотида дастуруламал вазифасини ўтайди. Ота-онанинг яхши О.и фарзандларга ижобий таъсир қилади. Уларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилик, вазминлик, қадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради. О.ли бўлиш эл ўртасида О. сақлаш, насиҳатларга амал қилиш, инсоф, имонли бўлишнинг асосий омилидир. О. илм эгаллаш, бадиий, ахлоқий, шеърий а-рларни мутолаа қилиш асосида шаклланади. О.ли киши яхши амалларни одат қилади, қўни-қўшни, дўст-биродарлар, ота-оналар ҳурматини жойига қўяди, соф виждонли бўлади.

**ОЗОДЛИК** – мустақиллик, азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужас-

сам этади. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва ҳуррриятга интилиб яшайди. У қалбида ҳамиша ҳар жиҳатдан эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Ш.у. ҳам кишилик тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашнинг, шакли турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган ҳуррриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган.

Энг аввало шуни айтиш кераки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгги бир ярим а. мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик дунёга келади.

Жам-т ҳаётида шундай ҳодисалар юз бериши мумкинки, улар аста-секинлик б-н кундалик турмуш мавжларидан қудратли тўлқинларга, майин шабадалардан бўронлару шиддатли довулларга айланади. Бир юз уттиз й.лик мустамлакачилик даврида ўзлигини йўқотиб, ўтмишини унута бошлаган халқимиз руҳиятида бора-бора кучли пўртана рўй берди.

Маъ-ятнинг бекиёс мўъжизаси шундаки, у макон этган ҳар қандай юрак фақат эзгуликка интилиб яшайди. Мустақилликнинг маън-й қадрияти, тарихий қиймати худди ана шу мезон б-н ўлчанса, яна ва яна ошади. Унинг мам-тимиз халқи ҳаётида тутган ўрни яна ҳам қимматлироқ бўлади. Зотан, истиқлол даврида одамлар т.си, тафаккури тубдан ўзгарди. Юрт, Ватан, Миллат, Мустақиллик т.лари тобора улкан мазмун касб этди.

Бу ғоя инсоният тарихининг азалий йўлдоши, ўтмишдан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаётган эзгу қадриятни ифодалайди. Унинг мазмун-моҳиятини бир неча йўналишда талқин ва таҳлил қилиш мумкин. У ижт-й маънода – жам-т ҳаётининг қандайлиги ва қай тарзда ташкил этилганлигини, сиёсий маънода – мустақил ва эмин-эркин яшашни, иқт-й маънода – мулк ва моддий бойликларга барчанинг тенг эга бўлиш имкониятини, маън-й маънода – инсон ва жам-тнинг турли тазйиқлардан ҳолислиги, фикр, эътиқод, ва сўз эркинлигини англатади.

О. ғояси инсоният тарихида ўчмас ном қолдирган кўпгина алломалар, мутафаккирлар ҳаёти ва ижодининг мазмунини ташкил этган. Алишер Навоийнинг қуйидаги рубойиси бу ғоянинг асл моҳиятини акс эттиради: «Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш. Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш». О. ғоясини умуминсоний, миллий ва шахсий н. назарлардан ҳам талқин қилиш мумкин. Умуминсоний жиҳатдан, бу ғоя – бутун Ер юзида тар-ёт ва эркинлик учун курашаётган кишиларнинг музаффар байроғи, демократик жам-т ва давлатлар ҳаётининг устувор тамойилларидан бирини ифодалайди. Миллий жиҳатдан, у ҳар бир миллат ва халқнинг ўз мустақил тар-ёт йўли, ўз тақдирини ўзи белгилай олиши, миллий давлатчилигига эга бўлиши имкони борлигини англатади. Шахсий даражада озодлик – инсон ҳақ-ҳуқуқларининг руёбга чиқиши, унинг ижт-й-маън-й жиҳатдан эркинлигини билдиради. Бу ғоя миллий истиқлол мафкурасининг асосий т.ларидан бири – «Озод ва обод Ватан» иборасида ўз ифодасини топган.

**ОИЛА** – эр-хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар ва б. қариндошлар ўртасидаги мун-тларга асосланадиган кичик ижт-й гуруҳ; жам-тнинг асоси, давлат қудратининг манбаи. О.нинг ҳаёти моддий (биологик, хўжалик) ва маън-й (ахлоқий, ҳуқуқий, психологик) жараёнлар б-н характерланади.

О. – тарихий категория. Унинг шакллари ва функциялари мавжуд ижт-й мун-тлар характерига, ш-дек, жам-тнинг мад-й тар-ёти даражасига боғлиқ. Айни вақтда О. жам-т ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатади, қатор функциялар (бола туғиш, уй-рўзғорда меҳнат қилиш, хўжалик юритиш, ўз аъзоларининг жисмоний, эҳтиёжларини қондириш, ёш авлодни тарбиялаш маън-й ва ахлоқий-эстетик камолотига таъсир кўрсатиш)ни бажаради. Тадқиқотчилар энг қад. даврда тартибсиз жинсий алоқалар ҳукм сурган ва у вақтда О. ҳали бўлмаган, бу алоқалар ўрнини группавий никоҳ эгаллаган, жуфт О. пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Моногомия (бир никоҳли оила)нинг қарор топиши б-н аёллар эркаклар томонидан асоратга солинган. Аёл аста-секин ўз эрихўжайинининг мулкига, қулига айлана борган. Бойлик орттириш ва уни қонуний ворисларга бериш О.нинг асосий мақсади бўлиб қолган. М. О.да кенг тарқалган қад. зардуштийликда О. ва никоҳ масаласига муҳим аҳамият берилган. О. ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш тақиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлиги, яъни бузуқчилиги содир этилса, ундай кишилар таёқ б-н жазоланган. Шу орқали О. мустаҳкамлиги учун курашганлар.

О. инсон яшаши учун қулай шароит яратиб берувчи, унинг турли эҳтиёжларини қондирувчи макон, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

О. – икки жинсга мансуб кишиларнинг – эркак ва аёлнинг ўзаро тенглиги, муҳаббати, бир-бирларини англаган ҳолда, биргаликда яшаши, авлодларни мунтазам янгилаб турадиган, энг муҳими уни иқт-й, маън-й, ахлоқий жиҳатдан, мукаммаллаштириш йўлида, ҳамкорликда, қилинадиган ҳаракат ҳосиласидир. О.нинг энг муҳим ижт-й вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. О.нинг репродуктив вазифаси – унда фарзандларнинг туғилиши, жам-тда аҳолининг янгиланиб турилиши; 2. О.нинг тарбиявий вазифаси – ёш авлодни жисмоний соғлом, маън-й баркамол, ахлоқий пок этиб тарбиялаш орқали, ёшларни ижт-йлаштириш, жам-тнинг мад-й жиҳатдан, узлуксизлигини таъминлаш; 3. О. хўжалигини юритиш вазифаси – яшаш жойига эга бўлиш, унинг шароитини яхшилаш, оила хўжалигини тебратиш; 4. О.нинг иқт-й вазифаси – оила аъзоларининг яшашлари учун зарур бўлган анжом ва техника б-н таъминлаш, уларни кийим, озиқ-овқат, билим олиши ва ихтисосга эга бўлиши, ўз истеъдод ва имкониятларини руёбга чиқариши учун иқт-й шарт-шароит яратиш. Ш-дек, меҳнатга яроқсиз оила аъзоларини, вояга етмаган болалар, қарияларни моддий жиҳатдан таъминлаш; 5. О.нинг ижт-й вазифаси – оила аъзоларининг хулқ-атворини, ахлоқини назорат қилиш, ш-дек, эр-хотиннинг оила ва жам-т олдидаги масъулияти, фарзандларнинг ота-оналар, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги вазифасини англаш; 6. О. аъзоларининг маънавиятини юксалтириш; 7. О. аъзоларининг оиладаги мавқеларини эгаллашлари учун имконият яратиб бериш; 8. О. аъзоларининг дам олишларини ташкил этиш; 9. О.нинг эмоционал вазифаси – оила аъзоларининг бир-бири б-н меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳис-туйғуларини тарбиялаш; 10. О.нинг жинсий тарбияга оид вазифаси – эр-хотиннинг жинсий эҳтиёжларини қондириш, ўғил ва қизларга, жинсига қараб, тарбия бериш, уларни ҳаётга тайёрлаб бориш. Оила мана шу вазифаларни тўла бажаргандагина, у барқарор бўлади, такомиллашиб боради ва жам-т тараққиётига ижобий таъсир қилади. Бу барча оила аъзоларининг оилада ва жам-тда ўз мавқеини эгаллашлари, истеъдод ва қобилиятларини руёбга чиқаришларига имконият туғдиради.

О. б-н боғлиқ ғоя ва қарашларда унга нисбатан мун-тларга доир анъаналар намоён бўлади. Шарқда қадимдан О. муқаддас Ватан ҳисобланган. Унинг мустаҳкамлигининг дарз ке-

тишига йўл қўймаганлар. Ш-дек, «Авесто»да наслнинг поклики, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган. Қариндош-уруғ, ака-уканинг қуда-анда бўлиши қораланган. Ўз-н Республикаси мустақилликка эришгач, О.га бўлган эътибор янада ошди. О. фуқаролик жам-тининг, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси, зарраси, бўгини. О. уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни, болалар тарбиясини ўз ичига олади. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари ҳисобланади. О. поклик ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак, О. мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина жам-тда барқарорлик вужудга келади.

**ОИЛА АХЛОҚИ** – оила мад-ти, маъ-яти. О.а. миллий ахлоқий қадриятларнинг муҳим жиҳатларидан бири. Халқимиз жуда қадим замонлардаёқ оилани муқаддас ҳисоблаб келганлар. Оилавий мун-тларга асос бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари ҳоз. диний меъёрлар келиб чиқмасдан олдин шаклланган. О.а. ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ меъёрларининг энг қадимийси ва энг муҳими бўлган. О.а. эр ва хотин ўртасидаги мун-тигина ифодаламай, болалар учун ҳам етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезони бўлган. Бинобарин, маън-й бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш илк бор оилада амалга оширилади. Кишига бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар – эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидойилик, садоқат, мардликдан иборатдир.

Шўролар давридаги оиладаги миллий ахлоқий фазилатларнинг роли камситилиб, асосан Ғарб турмуш тарзи, тарбия усуллари тарғиб қилиниши оқибатида ўз заминидан узилган миллий тарбия жараёнида маън-й бўшлиқ юзага келди. Оқибатда оилавий мун-тлардаги номутаносибликлар, айрим ота-оналарнинг ўзбекона миллий ахлоқий қадриятлардан чекиниши, оилавий жанжал, можаролар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатди. Ваҳоланки, ўзбек оиласи ўзининг анъана ва тарихига биноан фарзандларини миллий фаросат ва нафосат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялаб келганлар. Мас., Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги асосий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, муомала мад-тидаги нозокат, меҳр-оқибатлилик, меҳмондўстлик, имонлилик, эътиқодлилик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар ўзбекона, миллий инсоф, раҳм-шафқат каби хислатлар оилада шаклланади. Оила ёшларни ахлоқли, одобли, ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол ва самимий бўлиб вояга етишлари учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси боланинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутади.

Маълумки, ўзб. халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги б-н ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли б-н, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маъ-ят асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жам-т учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар б-н яшайди. Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк б-н белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жам-тнинг энг катта бойлигидир («Юксак маъ-ят – енгилмас куч», 55–56-б.).

Демак, бола оилада жам-тнинг, миллатнинг қиёфасини кўради, бўлажак фуқаронинг табиати, дунёқараши ва миллий ахлоқий қиёфаси оилада шаклланади, ҳамда шу асосда камол топиб боради. Бола учун оиладаги соғлом ижт-й-руҳий муҳит умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар манбаидир. Ўз-н миллий истиқлолга эришгач, оилада миллий-ахлоқий фазилатларни камол топтиришга алоҳида эътибор берила бошлади. Президентимиз таъкидлаганидек оилага эътиборимизни тубдан ўзгартиришга имконият туғилиб, бой берилган вақтимизни сарҳисоб этиш, ўзб. оиласига хос фазилатларни тиклаш даври бошланди. 1998 й.нинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва ҳоз. даврда ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматимиз қарор ва тадбирлари фикримизнинг яққол исботи, ахлоқнинг намунаси дейиш мумкин.

О.а. ҳар бир оила аъзосининг маън-й қиёфаси орқали бир-бирини тушунишидир. О.а. оиланинг шону шарафи, ғурури, бурч ва вазифаларини кўрсатиб берувчи мезондир. Оилада покиза насл-насаб туйғуси ва у б-н фахрланиш – пировард оқибатида ватанпарварлик, халқпарварлик ифтихорини юзага келтиради, натижада оилада ўзаро ҳурмат, қатъий интизом асосида барча аъзоларнинг ўз бурч ва вазифаларини адо этишлари, бир-бирларига нисбатан эзгулик ва меҳр-оқибат кўрсатишлари анъанага айланиб борган. «Насл» ва «насиба» деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади. Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Аллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва гўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур (Юксак маънавият – енгилмас куч. 56-б.).

Шарқона қадриятларга, ахлоққа асосланган ўзб. оилаларида ўз шахсий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғлари ва яқин одамларига, қўни-қўшниларига ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўйилиши – олий даражадаги қадрият бўлиб, оилани ташқи муҳит б-н боғлашга ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади. Оила интизоми – жам-т ва давлат интизомининг сарчашмаси. Оилада интизом туйғуси шаклланган киши давлат ва жам-т ишида ҳам шу туйғу соҳиби сифатида хизмат қилади, давлат қонунларига чап беришни хаёлига ҳам келтирмайди, ҳар бир ишни ўз жойида ва ўз вақтида белгилаб, тартиб асосида бажаради. Бундай интизом ва тартиб бугун халқ ва миллатнинг шарафига айланади. Айтайлик, немис ва японларга хос интизомнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиш сабаби ҳам ана шунда.

Абдурауф Фитрат бундай интизомлиликнинг ижт-й моҳиятини таърифлаб, ўзининг «Оила ва оила бошқариш тартиблари» а-рида шундай ёзган эди: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила мун-ти кучли интизомга таянса, мам-т ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади».

О.а. тўғри йўлга қўйилиши, оилавий тартиб-интизом муаммолари унинг ҳуқуқий вазифаларини белгилайди. Бунда энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига хос ахлоқ ва шу асосдаги ички интизом мад-ти, ўз бурчи ва масъулиятини англаш б-н бирга улар оилавий муҳитда ўз ўрнини белгилай олиши, оилавий мун-тларини ҳурмат қила билиши, оила ижт-й имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, оила манфаатдорлигини таъминлашга инти-

лиши, оила шаънини шарафлаши лозим бўлади.

О.а. ва маъ-яти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса – жам-т ҳам шу қадар бой бўлади, оила маъ-ятида жам-т маън-й олами тожаллий топган бўлади. У ёки бу халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам аслида шу маъ-ятида жилоланиб туради. О.а. – миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг миллий асослари ҳам шунда. О.а.нинг юксак маън-й жиҳатдан шаклланиши мам-тимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жам-т қуриш гаровидир.

**«ОИЛА ЁКИ ОИЛА БОШҚАРИШ ТАРТИБЛАРИ»** – машҳур жадид Абдурауф Фитрат (1884–1938) томонидан 1914 й. ёзилган а-р; Туркистон маърифатчилари ахлоқшунослигида том маънода алоҳида ўрин тутадиган китоб. Аввало, шуни айтиш кераккн, дея таъкидлайди А. Шер, «Оила» ўзгача бир шиддатли услуб б-н ёзилган. Унда ҳам танқидий руҳ, ҳам даъват руҳи кучли. Фитрат она Туркистонни озод кўришни истайди, бунинг учун ҳар бир туркистонлик оила ахлоқ, аъмол ва эрк ўчоғи бўлмоғи лозим. Мутафаккир янги оилани ана шу тартибда қуришга даъват этади. Ҳар жиҳатдан соғлом бўлган оила етиштирган фарзандларгина миллатни юксакка кўтара олишини, уни истибдоддан қутқаришини айтади: «Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Лекин ана шу қурол-аслаҳамиз синиб, занг босиб, чириб кетган. Шундай қуроллар б-н бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат бор...», – дейди алам б-н аллома (А.Фитрат «Оила». – Т., Маъ-ят, 1998, 60-б.).

Ватанпарварлик ва миллатпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, муаллиф китобнинг биринчи қисмига, маълум маънода меъёрий дастуруламал тарзида тартиб беради. Ундан ҳар бир янги оила қурмоқчи бўлган туркистонлик кичик ҳажмдаги ахлоқий-маиший, гигиеник-саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин эди. Бундан ташқари, а-рда оиланинг моддий томонлари, ташкил топгандан бошлаб бузилишигача бўлган ҳолатларнинг ахлоқий асослари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Китобнинг иккинчи қисми фарзанд тарбияси мавзусига бағишланган. Фитрат ҳам тарбияни анъанавий йўналишда талқин этади: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Ана шу уч тарбия уйғунлигида ҳақиқий инсон камол топади, деб ҳисоблайди муаллиф. Китобнинг бу қисмида Фитрат, маълум маънода, ўзига хос ахлоқий тарбия наз-ясини тақдим қилади. У ихтиёр эркинлиги муаммосини майл т.си орқали ўртага ташлайди: бахт майли, фаолият майли, алоқа майли, б.га меҳр-муҳаббат майли ва ҳ.к.. Буларнинг ҳаммасида ҳам инсонни жам-т аъзоси сифатида, ижт-й мавжудот сифатида олиб қарайди.

Ш-дек, аллома иззат-нафс, айниқса ирода масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. «Ирода ва ихтиёр» сарлавҳаси остидаги кичик бобда Фитрат фарзандни иродали қилиб тарбиялашга даъват этади, ирода тарбиясининг тўрт банддан иборат қоида-босқичларини таклиф этади. Болани иродали қилиб тарбиялашда ота-онанинг зўри эмас, балки болага бериладиган муайян эркинлик муҳим эканини таъкидлайди. «Ота-оналарнинг ҳақ-ҳуқуқлари» бобида ҳам балоғатга етган фарзанднинг эркинлик даражаси ҳақида фикр юритилади.

Умуман, «О...» китобида амалий ахлоқ б-н ахлоқ наз-ясн муаммолари уйғунлашиб кетган. Лекин унда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговар чорлов услуби устун. Фитрат учун юксак ахлоқийлик эрк ва эрксеварлик б-н мустаҳкам боғлиқ; Туркистон ва туркистонликни озод кўриш, яъни миллий мустақиллик мафкураси китобнинг руҳига сингдириб юборилган. Уни ўқиган киши нафақат ахлоқий фазилатлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис мутафаккир-жадид Фитратнинг «О...» а-ри Туркистон миллий уйғонишида бениҳоя катта роль ўйнади, дейиш мумкин. Айни пайтда у ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ажойиб ахлоқий-маър-й рисола сифатида алоҳида эътиборга молик.

**ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАР** – оила пайдо бўлиши б-н вужудга келган, у б-н бирга ўзгарган ва ривож топган анъана шакли. О.а. ҳар бир халққа хос ва мосдир. Тарихий тар-ёт жараёнида замон талабига жавоб бермаган оилавий одат, маросимлар унутилган, улар ўрнини эса оила эҳтиёжларини қониқтирадиган янги маросимлар эгаллаган.

Ўзбек халқининг оилавий маросимлари ҳам тарихий зурурият асосида вужудга келган ва замон чиғириқларидан ўтиб, муҳим маън-й қадрият сифатида равнақ топган. Шўролар даврида асосий эътибор умумдавлат ишларига қаратилди. Шахс ва оила эҳтиёжлари эса диққат марказидан тушиб қолди. Жумладан, катта давлат байрамлари биринчи даражали, оилавий-маиший байрамлар иккинчи даражали бўлиб қолди. Халқнинг а.лар мобайнида тўпланган бебаҳо бойлиги – шахс ва оила ҳаёти б-н боғлиқ маросим ва байрамлар унутила борди.

Ҳоз. пайтда жам-тимиз олдида шахс, оила турмуш тарзини яхшилаш ва у б-н боғлиқ оилавий анъаналар, урф-о.лар, маросимларга эътибор қаратиш муҳим муаммо бўлиб турибди. Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оилавий маросимлари шўролар даврида жиддий тўсиқларга учраган бўлса ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг улар қайта тиклана бошлади. Бу анъана, урф-о. ва маросимлар тўғрисида қатор китоблар чоп этилди. О.а. халқ маъ-ятининг таркибий қисми, муҳим ахлоқий қадрияти, таъсирчан тарбия воситаси саналади. Оилавий маросимлар жараёнида намоён бўладиган ахлоқ-одоб, меҳр-оқибат каби хислатлар ёшлар маъ-яти шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Халқ анъаналари қадрланадиган оилаларда тарбия топган ёшлар ибратли ахлоқи б-н б.дан ажралиб туради. Шу боис халқ анъаналари ва оилавий урф-о.лар ёрдамида ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Фарзанднинг туғилган куни, унга исм қўйиш, боланинг илк қадам босиши, ўғил-қизнинг биринчи бор мактабга бориши, мактабни битириши, никоҳ тўйи, кумуш, олтин ва олмос тўйлари, нафақага кузатиш кабиларни тантанали тарзда нишонлаш инсон ҳаётида ижт-й характерга эга бўлган кўпгина ҳаяжонли ҳодисалар ҳам юз берадики, улар ҳам байрамона ёки тантанали кайфият яратади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртига кириб, талаба бўлиш, уни тугатиш, ишга кириш, 40, 50, 60, 70, 80 ёшини нишонлаш маросимлари киши ҳаётида шундай воқеалар сирасига киради. Инсонларнинг қувонч ва қайғусини атрофдаги кишиларга маълум қилиш инсонлар ўртасида ҳамжиҳатлик қарор топишига сабаб бўлади. Фарзанднинг дунёга келиши ҳар бир оила учун қувонч бағишловчи ҳолатлардан биридир. Оила аъзолари чақалоқ туғилганини қариндош-уруғлари, ёру дўстларига хабар қилгани боришган. Улар эса бу қувончли хабар учун суюнчи беришган. Чақалоққа ота-онаси, қариндош-уруғлари чиройли исм танлашади. Чақалоқни дунёга келиши тантанали ва қувончли оилавий байрам сифатида нишонланади. Никоҳ тўйлари кумуш ва олтин тўйлар ва б., О.а. оилавий байрамлар сирасига киради.

Оилавий маросимлар кишилик жам-ти мад-тининг таркибий қисми саналади. Шу боисдан уларда инсонларга хос бўлган ахлоқ меъёрлари акс этади. Мам-тимизда соғлом турмуш тарзи қарор топаётгани сари шахс ва оила ҳаёти б-н боғлиқ илғор анъаналар шаклланиб, табора такомиллашиб бормоқда. Оилавий анъаналарни, оила ҳаётидаги муҳим босқичларни, воқеа ва саналарни байрам тарзида нишонлаш муҳим ижт-й-мад-й ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган,

халқ турмуш тарзини такомиллаштирадиган восита ҳисобланади. Ажproduced by dodlarmiz асраб-авайлаб келган урф-о.ларимизни, шарқона одобимизни, О.а.имизни асраб-авайлаб, келгуси авлодга етказиш муқаддас бурчимиздир.

**ОИЛАВИЙ НИЗО** – оила муҳитидаги зиддият, муайян оила аъзолари орасидаги кескин ижт-й вазият. О.н. турли оилавий гуруҳлар (биринчи галда эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, эр-хотинларнинг ота-оналари ўртасида, камдан-кам ҳолда қариндошлар) ўртасида юзага келади. Оила тузилмасининг ўзи турли ёшдаги ва жинсдаги кишиларни бирлаштиради ва низо чиқиши эҳтимоли мавжуд бўлади.

О.н. ва бундай кескинлашаётган зиддиятга (эр-хотинлар ўртасидаги мун-тлар) бир-бирини тушунмаслик (ёки ҳатто тушунишга ҳаракат қилмаслик) сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, умр йўлдошларидан ҳар бири қандай ўринда бўлиши ва бунга руҳан тайёрлиги қандайлигини тушунмаслик сабаб бўлади. Болалар ва ота-оналар ўртасидаги низо болаларнинг катталар таъсиридан қутулишга интилиши ёки ўзини ёлғиз ҳис этиш, оилада ортиқчалигини тушуниб етиши б-н ҳам боғлиқ. О.н. ижт-й ходимлар томонидан алоҳида эътиборни ва нозокатни ҳамда мутахассислар – психологлар, юристлар, врачларни жалб этишни талаб қилади.

**ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ** – бола ривжи учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган, уни ижт-й ҳаётга тайёрлашга, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган оила фаолияти. О.т. боланинг туғилган куниданоқ бошланади ва уларнинг тўла мустақил, индивидуал ва ўзига хос бўлгунича узлуксиз давом этади. Ота-оналар ва оиланинг ёши катта аъзолари томонидан амалга оширилади.

О.т.да муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан оилада ҳам ота, ҳам онанинг бўлиши, уларнинг О.т.да бирдамлик ва тенгликка эришиши, куч-ғайратларини бирлаштиришига боғлиқ. О.т. эмоционал асосга қурилади, чунки тарбиячилар боланинг энг яқин кишилари. Бошқа кишиларга эҳтиёж, ўзгаларни севиш эҳтиёжига асосланади. О.т. асосий йўналишларидан бири – боланинг хушхулқ бўлишига ўргатиш. О.т.ни мажбурлаш асосида қуриб бўлмайди, муҳими бола ундан сўралаётганини ўзи хоҳлаб бажаришидир. «Ҳақиқий тарбиячи болани «тизгинламайди», балки эркин қўяди; камситмайди, аксинча рағбатлантиради; уни «ясамайди», балки шакллантиради; амр этмайди, балки ўргатади; талаб қилмайди, балки сўрайди» (Я. Корчак).

О.т. жараёнида болани шахс сифатида шакллантириш асосан икки йўл б-н амалга оширилади: оила турмуш тарзининг таъсири остида ва ота-оналарнинг махсус тарбиявий таъсир ўтказиши натижасида. О.т.да ота-оналарнинг обрўйи катта аҳамиятга эгадир. Бунга эришиш учун улар аввало ўзлари тарбияланган бўлишлари, доимо ўзларини комиллаштириб боришлари, ўзгаларга меҳрибонлик, атрофдагиларга адолатли мун-тни ҳамиша тарбиялаб такомиллаштиришлари туфайли обрў-эътибор қозонишлари талаб этилади. Болаларда тақлид қилишликка рағбатни уйғотувчи катта ёшдаги оила аъзоларининг намунаси О.т.даги энг таъсирчан омиллардан биридир. О.т.дан мақсад болада ўзи ҳақидаги ва атроф-олам ҳақидаги билимларни кучайтиришдан, ш-дек, унда ўзига хос феъл-атворни шакллантириш, иродасини чиниқтириш, қобилиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, маън-й комилликка эриштиришдан иборатдир. О.т.нинг тугал мақсади – боладан комил инсонни етиштиришдир. Буни амалга ошириш жисмоний, ахлоқий-маън-й, меҳнат ва эстетик тарбияни ўз ичига олади. Жисмоний ва руҳий қонуниятларни яхши билмай туриб, О.т. мақсадига эришиб бўлмайди, зеро, бола мана шулар асосда ривожланади. Бу қонунларнинг табиий ва ижт-й сабабларини тушунмаслик О.т.дан кутилган мақсадни юзага чиқмаслигига сабаб бўлади.

**«ОИНАЙЕ ГИТИНАМО»** («Дунёни акс эттирувчи кўзгу») – ўрта а.ларнинг машҳур олими, астроном ва файласуф, илмий адабиётларга Мир Саййид Шариф номи б-н кирган Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳусайний Журжонийнинг (1339, Эрон, Журжон вилояти маркази Астробод шаҳри яқинидаги Тоғу қишлоғи – 1413, Шероз) беш бобдан иборат а-ри. Ундан кўринадики, Журжоний дунёқараши, ўзидан олдин ўтган салафлардек, ўрта а.лардаги бутун фал-й масалаларни, чунончи, борлиқ ҳақидаги таълимот, коинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хус-ятлари, жисмоний ва руҳий мун-тлар, билиш муаммолари, мантиқий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқалари ва б.ни ўз ичига олади. У коинот, инсон ва ақлни қамраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини яратишга ҳаракат қилди. Унинг ақидасига хос бўлган нарса борлиқ манзарасини босқичма-босқич тартибда тушунтиришдан иборат эди.

«О. Г.» рисоласининг биринчи боби «вожиб ул-вужуд» ва «мумкин ул-вужуд» мавжуд эканлигини асослашга бағишланган. А-рда бунга шундай таъриф берилади: «Йўқ бўлиши мумкин бўлмаган, бор бўлиши эса зарур бўлган нарса «вожиб ул-вужуд», деб аталади. Мас., Холиқнинг ўзлиги каби т.. Борлиги ҳам, йўқлиги ҳам зарур бўлмаган нарса эса мумкин ул-вужуд деб аталади». Муаллиф фикрича, «вожиб ул-вужуд» – Худо бўлиб, «мумкин ул-вужуд» – моддий оламдир. У борлиқнинг биринчи сабаби сифатида «вожиб ул-вужуд»ни, яъни Худонинг борлигини тан олади. Унингча, «мумкин ул-вужуд» ўзининг бор бўлиши учун қандайдир тарзда бўлса ҳам, бирор-бир сабабга эҳтиёж сезади. У бирор-бир нарса туфайли, яъни биринчи сабаб моҳиятига кўра, «мумкин ул-вужуд» даражасига кўтарилади.

А-р ғояси бўйича, ҳамма жисмлар бир-бирига бўлган ўзаро мун-тда сабаб-оқибат нисбатида бўладилар. Бу борада рисолада шундай ёзилган: «Бор бўлишга имкони бор нарса икки таркибий қисмдан – субстанция ва акциденциядан, яъни туб моҳият ва тасодифий ҳолдан ёки ҳодисадан ташкил топади. Агар мавжуд бўлишга имкони бўлган нарса ўз мавжудлиги учун жойга эҳтиёж сезмаса, унда уни туб моҳият деб, агарда унга эҳтиёж сезса, ҳодиса деб аталади. Туб моҳият беш хил бўлиши мумкин. Агарда бирор-бир туб моҳият, бошқа жойда бирор нарса ўрнида қарор топган бўлса, у жойлашган ўша жой – модда деб, ҳолат эса шакл деб аталади. Агар у ўз ичига ҳолат ва жойни олган бўлса, у жисм деб номланади. Агар туб моҳият бу айтилган уч нарсани ўз ичига олмаса, у айирувчи – субстанция деб аталади. Агарда шу айирувчи туб моҳият жисмга эга бўлса, у ҳолда унинг ўзгарувчи қисми – руҳ деб аталади. Бу жисмлардаги ўзгармайдиган нарса ақл деб аталади. Агарда ушбу ақл бевосита «вожиб ул-вужуд»дан келиб чиққан бўлса, у бошланғич онг ёки умумий ақл, деб аталади».

А-рда диалектик ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, муаллиф фикрича, холи бўлган бўш жой йўқ ва самовий гумбаз буюк доирадир. У барча жисмларни қамраб олган бўлиб, моддий дунёни чегаралаб туради. Аммо у бўшлиқ эмас, чунки уни моддадан ташқарида бўлган т. ёки бирор ўлчов б-н тушунтириб бўлмайди. Бундан ташқари бир-бири б-н ўзаро ёпишиб, айни вақтда бошқа жисм б-н ҳам боғланиб турган нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир атрофдаги дунё, ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг кетидан юқоридагидек тартибда жойлашиши лозим, чунки бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Мана шундай жисмлар, унсурлар, самовий доиралар, бутун сайёралар ва моддий бўлакчаларнинг таркибий мажмуаси олам, деб аталади.

«О. Г.»да табиатдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз келиб чиқмайди, деб таъкидланади. Ҳамма мавжуд ашёларда-

ги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар фақат макон ва замондагина рўй беради. А-рда Журжоний дунёқарашига хос хус-ят, унинг бутун борлиқни бир-бирига қонуний равишда боғланган бўлакчалардан иборат ягона тана сифатида таърифлаш яққол кўринади. Муаллиф фикрича, моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур, яъни олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади. Уч унсурдан иборат бошқа жисмлар, яъни металлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар эса, юқорида айтилган тўрт унсурнинг бир-бирлари б-н қоришишининг ҳосиласи сифатида келиб чиққандир. Тўрт унсур доимо ҳаракатда эканлигидан ўзгарувчан бўлиб, бири иккинчисига айланиб қолиши мумкин. Ҳаво сувга, сув тупроққа ва ҳ.к..

Бу фикр «О.Г.»даги ана шу мавзу ҳақидаги хулосани ифодалайди ва алломанинг XII–XIII а.ларда Хоразмда яшаб ўтган Маҳмуд Чағминийнинг астрономияга оид а-рларига ёзган «Шарҳе мулаҳҳас ал-ҳайа» («Астрономияга оид сайланмага шарҳ») ва Насриддин Тусий а-рига бағишланган «Шарҳе тазкират-ул Насирийат» («Астрономия ҳақида эслатмага шарҳ») а-рларидаги ғояларига ҳамоҳанг маънони ифодалайди. «О.Г.» а-ри ўз даврида машҳур бўлган ва кейинги фал-й фикр тар-ётига сезиларли таъсир кўрсатган (ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. Қўлёзмалар фонди: «Оинайе Гитинамо», 2984-рақамли қўлёзма;. ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. Қўлёзмалар фонди: «Шарҳе мулаҳҳас ал-ҳайа Чағминий», 2655-рақамли қўлёзма).

**ОЙБЕК, Мусо Тошмуҳаммад ўғли** (1905.10.01 – Тошкент – 1968.1.07) – хассос шоир, файласуф ёзувчи, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби. ЎзФА акад. (1943), ўзб. халқ ёзувчиси (1965). Дастлаб Оқ масжид маҳалласидаги эски мактабда (1911–17) сўнг Мунавварқори Абдурашидхонов ташкил этган «Намуна» мактабида (1918–21) бошлангич маълумот олгандан кейин Навоий номли техникум-интернати (1921–25), Тошкент ун-ти ижт-й фанлар факультетида ўқиган (1925–1930). Аввал ўрта мактаб, техникум ва ишчилар ф-тлари (1925–27), кейинроқ Халқ хўжалиги, Қишлоқ хўжалик, Пед. ин-тлари ва Тошкент ун-тида дарс беради (1930–35). Сўнгги вақтларда Мад-й қурилиш илм. тад. ин-ти (1933) ва Фанлар комитети хузуридаги Тил ва адабиёт ин-тида (1934–37) илмий ходим бўлиб ишлаган.

1937–38 й.ларда совет давлати қатағон сиёсатининг авж олиши натижасида ёзувчилар ва уларнинг а-рларига вульгар социологизм н. назаридан ёндашиш тамойили кучайди. О.нинг «Чимён дафтари» туркумига кирган лирик шеърлари «Буржуа шеърияти намуналари», деб баҳоланди. Бу О.нинг «миллатчи» ва «миллий иттиҳодчилар»га хайрихоҳ киши сифатида ишдан ҳайдалиши ҳамда тазйиққа учрашига сабаб бўлди. Камбағал оиладан чиққанлиги ва интернатда тарбияланганлиги туфайли қатағондан омон қолган О. 1938 й. охиридагина Ўз-н ўқув-пед. нашриётига таржимон-муҳаррир сифатида ишга қабул қилинади. ЎзФА ташкил этилиши б-н у гуманитар бўлимда (1935–51), Ҳамид Олимжон вафотидан кейин эса Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати раиси, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири (1945–59), Тил ва адабиёт ин-ти директори (1950–52) ва «Ўзбек тили ва адабиёти» жур. бош муҳаррири (1958–68) вазифаларини бажаради. 50-й.лар аввалида яна қатағон тўлқинининг бошланиши б-н О. инсульт хасталигига учрайди ва узоқ давом этган хасталик оқибатида вафот этади.

Ўтган а.нинг 20-й.ларида адабий фаолиятини шоир сифатида бошлаган О. дастлаб Чўлпон, ш-дек, «ёш усмонлилар» ғоялари таъсирида бўлиб, улар руҳидаги шеърларидан иборат «Туйғулар» (1926) ва «Кўнгил найлари» (1929) тўпламларини эълон қилади. Унинг ўша даврдаги ўткинчи мавзуларга бағишланган сарбаст шеърларининг аксарияти «Машъала» (1932) тўпламидан ўрин олган бўлса, кейинроқ ёзилган «Кўнгил лирикаси» йўналишидаги шеърлари «Чимён дафтари» туркумига кирган. У лирик шеърият б-н бир қаторда достоннавислик соҳасида ҳам изланишлар олиб бориб, «Дилбар – давр қизи» (1932), «Ўч» (1933), «Бахтигул ва Соғиндиқ» (1934), «Қаҳрамон қиз» (1936), «Гулноз», «Камончи», «Навоий» (1937) сингари достонларни ёзди. 40-й.лар охири – 50-й.лар бошларида «Қизлар» (1947), «Ҳамза» (1948), «Зафар ва Захро» (1950) ва «Ҳақгўйлар» (1952) достонларини яратди. 60-й. ларда шахсга сиғиниш фожиалари фош этилиб, унинг оқибатлари аён бўла бошлаганида, О. хасталигига қарамай, Хиросима фожиасига бағишланган «Даврим жароҳати» (1962), «Гули ва Навоий» (1968) достонларини ёзди, Амир Темур ва Бобур ҳақидаги лирик достонларини ёзишга киришади. Ушбу маълумотларни келтирган Н.Каримов қайд қилганидек, О.нинг насрий мероси 5 роман («Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас» ва «Улуғ йўл»), 4 қисса («Шонли йўл», «Нур қидириб», «Болалик хотираларим» ва «Бола Алишер») ҳамда бир қанча ҳикоя ва очерклардан иборат.

О. фал.си унинг барча назмий ва илмий а-рлари, достонлари, қиссалари ва романларида ўз аксини топган. Тўғри, адиб уларда бевосита онтология ёки гносеология масалаларини таҳлил қилмаган, аммо халқимиз тафаккури генезиси ва тарётида адабиёт фал.сининг ўрни б-н боғлиқ муҳим мавзуларга алоҳида эътибор қаратган. Бу борада унинг адабиётшуносликка оид тадқиқотлари, а-рлари ва мақолалари алоҳида ўрин тутади.

Юртимиз тарихи, фал.си ва ўзб. мумтоз адабиётининг улкан билимдони О. ўзининг адабий-танқидий фаолияти давомида яратган кўплаб а-рларида энг қад. даврдан ўтган а.нинг 60-й.ларига қадар халқимиз адабий тафаккурида рўй берган турли жараёнларни юксак маҳорат б-н таҳлил қилган. Уларнинг катта бир қисми Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бўлиб, улар кейинчалик О.нинг «Навоий гулшани» мақолалар тўпламини ташкил этди. Адибнинг 1942 й. Иккинчи Жаҳон урушининг кизгин бир пайтида «Навоий» романини ёзиб тугатгани ҳам тасодифий эмас. Нафақат улуғ шоир, балки XV а.даги Хуросон ҳаётини ҳам пухта ўрганган адиб бу а-рда Навоийнинг шоир ва инсон сифатидаги гуманизми – инсонпарварлик моҳиятини катта маҳорат б-н гавдалантириб берган. О. Навоий образини XV а. Хуросонида рўй берган муҳим тарихий воқеалар кўзгусида гавдалантирар экан, шу даврда Темурийлар давлатини ҳаракатга келтирган, кейинчалик эса уни таназзулга олиб келган кучлар ва уларнинг ўзаро курашини ҳаққоний акс эттирган. О. мазкур асари б-н ўзб. адабиётида тарихий-биографик роман жанрини бошлаб, унинг асосий тамойилларини белгилаб берди. «Навоий» романи кейинчалик ўзб. адабиётида «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» (О. Ёқубов), «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» (П. Қодиров) сингари тарихий-биографик романларнинг майдонга келишига замин ҳозирлади. О.нинг улуғ шоир ижодига бағишланган а-рлари навоийшуносликни адабиётшунослигимизнинг муҳим соҳаси сифатида шаклланиши ва рив-шига ҳисса бўлиб қўшилди, балки ушбу мутафаккир шоир мероси ва фал.сини чуқур ўрганишга туртки ҳам бўлди. Шу маънода, В. Зоҳидовнинг 1946 й.да Навоий ва Бобур ижоди ҳамда фал. сига бағишланган тадқиқотлари учун, Ўз-нда биринчи бўлиб, фал. фанлари д-ри илмий даражасига сазовор бўлгани тасодифий эмас. Асли адабиётшунос бўлган В. Зоҳидовнинг О.нинг шу мавзудаги а-рлари б-н таниш бўлгани ва улардан таъсирлангани шубҳасиз.

Ёзувчи ҳаётининг энг таҳликали кезларида, 1938 й.да, қисқа муддатда ёзилган ва 1940 й.да нашр этилган «Қутлуғ қон» а-рида муаллиф-

нинг болалик хотиралари б-н бирга, халқимизнинг Биринчи Жаҳон уруши арафасидаги машаққатли ҳаёти, унинг менталитетида турли ташқи таъсирлар натижасида рўй берган ўзгаришлар ҳам акс этган. Маълумки, азалдан бойлар ва мулкдорлар ўзлари яшайдиган қишлоқ, маҳалла, гузарларнинг ижт-й масалалари учун кўпроқ масъул бўлганлар. Бу борада халқнинг а.лар давомида шаклланган ва сайқалланган қадриятлар тизими бўлиб, унга оғишмай амал қилинган. Аммо ўтган а. бошларига келиб, бу масалада мустамлакачилар томонидан муайян сунъий ўзгаришлар амалга оширилган, айниқса уларнинг таъсири катта бўлган шаҳарларда бундай салбий жараёнлар нисбатан тезроқ рўй берган.

О.нинг «Қутлуғ қон» а-рида айнан ана шундай асрий анъаналарнинг бузилиши ва бунинг натижасида намоён бўла бошлаган аянчли оқибатлар юксак маҳорат б-н акс эттирилган. Шу б-н бирга ўз боши устида қатағон булутлари айлана бошлаганини яхши англаган адиб, атайлаб бу масалани иккинчи даражага туширган ва собиқ иттифоқ мафкураси ружу қўйган инқилоб ва унда меҳнаткаш халқ вакилларининг бош ролини ўйнагани ҳақидаги сюжетга асосий эътибор қаратган. Аммо романни диққат б-н ўқир экансиз, О.нинг бу борада «коса тагида нимкоса» тамойилига амал қилгани, ёзувчининг асл мақсади унинг маън-й устози Навоий айтганидек «халқ ғами» бўлганига амин бўласиз. Шу б-н бирга, Н. Каримов таъкидлаганидек, романда қаламга олинган даврда, бир томондан, мустамлакачилик сиёсати, иккинчи томондан, ўлкага кириб кела бошлаган капиталистик мунтлар туфайли меҳнаткашлар оммаси қашшоқлашган эди. Шундай вақтда сабр косаси тўлган халқнинг норозилик намойиши б-н чиқиши ёки кўзғолон кўтариши табиий эди.

Чор ҳокимиятининг Ў. О. аҳолисини мардикорликка олиш тўғрисидаги фармони 1916 й. кўзғолонининг гуриллаб ёниши учун бир туртки бўлди. О. романда Йўлчи бошлиқ меҳнаткашлар, Мирзакаримбой бошлиқ бойларнинг ўзаро мунтларини тасвирлаш орқали мазкур кўзғолоннинг келиб чиқиш сабабларини бадиий таҳлил этди. Жам-тнинг шу даврдаги қутблашган ҳолатини таъкидлаб кўрсатиш мақсадида ва совет мафкурасининг талаби б-н бойлар образини, айниқса Мирзакаримбой образини яратишда қора бўёқлардан кўпроқ фойдаланди. 1937 й. тегирмонидан аранг омон қолган адибнинг романи бусиз нашр этилиши амри маҳол эди. О. бу а-ри б-н А.Қодирий, Чўлпон ва С.Айний бошлаб берган тарихий романнавислик анъанасини ривожлантириб, уни халқимиз характерини ўзида акс эттирган ёркин образлар б-н бойитди. О. ўз а-рларида тарихий жараён, ижт-й мун-тлар, унинг қонунлари ва фал-й тафаккурга хос инъикос хус-ятларини яхши билган, мавзуга халқ манфаатлари н. назаридан ёндашувчи йирик олим сифатида намоён бўлди. Унинг қаламига мансуб турли жанрдаги а-рлар, роман ва қиссалар қайси давр ҳаётидан олинган бўлмасин, адибнинг ўша давр ҳаётини мукаммал ўрганганини, айниқса ўз қаҳрамони бўлган муайян тарихий шахс ҳаёти б-н бирламчи манбалар асосида яқиндан танишгани яққол кўзга ташланади.

О. а-рларига хос муҳим хусятлардан яна бири шундаки, у а-р қаҳрамони ёки тарихий шахсни Ватан ва халқ манфаатлари йўлида курашувчи, меҳнаткаш халқ орзу-армонларининг руёбга чиқиши йўлида заҳмат чекувчи сиймо сифатида тасвирлайди. Аслида адибнинг ўзи ҳам, унинг а-рлари ва фал.си ҳам ана шу ғояга таянгани, унинг руёбга чиқишига хизмат қилганига бугун ҳеч ким шубҳа қилмайди. Зеро, О. ўзининг ранг-баранг ижоди ва улкан жамоат арбоби сифатидаги фаолияти б-н ўзб. халқининг маън-й ва мад-й юксалишига катта ҳисса қўшди. 1980 й.да адиб яшаган уйда О.нинг уй-музейи ташкил этилган ва унга ҳайкал ўрнатилган. Термиз давлат ун-ти, Тошкентдаги мактаб, хиёбон ва метро бекатларидан бири унинг номи б-н аталган. О. вафотидан кейин «Буюк хизматлари учун» ордени б-н тақдирланган (2001).

Афсуски, О. ижоди фал-й н. назардан ниҳоятда кам ўрганилган, ҳолбуки унда шу соҳадаги тадқиқотлар учун объект бўладиган қизиқарли мавзулар оз эмас. Бугунги кунда О. ижоди ва фал.си, у илгари сурган миллий ғоялар ва қарашлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилаётгани бежиз эмас. Зеро, адибнинг ижодий мероси ўша даврдаги ижт-й-сиёсий тафаккурнинг умумий инъикоси, ўзб. халқи фал.сининг намоён бўлиши, ундаги устувор ғоялар ва тамойиллар, халқимизнинг эзгу орзулари ва мақсадларининг адабий ифодасидир.

Кези келганда, алоҳида таъкидлаш жоизки, бизда халқимиз дунёқараши ва тафаккурини доимо озиқлантириб, бойитиб келган адабий омилнинг ўрни ва аҳамияти, адабиётнинг фал-й масалалари ҳалигача илмий жиҳатдан етарли тадқиқ этилмаган. Ушбу йўналишнинг фал. ва адабиётига доир муштарак хус-ятлари, уларнинг бир-бирига мун-ти, ҳар иккала соҳада намоён бўладиган жараёнларнинг ўзаро таъсири б-н боғлиқ масалаларнинг фал-й талқинига бағишланган изланишлар ниҳоятда кам. Ҳолбуки, фал.ни адабий а-рлар ва маън-й қадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмагани сингари, ҳар қандай адабиёт, ёзувчи, шоир, журналист учун фал-й ғоялар, наз-я ва таълимотларнинг маъно-мазмуни ва ҳаётда қай тарзда акс этиши масалалари ҳам фарқсиз эмас. Бу эса ҳали олдимизда кўплаб бошқа масалалар б-н бирга, адабиётнинг фал. б-н узвий алоқадор тамойилларини тавсифлаш, назмий ва насрий а-рларнинг мазмун-моҳиятини фал-й таҳлил қилиш, ёзувчи ва шоирлар учун тайёр ишланмалар бериш борасида ҳам талайгина вазифалар борлигини англатади (А-рлар: «Мукаммал а-рлар тўплами» (20 ж.ли), 1–20-ж.лар, – Т., 1975–1985. Адабиётлар: Н. Каримов, «Ойбек». – Т., 1985; Н. Каримов, «Ойбек гулшанида қолган ғунчалар». – Т., 1985).

**ОЙКУМЕНА** (юн. oikumene, oikew – жойлашаман, яшайман) – қад. юн.лар тасаввурида Ернинг аҳоли истиқомат қиладиган қисми. О. ҳақидаги дастлабки қайдлар мил. ав. VI–V а. бошларида милетлик Гекатея қаламига мансуб. У О.га Европа (Шим. Европадан ташқари), Шим. Африка, Кичик ва Олд Осиё, Ҳиндистонни киритган.

**ОККАМ (Ockham), Уильям** (1300, Оккам, Суррей графлиги – 1349, Мюнхен) – инг. файласуфи, номинализм оқимининг йирик вакилларидан бири. Оксфорд ва Париж ун-тларида ўқитувчилик қилган. Д. Скоттга тақлид қилиб ёзилган «Пётр Ломбардий ҳикматларига шарҳ» номли а-ри сақланиб қолган. А-рда Фома Аквинский ва Иоанн Дунс Скотт фал-й системаси танқид қилинган.

О. фал. ва илоҳиёт ўртасидаги боғлиқликни бутунлай инкор этади. Фал. диний эътиқод ақидаларини исбот қилишга қодир эмас. Чунки фал. эътиқоднинг асоси бўлолмайди. Мас., фал. Худонинг мавжудлиги ҳақидаги ақидани исбот эта олмайди, дейди. О.нинг фикрича, Худонинг мавжудлигини ақлий далиллар б-н исботлаб бўлмайди. Илоҳиёт муқаддас китоб ҳақиқатидан келиб чиқади. Шу туфайли илоҳиёт ақлнинг ҳақиқатидан келиб чиқувчи фал.га қарамақаршидир.

О. номинализм позициясини ҳимоя қилиб, реализмга қарши асосли далиллар келтиради. О.нинг номиналистик таълимоти бўйича, фақат айрим нарсалар ҳақиқий мавжуддир, умумий т.лар эса якка нарсалар асосида тушунтирилади. Инсон билимидан ташқарида ҳеч қандай умумий нарса йўқ. Универсалийлар айрим нарсаларнинг белгиси. Субстанция мустақил мавжуд бўла олмайди. О. учун асосий мақсад – айрим, хусусий нарсаларни билишдир.

О. ўз даврининг деярли барча схоластик оқимларига қарши чиқди ва фал.нинг ривожига йўл очди. Унинг машҳур «ҳеч қандай заруриятсиз

мохиятларни кўпайтиришга хожат йўк» иборасини «Оккам тиғи» деб атаганлар. Унинг бу фикри схоластик бачканаликка карши каратилган эди. «Оккам тиғи» янги тажрибавий табиатшунослик ривожига йўл очиб берди. О. таълимотидаги илғор фикрлар схоластик кобиққа ўралган эди. Бундан ташкари, унинг номи б-н боғлик «Оккам устараси», деган т., яъни ортикча нарсаларни кесиб ташлайдиган «маъкуллик» принципи хам мавжуд.

Икт-й амалиётда бу кўпрок ахлокий ва маън-й жихатларга нисбатан кўлланилади. Кўпинча, «фал. устараси»дан фойдаланаётган иктисодчиларга «ахлокий бурч» ёки «маън-й масъулият» сингари т.ларни киркиб ташлашга тўғри келади. Бундай холда кўпрок фойда олиш учун маъкул йўлдан бориш бунга имкон бермайди, деб хисобланади. Бизнес фойдали бўлиши учун айрим маън-й-ахлокий жихатларга камрок эътибор берса хам бўлаверади, деб талкин килинади.

Албатта, бу принцип камчиликлардан холи эмас. Баъзи холларда «О. устараси» т.си энг мураккаб ғояларни уларнинг бир бутун наз-й мажмуидан киркиб олишни назарда тутади. Шу б-н бирга у баъзи «номаъкул» нарсаларга йўл кўймаслик лозимлигини хам англатади.

**ОККАМИЗМ** – схоластик фал-й оким. У.Оккам ғоялари таъсирида шаклланган: Англиянинг Кембриж, Франциянинг Париж, Германиянинг Гейдельберг, Лейпциг, Эрфурт, Чехиянинг Прага, Польшанинг Краков ун-тларида кенг таркалган. О.га илмий билимлар ва фал.нинг илохиётдан халос бўлиши учун кураш хос эди. Унда мантик, билиш наз-яси, тилшунослик, тажриба ва аналитик усулларга асосланиш, схоластика ва метафизикани танкид мухим ўрин эгаллаган. О. тарафдорлари аталаларни фал-й тахлил килишга катта ахамият берганлиги учун бу таълимот «терминизм» деб хам аталади. О. тарафдорлари XIII а.да хукмрон бўлган Фома Аквинский ва Дунс Скотт системасига карши кураш олиб бордилар. У. Шервуд, П. Испанский, У. Оккам наз-ясининг фундаментал асосларига тўхталиб, мантик фанининг рив-шига катта хисса кўшдилар.

О. сиёсий фал. сохасида дунёвий хокимиятни диний хокимиятдан ажратиш учун курашди. Бу борада Марсилий Падуанский катта иш килди. О. окимининг йирик намояндалари: Роберт Холкот, марекурлик Жан, отрекурлик Николай, Жан Буридан, саксониялик Альберт ва б.. Оккамистларнинг мероси янги замон фал.сига, айникса Т. Гоббс, Д. Юм каби файласуфлар дунёкарашига ижобий таъсир кўрсатган.

**ОККУЛЬТИЗМ** (лот. occultus – сирли, яширин, ботиний) – махсус рухий машклар, алохида маросимлар натижасида айрим инсонларгина била оладиган коинотдаги сирли кучлар мавжудлигини эътироф этадиган таълимот. О. гилозоизм ва пантеизмга якин туради. О.нинг мустакил соха сифатида ажралиб чикиши сўнгги антик даврдаги эллинлар дини синкретизм б-н боғлик. I–IV а.ларда Александрияда О.нинг афсонавий асосчиси Регмас Трисмегиста номи б-н боғлик адабиётлар тўплами вужудга келади. Шу даврда герметик фанлар хисобланмиш алхимия, астрология пайдо бўлди.

О.да инсоннинг иродавий хаттихаракатларига оламга тўғридантўғри таъсир эта олиши мумкин бўлган ўзига хос табиат кучлари сифатида каралади. Христианликни хукмрон динга айланиши б-н О. таъкиб остига олинган ва яширин фаолиятга ўтган. Европадаги Уйғониш даврида О. дунёнинг ўрта а.лар манзараси емирилишига, схоластик англашни бартараф килишга ва экспериментал табиатшуносликнинг ривожига таъсир кўрсатди. XVII а.ларда табиий фанларнинг ривожи эса О.га бўлган ишончни маълум маънода йўкка чикарди. Дунёвий О. жамтлари шаклланa бошлади. Мас., Т. Компанелланинг «Куёш шахри», Ф. Бэконнинг «Янги Атлантида» каби а-рларида социал утопия О. анъаналари б-н боғлик. XIX а.нинг охирларидан турли даврлар ва халклар оккультив ва диний-фал-й таълимотларни бирлаштириш асосида янги «универсал» динни яратишга уринишлар бўлган. Хоз. хам О. – экстрасенсорика, мунажжимлар фаолиятлари ва ш.к. оркали жам-тда мавжуд.

**«ОКСФОРД АСАРИ»** (ёки «Пётр Ломбардий хикматларига шарх») – Европа ўрта а.лар фал.сининг таникли вакили, Францискан ордени янги мактабининг асосчиси, Фома Аквинскийнинг энг йирик ракиби Дунс Скотт (1270–1308) а-ри. Унда Буюк Британия схоластикаси ва номинализми вакили бўлган Дунс Скоттнинг Афлотунча карашлари ажойиб тарзда коришган ва Роджер Бэкон таълимотига якин турадиган фикрлари акс этган. А-рда илк схоластика учун янгилик бўлган фал-й жихатлар, яъни тажриба ва хиссуйғуга асос бўлган фал-й тамойил, мат. ва табиатшунослик масалаларига интилиш, аклий илохиётга нисбатан умидсизлик ва моддиюнча унсурлар яккол намоён бўлган.

А-рда муаллиф диккат марказида турган мухим наз-й-фал-й мавзулардан бири фал. ва илохиётнинг ўзаро мун-ти масаласидир. У фал. ни наз-й ва илохиётни инсон хаттихаракатини бошкарувчи амалий фан, деб хисоблайди. Шу тарика у фал.ни черков таъсиридан куткаришга уринади. Унингча, фал. ва илохиётнинг тадкикот сохалари ва рив-ш йўли бир-биридан фарк килади. Муаллиф алохида нарсаларни реал мавжудлик деб, билиш жараёни алохидаликдан умумийликка караб боришини таъкидлайди. Китобда таъкидланганидек, инсон онгида хеч кандай туғма билим йўк, билиш табиатдаги алохида нарсаларни хиссий идрок этишдан бошланади. А-рда инсон хиссий маълумотлари асосида ва мавхумлаштириш фаолияти натижасида умумий т.лар хосил килади дейилади. Диний акидалар мантикий жихатдан исбот килиб бўлмайдиган т.лар, деб хисобланади. Учликнинг акидаси, илохий тимсол ва рухнинг ўлмаслиги факат эътикод асосидагина асосланиши мумкин, акл уни исбот килиб бера олмайди. Эътикод аклий ва кундалик билим б-н боғланмаган.

А-р муаллифи тасаввурида бутун дунё умумдан яккаликка, номуайянликдан муайянликка, нокомилликдан комилликка ўтиш сифатида талкин килинади. Бунда масала нима юкори, умумийликми ёки яккаликми, – деган тарзда кўйилади. Олим хеч иккиланмасдан буни шундай хал этадики, яккаликни комиллик сифатида кабул килиб, уни табиатнинг ўз максади эканлигини тан олади. Фома ва б. перипатетиклардан фаркли ўларок, китобда индивидуалликни модда ва шакл мувофиклигининг окибати, деб эмас, балки алохида яккалик принципи «haecceitas» (haes – бу) томонидан ясалган нарса сифатида тушунилади. Шакл факат яккалик белгиларини эмас, балки турдаги белгиларнигина ифодалайди. Агар олий вокеликка ягоналикдаги ашёлар эга бўлсалар, билиш наз-ясида хам яккалик ва муайянликдан келиб чикмок лозим. Барча билимларнинг асоси хис-туйғудирки, факат ашё томонидан етказиб бериладиган тасаввурот ва сиймо оркалигина хосил бўлиши мумкин. Хис-туйғу уйғотадиган дунёда энг мукаммал билим умумийни билишдан эмас, балки яккаликни билишдан келиб чикади.

«О.а.»га кўра, сенсуалист бўлган Дунс, аклни суст хисобламайди, балки унга ижодий кобилият хослигини таъкидлайди. А-рда акл тасаввурларни нафакат саклайди, балки уни хилма-хиллигини ўзгартиради, дейилади. Бошка схоластлар б-н биргаликда Дунс хиссий сиймоларни билимга айлантирадиган фаол акл хакидаги таълимотни кабул килади. Дунс билимнинг фаол, иродавий хус-ятини кайд этиш б-н бирга, Фома издошларини, аклга хаддан ташкари колипга солинган ва суст хус-ят бағишлаганликлари учун маломат килади. Унинг фикрича, дунёда ўрнатилган ахлокий тартибни бошкача хам белгилаш мум-

кин. Бу масалада Инжилга таяниш лозим.

«О.а.»га кўра материя бутун оламнинг бошланғич асосидир, Худодан бошқа ҳаммаси материядан ташкил топган, материя эса универсал система сифатида шаклгача ҳам ўзи мустақил воқелик бўлади. Материя ва шакл бир бутун ҳолда ягона субстанцияни ташкил этади. Муаллиф ҳатто «Модда фикрлашга қодир эмасмикан?», деган саволни ўзига берган ва унга жавоб беришга ҳаракат қилган эди. Унингча, шакл материяга сифатий муайянлик беради, яъни у универсал субстанцияни индивидуаллаштиради. А-рда материя ва шакл бирлиги масаласида Фома Аквинский сингари шаклга белгиловчи аҳамият берилмайди, балки материя бир неча турларга бўлиб кўрсатилади. Материянинг биринчи тури универсал ва бирламчи материя сифатида шаклсиз бўлиб, бутун мавжудликнинг асосини ташкил этади ва у фал. (метафизика)нинг предметини ташкил қилади. Материянинг иккинчи тури жонсиз ва жонли табиат бўлиб, уни натурфал. ўрганади. Материянинг учинчи тури деб, а-рда инсон томонидан яратилган хилма-хил нарсаларни тушунилади. Универсал моддий субстанция ва конкрет алоҳида моддий нарсалар шу асосдаги номинализм фал. сининг асосини ташкил этади.

А-рда мат. ҳақиқий илмий билишнинг асоси деб ҳисобланган. Унга кўра, мат.сиз табиат ҳодисаларини тушунтириш мумкин эмас ва шу туфайли илмий фикрлаш математик қоидаларга асосланиши лозим. «О.а.» а-ри муаллифнинг Ўрта а.ларнинг энг йирик схоластик а-рларидан бири эканини исботлайди. У ўз даври ва кейинги а.лар фай.ларига катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз. «Пётр Ломбардий ҳикматларига шарҳ» номли а-р Д.Скоттнинг издоши У.Оккам томонидан ҳам ёзилгани бунинг яққол мисолидир.

**ОЛАМ** – инсонни ўраб турган дунё ҳақидаги кенг қамровли т., маълум маънода воқеликнинг ифодаси. Мас., элементар заррачалар олами т.си одамга маълум бўлган ва ҳали маълум бўлмаган барча элементар заррачаларни қамраб олади. Агар биз яшаётган бутун коинотни элементар заррачалардан ташкил топган деб ҳисобласак, бу т. бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Мас., ўсимликлар О.и т.си. Бу т.га фақатгина ўсимликлар киради, ҳайвонлар ва одамлар бу О.дан четда қолади. Шу н. назардан О. т.си нисбий моҳиятга эга. Баъзида О. деганда барча нарсаларни, жисмларни, ҳодисаларни қамраб олувчи умумий тизим тушунилади. Бу маънода О. космологик О. т.сига мос келади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз, бошқалар эса коинот маъносидаги О.ни чекланган объект сифатида талқин этади. Чексизлик ва чегарасизлик т.лари нисбий маънога эга, бир тизимда чексиз ҳисобланган объект бошқа тизимда чекли бўлиши мумкин ва аксинча.

О.нинг намоён бўлиши шакллари хилма-хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи О.ни моддий О. дейишади. Айримлар уни жисмоний, яъни физик О. деб аташади. Одамнинг маън-й, руҳий дунёсини қамраб олувчи дунёни маън-й О. дейишади. Айнан шу пайтда биз б-н биргаликда мавжуд бўлган О. долзарб О. дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган О. потенциал О. дейилади. Мас., сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз долзарб О.га мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал О.га мансубдир. О.нинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал О. дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган О. виртуал О. деб аталади (виртуал сўзи лот. virtualis – эҳтимолдаги). Аниқ маълум бўлган О. конкрет О. дейилади, хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги О. образи абстракт О. дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал О.га мансуб бўлса, унинг хаёлий режалари виртуал О.га, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет О.га, келажакка йўлланган орзу-умидлари эса абстракт О.га мансубдир. Одам ўз режаларини реал О.га асосланиб тузса, потенциал О.нинг конкрет реалликка айланиш эҳтимоллиги ошади. Одам О.да бошқалардан ажралиб, якка-ягона бўлиб эмас, балки ижт-й ҳаёт кечиради ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жам-тни ташкил этади, одамлар жам-тдаги ўзаро мунтлари, фаолиятлари, уй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслаклари б-н биргаликда ижт-й О.ни ташкил этишади. Одамнинг жам-тдаги б. б-н биргаликдаги ижт-й фаолияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал О.ларига боғлиқдир. Индивидуал О., айни пайтда ташқи О.ни ҳам, ижт-й О.ни ҳам ўзида акс эттиради, ифодалайди. Булар ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Қад. космологик қарашларда О. илоҳий қудрат кучи б-н яратилган деб талқин этилади. Бу О.нинг вақтда бошланиши борлигига, яъни унинг чекли эканлигига ишорадир. Ислом динидаги космологик қарашларда ўн саккиз минг олам ҳақида гапирилади ва мазкур қараш бўйича биз яшаётган моддий оламдан ташқари ундан мустақил бўлган кўплаб бошқа оламлар ҳам мавжуддир, дейилади. Ҳоз. замон космологиясида ҳам фанга асосланган бир қанча концепцияларда О. ўткинчи, табиий ривишда пайдо бўлган деган ғоя илгари сурилади. Бу н. назарларда О.нинг пайдо бўлишидан олдинги ҳолати «ҳеч нима» ва «йўқлик» т.лари б-н изоҳланади. Англиялик олим Стивен Хокинг «олам вужудга келмасдан илгари нима бўлган?» деган саволнинг мантиқсизлигини, вақтнинг фақатгина келажакка йўналган оқимини ифодаловчи модели воситасида асослаб берган. Унинг фикрича, бу савол шимолий қутб нуқтасидан туриб қараганда, ҳамма нуқталар фақат жанубга олиб борадиган ҳолатни эслатади. Бундай ҳолат оламнинг бошланғич ҳолатидир. Бу ҳолатда ўтмиш йўқ, фақатгина келажаккина мавжуд, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳоз. кунларда ҳам мавжуд бўлган динларда О., унинг келажаги, яратилиши ёки ўтмишига оид мураккаб масалалар, асосан илоҳий қудратнинг ҳосиласи сифатида талқин этилади. Динда О.ни иккига, яъни «бу дунё» – ўткинчи О. ва «нариги дунё» – абадий О.га ажратиб тушунтирилади. Бу дунёдаги машаққатлари эвазига одам нариги дунёда роҳат-фароғатга муяссар бўлар эмиш. Фанда эса О.га оид мураккаб масалаларни амалий тажрибалардан келиб чиқувчи мантиқий далиллар асосида исботлашга уринилади. Мавжуд илмий мантиқ доирасидан четга чиқувчи ҳодисалар эса изоҳланмайди. Айрим паранормал ҳодисаларни фаннинг тадқиқот объектига киритилмаганлигининг сабаби шунда. Фал. эса О.ни изоҳлашда ҳам фан, ҳам дин, санъат ва адабиётнинг, хуллас фандан ташқаридаги бошқа хилма-хил билимларга ҳам таяниб, умумлашган хулосалар чиқаради. Ш.у. фал.даги О. т.си космологиядаги, диндаги ва б. билим соҳаларидаги О. т.ларига нисбатан ҳам бойроқ, сермазмунроқ ва кенгроқдир.

**ОЛАМНИНГ БИРЛИГИ** – оламдаги барча объектлар ва нарсаларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган ҳамма шакллари ва шуларга хос бўлган ҳамма ҳаракат шаклларининг табиий жиҳатдан бир-бирига боғланганлигига асосланадиган универсал характердаги қонунни ифодалайдиган тамойил. Оламдаги нарсаларнинг турли шакллари, ш-дек, ҳаракатнинг турли шакллари ўртасидаги бундай боғланиш ўтмишда ҳам, ҳоз. вақтда ва келгусида ҳам бениҳоя маконнинг ҳеч бир истисносиз ҳамма соҳаларида, ҳамиша ва ҳамма жойда мавжуд бўлиб келган, ҳозир ҳам мавжуд ва бундан кейин ҳам мавжуд бўлаверади. Оламнинг бирлиги ҳам шундан иборат.

Бизнинг атрофимиздаги бутун олам бир бутундир. Ўтмишнинг баъзи файласуфлари оламнинг бирлигини исботлашга уриниб, бунинг учун

ёки биз оламни ўз фикримизда бирдир деб билганлигимиз учун ҳам олам бирдир деган даъвони, ёки олам мавжуд бўлгани учун ҳам у бирдир деган фикрни асос қилиб олдилар. Лекин олам фикрнинг хус-ятларини акс эттирмайди, балки аксинча, фикр оламнинг хус-ятларини акс эттиради. Худди ш-дек, олам мавжуд деган даъводан олам бирдир деган маъно келиб чиқмайди, чунки мавжудлик (борлик) т.си хилма-хил талқин қилиниши мумкин.

Коперник томонидан гелиоцентрик система яратилганлиги оламнинг моддий бирлигини билиш йўлидаги энг муҳим босқичларнинг бири бўлди. Коперник бошлаган ишни Галилей давом эттирди. Галилей ўзининг биринчи телескопини ясаб, шу телескоп б-н осмонга қараганида ҳамма замондошларини ҳайратда қолдирган нарсани кашф қилди: «идеал самовий жисмлар»дан бири бўлиб ҳисобланиб келган Ой сира ҳам текис шарсимон шаклда эмас экан. Унинг устида ҳам Ер сатҳида бўлгани сингари чуқурликлар, водийлар ва тоғлар бор экан. Галилей Қуёш сатҳида шакли жуда ҳам нотўғри бўлган қора доғлар борлигини ҳам кашф қилди.

Механика қонунлари ва оламнинг ўзаро тортиб туриш қонуни кашф қилинганлиги бу ҳақиқатни исботловчи янги далиллар бўлди. Ньютон Ердаги ва осмоний жисмлар механикасининг қонунлари айнан бир қонунлар эканлигини, таянчи бўлмаган ҳамма жисмларни Ерга йиқилишга мажбур қилаётган кучнинг ўзи Ойни Ер атрофида айланишга, ҳамма планеталарни, шу жумладан, Ерни ҳам Қуёш атрофида айланишга мажбур қилувчи куч эканлигини исботлаб бериш б-н фан соҳасида жуда катта қаҳрамонлик кўрсатди. Бенихоя олам жисмларининг ҳаммаси, ҳеч бир истисносиз, дунёвий ва самовий оламларга ҳеч бир бўлинмайдиган ва бунга ҳеч бир алоқаси бўлмаган моҳият-эътибори б-н боғланган бирликка эга эканлиги очиқ маълум бўлди.

Спектрал анализ – жисмлар ловуллаган газсимон ҳолатда бўлганида улардан чиқадиган ёруғликнинг характерига қараб шу жисмларнинг химиявий таркибини ўрганиш усули кашф қилинганлиги натижасида илм-фан оламнинг моддий бирлигини исботлаш йўлида яна муҳим катта қадам қўйди. Ўтказилган тадқиқотлар осмоний жисмлар ҳам Ер қандай элементлардан таркиб топган бўлса, худди шундай таркиб топганлигини кўрсатди. Химиявий элемент бўлган гелийнинг кашф қилиниш тарихи ибратлидир. Дастлаб бу элемент спектрал анализ ёрдами б-н фақат Қуёшда топилган эди. Ш.у. ҳам унга «қуёшники» деган маънони ифодаловчи гелий деб ном берилган эди. Лекин орадан анча вақт ўтгач Ерда ҳам гелий элементи топилди, бу элемент ерда унчалик нодир элемент эмас. Ҳоз. вақтда фан ва техникада кўпгина амалий мақсадлар учун гелийдан кенг равишда фойдаланилмоқда.

Коинот фазосининг жуда ичкари томонларидан Ерга осмоний жисмларнинг метеоритлар деб аталган бирмунча катта ёки майда парчалари тушиб туради. Шу метеоритларнинг кўплари ҳавога ишқаланиш натижасида жуда қизиб кетиб, Ер юзасига етмасданоқ ёниб кул бўлади. Уларнинг баъзилари эса ёниб кул бўлишга улгурмайди ва Ер юзасига тушади. Шу тарика метеоритларнинг таркибини ва хоссаларини ўрганиш учун имконият туғилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, метеоритларнинг асосий таркибий қисми темирдан иборат бўлиб, уларнинг таркибида элементлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ердаги ва уни қуршаб олган космик фазодаги жисмларнинг химиявий таркиби тўғрисида олимларнинг узоқ вақт ва синчиклаб иш олиб боришлари натижасида ҳосил қилинган бу маълумотлар оламнинг бирлиги тўғрисидаги буюк ғояни ғоят мустаҳкамлаб исботлади.

Бепоён коинотда химиявий элементларнинг одатдаги атомларидан таркиб топмаган жисмлар ҳам бўлиши мумкин. Антизаррачалар деб аталган заррачаларнинг мавжудлигини кашф қилган ҳоз. замон физикаси бу антизаррачалардан атомларга ўхшаш, лекин шундай бўлса ҳам одатдаги атомлардан анча фарқ қиладиган оздир-кўпдир мураккаб системалар ҳосил бўлиши мумкинлигини олдиндан дарак бермоқда. Буларнинг мавжудлиги оламнинг моддий бирлигини бузмайди, балки бу бирликни исботловчи яна янги далиллар ҳам келтиради: улар ва атомлар бир-бирига айланиш процесслари б-н бир-бирига боғланган.

Табиат шуни исбот қилдики, Қуёш системаси деб аталган осмоний жисмлар системаси асло ҳамма вақт ҳам ўзининг ҳоз. ҳолатидек бўлган эмас. Қуёш системасининг ўз тарихи бор. Қуёш системасидаги жисмлар ўзларининг ҳоз. турларини ва хоссаларини бирданига касб қилган эмас. Юлдузлар ҳам ўзгармасдан қолмайди. Уларнинг кўплари вақти-вақти б-н ялт этиб кўриниб, ўз ярқирашини кўп баравар кўпайтиради, катта-кичиклигини ўзгартириб туради, улар парчаланиб кетади ва х.к.. Бутун-бутун юлдуз системалари йўқ бўлиб кетади ва янгилари пайдо бўлади.

Мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳаммаси абадий ҳаракатдадир, абадий ўзгариб туради. Оламнинг бир шакли йўқ бўлган жойда, ўз тарихини бошлайдиган янги формалари муқаррар пайдо бўлади. Энг майда заррача ҳам бир шаклдан иккинчисига ўтиб туради. Бир шаклдан иккинчи шаклга айланишдан иборат бўлган мана шу процессларнинг ҳаммасида электр зарядининг мажмуи ўзгармасдан қолаверади. Табиатнинг мана шу ва шунга ўхшаш бошқа қонунларида борлиқнинг абадийлиги намоён бўлади.

Оламнинг бирлиги тўғрисидаги қоидани исботлашда энергиянинг сақланиши ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши қонуни жуда катта роль ўйнайди. Табиатнинг бу улуғ қонуни ҳеч қачон, бирон марта ҳам бузилган эмас. Уни ҳеч бир нарса бузолмайди ҳам. Оламдаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси шу қонунга бўйсунади. Шу қонун туфайли ҳамма процесслар бир-бири б-н боғланган бамисоли яхлит занжир сифатида намоён бўлади. Инсониятнинг бутун амалиёти, фаннинг ҳамма далил ва исботлари ҳеч бир истисносиз ҳамма процессларда энергиянинг сақланиши ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши қонуни мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Оламдаги нарсалар шаклларининг бир-бирига конкрет боғланганлигини билиш тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлигини кейинги ўн й.лар давомида кўпгина янги фанлар пайдо бўлаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Бу фанлар воқелик ва ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган соҳалари «туташган» жойга тўғри келадиган масалаларини ўрганмоқда. Ҳодисаларнинг мана шу турли соҳаларини илгари бир-биридан оздир-кўпдир ажралган турли фанлар ўрганар эди. Мас., биофизика ва биохимия мана шундай фанлардир.

Биофизика биологик процесслар б-н физик процесслар ўртасидаги чегара соҳани тадқиқ қилиш б-н шуғулланади, биохимия эса биологик процесслар б-н химиявий процесслар ўртасидаги чегара соҳани тадқиқ қилиш б-н шуғулланади, геохимия эса геологияни химия б-н қўшади, биогеохимия эса биологияни, химияни ва геологияни бир бутун қилиб боғлайди. Яқиндагина «Кибернетика» деб аталган фан пайдо бўлган эди. Бугунги кунда «Информатика», «Интернет», «Информацион коммуникация технологиялари» каби соҳалар жам-т ва инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хуллас, олам абадий ва бениҳоядир, унинг олий маҳсули, гули бўлган инсоннинг ўзи ҳам борлиқ ва табиат деб аталувчи абадиятнинг таркибий қисми, бу дунёнинг мўъжизасидир. Шундай экан, оламнинг бирлиги одамлар бирлигига, улар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига

нисбатан табиий-тарихий асос эканлиги шубҳасиз.

**«ОЛАМ – ИХТИЁР ВА ТАСАВВУР СИФАТИДА»** («Die Welt als Wille und Vorstellung», 1819–44) – машҳур немис файласуфи А. Шопенхауэр (22.2.1788, Данциг, ҳоз. Гданск, – 21.9.1860, Франкфурт-Майн) томонидан ёзилган ва алломанинг «Дунё: ирода ва тасаввур сифатида», деб ҳам таржима қилинадиган асосий а-ри. А-рни чуқур ўрганиш, Берлин ва Гётингенда Шульц ва Фахте маърузаларини тинглаш баробарида Кант, Платон ва Шарқ фал.сига катта қизиқиш б-н қараган а-р муаллифининг фал-й дунёқарашига ёшлик чоғларида шаклланган пессимистик (тушкунлик) қарашлари ҳам ўз аксини топганидан далолат беради. А-рдаги «Ирода – мутлақлик белгиси» деган фикр Кант ва Фихте а-рларининг наз-й таҳлили туфайли вужудга келгани, ғоялар ёки ирода ҳодисаларнинг бошланғичлиги наз-ясининг Афлотундан олингани, умумий пессимистик фал-й йўналиш ва иродани инкор қилиш тўғрисидаги таълимотни эса буддизмдан ўзлаштирилгани сезилиб туради.

«Дунё – бу менинг тасаввуримдир». Худди шу формула орқали муаллиф асосий а-рини бошлайди ва бу б-н ҳинд фал.сини, Лейбниц, Беркли, Юм, Кант фал-й таълимотларининг моҳиятини тиклайди. Ҳодисалар дунёси, Шопенгауэр фикрича, бу «менинг ғояларим», «менинг ақлий тузилишим» маҳсулидир. Агарда мен бошқача тузилганимда дунё ўзгарарди, менга бутунлай бошқача кўринарди, бошқа ҳодисаларда намоён бўларди. Ш.у. ҳам дунё уни қабул қилувчи субъектга боғлиқдир, мас., кўз рангларни бир-биридан фарқлайди, қулоқ товушларни тинглайди, қўл предметларнинг устини силаб кўради. Бироқ буларнинг ҳаммасини биз тасаввур қиламиз, холос.

А-рда дунёни иккига ажратиш кераклиги таъкидланади, яъни дунё ўзида, менинг ҳиссиётларимга боғлиқ бўлмаган ва менинг тасаввуримда бўладиган ҳодисалар дунёси. Муаллиф фикрича, бизнинг билиш фаолиятимиз дунёнинг ўзига қаратилмаган, балки дунё ҳодисаларига қаратилгандир. Ш-дек, у билувчи онг дунёни махсус категориялар, т.лар орқали қабул қилади ва тасаввуримизни тартибга солади, дейди ва шу асосда ўзининг «Дунё – бу менинг тасаввуримдир» деган ғоясини асослашга ҳаракат қилди. Лекин бундан а-рда руҳий оламдан бошқа олам тан олинмайди, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Зеро, билиш жараёнида туғилган дунё, муаллиф фикрича, ҳақиқий дунёдан фарқ қилади. Ш.у. ҳам китобда улардан бирини – ҳодиса, тасаввур сифатида, иккинчисини – ундан ажратилган, реаллик дунёси, ирода дунёси деб олинади. Биринчисида сабабият ҳукмронлик қилади, макон ва замонда мавжуд бўлган ҳамма нарса унга бўйсундирилган. Иккинчиси – макон ва замондан ташқарида. У ҳеч қандай чегара б-н чекланмаган, шаклланмаган, бепоёндир. Дунёни икки жиҳатдан фарқлаш, муаллиф фикрича, фал.нинг асосий вазифасидир. Ана шу сабабларга кўра, а-р фал.си «Проф.лар томонидан доно ўйлаб топилган ва заруратга айланган бевосита ва мутлақ билувчи, мушоҳада қилувчи ёки қабул қилувчи ақл тўғрисидаги ақидани қабул қилмайди».

Бунда субъект ва объектга бўлиниш фақат тасаввурда намоён бўлади, объект субъектга нисбатан иккиламчидир. Ҳамма нарса нисбий борлиққа эга, яъни идрок орқали намоён бўлади. Материя т.сини Шопенгауэр инкор қилмайди, лекин уни бир томондан макон ва замон сифатида қабул қилинувчи, иккинчи томондан эса объектив сабабият деб, таърифлайди. Яна у шундай дейди: «Сабаб ва ҳаракат материянинг моҳиятидир. Унинг борлиги ва ҳаракати шундан иборатки, қонуниятли ўзгариш орқали, унинг бир қисми бошқаси учун ишлаб чиқаради...». Объект ва субъект ўртасида сабабият ва етарли асос қонуни мун-ти бўлиши мумкин эмас, чунки объективлик субъективликни тақозо қилади, шундай экан улар ўртасида сабаб ва оқибат мун-тлари мумкин эмас. Ш.у. Шопенгауэр дунёнинг реаллиги тўғрисида олиб борилган баҳсни маъносизликдир, дейди. Лекин шу б-н бирга ташқи дунё тасаввур сифатида мавжуд экан, у субъект орқали мавжуд ва трансцендентал реалликдир. «Шундай экан, – деб ёзади, муаллиф – ҳаёт б-н тушни ажратиш қийиндир, негаки, ҳаёт ва туш кўриш бир китобнинг саҳифаларидир».

Ирода, унингча, объектив реалликдир. Дунёда тасаввур сифатида сабабият ҳукмронлик қилади. Бир ҳодиса бошқа ҳодиса натижасида келиб чиқади. Иккинчи дунё эса, яъни ирода тўғрисидаги дунё – макон ва замондан ташқарида, ҳеч қандай сабаб орқали боғланмаган, чексиздир. Ана шу дунёни иккига ажратиш фал.нинг вазифасидир. Олим фикрича, т.лар тасаввур ҳақидаги фикрлардир. Ақлнинг ижобий томонларидан бири – кишининг ўйлаб туриб жавоб беришидир. Ирода ягона ички манбадир. У ҳар бир онгнинг бевосита ўзидан келиб чиқади. Ирода т.си ана шу онгдан келиб чиққан холда моҳият сифатида бутун дунёга тарқалади. Инсон ва олам моҳияти ҳам иродага боғлиқ. Ирода ақлга боғлиқ эмас. Ирода – куч-қудрат. Унингча, инсоннинг характери туғма бўлиб, унга эзгулик ва ёвузлик ҳам туғма тарзда берилгандир. Бу ерда у франц. файласуфи Декартнинг «Туғма ғоялар» ҳақидаги қарашларига қўшилган ҳолда, ундан фарқли ўлароқ, инсонни ташқи муҳитнинг маҳсули эканлигини инкор этади. У ирода табиатидаги қарама-қаршиликлар кураши қонунини тан олади. Ирода – жараён, у доимо рив-шда. Ана шу куч рившни содир қилади.

А-р муаллифи фикрича, билиш иродага хизмат қилиб, у айрим объектив дунё ҳодисаларига қаратилган. Иродаиинг оламдаги кўриниши объективдир ва ўз даражаларига эга. Бу даражаларни Шопенгауэр Афлотуннинг ғояларига ўхшатади, ғояларнинг якка нарсалардан фарқи шундаки, улар ўзгармас ва мутлақ, макон ва замондан ташқаридадир.

Табиийки, ғояларни билиш жараёни ҳодисаларни билишдан тубдан фарқ қилади. А-рда «ғояларни билмоқчи бўлсак, ўз шахсимиздан воз кечишимиз керак», дейилади. Ҳодисаларни билишдан ғояларни билишга ўтиш, инсон дунёқарашини буткул ўзгаришга олиб келади. Хус-н, замон ва тарихга бўлган мун-тни ўзгартиради. Инсоният тарихи – ҳодисалар оқими, даврлар ўзгариши – ғояларнинг тасодифий шаклларидир. Худди булут ўз шаклига бефарқ бўлганидек, тарихий воқеалар улар орқали қисман намоён бўлган ғоялар учун бефарқдир. Тарихий воқеаларнинг ўзгариши ғояларга ҳеч қандай таъсир этмас экан, тарихий тар-ёт ғоялар рив-шига олиб келмайди. Ўтмишда қандай ғоялар бўлган бўлса, ҳоз. замонда ҳам ўша ғоялар мавжуддир. «Ҳодисалар дунёсида ҳақиқий йўқотиш ҳам, ҳақиқий топиш ҳам йўқ. Биз бу ерда фақат ирода намойишини кўрамиз, холос», – дейилади а-рда.

А-рдаги фикрга кўра, умумий дунёвий иродага интилиш ва шахсий ҳаётда иродани ҳис этиш, унга қўшилиш ҳаётга бўлган иродани бўшаштиради ва таркидунёчиликка олиб келади, яъни инсон ҳаёт қувончлари, моддий неъматларидан ўзини тийиши лозимдир. Иродага интилиш хоҳишларни йўқотиш б-н баробардир. Хоҳишлардан қутулишнинг ягона чораси хотиржамликда, деб билади. Ички хотиржамлик таркидунёчиликдадир, дейди муаллиф.

А-рда муаллифнинг динга бўлган мун-ти ҳам ўзига хос, унингча, Худонинг бор-йўқлигини исботлаб бўлмайди, чунки ироданинг абадийлиги олам яратилганлигини инкор этади. Бундан ташқари, вақт мутлақ абадий бўлмасдан, тасаввурлар оламига хосдир. Фай-ф илоҳий иродани оламий иродадан ажратиб, уни ҳеч

қандай мақсадсиз бўлган ҳаракат, деб ҳисоблаш б-н бирга, наз-й исботлардан ташқари, динга хос бўлган исботсиз эътиқодни ва ш-дек, ғайритабиий йўл б-н ҳақиқатни очишни тан олмайди. Бундай ҳақиқатни очиш усуллари б-н фал. ўртасида тубсиз жар бор, дейди муаллиф. Унинг фикрича, дин зиддиятли хус-ятга эга, бир томондан, динда халқни юпатиш ва нотўғри фикрлар, алдаш хусяти бўлса, иккинчи томондан, динда инсонпарварлик, раҳм-шафқат ғоялари мавжуд. Бу фикрларда иррационализм фал.сида дастлабки пайдо бўлган ғояларни кўриш мумкин.

**«ОЛАМНИНГ ИККИ АСОСИЙ СИСТЕМАСИ – ПТОЛЕМЕЙ ВА КОПЕРНИК СИСТЕМАЛАРИ ДИАЛОГИ»** – италиялик табиатшунос олим, Уйғониш даврининг атоқли фай.и Галилео Галилей (1564–1642) а-ри. 1632 й.да ёзилган бу китобда муаллиф геоцентристик ва гелеоцентристик қарашларни солиштириб, Ер марказ эмас, балки Қуёш марказлиги, Ернинг Қуёш атрофида айланиб туриши ҳақидаги Коперник хулосалари тўғри деган хулосага келади. Унинг бу ғоялари замондошларига кучли таъсир қилди ва у Коперник ғоялари тарафдори сифатида танилди.

Галилей ўз изланишларида «О.и.а.с...» а-ридаги кашфиётларига асосланиб, бир қатор хулосаларга келади. Жумладан, бу борада унинг механика, физика, астрономия соҳаларидаги фикрлари муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, механика соҳасидаги илмий қоидалари амалий ҳаёт, ривожланадиган техника эҳтиёжларига жавоб бўлди. А-рда Галилей ўрта а. схоластикасида ҳукм сурган ҳаракат ҳақидаги хато қарашни инкор қилди. Ўзининг ўтказган экспериментларига асосланиб янги, тажрибавий механиканинг фундаментал қоидаларини ишлаб чиқди; тенг вақт орасидаги ҳаракатнинг тезлиги бир хил ошади. Шу б-н бирга қайсидир жисмга берилган ҳаракат ўз-ўзидан йўқолиши мумкин эмас, унга ташқи куч таъсир қилмагунча тўғри чизиқли текис ҳаракатини сақлайди. Бу муҳим қоидалар инерция қонуни номи б-н механикада сақланиб қолди.

«О.и.а.с....» а-рида олим гелиоцентристик наз-я асосида жисмлар эркин тушишининг аниқ миқдорий қонунларини исботлаб берди. Бунга кўра бўшлиқда, яъни ҳавосиз маконда ҳамма жисмлар оғирликларидан қатъи назар ерга бир хил тезликда тушадилар. А-рда турли кучларнинг бир вақтдаги таъсири натижасида пайдо бўлган ҳаракатни таҳлил қилиш бу кучлар натижалари бир-биридан мустақиллиги ҳақида муҳим хулосага келиш имконини берган. «О.и.а.с...» а-рида Галилей агар қандайдир жисм текис ҳаракатланаётган бўлса, бу жисмда кечаётган механик жараёнларнинг характерида акс этмаслигини қайд қилди. Мас., кеманинг ерга нисбатан текис ҳаракати кеманинг ўзига нисбатан жисм ҳаракатида акс этмайди. Бу қоида нисбийлик тамойили номи б-н фанга кирган. Бу физик фанлар наз-й асослари ривожи учун, хус-н, XVII–XIX а.лар табиатшунослигига хос макон ва замон ҳақидаги тасаввурлар ривожи учун муҳим аҳамият касб этди.

«О.и.а.с...» а-ридаги ғоя ва хулосалар асосида Галилей қатор астрономик кашфиётлар қилди. Биринчилардан бўлиб, кузатувчи труба ясади (улардан яхшиси жисмни 30 марта катталаштириб кўрсатади) ва уни осмон ёритқичларига йўналтирди. Ойда «тоғ» ва «денгизлар»ни топди, сомон йўлини ташкил қилган саноқсиз юлдузлар тўдасини кўрди, Юпитернинг йўлдошини кузатди, «Осмон Колумб» номи б-н шарафланди. Шу й.и Қуёш доғларини кузатди, Зуҳронинг фазаларини, Сатурн атрофидаги ёруғлик ҳодисаларини аниқлади. Бу астрономик кузатишлар гелиоцентрик назариянинг тўғрилигига яққол гувоҳ эди ва осмоннинг Ер жисмларидан мутлақо фарқ қилиши ҳақидаги перипатетик-схоластик тасаввурларга зарба берди. Сомон йўлининг беҳисоб юлдузлар тўдаси эканлигининг аниқланиши космосда дунёлар борлиги ҳақидаги буюк Бруно ғояларини тасдиқлади.

«О.и.а.с....» а-ри муаллифининг илмий кашфиётлари Ньютон механикасининг зарур асоси бўлса, уларнинг фал-й аҳамияти XVII а. тафаккури ва илм-фани рив-шида муҳим аҳамият касб этди. Бу кашфиётлар инсоният тарихида биринчи бўлиб, табиатнинг объектив, соф физик қонунлари астрономик кашфиётлари б-н бирга Коперник наз-ясининг физик асоси бўлиб, унинг наз-й мақомини мустаҳкамлади.

Айнан шу ҳолат ақидапараст черковни жунбушга келтирди ва олимга қарши курашни кучайтирди. У Коперник тарафдори бўлганлиги учун 1633 й.да жавобгарликка тортилди. Қийновлардан сўнг, ўлимга ҳукм қилишларига кўзи етгач, Коперник қарашларининг хатолигини тан олди. Натижада суд ҳайъати уни умрбод уй қамоғига ҳукм қилди. Орадан 4 й. ўтгач, кўзи ожиз бўлиб қолди, лекин шогирдлари ёрдамида илмий изланишларини давом эттирди. «Юлдузлар ахбороти» (1610), «Кастеллига хатлар» (1613), «Синов тарозиси» (1623), «Инголига мактуб» (1624), «Дунёнинг икки буюк системалари – Птоломей ва Коперник системалари диалоги» (1632), «Механика ва маҳаллий ҳаракатга доир икки янги фан суҳбатлари ва математик асослари» (1638) ва б. а-рлари б-н Уйғониш даври илмий тар-ётини якунига етказди ва янги давр Европа математик табиатшунослигини бошлаб берди. Шу б-н бир вақтда XVII а. Европа маън-й ҳаётида муҳим роль ўйнаган методологик ва фал-й тамойилларни таърифлаб берди.

**ОЛАМНИНГ РЕЛЯТИВИСТИК КОНЦЕПЦИЯСИ** – асосчилари А. Эйнштейн ва А. Фридман ҳисобланадиган ва оламнинг чексизлиги шубҳа остига қўйиладиган таълимотлардан бири. О.р.к.га кўра, бўлиши эҳтимол тутилган бутун моддий дунёни қамраб олгани сабабли, унинг «ибтидоси» ғоясида чексизлик ғояси бутунлай инкор этилиб, фанда тўнтариш ясалишига олиб келадигандек бўлиб туюлди. Релятивист космологларнинг кенгайиб бораётган олам – метагалактиканинг ягоналиги ва у ҳамма нарсани қамраб олиши ҳақидаги таълимоти ўтмишда кўп марта такрорланган оламда Ернинг ягоналиги, Қуёш системаси ёки Галактиканинг ягоналиги ҳақидаги ғояларни эслатади. Амалда оламнинг космологик моделлари, гарчи бутун дунёни тушунтириш учун тузилган бўлса-да, унинг айрим қисминигина тушунтирар эди. Мазкур соҳага тааллуқли, бутун дунёдаги макон ва вақтга нисбатан татбиқ этилмайди, деб талқин қилинган макон ва замоннинг чеклилиги ҳамда чексизлиги ҳақидаги космологик тасаввурлар чексизлик ғоясини инкор этмас эди.

Космология рив-шининг ҳоз. босқичи релятивистик космологиянинг устуворлиги б-н тавсифланади. Релятивистик космология бутун дунёни мукаммал тавсифлашни даъво қилмайди, лекин чеклилик ва чексизликни биз яшаётган оламга татбиқан, унинг физикавий макон тузилиши томонидан ўрганади.

Релятивистик космология. А. Эйнштейн 1917 й.да нисбийликнинг умумий наз-ясини яратгач, орадан бир й. ўтиб, оламнинг биринчи релятивистик моделини тузди. У бунда қуйидаги тахминлардан келиб чиқди: 1. Модда ва нурланиш оламда бир текис тарқалган. Бундан олам майдони бир хил ва изотроп тузилишга эга, деган хулоса келиб чиқади. Гарчи оғир объектлар яқинида макон-вақт геом.си ўзгарса-да, бу ўзгариш оламнинг ўзгармас эгриликка эга бўлган бир хил изотроп майдонидан четга аҳамиятсиз оғишдир, холос. 2. Олам турғун, вақтда ўзгармасдир. Шу боис майдон геом.си эволюцияга эга бўлиши мумкин эмас. А. Эйнштейн дунёси, одатда, «цилиндрсимон дунё» деб аталади, чунки уни чексиз кўламли тўрт ўлчовли цилиндр кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Цилиндр бўйлаб вақт ўқи ўтади, у ўтмишга ҳам, келажакка ҳам чексиз қаратилган. Цилиндр ке-

сими майдонни беради. Мазкур моделда бу ўзгармас мусбат эгриликка эга уч ўлчовли доирасимон майдон. У чекли ҳажмга эга. Бунинг ортида ҳеч нарса мавжуд бўлмаган дунёнинг қандайдир чеккаси бор, деб тушунмаслик керак. Айни ҳолда майдон «ўз-ўзида туташади» ва бу унда ҳеч қачон тўсиққа учрамасдан чексиз айланиш имконини беради.

Бугунги кунда А. Эйнштейннинг «цилиндрсимон дунё» ҳақидаги қарашлари ўтмишда қолган. Унинг оламни турғун моделини яратишга уринишлари ҳозир оламнинг абадиятда ўзгармас ҳолда мавжудлиги ҳақидаги анъанавий тасаввурларга ҳурмат сифатида каралади. Оламнинг тургун моделини А. Эйнштейн махсус тахмин асосида яратганини ҳам эътиборга олиш керак. Мазкур муаммонинг янги ечимини А. Фридман таклиф қилган ва уни бельгиялик космолог М. Леметр ривожлантирган.

А. Фридман дунёнинг тургунлиги ҳақидаги тахминдан воз кечди, лекин унинг бир хиллиги ва изотроплиги ҳақидаги постулатни саклаб колди. Бу муаммонинг уч хил ечимини таклиф қилиш имконини берди: 1. Агар оламда модда ва нурланишнинг зичлиги айрим критик катталикка тенг бўлса, майдон эвклид майдони бўлади, яъни эгрилиги нолга тенг бўлади ва дунё чексиз бўлади. 2. Агар зичлик критик катталикдан кичкина бўлса, олам майдони Лобачевский геом.си б-н тавсифланади, у манфий эгрилик ва чексиз ҳажмга эга, очиқ ва бел кўринишида бўлади. 3. Агар оламда модданинг зичлиги критик даражадан катта бўлса, майдон мусбат эгриликка эга, лекин ҳажми чекланган бўлади. Дунё берк ва чекли бўлиб, Риман геом.си б-н тавсифланади.

Бугунги кунда О.р.к. ва унинг асосида космология муаммосининг таклиф қилинган ечимларига нисбатан мун-т бир хил эмас. Оламнинг тузилиши, унинг чексизлиги ва бепоёнлиги, ундаги «очиқ» ва «ёпиқ» системалар, «кенгайиб борувчи олам» ва б. ҳақидаги ғоя ва қарашлар бу масаланинг мураккаб ва серқирралигини англатади.

**ОЛИГАРХИЯ** – (грек. oligarchia, oligos – озчилик, кам сонли ва arche – ҳокимият) – озчиликнинг ҳокимияти, давлат бошқарувининг муайян шакли, кам сонли бойлар ва мулк эгалари эгаллаб олган ҳокимият назарда тутилади. Баъзида бошқарувда иштирок этаётган ҳукмрон гуруҳ ҳам О. тарзида тушунилади. Бу маънода, О. бутун давлат миқёсида ҳокимиятни эгаллаб олади, ички ва ташқи сиёсатни белгилайди, халқни тин олгани ва эркин бўлгани қўймайди, муайян мам-тда якка бошқарувни амалга оширади. Бундай шароитда бутун мам-т миқёсида бошқарув ҳокимияти аъзолари бир-бирларини яхши «тушунадилар», О.нинг умумий ва ёзилмаган тартибларига риоя қиладилар ва ягона марказ, куч ёки шахс иродасига бўйсунадилар ва уни сўзсиз амалга оширадилар. Тоталитар, фашистик ва мутлақ авторитар тузумларда бу ҳолат яққол намоён бўлади. Собиқ иттифоқ ва ХХ а.нинг баъзи тоталитар давлатлари бунга мисол бўлиши мумкин.

**«ОЛИМНИНГ МАСЪУЛИЯТИ»** – немис фал.сининг йирик вакилларидан бири Иоганн Готлиб Фихтенинг (1762–1814) ўз даврида Германияда катта қизиқиш уйғотган а-ри. Бунинг сабаблари бир нечта, уларнинг барчасини умумлаштирадиган асосий сабаб, унда давр руҳи, миллий озодликка хизмат қилиш ва олимнинг бу борадаги эҳтиёжларга мос бўлиши зарурлиги ҳақидаги ғоя ўз ифодасини топганлигидир. XVIII а. охирларида Францияда содир бўлган воқеа-ҳодисалар таъсирида Фихте ҳам Германияни мустақил, озод ва равнақ топган давлат даражасига кўтарилиши учун маърифатпарварлик ҳаракати зарурлигини, миллий тар-ёт учун фикр эркинлиги лозимлигини ҳис этган. Бундай шароитда олимларнинг халқ ва Ватан тақдири учун масъулиятни сезиши, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, ўзини нафақат илм-фан, балки жам-т ишларига ҳам сафарбар қилиши зарурлиги «О.м.» а-рининг бош ғоясини ташкил қилади.

А-рни ўрганиш унда немис воқелигининг XVII ва XIX а. бошларидаги қарийб уч юз й.лик ривожи диққат б-н таҳлил қилингани, бунда кўпроқ тадрижий жараёнлар рўй берганлиги тўғрисида хулоса чиқарилганидан далолат беради. Бу давр фанда тахм. бир хил қарашга эга бўлган Жордано Бруноин ўтда ёққан, Галилейни тиз чўкишга, «Илоҳий комедия»нинг муаллифи Дантени сарсону саргардон бўлишига мажбур қилган Италия воқелигидан кескин фарқ қилади. Бу – миллатни инқилобий фаол бўлишга ундаган Жан Жак Руссо, кабоҳатларга қарши уруш бошлаган Робеспьерлар мансуб бўлган франц. воқелигидан ҳам фарқ қилади. Бу – немис миллатининг даҳосини оламга муқаррар суратда намоён этадиган Ньютондан Гётегача бўлган улкан тадрижий ўзгаришлар давридир. Бу даврни ижт-й, маън-й жиҳатдан бизнинг мам-тимизда Мирзо Улугбекдан Алишер Навоий вафотигача бўлган илм, фан, ижодий тафаккурдаги тадрижий ўзгаришлар даврини немисча намоён бўлиши дейиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам табиий фанлардаги улкан ютуқларнинг миллат ҳаёти, унинг фал.сига ниҳоятда катта таъсир кўрсатганини, миллат тили ва адабиёти давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, жаҳон мад-тининг буюк дурдоналари яратилгани бу фикрни тасдиқлайди. Бизда мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш ғояси халқни якдил этган бўлса, немисларда бирлашиш ва мустақил яшаш орқали ўзлигини намоён қилиш ғояси бу миллат файласуфларини улкан кашфиёт ва ижод чўққиларига илҳомлантирган. Бундай даврларда халқ ўзининг буюк алломаларини яратади, уларни улкан ишларга бошлайди, уларнинг қалби ва шуурига бунёдкор ғояларда ифодаланган мақсадларни устувор кучга айлантиради. А-р немис халқининг фал-й даҳосини оламга намоён этаолган шундай зотлардан бири Фихте бўлганини исботлайди.

Австрия-Венгрия империяси қарамлигида яшаётган, миллати ва мамтини мустақил, халқини озод ва эркин кўришни орзу қиладиган, бу борадаги турли мураккаб саволларга жавоб излаб юрган инсонлар учун ўша даврда Фихтенинг бу а-ри жуда асқотган. Мисол учун, ундаги қуйидаги мажозий фикрлар кўплар учун маъқул бўлиши б-н бирга, долзарб ҳаётий муаммолар хусусида мушоҳада юритишга ундаган: «Мен бошимни баландга, даҳшатли қоялардан иборат тоғлар ва жўш ураётган шаршарага, оловли денгиз узра сузаётган булутларга буриб айтмоқчиман: мен сизларнинг куч-қувватларингизга қарши курашаман. Барчангиз менинг устимга ёпирилиб тушинг, сен ҳам, эй Ер, сен ҳам, эй Осмон, кўркинчли қуюн бўлиб бирлашинг, сиз ҳам фалокатлар, кўпиринг, ҳайқиринг ва мен ўзимники деб ҳисоблаган томондаги охирги заррани ҳам бу курашда супуриб ташланг. Бирок, мен ўз моҳиятим ва масъулиятимни англаганлигим туфайли ёлғиз менинг эркимгина сиз туфайли харобага айланган дунё устидан ғолибона ўтиб боради. У сизлардан кўра мустаҳкам ва собитроқ, у абадий ва мен ҳам у каби абадийман» («О назначении ученого». – М. 1935, 99-б.). Бунда «баланд, даҳшатли қоялардан иборат тоғлар ва жўш ураётган шаршара, оловли денгиз узра сузаётган булутлар» деганда Фихте юртини мустамлака исканжасида ушлаб турган империя ва империал кучларни назарда тутган, «ўз моҳияти ва масъулиятини англаган, ёлғиз эркинигина устувор билган» инсонни, олимни унга қарши қўйган. Ва империя, империал кучлар «туфайли харобага айланган дунё устидан ғолибона ўтиб борадиган» эркини абадий қаршилик омили, деб ҳисоблаган. Албатта, бундай кўтаринкилик Фихтенинг барча а-рлари учун хос эмас. Бирок, ушбу парча файласуф қарашларида кураш, курашга чорлаш, эрк ва озодлик фидойиси бўлишдек умуминсоний

сифатлар устун бўлганлигидан далолат беради.

«О.м.»да миллат ва жам-т манфаатлари учун хизмат қилиш ғояси индивидуализм туйғуси б-н қоришиб кетган. Фихте фикрича, бу жиҳатдан ҳар бир олим ҳукмрон жам-т таъсиридан холи, фикран эркин, тафаккури озод инсон бўлиши лозим. Бунингсиз у мустамлака исканжасида ётган миллатига, умуман ўз халқига, унинг эзгу идеалларига мос бўла олмайди. Ш.у. олимнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришида эркин, оқил бўлмоқликка интилиши унинг ҳаёт шиорига айланиши зарур. Бу борада а-рда педагогик ва илм. тад. б-н боғлиқ фаолият гарчи бир бутун ҳолда уйғунлашган бўлса-да, бироқ уларнинг ҳар бирига нисбатан қатъий талаб мавжуд бўлиши керак, дея таъкидланади. «О.м.» муаллифи фикрича, олим фақат илм. тад.ларида эришган натижалари б-н кифояланиб, халқ ташвиши ва жам-т эхтиёжлари б-н иши бўлмай қолиши, яъни ўз қобиғига ўралиб қолиши керак эмас. Сокин кабинетларда қўлга киритилган илм. тад. натижаларини батафсил баён қилиб, китобларда акс эттирган маъқул, маърузаларда ва халқ орасидаги ташвиқотларда эса тадқиқот натижалари баёнига берилмасдан, балки одамларга тушунарли ва асосийси, уларни мустақил фикрлашга ундайдиган эркин ва ижодий бўлиш мақсадга мувофиқдир.

«О.м.» а-рида таъкидлангани каби, у ёзилган даврда Германия ҳали бирлашмаган эди, балки аксарият майда князликлар, империя даражасидаги айрим шаҳарлар, кичик қиролликлардан иборат эди. Герман давлатларининг сиёсий ҳаёти ана шу тарқоқликдан иборат бўлиб, уларда турли гуруҳлар сепаратизми, маҳаллий қизиқишлар доирасидаги тортишувлар ҳукмрон эди. Буларнинг барчаси Германия иқтисодиётининг ривожланмаганлиги ва ижт-й кучларнинг сиёсий муаммоларини биргаликда ҳал эта олиш даражасида пишиб етилмаганлигида намоён бўлар эди.

Немис миллатининг умумий манфаатларини бирлаштира оладиган ижт-й кучларнинг йўқлиги империяда давр сураётган давлат абсолютизмига жуда қўл келмоқда эди. Немис аристократияси, ҳатто назариётчиларнинг тасаввурида ҳам, давлатнинг миллат, турли ижт-й гуруҳлар ва қатламларнинг қизиқишларидан алоҳида тузилма эканлиги тўғрисидаги янглиш т. мавжуд эди. Давлатнинг бундай мустақиллиги тўғрисидаги тасаввур бу даврнинг бир қатор наз-й фикр юритувчи кишилари томонидан қўллаб-қувватланар эди. Оқибатда бюрократия тузуми кучая бошлади. Бундай т. ва ҳолатнинг мавжудлигига сабаб нимада эди? Аввало, узоқ вақтдан буён мустамлака бўлиб келаётган бу ҳудудга ана шундай ғоялар четдан киритилиши б-н бирга, мустамлакачилар томонидан мазкур соҳадаги бузғунчи ҳаракатлар қўллаб-қувватлаб турилар эди. Бу ўз-ўзидан ерли аҳолини ғафлатда сақлаш, миллатнинг турли қатламларини, унинг ўз орасидан етишиб чиққан хилма-хил даражадаги раҳбар ва зиёлиларни ҳам, умумий мақсад йўлидан чалғитиш учун қилинадиган доимий ҳаракат эди. Оқибатда, миллат бирлаша олмас, кичик ва кундалик ташвишлардан ортмайдиган халқ эса улкан бунёдкорлик ишларига қобил эмасдек кўринар эди. Аристократлар б-н оддий фуқаролар ўртасида ишончсизлик уруғлари сепилган ва уларнинг униб чиқиб, чуқур илдиз отиши учун кенг имкониятлар яратилган эди. Бу ўз бошидан кўплаб истилоларни кечирган ўзб. миллати ва М. О. халқлари учун нақадар таниш манзара.

Бундай даврнинг бошланиши шафқатсиз террор, охири эса мустамлака бўлган халқнинг озодлик учун кураши, ана шу кураш фал.сининг намоён бўлиши тарзида кечиши аниқ. Немисларнинг ўша даврдаги ҳаёт кечириши диалектикаси ҳам бундан мустасно эмас. Буларнинг барчаси ўша даврдаги Германия маън-й ҳаёти ривожида акс этмасдан қолмади. Айниқса, абсолютизм ва бюрократиянинг фан, адабиёт ва фал. қабилар устидан ўрнатган назорати аҳволни янада мушкуллаштираётган эди. Немис фани ва адабиётининг Винкельман, Лессинг, Гёте каби вакиллари сиёсий тизимнинг тазйиқи туфайли, мам-тни ташлаб чиқиб кетишга ва муҳожирликда кун кечиришга мажбур бўлишди. Бироқ, ана шундай оғир вазиятда ҳам эзгу ғояларни тараннум этиш йўлига ўтган немис адабиёти жуда катта ижт-й аҳамиятга эга бўлган маън-й куч даражасига кўтарилди. Лессинг, Шиллер, Гёте шеърлари, драма ва мақолалари бутун Германия бўйлаб катта қизиқиш б-н ўқилмоқда эди. Бизда «навоийхонлик», «машрабхонлик» бўлгани каби немисларда ҳам «верхонлик», «гётехонлик» вужудга келди. Озодлик, эркинлик фал.си халқнинг энг хассос қатлами – шоир ва ёзувчиларнинг асосий мавзусига айланди.

Фихтенинг ана шундай ғоялар таъсирида ёзилган ва уларнинг амалга ошишига хизмат қилган «О.м.» китоби, унинг бошқа а-рлари каби, ёш Шеллинг қарашлари, қисман Гегель дунёқараши, ш-дек, йеналик романтикларнинг фал-й-эстетик фикрлари шаклланишига катта таъсир кўрсатган. А-р чоп этилгач, ўша даврнинг ҳукмрон доиралари ва империяпараст кучлари томонидан Фихте Йена ун-тининг проф.и (1794–1799) лавозимидан четлатилган, бу шаҳардан Берлинга кўчиб кетишга мажбур бўлган.

Хуллас, а-рдаги ғоялар немис халқи мустақил бўлаётган ва унинг суверен давлати – Прус монархияси эндигина қад ростлаётган й.ларда истиклол ғоясига хизмат қилиш йўлига ўтган зиёлилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айнан ана шу ғоялар олимнинг 1800 й.дан Берлин ун-ти проф.и, 1810 й.дан эса шу ун-тнинг биринчи сайланган ректори бўлган даврларида ҳам немис ёшлари ва зиёлиларини мустақиллик ва эркинлик, миллатпарварлик ва маърифатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

**ОЛИМПИАДА** (юн. olympias) – иккита олимпиада ўйинлари ўртасидаги тўрт й. муддат (Юнонистонда ва ҳозир); Юнонистонда й. ҳисоблаш бирлиги (мил. 394 й.гача). мил. ав. 776 й.и биринчи О. й.и ҳисобланади.

**ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ** – Юнонистонда умумюнон байрами ва мусобақалари (икки ғилдиракли аравада тез юриш, бешкураш, муштлашиш мусобақалари, санъат конкурси). Мил. ав. 776 й.дан мил. 394 й.гача ҳар тўрт й.да Олимпия шаҳрида Худо Зевс шарафига ўтказилган. Ана шу тўрт й.лик давр олимпиада деб аталган. Ўйинлар 5 кун давом этган.

**ОЛТИНХОН ТЎРА, Саййид Маҳмуд Тарозий** – уламо, адиб, таржимон. Тўлиқ исми Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий (1894 й.да Авлиё ота (Туркистон) – 1991–92). Дастлабки таълимни падари бузруквoридан, сўнгра Шайх ибн Камол Носирхон Тўра Косонийдан, даврининг бошқа етук олимларидан олди. Араб, форс, турк тилларининг барча лаҳжаларини мукаммал эгаллади, мударрис бўлиб етишди. Шўро тузумининг зиёлиларга, илм аҳлларига ўтказган ноҳақ зуғуми сабабли мам-тдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

1932 й.дан Қобул шаҳрида истиқомат қила бошлади. Бир муддат Афғонистон Маориф вазирлигида маслаҳатчи лавозимига тайинланди. Сўнг Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳридаги масжидда имом-хатиб бўлиб хизмат қилди. Иккинчи Жаҳон уруши бошлангандан кейин Саудия Арабистонига кўчиб бориб, умрининг охиригача (1991–92) Макка ва Мадина шаҳарларида яшаб ижод этди.

О.т. Каъбатуллоҳ жойлашган Ҳарами шарифда, Мадинадаги Масжид ан-Набавийда мударрислик қилиб, Қуръон ва ҳадислардан сабоқ берди. О.т. тафсир, ҳадис, фиқҳ, адабиёт ва илмнинг бошқа соҳаларига оид а-рлар муаллифи ва таржимонидир. У Қуръони Каримни замонавий ўзб. тилига илк бор таржима қилиб, тафсир ёзди. Бу китоб Ҳиндистон,

Покистон ва Саудия Арабистонида кайта-кайта чоп этилган. Ш-дек, олим Куръоннинг айрим сураларини хам таржима ва тафсирлари б-н алохида холда нашр килдирган. Имом Нававийнинг Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларига бағишланган «Риёз ус-солиҳийн» номли 4 жилдли а-рини, Имоми Аъзамнинг «Фиқҳ ал-акбар», «Нур ул-бар», «Ақоид исломия», «Ҳизб ул-Аъзам» каби китобларини араб.дан ўзб. тилига ўгирди. Ўзбек, араб, форс, урду тилларида диний маър-й мазмунда рисолалар, тасниф-лар, рубоийлар ёзди.

О.т. томонидан Термизий каламига мансуб «Китоб аш-шамоил ан-Набавия» а-рининг ўзб. тилига килинган таржимаси сўнгги й.ларда Тошкентда араб ва ҳоз. ўзб. имлосида кайта-кайта нашр этилди (Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўз-н миллий энциклопедияси», 2003).

**ОМБУДСМАН** (швед. hombudsman – кимнингдир қизиқиши, тарафларнинг вакили деган маънони билдиради) – ишончга лойиқ мустакил шахс сифатида қонун чиқарувчи ҳокимият органининг инсон хукуқлари бўйича вакили; айрим фукароларнинг хукуқини ҳимоя килиш учун парламент томонидан ваколатли ҳисобланади, барча давлат органлари ва уларнинг вакиллари устидан кенгрок формада назорат этиш тушунилади.

О. бошка давлат органларига (ижроия ҳокимият) нисбатан парламентнинг одатдаги функциясининг назоратини кенгайтиради ҳамда кўшимчалар киритади ва ёрдам беради. Ш.у. дунёнинг кўп мам-тларида назоратнинг амалдаги шаклларига кўшимча бўлиб, яна бир назорат шакли «омбудсман» киритилди. Ҳоз. вактда дунёнинг турли давлатларида юзга яқин О.лар пайдо бўлган, қайсики бу мансабдор шахс бир давлатда, Скандинавия мам-тларида омбудсман, Испания ва Колумбияда халк ҳимоячиси, Францияда воситачи (медиатр), Руминияда халк адвокати, Ўз-нда Инсон хукуклари бўйича Олий Мажлис вакили ва ҳ.к..

О. хар хил йўллар б-н сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Мас., Испанияда 5 й. муддатга парламент томонидан сайланади, Францияда Министрлар Кенгаши томонидан декретга асосан тайинланади. Ўз-нда «ЎзР Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили тўғрисида»ги Қонуннинг (1997 й. 24 апрель) 3-моддасига асосан Вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлиснинг ваколатли муддатига (5 й.га) сайланади.

Кўпгина мам-тларда ҳар бир фукаро О.га бевосита мурожаат этиши мумкин. Агар мурожаати туфайли сунистеъмоллик ёки камчиликлар аникланса, О. томонидан мутассади мансаблор шахсга йўл кўйилган хатоларни бартараф этиши кўрсатилади. Агарда мансабдор шахс томонидан рад этилса, унда маъмурий органга ёки парламентга мурожаат этади. О. нафакат фукароларнинг мурожаатига кўра, балки ўз ташаббуси б-н хам харакат килади. Францияда фукаро воситачига тўғридан-тўғри чикмай, балки ўз сенатори ёки депутатига мурожаат этади.

ЎзРдаги вакил ўз фаолиятида ЎзРнинг Конституцияси, қонунлари, бошка қонун ҳужжатларига, ЎзРнинг халкаро шартномаларига, ш-дек, халкаро хукукнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига асосланади. Вакил ЎзР Олий Мажлисининг депутати бўлиб, конунчилик ташаббуси хукукига эгадир. Вакил ЎзР фукароларига ҳамда ЎзР худудида яшаб турган ажнабий фукаролар ва фукаролиги бўлмаган шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ёки конуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чикади ва ўз текширувини ўтказиш хукукига эга. Ўз-нда О.га давлат органлари, фукароларнинг ўзини-ўзи бошкариш органлари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон хукуқлари тўғрисидаги амалдаги конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколати берилган. Вакил ўз фаолиятида ЎзРнинг халкаро шартномаларига, ш-дек, халкаро хукукнинг умумэътироф этилган коидалари тамойиллари ва меъёрларига асосланади. О. ўз ваколатларини давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган ҳолда мустакил амалга оширади ва фақат ЎзР Олий Мажлисига ҳисоб беради.

**ОМИЛЛАР (ФАКТОРЛАР) НАЗАРИЯСИ** – XVIII а.нинг охирларидан бошлаб Ғарбда ва Россияда таркалган наз-ялардан бири. Унинг асосчилари ва тарғиботчилари немис файласуфи Макс Вебер (1864–1920), итальян социологи Гаэтано Моска (1858–1941), рус социологлари М. Ковалевский (1851–1961) ва Н. Карев (1850–1931)лардир. О.н. фал. ва социологияда моддий неъматларнинг жам-т рив-шидаги аҳамиятини инкор этади ҳамда унинг ўрнида кўпдан-кўп тенг хукукли омилларнинг (иктисод, ахлок, дин, техника, мад-т ва б.) ўзаро таъсирини эътироф этади. Социологияда плюрализмнинг ифодаси бўлганлигидан О.н. ижт-й тар-ётнинг объектив конунларини, социал меъёрлар ўртасидаги ички алоқаларни рад этади. О.н. тарихда кўпгина субъектив омилларнинг аҳамиятини ошириб юбориши б-н намоён бўлади. Ўзгарган шаклда О.н. Ғарб фал.си ва социологиясида ҳоз. ҳам мавжуд.

**ОММАВИЙ ЖАМИЯТ** – ҳоз. замон жам-тининг катор ўзига хос томонларини ифодаловчи т.. Жам-т барча соҳаларининг кенг оммавийлашув жараёни тубдан янги меҳнат куроли – машиналарнинг пайдо бўлишидан бошланган эди. Оммавийлашув иктисодиёт соҳасида бошланиб, аста-секинлик б-н жам-тнинг б. соҳаларини ҳам камраб олди. О.ж. наз-яси илдизлари ўрта а.лардаги анъанавий ижт-й мун-тларга зид равишда шаклланган янги мун-тларга карши консерватив ғоялар б-н боғликдир (Э. Берк, Ж. Де Местр, А. Бональд). Янги тартибларнинг мукаррарлигини англаган франц. мутафаккири А. Токвиль (1805–1859) янги жам-тни ундаги эркинлик ва тенглик мун-тлари н. назаридан тавсифлайди. У ўзининг «Америкада демократия» а-рида: «Менинг диккатимни жалб килган янгиликлар ичида ҳеч қайсиси шароитларнинг умумий тенглиги каби ҳайратлантирган эмас», – деб ёзди. У демократияни гоҳ жам-т барча томонларини тенглаштиришга интилиш, гоҳ «халк», гоҳ бевосита бошкариш шакли сифатида талкин килди, тенгликни амалга ошириш учун марказлаштириш ва бюрократлаштириш ижт-й ҳаётнинг барча соҳалари устидан буржуа назоратини ўрнатишга олиб келишини кўрсатди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг О.ж. концепцияларининг асосий йўналиши авторитар тенденцияларни танкид килишга каратилди. О.ж.ни янгича талкин килиш ҳоз. замон жамтидаги муҳим жараёнларни тўғри тушуниш имконини беради. Оммавийлашув жараёни жам-тнинг барча соҳаларида катта имкониятлар очиб бериши б-н бир каторда маъят соҳасида катор муаммоларни келтириб чиқарганлиги туфайли О.ж концепциялари ҳам кўпдир. Жам-т ҳаётининг турли соҳаларида кечаётган оммавийлашув жараёнлари, шубҳасиз, ўзининг микёси, моҳияти ва намоён бўлиш шаклига кўра бирбиридан фарк килади.

Номоддий и.ч.нинг турли кўринишларида эса у ёки бу даражада оммавий фаолиятнинг технологик, ташкилий ва б. таркибий кисмини яратади. Мас., ҳоз. замон фани минглаб одамларни бирлаштирган йирик ташкилотларни камраб олади. Бу ҳакикатан ҳам ахборотни (билимни) оммавий, индустриал шаклда и.ч.дир. Истеъмол, инсоний мун-тлар, маиший соҳаларда аҳвол бошкача. Уларда оммавийлашув кишилар фаолиятини қатъий расмий ташкил этишни талаб қилмайди. Лекин бунда ҳам ўзига хос кўринишда оммавий фаолият мавжуддир: иштирок этадиган индивидларнинг кўплиги, улар фа-

олиятининг ўхшашлиги, фаолиятни танлаш имконияти н. назаридан эркинлиги ва б. оммавийлашув жараёнининг ҳам энига, ҳам бўйига (горизонтал ва вертикал) чуқурлашиб бориши жам-т тар-ётида қонуний, зарурий ҳодиса бўлиб, келгуси жам-т ва инсон қиёфасини белгилашда турли имкониятлар яратади.

**ОММАВИЙ МАДАНИЯТ** – мад-т мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Бугунги кунда О.м.ни Ғарб мад-ти б-н боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, ш-дек. уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Айни пайтда фольклор, халқ мад-тини ҳам О.м. кўринишлари сифатида талқин қилинади.

Шу маънода, О.м. чуқур тарихий, ижт-й ва мад-й илдизларга эга. У пайдо бўлишининг ижт-й-иқт-й илдизлари йирик саноат и.ч.нинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Йирик саноат ривожи ёлланма ишчиларга заруратни туғдирган бўлса, феодал жам-тнинг анъанавий социал структурасининг емирилиши одатий меҳнатидан айрилган кишилар оммасини вужудга келтириб, ана шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилди. О.м.нинг шакллана бошлаши ана шу жараённинг инъикоси эди. Зеро, у янги ижт-й катламларнинг (ёлланма ишчилар ва хизматчиларнинг) ўзларигагина хос бўлган мад-т кўринишини яратишга бўлган интилишнинг натижаси ўларок шаклланди.

О.м.нинг юзага келиши ва рив-ши айни пайтда ижт-й қадриятларни содда, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ўсиши, нашр маҳсулотларининг пайдо бўлиши ҳамдир. Узоқ вақт давомида дунёқараш ва хулқ меъёрлари устоздан шогирдларга якка тартибда ўтиб борган. Тарихий тар-ёт ижт-й тажриба ва дастурлар узатиш механизмининг универсаллашуви уларни кенгроқ доирага олиб чиқди. Бунга ҳам оммавий мад-т шаклланишининг муҳим кўриниши сифатида қараш лозим. Бу жараённинг бугунги кундаги ўзига хос натижасини боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртларида таълим, тарбия жараёнининг универсаллаштирилган – ягона стандарт ва дастурлар асосида ташкил этилганида кўришимиз мумкин. Бундай универсаллаштириш ҳозирда глобал миқёс касб этмоқда.

XX а.да радио, кино, ТВ, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида О.м. ўз рившининг янги босқичига қадам қўйди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш имкониятлари кескин даражада ўсгани б-н характерланади. Таъсир этишнинг нозик ва кудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситалар ёрдамида оммавий истеъмол мад-тини, интеллектуал фаолият жисмоний меҳнатни ҳар соҳадан сиқиб чиқариш кучайган бир пайтда жисмоний соғлом бўлишга хизмат қиладиган ҳар хил спорт турларини фаол тарғиб қилиш йўли б-н жисмоний баркамол шахсни шакллантиришга уриниш ҳам ана шу жараённинг натижасидир.

О.м. халқ мад-тидан фарқли ўларок нафақат миллий, балки миллатлараро, байналмилал хус-ят касб этиши, айни пайтда умуман миллийликдан узоқ бўлиши ҳам мумкин. Кўпгина ҳолларда О.м.нинг у ёки бу намунасининг миллий мансублигини фақат унинг тили ёки ижрочисига қараб ажратиш мумкин. Элитар мад-т кўпчиликка мўлжалланмагани, тушунарсиз бўлгани б-н ажралиб турар экан, бу унинг ташувчиларини жамтда алоҳида мавқега эга бўлишларига хизмат қилган. О.м. эса кенг халқ ўртасида машҳур бўлган ўзларининг аниқ муаллифлари б-н ажралиб туради. Халқ мад-ти ҳамма вақт муайян конкрет макон б-н боғланган. О.м.да эса бундай локаллик кузатилмайди. У аввал бошданоқ кенг аудиторияга мўлжалланган бўлади. Унда инсонга хос бўлган ҳиссиётлар – муҳаббат, қўрқув, муваффақиятга эришишга бўлган интилиш, ғаройиботга ишонч ва ш.к.га асосланиш устуворлик қилади. Шу йўл б-н О.м. реал ҳаётга қайсидир жиҳатлари б-н ўхшаш бўлган, аммо ундан айни пайтда бирмунча узоқ бўлган ҳаёт манзарасини яратади, қарашлар ва қадриятлар тизимини, хулқ моделини шакллантиришга хизмат қилади. О.м. ўзининг мана шу хус-ятлари б-н инсоннинг идеалга бўлган табиий эҳтиёжини қондиришга интилади.

Бугунги кунда О.м. олим ва мутахассислар томонидан турлича талқин этилмоқда. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин: халқ мад-ти, урф-о.лари, маросимлари, санъати ва ш.к.ни ифодаловчи т.; ОАВнинг ривожи б-н боғлиқ ҳодиса; оммавий и.ч., «кўнгил очиш индустрияси» томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган мад-тнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодиса.

Ҳоз. даврда Ғарбда кенг тарқалган О.м. шакллари мад-й-мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли қуролларидан бирига ҳам айланган. Истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган бундай О.м. шакллари асл кишилик мад-тига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир-оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир. Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган О.м. экспансияси таъсирида содир бўладиган қадриятлар тизимидаги туб ўзгаришлар «ижт-й мавжудот» бўлган инсондаги ўзгаришларни келтириб чиқаради, инсон ва жам-т маънй-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилади, жам-т инқирозга учрай бошлайди.

Шу боис, Ўз-ннинг Биринчи Президенти И. А. Каримов Ўз-н мустақиллигининг ўн олти й.лигига бағишланган маърузасида О.м. масаласига алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: «Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жам-тда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маън-й ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «О.м.» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак». Бу хулоса эса, ўз навбатида, ушбу масалада огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозимлигини, аҳоли, айникса ёшларни унинг бузғунчи таъсиридан асрашнинг ниҳоятда долзарб масалалардан бирига айланганини англатади.

**«ОММАНИНГ ИСЁНИ»** («La Rebilion de las masas», 1930) – Ортега-и-Гассетнинг омма, оломон, исён ва кўзғолонларнинг мазмун-моҳияти ҳамда бу т.ларнинг шаклланиши ва ўша даврдаги намоён бўлиш хусятларига бағишланган а-ри. Унинг фикрича, «Омма» т.си «ҳеч нарсаси йўқ кишиларнинг мажмуаси» маъносини англатади. А-рда таъкидланганидек, ёзувчи яшаган замонда жам-тни бошқариш ва ҳокимият тармоқларини ана шундай одамларнинг вакиллари эгаллаб олмоқдалар. Ҳатто энг ривожланган ва таъминланган, деб тасаввур қилинадиган давлат ва жам-тларда ҳам шундай ҳолат рўй бераётгани, бу фикрни тасдиқлайди, дейди муаллиф. Унингча, жам-т қанча аристократлашиб бораётган бўлса, ҳеч нарсаси йўқ омманинг сони ҳам шунча ўсиб бормоқда. Бундай шароитда илгаридан бошлаб жам-т тузилишини барқарор қилиб турган, кўпчиликнинг озчиликка бўйсуниб ҳаёт кечириши тамойиллари бузилиб кетмоқда, омма эса азалий қарамликдан қутулиш ҳаракатини кўпроқ амалга оширмоқда.

А-р муаллифи омма эндиликда тобеликдан кўра, абадий эркинлик, бу дунёда ким эканлигини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига кўпроқ урғу бермоқда, ана шу ҳуқуқни амалга ошириш учун турли исён ва кўзғолонлар йўлидан бормоқда. Жамтнинг бузилиши, турли урушлар натижасида ҳокимиятларнинг кучсизланиши ва обрўсизланиши омманинг назарида унинг қаршисида би-

рорта арзигулик тўсик йўқдек бўлиб кўринмокда. Энг дахшатлиси, омма шунга ўрганиб қолмоқда, бу борадаги исён ва кўзғолонлар жараёнида унинг оломонга айланиш холатлари кўпаймоқда. Бундай холда одамларда «шахсий хуқуқ»нинг аҳамияти ортиб, ижт-й масъулият туйғуси камаймоқда. «Илгари плебейлар (эркин, аммо юридик жиҳатдан хеч қандай хуқукка эга бўлмаган куйи синфга мансуб киши, оксуяк бўлмаган одам) давлат бошқарувида, жам-тда ва ижт-й мун-тларда ўз ўрнини билган ва бошқача бўлишга ҳаракат ҳам қилмаган бўлса, эндиликда оддий одамда ҳам дунёда нима рўй бераётган бўлса ўз фикри, ўз мун-ти бўлиши одатдаги холга айланиб қолган», дейди файласуф. Унингча, Европада бундай одамларнинг кўпайиб бориши натижасида ижт-й мун-тларда тар-ёт, мад-тлашув рўй бераётгани йўқ, балки ўзбилармон, ўз-ўзидан бошқани қадрламайдиган, тўпори одамларнинг куч б-н ўрнатиладиган иродаси устувор бўлмоқда.

А-р муаллифи ана шу ҳолни ифодалаш учун «Ёввойилашишнинг буюк хартияси» иборасини ишлатади ва ўша даврда рўй бераётган исёнлар ҳамда кўзғолонларнинг бузғунчилик ва вайронагарчиликларга сабаб бўлаётгани, уларни амалга оширишга бошчилик қилаётган кишиларнинг эса калтабин сиёсат олиб бораётганларини қоралайди. XX а. биринчи ярмидаги бундай илғор ва аслзода зиёлиларга хос бўлган турли инқилоб ва исёнларга нисбатан мун-т акс этган «О.и» а-рида муаллиф омманинг тарихий шаклланган мад-тлилик даражасини йўқотганлиги, уни кўзғолонларга ундаётганларнинг эса, ана шу фалокатнинг моҳиятини ва аянчли оқибатларини тушунмаётганлиги учун танқид қилади. Унингча, бундай инқилобий фаолиятлар эртаси йўқ, яъни истиқболсиз келажакдир. Афсуски, дейди файласуф, бугунги Европа тарихи ана шундай тор манфаат ва мақсадлар йўлида хеч нарсадан қайтмайдиган, оммавий онгнинг ўз тафаккурида устувор намоён қиладиган «ўқимаган (оми) – олимлар», аслида на ҳаётни, на илмни яхши билмайдиган луттивозлар қўлида қолди.

Олимнинг фикрича, 1930 й.лар Европасининг энг катта фожиаси омма ва оломонни ишга солиб, давлат ва ҳокимиятни эгаллаб олиш ва ундан кейин эса одамларни зўрлик исканжасига тушириб, шахс эркинлигини бўғиш, давлатнинг ролини мутлақлаштириб, фуқаронинг ҳуқуқларини бутунлай йўқ қилиш ҳолатларининг содир бўлаётганидир. Бу эса, дейди муаллиф, муқаррар тарзда омма одамининг фақат давлат учун яшашга мажбур қилинишига сабаб бўлади ва охир-оқибатда унинг бутун жонини суғуриб олади ҳамда ўзини ўзи ўлимга олиб боради.

А-рдаги бундай фикрлар олим яшаган даврда рўй берган кўплаб исён ва кўзғолонларнинг моҳиятини англаш, уларнинг оқибатини тасаввур қилиш учун имкон берган, албатта. Ш.у. ҳам бу а-р собиқ иттифоқ мафкурачилари томонидан аёвсиз танқид қилинган ва унинг ҳудудида чоп этилишига йўл қўйилмаган.

**«ОММА ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ИНСОН «МЕН»И ТАҲЛИЛИ»** – австриялик файласуф ва психолог, фрейдизм ва психоанализ асосчиси З. Фрейднинг (1856–1939) омма кўринишидаги жамоаларнинг ижт-й-психологик таҳлилига бағишланган а-ри (1921). Мазкур а-р психотаҳлилни терапевтик услубият сифатида таҳлил қилишдан фал-й юритиш шаклидаги психотаҳлилга ўтишни бошлаб беради. Бундай ёндашув ижт-й жараёнлар ва ҳодисаларни изоҳлаш учун психотаҳлил қоидаларини қўллаш шаклида амалга оширилади. Фрейд индивидуал-психик даражани ижт-й ҳодисаларнинг тузилмаси ва ҳаракатчан жиҳатлари б-н боғлашга интилади. Фрейднинг фикрига кўра, шахс психологияси кенг маънода бир вақтнинг ўзида ижт-й («оммавий») психология ҳамдир, чунки инсоннинг руҳий ҳаётида доимо «бошқа» биров мавжуд.

«Оммавий психология» инсонни ижт-й жамоа аъзоси ёки омманинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқади. Фрейд Лебон ва Мак-Дугалл материалларидан фойдаланган ҳолда оммада вужудга келадиган ижт-й-психологик самараларни – бепарволикнинг кучайиши ва шуурнинг сусайишини кўрсатиб беради. Оммага ўхшаш жамоаларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши жараёнларининг психологик асослари «либидо» наз-яси асосида талқин қилинади. «Либидо» дейилганда муҳаббат т.си б-н умумлаштириш мумкин бўлган барча нарсага алоқадор бўлган дастлабки чорловлар қудрати тушунилади. Либидо асосида вужудга келадиган ҳиссий алоқалар «оммавий руҳ» моҳиятини ташкил этади. Фрейд оммани черков ва қўшинлар мисолида кўриб чиқади. Қўшинлар ҳам, черков ҳам сунъий (ташқи мажбурлаш мавжудлиги б-н боғлиқ) оммалардан иборат. Черков ва қўшинларнинг амал қилиши омманинг ҳар бир алоҳида аъзосини бир хил муҳаббат б-н севувчи олий ҳукмдор (черковда Исо, армияда қўмондон) мавжудлиги борасидаги хомхаёллар ёки унинг ўрнини босувчи етакчи ғояни сингдиришга асосланади. Омма ҳар бир аъзосининг олий мавжудот б-н алоқаси, Фрейднинг фикрига кўра, бир вақтнинг ўзида ҳамда омма аъзолари ўртасидаги алоқа сабаблидир. Мазкур оммаларда ҳар бир киши икки йўналишда: бир томондан доҳий, бошқа томондан омманинг бошқа аъзолари б-н либидо тарзида боғлангандир. Шу аснода муайян оммадаги кишилар жамоаси бошқа оммаларга душманона мун-ти б-н фарқланиб туради. Кишиларнинг оммага бирлашуви индивидуал ўз-ўзига муҳаббатни (нарциссизм) чеклашни келтириб чиқаради, деб ҳисобланади.

Фрейднинг фикрига кўра, оммада нарцисча ўзини севишнинг чекланиши омма шаклланишининг моҳияти, омма аъзоларининг бир-бирлари б-н ўзига хос либидоча алоқаларидан иборатлигининг исботидир. Жинсий энергияни қайта йўналтириш ва мансублик бундай алоқа механизмидир. Мансублик объект б-н ҳиссий алоқанинг дастлабки шаклидан иборатдир: регрессив йўл б-н у либидоли объектив алоқанинг ўрнини босади; у ҳар сафар янги пайдо бўлган жамоада дастлабки чорловлар объекти бўлмаган шахс б-н вужудга келиши мумкин. Омма яратиш механизми сифатидаги мансублик шахсларнинг муайян сони томонидан айнан бир объектни «Мен – идеал» сифатида қабул қилиш орқали таъсир ўтказади. Айрим инсон ўзининг «Мен – идеал»ини доҳийда акс этган оммавий идеал б-н таққослайди. Бунинг натижасида шахслар ўзаро ўз «Мен»ига таққосланади. Фрейд оммага ўхшаш жамоалар «ибтидоий ўрда» ижт-й-психологик механизмлари вужудга келишини таъкидлайди. «Шахслар психологияси» ва «Ота, етакчи, доҳий психологияси» унга мансубдир. Доҳий – «бобокалон», деб фараз қилади Фрейд, либидолик чекланишларга боғлиқ бўлмаган. Омманинг мун-ти ибтидоий ўрдадаги мун-тлар томон юқорилаб борувчи мун-тлар сифатида талқин қилинади. Омма доҳийси бобокалонга ўхшаш мавқега эга, барча унинг олдида қўрқиб-титраб туради. Бобокалон омма идеалидир ва «Мен – идеал» ўрнига инсоний «Мен»га эга. Ўз-ўзини севишга (нарциссизмга) мансуб кишилар кўпинча бундай ўзгаришга тортилади. Бинобарин, доҳий кўпинча омма аъзоларига хос оддий хус-ятларга эга бўлиши ва етакчи мавқени эгаллаш учун катта қудратга ва либидо эркинлигига эгалиги борасидаги таассурот қолдириши зарур.

**ОНА** – 1) фарзандни дунёга келтирган шахсга нисбатан қўлланадиган т.; 2) фарзандни дунёга келтирмаган бўлса-да, уни тарбиялаган ёки тарбиялашда муҳим ҳисса қўшган аёлга нисбатан қўлланадиган т.; 3) ўзб. халқи мад-тида кекса аёлга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қўлланадиган атама; 4) инсон маънавиятининг илк шаклланиш даврларида катта таъсир кўрсатувчи ва авлод

тушуниш уни илохий ходиса, Худо яратган мўъжиза тарзида талкин килишга асосланади. Кўпгина динларда инсон О.и илохий аклнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Бунга кўра, инсон танасидаги рух бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши б-н О. хам ўлади. Бундай карашларнинг илдизи жуда кадимий бўлса-да, улар хамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у одам ва одамнинг яратилганлиги масаласи б-н бевосита боглик. Кимда-ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, О. хам Яратганнинг кудрати эканлигини тан олиши табиий. О. моддийликнинг мияда инсон танаси фаолияти б-н боғлаб талкин килинишидир. Бундай карашлар хам кад. илдизларга эга.

Умумий билиш наз-яси онгга берадиган таърифида фал-й онтологияга кўпрок таянади. Бу усул афсуски, хозиргача онгни тадкик этаётган фал-й уринишларни бир хулосага бирлаштира олмаётган усуллигича колмокда. Ш.у. онгга у ёки бу даражадаги мукаммал бошланғич таъриф берилмай келинмокда. Лекин масаланинг мохияти умумдунёкараш маъносида олиб каралса, шунга ўхшаш хол гносеологияда хам мавжуд. Бу борада фал-й билиш наз-ясининг вазифаси осон туюлади, чунки у ўз диккат-эътиборини билимга, яъни хакикий билимга, унинг мавжуд бўлиш ва онгнинг олам сирларини эгаллаш жихатларига каратган. Бошкача килиб айтганда, онг унинг объекти сифатида эътиборга олинади.

Онгнинг замонавий талкини масаласида бир неча фал-й-гносеологик концепциялар мавжуд. Хозир онг деганда, борликни рухий акс эттириш, вокеликнинг объектив мазмунини субъектив мазмунга айлантириш, ш-дек, унинг турли боскич ва даражаларида бундай инъикос эттиришнинг ўзига хос социал-психологик механизмлари, шакллари тушунилади. Онг деганда, оддий рухий инъикос эмас, балки ижт-й ривожланган инсон томонидан вокеликни рухий ва аклий акс эттиришнинг олий шакли тушунилади. У инсон миясининг шундай функциясики, унинг мохияти ташки дунёни тўғри, умумлашган, максадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттиради. Онг илгариги тажриба ёрдамида тўпланган таассуротларни хам ўзаро боғлайди, у вокеликни эмоционал бахолаш, максадга мувофик фаолиятни таъминлашдир.

Онг оддий образ эмас, вокеликни акс эттириш ва ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятнинг рухий шаклидир. Ушбу таъкидланган онгга тегишли белгилардан унинг куйидаги таърифи келиб чикади: онг факат инсонгагина хос бўлган, тил ва нутк ёрдамида вокелик хакидаги маълумотларни умумлаштирадиган миянинг максадга мувофик, конструктив ва ижодий намоён бўладиган олий функциясидир.

Агар онг инсонни ўраб олган дунёни англашга йўналтирилган бўлса, ўз-ўзини англашда эса субъект ўзини объект сифатида кабул килади. Бунда тахлил объекти бўлиб шахсий тасаввур ва фикрлар, хис-туйғулар, кечинма хамда кизикишлар, максадлар, хатти-харакат, жамоа, оила ва жамтдаги ахвол кабилар хисобланади. Ўз-ўзини англаш факат ўзни билиш эмас, балки ўзига нисбатан муайян мун-т хамдир: ўзининг сифат ва холатига, имкониятларига, жисмоний ва маън-й кучларига мун-т, яъни ўз-ўзини бахолашдир. Ўз-ўзига мос ёки мос бўлмаган бахо ва мун-т инсонда аклий ишончни таъминлайдиган рух уйғунлигини ёки доимий зиддиятларни, баъзи холларда инсоннинг асабий холатини келтириб чикаради. Турли кишиларда ўз-ўзини англаш хам турлича бўлади. Бу ташки олам нарса ва ходисаларига каратилган фикрлар окимини умумий тарзда назорат килиб туришга, ўзи онгнинг асосий объектига айланганда хам ўз устида чукур фикр юритишга боғлик бўлади.

Файласуфларнинг ўз-ўзини англашга субъектив дунёнинг ўзига мун-тда бўла бошлаши Сукротнинг машхур «Ўз-ўзингни англа» шиоридаанок бошланган дейиш мумкин. Файласуфлар орасида биринчилардан бўлиб Сукрот инсонни ўраб турган дунёни англаш б-н параллел равишда ўз-ўзини англаш, ўзининг рухий дунёсини англаш жараёнисиз кемтик бўлиб колишини пайкаб етган эди. Бундай ўз-ўзини англашнинг шаклланиши инсоният тарихида хам, инсоннинг индивидуал рив-шида хам социал омилсиз, мулокотсиз, ўзини ўзгалардан фарклашсиз ва айни пайтда, ўзини ўзгалар, уларнинг хаётий мавкелари б-н киёсламасдан, ўзини бошка кишилар ва жам-т н. назаридан бахоламасдан туриш мумкин эмас.

Ўз-ўзини англаш жараёнида инсон ўзини ўраб турган дунёдан ажрала олади ва унга нисбатан ўзининг мун-тини аниклаш учун харакат килади. Агар онг инсонга ўзининг амалий фаолиятини назорат килишга имкон берса, ўз-ўзини англаш эса онг фаолиятини хам назорат остига олади, яъни онгнинг ўзини хам ўзгартиради. Ўз-ўзини англаш жараёнида инсон шахс бўлиб шаклланади, ўзини шахс сифатида, амалий ва маън-й фаолиятнинг объекти сифатида англай бошлайди. Инсон онги ўз-ўзини англаш б-н бир катордаги т. эмас, балки у ўз ичига ўз-ўзини англаш жараёнини хам камраб олади.

**ОНГНИНГ МАНБАЛАРИ** – фал. да онгни шакллантирувчи омиллар ва асослар мажмуини англатувчи т.. Ушбу масала узок давр мобайнида олимлар учун бахс-мунозара мавзуси бўлиб келди. Уни тадкик этиш жараёнида натуралистик, объектив-идеалистик, вульгар-материалистик, феноменологик ва б. турли ёндашувлар шаклланди.

Натуралистик йўналиш вакиллари ўз эътиборини онгнинг моддий-ашёвий субстрат (асос) б-н боғликлигини аниклашга каратган ва тафаккур, онгни бир оз бошкача турдаги ашёвий ўзгаришларга такаб куйган эдилар. Унинг баъзи вакиллари тафаккур жараёнини организм томонидан сафро и.ч.га ўхшатган эдилар. Мас., жигар зардоб айирганн каби мия хам фикр айиради, кабилидаги карашлар б-н Молешотт, Бюнхер каби натуралистик оким вакиллари «онг», «онгнинг манбаи»ни механистик н. назардан тадкик этдилар. Бундай караш окибатида фикрлар характери коннинг кимёвий холатига, яъни мия ва унинг ишига таъсир киладиган овкат б-н белгиланадиган бўлиб колди. Бунга карши бўлган объектив-идеалистик ёндашув эса онгнинг мияга боглик бўлмаган, бирок бошка холларда ташки рухий омил б-н аникланадиган компонентлардан иборат, деб билар ва шу жихатга ўз диккатини йўналтирган. Амалда унинг тарафдорлари онгнинг ижт-й-мад-й устунлигига кўпрок урғу беришар эди.

Онгнинг манбаини тушунишдаги фал-й-реалистик йўналиш онг мазмунини белгилайдиган фанга куйидагиларни ажратиб кўрсатади. Биринчидан, ташки нарсалар ва рухият дунёси; табиий, ижт-й ва рухий ходисалар онгда аник хиссий т.лар хамда образларда акс этади. Бу образларда, агар улар, мас., кандайдир табиий нарса ёки тарихий ходисани акс эттирса, онгда уларнинг тасвири, нусхаси (ёки тимсоли) бўлиб, улар бу нарса ёки ходисалар тўғрисида, уларнинг ички жихатлари ва мохияти тўғрисидаги ахборотни акс эттиради. Бундай ахборот инсоннинг мавжуд вазият, унинг доимий боғликлигини таъминлайдиган холат б-н ўзаро алокасининг натижаси хисобланади.

Онгнинг иккинчи манбаи ижт-й-мад-й мухит, умумий т.лар, этик-эстетик коидалар, социал ғоя ва ахлокий нормалар, жам-т томонидан тўпланган билимлардир. Унга, ш-дек, билиш фаолиятининг воситалари, усул ва шакллари хам киради. Баъзи ижт-й-мад-й характердаги норма ва такиклар ижт-й онг мазмунининг таркибий кисмига айланган холда индивидуал онгга узатилади. Индивидуал онг бунинг натижасида табиат ва жам-тни ижт-й англаш даражасига

дунёқарашининг маълум йўналиш олишида муҳим ўрин тутувчи оила аъзоси. Фарзанд туғилгач, у парваришга муҳтож бўлади, биринчи навбатда, О.нинг меҳр-муруввати б-н тарбияланади, вояга етгач, меҳнат қилади, ўзи ҳам фарзандли бўлиб, уларни улғайтириш жараёнида кексаяди. Бу ҳодиса инсоният тарихида узлуксиз жараён бўлиб, О.ларга фарзандини тарбиялаш, билим бериш ҳамда уларга ўз моддий ва маън-й бойликларини етказиш имкониятини берган.

О.лар оила, қўшнилар давраси, маҳалла ва ижт-й ҳаётнинг барча шаклларида авлодга бебаҳо тажриба етказишади. Улар ёш авлодга ўз ҳаётлари мисолида ибрат кўрсатади. О.ларга ҳурмат ва уларга ғамхўрлик ҳамма ерда ва ҳамма вақт инсоният тар-ёхининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. У инсониятнинг яшаб қолиши ва тар-ёти учун шарт-шароит яратган, ўзини саклаб қолишга интилиш ва жамтни сақлаш ўртасидаги асосий ўзаро боғлиқлик ҳамда уйғунликни акс эттирган. О.лар учун ўз оиласи, фарзандлари ва яқинларига, жам-тга кераклиги, улар учун суюкли эканини ҳис этиб яшаш энг юксак бахт ҳисобланади. О.лар фарзандлари оила ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятини англаб, уларнинг ҳаётий режаларига камарбаста бўлиб яшаши ва бунинг ортидан эътибор топишини орзу қилиб яшайди.

О.ларнинг беминнат хизматига бир умр содиқ бўлиш, уларнинг дуоларини олиш, насиҳатларига қулоқ тутиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Шарқда О.ларни қадрлаш миллий менталитет даражасига кўтарилган, жумладан, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ўзбекона миллий қадрият бўлиб, бу ахлоқий фазилат ҳар бир болага ёшлигидан оила даврасида сингдириб борилади. Ўз навбатида, кўпни кўрган, ҳаёт мураккабликларини енгган, кийинчиликда чиниккан, ақли расо О.лар ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча таомил, урф-о.ларни ёшларга ўргатади. Шу тарзда, бир томондан, О. ва фарзанд ўзаро мун-тларининг узвийлиги таъминланса, иккинчи томондан, фарзандларда юксак ахлоқий ва маън-й фазилатлар шаклланиб боришига эришилади.

Фарзанд О.дан намуна олиб, ҳаётда ўзидан бирор из, яхши ном қолдиришга интилади. Уларда О. туфайли ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик, бунёдкорлик ҳисси шаклланади. О.лар фарзандига сирдош, суянчиқ, устоз, ҳамдард бўлиши маъ-ятимиздаги асосий вокеликдир. Уларнинг ҳаёт тажрибаси, меҳрмуҳаббати, ақл-заковати ёшлардаги куч-ғайратни, жўшқинликни, ташаббускорликни тўғри йўлга солишга, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасликка даъват этади. О. умр бўйи ахлоқ-одоб, тарбия, насиҳат б-н камол топиб, энди б.га, аввалaмбор, фарзандларига маслаҳат бера оладиган, уларга ибрат бўла оладиган ҳаёт донишманди – мураббий, устоз ҳисобланади. О.лар ҳаёт тарзи кўпинча фарзандларнинг «мустақиллик», «озодлик», «эркинлик» т.ларини чин қалбдан ҳис этишига олиб келади.

О.лар ҳаётнинг пасту баландини, оғир-енгилини, кам-кўстини бошдан кечириб, оқни қорадан, яхшини ёмондан, гуноҳни савобдан, дўстни душмандан, адолатни разолатдан, шукроналикни кўрнамакликдан ажрата олади. Ўзбекларда О.лар фарзандларини оилали, уй-жойли ва албатта, баркамол, бахтли қилиш ташвиши б-н яшайди. Бу улар ҳаётининг мазмунига айланган. Халқимизда азалазалдан катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларнинг сўзларини икки қилмаслик каби фазилатлар мавжуд. Чунки, ёшлар О.ларнинг ўгитидан, доно насиҳатларидан, ибратли ҳаётидан хулоса чиқаради.

Ҳар бир ўзб. оиласида фарзанд ота-онанинг ҳолидан хабар олиш, уларга зарур шароит яратиб беришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Ҳадисларда О.га яхшилик қилишнинг қайта-қайта таъкидланиши бежиз эмас. Чунки, О. том маънода фарзандни комиллик даражасига етказади. Шу боис, О.ларни иззат-ҳурмат қилиш, улар учун зарур шароит яратиб бериш фарзандларнинг инсоний бурчидир. Шу боис ЎзР Конституциясида ҳам миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда), деб қайд этилган. Ўз навбатида, катта ҳаётий тажрибага эга, турмуш синовларида чиниққан О. ўтмиш мероси, урф-о.лар ва анъаналарни фарзандлар қалбига жо этиб, бир томондан – авлодлараро мун-тларнинг узвийлигини таъминласа, иккинчи томондан – ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилади.

**ОНАЛИК БАХТИ** – аёлнинг фарзанд кўриш, уни тарбиялаш ва камолга етказиш б-н боғлиқ қувонч ҳисси, табиий туйғу; ҳар бир нозик хилқат вакилининг бир умрлик орзуси. О.б. ўзига яраша масъулият ҳамдир. Чунки инсоният тарихининг ҳамма босқичларида оналар табиий тарбиячи вазифасини бажариб келган. Илк тарбия, ахлоқ меъёрлари, миллий менталитетимизга хос анъана ва қадриятлар она орқали фарзандларга сингдириб борилади. Онадаги камтарлик, андиша, ҳаё-ибо, тартибинтизом, сабр-қаноат каби ахлоқий фазилатлар наслдан-наслга ўтади. Бу Шарқ хотин-қизларига хос юксак ахлоқий фазилатларда яққол намоён бўлади.

Серфарзанд миллат аёли ўзининг кўп сонли болаларини оиласидаги катта ёшли кишилар кўмагида тарбиялайди. Тажрибадан маълумки, оталар тарбия жараёнида бевосита иштирок этмайди. Лекин аёлларимизнинг оқилалиги ва уддабуронлиги сабабли оталар кўпинча тарбия жараёнининг марказида бўлади. Чунончи, хонадонларимизда боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати мумкин ёки мумкин эмаслиги б-н эмас, балки шу иш отасига ёқиш ёки ёқмаслиги б-н ўлчанади. Ш.у. ҳам ёмон иш қилган болани оналар деярли жазоламайди. Улар бундай чоғда: «Отанг ишдан келсин, айтиб бераман», – деган пўписа б-н болаларга таъсир ўтказади. «Отанг билиб қолмасин», «Отанг билиб қолса, уялиб қоласан», «Ундай қилма, даданг хафа бўлади» каби огоҳлантирувчи танбеҳлар аёлларимизнинг тарбия жараёнида кунда такрор ишлатадиган ибораларидир.

Она соғлом ва бақувват фарзандлар дунёга келтириши б-н бирга, уларни ота кўмагида одоб-ахлоқли, юксак маъ-ят соҳиби этиб тарбиялашга ҳам масъулдир. Демак О.б.га муяссар бўлган аёлнинг масъулияти ҳам Ватани, ҳам оиласи олдида бениҳоя каттадир. Ана шу вазифани бекаму кўст бажариши учун у ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши керак. Зеро, она қандай хислат ва фазилатларга эга бўлса, фарзанд ҳам шундай руҳда тарбия топади. Шу маънода, ҳар қандай давлат ва жам-тнинг бугунги куни ҳам, келажаги ҳам айнан онага бўлган мун-т б-н ўлчанади. Ислом дини ҳар бир аёл зиммасига турмуш ўртоғи, ота-онаси, жам-тга нисбатан бурчлар юклаган.

Аллоҳ имонда, солиҳлик ва тақвода олий даражадаги аёлларни инсониятга ўрнак қилиб қўйди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжаи муттоҳаралари Ойша (р.а.) ҳамда қизлари Фотима (р.а.), Исо (а.с.) оналари Биби Марям шулар жумласидандир. Ислом аёлни беҳурмат қилиш, обрўйини тўкиш, уни фиск учун йўлдан уриш каби салбий ҳолатларни ҳамиша қоралаб келади. О.б.га муяссар бўлган хотин-қизлар янада кўпроқ ўқиб-ўрганишлари, бутун меҳри, қалб кўрини фарзанд тарбиясига қаратишлари даркор.

**ОНГ** – маън-й т., фал.да ақл ва тафаккурни англатадиган марказий категориялардан бири. О. кўп қиррали, ва мураккаб бўлганлиги туфайли, фал., психология, психиатрия, физиология, кибернетика, информатика сингари турли фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. О.ни диний

тушуниш уни илоҳий ҳодиса, Худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон О.и илоҳий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Бунга кўра, инсон танасидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши б-н О. ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у одам ва одамнинг яратилганлиги масаласи б-н бевосита боғлиқ. Кимда-ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, О. ҳам Яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши табиий. О. моддийликнинг мияда инсон танаси фаолияти б-н боғлаб талқин қилинишидир. Бундай қарашлар ҳам қад. илдизларга эга.

Умумий билиш наз-яси онгга берадиган таърифида фал-й онтологияга кўпроқ таянади. Бу усул афсуски, ҳозиргача онгни тадқиқ этаётган фал-й уринишларни бир хулосага бирлаштира олмаётган усуллигича қолмоқда. Ш.у. онгга у ёки бу даражадаги мукаммал бошланғич таъриф берилмай келинмоқда. Лекин масаланинг моҳияти умумдунёқараш маъносида олиб қаралса, шунга ўхшаш ҳол гносеологияда ҳам мавжуд. Бу борада фал-й билиш наз-ясининг вазифаси осон туюлади, чунки у ўз диққат-эътиборини билимга, яъни ҳақиқий билимга, унинг мавжуд бўлиш ва онгнинг олам сирларини эгаллаш жиҳатларига қаратган. Бошқача қилиб айтганда, онг унинг объекти сифатида эътиборга олинади.

Онгнинг замонавий талқини масаласида бир неча фал-й-гносеологик концепциялар мавжуд. Ҳозир онг деганда, борлиқни руҳий акс эттириш, воқеликнинг объектив мазмунини субъектив мазмунга айлантириш, ш-дек, унинг турли босқич ва даражаларида бундай инъикос эттиришнинг ўзига хос социал-психологик механизмлари, шакллари тушунилади. Онг деганда, оддий руҳий инъикос эмас, балки ижт-й ривожланган инсон томонидан воқеликни руҳий ва ақлий акс эттиришнинг олий шакли тушунилади. У инсон миясининг шундай функциясики, унинг моҳияти ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттиради. Онг илгариги тажриба ёрдамида тўпланган таассуротларни ҳам ўзаро боғлайди, у воқеликни эмоционал баҳолаш, мақсадга мувофиқ фаолиятни таъминлашдир.

Онг оддий образ эмас, воқеликни акс эттириш ва ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятнинг руҳий шаклидир. Ушбу таъкидланган онгга тегишли белгилардан унинг қуйидаги таърифи келиб чиқади: онг фақат инсонгагина хос бўлган, тил ва нутқ ёрдамида воқелик ҳақидаги маълумотларни умумлаштирадиган миянинг мақсадга мувофиқ, конструктив ва ижодий намоён бўладиган олий функциясидир.

Агар онг инсонни ўраб олган дунёни англашга йўналтирилган бўлса, ўз-ўзини англашда эса субъект ўзини объект сифатида қабул қилади. Бунда таҳлил объекти бўлиб шахсий тасаввур ва фикрлар, хис-туйғулар, кечинма ҳамда қизиқишлар, мақсадлар, хатти-ҳаракат, жамоа, оила ва жамтдаги аҳвол кабилар ҳисобланади. Ўз-ўзини англаш фақат ўзни билиш эмас, балки ўзига нисбатан муайян мун-т ҳамдир: ўзининг сифат ва ҳолатига, имкониятларига, жисмоний ва маън-й кучларига мун-т, яъни ўз-ўзини баҳолашдир. Ўз-ўзига мос ёки мос бўлмаган баҳо ва мун-т инсонда ақлий ишончни таъминлайдиган руҳ уйғунлигини ёки доимий зиддиятларни, баъзи ҳолларда инсоннинг асабий ҳолатини келтириб чиқаради. Турли кишиларда ўз-ўзини англаш ҳам турлича бўлади. Бу ташқи олам нарса ва ҳодисаларига қаратилган фикрлар оқимини умумий тарзда назорат қилиб туришга, ўзи онгнинг асосий объектига айланганда ҳам ўз устида чуқур фикр юритишга боғлиқ бўлади.

Файласуфларнинг ўз-ўзини англашга субъектив дунёнинг ўзига мун-тда бўла бошлаши Сукротнинг машҳур «Ўз-ўзингни англа» шиоридан бошланган дейиш мумкин. Файласуфлар орасида биринчилардан бўлиб Сукрот инсонни ўраб турган дунёни англаш б-н параллел равишда ўз-ўзини англаш, ўзининг руҳий дунёсини англаш жараёнисиз кемтик бўлиб қолишини пайқаб етган эди. Бундай ўз-ўзини англашнинг шаклланиши инсоният тарихида ҳам, инсоннинг индивидуал рив-шида ҳам социал омилсиз, мулоқотсиз, ўзини ўзгалардан фарқлашсиз ва айни пайтда, ўзини ўзгалар, уларнинг ҳаётий мавқелари б-н қиёсламасдан, ўзини бошқа кишилар ва жам-т н. назаридан баҳоламасдан туриш мумкин эмас.

Ўз-ўзини англаш жараёнида инсон ўзини ўраб турган дунёдан ажрала олади ва унга нисбатан ўзининг мунтини аниқлаш учун ҳаракат қилади. Агар онг инсонга ўзининг амалий фаолиятини назорат қилишга имкон берса, ўз-ўзини англаш эса онг фаолиятини ҳам назорат остига олади, яъни онгнинг ўзини ҳам ўзгартиради. Ўз-ўзини англаш жараёнида инсон шахс бўлиб шаклланади, ўзини шахс сифатида, амалий ва маън-й фаолиятнинг объекти сифатида англай бошлайди. Инсон онги ўз-ўзини англаш б-н бир қатордаги т. эмас, балки у ўз ичига ўз-ўзини англаш жараёнини ҳам қамраб олади.

**ОНГНИНГ МАНБАЛАРИ** – фал.да онгни шакллантирувчи омиллар ва асослар мажмуини англатувчи т.. Ушбу масала узоқ давр мобайнида олимлар учун баҳс-мунозара мавзуси бўлиб келди. Уни тадқиқ этиш жараёнида натуралистик, объектив-идеалистик, вульгар-материалистик, феноменологик ва б. турли ёндашувлар шаклланди.

Натуралистик йўналиш вакиллари ўз эътиборини онгнинг моддий-ашёвий субстрат (асос) б-н боғлиқлигини аниқлашга қаратган ва тафаккур, онгни бир оз бошқача турдаги ашёвий ўзгаришларга тақаб қўйган эдилар. Унинг баъзи вакиллари тафаккур жараёнини организм томонидан сафро и.ч.га ўхшатган эдилар. Мас., жигар зардоб айирганн каби мия ҳам фикр айиради, қабилидаги қарашлар б-н Молешотт, Бюнхер каби натуралистик оқим вакиллари «онг», «онгнинг манбаи»ни механистик н. назардан тадқиқ этдилар. Бундай қараш оқибатида фикрлар характери қоннинг кимёвий ҳолатига, яъни мия ва унинг ишига таъсир қиладиган овқат б-н белгиланадиган бўлиб қолди. Бунга қарши бўлган объектив-идеалистик ёндашув эса онгнинг мияга боғлиқ бўлмаган, бироқ бошқа ҳолларда ташқи руҳий омил б-н аниқланадиган компонентлардан иборат, деб билар ва шу жиҳатга ўз диққатини йўналтирган. Амалда унинг тарафдорлари онгнинг ижт-й-мад-й устунлигига кўпроқ урғу беришар эди.

Онгнинг манбаини тушунишдаги фал-й-реалистик йўналиш онг мазмунини белгилайдиган фанга қуйидагиларни ажратиб кўрсатади. Биринчидан, ташқи нарсалар ва руҳият дунёси; табиий, ижт-й ва руҳий ҳодисалар онгда аниқ ҳиссий т.лар ҳамда образларда акс этади. Бу образларда, агар улар, мас., қандайдир табиий нарса ёки тарихий ҳодисани акс эттирса, онгда уларнинг тасвири, нусхаси (ёки тимсоли) бўлиб, улар бу нарса ёки ҳодисалар тўғрисида, уларнинг ички жиҳатлари ва моҳияти тўғрисидаги ахборотни акс эттиради. Бундай ахборот инсоннинг мавжуд вазият, унинг доимий боғлиқлигини таъминлайдиган ҳолат б-н ўзаро алоқасининг натижаси ҳисобланади.

Онгнинг иккинчи манбаи ижт-й-мад-й муҳит, умумий т.лар, этик-эстетик қоидалар, социал ғоя ва ахлоқий нормалар, жам-т томонидан тўпланган билимлардир. Унга, ш-дек, билиш фаолиятининг воситалари, усул ва шакллари ҳам киради. Баъзи ижт-й-мад-й характердаги норма ва тақиқлар ижт-й онг мазмунининг таркибий қисмига айланган ҳолда индивидуал онгга узатилади. Индивидуал онг бунинг натижасида табиат ва жам-тни ижт-й англаш даражасига

кўтарилади. Шу боис, «Инсон дунёга жам-т кўзи б-н боқади», деган ибора бекорга айтилмаган.

Онгнинг учинчи манбаи инсоннинг маън-й дунёси, унинг турмуш тарзи ва кечинмалари ҳисобланади. Ташқи муҳит таъсирларисиз ҳам инсон ўтмиши, келажагини мушоҳада қилиш ва тасаввур қилишга қодир. Инсон мусиқа, тасвирий санъат а-рлари ва б.га ўзига хос кечинма ва образларни туйған ҳолда мун-тда бўлади, акс эттириш жараёнига, бошқача айтганда, инсоннинг ўз руҳий реаллигини англашга жалб этилади.

Онгнинг тўртинчи манбаи ҳаётнинг ҳужайралар даражасида ташкил топган, кўплаб нейронлар ва уларнинг алоқаларидан иборат макро тузилишдаги табиий тизим сифатидаги миядир. Миянинг шартли-рефлектор фаолиятидан ташқари биокимёвий тузилиши онгга, унинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Агар онгни натуралистик тадқиқ этилишини эсласак, бунинг ҳаклигини тан олишимиз лозим. Мас., оч қолган инсоннинг ёки узоқ давр мобайнида нормал овқатланмаган кишига уни ўраб олган ташқи дунё нормал овқатланадиган кишига нисбатан ўзгача туюлади. Бошқача қилиб айтганда, миянинг физиологик ва химик-биологик ҳолати дунёни идрок қилиш характерига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Натуралистик ёндашув тарафдорларининг хатоси эса бундай боғлиқликни ўрганиш эмас, балки онгга таъсир этувчи омилларни барча аспектларда инкор этишдан иборат эди. Бунинг сабаби шуки, улар яшаган даврда табиатшунослик фанлари ижт-й-гуманитар фанларга қараганда салмоқли ўринни эгалларди. Қолаверса, табиий-илмий кашфиётлар (Дарвин эволюцион наз-яси, Иорган, Линней таълимоти ва тиббиётдаги одам анатомиясига оид илмий кашфиётлар) жам-тни ҳаракатлантирувчи ягона куч сифатида эътироф этилиши бу оқим вакилларини тадқиқ этилаётган кўплаб муаммоларга тўғридан-тўғри механистик н. назардан ёндашувни юзага келтирди, дейиш мумкин.

Бунга қарши фал-й реализм мия ва онгнинг ўзаро мун-ти моддий субстрат ҳамда унинг функцияси ўртасидаги боғлиқликдан иборат, дея эътироф қилади. Ҳоз. даврда миянинг тўлқинли квантомеханик табиати тўғрисидаги гипотеза ҳам тажрибавий таъсирини борган сари кўпроқ топмоқда. Баъзи олимлар қуйидаги хулосага келмоқдалар: мия ўз фаолияти учун энергияни бевосита коинотдан оладиган системадир, бунда тери бу энергияни сақлаб туриш механизми ролини бажаради. Мия планета биосфераси б-н алоқадордир. Демак, бутун коинот б-н энергетик ва ахборот алоқа каналлари б-н боғланган. Бундай индивидуал ахборотнинг умумолам ахборот жараёнидаги иштироки б-н бирга, ахборотнинг ҳозирда ҳаёт бўлган кишилар онгига ёки дунёдан ўтиб кетган улуғ авлодлари онгига таъсир этиши (онгсизлик соҳаси орқали) ҳодисалари ҳам келиб чиқиши мумкин. Нима бўлганда ҳам бу борада илгари сурилаётган гипотезалар фал-й н. назардан эътиборга лойиқдир.

**ОНГНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ** – онг б-н боғлиқ мавзулар, масала ва муаммоларга психология фани н. назаридан ёндашиш; онг т.сининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хус-ятлари ва намоён бўлиш шаклларини психологик талқин қилиш. О.п.т. психология фани ривожи натижасида пайдо бўлган ва такомиллашиб борган. Ўтган даврда бу борада О.п.т.нинг хилма-хил мазмундаги таъриф ва тавсифлари пайдо бўлган, бу борада турли концепция ва наз-ялар яратилган. О.п.т. н. назардан онг ижт-й-тарихий (филогенетик) ва индивидуал (онтогенетик) тар-ётнинг маҳсули бўлиб, психик акс эттириш ва ўзини ўзи бошқаришнинг юксак даражаси саналади.

Онг категорияси амалий жиҳатдан тавсиф қилинганида: а) ҳиссий, ақлий образларнинг узлуксиз равишда ўзгариб турувчи мажмуаси сифатида; б) бевосита субъектнинг олдида унинг «ички тажрибаси» тариқасида; в) амалий фаолият маҳсулини олдиндан сезувчи психологик ҳодиса тарзида англанади. Онг предметга нисбатан фаоллик, йўналганлик, интенциалликдан иборат қуйидаги хус-ятларга эга: а) онг доимо ниманидир тушуниш сифатида; б) рефлексияга нисбатан қобилиятлилик; в) ўзини-ўзи кузатиш, яъни ўзлигини англаш; г) мотивацион қадрий хус-ят яққолликнинг ёки равшанликнинг турлича даражаси ёки босқичи эканлиги.

Маълумки, ҳар қайси индивиднинг онги ноёб, бетакрор, аммо у ихтиёрий эмас, чунки, биринчи навбатда, махсус тизимда ҳукм сурувчи тузилиш б-н унга боғлиқ бўлган ташқи омиллар, ш-дек, ҳеч қандай алоқаси бўлмаган омиллар б-н шартлангандир. Ўз-ўзини кузатиш натижаларига кўра, онг психологик ўзига хосликдан маҳрум, чунки индивид олдида яққол психологик функциялар моҳиятини юзага келтирувчи турли ҳолатлар, ҳодисалар намоён бўлади. Онгнинг тузилиши ижт-й-мад-й хус-ят касб этиб, инсониятнинг тарихий тар-ёти давомида филогенетик тарзда, устувор индивидуалистик ҳамкорлик жараёнида, и.ч. амалиёти негизида ривожланган. Индивид онгининг тузилиши онтогенезнинг илк даврида боланинг катталар б-н мулоқот жараёнида ижт-й тажрибани ўзлаштириш натижасида шаклланади. Бундай ўзлаштириш имкониятлари филогенетик-тарихий тар-ёт негизида ҳам мавжуд.

Шахслараро мун-тда ҳамкорлик фаолияти онг структурасини вужудга келтириб, унинг қуйидаги асосий хус-ятларини аниқлашга хизмат қилади: а) ижт-й хус-яти, ҳатто символик ва вербал тузилишга эга бўлган белгиларнинг қамраб олинганлиги; б) рефлексияга, яъни ўзини ўзи тушунишга нисбатан қобилиятлилик; г) предметлилик, яъни ҳар қандай психологик ҳолат муайян яққол тасвирларга ва аломатларга эга бўлиши ва б..

О.п.т.га кўра, онг деганда, оддий руҳий инъикос эмас, балки ижт-й ривожланган инсон томонидан воқеликни руҳий акс эттиришнинг олий шакли тушунилади. У инсон миясининг шундай функциясики, унинг моҳияти ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттиради. Онг илгариги тажриба ёрдамида тўпланган таассуротларни ўзаро боғлайди, ўзини атроф-муҳитдан ажратиб объектга субъект сифатида қарама-қарши қўяди. Онг воқеликни эмоционал баҳолаш, мақсадга мувофиқ фаолиятни таъминлашдир. У шахсий хатти-ҳаракатларни ақлан фикрий қуришдан иборат, инсон атрофида ва, айни пайтда, унинг маън-й дунёсида содир бўлаётган ҳодисалар тўғрисида ҳисоб беришидир. Шундай қилиб, О.п.т. н. назаридан онг оддий образ эмас, балки воқеликни акс эттириш ва ўзгартиришга йўналтирилган инсонга хос ижт-й фаолиятнинг руҳий-психологик шаклидир.

**ОНГНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ** – онг б-н боғлиқ мавзулар, масала ва муаммоларга фал. фани н. назаридан ёндашиш; онг т.сининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хус-ятлари ва намоён бўлиш шаклларини фал-й талқин қилиш. Онг муаммоси доимо файласуфларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган, бу борада хилма-хил мазмундаги таъриф ва тавсифлар пайдо бўлган, турли концепция ва наз-ялар яратилган. Бунинг боиси инсоннинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини фал. н. назаридан англаб бориши, ўзининг атроф-муҳит, табиат ва жам-тга мун-тини белгилаши, ўз онгининг табиати ва моҳиятини тушунишга уриниб келишидир.

Онгни диний ва дунёвий-фал-й тушуниш фарқланади. Биринчисида онг илоҳий яратилган, ўз ибтидосини яратувчидан олган, деб қаралади. Унинг бошқа хосса ва хус-ятлари манбаи ҳақидаги фикрлар ҳам шундай ғояга таянади. Иккинчисида эса

онгнинг аста-секин шаклланганлиги, ўз табиати ва моҳиятига кўра жуда мураккаб табиий-тарихий, биологик ва ижт-й жараёнларнинг ўзига хос ҳосиласи экани таъкидланади. Бунда онгнинг онтологик, гносеологик, ижт-й-биологик, психологик, антропологик ва ш.к. жиҳатлари ва хус-ятлари б-н боғлиқ масала ва муаммоларга эътибор каратилади.

Фал.дан бошқа фанлар онгнинг алоҳида, маълум бир томонини ўз предмети доирасида ўрганса, фал. онгни бир бутун ҳолда ҳар томонлама олиб ўрганиш асосида унинг умумий моҳияти, келиб чиқиши ва рив-шини умумназ-й жиҳатдан таҳлил қилади. Фал.да онг категорияси инсоннинг бутун ижт-й хатти-ҳаракатлари, моддий ва маън-й фаолиятини таҳлил қилиш ва англашнинг марказий т.сидир. Бу т.га кўра, инсон ўзининг онгли фаолияти б-н ўзи мавжуд бўлган табиатдан фарқ қилувчи «иккиламчи табиатни» ва айни чоғда «ижт-й муҳит»ни, яъни жам-тни яратади.

Дунёвий фал.да инсон онги юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг хоссаси, воқеликни инсон миясидаги аксининг олий руҳий шакли, ижт-й тар-ёт маҳсули деб қаралади. Онг муаммосини бундай тушуниш борлиқнинг эволюцияси натижасида ноорганик табиатдан органик табиатнинг келиб чиқиши, органик табиат тар-ётида унга хос инъикос шаклларининг ривожланиб, ўзгариб, оддий турларидан мураккаб турларига ўтиб бориши асосида шаклланган, деган қарашдан келиб чиққан. Бу қараш онгнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган меҳнат, нутқ (тил)нинг ўрнини эътироф этиш б-н узвий боғлиқдир.

О.ф.т.га кўра, одам мияси ва унинг кўпроқ тараққий топган олий нерв тизими юксак ривожланган ҳайвонларнинг мияси ва олий нерв тизимига нисбатан янги сифат хус-ятларига эга. Яъни, одамларнинг сезиш, идрок қилиш ва тасаввур қобилияти истисносиз равишда ҳар қандай юксак ривожланган ҳайвонларнинг бу борадаги қобилиятидан юқори туради. Аввало меҳнат (курол ясаш ва керакли буюмлар и.ч.), сўнгра шу меҳнат жараёнида пайдо бўлган нутқ, тил онгнинг шаклланиши ва рив-шида ҳал қилувчи роль ўйнади. Онг меҳнат, нутқ таъсирида пайдо бўлган бўлса ҳам, ўз навбатида, у инсон руҳий дунёсининг юзага келиши ва рив-ши, меҳнат ва нутқ қобилиятининг тараққий этиши, меҳнат қуролларининг янада такомиллашуви ва тилнинг рив-шида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

О.ф.т. мия ва сезги аъзоларининг такомиллашиб бориши одамнинг абстракциялаш, умумлаштириш ва зеҳн ишлатиш қобилияти тараққий этишига олиб келади, деган хулосага асосланади. Бунга кўра, одам объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни идрок этганда, уларни абстрактлаштириб, умумлаштириб ифодалайдиган бўлади. Нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хус-ятлари, улар ўртасидаги турли хил мун-тлар одам миясида т., ҳукм ва хулоса шаклларида, хуллас, фикр тарзида инъикос эта бошлайди. Натижада, одамда абстракт тафаккур қарор топади. Абстракт тафаккур объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг одам миясидаги мавҳумлашган, умумлашган ва айни вақтда конкретлашган т., ҳукм ва хулоса шаклларидаги фикрий инъикосдир. Абстракт тафаккур тил б-н узвий боғланган, у тил орқали нутқ ва товушлар, сўзлар ва гапларда реаллашади.

Фал. онг б-н тилнинг ўзаро боғлиқлигини қараб чиқар экан, тил ҳам онг сингари қадимий эканлигини, тил бошқа кишилар учун ва шу б-н бирга, ҳар бир кишининг ўзи учун ҳам мавжуд бўлган амалий, ҳақиқий онгдир, деб тан олади ҳамда, тил ҳам фақат эҳтиёждан, бошқа кишилар б-н мун-тда бўлиш заруриятидан келиб чиққан, деб тушунтиради. Тил ва тафаккурнинг ҳар бири ўзига хос хус-ятларига ҳам эга. Тафаккур табиат ва жам-тдаги предмет ва ҳодисаларнинг, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларнинг т., ҳукм, хулоса чиқариш каби фикр шаклларида инъикос этишидир. Тил эса тафаккурнинг моддийлашган шакли сифатида кишилар ўртасидаги фикр алмашиш воситаси, уларнинг ўзаро алоқа қилиш қуролидир.

О.ф.т. инсоннинг борлиққа мунтининг бир тури бўлган онг фаолияти информация б-н чамбарчас боғлиқ, деб ҳисоблайди. Информация, фал-й категория сифатида, объектив олам, ундаги предмет ва ҳодисалар, жараёнлар ҳамда уларнинг миядаги фаол инъикоси ҳақидаги турли-туман хабарлар ва маълумотлардир. Фал-й маънода, инсон онги ҳам объектив воқеликнинг субъектив образи сифатида информациянинг ўзига хос бир туридир. Ахборот наз-ясининг асосчилари бу т.ни, турли хил белгилар, символлар, турли кодлар ва уларни ифодалаган сўзлар, гаплар асосида турли каналлар орқали, турли воситалар б-н турли фикрлар ва образлар алмашувидан иборат, деб тушунганлар.

Бинобарин, инсон борлиқни ўз онги орқали акс эттирар экан, у фақат объектив реалликнинг субъектив инъикосини ҳосил қилибгина қолмай, балки ўз-ўзини ҳам, ўзининг мақсад ва манфаатларини, хуллас, ўз маън-й қиёфасини ҳам англайди. Бунда у, маълум даражада, ўз теварак-атрофидаги нарсалардан ўзини ажратиб, ўзининг борлиққа мун-тини, нимани инъикос эттираётганини, қандай манфаат ёки мақсад асосида акс эттираётгани, нима қилаётгани ҳақида ўзига ҳисоб беради. Инсоннинг инсонлиги, унинг ҳайвондан туб фарқи айни шу ўз-ўзини англашидан, ўзининг кимлиги ёки нималиги, нималарга ва қандай ишларга қодирлигини била олишидан бошланади. Бу эса ўзининг эҳтиёжлари, мақсад ва манфаатларини, фаолиятининг йўналишини, жамтда қандай ўринга эгалиги ва қандай роль ўйнашини англай олишидан бошланади.

О.ф.т.га кўра, онгнинг вужудга келиши учун, албатта, ижт-й муҳит, яъни ижт-й ҳаёт, ижт-й омиллар бўлиши зарур. Инсоннинг онги, унинг барча руҳий ва ақлий қобилиятлари, унинг жам-тдаги ҳаёти, фаолияти давомида таркиб топади ва маълум ижт-й шарт-шароитлар б-н тақозо қилинади. Одам боласи фақат жамтдагина ижт-й муҳит таъсирида ижт-й онгли зот – инсонга айланади, шахс даражасига кўтарилади. Ижт-й тар-ёт б-н бирга ривожланиб борган онг инсонда тафаккур қонунлари, ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, диний, илмий, эстетик ва этик қарашларнинг шаклланишига асос бўлади. Онг ўзининг пайдо бўлган пайтидан бошлаб инсоннинг хатти-ҳаракатини, ақл-идрокини, фикрини шакллантиради, кишини муайян ҳаёт тарзининг, мад-т ва маъ-ятнинг эгаси (субъекти) қилиб етиштиради.

Инсон онгининг муҳим жиҳатини унинг ижодий фаоллиги ташкил қилишини эътироф қилиш О.ф.т.нинг муҳим жиҳатидир. Онгнинг ижодий фаоллиги, айниқса кишининг бирон ишга киришганида, бу ҳаракат режасини миясида олдиндан тузиб олишида яққол намоён бўлади. Бунда шу иш-ҳаракат режаси унинг тасаввурида маълум фикр шаклида юзага келади, сўнг инсоннинг меҳнат жараёнида моддийлашади. Онгнинг ижодий фаоллиги инсоннинг ташқи дунёга, табиат ва жам-тга, ўзига, бошқа кишиларнинг ижт-й фаолиятига маълум муносабатда бўлиши б-н бирга, маълум мақсадни кўзлаб, ўзгартиришдан ҳам иборатдир. Жам-тнинг ривожланиб бориши б-н инсон онгининг ижодий фаоллиги ҳам янада ортиб боради. Бу эса инсоннинг табиат ва жамтга ҳамда ўзига бўлган таъсирини янада кучайтиради. Натижада, инсон табиат ва жам-тнинг янги-янги қонунларини очиб, уларни тобора чуқуррок билиб боради, бунда унинг ақлий ва жисмоний фаолияти шунчалик самаралироқ бўлиб боради.

О.ф.т.га кўра, инсоннинг табиат ва жам-т қонунларини очиши, уларни билиш ва эгаллаш имкониятлари жам-тнинг тар-ёт даражаси б-н чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу шуни кўрсатадики, инсон онгининг ижодий фаоллиги жам-т тар-ёти имкониятла-

хус-яти, б.дан ажралиб турувчи хислати каби намоён бўлди. XX а. бошида шаклланган «О.о.» услуби ўз атрофига М. Пруст, Г. Стайн, В. Вулф, Ж. Жойс, Ж. Дос Пассос, У. Фолкнер, Н.Саррот сингари машҳур адибларни бирлаштирди. Жеймс Жойснинг «Улисс» романини эса анъанавий «ички монолог»дан сўзма-сўз ёзиб олинган фикрлар оқимигача бўлган «ички нутқ» манзарасидек таърифлаш мумкин эди. Сабаби, унда тиниш белгилари ва равон матн қуриш қоидаларига умуман амал қилинмаганди.

Хуллас, модернизм тарафдорлари томонидан ягона замонавий услуб деб қабул қилинган «онг оқими» руҳий жараёнларнинг оқувчанлигини, атроф-муҳит, қолаверса объектив воқеликни идрок қилишнинг алоҳида парчалардан иборатлигини ҳамда бутун борлиқнинг узук-юлуқлигини, яшин тезлигида ўтиб кетажаклигини тасвирлашга бўлган мойиллиги б-н санъатнинг бошқа турларига, мас., рангтасвир, мусиқа каби тажрибага интилувчан янги йўналишларга катта таъсир ўтказди. Энг муҳими, фақат бадиий тасвир усули ёки тасвирлаш техникаси бўлибгина қолмасдан, балки муайян стилистик ва матн тузиш воситаларига эга тажрибавий услуб сифатида намоён бўлди. Шу боисдан, ҳозирга қадар «О.о.» – ҳикоя қилиш шакли, адабиётнинг йўналиши, адабий услуб, стилистик усул, бадиий тажриба ёки жанрми, деган савол атрофида қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

Узоқ й.лар мобайнида тажриба йўригида қўлланилган бадиий услуб, тасвирлаш услуби, тасвирий восита, ҳикоя қилиш шакли деб ҳисобланган «О.о.»ни, ҳеч иккиланмасдан, жанр сифатида ҳам таърифлаш мумкин, чунки номлари юқорида қайд этилган адибларнинг а-рларида муайян, гарчи, бир қарашдан, тартибсиз, мантиқсиз бўлиб кўринган, аммо диққат б-н қаралганда аниқ-равшан, тушунарли шакл мавжуд эканлиги, унинг аниқ бадиий маънога эгалиги, ўзигагина хос таркибий элементлардан ҳосил бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

**ОНГСИЗЛИК** – инсон онгида бевосита ифодаланмаган, унинг ақл доирасига сиғмайдиган, онг томонидан назоратга олинмайдиган турли руҳий ҳодиса ва ҳолатлар (туш кўриш, гипнотик ҳоллар, гайришуурий ҳолатлар) мажмуидир. Онгсизлик соҳасига инсоннинг биологик мавжудот сифатидан холи бўлмаган инстинктлари ҳам киради. Инстинктлар инсонда онгости истак-майллари, туйғулари, ҳоҳиш импульсларини пайдо қилади, кейин улар онг соҳасига айланади. Айни пайтда, шахс онгининг диққат марказида бўладиган барча нарсалар хотира ёрдамида онгга киритилиши мумкин эмас, уларни онгсизликка киритиш ҳам ноўриндир. Мас., ўтмишда кўплаб ахборот олганмиз, лекин у онгимиз амал қилишнинг ҳар бир дақиқасида бизга бевосита таъсир кўрсатмайди. Уни амалда онг фокусига юбориш мумкин, аммо улар ҳам муайян ҳолда хатти-ҳаракатларимизга таъсир этади. Шу маънода, О. онгдан ташқарида ётувчи, ҳеч бўлмаганда охирги дамда ҳисоботсиз ва инсон онги томонидан назоратга бўйсунмаган психик жараён, ҳолат, ҳаракатлар йиғиндиси сифатида фал. ва психология категорияси бўлиб, ўзининг кўп қирралиги б-н ажралиб туради.

О. ҳақидаги қарашлар инсон руҳиятида онг б-н бирга онгсизлик ҳам мавжуд, деган гояга асосланади ва жаҳон фал-й анъанасида онг ва онгсизлик диалектикаси сифатида олимлар томонидан тан олинган. Бироқ, яқин ўтмишда, яъни ўтган а.нинг 20–50-й.ларида собиқ иттифоқда онгсизлик т.си қораланган ва идеалистик т. ҳисобланган эди. 60-й.лардан бошлаб онгсизлик т.си қайта тикланиб, унинг феномени фаол ўрганила бошланди.

Онгсизлик элементлари онгга яқинлик даражалари б-н ҳам фарқ қилади. Фанда, ҳаттоки онгости деб аталадиган онгсизлик даражаси ёки махсус қатлам ҳам ажратиб кўрсатилади, унга онг даражасидан автоматизм даражасига ўтиш б-н боғлиқ бўлган психик ҳодисалар киради. Автоматизм деб аталадиган ҳодиса ва интуиция онг ёрдамида туғилиши, кейин эса онгсизлик соҳасига ўтиши мумкин. Автоматизм инсоннинг мураккаб ҳаракатлари бўлиб, дастлаб онг назорати остида содир бўлади, узоқ машқ қилишлар, кўплаб такрорлашлар оқибатида назоратдан чиқади ва онгсизликка айланади. Мас., мусиқа асбобларини чалиш, сузиш, велосипед ёки автомобиль ҳайдаш, баъзи оддий меҳнат қилиш усуллари ва ҳ.к.. Бундай автоматизмлар ҳаётимизга чуқур кириб борган. Онгсизлик тизимида одамнинг муайян вазиятда маълум фаолликка интилиши, тайёрлиги 'муҳим ўрин тутади.

Автоматизмлар мисолида онгсизликнинг ҳимояланиш функцияси яхши кўринади, онгсизлик моменти ишга тушиши б-н онгнинг иши камаяди ва инсон ижодий имкониятлари кенгаяди. Мас., автомобиль ҳайдаш маҳорати юксак кишилар бу жараёнда бир вақтнинг ўзида ҳам мусиқа эшитишлари, ҳам муҳим масалада суҳбат олиб боришлари мумкин. Компьютерда матнни бехато ёзаётган, бир қулоғидаги эшитгич б-н мусиқа тинглаётган ва касбдошларининг суҳбатида фаол иштирок этаётган ходимларни кўп учратиш мумкин. Ҳолбуки, бу ҳолатларнинг ҳар бири онг, диққат бўлинишини талаб қилади.

Онглилик б-н онгсизликнинг ўзаро мун-ти масаласига фан тарихида биринчилардан бўлиб австриялик олим З. Фрейд (1859–1939) катта тажрибавий материал асосида жавоб беришга ҳаракат қилди. У кўплаб тажрибалар асосида онгсизликнинг муҳим, ҳаттоки, ҳал қилувчи роли борлиги тўғрисидаги хулосага келади. Унинг фикрича, инсон ҳаётида турли факторлар таъсирида юзага келадиган у ёки бу «комплекслар» онгдан онгсизликка сиқиб чиқарилади, кейин эса улар бирон-бир психик ҳодиса ёки руҳий касаллик сабаби бўлиши ҳам мумкин. Аниқ комплексни аниқлаш йўлларини топиш ва аниқлаш, уни субъект томонидан англанишигача олиб бориш зарур. Шундагина касалликни даволаш мумкин бўлади. З. Фрейд томонидан комплексни аниқлаш ва беморларни терапевтик даволаш усули психоаналитик метод деб аталган эди. З. Фрейд психоанализни бир қатор таркибий элементлар, кўп ҳолларда, сексуал характердаги тасаввур, ш-дек, туш кўришларни, касаллик келтириб чиқарувчи онгсизликнинг структураларини аниқлаш воситалари сифатидаги методика тарзида асослаб берди. Бу нафақат психоанализ қоидалари ишлаб чиқилган XX а.нинг биринчи чораги учун, балки кейинги ўн й.ликлар учун ҳам катта ютуқ эди. Психоанализнинг диагностик ва терапевтик усуллари кўпгина тиббиёт назариётчилари ва амалиётчиларининг эътирофича, яхши натижалар берган, баъзи ҳолларда эса катта самарага олиб келган.

Онгсизлик тўғрисидаги тасаввурлар асосида З. Фрейд ўз дунёқарашини, ш-дек, инсон психикаси, онг (мен) ва онгсизлик (у) ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги таълимотини яратди. З. Фрейд фикрича, инсон руҳияти, уч соҳага эгадир: «У», «Мен», «Олий мен». «У» онгсиз интилишларнинг чуқур қатламидир; бунда роҳатланиш тамойили етакчилик қилади. «Мен» онглилик соҳаси бўлиб, онгсизлик б-н ташқи дунёни боглаб туради ва реаллик тамойили амал қилади. «Олий мен» ички шахсий виждон, ўзига хос ахлоқий тақиқ, айтиш мумкинки, инсон онги ичидаги социалликдир. «Мен» дунё ва «У» ўртасида воситачи бўлишга, «У»ни дунёга мувофиқ қилишга ҳамда дунёни «У» ҳоҳиш-истаги б-н мувофиқлаштиришга интилади. «Мен» ташқи дунёга «У» таъсирида ёрдам беришга ва бу дунё анъаналарини амалга оширишга ҳаракат қилади. «Мен» «У»да ҳукмронлик қиладиган қониқиш тамойилини реаллик тамойили б-н алмаштиришга интилади. «Мен»нинг функционал аҳамияти шундаки, унга нормал ша-

ронтларда ҳаракатга ундаш устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилган. «У»га нисбатан «Мен» чавандозга ўхшаш от кучини жиловлаб боришп керак, яъни уни чавандоздек қаёкқа хохласа, ўша томонга бошлайди. Худди шунга ўхшаш тарзда «Мен» «У»нинг одатдаги хоҳишини, гўёки унинг ўзи истагандек ҳаракатга айлантиради. З. Фрейд «У»нинг «Мен»га нисбатан моҳиятини бўрттириб юборган. Бундай бўрттириш онгсизлик ва онглилик ўртасидаги мунтнинг гносеологик аспектидан кўра психологик аспектига, инсон хатти-ҳаракатларининг сабаблари масаласига ҳам таъсир кўрсатади. Лекин бу ҳолат З. Фрейд дунёқараши онгсизликдан бошланишини бўрттиришга томон йўналтирилган анъананинг ички моҳиятини белгилайди. Олимнинг асосий қарашларига қарама-қарши бўлган фикр «барча руҳий жараёнлар асосан онгсизликдир», деган фикрдир.

Онгни онгсизликкача соддалаштириш руҳият ва физиологик мун-т муаммосида З. Фрейд фикрларининг гносеологик ноизчиллигини англатади. Бундан ташқари, гарчи олим онг масаласининг социал жиҳати тўғрисида фикр юритган бўлса ҳам, лекин социал факторнинг инсон онги ва руҳияти шаклланиши ҳамда тарёхидаги аҳамиятини очиб бермади. Бу руҳийликнинг ижт-йилашуви муаммосининг аниқ шаклларини энди гина аниқлашга киришган ҳоз. замон психологияси учун ҳам мураккаб масаладир. З. Фрейднинг дунёқарашини идеалистик ёки материалистик деб баҳолагандан кўра, уни гносеологияга умуман фанга қай даражада ҳисса қўшганлигини ҳисобга олиш, яъни эътироф этиш тўғри бўлар эди. У руҳиятни онг б-н аралаштирган концепцияларга жиддий зарба берди. Онгсизликни руҳий фаолиятнинг ҳайвонларгагина тегишли бўлмаган, онгнинг пайдо бўлиши б-н шаклланадиган, кейин эса ўз мавжудлиги ва амал қилишига кўра у б-н белгиланадиган қуйи шакл эканлиги тўғрисидаги хулосага келди.

З. Фрейд концепцияси онгсизликка урғу бериш кучайган фал-й анъаналар (Шопенгауэр, Гартман, Бергсон ва б.) устуворлиги б-н белгиланади. У биринчи бўлиб онгсизликнинг инсон руҳиятида тутган ўрнини асосли равишда, экспериментал ва клиник маълумотлар асосида кўрсатиб берди. Унинг концепциясини бугунги психология ҳам, илмий фал. ҳам асло инкор эта олмайди. Онгсизликни тушунишда З. Фрейднинг издоши, швейцариялик психолог К. Г. Юнгнинг (1875–1961) а-рлари катта аҳамиятга эга.

К. Г. Юнг онгсизликни ўрганар экан, унинг таркибида архетиплар деб аталувчи нарсаларни аниқлади. Агар З. Фрейднинг «комплекси» инсон индивидуал ҳаётининг натижаси ва сиқиб чиқариш маҳсулидан иборат бўлса, архетиплар эса кишиларнинг коллектив ҳаёти, уруғлар ҳаёти б-н боғлиқ бўлиб, инсон руҳиятида мустаҳкамланиб боради, авлоддан авлодга насл орқали етказиб берилади. Бунда З. Фрейд «комплекслари» йўқолмайди, лекин улар тўғрисидаги тасаввурлар архетиплар б-н тўлдирилади. К. Г. Юнг таъкидлайдики: «Онг остонасида жойлашган нисбатан юзаки бўлган шахсий онгсизликдан фарқли равишда коллектив онгсизлик одатдаги шароитларда англанишни мушкул. Ш.у., таҳлилий техника ёрдамида хотирлаш мумкин эмас, чунки у сиқиб чиқарилмаган ва унутилмаган. Коллектив онгсизлик ўз-ўзида мавжуд бўлмайди, аслида у қадим замонлардан буён, ирсият туфайли, мия тузилиши орқали анатомик усулда сақланган образларнинг муайян шакли воситасида ўтиб келаётган имкониятдан бошқа нарса эмас. Туғма тасаввурлар йўқ, эҳтимол, ҳар қандай кучли фантазиянинг чегараларини, фантазия фаолияти категорияларини, маълум маънодаги априор ғояларини аниқлайдиган тасаввурларнинг туғма имкониятлари бор. Улар бугунги ҳиссиёт ва амалиётимизда бошқариб турувчи баъзи тамойиллар сифатида намоён бўлади».

Коллектив онгсизликнинг элементлари бўлган архитиплар маълум даражада қатор авлодларнинг умумлашган чексиз тенг таъсир этувчи бир хил тажрибалари ҳисобланади. Онгсизлик архетипларнинг йиғиндиси сифатида инсоният томонидан бошдан кечирилганларнинг қолдиғи ҳисобланади. Бироқ, улар ўлик, вайрона майдонлар қолдиғи эмас, балки индивидуал турмушнинг кўринмас ва, ш.у., таъсирчан тарзда белгилайдиган реакция ва диспозицияларининг тирик системасидир. Она Ер, қаҳрамонлар, донишмандлар умуминсоний архетипларга киради. «Соя» архитипига инсондаги барча салбий жиҳатлар киради, зеро инсон руҳидаги ғаразли мақсадлар унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Бу мақсад очиқ намоён бўлмасдан яширинган ҳолда бўлиши ҳам мумкин. «Анима» архетипи эркакда аёлликнинг бошланишини, «анимус» архетипи эса аёлда эркакликнинг бошланишини англатади. Улар эркак б-н аёлнинг бир-бирини ўзаро тушунишига ёрдам беради. Бироқ, идеаллаштирилган тасаввурнинг реал инсон ёки вокелик б-н мос келмаслиги оқибатида руҳий тушкунликка олиб келиши мумкин. К. Г. Юнгдаги «ўзлик» архетипи эса инсон руҳиятининг субъекти бўлиб, инсон фаолиятини олдиндан белгилаб беради.

Архетиплар белгилар б-н узвий боғланган бўлиб, улар мас., туш кўриш, бадиий фаолият кабиларда намоён бўлади. Коллектив онгсизлик, – деб таъкидлайди К.Юнг, – ҳар бир индивидуал мия структурасида юзага келган катта маън-й мерос ҳисобланади. Индивидуал онг ўткинчи ҳодисадир. У вақтинчалик мослашув ва йўналиш бўлгани боис, уни фазода мўлжални тўғри олишга тенглаштириш мумкин. Онгсизлик руҳни ҳаракатга келтирувчи куч манбаидан иборат, уларни бошқариб турувчи шакл ёки категориялар эса архитиплардир. Инсониятнинг кучли ғоя ва тасаввурларининг барчаси архитипларга киради. Бу, айниқса диний тасаввурларга тааллуқлидир. Лекин кўплаб илмий, фал-й ва ахлоқий т.лар ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг ҳоз. шаклини қад. тасаввурларнинг вариантлари деб қараш мумкин. Чунки, онгнинг функцияси ақл дарвозаси орқали ташқи дунёни англаш ва билишдан иборат эмас, балки ички дунёни ижодий равишда ташқи дунёга айлантиришдан ҳам иборатдир. Хулоса қилиб айтганда, онгсизлик ва онглилик инсон ягона руҳий фаолиятининг нисбатан мустақил бўлган икки томонидир. Онгсизликда инсон фаолиятини кучайтириш, айниқса, субъект ижодий фаолиятининг бой имкониятлари бор. Онг онгсизликни вужудга келтириб, инсон хатти-ҳаракатларининг умумий стратегиясини назорат қилиб боришга қодир. Гарчи инсон хатти-ҳаракатлари, хус-н, унинг социал хатти-ҳаракати онг б-н белгиланса-да, англанган хатти-ҳаракат фақат ахлоқий, хулқ-атвор актлари б-нгина чегараланиб қолмайди, унда онгсизликка ҳам, албатта, ўрин қолади.

Инсон руҳияти келиб чиқиши, унинг шаклланиши, такомили ва рив-шида онгсизлик биринчи, онглилик эса иккинчи босқич бўлиб майдонга чиқади. Лекин онгнинг пайдо бўлиши б-н онгсизлик унга қоришиб кетмайди, у онг б-н фаол алоқа қила бошлаши натижасида инсон руҳиятининг таркибий қисмига, муайян даражасига айланади. Инсондаги ва ҳайвондаги онгсизлик умумийликка эга бўлиши б-н бирга муҳим фарқларга ҳам эга. Одамда онгсизлик инсонийлашади ва ижт-йилашади, у ўз табиатига кўра биосоциал ҳодисага айланади.

**ОНТОЛОГИЯ** (юн. ontos – мавжудлик; logos – таълимот) – борлиқ ҳақидаги фал-й таълимот, фал.нинг борлиқ тўғрисидаги фундаментал тамойилларини ўрганувчи соҳаси. О. масалалари Шарқда, айниқса бизнинг юртимизда «Авесто» замонларидан бошлаб фал-й қарашларнинг таркибий қисмига айланган. Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра асл фал.ни ўрганиш айнан онтологиядан бошланади. Ш.у. ҳам ўтмишда яшаган фай-

ласуф ва мутафаккирлар ижодида онтология камраб оладиган борлиқ ва мавжудлик, коинот ва олам, ботинийлик ва зоҳирийлик, борлиқ ва йўқлик, материя ва ҳаракат, макон ва замон, чеклилик ва чексизлик, инсон ва жам-т борлиғи б-н боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Фал. тарихида ушбу соҳага доир турли оқимлар ва йўналишлар шаклланган. «Онтология» атамаси «борлиқ ҳақидаги таълимот» маъносида илк бор Р. Гоклениус (1636 й.) ва И. Клауберг (1646 й.) томонидан илмий муомалага киритилган. Ғарб файласуфи Х. Вольф тадқиқотлари бу атаманинг кенг тарқалишига асос яратди ва у фал.нинг асосий мазмунини ташкил этувчи муҳим бўлимини ифодалай бошлади.

О.нинг предметини борлиқ ташкил этади. Унинг мазмуни борлиқ ва йўқлик, меъёр ва сифат, муайян ва номуайян, миқдор ва ўлчов, макон ва замон, ҳаракат ва ўзгариш каби т.лар орқали ёритилади. «Онтология» т.сига фал.да борлиқ муаммоси ва борлиқ ҳақидаги таълимот юзага келганидан анча кейин аниқлик киритилди ва у фал-й билимлар тизимида алоҳида ўрин эгаллади. Бу муаммо илк бор у ёки бу муайян объектларнинг индивидуал борлиғини ҳамда дунё ранг-баранглигининг ўзгармас ва абадий негизини ташкил этувчи «ҳақиқий борлиқ»ни фарқлаган элеатлар томонидан қўйилди. Уларнинг фикрича, борлиқнинг у ёки бу муайян нарсалар мисолидаги айрим кўринишларидан фарқли ўлароқ, айнан унинг ўзини тадқиқ этиш, англаш, яъни у сохта объект эмас, балки алоҳида борлиқ эканлигини фараз қилиш лозим. Қад. давр файласуфи Парменид шундай фаразни илгари сурган ва айрим нарсаларнинг мавжудлиги ҳақидаги мушоҳадалардан соф борлиқ ҳақидаги мушоҳадаларга ўтган илк мутафаккирлардан бири эди. Фал. бу ўтишни амалга ошириб, амалда ҳиссий идрок этиш предметига айланиши мумкин бўлмаган борлиқни кашф этишга яқинлашди. Шу боис қад. даврдаёқ эмпирик тажрибасиз объектив ҳақиқатга эришиш мумкинми, деган масала фал.нинг асл моҳиятини асослаш учун муҳим аҳамият касб этди.

Қад. юн. файласуфлари н. назарига кўра, абадий ва ўзгармас борлиқ – чин борлиқдир ва ана шу борлиқ ҳақидаги билим чин ҳақиқатдир. Ўзгарувчан нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билим чин билим эмас, зеро, бу нарса ва ҳодисалар ўткинчидир. Шундай ғоялар, мас., Парменид, Платон, Аристотель каби мутафаккирлар томонидан илгари сурилган. Машҳур мутафаккирлар – Форобий, Ибн Сино, Беруний ва б. ҳам юқоридаги ғояларга асосланганлар. Хус-н, Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» а-рида. Платон, Аристотель ғояларини қувватлаб, уларни ривожлантирган. Хус-н, мазкур а-рда мутафаккир «Биринчи мавжудлик» унинг шериги ва таърифи йўқлиги, ҳақлиги, донишмандлиги, ҳакимлиги, тириклиги, уйғоқлиги, улуғворлиги, шаън–шавкати ва олийжаноблиги, барча борлиқ ундан қандай содир бўлгани, борлиқ (мавжудот) даражалари, моддий ва маън-йликка бўлиниш, осмон жисмлари борлиғи ва уларнинг хус-ятлари, борлиқ ҳаракати инсон ва унинг қувватлари, ижт-й борлиқ ва ҳ.к. ҳақида батафсил ёзган.

Ибн Сино ўзининг «Физика ва метафизика» а-рининг «Борлиқ ва унинг сабаблари ҳақида» деган бобида борлиқ масалаларига батафсил тўхталган. У: «Борлиқ кўпчилик кишиларга фақат сезгилар орқали қабул қилиш мумкин бўлган жисмлар борлиғи бўлиб, туғалланиши мумкин, нарсаларнинг сезгилар орқали қабул қилиб бўлмайдиган моҳиятини эса улар тасаввур эта олмайдилар ва уни реал мавжуд, деб ҳисобламайдилар. Лекин, зийрак одамлар моҳият мавжудлигини фаҳмлайдилар», деб кўрсатади. Ибн Сино ўзининг эманация наз-ясида Тангри б-н борлиқнинг ўзаро бирлиги ҳақидаги ғояни олдинга суради. Шунга кўра, абадий борлиқ Худога ҳам, табиатга ҳам хосдир. Зеро, эманация наз-ясига кўра, мас., Қуёшдан нур қандай ажралиб чиқса, Тангридан бутун борлиқ, шу жумладан, табиат шундай ажралиб чиққан, деб кўрсатган эди.

Кейинги давр фал-й тафаккури руҳий борлиқни моддий борлиқдан ажратиб қарайдиган бўлди. Натижада, аввалги давр файласуфларининг борлиққа, бир бутун ҳолда қарашлари фал-й тафаккурдан чиқариб ташланиб, борлиққа ё идеалистик, яъни борлиқ асосига руҳиятни қўйиб, моддий борлиқнинг аҳамиятини назардан четга суриш ёки, аксинча моддий борлиқни (материяни, табиатни) асосий ҳисоблаб, руҳий борлиқни, онгни, маъ-ятни моддий борлиқ хоссаси дея иккиламчи ўринга қўядиган қарашлар шаклланди. Буларнинг ҳар иккиси ҳам бир ёқлама бўлиб, Шарқ мутафаккирлари қарашларида бу бир ёқламалик четлаб ўтилган эди. Зеро, уларнинг қарашларига кўра, бутун борлиқ Худонинг ўзи бўлиб, моддийлик ва руҳийлик унинг турли ҳолатлари холос.

Ўрта а. мутафаккирлари О.ни теологик муаммолар ечимига мослаштирдилар. О.ни теология б-н айнийлаштириш эллинистик фал.нинг баъзи оқимлари томонидан, яъни стоицизм, гностиклар, неоплатонизм томонидан амалга оширилди. Ўрта а. О.сида борлиқ мавҳум Худо т.си б-н айнийлаштирилади. Янги давр фал.си ўз эътиборини билиш муаммоларига қаратди. XVII а.да аввал Гоклениус (1613), кейинроқ Глауберг (1656), сўнгра эса Христиан Вольф О.ни борлиқ ва нарсаларнинг метафизикаси сифатида талқин қилдилар. И. Кант О.ни мазмунсиз метафизика деб ҳисоблаб, уни ўзининг трансцендентал фал.си б-н алмаштирди. Ундан кейин Гегель О.ни «абсолют руҳ моҳиятининг абстракт таърифи ҳақидаги таълимот» сифатида талқин қилди. Гегелдан сўнг, О.ни алоҳида йўналиш сифатида қараш жуда кам кўзга ташланади.

Ғарб фал.сида XIX а.дан бошлаб, онтологик масалаларга қизиқиш кескин пасайди. Лекин, XIX а. охири – XX а. бошларида аввалги фал-й қарашларни қайта кўриб чиқила бошланди ва онтологияга эътибор кучайди. Бу ҳолни таниқли немис файласуфлари – Э. Гуссерль (1859–1938), Н. Хартман (1882–1950), Т. Хайдеггер (1889–1959) ва б. фаолиятида кўриш мумкин. Улар фал-й изланишлар системасида О. масалалари асосий ўринни эгаллаши кераклиги ҳақидаги фикрларни қатъий олдинга сурадилар. Хус-н, Г. Якоби ва, айникса Н. Гартман томонидан борлиқнинг предметли фал.си, Хайдеггер ва Ясперс ижодида эса фундаментал О. сифатида қаралди. Эски ва ҳоз. замон О.нинг бир-биридан фарқи шундаки, биринчиси, бутун оламни инсонга нисбатан талқин қилганида дунёни инсон учун яратилган, унга мослаштирилган деб қарайди. Бундай қарашда инсон дунё тузилишининг асосий мақсади сифатида намоён бўлади. Замонавий О.да эса, воқелик ва олам ниҳоятда кенг маънода ишлатилади. Яъни нафақат моддий борлиқ, балки маън-й борлиқ, руҳият, йўқлик каби т.лар ҳам О.нинг таркибий қисми сифатида қаралади. Эски О. воқеликни асосан моддийлик б-н тенглаштирар, абадийликни борлиқнинг олий шакли сифатида тушунтирар эди. Янги О.да бу категориялар б. т.лар б-н бирга ҳамда чамбарчас боғлиқликда таҳлил қилинади. Ҳоз. замон табиатшунослигидаги ютуқлар, бугунги кундаги онтологик қарашларнинг кўламини кенгайтириб юборди. Хуллас, О. замонавий фал.нинг таркибий қисми сифатида сақланиб қолмоқда.

Бугунги кунда олимлар нотирик, тирик дунё ва ижт-й дунё нима, деган саволларга жавоб топишда жиддий ютуқларга эришганлар. Улар дунё ҳақида ўтган а.ларда яшаган ўз ҳамкасбларига қараганда тўлароқ ва теранроқ тасаввурга эгадирлар. Аммо, дунёнинг моҳияти ҳақидаги кўпгина муҳим саволларга ҳозир ҳам аниқ ва узил-кесил жавоблар мавжуд эмас. Мас., нафақат макон ёки вақт т.ларига, балки нисбатан соддароқ ҳодиса бўлмиш гравитация т.сига

ҳам дунёда бирон-бир физик бугунги кунда ҳам аниқ (айни пайтда тажрибада тасдиқланадиган) таъриф бера олмайди. Шу сабабли, инсоннинг дунё ҳақидаги қарашларида муҳим роль ўйнайдиган, бироқ илмий ечимини топмаган муаммоларни фал-й англаб етишга кучли эҳтиёж доимо мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Бу муаммоларнинг аксарияти ҳақли равишда «боқий» муаммолар деб аталади.

**ОППОЗИЦИЯ** – (лот. opposition – қарама-қарши) – 1) қаршилик кўрсатиш, қаршилик қилиш, ўз сиёсати, сиёсий платформаси, қарашлари, ёндашув ва позициясини б.га қарши қўйиш; 2) ҳукмрон синф, партия, қатламга қарши бўлган шахслар гуруҳи ёки партиялар, уларнинг парламентдаги вакиллари. Парламент О.си давлат ҳокимиятини эгаллаган сиёсий партиядан фарқли равишда, унинг ишида қатнашмайдиган ва баъзи масалаларда унинг фаолиятига қарши бўлган партия депутатлари гуруҳи ёки фракцияси мисол бўлади. Партия доирасидаги О. унинг раҳбар органлари фаолиятига нисбатан қарши бўлган партия аъзолари гуруҳи бўлиши мумкин.

**ОПТИМИЗМ** (лот. optimus – энг яхши) – кечаётган воқеа ва ҳодисалар жараёнига нисбатан билдирилган икки хил қарама-қарши фикрлар ёки мун-тларни яхшиликка йўйиш, пессимизм, яъни тушкунликнинг акси.

О. кечаётган воқеа ёки ҳодисанинг порлоқ истиқболига, эзгуликнинг кабоҳат, яхшиликнинг ёмонлик, адолатнинг адолатсизлик, ёруғликнинг қоронғилик, ҳурликнинг зулм устидан албатта ғалаба қилишига кучли ишонишдир. Фал. тарихида оптимистик қарашларни билим соҳиблари турлича ифодалаб, тарғиб қилиб келганлар. Бунга Ўрта а. Шарқ ва Европа Уйғониш даври инсонпарварлик ғоялари вакиллари, XVIII а. франц. маърифатпарварлари, XIX а. охири – XX а. бошларининг зиёлилари Фуркат, Аҳмад Дониш, Муқимий, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар ватандошларимизни мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларнинг қарашлари оптимистик руҳ б-н йўғрилган бўлиб, истиқболли келажакка фақат инсон ақлининг эзгу ишларига бўлган қодир ишончи орқалигина эришиш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу н. назардан келиб чиқиб, улар халқ оммасини ҳаётни севишга, инсон ақл-идрокини қадрлашга, илм-маърифатни эгаллашга чорлаганлар.

Тарихий тар-ёт жараёнида оптимистик қарашлар ва уларнинг йўналишлари давр тақозоси ҳамда талабига кўра турлича кўринишларга эга бўлган. Жумладан, диний О., хаёлий О., абстракт О., жам-т тар-ётининг эҳтиёжига кўра сиёсий О., бугунги кунда Ўз-нга хос бўлган мустақиллик О.и шулар жумласидан бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда ижт-й О. деб ифодалаш мумкин. Ижт-й О. кишиларнинг мавжуд тарихий жараённинг айни вазиятида зарурий рив-ш қонуниятлари талабларига мос келадиган, жамтнинг ижт-й онгини ифодаловчи хоҳиш-иродага эга бўлган аксарият аъзоларнинг маърифатпарвар, инсонпарвар қарашларини намоён этувчи қисмининг ёрқин келажакка томон умид-ишончини, умумий мақсадлари, қарашларини рўёбга чиқариш йўлида ижобий-яратувчилик ҳаракатига чорловчи, етакловчи ҳис-туйғулардир.

Ҳар қандай тарихий жараённинг асосий белгиларидан бири, ш-дек, унинг минтақавий ва миллий рившида жуда катта аҳамиятга эга бўлган О. ижт-й онг мулки сифатида, ҳар бир шахсга ўзининг шу жам-тга, шу миллий муҳитга, мавжуд ижт-й сиёсат ва иқтисодиётга мансублигини англаб етишга бевосита таъсир этади. Ш.у. у фақат табиий-биологик асосга эга бўлган инстинкт сифатида эмас, балки ижт-й воқелик сифатида шаклланади ва фаолият кўрсатади. Шу боис, оммавий кундалик онг янги реалистик намоён қилинган оптимистик ғоя ва мафкуравий ҳиссиётлар б-н бойиб боради. Хаёлий О. – амалга ошиши мумкин бўлган бесамар орзу, ўй-хаёл, интилишдир (мас., алхимиклар фаолияти, шиқакайф кўкнори хаёллари).

Диний О. эса бу дунёнинг бевафолиги тўғрисида пессимистик фикрлаш б-н бирга, фақат нариги дунё боқий эканлиги тўғрисида кишиларни ишонтиради ва у дунё роҳати – жаннат умиди б-н фоний дунёда ҳаёт кечиришга ундайди.

Реал О. муайян ижт-й тар-ётнинг кишилар фаровонлиги йўлида олдига қўйган мақсад-муродининг амалий ижобати. Мас., Ўз-ннинг мустақил тар-ёт йўлида олиб бораётган ижт-й ислоҳотларнинг бугунги кундаги ижобий натижалари бунинг ёрқин ифодасидир. Бугунги кунда эса Ўз-н халқларининг ҳаётбахш кайфиятининг асосида мустақиллик О.и ётади ва бу амалга оширилаётган жам-т инсон ҳаёти фаровонлиги учун зарурий шарт бўлган барча жабҳаларидаги юз бераётган ислоҳотларнинг ижобий натижаларида, улар амалиётининг кўлами ва фуқароларнинг миллий ўзлигини эркин намоён этиш имкониятларининг мавжудлигида кўринмоқда, ифода этилмоқда.

**ОР** – бу ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Бундан ташқари, ўз ўрнида ҳазар қилиш ёки бўлмаса, обрў-эътибор, фахрланиш маъноларини ҳам билдириши мумкин. Орият – бу ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг иззат-нафсларини, қадрларини юксак қўядилар ва ўзгаларни ҳам қадрлай биладилар. О. кўп ҳолларда «Ор-номус» атамаси орқали ҳам ифодаланади (қ.: **Номус**).

**ОРАЗ** – ислом фал.сининг муҳим категорияларидан бири, муайян субстанция, бирор жисм ёки объектнинг қобиғи, устки пардаси, моҳиятнинг ҳодисоти, зоҳирийлик, шакл маъноларини англатади. Бу борада жавҳар ва О. диалектикаси мавзуида турли талқинлар мавжуд (қ.: **Жавҳар ва ораз**).

**«ОРГАНОН»** – қад. замоннинг буюк мутафаккирларидан бири, антик даврдаги Юнон фал.си ва илмфани тар-ётида янги даврни яратган аллома Арасту (мил. ав. 384–322 й.лар) томонидан ёзилган мантиқка доир «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик аргументлар раддияси» каби олти рисоладан таркиб топган фал-й мажмуа. Ушбу а-рда Арастунинг мантиқий қарашлари акс этган, унда аллома бу борада ўзигача бўлган илмфан ютуқларини умумлаштирган, формал мантиққа асос солган, фал. тарихида биринчи бўлиб дедуктив услубни яратган. Ш.у. Арасту тафаккур ва унинг қонунлари тўғрисидаги мантиқшунослик фани «отаси» ҳисобланади.

«О.»да акс этган мантиқ тўғрисидаги таълимотни яратишда муаллиф Демокрит, Афлотун ва б. таълимотларига таянган, унинг фикрича, мантиқ фақат мустақил фангина бўлмай, балки ўзига хос билим қуроли, илм калити, фал.нинг муқаддимаси ҳисобланади. А-рнинг дастлабки рисолаларида Арасту нафақат мантиқ т.лари, балки фал. категориялари ҳақидаги таълимотини яратган ва уларга хос тизимни ҳам тавсифлаб берган.

«Биринчи аналитика»да муҳокама ва хулосанинг силлогистик шакллари тадқиқ қилинади. «Иккинчи аналитика»да исбот-далил ва унинг ибтидоси ҳақида фикр юритилади. «Топика» а-рида тафаккурнинг асосий қонунлари ифодаланган. Унда ҳақиқат ҳам, ёлғон ҳам бор, мулоҳаза таъриф берилган, уларнинг турлари аниқланган. Файласуф силлогизмнинг учта шакли, уларнинг 16 модусларини кўрсатади, далил-исботнинг учта турини аниқлайди, ундаги бехтиёр ва ихтиёрий типик хатоларни кўрсатади. Айни вақтда индукция ва аналогияни ҳам аниқлайди.

«Биринчи аналитика» а-рида силлогизм наз-яси таърифланган. «Силлогизм» бу нутқ бўлиб, унда биронбир нарса тахмин қилинса, зарурий равишда ундан фарқ қиладиган тахмин бор, деган маъно келиб чиқади. Арасту силлогизмнинг учта шаклини белгилайди, улардан иккитаси муҳокама, учинчиси эса хулосадир (ҳиндларнинг силлогизмида бешта мулоҳаза мавжуд). Арасту муҳокамалари одатий бўлмаган ҳолда («В» ва «А» шаклда; «А» «В»га тегишли) ифодаланган. Арасту мулоҳазанинг предикати (кесими)ни биринчи ўринга қўяди. Муҳокамалар эса уларга умумий бўлган (ўртача) термин б-н боғланган, дейди. Бундай ҳолда бир муҳокаманинг предикати ва б.нинг субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин. Шунга қараб силлогизмнинг шакллари фарқланади. Билиш маъносида улардан энг қимматлиси ва энг муҳокамалиси биринчисидир. У ерда мантиқий зарурият туфайли муҳокамалардан шундай муҳокама чиқариш мумкин: «Агарда «А» ҳар қандай «В»ни билдирса ва «В» ҳар қандай «С»ни билдирса, унда «А» зарурий ҳар қандай «С»ни билдиради». Учинчи ва иккинчи фигураларнинг силлогизмлари мукаммал эмас.

«О.»га кўра, муҳокамалар умумтасдиқловчи, умуминкор этувчи, қисман тасдиқловчи ва қисман инкор этувчи бўлиши мумкин. Ҳамма вариантларни кўриб чиқиб, фал-й хулоса фақат тўрт ҳолда бўлиши мумкинлиги аниқланади: умумтасдиқловчи муҳокама умумтасдиқловчи б-н, умуминкор этувчи умуминкор этувчи б-н, умумтасдиқловчи қисман тасдиқловчи б-н ва умуминкор этувчи қисман инкор этувчи б-н бирлашганда, яъни муҳокамалардан бири албатта умумий бўлиши, бошқаси эса тасдиқловчи бўлиши керак. Ш-дек, икки инкор этувчи муҳокамадан ҳам ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Арасту барча вариантларни саралаб, силлогизмнинг уч фигурасидан 16 та ишловчи модусларини кашф этди.

«Иккинчи аналитика» а-рида исбот-далил ҳақида сўз бориб, исботлаш бу воқелик б-н боғланган биронбир нарсани зарурий мантиқийлик б-н боғлаш демакдир. Бунинг учун маҳокамалар ҳақиқий бўлишлари керак ва ўрта термин б-н мантиқан тўғри боғланиш лозим. Лекин субъект б-н предикат ўртасидаги боғлиқлик зарурий бўлиши, яъни тасодифийликни эмас, балки муҳим ва доимий объектив боғланишларни ифодалаш керак. Арасту исбот ҳақидаги учта турни фикрлайди: 1) аподектив; 2) диалектик; 3) эристик (софистик). Эристик томонлар фикр алмашадилар. Ҳар бир баҳслашувчи томон ҳақиқатга интилмайди, балки ўзининг фойдасини кўзлайди.

Арасту анъанавий мантиқнинг тўртта қонунидан иккитасини кўрсатиб ўтган. Ш-дек, «Агар бирор нарса тўғрисида айният қонуни бўйича фикрламасанг ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди», деган тезисини ҳам исботлашга ҳаракат қилган. Унингча, бир нарса ёки жисм ҳақида бир-бирига қарама-қарши тасдиқ ёки инкорнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида тўғри бўлиши мумкин эмас. Битта нарсанинг ўзи айни бир вақт мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин эмас, иккаласидан бир ҳолат бўлиши мумкин, холос.

Бунга кўра, «А» айни бир вақтнинг ўзида «В» ва «В» эмас деб тасдиқлашимиз ман этилади, яъни гап субъектга тааллуқли, лекин ундан фарқ қиладиган предикат ҳақида ҳам боради. Бу шу маънода тўғрики, агарда муайян нарса субъектда рад этилса ёки тасдиқланса предикатда ҳам шу нарса рад этилади ёки тасдиқланади. Арасту илгари сурган қарама-қаршиликни ман этувчи қонун турли баҳоларга сабаб бўлади. Чунончи, Гегель бу қонунни вужудга келиш, ўзгариш, рив-шни инкор этувчи метафизик ҳаракатерга эга, деб ҳисоблаган.

«О.» а-рида файласуф мантиқий таълимотини илгари сурар экан, индуктив услубдан кўра дедуктив услубга катта эътибор берган. Бу унинг рационалистик таълимоти б-н боғлиқ. Арасту индукцияни илмий услуб, деб ҳисобладн ва у яккаликдан умумийликка борар эканмиз, хусусий билимни умумийликка ва зарурийликка айлантириб, хусусий ҳолатлардан қонунга сакраймиз, дейди. Унингча, тўлиқ индукция камдан-кам бўлади, одатда биз тўлиқ бўлмаган маълумотлар асосида хулосалар чиқарамиз. Арасту илмий билим берувчи индукция наз-ясини тўлиқ ишлаб чиқа олмади. Бироқ индукциясиз дедуктив хулосалар ва исботлар манбаи ҳисобланган умумий муҳокамаларни илмий тушунтириш мумкин эмас. Арасту илгари сурган тўлиқ бўлмаган индуктив услуб, уни метафизика доирасида қолишига олиб келди.

Хуллас, «О.»ни яратиш б-н Арасту қад. Юнонистонда биринчи бўлиб формал мантиққа асос солди, дедуктив услубни яратди, бу борада бутун илм-фан ютуқларини умумлаштиришга муваффақ бўлди. Ундан 2 минг й. кейин, милоднинг XVII а.ида Ф. Бекон «Янги Органон» а-рида бу масалага яна қайтди, аммо у Арастудан фарқли тарзда индуктив услубга кўпроқ эътибор қаратди. «О.» а-ри эса ҳалигача турли баҳоларга сабаб бўлмоқда, хилма-хил тилларда нашр этилмоқда ва инсоният тафаккурини бойитиб, муаллифининг номини абадиятга элтишга хизмат қилмоқда.

**ОРИГЕН** (мил. 185 – 253/254) христиан теологи, файласуф, филолог, илк патристика вакили. Александрияда яшаган, отаси Монид ўлганидан кейин, 16 ёшли Ориген олти кишидан иборат оиласига ғамхўрликни ўз устига олади. У шу даражада ўқишга қобилиятли ва билимли бўлганки, 203 й.да 18 ёшида Александриядаги Климентнинг мактабига ворис деб эълон қилинади ва 231 й.гача шу мансабда қолади. 232 й.да ўзи асосчиси бўлган Фаластиндаги Кесарб монастрини бошқаради. Оригеннинг илм б-н шуғулланишига унинг энг яқин дўсти, нуфузли оиладан чиққан Анвросий ҳомийлик қилган. Лекин у катта обрўли дўстининг қўллаб-қувватлашига қарамасдан, жуда оддий, дарвешона хаёт кечирган, тахта устида ухлаган. О. ўз иқтидори, ижоди, ғоя ва қарашлари б-н христиан догматикаси ва мистикасига катта таъсир кўрсатган. Платонизмни христиан таълимоти б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилган, ортодоксал черков ақидаларига эркин мун-тда бўлгани учун кейинчалик (243 й.) бидъатчиликда айбланган. Унингча, Худо амалдаги бошорат; Христос – халоскор эмас, балки идеал; Муқаддас Руҳ – Христос ва дунё ўртасидаги маън-й алоқани таъминловчи энг улуғ маъводир.

О. 6000 га яқин тахта ёзув ва «Цельсга қарши» каби а-рлар муаллифидир. О.нинг «Цельсга қарши» а-ри Цельснинг «Ҳақиқий гап» а-рига қарши ёзилган эди. Платоннинг издоши бўлган Цельс бу а-рида христианларни иррационализмда айблаб, унитарихий асослади. О. эса бу айбномани инкор қилади ва таъкидлайдики, христианлик мушрикликдан фарқли ўлароқ, одамларнинг хулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатади. Унинг фикрича, христианлар ҳақиқатни излашда изчилдирлар. Аллома а-рлари Делару (1733– 1759) ва Ломматц (1831– 1848) томонидан чоп этилган.

**ОРИЕНТАЛИЗМ** (лот. oriens – шарқ) – Европа санъатида шаклланган бадиий усул, ижодий тамойил; Шарқ халқлари мад-тига хос мавзу ва образларга мурожаат этиш, ш-дек, Шарқ санъати ифодавий воситалари, бадиий шаклларининг қўлланиши б-н белгиланади. Келиб чиқиши Юнонистон (мил. ав. VIII–VII а.лар), Қад. Рим (мил. I а., «Мисрлашган 3-услуб», Помпеядаги «Орфей уйи» ва б.) санъати б-н боғлиқ. Ўрта а. ва кейинги даврларда кенг тарқалган.

**ОРИЯТ** – инсон маън-й қиёфасига хос иззат-нафс, қадр туйғуларини ифодаловчи т.. О. инсоний хус-ят бўлиб, О.ли инсон ўзи ва оиласи, миллати ва Ватанининг иззат-нафсини, қадрини юксак тутади. У ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қадрлай билади. О. ин-

сонинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши ва муомаласида ифодаланади. Инсон О.и онласи ва бутун миллатнинг О.ини ифода этади. Ўзгалар кадр-кимматн, шаънини ўз кадр-киммати, шаъни даражасида кўрадиган О.ли инсон юкори обрўга эга бўлади. У ҳамиша адолат учун курашади, бунда унинг энг асосий кўмакчиси пок виждонидир. О. шахсни – шахс, миллатни – миллат, давлатни – давлат сифатида саклаб колишга хизмат килади.

О. инсонни нотўгри, ножўя хатти-ҳаракатлардан асрайди. Чунки бунга унинг виждони, О.и йўл кўймайди. О.ли инсон муваффакиятсизликка учраса ҳам, хеч качон тушкунликка тушмайди, максадига эришиш учун барча кийинчиликларни енгиб ўтишга интилади. Чунки унда О., виждон устун туради.

**ОРТЕГА–И–ГАССЕТ** (**Ortega Gasset**), **Хосе** (9.05.1883–18.10.1955) испан файласуфи ва жамоат арбоби, фал., антропология, ҳаёт фал.си ва мад-т фал.си вакили. Когеннинг шогирди. Мадридда туғилган, дастлаб Мадрид марказий ун-тида, кейинрок Лейпциг, Берлин ва Марбур ун-тларида таълим олган. 1911–36 й.ларда Мадрид ун-ти Метафизика кафедрасини бошкарган, 1931 й.да Мараньон ва Айела б-н ҳамкорликда «Республикани ҳимоя килиш иттифоки»ни тузган, монархияни тугатилишида катнашган. 1936 й.да Испаниядан кетган, фашизмга карши курашган. Мадридга кайтганидан сўнг (1948) Гуманитар фанлар ин-тини ташкил килган ва уни бошкарган.

О.-и-Г. фал-й фаолиятини неокантчи сифатида бошлаган бўлса-да, кейинчалик ундан чекиниб, «ҳаёт фал.си» наз-яси, айникса Ницше (унинг «оммавий мад-т» наз-яси) ва Дильтей гоялари таъсири остида ижод килган. О.-и-Г. биринчилардан бўлиб «оммавий мад-т» ходисасини тадкик этди. Унингча, «омма» ўзининг «ҳаётий» проектисиз (Гассет ибораси) яшайди ва унинг мавжудлиги оломонга хос харакатлар б-н белгиланади. У ўзининг сароб «кадрият»ларига эга, уларни яратади ва бундай кадриятларни амалиётга жорий этиш учун интилади. Айни вактда омма ўзи учун кизикарли одамни, бирон-бир етакчини доимо топади ва ўз ҳаётини кейинчалик давлат бошкарувига тўла ишониб топширадиган бундай киши оломонни сароб максадларга томон бошлаши ҳам мумкин.

Бу борада О.-и-Г. ХХ а. фал. тарихи учун характерли бўлган неокантча гносеологизм («методологизм») дан фарк киладиган гоялар таъсирида тарихий борликнинг мазмун-моҳиятини аниклашга интилган. Айна пайтда неокантчиларнинг тарихни тушунишда табиий фанларни тарихий фанларга карама-карши кўйишга интилишларини, айникса Л. Ранкенинг «индивидуаллашиш» услубини танкид килган. О.-и-Г. тарихий вокеликни табиий реаллик сифатида талкин киладиган позитивизмни ҳам ёкламаган, бу йўналиш вакилларининг ижт-й-тарихий жараёнларни таҳлил килишда статистик услублар роли ва аҳамиятини бўрттириб юборганларини хато, деб ҳисоблаган (Gesammelte Werke, Bd 3, Stuttg., 1954, S. 375).

О.-и-Г. шу асосда философия тарихининг предметини белгилар экан, мукаррар ҳаёт фал.сининг табиийлик ва тарихийлик дуализмига дуч келади, уни бартараф этиш учун Э. Гуссерль феноменологияси ва Хайдеггернинг экзистенциал онтологиясига таянади. Бу жиҳатдан у илм-фанни прагматистик позиция н. назаридан ҳакикатга мутлако алокаси бўлмаган ишлаб чикарувчи куч, деб ҳисоблайди («Toward a Philosophy of History», N.Y., 1941). Ҳакикий реаллик эса инсон умрига мазмун багишлайдиган вокелик бўлиб, олим бундай реалликни тарих саҳифаларидан излайди. Унингча, тарихга мурожаат килиш инсон ва жамтнинг асл моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Шу асосда О.-и-Г. рациовитализм – «ҳаёт онги» деган т.ни фанга киритади ва ижт-й масъулият ўз-ўзи учун яшаш туйғуси б-н белгиланади, деб ҳисоблайди. У инсон моҳияти акл-идрокка асосланган ва рационалликка таянган деган фикрни танкид килиб, инсон нафакат, «Homo sapiens» – онгли мавжудот, балки унда кўплаб янглишишлар ва хатоликлар, иррационал жиҳатлар ҳам мавжуд, деб ҳисоблаган. Унингча, инсон ҳаёти тасодифий ходисалар занжири эмас, балки муайян сюжет асосида содир бўлаётган драмадан иборат бўлиб, ушбу сюжет эса бизнинг ичимиздаги ниманингдир ўзини реаллаштиришга бўлган ҳаракати ва ташки дунё б-н тинимсиз кураш олиб боришидан иборат жараённи ифодалайди.

«Санъатнинг дегуманизациялашуви» (1925) ва «Омманинг кўзголони» (1930) а-рларида кайд этилганидек, О.-и-Г. Европа жам-тида XIX а. охири ва ХХ а.да одамларни «оммалаштириш», уларни «ўртача одамлар»га айлантириш тенденцияси шаклланганини танкид килади. Унингча, бундай одам ўз ички эркига эга бўлмайди, б. таъсирида ҳаракат килади, унинг атрофида бир пайтнинг ўзида «ҳамма» бор ва «ҳеч ким» йўк. У оломоннинг, омманинг куршовида, лекин ижт-й ёлғиз, аслида унинг хеч кимга кераги йўк. Умри саробдек ўтади ва у шуни муттасил ҳис килиб яшайди («El nombre y la gente», Md., 1957, p. 25). Бундай шароитда жам-т, ҳаёт стандартлашган, одамлар, хатто катта-катта ҳудудлар аҳолисининг онги ва тафаккури ҳам шундай бир «колип»га келтирилган («La rebelion de las masas», Md., 1930, p. 33–34). Одамлар «омма» ва «элита»га бўлинган, бугунги «техник эра» эса одамларнинг имкониятларини ниҳоятда ошириб юборган («Toward a Philosophy of History», p. 151). «Оммавий жам-т»ни танкид килар экан, О.-и-Г. уни тоталитар режимлар шаклланиши учун кулай муҳит, деб ҳисоблаган ва бу жиҳатдан ниҳоятда эхтиёт бўлиш зарурлигини таъкидлаган.

**ОРФЕИЗМ** – кад. Грециянинг мистик шоири Орфейга тегишли деб билинадиган догмалар, тамойиллар. О. калб, руҳнинг илоҳийлигини, тананинг нопоклигини таъкидлаган. Ўлим озод бўлиш сифатида талкин этилади. О.да келажакдаги ҳаёт масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бу мистик таълимот кўплаб адабий а-рларда, хус-н орфик лирикада, ўзининг изини колдирди. Унинг таъсирини пифагоризмда ҳам кўришимиз мумкин. Антик даврнинг сўнгги палласигача ахлокий таъсири сакланиб колди. Ҳатто Платонда биз О.га хос бўлган ҳаётдаги бегоналашувни, келажак ҳаётни орзу килишни кўришимиз мумкин. Сукрот ҳам хоз. ҳаёт бу ўлим, ўлим эса ҳаётнинг бошланиши бўлиши мумкин, деган тарзда фикр юритганлиги О.нинг таъсиридан дарак беради.

**«ОСМОННИНГ ЭНГ УМУМИЙ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ»** – немис мумтоз фал.сининг асосчиси И. Кант (1724 – Кёнигсберг (хоз. Калининград) – 1804) томонидан 1755 й.да чоп этилган китоб. У Кант ижодининг биринчи, танкидгача фал. даврида ёзилган энг йирик а-ри бўлиб, унда ишлаб чикилган сайёралар тизимининг дастлаб «туманлик»дан пайдо бўлиши тўғрисидаги гипотеза коинотни англаш ва астрономия илми ривожида катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу а-рда танкидгача бўлган даврда Кант илмий изланишлари марказида табиат фал.си муаммолари турганлиги ўзининг кенг ва чукур ифодасини топган. «О.э.у...»даги муаллиф позицияси ва унда тавсифланган таълимот Декартнинг машҳур «Менга материяни беринг ва мен ундан дунёни яратаман, яъни менга материяни беринг ва мен сизга дунё кандай пайдо бўлганлигини кўрсатаман», деган фикрига асосланган.

Бу а-рда, ш-дек, Кантнинг Қуёш системасининг пайдо бўлиши ва рив-ши, Ер тарихи ва унинг келажакда рив-ш истикболлари, ҳаракатнинг нисбий характерини аниклаш, кучларни ўлчаш принциплари, сув кўтарилишларининг космик аҳамияти каби масалалар устида

жуда кўп ва сермаҳсул изланишлар олиб боргани яккол ифодаланган. Шу а-р оркали Кант фан ва фал.да бутун олам ривожланиб борувчи жараён эканлиги, бизнинг Еримиз эса замонда ўз тарихига эгалиги тўғрисидаги космогоник гипотезанинг муаллифи сифатида фан тарихидан муносиб жой олган. Космология, космогония, галактикамиздан ташқарида бошқа галактикаларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фаразлар, Ернинг бир суткалик ҳаракатига объектив жараёнларнинг таъсири – буларнинг барчаси ушбу а-р муаллифининг табиатшунос олим сифатида илм. тад.лари доирасини ифодалайди.

«О.э.у...»да муаллиф ўз даврининг жуда билимдон зиёлиси сифатида намоён бўлади. У ўз замонаси фанлари эришган барча ютукларни чукур ўзлаштирган ва улар асосида ушбу а-рини битган. Айникса, астрономия, геол., физика, антропология сингари фанлар асосларига доир фикрларда бу жуда яққол кўзга ташланади. Ньютоннинг табиий-илмий карашлари Кант табиат фал.сининг наз-й асоси бўлиб, а-рда «Бутун олам тортишиши конуни» б-н боғлиқ таълимотга таяниб иш кўрилган. Кант Ньютон механикасини оддийгина ўзлаштириб қолмасдан, балки унинг илмий фикрларини янада ривожлантиришга интилди. Хус-н, унинг коинот ва оламдаги барча жисмлар, ўзаро тортишиш кучи таъсирида бўлиши тўғрисидаги механик таълимотини ўрганиш б-н бирга, бу борада Ньютондан кўра илгарилаб кетишга эришди, яъни Кант Қуёш системасининг пайдо бўлиши ва рив-ши муаммосини янгича тушунтириб беришга уринди. Ҳолбуки, Ньютон ўз таълимотини тар-ёт тўғрисидаги илмий наз-яни асослаб бериш учун етарли эмас, деб ўйлаган эди. Кант эса бу масалага ижодий ёндашди.

«О.э.у...» а-ридаги фикрлар Кантнинг табиатшунослик масалалари бўйича илмий карашларининг шаклланишида Декарт, Коперник, Кеплер, Галилей, Лейбниц каби мутафаккирларнинг таъсири сезиларли бўлганидан далолат беради. Уларнинг а-рлари б-н якиндан танишиш «О.э.у...» а-рида ўзига хос космогоник наз-яни асослашда катта ёрдам берди. Чунончи, Декартда Кант эътиборини тортган нарса унинг деярли теологиядан холи бўлган механистик космогонияси бўлса, Коперникнинг гелиоцентрик наз-яси, Кеплернинг сайёралар ҳаракати қонунлари, Галилейнинг жисмларнинг ерга эркин тушиши қонуниятлари Кант космоғониясининг наз-й асосини ташкил қилади. Бироқ, у табиатшунослик масалалари б-н шуғулланса-да, биринчи навбатда файласуф эди. Кант илмий фаолиятининг биринчи давридаги табиатшунослик илмига оид ёзган мазкур а-рида ўз даври фан ютукларини умумлаштириш асосида яратган фал-й хулосалари табиий фанларнинг кейинги ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Кант ижодкор олим сифатида фақат шу б-н чегараланиб қолмади, балки «О.э.у...»даги фикрларини «Метафизик билишнинг дастлабки принципларини янгича ёритиш» (1756), «Ҳаракат ва сокинликнинг янги назяси» (1758), «Оптимизм тўғрисидаги баъзи муҳокамалар тажрибаси» (1759) каби а-рларида янада ривожлантирди ва бойитди. Бу борада Кант Декартнинг ҳаракатнинг нисбийлиги тўғрисидаги фикрини ривожлантириб, жисмларни ҳар қандай ҳаракати уларнинг ўз жойини ўзгартириши жараёни эканлиги тўғрисидаги хулосага келади.

Декартдан фаркли равишда немис файласуфи ўзининг бу фикридан мутлақ сокинликнинг бўлиши мумкин эмаслиги, ҳаракат табиатнинг универсал ходисаси эканлиги ҳақидаги фал-й хулосани келтириб чиқаради. Лейбниц карашлари, кейинчалик Вольф мактаби рационализми каби, предметни билиш асосларини, предмет борлиғининг асосларидан фарк қилмайди деган хулосага таянар эди. Кант эса улардан фаркли ўларок, билиш асослари б-н борлиқ асослари ўртасида фарқ мавжудлиги тўғрисидаги фикрга таянарди. Яъни билиш, унинг асосида олинган билимлар ўз объектидан фарқ қилади, улар субъектив ҳодисалардир.

Бундай фарклаш, кейинчалик, немис файласуфи ижодининг иккинчи-танкидий фал-й даври учун замин бўлиб хизмат қилади. Бунда, Кантнинг реал вокелик б-н билишни фарклаш ғояси намоён бўлади. Аммо, бу унинг таълимотида ниҳоятда кам аҳамият касб этган. Чунки, бу ҳол Кант ижодида бошқа бир тенденцияга хизмат қилдириш учун йўналтирилган. Яъни, у ҳам бўлса, олимнинг бундан мақсади, бизнинг аклимиз нарсалар ўртасидаги реал боғлиқликларни билиш қобилиятига эга эмаслигини таъкидлашдир.

Кант агностицизмининг бошланғич нуктаси шу ерда эканлиги маълум, аммо бу бошқа масала ва у «О.э.у...» а-ри доирасида караб чиқилмаган. Буни Кантнинг ўзи ҳам англаган ва ижодининг иккинчи танкидий фал-й даврини ана шу масаладан бошланадиган ниҳоятда мураккаб ва серкирра мавзунинг турли жиҳатларига бағишлаган. «О.э.у...» а-ри эса бу атокли файласуфнинг иктидори ва табиатшунослик соҳасидаги ғоя ва карашларини ифодалайдиган манба сифатида ҳалигача ўз аҳамияти ва кадрини йўкотмаган.

**ОСОЙИШТАЛИК ВА МУВОЗАНАТ** – оламдаги абадий ҳаракат ва ҳеч качон тўхтамайдиган ўзгаришлар оқимида осойишталик ҳолатлари, мувозанат моментлари бўлиши мумкинлигини англатади. О.ва м. нисбийдир: бундай осойишталик ва мувозанат умуман бутун материяга нисбатан эмас, балки у ёки бу айрим моддий объектларга нисбатангина бўлиши мумкин; муайян объектларга хос бўлган ҳаракатларнинг ҳамма турларига нисбатан эмас, балки ҳаракатнинг у ёки бу айрим турига нисбатангина рўй бериши мумкин.

О.ва м.нинг нисбийлигини кўрсатувчи мисолларни биз ўз атрофимиздаги вокеликларда, ҳар кадамда учратамиз. Мас., йўловчи тез бораётган поездда дам олиб ётган бўлса ҳам, лекин у ер юзасига нисбатан поезд б-н биргаликда ҳаракат қилади, лекин айни вақтда у вагонга нисбатан ва вагондаги ҳамма нарсаларга нисбатан осойишталик ҳолатида бўлади. Яна шу мисолнинг ўзида биз бу осойишталик фақат жисмларнинг муайян мажмуигагина нисбатан мавжуд бўлиб қолиши устига яна ҳаракатнинг муайян турига нисбатангина мавжуд эканлигини кўрамиз. Йўловчининг жисми вагонга нисбатан ўз ҳолатини ўзгартирмай турган бир вақтда, яъни вагонга нисбатан механик ҳаракатда бўлмай турган бир вақтда унинг жисмида жуда хилма-хил кўп процесслар (ҳаракатлар) бўлиб туради, пассажир ана шу хилма-хил процесслар туфайли тирик организм сифатида мавжуддир.

Моддий объектлар нисбатан осойишталикда ва мувозанатда тура олишлари табиатнинг рив-шида жуда катта роль ўйнайди. Фақат шу туфайлигина бир-биридан фарк қилувчи муайян сифатдаги нарсалар пайдо бўлади ва озми-кўпми вакт мавжуд бўлиб туради. Чунончи, жисмларнинг таркибий қисмлари бирбирига нисбатан осойишталикда турганлиги учунгина шу жисмлар муайян шаклга эгадир. Нисбий осойишталик фақат жисмларнинг бирбирига нисбатан бўлган ҳолатини сақлашдагина ва бирор моддий жисмда у ёки бу хил конкрет формадаги ҳаракатнинг йўқлигидагина намоён бўлиб қолмайди. Жараёнларнинг барқарорлиги, жисмларнинг ўзларига хос ҳаракатни саклаши, конкрет шароитдаги ҳаракат шаклларининг нисбий доимийлиги нисбий осойишталикнинг энг муҳим шаклларидан биридир. Чунончи, ўзига хос сифатларга эга бўлган тирик организмларда модда алмашинишининг муттасил бир типи давом қилганлиги, шу организмларнинг ташқи муҳит б-н бирбирига ўтказаётган таъсири ҳамиша бир хил характерда бўлганлиги учун ҳам шу тирик организмлар мавжуддир. Нисбий осойишталик, мувоза-

**ОУЭН (Owen), Роберт** (14.05.1771 – 17.11.1858) – ингл. алломаси, утопик социализм вакили. Тадбиркор оилада туғилган, улғайганида ўзи ҳам тадбиркорлик б-н шуғуллана бошлаган. 1799–1829 й.да Нью-Ленаркдаги когоз и.ч. фабрикасини бошкарган. 1829–35 й.да меҳнаткашлар оммаси фаолиятини жамоавийлик принципи асосида ташкил этишга ҳаракат қилган, бу борада педагогик ва ташкилотчилик фаолиятини олиб борган. Фал-й карашлари метафизик ва пантеизм ғоялари асосида шаклланган, диний қарашларига кўра дуализм позициясига якинроқ бўлган. Худонинг мавжудлиги, унинг оламдаги барча нарса ва ҳаракатларнинг ибтидоси эканлигини эътироф қилган. Инсонни оламдаги барча нарсалар каби абадий яшайдиган атомлар амалиётининг ҳосиласи, унинг характерини эса ижт-й ва табиий омилларнинг уйғунлигидан келиб чиққан, деб ҳисоблаган.

XVIII а. франц. файласуфлари томонидан илгари сурилган бу фикрни муҳим кашфиёт сифатида эътироф қилган ва ундан «Агар ҳар бир инсон ижт-й муҳит маҳсули бўлса, уни яхшилаш керак», деган хулосага келган. Шу йўналишда ўша даврдаги Англия муҳити, унинг иктисоди, одамларнинг ҳаёти ва ижт-й-икт-й аҳволини яхшилашга доир тадкикотлар олиб борган, уларнинг натижаларини ҳаётга тадбик этишга уринган. О. ташкил этган «The New Moral World» газетаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилган.

О. фикрича, одам ўз атрофидаги муҳитнинг маҳсули. Ш.у. 1 ёшдан 6 ёшгача болалар учун ясли, болалар боғчаси ва болалар майдончаларидан иборат «кичик болалар мактаб»ида бўладилар: 6 ёшдан 10 ёшгача болалар бошланғич мактабларда шуғилланадилар; ишчи ёшлар учун кечки мактаблар очди. Оуэннинг «Инсонда характерни таркиб топтириш тўғрисида тажриба» а-рида «Одам ўз характерини ҳеч качон яратган эмас, уни яратиш мумкин ҳам эмас. Агар биз муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирсак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин» деб ҳисоблайди. О.нинг ғоялари У. Томпсон, Ж. Грей, Ф. Брей, Т. Годскин, А. Герцен, Н. Добролюбов каби XIX а. олимлари қарашлари шаклланишига таъсир кўрсатган. Собиқ иттифоқ даврида унинг меросига бир томонлама ёндашув, ўша замон мафкурасининг манбаларидан бири сифатида ёндашиш мавжуд эди. Аслида, О. ўз даври ва жам-тининг ҳурфикрли кишиларидан бири бўлган, одамларни комилликка ундаган ва бу йўлда хизмат қилган.

**«ОФОҚ ВА АНФУС»** – Ўрта а.ларда Шарқ фал.си, мусулмон мад-й ва маън-й оламида машҳур бўлган наз-ялардан бири; ислом фал.си асосида шаклланган ва олам бир бутун («олами кубро») бўлиб, илоҳий олам («олами кабир») ва инсон олами («олами сағир») бирлигидан иборатлиги ҳақидаги ғояга таянадиган таълимот. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Давоний ва б. эътироф қилган ушбу назяга кўра, илоҳий олам ва инсон олами бир-бири б-н диалектик алоқадор бўлиб, инсон онги ва фаолиятида бўладиган ўзгаришлар, шубҳасиз, бутун олам («олами кубро») б-н чамбарчас боғлиқдир. Бу таълимот тарафдорлари инсоннинг ўзи ҳам ўзига хос кичик олам («олами суғро») бўлиб, унда бутун оламнинг («олами кубро») барча хус-ятлари ўз аксини топади ва шу туфайли оламни яхлит, тўла тасаввур қилмоқ учун, яъни «олами кубро»нинг турли-туман хус-ятлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмоқ учун нафақат илоҳий олам, балки инсон оламининг ҳам сиру сифатларини билмоқ даркор, деб ҳисоблайдилар.

«О.ва А.» бўйича, инсоннинг энг муҳим хус-ятларидан бири – агар у тинимсиз изланса, илоҳий оламнинг ҳам, инсон оламининг ҳам сиру сифатларини билиб олади. Оламнинг бирлигини билишда, энг аввало, олами кабир, яъни илоҳий оламнинг сиру асрорини билиб олиш лозим. Нажмиддин Кубронинг таъкидлашича, илоҳий сифатлар осмону фалакнинг турли катламларида жойлашган. Илоҳий сифатларни инсон камолот пиллапояларидан кўтарилиб, аста-секин эгаллайди. Лекин бундай мураккаб йўлни босиб ўтиш учун ҳар қандай шогирдга пиру комил, ҳақиқий устоз раҳнамолик қилиши зарур. Инсон олами илоҳий олам б-н бевосита боғлиқ бўлганлиги учун инсон оламининг ўзига хос хусятларини билмасдан туриб, илоҳий олам ҳақидаги қарашларини тўла деб бўлмайди. Афсуски, инсон илоҳий олам сирларини кўзи б-н кўра олмайди, қулоғи б-н эшита олмайди, балки бунга онгу қалбида, руҳиятида, кайфиятида бўладиган ўзгаришларни ўта хушёрлик б-н ақл-фаросат ёрдамида таҳлил қилиш орқали эришади.

Бу фикрлар Азизиддин Насафий ижодида янада ривожлантирилган ва унинг фикрига мувофиқ, олам икки асосий бўлакнинг: «олами ғайб» («яширин олам») ва «олами шуҳуд» («кўринадиган олам») нинг йиғиндисидан иборат. Бу икки бўлак яхлит бир бутун оламни ташкил этади. Бутун оламнинг ўзи «улуғ олам» («олами кубро») бўлса, инсоннинг ўзи кичик оламдир («инсони кубро»). Улуғ оламда мавжуд бўлган барча хус-ятлар инсон оламида ўз аксини топади. Улуғ оламнинг турли хус-ятлари, хоссаларини билмоқ учун инсон оламини ҳар томонлама англамоқ даркор.

Улуғ оламнинг ҳам, инсон оламининг ҳам асосини ягона жавоҳир ташкил этади, бир бутун яхлит борлиқ иккига бўлинади. Биринчиси вужуди қадим – азалий вужуд, иккинчиси вужуди ҳодис. Вужуди қадимни ҳеч ким яратмаган, у абадий азалдан мавжуд. Унинг бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ. Вужуди ҳодис (яъни дунё) нинг бошланиши ҳам, охири ҳам мавжуд. Вужуди ҳодис ўткинчи, фоний. Азалий ва абадий вужуд – Худо, ўткинчи фоний вужуд оламдир. Моддий ва руҳий олам бири иккинчиси б-н боғлиқ. Бири иккинчисига таъсир ўтказиб туради. Лекин моддий, яъни мулк оламининг ҳам, руҳий, яъни малокут оламининг ҳам ўзига хос хусятлари мавжуд. Жумладан, руҳ ҳеч қачон бўлакларга бўлинмайди, яъни майдаланмайди, моддий олам эса майдаланади.

«О.ва А.» таълимотига кўра, инсон жисми б-н руҳи орасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланиш мавжуд, яъни инсон жисми руҳи б-н ўзаро боғлиқ, яхлитдир. Ш.у. ҳам инсон камолотининг даражалари турлича бўлганидек, инсон руҳи камолотининг даражалари ҳам турлича бўлади. Ҳар бир даражанинг ўзига мансуб номлари бўлади. Ш.у. инсон жисми руҳга мувофиқ ва руҳ ҳам, ўз навбатида, жисмга мос бўлади. Моддий олам руҳий оламсиз, руҳий олам моддий оламсиз мавжуд бўлмайди. Моддий олам (мулк олами) ҳисобланган инсон ва унинг руҳий олами (малакут олам) ўзаро сут б-н қаймоқ каби бири иккинчиси б-н бирга бўлади. Улар гўё ғолиб ва мағлуб даража бўлиб, бунда руҳ ғолиб, моддийлик эса мағлуб ҳисобланади. Лекин моддий олам б-н руҳий оламнинг жавоҳири биттадан ортиқ эмас. Ушбу жавоҳир хоссасидан олийроқ табиат йўқ. Ш.у. ҳам оламда бўладиган барча ўзгаришлар моддий ва руҳий олам доирасида бўлади. Ушбу доира чегарасидан нарида содир бўладиган ўзгариш йўқ, инсон жисми ҳам, руҳи ҳам бирга ривожланади ва баркамолликка эришгунча камолот зинапояларидан кўтарилиб бораверади.

Инсон жисми ва руҳида бўладиган ўзгаришларнинг манбаи нима? Инсон жисми ва руҳи нимадан пайдо бўлган? – деган саволларга «О.ва А.» таълимотида эътироф этиладики, оламнинг асосини ташкил этган модда: тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборат. Ушбу тўрт унсурнинг ҳар бири алоҳида шаклга (суратга) ва маънога эга. Ана шу тўрт унсурнинг аралашувидан инсон жисми ва унинг турли аъзолари вужудга келган. Шубҳасиз, инсон мижози ҳам, таъби ҳам ўша унсурларнинг аралашувидан ҳосил бўлган. Тўрт унсурни аралаштирганда уларнинг шакллари (суратлари) қўшилиб кетади.

нат моменти ҳаёт фаолияти типининг нисбий ўзгармаслигида, доимийлигида ўз ифодасини топади. Лекин шу нисбий осойишталик мувозанат замирида организмнинг тинимсиз ҳаракати, ўзгариши, ўзини янгилаб туриши яширниб ётади. Айнан ана шу ҳолат ҳаракат б-н мувозанатнинг бирлигини англатади.

О.ва м. нисбийгина эмас, шу б-н бирга муваққат ҳамдир. Ҳар бир объектда осойишталик ва мувозанат эртами-кечми бузилади, универсал ҳаракат уни йўқотиб, ўрнини олади. Бирок, ҳаракатнинг ўзи ҳам эртами-кечми муқаррар равишда у ёки бу формада, бошқа шароитда осойишталик ва мувозанатни туғдиради. Бу эса сифат жиҳатдан янги нарсаларнинг пайдо бўлишига, оламнинг дифференцияланишига имконият очиб беради.

**ОСТРАКИЗМ** (юн. ostrakaimos, ostrakon – сопол парчаси) – қад. юнонларда халқ фикрини билиш усулларидан бири, мил. ав. VI–V а.ларда қад. Афина, ш-дек, Аргос, Сиракуза ва б. шаҳарларда айрим фуқароларни халқ йиғини қарорига асосан сургун қилиш (одатда, 10 й.га). Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро сопол парчасига халқ учун хавфли бўлган шахс номини ёзган. Аристотелнинг маълумот беришича, О. Клисфеннинг демократик ислоҳотлари пайтида (мил. ав. 508 й. атрофи) жорий этилган. О.га асосан илк бор Афинадан қувилган шахс (мил. ав. 487 й.) собиқ Тираннинг қайнотаси Гиппарх бўлган. Тез орада О. партиялар ўртасидаги баҳсларни ҳал этиш усулига айланган.

**ОТА** – 1) оила бошлиғи, алоҳида бир оилага мансуб фарзандларни дунёга келтирган шахслардан бири; 2) ўзб. халқи мад-тида ўзаро мун-тларда бегона бўлса-да, ўзидан бир неча ўн ёш катта эркак шахсга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ёшлар томонидан қўлланадиган атама; 3) инсон маъ-ятининг илк шаклланиш даврларида катта таъсир кўрсатувчи ва авлод дунёқарашининг маълум йўналиш олишида муҳим ўрин тутувчи алоҳида оила аъзоси; 4) тарихда кўплаб инсонларга маън-й таъсир ўтказиб, ҳурматини қозонган шахслар, улуғ инсонлар, азиз-авлиёлар, маън-й пирларга нисбатан қўлланган атама (мас., хоз. Занги Ота, Ўғлонжон Ота, Шайхонтохур Ота, Чўпон Ота, Ҳаким Ота кабилар шулар жумласидандир).

О. ўзб. оиласида асосий ҳолларда бошқарувчи, ҳимоячи, ўз оиласи ва фарзандлари учун барча нарсага тайёр шахс ҳисобланади. Одатда, маън-й жиҳатдан етук О.лар бутун куч-қувватини фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялашга, оила турмуши, ижт-й, икт-й-маиший ҳолатини фаровонлаштиришга сарфлайди.

Миллий маъ-ятимизда фарзанд О.сига қандай мун-тда бўлса, ўзига ҳам фарзандларидан шундай мун-т қайтади, деган ақида мавжуд. Ҳадисларда «Кимки О.-онасини рози қилса, Аллоҳ унинг умрини зиёда қилади», дея одамларни бир-бирига яхшилик қилишга буюрилади. Ибратли маън-й-ахлоқий меросдан ўз ижодида унумли фойдаланган Алишер Навоий «Ҳайрат-ул-аброр», «Садди Искандарий» ва б. қатор а-рлари ҳамда мактубларида О. б-н ўғил мун-тини фал-й таҳлил қилади. Улуғ мутафаккир Султон Бадиуззамон номига йўллаган мактубида: «Аллоҳнинг ризоси – О.нинг ризосига, Тангри таоло ғазаби – О. ғазабига вобастадир, О. фарзанд учун парвардигордир. Чунки Аллоҳ йўқликдан борлиққа фарзандини келтирар экан, сабабчиси қилиб О.ни танлади», деб ёзади. О.нинг ёши улғайиб, кексайган сари билим, ақл доираси, ҳаётий дунёқараши кенгайиб боради, ҳаёт тажрибаси ортади. Маълумки, шарқ халқлари ҳаёти оилавий турмуш тарзига асосланган.

Фарзанд б-н О. ўртасидаги мун-тлар турли вазиятда турлича кечади. Оиладаги ўзаро мун-тларнинг барча учун мақбул бўлиши О.ларнинг вазмин, мулоҳазали, одилона қарорига боғлиқ. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий «Падаркуш» драмасида ўз қадриятини, ўзлигини унутган фарзанд, ҳатто О.сининг қотилига айланиши ҳам мумкинлигини таъкидлаган. Ислом динига биноан, фарзанд дунёга келгач, О. қуйидаги бурч ва вазифаларни бажариши лозим: 1) фарзандини ҳалол ризқ б-н боқиши; 2) болага чиройли ва маъноли исм қўйиши; 3) имкони бўлса, ақиқа қилиши (зиёфат бериш); 4) ўғил бола бўлса, суннат қилиши; 5) ҳамма фарзандларини бир хилда кўриши; 6) фарзандларини яхши кишилар б-н дўст бўлишига эътибор бериши; 7) болани одобли қилиб тарбиялаши; 8) яхши ва ёмонни ажратишга ўргатиши; 9) касб-ҳунар ва билим эгаллашга ўргатиши; 10) уйланиш ёки турмушга чиқиш ёшига етганида, фарзандларини оилали қилиши.

Халқимизда азал-азалдан катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларнинг маслаҳатларига амал қилиш каби фазилатлар мавжуд. Ёшлар О.лар ўгити, доно насиҳатлари, ибратли ҳаётидан хулоса чиқаради. Зеро, «Қарияли уй мактабдир», деб бежиз айтилмаган. Халқда «Қариялар қариндошлар мойтуғидир», дейилади. Мойтуғ «туғ» сўзидан олинган бўлиб, «байроқ ўрнатиладиган жой», яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ҳар бир ўзб. оиласида фарзандлар кўпинча О.-оналар яшайдиган уйда тўпланади, уларнинг дуоларини олишга интиладилар. Мам-тимизда эл-улус орасидаги оқил, зукко, хушмуомала ҳамда тадбиркор, барчанинг эътибори ва ишончини қозонган О. кўпинча ўз маҳалласи тадбирларини бошқаради. Оқсоқол О. маҳалла ҳаётининг барча жабҳаларига фаол аралашади. Хус-н, маҳалла ёшларининг оилавий ва ўзаро мун-тлари, дўконлар, ошхона, чойхона ва бозорларда савдо қоидаларига риоя этилиши, атроф-муҳитнинг тоза-озодалиги, ободлиги, фуқароларга мад-й хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда О.лар, кексаларнинг ўрни катта. Ўзб. маҳаллаларида оқсоқол О. учун «бегона» хонадон ёки «нотаниш» одам бўлмайди. Ш.у. ҳам у исталган хонадонга бемалол эшик қоқиб кираверади, маҳалладошлар б-н сирдош, ҳамфикр бўла олади.

Оқсоқоллар жамоатчилик орасида О.-бола, қайнона-келин мун-тларини, бирор хонадондаги носоғлом муҳитни, хуллас, оиланинг оддий икир-чикирларигача ўрганиб, ўз мун-тини билдиради, мавжуд келишмовчиликларни бартараф этишга уринади. Қадимдан маҳалла оқсоқолининг ҳақ-ҳуқуқлари шу тарзда шаклланиб келган. Оилада О.нинг ўрни ва роли қай даражада бўлса, маҳалла О.си – оқсоқолнинг ҳам мазкур маскандаги нуфузи, мартабаси шундай юқори туради.

**ОТАШГОҲ** – оташпарастлар сиғинган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. Ҳар бир шаҳар ва каттароқ қишлоқда О.лар бўлган. Улар қавм раиси томонидан тайинланган озарбон (оташбон) томонидан қўриқланиб, назорат қилиб турилган. Халқ доимий оловдан олиб уйларида олов ёққан. Қадимда ҳокимиятни қўлга олган ҳар бир подшоҳ ўз номидан махсус О.лар қурдирган. Доро О.и, Анушервон О.и, Афросиёб О.и ёки Митра, Анахита О.и деб номланган О.лар шу тарзда пайдо бўлган. Персеполь, Исфаҳон, Язд, Хуросон (Эрон), Хоразм ва Сурхондарёда қад. О.лар топилган.

**ОТАШКАДА** – зардуштийлик дини ибодатхонаси, Гуштаспнинг фармони б-н қурила бошланган. О.лар турли табиий офатлардан муҳофаза қилиш мақсадида баландлик, тепа усти ёки харсангтошлардан ясалган 3–4 метрлик тагкурсилар устига қурилган. Дастлаб О. диний маросим ва ибодатларни бажариш маскани бўлган. Аста-секин О.нинг вазифалари ўзгара бориб, сосонийлар даврида жамоа йиғинлари ва б. тадбирлар ўтказиладиган жойга айланган. Исфаҳон, Язд, Кома (Ҳиндистон) шаҳарларида энг қад. О.ларнинг харобалари мавжуд.

**ОУЭН (Owen), Роберт** (14.05.1771 – 17.11.1858) – ингл. алломаси, утопик социализм вакили. Тадбиркор оилада туғилган, улғайганида ўзи ҳам тадбиркорлик б-н шуғуллана бошлаган. 1799–1829 й.да Нью-Ленарклаги қоғоз и.ч. фабрикасини бошкарган. 1829–35 й.да меҳнаткашлар оммаси фаолиятини жамоавийлик принципи асосида ташкил этишга ҳаракат қилган, бу борада педагогик ва ташкилотчилик фаолиятини олиб борган. Фал-й қарашлари метафизик ва пантеизм ғоялари асосида шаклланган, диний қарашларига кўра дуализм позициясига яқинроқ бўлган. Худонинг мавжудлиги, унинг оламдаги барча нарса ва ҳаракатларнинг ибтидоси эканлигини эътироф қилган. Инсонни оламдаги барча нарсалар каби абадий яшайдиган атомлар амалиётининг ҳосиласи, унинг характерини эса ижт-й ва табиий омилларнинг уйғунлигидан келиб чиққан, деб ҳисоблаган.

XVIII а. франц. файласуфлари томонидан илгари сурилган бу фикрни муҳим кашфиёт сифатида эътироф қилган ва ундан «Агар ҳар бир инсон ижт-й муҳит маҳсули бўлса, уни яхшилаш керак», деган хулосага келган. Шу йўналишда ўша даврдаги Англия муҳити, унинг иқтисоди, одамларнинг ҳаёти ва ижт-й-иқт-й аҳволини яхшилашга доир тадқиқотлар олиб борган, уларнинг натижаларини ҳаётга тадбиқ этишга уринган. О. ташкил этган «The New Moral World» газетаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилган.

О. фикрича, одам ўз атрофидаги муҳитнинг маҳсули. Ш.у. 1 ёшдан 6 ёшгача болалар учун ясли, болалар боғчаси ва болалар майдончаларидан иборат «кичик болалар мактаб»ида бўладилар: 6 ёшдан 10 ёшгача болалар бошланғич мактабларда шуғилланадилар; ишчи ёшлар учун кечки мактаблар очди. Оуэннинг «Инсонда характерни таркиб топтириш тўғрисида тажриба» а-рида «Одам ўз характерини хеч качон яратган эмас, уни яратиш мумкин ҳам эмас. Агар биз муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирсак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин» деб ҳисоблайди. О.нинг ғоялари У. Томпсон, Ж. Грей, Ф. Брей, Т. Годскин, А. Герцен, Н. Добролюбов каби XIX а. олимлари қарашлари шаклланишига таъсир кўрсатган. Собиқ иттифоқ даврида унинг меросига бир томонлама ёндашув, ўша замон мафкурасининг манбаларидан бири сифатида ёндашиш мавжуд эди. Аслида, О. ўз даври ва жам-тининг ҳурфикрли кишиларидан бири бўлган, одамларни комилликка ундаган ва бу йўлда хизмат қилган.

**«ОФОҚ ВА АНФУС»** – Ўрта а.ларда Шарқ фал.си, мусулмон мад-й ва маън-й оламида машҳур бўлган наз-ялардан бири; ислом фал.си асосида шаклланган ва олам бир бутун («олами кубро») бўлиб, илоҳий олам («олами кабир») ва инсон олами («олами сағир») бирлигидан иборатлиги ҳақидаги ғояга таянадиган таълимот. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Давоний ва б. эътироф қилган ушбу наз-яга кўра, илоҳий олам ва инсон олами бир-бири б-н диалектик алоқадор бўлиб, инсон онги ва фаолиятида бўладиган ўзгаришлар, шубҳасиз, бутун олам («олами кубро») б-н чамбарчас боғлиқдир. Бу таълимот тарафдорлари инсоннинг ўзи ҳам ўзига хос кичик олам («олами сугро») бўлиб, унда бутун оламнинг («олами кубро») барча хус-ятлари ўз аксини топади ва шу туфайли оламни яхлит, тўла тасаввур қилмоқ учун, яъни «олами кубро»нинг турли-туман хус-ятлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмоқ учун нафақат илоҳий олам, балки инсон оламининг ҳам сиру сифатларини билмоқ даркор, деб ҳисоблайдилар.

«О.ва А.» бўйича, инсоннинг энг муҳим хус-ятларидан бири – агар у тинимсиз изланса, илоҳий оламнинг ҳам, инсон оламининг ҳам сиру сифатларини билиб олади. Оламнинг бирлигини билишда, энг аввало, олами кабир, яъни илоҳий оламнинг сиру асрорини билиб олиш лозим. Нажмиддин Кубронинг таъкидлашича, илоҳий сифатлар осмону фалакнинг турли қатламларида жойлашган. Илоҳий сифатларни инсон камолот пиллапояларидан кўтарилиб, аста-секин эгаллайди. Лекин бундай мураккаб йўлни босиб ўтиш учун ҳар қандай шогирдга пиру комил, ҳақиқий устоз раҳнамолик қилиши зарур. Инсон олами илоҳий олам б-н бевосита боғлиқ бўлганлиги учун инсон оламининг ўзига хос хусятларини билмасдан туриб, илоҳий олам ҳақидаги қарашларини тўла деб бўлмайди. Афсуски, инсон илоҳий олам сирларини кўзи б-н кўра олмайди, қулоғи б-н эшита олмайди, балки бунга онгу қалбида, руҳиятида, кайфиятида бўладиган ўзгаришларни ўта ҳушёрлик б-н ақл-фаросат ёрдамида таҳлил қилиш орқали эришади.

Бу фикрлар Азизиддин Насафий ижодида янада ривожлантирилган ва унинг фикрига мувофиқ, олам икки асосий бўлакнинг: «олами ғайб» («яширин олам») ва «олами шуҳуд» («кўринадиган олам») нинг йиғиндисидан иборат. Бу икки бўлак яхлит бир бутун оламни ташкил этади. Бутун оламнинг ўзи «улуғ олам» («олами кубро») бўлса, инсоннинг ўзи кичик оламдир («инсони кубро»). Улуғ оламда мавжуд бўлган барча хус-ятлар инсон оламида ўз аксини топади. Улуғ оламнинг турли хус-ятлари, хоссаларини билмоқ учун инсон оламини ҳар томонлама англамоқ даркор.

Улуғ оламнинг ҳам, инсон оламининг ҳам асосини ягона жавоҳир ташкил этади, бир бутун яхлит борлиқ иккига бўлинади. Биринчиси вужуди қадим – азалий вужуд, иккинчиси вужуди ҳодис. Вужуди қадимни хеч ким яратмаган, у абадий азалдан мавжуд. Унинг бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ. Вужуди ҳодис (яъни дунё) нинг бошланиши ҳам, охири ҳам мавжуд. Вужуди ҳодис ўткинчи, фоний. Азалий ва абадий вужуд – Худо, ўткинчи фоний вужуд оламдир. Моддий ва руҳий олам бири иккинчиси б-н боғлиқ. Бири иккинчисига таъсир ўтказиб туради. Лекин моддий, яъни мулк оламининг ҳам, руҳий, яъни малокут оламининг ҳам ўзига хос хусятлари мавжуд. Жумладан, руҳ хеч қачон бўлакларга бўлинмайди, яъни майдаланмайди, моддий олам эса майдаланади.

«О.ва А.» таълимотига кўра, инсон жисми б-н руҳи орасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланиш мавжуд, яъни инсон жисми руҳи б-н ўзаро боғлиқ, яхлитдир. Ш.у. ҳам инсон камолотининг даражалари турлича бўлганидек, инсон руҳи камолотининг даражалари ҳам турлича бўлади. Ҳар бир даражанинг ўзига мансуб номлари бўлади. Ш.у. инсон жисми руҳга мувофиқ ва руҳ ҳам, ўз навбатида, жисмга мос бўлади. Моддий олам руҳий оламсиз, руҳий олам моддий оламсиз мавжуд бўлмайди. Моддий олам (мулк олами) ҳисобланган инсон ва унинг руҳий олами (малакут олам) ўзаро сут б-н қаймоқ каби бири иккинчиси б-н бирга бўлади. Улар гўё ғолиб ва мағлуб даража бўлиб, бунда руҳ ғолиб, моддийлик эса мағлуб ҳисобланади. Лекин моддий олам б-н руҳий оламнинг жавоҳири биттадан ортиқ эмас. Ушбу жавоҳир хоссасидан олийроқ табиат йўқ. Ш.у. ҳам оламда бўладиган барча ўзгаришлар моддий ва руҳий олам доирасида бўлади. Ушбу доира чегарасидан нарида содир бўладиган ўзгариш йўқ, инсон жисми ҳам, руҳи ҳам бирга ривожланади ва баркамолликка эришгунча камолот зинапояларидан кўтарилиб бораверади.

Инсон жисми ва руҳида бўладиган ўзгаришларнинг манбаи нима? Инсон жисми ва руҳи нимадан пайдо бўлган? – деган саволларга «О.ва А.» таълимотида эътироф этиладики, оламнинг асосини ташкил этган модда: тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборат. Ушбу тўрт унсурнинг ҳар бири алоҳида шаклга (суратга) ва маънога эга. Ана шу тўрт унсурнинг аралашувидан инсон жисми ва унинг турли аъзолари вужудга келган. Шубҳасиз, инсон мижози ҳам, таъби ҳам ўша унсурларнинг аралашувидан ҳосил бўлган. Тўрт унсурни аралаштирганда уларнинг шакллари (суратлари) қўшилиб кетади.

Бундай қўшилиш, аралашиш туфайли ҳосил бўлган янги аъзони жисм деб айтайдилар. Жисмларни вужудга келтирадиган ҳар бир унсурнинг ўзига хос хус-яти, ўзига хос табиати бор. Жисмнинг моҳияти ва маъноси уни вужудга келтирган унсурлар б-н боғлиқ бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан, жисмлар учун рив-ш ёки пасайиш (нузул) унинг энг муҳим хус-ятларидир. Жисмдаги рив-ш турли даражаларда содир бўлади ва ҳар бир рив-ш босқичида янгича номга эга бўлади.

«О.ва А.» таълимотига кўра, жисмни руҳдан ажратиб бўлмайди, руҳ ҳеч қаердан келмайди ва ҳеч қаерга кетмайди. Руҳнинг жисмдан фарқ этадиган хус-яти – ундаги нурдир. Бу нурни ҳис-туйғулар ёрдамида кўриб бўлмайди. Бодом данагида ёки сут таркибидаги ёғни кўриб бўлмагандек, нурни ҳам ҳис-туйғу б-н илғаб олиш қийин. Уни фақат қалб кўзи б-н идрок этиш мумкин. Ўз навбатида, нур руҳий оламга мансуб бўлгани учун ҳам уни кўриб бўлмайди. Бутун олам ўша нур б-н тўла бўлади. У оламнинг жони бўлиб, баркамол этувчи, ҳаракатга келтирувчи қудратдир. Фақат баркамол инсонларгина бу ҳақиқат ва хилқатни англай олиши мумкин. Бунда баркамол инсон деганда, инсонларнинг энг мукаммали, энг ақлли, энг доноси, Худо б-н одамларни боғловчи, ғайб сирларини бошқаларга етказувчи кишилар тушунилади. Бундай кишида илоҳий хислатларнинг ҳаммаси мужассам бўлади ва у ўзининг юксак маъ-яти б-н бутун коинотни қамраб олади. Баркамолликнинг олий белгиси эса Ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир.

Оламнинг бирлиги, одам ва олам мун-тлари, тана ва жон, руҳ ва жисм, оламни англаш имкониятлари каби кўплаб масалалар ўзига хос тарзда талқин қилинган «О.ва А.» таълимоти, нафақат ўша даврдаги ислом фал.си, балки ўрта а.лардаги Ғарб фал-й фикрлари ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказган (А.Насафий. «Зубдат ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»). – Т., 1996; Н.Комилов. «Нажмиддин Кубро». – Т., 1995; М. Қодиров. «М. О., Яқин ва Ўрта Шарқнинг фал-й тафаккури (Ўрта а.лар)». – Т.: ТошДШИ нашриёти. 2009).

**ОХЛОКРАТИЯ** (юн. ochlos – оломон ва kratos – ҳокимият) – демократиянинг оломоннинг бекарор талаб-истакларига асосланган ва кўпинча демагоглар таъсири остидаги шакли. Ўтиш даври ва инқирозли пайтлар учун характерли. Атама Полибий томонидан киритилган. Аристотель Перикл бошқаруви пайтидаги Афинани О. сифатида баҳолаган. Кейинчалик бошқа бир қатор мамлакатларда, мас., Францияда айрим кўринишлари учраган.

**ОХУНД** (араб. ваъзхон, нотиқ; дин тарғиботчиси), охун – 1) мулла, муаллим, устоз. Хива хонлигидаги катта мадрасаларда О.лар сони кўп бўлган, жумладан, Оллоқулихон мадрасасида 7 та О. хизмат қилган. Мударрис ва О.лар ўзлари таълим бераётган мадраса вақфидан маош олиб турган, мадраса уларга ҳужра ҳам ажратган; 2) Хитой мусулмонлари орасида кенг тарқалган ном. Мадрасаларда мударрислик (ўқитувчилик) ва масжидларда имомлик қилган шахслар ҳурмат юзасидан умумлаштирилган ҳолда О. деб номланган.

**ОЧИҚҚЎЛЛИК** – инсон маън-й қиёфасига хос хус-ят, сахийлик, қўли очиқлик, ҳотамтойлик маъноларини англатадиган т.. О. ҳар кимга ҳам насиб қилаверадиган хус-ят эмас. Бундай хус-ят айрим одамлардагина учрайди, ш-дек, у бойларга ҳам, камбағал одамларга ҳам хос бўлиши мумкин. О. хус-ятига эга бойбадавлат кишилар кам таъминланган, кўп болали, иқт-й жиҳатдан қийналиб қолган оилаларга савоб учун доимий равишда ёрдам кўрсатиб келади. Баъзан ўрта ҳол кишиларда ҳам О. хус-яти бўлади. Бу уларга аждодларидан ўтган бўлиши мумкин. Кўринадики, О. сўзи маъ-ятга бевосита тегишли, негаки, маън-й етук кишигина О. бўлиши мумкин. Ўзб. халқига О. хус-яти азалдан хос, унинг бу хус-яти, айниқса, II Жаҳон уруши давридаги оғир дамларда синалган ва б. халқлар томонидан тан олинган. Ш.у. О. халқимиз маъ-ятидан чуқур ўрин олган, миллий менталитетимизга хос хус-ят сифатида қадрланади. Ўзб. халқининг О. хус-яти ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи ва шу роман асосида ишланган «Сен етим эмассан» фильмида ёркин ифода этилган.

**ОЯТ** (араб. илоҳий белги, мўъжиза) – Қуръон сураларининг банди. Исломга кўра, О. Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммадга ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси. Қуръоннинг VII а.га оид илк нусхаларидаёқ суралар О.ларга бўлинган ва ҳар бир сура доирасида тартиб б-н рақамланган. О.ларнинг айримлари қисқа ибора-лардан, баъзилари бир неча жумладан ташкил топган. Қуръон О.лари сони 6236 та экани таъкидланади.

**ОЯТУЛЛОҲ** (араб. Аллоҳнинг мўъжизаси) – шиаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган дин олимларининг унвони. О. истилоҳи шу маънода XIX а.нинг иккинчи ярмидан ишлатила бошлаган. XX а.нинг 40-й.ларидан кенг қўлланилмоқда. О.лар диндорлар орасида катта обрўга, шиалар тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) сиёсий таъсирга ҳам эга. О. унвони юзлаб уламоларда бор. Уларнинг бир нечаси «О.и узмо» (Буюк О.), энг юксак обрўга эга бўлган биттаси «Маржаъ тақлид» («Тақлид қилинадиган инсон») деб, аталади ва у барча шиаларнинг олий раҳнамоси ҳисобланади.

**ОҚКЎНГИЛ(ЛИК)** – юмшоқ кўнгиллик, раҳмдиллик, кўнгилчанлик мазмунини англатадиган т.. О. кишилардаги энг яхши ижобий хислатларни ифодалайди. О. «раҳмдиллик» сўзи б-н маънодош. Раҳмдил инсон ўзгалар ташвишини ўз ташвиши, хурсандчилигини ўз хурсандчилигидек қабул қилади. Ҳар бир инсонга қўлидан келганича ёрдам беради, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Ш-дек, О. «кўнгилчанлик» иборасининг синоними ҳисобланади. Кўнгилчанлик кишига баъзан яхшилик келтирса, баъзан салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Яхши инсонга қилинган кўнгилчанлик одамга обрў келтиради. Ёмон одамга кўнгилчанлик қилинса, баъзан яхшилик эвазига ёмонлик қайтиши ҳам мумкин. О. – ўзб. халқига хос ижобий фазилат.

**ОҚИБАТ** – инсоний меҳр, меҳрибонликнинг амалий натижаси, кўриниши, ижобий маън-й-ахлоқий сифат, фазилат. О. – юксак маъ-ят кўриниши, энг яхши амаллардандир. О. одамлар ўртасидаги ўзаро инсоф, адолат, диёнат ва меҳр-шафқат каби маън-й қадриятларнинг қадрланиши б-н боғлиқ бўлган юксак инсонийликдир. О.нинг маън-й мезонлари инсоний камолот, маън-й етуклик, ички олам гўзаллиги, тил ва дил бирлиги б-н белгиланади.

О. ота-боболаримиз авайлаб-асраб, авлодларга мерос қилиб қолдирган энг яхши анъаналаримиздан, миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш энг яхши инсоний фазилатлардан саналади. Кимгадир баҳо бериш зарурати туғилганда бирига «оқибатли», «оқибати яхши одам» сифатларини қўллаймиз. Аксинча, бу хислатдан маҳрум бўлган кимсага: «Э, уни қўявер, оқибати йўқ», дея қўл силтаймиз. Меҳрнинг, меҳрибонликнинг оқибати бўлмаса, у қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади. О. киши атрофидаги инсонларга, жам-тга яхшилик қилади, қилган яхшилиги учун таъма қилмайди, қўлидан келган барча яхшиликларни одамларга бахш этади. Инсон ҳамиша яхшиликка, меҳр-муҳаббатга муҳтож. О. қадимдан ўзб. оилаларида яхши анъана сифатида авлодларга ўтиб келмоқда. Бу анъанага кўра, ота-она қариндош-

уруғларни, беморларни кўриб келишга боришганда, ўзлари б-н бирга болаларни ҳам олиб боришади. Меҳмон бўлиб борилган хонадонда гап «бу тоганг, бу амманг, бу амакиваччанг» кабилидаги таништирувдан бошланади, уларнинг фарзандлари б-н кўл бериб сўраштиришади, исмшарифларидан бир-бирларини хабардор қилишади. Шу йўсинда фарзандларда ёшлигидан О. шаклланади, қавм-қариндош, яқин кишилар б-н боғланиш, дўстлар орттириш бошланади. Оқибатсизлик кўринишлари: афсуски, ҳоз. айрим ёшларимиз аксари ҳолларда уруғ-аймоқларини тўймаъракалардагина кўриб билишади. Баъзан зарурат туғилгандагина борди-келди қилишади. «Иш кўп, кўл тегмаяпти» баҳонаси б-н қариндошуруғ, ҳатто ота-онасини бир неча ойлаб ҳолидан хабар олмайдиганлар орамизда йўқ эмас. Энг яқин кишиси ёки дўсти касалхонада ётганини «эшитмай» тузалиб чиққанидан кейингина кўча-кўйда ҳол сўровчи «меҳрибонлар» ҳам учрайди. Халқимизда: «Ошна-огайнигарчилик бошинг ёстиққа текканда билинади», деб бежиз айтилмаган.

Меҳр-оқибат яшаш жойининг узоқ-яқинлиги, ишнинг кўпозлигига қарамайди. Фарзанд ота-онаси ҳузурига ҳар куни бориб, очиқ чеҳра ва ширин муомала б-н ҳол-аҳволларини сўраши уларнинг қалбига қувонч, кўзларига нур, жисмига қувват бағишлайди. Фарзанд ҳам ота-она дуоси-олқишини олиб, кўнгли мунаввар бўлади. О. инсонлар бир-бирларининг тўй-маъракаларида бош-қош бўлиш, дўстлари, танишбилишларини тез-тез йўқлаб туриш, айниқса, бошига мушкул иш, мусибат тушганларнинг ҳожатини чиқариш, қийналганларга мадад, камбағалларга ва муҳтожларга ёрдам, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, беморни кечиктирмай кўргани бориш ва ш.к. ижобий, инсоний, олийжаноб мун-тлар б-н ифодаланади. Инсонни қадрлаш меҳроқибатдан бошланади. О. каби эзгу урф-о.лар халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда ҳам кўл келади, ҳам миллатнинг инсонийлик шон-шарафини улуғлайди. Оқибатсизлик натижаси эса, инсонлар, миллатлар ўртасида низолар, қон тўкишлар, бир-бирига жабрзулм қилиш каби қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир қилинишига олиб келади.

**ОҚИЛЛИК** – инсоннинг ақллилиги, ҳаёти ва фаолиятида ақл б-н иш қилиши. О. фал.да рационализм (лот. rationalis – онглилик) гносеология ва праксеологиядаги йўналиш ҳисобланади. Билиш жараёнида ақлни ҳиссий (сезги, идрок, тасаввур) билишга нисбатан устуворлигини тан олади. О.нинг илк тарихий шакли – антик давр натурфал.сидир. Унинг гносеологик асосларини инсоннинг ҳиссиётлари ҳар доим унга объектив ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида тўғри маълумотлар бера олмайди, деб таъкидлаш ташкил этади. О. т.си илмий тафаккур тар-ёти ва ижт-й ҳаётдаги турли хил ўзгаришлар таъсирида ўзгарди ва шунга мос турли шаклларга эга бўлиб борди. Онтологияда О. борлиқда маълум шаклга эга барқарор, қайта тикланадиган оддий ва улар ўртасидаги мун-тлар системаси мавжуд, деб карайдиган таълимот бўлиб, у мазкур системани баҳолаш, назорат қилиш ва таъсир кўрсатиш имконини беради. О.нинг моҳияти, фал.нинг қуйидаги категориялари орқали очиб берилади. Улар моҳият – ҳодиса, сабаб – оқибат, нарса – хус-ят, сифат – сон ва ҳ.к.. Гносеологияда О. кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода у иррационализмга қарши, деб қаралади. Бунда О. онг ва билишни ҳам маълум система, деб қараша имкон берадиган таълимот сифатида қўлланилади. Онгда барқарор, қайта тикланувчи, оддий ва улар ўртасидаги алоқалар сифатида сўз ва тил мантиқ меъёрлари орқали намоён бўлади. Билимда О. рационаллик меъёрлари орқали намоён бўлади.

Тор маънода О. эмпиризм ва сенсуализмга қарши, деб қаралади. Бунда О. бизнинг онгимизда шундай мавжудки, уни эмпирик маълумотлардан келиб чиққан ва улар б-н дедукцияланган, деб бўлмайди, деган қоидага асосланади. Бундан ташқари, оламда фаолият кўрсатиш учун инсон дастлабки билимга эга бўлмоғи лозим, бу билим барқарор, умумий, зарурий, ш-дек, оқилона бўлмоғи лозим. Тор маънодаги О. тарафдорлари сифатида Платон, Форобий, Ибн Сино, Августин, Декарт, Кант, Поппер ва б. файфларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Илмий О. тўғрисидаги тасаввурлар тар-ётини қисқача умумийлаштириб, айтиш мумкинки, олимнинг оқиллиги уни профессионал фаолияти доирасида илмий тафаккурнинг мантиқий ва методологик уйғунлиги, ақл ва тажриба далилларига муттасил мурожаат қилиши, қисман тарихий, ижт-й, мад-й омилларга боғлиқлиги, илмий тафаккурга ва фан асосларига киритилган норма ва стандартларнинг таъсири б-н тавсифланади.

Илмий О. б-н боғлиқ бўлган яна бир мавзу – тадқиқотда мақсад ва воситаларнинг мувофиқлиги масаласидир. Оқил фаолият учун танланган воситалар қўйилган мақсадларга мувофиқ бўлиши одатий ҳол ҳисобланади. Лекин, олимнинг мақсади доимо ҳам воситаларга мос бўлаверадими? У бир нарсани ўйлаган, иккинчисини амалга оширган, учинчи бир нарсани назарда тутган бўлса-чи? Бу саволга жавоб илмий билишнинг табиатини талқин қилиш қанча хилма-хил бўлса, шунча хил бўлиши мумкин. Фаннинг вазифасини оддий баён қилувчилар учун мақсадга эришиш воситалари бир хил, фанни инструментал талқин қилиш тарафдорлари учун эса бу ҳолат бутунлай бошқачадир.

Олим ўз олдига ўзи, у мансуб бўлган фан қўйган ёки шу соҳа олдига кўндаланг бўлиб қолган муаммоларни шундай ечиши мумкинки, бунда айнан нима сабабдан ушбу восита ёки йўл танланганини ҳеч ким билмаслиги ҳам мумкин. Муайян жараёнларга хизмат қилгандай бўлиб, ўз фани олдидаги муаммоларни оқилона ечган ёки ўзи мансуб бўлган фан соҳасининг қаддини шу соҳа мутахассисларига ҳам «билдирмасдан» тиклаб қўйган олимлар илм тарихида кўп учрайди. «Дўппи тор» келган замонларда олимлар нафақат илмий, балки амалий фаолиятда ҳам бундай илмий софистика ва эклектикадан фойдаланишга мажбур бўладилар. Бундайлар ниҳоятда камчиликни ташкил қилади, ҳатто илмий жамоатчиликнинг бир қисми ҳам бу ҳолда танқид томонига ўтади. Ўз давридаги сиёсий ёки ижт-й жараёнларда фаол иштирок этаётган олимни, албатта, хатога йўл қўяяпти, фан учун хизмат қилмасдан, фақат амал учун ҳаракат қилаяпти, деган фикрлар тўғри эканлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бундай фаолият муайян фан соҳасини ривожлантириш учун фақат шу фан доирасида ишлаш керак, деб кўл ковуштириб ўтирадиган ёки эски тасаввурларга ёпишиб олган кишилар фаолиятига нисбатан олганда фойдалироқ эканлиги аниқ.

Фанда, баъзида уни ривожлантириш учун қилинадиган амалий ишлар, баъзида эса уни мустаҳкамлаш учун олиб бориладиган фундаментал тадқиқотлар олдинга ўтади. Гап улардан бирини мутлақлаштириб, иккинчисини унутмасликда ёки бирини эсдан чиқариб, иккинчисига ёпишиб олмасликдадир. Фан тарихида энг яхши фундаментал тадқиқот олиб боришга иқтидори бўла туриб, ўз умрини мавжуд фан тузилмасини, уни ташкил этиш усулини ўзгартиришга сарфлаган олимлар ҳам бўлган. Қизиғи шундаки, муайян давр ўтиб олимнинг асл мақсади ва хизмати аниқ бўлганидан кейин илмий доираларда унга нисбатан «танқидий стериотип» муайян тарзда сақланиб қолаверади. Мас., бугун Гегелнинг фал. тарихидаги хизматини ҳеч ким инкор қилмайди, аммо унинг Прусс монархиясига хизмат қилганлигини «айб» деб ҳисоблайдиганлар ҳалигача кўплаб топилади. Улар Гегелнинг ўз миллати ва даври фарзанди бўлганини, у аввало ўз юрти ва давлатига хиз-

мат қилганини унутиб қўядилар. Гегель «Файласуфлар осмондан ёмғир каби тушмайдилар ёки ердан ёмғирдан кейинги қўзиқориндек ўсиб чиқмайдилар. Уларни халқ яратади», деганида нафақат б.ни, аввало, ўзини назарда тутганини эсдан чиқарадилар.

Илмий О.нинг қандайдир мутлақ, тугал модели йўқ. У кўпроқ фан интилиши лозим бўлган ўзига хос илмий рив-ш боскичи хисобланади. Фан маън-й фаолиятнинг б. турлари сингари инсоний тизим хисобланади ва ўзида тарихий чекланганлик ва номукаммалликни хам акс эттиради. Барча муҳим, белгиловчи таъсирлар б-н бирга илмий тафаккурда ақлий ва тажриба далиллари б-н бир қаторда интуиция ва тахминларга, янглиш фикрлар, қарама-қарши хулосаларга хам ўрин бор. Бошқача айтганда, илмий билиш тарихида иррационал жиҳатлар хам мавжуд. Бироқ, бу фанни инсон фаолиятининг б. турлари, яъни магия, дин, санъат ёки мафкура б-н тенглаштиришга асос бермайди.

Америкалик фан фал.си бўйича мутахассис П. Файерабенд шундай қилишга уринган ва муваффақиятсизликка учраган эди. Хатоликлар инсон фаолиятининг барча соҳасида учрайди, лекин фанда ақлий ибтидо устунлик қилади. Иррационал ҳолатлар эса алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, илмий тар-ётда муайян ўрин тутади. Улар олим ёки мутахассисларни излашга, фаннинг янги-янги қирраларини топиш ва такомиллаштиришга ундайди.

Хуллас фан, илмий билиш жараёни рационал ва иррационал жиҳатларнинг диалектик бирлигидан иборатдир. Аслида бу жихатлар инсон фаолиятининг икки томонини, билиш, хус-н илмий билишнинг мураккаб, серқирра жараён эканлигини кўрсатади.

**ОҚПАДАР** – жуда катта гуноҳи, ножўя хатти-ҳаракати учун ота-она томонидан оқ қилинган, лаънатланган, ота-онадан юз ўгирган фарзандга нисбатан қўлланадиган т.. О. салбий маъно касб этиб, маълум гуноҳлари туфайли оиладан ажратиб юборилган шахсни англатади. О.лик – фарзанд учун фожиа. Ота-онанинг қарғишига учраган О. фарзанд Ватанига ҳам вафо қилмайди. Баъзан фарзандга О. тамғаси тушишига оилавий тарбия ҳам сабаб бўлади.

Оилада эрнинг хотини, хотинининг эри олдидаги, улар иккови-нинг фарзандлари, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги масъулияти ва бурчининг тўғри бажарилмаслиги ана шундай салбий ҳолатларга олиб келади. Оилавий, маън-й мунтларда эр-хотин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат каби инсоний туйғуларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Оила аъзолари бир-бирлари б-н умумий турмуш, ўзаро иқт-й, мулкий, ҳуқуқий, ахлоқий, руҳий алоқалар б-н боғланади.

Оиланинг биринчи вазифаси ўз насл-насабини давом эттириш, жисмонан ва маънан баркамол фарзандларни тарбиялаш, оилавий муҳитни қарор топтириш, ҳалол меҳнат қилиб, жам-тга фойда келтиришдан иборат. Мазкур тизимнинг бирор мурувватига путур етганда, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ижт-й мун-т бузилади ва фарзанднинг О. бўлишига асос пайдо бўлади. Халқимизда О.лар қадимдан қоралаб келинган. Негаки, ўзб. халқига хос муҳим фазилатлардан бири – ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш. Ушбу т. маъ-ятга бевосита алоқадор бўлиб, у ёшларни ота-она, катталар ва Ватанга нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиб, бундай тамғадан холи бўлишга ундайди.

**ОҒАХОНИЙЛАР** – шиаликдаги исмоилия оқимининг XIX а.да шаклланган фирқаларидан бири. XIII а.га келиб исмоилийларнинг низорий оқими деярли йўқ бўлиб кетди. Бироқ XIX а.га келиб, асли шиалардан бўлган Ҳасан Али Шоҳ (1804–1881) Эронда ўз атрофига бир қанча қўшинларни йиғиб, давлатга қарши исён кўтарди. Кўпчилик Ҳасанни қўллаб-қувватлади. Натижада Эронда давлат тўнтариши бошланди. Инглизлар форсийлар юртига бўлган қизиқишлари туфайли ушбу тўнтаришга ҳомийлик қилдилар. Лекин тўнтариш 1840 й.га келиб самарасиз якунланди. Ҳасан Али Шоҳ ва унинг қўшинлари асир олинди. Кейинчалик инг.лар асирга олинганларни, катта пул эвазига ҳамда Эрондан олиб чиқиб кетиш шарти б-н, озод қилдилар. Инглизлар уларни Афғонистонда қарор топишлари учун қўллаб-қувватладилар. Афғонлар бунга йўл қўймай, уларни Ҳиндистонга чиқариб юбордилар. Натижада улар Бомбей шаҳрида ўзларига қароргоҳ барпо қилиб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Инглизлар Ҳасан Али Шоҳдан ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар. Ҳасан исмоилийлар тарафдорларининг мутлақ ҳокими, исмоилий-низорийларнинг имоми, деб эълон қилинди ва унга Оғахон лақаби берилди. Ҳасан Али атрофига Ҳиндистон исмоилийлари қўшилди, натижада Оғахонийлар оиласи барпо қилинди. Ҳасан Али вафот этгач, ўғли Али Шоҳ (ваф. 1885 й.) – Иккинчи Оғахон номи б-н танилиб, отасининг ишларини давом эттирди. Иккинчи Оғахон вафотидан сўнг якка ҳокимлик унинг ўғли Муҳаммад Шоҳ ал-Ҳусайний – Учинчи Оғахонга (ваф. 1957 й.) ўтди. Учинчи Оғахон ўз вафотидан олдин исмоилийлар анъанасига хилоф равишда ҳокимликни катта ўғлига эмас, балки невараси Каримхон ал-Ҳусайнга васият қилди. Каримхон Америка ун-тларининг бирида таҳсил олган ва у ҳоз. кунда исмоилийларнинг 48-имоми – Тўртинчи Оғахон деб ҳисобланади.

О.лар Оғахонларни Фотима наслидан, улар барча гуноҳлардан пок ва муқаддасдирлар, деб уларга эътиқод қиладилар. Оғахоний имомлар Европа мам-тларида бадавлат ҳаёт кечираётган бўлсаларда, уларнинг тарафдорлари имомларини улуғлашда давом этиб, топган бойликларини бешдан бирини бериб турадилар. Шу сабабли Учинчи Оғахон дунёнинг энг бой кишиларидан бирига айланган эди.

Ҳоз. кунда О.лар Карачида ўз марказларини бунёд этганлар, унинг тарафдорлари Африканинг шарқий қисми Найроби, Дор ас-Салом, Мадагаскар, Занзибар, Конго, Ҳиндистон ва Покистонда ўз таълимотларини ёйишда давом этмоқдалар. Ш-дек, Сурия ва Ливанда ҳам уларнинг тарафдорлари мавжуд. Ҳоз. кунда бу ақида тарафдорларининг сони тахм. 20 млн. га яқин.

# П

**«ПАДАРКУШ»** («П. ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли») – XIX–XX а. оралиғида мам-тимизда жадидчилик ҳаракати ва адабиётини бошлаб берган аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан 1911 й.да ёзилган а-р; халқимизнинг ўтган аср бошидаги миллий тафаккури шаклланиши ва миллий фал. тар-ётида муҳим ўрин тутган биринчи ўзб. драмаси. Ушбу а-р маърифатпарвар мутафаккирнинг, нафақат санъатнинг халқ оммасига энг самарали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган театр соҳасига эътибор қаратгани, балки халқимизнинг асл фарзанди сифатида, ўзининг тарих олдидаги миссиясини чуқур ҳис этгани, бу борадаги маън-й «қарз»ини узишга ҳаракат қилгани, илк ўзб. драмасини яратиб, Туркистонда янги санъат турининг тамал тошини қўйгани, яъни ўша давр талабига мос ва ўзига хос тарзда жавоб бера олганини яққол исботлайди.

1911 й.и. Беҳбудий а-ридан бир оз аввал, қўқонлик муаллим Абдурауф Самадовнинг «Маҳрамлар» пьесаси рисола шаклида нашр этилгани маълум. Н. Каримов таъкидига кўра, бу тарихий факт, айрим ижодкорлар назарида, Беҳбудийни ўзб. драматургиясининг отаси, «П.»ни эса биринчи ўзб. драмаси дейишга монелик қилади. Лекин «Маҳрамлар»нинг дастлаб «Ўликлар» номи б-н татар тилида ёзилгани ва муаллифнинг ўзи ҳам татар миллатига мансуб бўлганини эътиборда тутилса, Беҳбудийни ўзб. театр санъатига, хус-н, ўзб. драматургиясига пойдевор қўйган сиймо сифатида эътироф этиш ўринли. Қолаверса, А. Самадовнинг бу а-ри «П.»дан кейин саҳна юзини кўрган ва унинг саҳналаштирилиши Туркистоннинг ўша й.лардаги мад-й ҳаётида «П.» намойишидек улкан тарихий воқеа бўлмаган.

Ҳали миллий адабиётда драматургия намуналари бўлмаган бир пайтда «П.» яратилиши оддий ҳодиса эмас эди. Агар «Маҳрамлар» пьесаси яқин ўтмишдаги иллатлардан бири – бaччабозликка қарши ёзилган бўлса, «П.»да маърифатсизликнинг миллат ва миллатнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига кўрсатажак фожиали зарарини тасвирлаб берган. А-рнинг номланиши ҳам тасодифий эмас. «П.» мунти б-н ёзилган мақолаларнинг бирида а-рнинг ҳаётда рўй берган реал ҳодиса таъсирида ёзилгани айтилади. Бу фикрнинг ҳақиқатга қанчалик мос ёки қанчалик зид эканидан қатъи назар, XX а. бошларида ўз фарзанди тарбиясига эътибор бермаган оталар ҳам, ёшлик й.лари такасалтанг, ишёқмас, маншатпараст бойвуччалар даврасида ўтган болалар ҳам оз бўлмаган. «П.»да нафақат шундай оталар, балки шундай фарзандларининг ҳаёти ҳам фожиа б-н тугаши мумкинлиги кўрсатилиб, муаллиф уларнинг ҳар иккаласини ва, умуман, XX а. бошларидаги ўзб. жамтини огоҳлантиришга интилган. Шу огоҳлантирувчи пафос, жадидчиликнинг туб моҳиятини очувчи маърифатпарварлик ғояси а-рнинг катта ижт-й ва маър-й аҳамиятини белгилаб беради ҳамда унинг ўша даврнинг энг муҳим ва долзарб мавзусига бағишланганини кўрсатади.

Муаллиф а-р сарлавҳасидан кейин қавс ичида унинг жанри ва мавзусини «Туркистон маишатидан олинган ибратнома», деб белгилаган. Ш-дек, а-рни китобхонга «3 парда 4 манзарали миллий биринчи фожиа» сифатида тақдим этган. А-рда Бой (50 яшар) ва унинг ўғли Тошмурод (15–17 яшар) дан ташқари, Домулла (янги фикрлик бир мулла, 30–40 яшар), Зиёли (Европа либосида, ўрус. ўқиғон, миллатчи мусулмон) ва бошқа персонажлар ҳаракат этадилар. Бундан қарийб 100 й. аввал ёзилган бу а-рдаги Домулланинг халқни маърифатга даъват этиши, унинг тақдиридан қайғуриши б-н боғлиқ мотив ҳали ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Негаки, шиддат б-н ривожланиб бораётган жам-тда яшаб, й.дан-й.га ривожланиб ва тармоқланиб бораётган билимларни мукаммал эгалламасдан туриб, буюк келажакни барпо этиш мумкин эмас. Шу маънода жадидларнинг, жумладан, Беҳбудийнинг маърифатпарварлик ғоялари бугун мам-тимизда олиб борилаётган маър-й ва мад-й жараён б-н уйғун бўлиб қолмоқда.

«П.»нинг асосий қаҳрамонларидан бири Тошмурод охир-оқибат маншатпараст шериклари б-н келиб, отаси яширган пулни ўғирламоқчи бўлади. Шу пайт унинг шериклари қўлга тушмаслик учун воқеадан огоҳ бўлиб қолган отасига пичоқ санчадилар. Ҳам отасидан, ҳам отасининг давлатидан айрилган Тошмурод қамоққа олинади. Муаллиф фикрига кўра, ўқимаган болани ўтган а. бошларида тахм. шундай бахтсиз келажак кутарди. «П.»нинг матбуот ва саҳна юзини кўриши оғир кечган. Ўша й.ларда ташкил этилган ҳар бир газ. чор ҳукуматининг махсус рухсати берилгандан кейингина дунё юзини кўрганидек, бу а-рнинг ҳам рисола шаклида чоп этилиши ва саҳналаштирилиши учун чор маъмурларидан рухсатнома олиш зарур эди. Шу сабабли драма гарчанд 1911 й.да ёзилган бўлса-да, драматург а-р устида кимларнингдир фикр-мулоҳазалари асосида ишлаб, уни 1912 й.нинг август ойида нашрга тайёрлаган. А-рнинг нашр этилиши осон кўчсин учун уни «Бородино жанги ва Русиянинг франц. лар босқинидан халос бўлишининг юбилейи»га бағишлаган. Ниҳоят, «П.» «Самарқанд водийси» – ҳарбий губернатори генерал-майор Илья Олешилидзе ва «Матбуот ишлари Тифлис қўмитаси»нинг 1913 й. 23 июль санали рухсати б-н Самарқанддаги Газаров ва Сиянов матбаасида босилиб чиқади.

Ниҳоят, 1914 й. 15 январда Самарқандда, 16 февралда эса Тошкент Колизей театрида «П.»нинг саҳна юзини кўриши халқ ва мам-т ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. «Ойна» журналининг 1914 й. 14–25 январь сонида а-рнинг Самарқандда қўйилиши ҳақида бундай сўзлар ёзилди: «П.» фожиаси ила «Алдадиқ ва алдандиқ» воқеаси саҳнага қўйилди. «П.»(нинг) ниҳоятда яхши амалга қўйилгони ҳозир бўлгон ҳар кишининг розилигидан маълум эди. Халқ ниҳоятда кўп келиб, билет етишмагани ва жой йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди. Ибратхонанинг борлиқ ўрни 320 нафарга кифоя қилар эди. Яна эллик нафар ўрин ҳозирланган бўлса ҳам кифоя этмади».

Бу сўзларга изоҳ тарзида айтиш жоизки, Беҳбудий спектаклга бўлган фавқулодда катта қизиқишдан маър-й ишларни ривожлантириш мақсадида фойдаланмоқчи бўлди. А-рнинг 7 май куни бўлиб ўтган иккинчи намойишида, «Ойна» журналининг хабар беришича, билетлар сотилишидан 384 сўм 50 тийин йиғилиб, шундан 184 сўм 50 тийин спектаклга сарфланган харажатга кетган. Қолган 200 сўмдан 110 сўми мактаб ислоҳига, 35 сўми Жамбойдаги Бозорамин Ҳодихўжа таъсис этган ва муаллим мулла Комил идорасидаги мактабга, 15 сўми Бухорий қишлоғидаги мулла Жўрабой мактабига, 15 сўми «Городской училише»да таҳсил олаётган мусулмон болаларга, қолган 35 сўми

эса мулла Абдукодир Шакурий мактабига ажратилган. «Кўринадики, – деб ёзади Ш. Ризаев, – даромаднинг сўнгги тийинигача, хатто ошиги б-н фақат ва фақат маър-й ишларга сарф бўлган».

Самарқандда хам, Тошкентда ҳам а-рдаги барча роллар маҳаллий маърифатпарвар кишилар томонидан ижро этилди. Бу, ўзб. жадидларининг ва, умуман ўзб. жадидчилик ҳаракатининг тантанавор кунлари эди. Кўп ўтмай, «П.» турли театр труппалари ижросида бутун республикани айланиб чиқди. Бугун биринчи ўзб. драмаси ибтидоий а-р бўлиб туйилиши мумкин. Лекин ҳали замонавий театр санъатидан яхши хабардор бўлмаган томошабинлар учун «П.»нинг 1914 й.даги намойишлари афсонавор воқеа эди.

Афсуски, «П.»ни ўша й.ларда барча ҳам катта мамнуният б-н қабул қилди, дейиш қийин. Аслида, халқимизни эллик й. давомида маърифатдан четда ушлаб турган чор ҳукумати Туркистонда театр санъати туғилишига, бинобарин, «П.»нинг саҳна юзини кўришига қаршилик кўрсатиши мумкин эди ва зимдан бундай ишлар ташкил қилинган бўлиши ҳам мумкин. А-рни газаб б-н қарши олган ва спектаклда иштирок этганларни «падаркушлар», деб ҳисоблаган кишилардан бири таникли шоир ва мударрис Саидахмад Васлий эди. У «Садои Фарғона» газ.сининг 1914 й. 83-сонида чоп этилган «Шариати исломия» сарлавҳали мақоласида театрни ҳаром деб эълон қилади. «Ойна» журнали эндигина туғила бошлаган театр санъатига нисбатан бундай хато ва зарарли мун-тни мутаассиблик намунаси сифатида баҳолаб, унга кескин зарба беради.

Буларнинг барчаси, ўша даврда нафақат, ўзб. мад-ти тарихида янги санъат тури – театр туғилгани, биринчи миллий драманинг улкан аҳамиятга молик воқеа бўлгани, балки ХХ а. бошларида халқ тафаккурида ҳам ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй бергани, унинг асл фарзандлари бу йўлда фидокорона фаолият олиб боргани, уларнинг ҳаракати муайян натижалар бера бошлаганини кўрсатади. Шу маънода, «П.» оддий драма эмас, балки халқимизнинг ўша даврдаги фал.си, унинг устувор ғоя ва тамойилларини яққол ифодалаган миллий фал-й тафаккур меваси, жадид боболаримизнинг ҳаётга мун-ти, ўзларининг тарих олдидаги миссияларини тўла англагани, бу борадаги саъй-ҳаракатларининг натижаларидан биридир. «П.» таъсирида ўтган а.нинг 10-й.ларида ўнлаб саҳна а-рлари майдонга келгани, драматурглар сафи Насрулла Қудратилла, Абдулла Қодирий, Абдулла Бадрий, Хожи Муин, Абдулла Авлонийлар ҳисобига кенгайиб боргани ва кўп ўтмай, улар сафига Ҳамза, Фитрат ва Чўлпон сингари забардаст драматурглар келиб қўшилгани айнан ана шу воқеликнинг ифодаси бўлгани шубҳасиз.

«П.»нинг афсонавор «премьера»ларидан сўнг кўп ўтмай, I Жаҳон уруши бошланди. Сал ўтмай большевикларнинг давлат тўнтариши рўй бериб, уларнинг мустабид ҳукумати давлатни қўлга олди ва халқка, унинг асл фарзандларига қарши қатағонни бошлаб юборди. «П.»дек а-рлар, унинг муаллифи каби инсонлар ва улар меросининг тўла-тўкис омон қолиши ҳамда бутун имкониятини намоён қилиши учун шароит қолмади. Лекин, мустабид тузум қанча ҳаракат қилмасин, жадидлар меросини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш йўлидаги интилишлар зое кетмади. Бир неча ўн й.лар ўтиб, мустақилликка эришган халқимиз, узоқ й.лар давомида номини унутмай, қалбида сақлаб келган Беҳбудий каби алломалар мероси, уларнинг «П.» каби а-рларидан яна эмин-эркин баҳраманд бўлиш имконига эришди (Наим Каримов. Маҳмудхўжа Беҳбудий. – Т., 2010).

**ПАДУЯ МАКТАБИ** – Ўрта а.ларда Аристотель ва Ибн Рушд (Аверроэс) таълимоти асосида Италияда шаклланган ва, асосан, Падуя, Болонья ва Феррари ун-тларида устувор фал-й оқимга айланган лот. аверроизми. Ушбу мактабнинг намояндалари схоластиканинг бош архитектори ҳисобланган Аристотель ва машҳур Шарқ алломаси Ибн Рушд (Аверроэс) қарашларини томизм тарафдорлари томонидан нотўғри талқин этилишига қарши бош кўтардилар. Аверроизм мактаби намояндалари Аристотель илмий меросини қайта тиклашга киришдилар. Улар Ибн Рушд а-рлари б-н бирга қад. юн. тилида ёзилган Аристотель а-рларининг асл нусхаларини қайта нашр эттирдилар.

П.м. учун асос бўлган Аристотель фал-й қарашларида жамоавий интеллектнинг ўлмаслиги ва индивидуал жоннинг ўлимга маҳкум этилганлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилган эди. Индивидуал жон ҳис-туйғуларга асосланганлиги учун ҳам ҳамиша ўлимга маҳкумдир. Бундай ғоялар, шубҳасиз, ўрта а.лардаги монотеистик мафкура ғояларига мутлақо зид эди. Ўрта а.лар шароитида инсон жонининг ўлмаслиги ҳақидаги ақида ҳар қандай диний ахлоқнинг асосини ташкил этарди. Худди ш.у. ҳам индивидуал жоннинг ўлмаслигини исботлашга уринган, бу борада Муқаддас китобларга таянган томистик схоластика тарафдорлари Аристотель қарашларини бузиб талқин қила бошладилар. П.м. вакиллари эса Аристотелнинг биз юқорида эслатиб ўтган фикр ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлар ва мантиқ қонунлари асосида уни исботлаб беришга интилардилар. Улар орасида Анжело Арецио (XIV а.), Паоло Венето (1372–1429), Николетто Верниа (1420–1499), Александро Акеллини (1463–1512) каби аверроистларнинг а-рлари ва қарашлари алоҳида ажралиб туради.

Фал-й баҳс-мунозаралар шу қадар кескинлашиб кетдики, охир-оқибатда 1513 й.да Лютеран собори ва Папа Лев Х ушбу мусоҳабалар ҳақида махсус кўрсатма қабул қилди. Унга кўра, жоннинг ўлмаслигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, шу боис бу борада ҳеч қандай баҳс-мунозарага ўрин йўқ. Ана шундай мураккаб бир вазиятда П.м. вакиллари ўз а-рларида Аристотелнинг фикр-мулоҳазаларига таяндилар, ш-дек, Августин, Ибн Рушд, Фома Аквинский каби ўрта а.ларнинг энг йирик алломаларининг фал-й меросига мурожаат этдилар. Уларнинг ёндашувича, Аристотель жамоавий интеллект индивидуал интеллектдан юқорига кўтарила олгани, мавҳум тафаккур юритиш ҳамда умумлаштириш имкониятига эга бўлгани учун ҳам ўлмасдир, деган ғояни илгари сурадди. Мавҳум фикр-мулоҳаза юритиш, умумлаштириш қобилияти билишнинг ҳиссий даражасидан мутлақо холидир. Аристотель инсоннинг бундай қобилиятларини фаол интеллект деб номлайди. Фаол интеллект инсон ижодий фаолияти учун стимулятор вазифасини бажаради.

П.м. Аристотелнинг фал-й-космологик доктринаси монотеистик диний эътиқодга хос бўлган «Яратувчи Худо» т.сини фал-й «Шахссиз Худо» т.си б-н алмаштиради. Ш.у. ҳам католик черковига мухолиф бўлган ҳам христиан Ғарбидаги, ҳам мусулмон Шарқидаги диний таълимотлар ушбу доктринани асос сифатида қабул қилдилар. Ана шундай шароитда Падуя, Болонья ва Феррари ун-тларида проф. бўлиб ишлаган – Пьетро Помпонацци (1462–1525), Падуя ун-тида ўқиган, Арасту ижоди, яқин ва ўрта Шарқ мам-тларида тарқалган фал-й таълимотларни чуқур ўрганган, Шарқ фал.си, хус-н Ибн Рушд а-рларини синчиклаб таҳлил қилиб, аверроизмга меҳр қўйган – Пико Делла Мирандола (1463–1495) ва ҳатто Гайдельберг, Падуя ва Кельн ун-тларида ўқиган, ўқишни тугатгач, аввал оддий диндор, кейинроқ эса Рим католик черковининг кардинали лавозимларида ишлаган – Николай Кузанский (1401–1464) каби турлича қарашдаги алломалар ижод қилдилар. Уларнинг барчасини бирлаштирадиган фал. бу – П.м., аверроизмнинг улар ижодига таъсиридир. Бу таъсир яққол сезиладиган Помпонацци, Мирандолалардан фарқ қиладиган христиан дини арбоби Кузанский ижодида ҳам буни аниқ кўриш мумкин. Унинг

«Худо борлиғи олам борлигидан б. нарса эмас, чунки олам борлигининг ўзи Худо борлигидир», деган фикрини Шарқ фал.сидаги ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд ҳақидаги таълимотларга нақадар ўхшашлиги бежиз эмас. Европа фал.сида «Микрокосмни илоҳий моҳият б-н боғлашга уринган Кузанский «кичик олам» (яъни инсоннинг ўзи), «катта олам» (яъни универсум), «максимал олам» (яъни илоҳий мутлақ) т.ларини муомалага киритди. Унинг тушунтиришича, кичик олам катта оламга, катта олам эса максимал оламга ўхшайди. Н. Кузанскийнинг юқоридаги фикрмулоҳазаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, кичик олам – бу инсон, у ўз атрофини ўраб олган табиий оламни нафақат қайта ишлайди, балки максимал Худо оламига ҳам ўхшайди», деган фикр бор. Бу эса Кузанскийнинг бу ҳақдаги фикрлари унинг Падуя ун-тида билим олган даврида ўрганиб олган ва ўша даврда аверроэслар Ибн Рушд а-рлари орқали Ғарбга тарқатган ва Шарқ фал.сида машҳур бўлган «олами кубро», «олами суғро», «олами кабир» ва «олами сағир» каби т.ларнинг Европача талқинидан бошқа нарса эмас.

Баъзи мутахассислар 1495–1504 й.ларда Болонья, Падуя, Феррари ун-тларида астрономия ва фал., тиббиёт ва ҳуқуқ фанларига доир билимларни пухта эгаллаган, кад. юн. тилини ўрганган атоқли олим Николай Коперник (1473–1543), Падуя ун-тини 1535 й.да муваффақиятли тугатган ва у ерда фал., тиббиёт фанларини мукаммал ўрганган итальян мутафаккири Бернардино Телезио (1509–1588) каби алломаларни ҳам П.м. таъсирида шаклланган машҳур кишилар сифатида эътироф этадилар.

Хуллас, П.м. ўз даврида, нафақат итальян, балки Европанинг кўплаб мам-тларидан келган мутафаккирларни вояга етказди. Улар эса ўзларининг гуманистик аристотелизми ва фал-й аверроизми б-н, Ренессанс мад-ти ва фал.си тар-ётига катта таъсир ўтказдилар.

**ПАЗДАВИЙ, Фахр ал-ислом Паздавий** (1010–1089) – Ўрта а.ларнинг машҳур алломаси, фиқҳшунос олим, тўлиқ исми Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Ийсо ибн Мужоҳид ал-Паздавий. У.Уватов маълумотига кўра, у ҳақдаги маълумотлар араб олимлари Шамсиддин аз-Заҳабийнинг «Сияр аълом ан-нубало», Абу Саъад ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб», ибн ал-Асирнинг «Ал-Лубоб», ибн Халдуннинг «Ал-Муқаддима», ал-Қурашийнинг «Ал-Жавоҳир ал-музиййа фи табақот ал-ҳанафиййа», ал-Лакнавийнинг «Ал-Фавоид ал-баҳиййа», Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» ва б. қатор манбаларида келтирилган. П. хоз. Қашқадарё вилоятининг Касби тумани худудидаги Пазда (Кўҳна Фазли) қўрғонида таваллуд топган. Ўз даврида Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарлари каби Насаф (Қарши) ва Паздани ҳам зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (1178–1229) ўзининг «Муъжам ал-булдон» («Мам-тлар қомуси») номли йирик а-рида: «Пазда Насафдан олти фарсах узоқликдаги мустаҳкам бир қалъа (қўрғон) бўлиб, ундан етишиб чиққан буюк алломалардан бири Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-П.дир», – деб ёзган.

У фиқҳ соҳасидаги дастлабки билимни ўз отасидан олган, сўнгра ўша даврда илм-фан ва мад-т тараққий қилган йирик шаҳарлардан бири Насафда ўз билимини оширган. Ҳар ҳолда, П. илмий-маъr-й муҳитда вояга етганлигига муайян асослар бор, чунки унинг бобоси Абдулкарим ал-П. ва укаси Аҳмад ибн Муҳаммад Абул-Йуср ал-П. ҳам ўз даврининг таниқли олимларидан бўлган ва «садр ал-ислом» деган шарафли лақаб б-н аталган. Мана шу илмий-маън-й муҳитда ўсган ал-П. замонасининг машҳур олимларидан бири бўлиб етишган, айниқса, фиқҳ-ислом ҳуқуқшунослигининг барча масалалари бўйича ўз даврининг имоми деган лақабга муяссар бўлган. Таниқли араб тарихчиси Шамсуддин Заҳабий (1274–1347) «Сияр ал-аълом ан-нубало» («Олийжаноб алломалар сийратлари») номли қимматли а-рида: «Фахр ул-ислом П. – Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабида ўз тариқатига эга бўлган аллома», – деб ёзган бўлса, тарихчи Абу Саад ас-Самъоний (1113–1167) «Фахр ул-ислом П. ҳанафия мазҳабининг Мовароуннаҳрдаги шайхи бўлган», – деб таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, мазкур аллома юртимизда амал қилинган ҳанафия мазҳабини мукаммал ва беғубор ҳолда муҳофаза этиш борасидаги беқиёс хизматлари боис барчанинг алоҳида хурмат-эътиборини қозониб, ҳатто камдан-кам олимларга насиб этадиган «Фахр ал-ислом» («Исломнинг фахри») деган ўта шарафли лақабга ҳам сазовор бўлган. У узоқ й.лар Самарқанд мадрасаларида мударрислик қилиб, сўнгра Кеш (Шаҳрисабз)да яшаган ва 1089 й.да шу ерда вафот қилган.

П.нинг қаламига мансуб а-рлар исломий илмларнинг турли масалаларига бағишланган бўлса-да, унинг меросида фиқҳий а-рлари алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, ҳанафия мазҳабининг турли масалаларига оид ўн бир жилдлик «Ал-Мабсут», шу мазҳаб асосчиси имом Абу Ҳанифанинг «Ал-Фиқҳ ул-акбар» номли а-рига ёзган шарҳи, Қуръони Карим тафсирига бағишланган «Кашф ул-астор» номли 120 қисмли а-ри, (бу тафсирнинг ҳар бир қисми улкан китобдан иборат бўлган), «Шарҳ ул-Жомиъ ул-кабир ли Шайбоний», «Шарҳ ул-Жомиъ ас-сағир ли Шайбоний», буюк муҳаддис имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» а-рига ёзган шарҳи, фиқҳ илмига оид «Ғанаъ ул-фуқаҳо», «Сийрат ул-мазҳаб фи сифат ал-адаб», «Рисола фи қироат ал-мусаллий», «Китоб ул-муяссар фил-калом», «Заллат ул-қорий», «Усул ул-Паздавий», «Ал-Амолий» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Шу б-н бирга, П.нинг илмий-маън-й меросида «Усул ул-Паздавий» а-ри алоҳида ўрин эгаллаб, у тўлиғича «Канз ул-вусул ила маърифат ил-усул» номи б-н аталади. А-рда фиқҳий масалалар батафсил ҳолатда шарҳланганлиги боис ўз даврида бу а-р жуда кўпчилик фақиҳлар томонидан бир дастурий қўлланма сифатида юксак баҳоланган. П.дан кейин фаолият кўрсатган кўп олимлар унга таяниб а-рлар ҳам яратганлар. Мисол тариқасида П.дан саккиз й. кейин вафот қилган машҳур олим Шамс ул-аимма ас-Сарахсийнинг «Усул ул-фиқҳ» а-рини кўрсатиш мумкин. Фиқҳ илмида мислсиз аҳамиятга молик бўлган бу а-рга бағишланиб кўплаб шарҳлар ҳам битилган. Улардан Солим ибн Аҳмад Санадий, Ҳусайн ибн Али Самъоний, Муҳаммад ибн Маҳмуд Бобиртий, Садруш-шариъа ал-Маҳбубий, Бадриддин Муҳаммад ибн Шамсиддин, Амир Котиб ибн Амир Умар Форобий, Жавонфурий, Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий каби олимлар ёзган шарҳлар машҳурдир. Ушбу шарҳлардан, шубҳасиз, Алоуддин ал-Бухорийнинг «Кашфул-асрор» номли шарҳи энг қимматлиси ҳисобланади. Шу боис ҳам, мазкур шарҳ кейинги й.ларда Байрутда тўрт йирик жилдда икки марта (1994, 1997) нашр этилди. Муҳим манба сифатида П. а-рининг қўлёзмалари жаҳоннинг турли мам-тларида сақланади. Немис шарқшуноси Карл Броккелман «Канзул-вусул»нинг қўлёзма нусхалари Берлин, Лондон, Париж, Деҳли, Санкт-Петербург, Пешовар, Қоҳира, Тунис, Истанбул каби шаҳарларда сақланиши ҳақида маълумотлар келтиради.

**ПАЙҒАМБАР** (форс. хабар келтирувчи) – 1) инсоният тарихида пайдо бўлган баъзи динларда Худо б-н одамлар ўртасидаги элчилик вазифасини бажарувчи киши сифатида талқин қилинадиган зот маъносини англатувчи атама. Баъзи ҳолларда тарихда ҳақиқатан яшаган, баъзида эса афсонавий шахсларга нисбатан қўлланилган; 2) ислом ақидасига кўра, Аллоҳ б-н унинг бандалари ўртасидаги элчи; Аллоҳнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ваҳий орқали қабул этиб, уларни ўз умматига тўла-

тўкис етказувчи вакил. П. б-н Аллоҳ ўртасида элчилик қилувчи фаришта ҳам борки, унинг номи Жаброилдир. Баъзида Аллоҳ таоло П.га бевосита ваҳий юбориши ва бевосита гаплашиши ҳам мумкин. Қуръони Каримда қуйидаги П.лар номи зикр этилган: Одам, Идрис, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зул-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, Алясa, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад (с.а.в.). Ана шу ва б. ўтган П.ларнинг барчасини тасдиқ этиб, уларнинг барҳақ П. бўлиб ўтганликларига иккиланмай имон келтириш ҳар бир мусулмон зиммасидаги имон шартларидандир.

Ислом эътиқодига кўра 124 минг П. ўтган. Демак, П.ларнинг биринчиси – Одам (а.с.) охиргиси – Муҳаммад (с.а.в.)дир. Улардан кейин то қиёмат кунигача бошқа П. келмайди. Лекин Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги ўтган даврда ҳам бир неча сохта П.лар пайдо бўлгани маълум. П.лар катта-кичик гуноҳлардан покдирлар. Илло, баъзи кичик янглиш, саҳву хатолар содир бўлган бўлиши мумкин. Азиз-авлиёларнинг ҳеч бири П. даражасига ета олмайди (Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўз-н миллий энциклопедияси», 2003).

**ПАНАРАБИЗМ** – яқин Шарқ арабларининг бирлашишига йўналтирилган ижт-й-сиёсий ирредентистик ҳаракат. П. XX а.нинг бошида, Араб дунёсининг катта қисми Усмонийлар империясига, кейинчалик Европа давлатларига мустамлака сифатида тобе бўлганда вужудга келган. 1916 й.да Макка шерифи Хусайн ибн Али ал-Хошимий пойтахти Жиддада бўлган Ҳижжаз бирлашган араб қироллигига асос солган бўлиб, ҳозирда бу қироликнинг меросхўри Саудия Арабистони ҳисобланади. II Жаҳон урушидан кейин араб бирдамлиги жараёнида Шимолий Африка мам-тлари мустақиллиги учун кураш бўлиб ўтган. 1958 й.да Миср ва Сурия Бирлашган Араб Республикасига асос солдилар, бироқ етакчиларнинг ўртасидаги келишмовчиликлар шунга олиб келдики, бу давлат уч й. ҳам яшамади. П. мафкурасига баъзи сиёсий партиялар томонидан эътиқод қилинади. П. ҳаракатининг энг машҳур арбобларига Камол Абдул Носир, Ҳофиз ал-Ассад, Саддам Хусайн, Ёсир Арофат, Муаммар Каддафилар мансуб бўлган.

**ПАНАМЕРИКАНИЗМ** (грек. pan – ҳамма) – АҚШдаги баъзи сиёсий кучлар томонидан Лотин Америкаси мам-тларини ўзига бўйсундириш ва ғарбий яримшарда ҳамда бутун дунёда ҳарбий-сиёсий устунлик учун ишлатиладиган реакцион сиёсий доктрина П. Америка қитъасидаги барча давлатларнинг аслида мавжуд бўлмаган тарихий, географик, иқт-й, маън-й ва мад-й «умумийлиги» ва «бирлиги» тарғиботини таърифлайди. Бу ғоя АҚШ монополиялари томонидан уларнинг ғарбий яримшардаги ҳукмронлиги учун курашида кенг қўлланилади. АҚШ Лотин Америкасида ўзининг таъсирини мустаҳкамлаш учун XIX а. бошидаёқ, Лотин Америкаси мам-тларининг мустақиллик учун курашда бирлашишга ва, хус-н, 1826 й.да конгресс чақиришга интилишларидан фойдаланишга уринишди. 1823 й.да АҚШ Монро доктринасини эълон қилди. Монро доктринасининг «Америка америкаликлар учун» формуласи кейинчалик аслида «Америка АҚШ учун»лигини билдира бошлади.

XIX а.нинг 2-ярмида АҚШнинг Лотин Америкаси мам-тларига экспансияси кенгайди. АҚШ бошқа капиталистик мам-тлар, айниқса Англия б-н курашда ўз позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида П. ғояларидан фойдаланди. 1889–90 й.ларда АҚШ ташаббуси б-н Вашингтонда 1-Панамерика конференцияси чақирилди. АҚШ монополиялари томонидан Лотин Америкаси мамтларини бўйсундириш II Жаҳон уруши даврида ва ундан кейин айниқса кучайди. Бунга 1973 й.нинг охирида илгари сурилган «янги мулоқот» дастури мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўтган а.нинг охирига келиб, иқтисодиёт соҳасидаги зиддиятлардан ташқари, сиёсий соҳада ҳам етарлича кўп муаммолар йиғилиб қолди. Бу муаммоларни ҳал қилиш б-н шуғулланиш истаги йўқлиги, минтақа мам-тлари бирлиги даражасини етарлича баҳоламаслик қўшнилар ўртасидаги мун-тларда жиддий инқирозга олиб келди.

**ПАНАФРИКАНИЗМ** – XIX–XX а.лар бўсағасида афро-америкалик зиёлилар (Эдвард Блайден) орасида пайдо бўлган ва АҚШда негрларга тенг сиёсий ҳуқуқларни беришни талаб қилган ғоявий-сиёсий ҳаракатдир. XX а.нинг биринчи ярмида П. Африка ижт-й-сиёсий ҳаракатлари вакилларининг Африка мам-тларига мустақилликни тақдим қилиш тўғрисидаги талаби б-н боғлиқ бўлган. Африка мам-тлари мустақилликка эришгандан сўнг, П. 1960 й.ларда Гананинг биринчи президенти Кваме Нкрума томонидан ишлаб чиқилган. У Африка қитъасида ягона давлат – Бирлашган Африка штатларини тузиш тўғрисидаги ғоя б-н боғлиқ бўлган. Бу ёлдан чиққан ғояга Ливия ҳукмдори (1969–2011) Муаммар Каддафи қайтди. Оқимнинг асосчиларидан бири бўлиб Уильям Дюбуа ҳисобланади, у Британия Ғарбий Африкаси Миллий конгресси, Ғарбий Африка талабалари Кенгаши, Негр иркини ҳимоя қилиш Бутунжаҳон лигаси, Негр иркини ҳимоя қилиш Қўмитаси каби Африка ташкилотлари иштирок этган Панафрика конгрессларида (1919, 1921, 1923, 1927) қатнашган. Бешинчи конгресс (Манчестер, 1945) Африка сиёсий партиялари етакчилари Кваме Нкрума (Гана), Ннамди Азикиве (Нигерия), Джомо Кениата (Кения) ва б.нинг чиқишлари б-н қайд қилинган. П.нинг ғоявий асосида Африка бирлиги ташкилоти (1963) (ҳозирда Африка иттифоқи) ташкил топган.

**ПАНИСЛОМИЗМ** (қад. грек. pan – «ҳамма» ва араб. ислом – бўйсуниш) – асосида бутун дунё мусулмонларининг, уларнинг ижт-й, миллий ёки давлатга мансублигидан қатъи назар, диний бирлиги тўғрисидаги ва уларнинг олий диний раҳбар (халифа) ҳукмронлиги остида сиёсий бирлашишлари зарурияти тўғрисидаги тасаввурлар ётган диний-сиёсий мафкурадир. Панарабизм арабларнинг, уларнинг динидан қатъи назар бирлиги ва мустақиллигини тарғибот қилган вақтда, панисломизм ислом дунёсига ўз диққатини қаратади.

П. ҳаракатининг тарихий илдизлари исломнинг биринчи й.ларида Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) араб ярим оролининг барча қабилаларини ягона давлатга бирлаштирган вақтга, ундан кейин эса тез орада Умар Шимолий Африка ва Яқин Шарқнинг катта қисмини бирлаштирган пайтга бориб тақалади. Мустамлакачилик даврида араб дунёсида П. сиёсатини Ал-Афғоний олиб борган. Маълумки, Афғонийнинг ижт-й сиёсати ўша вақтларда жуда илғор бўлган. Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушлари ўртасида Иерусалим муфтийси Амин ал-Ҳусайний янги халифаликда мусулмонларни бирлаштириш учун нацистларнинг кўмагини олишга ҳаракат қилган. Амин ал-Ҳусайний Яқин Шарқда мандатости ҳудудлардан британияликларни қувиб чиқаришга интилган.

Мустамлакачи мам-тлар XX а.да кўплаб ҳудудлар устидан назоратни йўқотганлари боис, араб ва мусулмон миллатчилари умидвор бўлиб қолдилар. Фаластинда яҳудий давлати ташкил топганидан ва Исроилни давлат сифатида БМТ томонидан тан олинганидан кейин, ш-дек, 1948 ва 1967 й.ларда араб давлатлари мағлубиятидан кейин араб диний етакчилари Исроилни йўқ қилиш учун мусулмонларни ислом фундаментализмига қайтишлари кераклигини таъкидлай бошладилар. Мисрда дунёвий ҳукуматга, кейинчалик президент Носирнинг маъмуриятига қарши чиқдилар.

Мисрда ва б. араб мам-тларида панисломистлар ўз издошларини, ав-

вало, куйи ва ўрта синфдаги юртдошлари орасидан топдилар. Бирок, 1970 й.ларнинг охиригача панисломистларнинг ҳокимиятни эгаллаш учун қилган барча ҳаракатлари самарасиз бўлди. Миср президентлари Жамол Абдуносир ва Анвар Садат панисломистларга нисбатан репрессив сиёсат олиб бордилар, уларнинг кўпларини қатл қилдилар ва қамоққа ташладилар. Таниқли ислом олими Сайид Кутб қатл қилинди. 1979 й.да Эрондаги Ислом инқилобини панисломистларнинг муваффақияти, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳоз. даврда интернет-технологияларнинг рив-ши б-н П. жаҳон тўрининг ижт-й ва ташкилий ресурсларидан фойдаланиб, рив-ш учун яна бир воситага эга бўлди. 2011 й.да Россия ва Туркиялик мусулмон тадбиркорларнинг инвестициялари б-н ислом ёшлари учун ягона Интернет-маконни яратишга мўлжалланган Salamworld ижт-й тармоғини ишлаб чиқиш бошланди. Радикал исломийлар Мали ва Сомалининг катта қисмини назорат қила бошладилар, Суриядаги фуқаролар урушида фаол қатнашдилар, Яман, Ливия ва Ироқда ўз бўғинларига эгалар.

**ПАННАЦИОНАЛИЗМ** – маълум этник ва тилга оид гуруҳлар вакилларини бир мам-тга бирлаштиришга интилувчи миллатчилик ёки диний мафкураларга таянадиган ҳаракатлар гуруҳи. Бу этник ёки тилга оид гуруҳларнинг аксарияти, одатда, турли мам-тларда истиқомат қилишади. Айрим паннационалистик ҳаракатлар вакиллари муайян этник гуруҳларнинг илоҳий миссияларини илоҳий кучлар томонидан келиб чиққан деган ғоядани илгари суришади.

**ПАНПСИХИЗМ** (грекча «пан» – ҳамма ва «психика» – руҳ) – табиатнинг умумий жонлилиги тўғрисидаги идеалистик тасаввур. П.нинг тарихий шакллари турлича: ибтидоий эътиқодлардан иборат бўлган анимизм ва қад. юн. натурфал.сидаги гилозоизм шулар жумласидандир.

**ПАНСЛАВИЗМ** – славян халқлари яшайдиган мам-тларда шаклланган, асосида этник, мад-й ва тил бирлиги асосида славян миллий сиёсий бирлашуви зарурияти тўғрисидаги ғоялар ётган мафкурадир. Славян халқлари орасида XVIII а. охири – XIX а.нинг биринчи ярмида шаклланган. XIX а. охирида П. ҳаракати асосида неославистлар ҳаракати шаклланган. У ўз олдига шунга ўхшаш вазифаларни қўйган, аммо славян халқлари ўртасида ўзаро тенгликни ва славян мам-тларини озод этиш ҳамда халқларни бирлаштиришни талаб қилган.

**ПАНТЕИЗМ** (юн. «pan» – ҳамма, «theos» – Худо) – Худо б-н оламни айнийлаштирувчи, Худо б-н табиат бир, деб ҳисоблайдиган диний-фал-й таълимот; Худо б-н табиат бир-бирига, тамоман, мос бўлиб тушади, улар айнан бирдир, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш фал-й тафаккур ривожига путур етказади, деган тарихан шаклланган қарашга асосланадиган фал-й наз-я. «П.» атамасини биринчи бўлиб инг. файласуфи Ж. Толанд (1705) ҳамда ундан кейин Нидерланд илоҳиётчиси Й. Фай (1709) қўллади. Турли тарихий даврларда эса у моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган фал-й тизимлар ва хилма-хил қарашларларни ўзида акс эттириб келди. П.ни Шарқ ва Ғарб П.ига бўлиш анъанаси мавжуд.

Абу Наср Форобийнинг борлиқ ва унинг вужудга келиши ҳақидаги таълимоти пантеистик характерга эга. Форобийнинг пантеистик қарашларида моддий ибтидо ўзини Тангри орқали намоён қилади. Тангрида моддий ибтидо гўёки очиқ-ойдин ифода этилмаган бир шаклда мавжуд бўлади. Кейинчалик ноаниқлик шаклидан ўзини тўлалигича озод қила бориб, куч-қувватига яраша тарзда намоён бўла боради. Мутафаккир бу жараённи жўжанинг тухумдан чиқишига қиёслайди. Унинг таъкидлашича, «яратилиш жараёни нарса мавжудлигини сақлашдан иборатдир».

Ибн Рушд (1126–1198) Абу Наср Форобийнинг пантеистик қарашларини давом эттириб, Яратганни шаҳар ҳокимига қиёслайди. У «Раддиянинг раддияси» а-рида «Коинотни бошқариш шаҳарни бошқаришга ўхшайди. Унда ҳар қандай бошқарув марказдан туриб амалга оширилади. Лекин ҳамма нарса ҳам бевосита хукмдор томонидан бажарилавермайди», – деб ёзади. Демак, Э. Ренаннинг таъкидлашича, Форобий тушунган Худо «ғилдиракнинг марказига ўхшаб, унинг сиртки қисмларини ўз ҳолича айланишига монелик қилмайди».

Ибн Сино Форобийнинг анъаналарини давом эттириб, «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»нинг ўзаро мунтида неоплатоник эманация (нурланиш) таълимотига алоҳида эътибор берди. Мутафаккир эманация таълимотига мурожаат қилар экан, уни Яқин Шарқ анъаналарига хос диний-натуралистик тасаввурлар б-н биргаликда ўрганишга ҳаракат қилади. Бунда коинот фалакнинг табиат ва инсон ҳаётини таъминлашдаги роли олимнинг диққат марказида турди. Бундай тасаввурларга кўра, ёруғлик манбаи моҳиятан барча мавжуд ва билиниши зарур ашёларнинг бевосита идрок этилиши мумкин бўлмаган ботиний, яширин, сирли сабабини ташкил этади. Аслида бундай қарашлар тизими пантеистик кайфиятларнинг янада кучайишига олиб келди.

Пантеистик анъаналар Ғарбда Иоанн Скот Эриугена (тахм. 810–877 й.), Давид Динанский, лот. аверроизми вакили Сигер Брабантский (тахм. 1240–1281 й.) кейинрок эса Мейстер Экхарт ва б. томонидан давом эттирилди. Эриугена схоластик христиан фал.сида биринчилардан бўлиб Худо ва оламнинг ўзаро мун-ти муаммосига мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, воқеликни билишга жазм қилган инсон ақли рўпарасида турган энг муҳим муаммо – бу борлиқ масаласидир. У юнонлар томонидан «фидис» (табиат) деб номланган бўлса, лот. «натура» деб аталди. Борлиқ натура экан, демак, Худо ҳам у б-н айнандир. Оламдаги барча ўзгаришлар жараёнида у нарсаларнинг «ибтидоси, оралиғи ва интиҳоси» вазифасини адо этади. Эриугена «Худо ҳамма нарсалардадир... у барча нарсалар моҳияти сифатида барҳаётдир», деган хулосага келди.

Мейстер Экхарт (1260–1327)нинг фикрича, Худо ўзга нарсаларга нисбатан ўзига хос универсал ижодий фаоллик сифатида намоён бўлади. У Худо ва борлиқ, Яратувчи ва табиат айнанлаштирилди, оламнинг яратилиши аниқ муддатдан ноаниқ абадийликка кўчирилади. Худо барча нарсалар б-н бирга бўлса-да, лекин бирон-бир нарса унинг ўзида мавжуд эканлигини англаб бўлмайди. Бундай хус-ят инсон зотига берилган, холос. «Менинг руҳимда шундай куч борки, у Худони идрок эта олади. Худодан бошқа ҳеч қандай нарса менга бунчалик даражада яқин эмас. Худо менинг ўзимга яқинлигимдан кўра яқинроқдир», – дейди Экхарт. Худо б-н инсон руҳи ўртасидаги теран ва ички алоқа ҳар қандай инсонни Худо б-н боғланишга имконият яратиб беради. Бунинг учун эса образ – тимсол ва т.ларга таяниб иш кўрадиган оддий билишнинг ўзи етарли эмас. Лекин уни мутлақ илоҳийлик сифатида уқиб бунга мистик интуиция кўмагида эришилади. П.нинг хилма-хил кўринишлари фал-й тафаккур ривожига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Айникса, ҳоз. вақтда унинг персонализм фал.даги мавкеи сезиларлидир.

**ПАПА, РИМ ПАПАСИ** (юн. pappas – ота) – бутун жаҳон католик черкови ва Ватикан давлати бошлиғи. кардиналлар мажлиси томонидан умрбодга (1389 й.дан кардиналлар орасидан) сайланади.

**ПАПАЛИК** – католик черкови раҳбарияти; Рим папаси томонидан бошқариладиган диний марказ. П. Рим епископлиги асосида вужудга келган. V а.да Рим епископлари ўзларига «папа» номини қўйиб

олиб, Рим императорларидан бошқа епископларининг ўзларига бўйсунишини тўғрисида фармон олишга муваффақ бўлдилар. VIII а.да Папа вилоятининг тузилиши папалар дунёвий ҳокимиятига асос солди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин, айниқса, 60-й.лардан бошлаб П. черковни ақидалар, маросимлар, ташкилотлар ва сиёсат соҳасида хоз. даврга мослаштириш йўлига ўтди.

**ПАРАДИГМА** (юн. paradigm – намуна, ўрнак) – 1) антик ва ўрта а. фал.сига оид т. бўлиб, абадий ғоялар доирасида намуна сифатида тавсифланган ва айни шу намуна асосида Тангри томонидан борлиқ яратилган, деган фикрга таянадиган қарашлар ҳосиласи; 2) замонавий фал.да илм-фаннинг наз-й-методологик ва қадриятлар системаси асосида илмий муаммоларни ечишда таянч, намуна сифатида қабул қилинган ва илмий жамоа томонидан маъқулланган т. ёки тамойил; 3) илмий муаммоларни ҳал этиш намунаси ёки таянч т.лар мажмуи сифатида қабул қилинган илмий наз-я. П. атамаси қад. юн. фал.сида келиб чиққан бўлиб, юн. тилида «намуна», «мисол» (қолип, модель) каби маъноларни ифодалаган.

Антик ва ўрта а.лар фал.сида ушбу т.дан руҳий ва моддий атамалар орасидаги ўзаро мун-тни характерлашда (тавсифлашда) фойдаланилган. Платон таълимотида («Тимей» ва б. диалогларида) нарсалардан (уларни яралишидан) олдин, уларнинг дастлабки образлари сифатида мавжуд бўлган ўзгармас ғоялар П. деб аталган. Демиург (Худо) шу ўзгармас ғоялардан нусха олиб, дунёдаги нарсаларни яратган. Яъни, ғоялар бу дунёдаги нарсаларнинг П.лари хисобланган. Неоплатонизм ҳам ғояларга П., (намуна) сифатида қараган ва Демиург б-н П. (нусха ва ғоя) орасидаги мун-тни талқин этишга уринган. Ўрта а.ларда бу т. Худонинг эманацияси, олам ва одамларни ўзидан нусха олиб, ўзига ўхшатиб яратгани ҳақидаги таълимотда ўз ифодасини топди.

Немис мумтоз фал.сида, хус-н, Шеллинг ва Гегель таълимотларида П. ғоявий руҳий прообраз сифатида табиатдаги предметларни тартиблаштириш, уларни бир бутун қилиш вазифасини бажаради, деб қаралган. XX а.нинг ўрталарига келиб фал.да П. т.си ғоявий прообраз маъносида ишлатилмайдиган бўлиб борди, фанда эса у умуман ишлатилмас эди. Замонавий фан фал.сига бу т. биринчи марта Т. Куннинг «Илмий революциялар структураси»га бағишланган ишида олиб кирилди. Унинг таърифича, П. «олимлар жамоасига илмий муаммоларни қўйиш ва уларни ечиш учун намуна бўлиб хизмат қиладиган умумий схема (қолип)»дир. Ўз вақтида бу таъриф жуда кўп эътироз ва тортишувларга сабаб бўлган эди. Бу тортишувларда унинг қуйидаги асосий камчиликлари таъкидлаб кўрсатилди: 1) таърифда П. фақат илмий наз-яларга оид бўлиб қолгани; 2) таъриф асосан табиатшунослик наз-яларини кўзда тутгани; 3) барча ижт-й ва гуманитар фанлар учун ҳам ярокли бўлган таъриф эмаслиги; 4) фаннинг ҳам бир соҳасининг ўзига хос парадигмаси бўлиши б-н бирга, барча фанлар учун тегишли умумий П. (нормативлар) ҳам мавжуд бўлиши инобатга олинмаганлиги ва ҳ.к..

Эндиликда фан фал.сида П. маълум давр мобайнида олимлар жамоасига илмий муаммоларни қўйиш, ечиш ҳамда тадқиқ этиш методларини аниқлаш учун намуна бўлиб хизмат қиладиган концептуал қолип ёки пойдеворий ғоялар (принциплар) тизимидир» деган таъриф кенгроқ қабул қилинган. Ушбу таърифнинг илмий наз-ялар учун яроқлилиги тан олинган. Лекин у ҳали Платон кўзда тутган кенг маънодаги П. эмас. Ғарб психологиясида «таҳлилий руҳшунослик» йўналишининг асосчиси К.Юнгнинг «архетиплар» ҳақидаги қарашлари Платоннинг П. ҳақидаги қарашларига қисман яқин келади. Бу ерда П. т.си ўрнида «архетип» т.сини ишлатган бўлиб, бунда «архе» – дастлабки, бошлангич, «типос» – образ маъносини, биргаликда «прообраз» маъносини билдирди. К.Юнгнинг тушунтиришича, архетиплар бутун инсоният учун умумий бўлган руҳий структуралар бўлиб, улар инсониятнинг «коллектив онгсизлик» соҳасини ташкил этади. «Коллектив онгсизлик» инсониятнинг тажрибадан олдинги фаолиятини шакллантирадиган, яъни дастлабки фантастик образлар деб қаралади.

Т.Кун П. деганда маълум давр ичида илмий жамоатчиликка илмий муаммони қўйиш ва ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қиладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий наз-яни тушунди. Унинг фикрича, П.ларнинг алмашинуви илмий революцияларга олиб келади ва П. илмий жамоатчилик бирлигини таъминлайди. Илмий жамоат маълум парадигмани эътироф этган олимлардан ташкил топади. П. у ёки бу фан соҳасининг асосий муаммосини ташкил этиб, дарсликлар ва олимларнинг мумтоз (классик) а-рларида ўз ифодасини топади. Т. Кун бунга мисол қилиб Аристотель диалектикаси, Птолемей астрономияси, Ньютон механикасини кўрсатди. Илмий намунани, универсал қонунларни конкрет ҳодисаларга тадбиқ этиш асосида фан ривожланади. Умумэътироф П.ларнинг шаклланиши фан етуклигининг белгисидир. П.ларнинг ўзгариши фанда туб ўзгаришни таъминлайди. Янги П. танлаш янги фикрлаш асосидагина эмас, балки қадриятлар н. назардан ҳам амалга оширилади. П. илмий ҳамжам-т томонидан қабул қилинган ва илмий анъананинг мавжудлигини таъминловчи эътикодлар, қадриятлар ва техника воситалари мажмуини англатади. Илмий ҳамжам-тга қўшилган олимлар эса дунёга ана шу қабул қилинган П. н. назаридан қарайдилар.

П.нинг эпистимологик жиҳати фундаментал билимлар, қадриятлар, ишончлар ва техникавий усуллар мажмуаси, илмий фаолиятнинг намунаси сифатида қабул қилинади. Ижт-й П. эса муайян илмий жамоа томонидан қабул қилинган бўлиб, унинг яхлитлиги ва чегаралари аниқланади. П.ларнинг алмашиши илмий инқирозлар асосида рўй беради. Бу жараёнда воқеий оламда содир бўлаётган ҳодисалар моҳиятини теран англаб олиш, фал-й тафаккурнинг ривож топиши, илмий жамоаларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, янги П.ларнинг пайдо бўлиши тадқиқотчи дунёқарашининг шаклланиши ва эволюциясига эътибори таъсир этади.

П.ни яратган олимлар, кандайдир наз-я ёки қонунни ифодалаб бериш б-н бирга, битта ёки бир неча муҳим илмий муаммоларни ҳал қилиш йўлини ҳам кўрсатиб, муаммоларнинг намунасини ҳам берганлар. Мас., Ньютон нурнинг корпускуляр наз-яси асосчиси бўлиб, бир қатор тажрибаларда Қуёш нурининг таркиби мураккаблигини ва буни аниқлаш усулларини кўрсатиб берди. П.лар ижодкорларининг оригинал тажрибалари турли тасодифлардан тозаланиб ва такомиллаштирилиб дарсликларга киритилади, улар асосида бўлажак олимлар ўз фанларини ўзлаштирадилар. П. конкрет соҳада илмий изланишнинг нусхалар тўпламини беради. Бу унинг энг муҳим функцияси. Шу б-н бирга парадигма ўз доирасига тегишли муаммоларни қандай усуллар б-н ечиш мумкинлигини белгилайди. Ш.у. ҳам ҳар бир П. ўзига тегишли дунёни шакллантиради ҳамда унда П. тарафдорлари яшайди ва ижод этадилар.

Янги П.нинг қабул қилинишини кўпинча рационал бўлмаган далиллар б-н асослаш мумкин – олимнинг ёши, муваффақиятга шуҳрат ёки моддий фаровонликка интилиши ва ҳ.к.. Бу эса фаннинг рив-ши батамом рационал ҳодиса эмаслигини билдиради. Оқибатда фан, яъни рационализмнинг асосининг ўзи рационал бўлмай қолади. Бир П.дан бошқасига ўтиш жараёнини Т. Кун илмий инқилоб деб номлайди. Илмий инқилоб дунёни ҳис этишнинг ўзгариши жараёнидир, унга янги тавсиф беришдир. Умуман олганда ва хус-н илмий инқилобдан ва П.нинг алмаштирилишидан сўнг, олимлар жамоаси олдида турган барча муаммолар янгича

кабул қилинади. Шу б-н бирга янги П.нинг шаклланиши автоматик равишда эскисини улоктиришга, унинг йўк бўлиб кетишига олиб келмайди. Эски парадигмалар уларнинг тарафдори бўлган кишилар кўнгилларида канча яшасалар шунча яшайди, фан рив-ши эса турли П.ларнинг бирга мавжуд бўлиши ва рақобат қилиши жараёнидир.

Муайян П. юзага келишидан олдинги давр далилларнинг тартибсиз тўпланиши б-н тавсифланади. Бу даврдан чикиш илмий амалиёт андозалари, наз-й коидалар, дунёнинг аниқ манзараси белгилангани, наз-я ва методнинг бирлашувини англатади. Илмий П.нинг алмашиши, инкилобий ўзгаришлар боскичига ўтиш фан матрицаси элементлари, тадқиқот техникаси, методлар ва наз-й фаразлар тўла ёки қисман ўзгаришини назарда тутади. Хар бир П. ўз муаммолар соҳасида яратилган андоза ва мезонларга таянади, ш.саб. улар формал мантиқ андозаларига мувофиқ бўлиши шарт эмас, аммо уларга, ш-дек, соғлом фикрга зид келмаслиги лозим. Олимнинг дунёга мун-ти унинг муайян парадигмага амал қилиши б-н белгиланади. Бу жараён тарихий ва ижт-й далилларга боғлиқ бўлади, бирон-бир олим ёки мутахассиснинг фаолияти учун таянч омилга айланади. Бу эса илм-фан тарихи ва тар-ётини П.лар алмашинуви, замонлар ўтиши б-н янги ва янги П.лар дунёга келиши жараёни сифатида талкин қилиш имконини беради.

**ПАРАДОКС** (юн. «para» – карши, «doxa» – фикр) – соғлом фикрга карши турадиган, ундан кескин фаркланадиган одатдан ташкари кутилмаган фикрлар. Мантиқий П. соф мантиқий воситалар б-н ҳал этиб бўлмайдиган карама-каршиликдир. П. ҳақиқий, тўғри мулоҳазаларда учрайди. Илмий ҳақиқат ҳамма вакт П.дир. Икки карра икки-тўрт, Ер Куёш атрофида айланади сингари муҳокамалар ҳам маълум маънода П.дир. Чунки ҳамма вакт ҳам икки карра икки-тўрт бўлавермайди. Чизиксиз тизимда бошкача ҳолат юз беради. Қад. дунё мутафаккирлари қатор П.ларни ўртага ташлаганлар. Жумладан Зеноннинг «Ёлғончи», «Уюм», «Аҳиллес ва тошбака», «Ёй» ва б. П.лари машҳурдир. П.ларга узоқ вақтгача кизик бемаънилик деб караб келинди. XIX а. бошларида тўплам наз-ясининг майдонга келиши б-н П. илмий текшириш объектига айланди. П.ни текшириш инсон тафаккуридаги карама-қарши фикрларни ҳал қилишга ундади. Бу эса мантиқ ва мат.да ажойиб кашфиётлар қилишга имкон берди.

Ҳоз. кунда П.ларни ҳал қилишнинг бир канча усуллари мавжуд. Инглиз файласуфи ва мантикшуноси Б. Рассель немис олими Н. Кантор наз-ясидаги зиддиятни кўрсатиш учун турли П.ларни келтиради. Тўплам наз-яси асосида «Шаҳар бошлиги», «Генерал ва сартарош» каби катор П.лар пайдо бўлган. «Математик импликация парадокси», «ном парадокси», ш-дек, физик, психологик, биологик П. каби турлари мавжуд. Бу П.ларни формал мантиқ коидалари б-н ҳал этиб бўлмайди. Булар янгича тафаккур усуллари б-н ҳал қилинади. Ноформал мантиқда П.ларни ҳал қилиш усуллари мавжуд. Жумладан, икки карама-қарши фикрни мустақил таҳлил қилиш усуллари мавжуд. Ёки чексизлик б-н чекланганлик, мутлақлик б-н нисбийликнинг ўзаро мун-ти н. назаридан ҳал қилинади.

**ПАРАИЛМИЙ БИЛИМ** – билиш фаолиятининг шаклларидан бири, мавжуд билиш усулларидан фарк қилади ва паранормал ҳодисаларни англашга ёрдам беради. П.б. инсоннинг ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилиятига асосланади. П.б. муаммоси фал. ва табиатшунослик тарихида ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи ёндашувлар, н. назарлар ва тасаввурлар б-н тавсифланади. Антик фал.даёк бу муаммо атрофида кескин баҳслар бўлган. Иония фал.си намояндалари унга бевосита билим, сезги аъзолари орқали билиш шакли деб караган бўлсалар, элей мактаби вакиллари, ш-дек, Левкипп ва Демокрит бевосита билим ва сезги аъзолари орқали билишни рад этганлар, сезгиларни сохта деб эълон қилганлар. Сукрот талкинида П.б. «даймоний» ёки «предмет гоясига эгалик»дир. Платон ҳам ҳиссий билишни ҳақиқат эмас деб ҳисоблаган.

Ж. Локк фикрига кўра, акл – сезги аъзолари фаолиятининг ҳақиқий натижаларини узлуксиз қайд этувчи кўзгу, холос. Билишнинг бу томонини рад этиб бўлмайди: акл шу томонга ўз эътиборини каратгани заҳоти у, худди Куёшнинг ёркин нурлари каби, ўзини бевосита идрок этишга мажбур қилади. Иккиланиш, шубҳаланиш, ўрганишга ҳеч қандай ўрин қолмайди: акл шу заҳоти унинг ёрқин нурлари б-н тўлади, исботлаш ёки ўрганишга муҳтож бўлмайди, бирок ҳақиқатни фақат унга ўз эътибори каратилганлиги туфайли идрок этади.

Муаммони ўрганишга немис классик фал.си муҳим ҳисса кўшди. Кант соф аперцепция ғоясини илгари суради. Фихтенинг ўзи билишни мутлақ нарсалар фаолиятини англаш сифатида тушунади. Шеллинг Кант-Фихте йўналишини ривожлантириб, уларнинг таълимотини ўзининг трансцендентал идеализми – «субстанцияни билиш учун» ўз натурфал.си б-н тўлдиради, эстетик тасаввурни биринчи ўринга кўяди. Ўтмиш рационалистларидан фаркли ўларок, у П.б.нинг сабабларини идрок эмас, балки акл фаолиятидан қидиради.

Гегель ўз ўтмишдошларининг бу ҳақдаги таълимотларига танкидий ёндашиб, билиш мантиғи, наз-яси сифатида диалектикани ишлаб чикади. У фал.ни тафаккур фанига айлантиради, унинг соф тафаккурга асосланган мантиқий оқилона тизимини яратди, ш.саб. унинг таълимотида диалектика асосий ўринни эгаллайди.

Гуссерлнинг феноменологик редукция, Бергсоннинг интуитивизм, Фрейднинг онг ости интуицияси ва б. йўналишлар юзага келди. Бу мактаблар П.б.ни билишнинг инстинкт, онг ости ҳодисаси, диний эътикод ва ҳ.к.ни ўзида уйғунлаштирган иррационал ҳаракати сифатида тушунади. Бу йўналишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар дунёни илмий билишда акалнинг, т.лар воситасида тафаккурнинг ролини камситади. Тафаккур ўрнига предметни кераксиз рационалистик мулоҳазаларсиз «асл ҳолича» қамраб олиш имконини берувчи П.б. кўйилади.

Бугунги кунда иррационализм ғояларини экзистенциализм, неопозитивизм ва ҳоз. замон фал.сининг айрим бошка йўналишлари ривожлантирмокда. Мас., экзистенциалист Хайдеггер фикрига кўра, «экзистенция»ни мантиқий тушуниш мумкин эмас. Ясперсда эътикод, интуитив тарзда караладиган мистик «ваҳий» биринчи ўринга кўйилади. Марсель «абстракциялар руҳи»га карши аёвсиз курашни тарғиб қилади. Инглизлар Росс, Мур, Ричард моддий нарсаларни билишнинг сезги ва акл даражаларини четлаб ўтиб, қандайдир мистик интуиция ёрдамида, бевосита билиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Гарчи П.б. дедуктив наз-янинг муҳим бўғинларини кўрсатиб берсада, у бизни уларни исботлаш заруриятидан халос этмайди. Бевосита, кутилмаган ва англаб етилмаган билим сифатида П.б. қуруқ жойда эмас, балки вазифаларни ечиш, ечимни ғойибона топишни белгилайдиган муайян асослар мавжуд бўлган ҳолда юзага келади. Бирок П.б. натижаларини билимнинг тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларида текшириш лозим. Мас., мат. ва физикада олинган натижаларни фақат тажриба ўтказиш йўли б-н текшириш мумкин.

Инсон руҳияти ҳиссий, оқилона ва эйдетик билимнинг янги шаклларини яратиш узлуксиз жараёни сифатида амал қилади. Инглиз олими Г. Уоллес маън-й ижод жараёнларининг тайёргарлик, етилиш, англаш ва текшириш боскичларини қайд этган. Унингча, ижоднинг муҳим боскичи – ян-

гиликни олдиндан англаш, шу асосда унинг мазмуни ва истикболини тушуниб етишдан ҳам иборатдир. Бу борада П.б. – кутилмаганда бевосита олинган билимни англатади.

**ПАРЛАМЕНТ** (франц. parler – гапирмоқ сўзидан) – демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. П. биринчи марта XIII а.да Англияда ташкил қилинган. Айрим мам-тларда олий вакиллик органи П., б.нда ўз миллий номлари б-н аталади. Мас., Ўз-нда – Олий Мажлис, Германияда – Бундестаг, Швецияда – Риксдаг, Финляндияда – Эдускунта, Польша, Латвия ва Литвада – Сейм, Сербия, Черногорияда – Скупшина, Мўғилистонда – Хурал, Исроилда – Кнессет, Украинада – Олий Рада, Туркманистонда – Мажлис, Тожикистонда – Мажлиси Олий, Қозоғистонда – Жуқорғи Кенеш ва ҳ.к..

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** – давлат ҳокимияти тузилиши. Бунда парламент имтиёзли мавкега эга бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг функциялари аниқ белгилаб берилади. П.да ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради. П. тарихи Англияда 1215 й.и қабул қилинган «Эркинликнинг буюк партияси»дан бошланса-да, XVI–XVIII а.лардаги инқилоблар даврида вужудга келган.

**ПАРМЕНИД** (мил. ав. VI а.нинг иккинчи ярми – V а.нинг боши) – қад. юнон файласуфи, Элей фал-й мактабининг йирик вакилларидан бири, Ксенофаннинг машҳур шогирди, Зеноннинг устози. Манбаларга қараганда, П. бой-бадавлат оилада таваллуд топган, дурустгина билим олиш имкониятига эга бўлган. Фай-фнинг қарашлари унинг «Табиат ҳақида» номли достонида ўз ифодасини топган. Достон мажозий хусятга эга бўлиб, унда ўспириннинг ҳақиқатни кўрсатиб берувчи Худо ҳузурига қилган саёҳати тўғрисида ҳикоя қилинади. П.нинг таъкидлашича, борлиқ ўзгариш ва кўпликни рад этувчи борлиқдир. Аслида у ҳар қандай ҳилма-ҳилликка зиддир. У доимо ва ҳар қандай вазиятда ўзига тенг ва мутлақо ўзгармас бир нарса сифатида талқин этилиб, милетчилар ва Гераклитнинг илк асосларига қарама-қарши қўйилади.

Ҳар қандай фал-й қараш пировард натижада қуйидагиларнинг бирига жавоб бермоғи лозим: 1) борлиқ мавжуд, йўқлик мавжуд эмас; 2) борлиқдан ташқари, ҳатто йўқлик ҳам мавжуддир; 3) борлиқ ва йўқлик нисбатан бир-биридан фарқланмайди. Биринчи кўриниш – Элей мактабига, иккинчи кўриниш – пифагорчилар мактабига, учинчи кўриниш эса, ўз навбатида, эфеслик Гераклитга хосдир.

П. Гераклит диалектикасини қабул қилмайди. У борлиқ б-н йўқликни бир вақтнинг ўзида айнан ва бирбиридан фарқланувчи жиҳатлар таъкидлайди. «Борлиқ мавжуд, йўқлик эса мавжуд эмас» шиори ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқий асосдир. У оламнинг ягоналигини уктириб беришга қодир. Йўқликка келсак, уни ҳатто фикрда ҳам ифодалаб бўлмайди. Билиш, уқиб олиш, талқин этиш борлиққа тааллуқлидир. Борлиқ абадийдир. Борлиқнинг пайдо бўлиши мантиққа зиддир. У йўқдан бор бўла олмайди, чунки йўқ нарса мавжуд бўлиш имкониятидан маҳрум. Бундан ташқари, у бошқа бир нарсадан келиб чиқмайди, чунки борлиқ ягонадир. Борлиқ вақтда ибтидосиз ва интиҳосиз бўлсада фазода у чегараланган бўлади. У пуфаксимон шаклда мавжуддир, таркиби бир хил, ҳамма жойда марказдан бир хил масофада туради.

Элейликлар, жумладан П. учун пайдо бўлиш, ўзгариш, хилма-хиллик йўқликнинг яққол тимсолидир. Секст-Эмпирикнинг таъкидлашича, Аристотель П. ва унинг издошларини «осудачилар» ва «ғайритабиатшунослар» деб атайди, чунки улар ўзларининг фал-й қарашларида табиат ҳаракат манбаи эканлигини рад этадилар. Демак, ўзгаришлар ҳаракат тўғрисидаги ҳар қандай фикрмулоҳаза, кишиларнинг одати туфайли шаклланган, оддий кундалик тасаввурлардан бошқа нарса эмас. П. ақлий билишга асосланган ҳақиқатни сезгиларга таянган мушоҳададан тубдан фарқ қилади. Сезгилар имкониятига ортиқча баҳо бериш кундалик оддий тажриба натижаси саналади. Кўп эшитиш, кўриш, сўзамоллик донишмандликнинг ҳақиқий намунаси бўла олмайди.

Ҳақиқат ақл орқалигина юзага чиқади. Файласуф гарчанд сезгиларга, ҳиссий тажрибага етарли даражада баҳо бермаган бўлса-да уларнинг кўмакчилик аҳамиятини бутунлай инкор этмайди. Сезгилар мақомини камситиш, уларга ақлни қарама-қарши қўйиш П.нинг борлиқ тўғрисидаги таълимотининг мантиқий давоми бўлади. У Милет мактаби ва Гераклитнинг илк асосларига қарама-қарши қўйиб келинади. Хуллас, П. билишда ақл мақомига алоҳида эътиборни қаратган бўлсада унинг бутун реал жараёнлар тўғрисидаги қарашлари кўп жиҳатдан ноилмий, мифологик хус-ятга эгадир. Унинг таъкидлашича, коинот марказида ҳақиқат ва зарурият туради. У сайёралар ва юлдузлар ҳаракатини бошқаради. У барча Худолардан аввал Эрос – меҳр-оқибат маъбудасини яратган. У туфайли одамлар ўзаро ҳамкорликка интиладилар, ўз мақсадларига эришадилар. П.нинг фал-й қарашлари жаҳон фал-й тафаккурининг илк намуналаридан бири сифатида эътиборга сазовордир.

**«ПАРМЕНИД»** – қад. дунёнинг машҳур файласуфи Платоннинг қад. юнон файласуфи, Элей фал-й мактабининг йирик вакилларидан бири, Ксенофаннинг машҳур шогирди, Зеноннинг устози П. (мил. ав. VI а.нинг иккинчи ярми – V а.нинг боши) тўғрисидаги диалоги бўлиб, унда алломанинг онтологик-гносеологик концепцияси наз-й жиҳатдан аниқ баён этилган. А-рнинг биринчи қисмида муаллифнинг диққат марказида унинг машҳур содда ва ўзгармас ғоялар б-н кўп сонли ва ўзгарувчан нарсалар нисбати муаммоси туради. Дастлаб бу муаммони англатувчи муаммо сифатида ўрганилади, яъни ғоя нарсаларга умумий ном бериш учун асос сифатида олинади. Бироқ бундай тушунилган ғоя алоҳида моҳият бўлиши мумкин эмас, уни тур номлари мажмуини ўзида мужассамлаштирган жинс билдирувчи т., деб билиш тўғрироқ бўлади. Агар биз бундай ғояни алоҳида моҳият сифатида тушунишга ҳаракат қилсак, «учинчи одам» далили кучга киради, яъни нарса ва ғоянинг ўхшашии асос сифатида яна бир ғояни талаб қилади ва шунда биз ўхшашликларнинг чексиз қаторига эга бўламиз. Шу б-н бирга, ғояни мустақил борлиқ сифатида талқин қилиш Платон онтологияси учун муҳим аҳамиятга эга.

Натижада а-рда мантиқий моҳиятларнинг берк дунёсини ташкил этувчи «нарсалардаги ғоялар» ёки софта ғояларни ва соф ғоялар ёки ўзича ғояларни фарқлаш таклиф қилинади. Ўз-ўзидан равшанки, Платон бу ерда ўхшашликнинг икки турини фарқлаб, муҳим редуктив амални бажаради. Биринчидан, бунинг замирида «нарсалардаги ғоялар» ётувчи тур ва жинсга нисбатан мантиқий ўхшашлик, иккинчидан, бунда ўзича ғоялар ётувчи нарсалар б-н «нарсалардаги ғоялар» ўртасидаги ўхшашликнинг алоҳида нисбати ётади. Ҳар бир шундай ғоя билимнинг умумий ғояси ёки ҳақиқатнинг мустақил модуси бўлиб хизмат қилади. Ҳамонки билим ғояси «нарсаларда» мавжуд эмас экан, Платон таъбири б-н айтганда, қул ва соҳиб мун-ти ўзича соҳиблик ва қуллик мун-ти б-н бир эмас. Бироқ билишда нарсанинг борлиғи б-н билимнинг борлиғи ўртасидаги алоҳида онтологик мун-т сифатида акс этади, яъни ўхшашликнинг иккинчи нисбатини рамзий деб аташ мумкин.

А-рдаги «Ғор ҳақидаги афсона» нарсани англатувчи сифатини намойиш этади. Ўзича ғоянинг, яъни илоҳий, мукаммал билим оламига тегишли ғоянинг маънолилиги муам-

моси Платон онтологик-гносеологик системасининг бош масаласи, десак, муболага бўлмайди. Ўз-ўзидан равшанки, бу маънолилик Платон учун табиий саналган т.ни аниқлаш, яъни жинс мун-тларини изчил тартибга солиш амали ёрдамида олинниши мумкин эмас. Зотан, ўзича гояни нарсалар ўртасидаги мун-тларни тавсифловчи атамалар б-н фикрлаб бўлмайди.

Шунга қарамай, Платон «П.» диалоги иккинчи қисмининг диалектикаси воситасида номуайян ғоя барибир биз учун англанган ёки, Янги давр фал.си таъбири б-н айтганда, интеллигибел ҳисобланишни далиллар б-н кўрсатиб берган. Платон фикрига кўра, ўзича гоя бирликни ёки, аниқроқи, ягона б-н бошқа ўртасидаги фаркнинг маъносини кўрсатади. Платоннинг ягона ва б. диалектикасида уч асосий жиҳат ёки натижани қайд этиш мумкин.

Биринчидан, бу қисм ва бутун диалектикаси орқали асосланувчи ягона ва б.нинг методологик жиҳатдан айнийлиги ҳақидаги қоида бўлиб, категориялар н. назаридан ягона, бир томондан, бутуннинг бевосита бирлиги бўлса, бошқа томондан эса у бутунни ҳосил қилувчи қисмлар кўп сонлилигининг маъносини ифодалайди ва шу орқали бутуннинг маъносини билвосита тарзда ифода этади. Платон шундай деб ёзади: «Модомики, барча қисмлар бутунда мужассамлашган, уларнинг барчаси бирликни ва бутуннинг ўзини ташкил этар ва бутун б-н қамраб олинган экан, бу ягонани ягона қамраб олинишини ва ягона ўзида бўлишини англатмайдими?» Файласуф фикрининг давомида шундай дейди: «...ҳамонки ягона бутун экан, у б.да ҳам бўлади, у барча қисмлар йиғиндиси бўлгани сабабли эса ўзида ҳам бўлади. Демак, ягона ўзида ҳам, б.да ҳам бўлиши керак».

Муаллиф ягона, бутун бўлгани ҳолда, бир вақтнинг ўзида бутуннинг бевосита бирлиги б-н қисмларнинг кўп сонлилиги, яъни ноягона нисбатининг мезони ҳамдир, деб ҳисоблайди. Шу асосда Платон бирбирини қамраб олувчи асосларнинг чексизлигини, яъни кейинчалик «учинчи одам» далили деб номланган ва «П.» а-рининг биринчи қисмида айтиб ўтилган чексизликни четлаб ўтади.

Иккинчидан, Платон «ягона» т.си орқали айниятни асослаш мантиқий муаммосини ечган, деб ҳисоблаш тўғри бўлмас эди. Платон аниқлаган ягонанинг икки тарафламалиги, унинг «ўзида ҳам, бошқада ҳам бўлиш» хус-яти айни шу нисбатда ўз ифодасини топади.

Ягона формал нарсаларнинг рамзий табиати Кант символ (рамз) т.сига берган классик таърифга ёки чексиз фикрлаш мумкин-у, бироқ аниқлаш мумкин бўлмаган нарсалар ҳақидаги эстетик ғояга мос келади. Моҳият эътибори б-н бу, албатта, икки хар хил символизмдир. Шу асосда илгари чиқарилган хулосага аниқлик киритиш мумкин: айният ва тафовут икки мантиқий функция сифатида тенг ҳуқуқлидир; ягона таҳлилнинг янада теранрок даражасида айниятни ҳам, тафовутни ҳам символик тарзда ифодалаш мумкин; соф символик соҳада Платон ўзича маъноли бўлган тафовутни гояга хос бўлган маънонинг сўнгги асоси сифатида кўради. Умуман олганда, биз юқорида «П.» диалогининг биринчи қисми асосида кўрсатиб ўтган (2) маъно системаси диалогнинг иккинчи қисмида (3) метасистемага асосланади.

Учинчидан, агар биз яна бир муҳим жиҳатни қайд этиб ўтмасак, «П.»даги символик нарсалар диалектикасини тўлиқ тушуниб бўлмайди: диалогда икки тезис – «Ягона мавжуд» ва «Ягона мавжуд эмас» ягона ва б. диалектикасининг икки бош нуқтаси сифатида карама-қарши қўйилади.

Биринчи тезис б-н боғлиқ таҳлил моҳияти юқоридагилардан иборат. Иккинчи ҳолда, аввало, «мавжуд бўлмаган ягона», Платон фикрига кўра, билиш мумкин бўлмаган нарса бўлиб, ягона ва б. фаркининг маъноси бу ерда ҳам сақланади. Бироқ, иккинчидан, «мавжуд бўлмаган ягона» ўзининг символик сифатини, яъни ўзгармасдан туриб ўзгаришни ифодалаш хоссасини йўқотади. Боз устига, у ўзгармас бўлгани ҳолда, амалда ўзгариш жараёнига аралашади. Платон ягонанинг мумкин бўлган икки диалектикаси ўртасидаги кўз илғамас фаркни биринчи ўринга чиқаради. Агар «мавжуд бўлган ягона» бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб, унга ҳам, бунга ҳам айланмаган бўлса, «мавжуд бўлмаган ягона», аксинча, бир вақтнинг ўзида унга ҳам, бунга ҳам айланади. Мас., «мавжуд бўлмаган ягона ўзгариб, шаклланади ва ҳалок бўлади, ўзгармасдан эса шаклланмайди ва ҳалок бўлмайди».

Натижада биз қизиқарли ҳолатга эга бўламиз: тафовутнинг маъноси ўзининг фикрлаш мумкин бўлган англанувчи функциясини сақлаб қолади, бироқ, шу б-н бир вақтда, маъно (яъни «ногоҳ» ягона) позицияси бу тафовут тушунарлилигининг негизи бўлмай қўяди. Бошқача айтганда, бу шундай бир ҳолатки, унда биз фикрлашдан фойдалана оламиз – формал мантиқ қонунлари ўз кучини сақлаб қолади, бироқ унинг символик табиати хаёлда фаол амал қилмай қўяди, натижада фикрлаш интеллектуал функциялар – категорияларнинг оддий тўпламига айланади. Платон фикрига кўра, «мавжуд ягона» ҳоз. замон б-н боғлиқ: «Бироқ ҳоз. замон унинг бутун борлиғи яхлит кечган ҳолда доим аниқ-равшан кўриниб туради, зеро ягона, у қачон мавжуд бўлмасин, доим ҳоз. замонда мавжуд бўлади». Бундан «мавжуд ягона» тасаввурга эга ва бу тасаввур унинг табиатига мос; ваҳоланки, «мавжуд бўлмаган ягона»ни фақат ягонанинг табиатини бузувчи бошқа нарсалар б-н алоқалар орқали тасаввур қилиш мумкин, яъни у соф ягонанинг табиатига зид бўлган тасаввурга эга, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ, биз вақтдан ташқаридаги «ногоҳ» ягонага хос бўлган мазмунни ташкил этишини кўрганимиз боис, «мавжуд ягона» ўзининг тасаввурига эга бўлган ҳолда, англаб етилган умумий тасаввурнинг ҳоз. замон б-н мустақил аҳамиятга эга бўлган вақтдан ташқари нарсаларнинг синтезидан иборат бўлган муваққат табиатини иккиламчи тарзда репрезентация қилади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Ўзича ғоянинг тизимдаги маъно сифатидаги (2) ва тизимдагини англатувчи сифатидаги (3) икки ёклама символик функциясини умумлаштириб, шуни айтиш лозимки, ўзича гоя «нарсалардаги гоя»ни нарса образи орқали ифодалашнинг айни вақтда ҳоз. замон б-н вақтдан ташқари нарсаларнинг кўрсатилган синтезини репрезентация қилувчи усулига салмоқ бахш этади. Шу маънода Платоннинг ўзича ғояси бир вақтнинг ўзида ҳам тасаввур қилинган, ҳам англаб етилган, бироқ муайян бўлиши шарт саналмаган нарса ғоядир. Айни вақтда Платон «мавжуд бўлмаган ягона» диалектикаси б-н боғлиқ бутунлай б. имкониятни ҳам ҳисобга олади: тасаввур муайян бўлиши мумкин (яъни тасаввурларни таснифлаш мумкин), бироқ у ҳоз. замон б-н ўзича аҳамиятга эга бўлган бирон-бир нарсанинг алоқасини ифодалашга қодир бўлмайди, бу «гоясиз» тасаввур ёки «симуляр», яъни сохта ўхшашлик ҳолатидир.

Умуман олганда, «П.» диалогининг онтологик-гносеологик мазмуни ҳақида шундай дейиш мумкин: Платоннинг илк диалогларидан фарқли ўлароқ, бу ерда т.ни таърифлаш процедураси ўрнига Гуссерлнинг феноменологик редукциясига ўхшаш бўлган, ундан ўзининг объектив хус-яти ва пировард натижаси б-н фарқ қиладиган редуктив процедуранинг классик намунасига дуч келамиз. Ушбу редукция жараёнида Платон, биринчидан – жинс моҳиятига хос бўлган мантиқий маънолилик («Нарсалардаги гоя») б-н ўзича гояга хос бўлган символик маънолиликни фарқлайди, иккинчидан – Платон айният ғоясининг символик ғояси («Ягона ягонадир») б-н тафовутнинг символик ғояси («Ягона мавжуд»)ни фарқлайди, фақат тафовутнинг символик ғояси ягона ва б. диалектикасида ўз-ўзига таққосланиши мумкин, деб ҳисоблайди. Учинчидан – Платон тафовутнинг символик ғоясини

унинг ноэматик мазмуни – ўзича маънога эга бўлган тафовут (вақтдан ташқаридаги «ногох»)га нисбатан редукция қилади. Тўртинчидан – у тасаввур ва ўзича тафовутга нисбатан икки имкониятни фарқлайди, яъни: 1) тасаввур ўз табиатига кўра хоз. замон б-н тафовутнинг вақтдан ташқаридаги маъносини бирлаштиради; 2) тасаввурнинг мувақкат табиати б-н кўрсатилган синтезнинг табиати мос келмайди. Биринчи ҳолатда тафовут, гарчи номуайян бўлса-да, бироқ тушунарли хус-ят касб этади, иккинчи ҳолат эса, фақат «тушунарсиз» тафовутдан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

«П.» а-ри Платоннинг бошқа диалоглари каби, алломанинг устози Суқрот ижодига кўплаб мурожаатларни ўзида акс эттирган. Шу б-н бирга, унда кўпроқ онтологик масалалар ва гносеологик мавзуларга алоҳида аҳамият қаратилган. А-р кейинчалик араб, форс тилларига таржима қилинган, ундан Форобий, Беруний, Ибн Сино каби алломалар ҳам баҳраманд бўлганлар.

**ПАРОКАНДАЛИК** – жам-т, халқ, ижт-й қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этадиган мафкура яратмагани сабабли ижт-й онгда ва маън-й ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, бекарорлик. П. одатда муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатган тузумдан бошқасига ўтилаётган, ижт-й-сиёсий қутблашув ва зиддиятлар кучайган, жам-т турли табақаларга бўлиниб, ҳар бир ижт-й-сиёсий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жам-тни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб келади. Мам-тда ички зиддиятлар кучайган, қатлам, тоифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради. Тарихдан маълумки, П. туфайли давлатлар ва халқлар қарамликка, иқт-й ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназзул ва тушкунликка юз тутадилар. Жам-тдаги барча қатлам ва гуруҳларни умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафкурасигина П.ка барҳам беради.

**ПАРСОНС, Толкотт** (13.12.1902, Коларадо-Спрингс – 8.05.1979, Мюнхен) – америкалик назариётчи социолог. Социологияда ҳаракат наз-яси ва структуравий-функционал мактаб асосчиси. Лондон ва Гейдельбергда таълим олди. 1944 й.дан проф. ва 1944–1946 й.ларда социология бўлимининг бошлиғи, 1946 й.дан Гарвард ун-тининг социологик мун-тлар бўлимининг бошлиғи. П. ўз қарашларида М. Вебер, Э. Дюркгейм, А. Маршалл, В. Парето ва б.нинг а-рларига таянди, ш-дек, ўз а-рларда системалилик, кибернетик ва символлик-семиотик тасаввурлардан фойдаланди.

П. инсоннинг жам-тдаги борлигини позивистик изоҳлаш, уни бутун ҳолича қамраб олувчи таҳлилий-наз-й системасини атрофлича ишлаб чиқишга уринган. Жисмоний ва биологик ҳаракат системасидан фарқли ўлароқ бу системанинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар б-н белгиланади: биринчидан, унинг рамзийлиги, яъни тартибга солишда тил, қадриятлар каби рамзий механизмларнинг мавжудлиги; иккинчидан, меъёрда, яъни индивидуал ҳаракатнинг умумий қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга боғлиқлиги; учинчидан, унинг иррационаллигида ва муҳит шароитларида мустақиллиги ва айни вақтда, вазиятни субъектив аниқлашга боғлиқлиги. Бу ғоялар Шилз, Олпорт, Шелдон ва б. б-н биргаликда ёзилган, «Ҳаракатнинг умумий наз-ясини яратишга доир» номли китобда батафсил асослаб берилди. Бу монографияда «фаол ҳаракат қилувчи», «вазият» ва «фаолнинг вазиятга йўналганлиги» т.лари асосий ҳисобланади.

Ижт-й субъектлар бир-бири б-н, «ўзаро кутиш» системаси орқали боғланган, яъни уларнинг ҳаракати маслакдошнинг кутишига йўналтирилган. Бунинг натижасида фаолнинг мотивация тузилмасини ташкил қилувчи когнитив, катектик ва баҳоловчи йўналишларига қадрий йўналганлик ҳам қўшилади. Қадриятли йўналиш бу ҳар бир фаолга боғлиқ бўлмаган битта мад-й майдонга мансуб ҳамма фаолларнинг ҳаракат тарзини тартибга солувчи, «ташқи рамзлар» соҳасидир. П. эҳтиёжлар ва қадриятларни, уларнинг ўзаро таъсирини инкор этмаган ҳолда, аниқ таҳлилий тарзда, фарқлаб кўрсатади. Бу эса ҳаракатнинг, шахс ва мад-т каби нисбатан алоҳида (автоном) системачаларини ажратиш ва чегаралаш ҳам бутунлай мустақил стихияли шахс, ҳам қатъий мад-й, жиловлаб қўйилган индивидлар тўғрисидаги тасаввурларнинг ноўрин эканлигини кўрсатади. Шу б-н бирга П. бир томондан шахснинг тўлақонли психологик тузилма сифатидаги, иккинчи томондан ижт-й фаолнинг ушбу тўлақонли тузилмада, таҳлилий ажратиб олинган, роллар мавҳум йиғиндиси сифатидаги т.ларни ажратиб кўрсатган.

Социолог шу асосда ўзининг ижт-й система тўғрисидаги тасаввурини шакллантирган. Бу ҳаракат системасининг расмийлаштирилган модели намунаси эди. Бу модель ўзаро айирбошлаш мун-тидаги мад-й, ижт-й (социал), шахсли ва органистик системачаларни ўз ичига олади. Масалани бундай изоҳлаш П.нинг энг муҳим наз-й ютуқларидан бири эди. Ҳаракат наз-ясининг б. муҳим қисми қадрий конфигурациялар намуналарининг ўзгарувчанликлари ҳисобланади. Улар ёрдамида умумий кўринишда, исталган ижт-й ҳаракат йўналишини тўлиқ тасвирласа бўлади.

П.нинг фикрича, фаолнинг («актёр»нинг) вазиятни баҳолаши фақатгина унинг индивидуал эҳтиёжларига асосланмасдан, мавжуд мад-тнинг умумий намуналарига ҳам мос келади. Бу даврда, яъни 50-й.ларда, П. наз-яси биолог. дан (Л. Гендерсон, У. Кеннон) ўзлаштирилган системали тасаввурлар б-н бойиган. Бу тасаввурлар доирасида П., Р. Бейлз ва Шилз б-н биргаликда функционал муаммолар тўпламини шакллантирган. Булар: системанинг ташқи объектларга мослашиш, мақсадга эришиш (ташқи объектлардан инструментал жараёнлар ёрдамида қониқиш олиш), интеграция (система элементлари орасида «гармоник» зиддиятсиз мун-тни қўллаб-қувватлаш) ва тузилмани қайтадан тиклаш ҳамда кескинликни юмшатиш муаммоларидир (институционаллашган меъёрий кўрсатмаларни сақлаш ва уларга риоя этишни таъминлаш). Бу йўналишлар орқасида алоқа мавжуддир. Иккинчи томондан, исталган даражанинг ҳаракати системасини функционал системачалар атамалари ёрдамида таҳлил қилиш мумкин, чунки бу системачалар кўрсатилган муаммолардан бирини ҳал этишга ихтисослашган. Мас., инсон ҳаракатининг умумий системаси даражасида шахс мақсадга эришиш вазифасини бажаришга ихтисослашади, ижт-й система индивидлар ўзаро ҳаракатда қўллайдиган энг кўп умумий намуналар, мақсадлар, қадриятлар, этиқодлар, билимлар, қоидалар хуллас, шу каби «маъноларни» таъминловчи рамзий воситаларни ўзида мужассамлаштиради. Буларнинг барчаси ҳаракатга тартибли хус-ят бахш этади, уни ички зиддиятлардан халос қилади. Жам-т функционал дифференциация ва ижт-й ташкил этишнинг мураккаблашуви натижасида «умумлашган адаптив (мослашувчанлик) қобилият»нинг ошиб бориши томон ривожланади. Примитив даражада дифференциация бўлмайди. Рив-ш эволюциявий умумлашмаларнинг (универсалларнинг) мунтазам кенгайиб бориш йўли б-н амалга ошади. «Оралиқ» даврга ўтиш ёзувнинг, ижт-й стратификациянинг ва мад-й легитимизациянинг вужудга келиши б-н белгиланади. «Замонавий» хилга ўтиш ҳуқуқий системанинг диний системадан ажралиб чиқиши, маъмурий бюрократия, бозор иқтисоди ва демократик сай-

лов системасининг шаклланиши б-н юз беради.

Икт-й ва сиёсий системалар дифференциациясини билдирувчи «саноат инкилобидан» сўнг «демократик инкилоб» келади. Бу инкилоб «ижт-й ҳамжам-тни» сиёсий системадан ажратиб олади. Сўнгра «маър-й инкилоб» (Парсонснинг фикрича, у ҳозир АҚШда бошланган) келади ва у ижт-й хамжам-тдан тузилманинг кайта тикловчи системачасини ажратиб олмоги керак.

Умуман П. кўп жиҳатдан социологияда наз-й тафаккурни кайта тиклади. У ўз наз-яларини яратиш чогида социология намояндалари классик меросига таянди ва гўёки Конт, Спенсер, Дюркгейм, Вебер, Парето ва б.ни янгидан кашф этди. П.нинг наз-й ва услубий коидалари Америка, Европа социологларининг янги авлоди а-рларида қайта ишланмокда ҳамда эътиборга олинмокда. Кескин фикрловчи баъзи Ғарб социологлари эса П. наз-ясининг консерватив ва мураккаб томонларини танкид ҳам килмоқдалар.

**ПАТЕРНАЛИЗМ** (лот. «paternus» – отага тааллукли) – 1) дастлаб Италияда пайдо бўлган, каттанинг кичикка, кариндошнинг кариндошга, устознинг шогирдга, яқинларга нисбатан ғамхўрлиги асосида фаолият юритишни ифодалаган атама; 2) ижт-й мун-тларга киришаётган томонлар ўртасидаги мавжуд и.ч. мун-тларини уйгунлаштириш ва баркарорлаштиришга маън-й омил таъсирини ифодалайдиган т.. Илк итал. П. т.си асосида иш берувчи б-н иш бажарувчилар ўрталаридаги ўзаро мун-тларда иш берувчилар меҳнат таксимоти, меҳнат муҳофазаси ва меҳнатга ҳак тўлашда маҳаллий иш бажарувчиларга нисбатан ўз ҳамюртларига имтиёзли ёндашаётганлари туфайли иш бажарувчилар ҳам меҳнатга элу юрт манфаатларини кўзлаб мун-тда бўлишлари лозим, деган караш ётади. Демак, иш берувчиларнинг ўз ҳамюртларига хилма-хил моддий ва маън-й рағбатлантириш воситаларини қўллаётгани учун иш бажарувчилар ҳам муросага келиб, ижт-й тенгсизлик ва ижт-й адолатсизликка карши бош кўтармасликлари Ватан равнақини таъминлайди. П. ғоясига кўра, жам-тда ўрнатилган ва ҳукм сураётган меҳнат таксимоти доирасида иш бажарувчилар факат кўп, арзон ва сифатли маҳсулотлар и.ч. б-н жаҳон бозорига кенг ва тез кириб бориб, Ватан шарафини оширишга каратилган «патерналистик» мунтлар талабларига жавоб берадиган тартиб-коидаларга бўйсунишлари лозим. П. ғояси кейинчалик Италия мам-ти доирасидан чикиб, бошка ривожланган мам-тлар ижт-й ҳаётига ҳам татбик этилди. Ҳоз. цивилизациялашган бозор иктисодиёти мунтлари шароитида П. ғояси ривожланаётган мам-тларнинг ижт-й ишлаб чикариш мун-тларида ҳам намоён бўлмокда.

**ПАТРИОТИЗМ** – яъни, ватанпарварлик – энг маълум ва машҳур ахлокий тамойиллардан бири, инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган интилишини англатувчи маън-й т. (қ.: **Ватанпарварлик**).

**ПАТРИСТИКА** (лот. «patris» – «ота»ни англатиб, бу ном кўпинча хурмат маъносида гарбий епископларга берилган) – дастлаб II–VIII а.ларда Рим империяси худудида христианликни ягона устувор динга айлантириш харакатига тушган руҳонийлар (черков оталари)нинг илоҳий, фал-й ва сиёсий-социологик карашлари мажмуини ифода этувчи т.. П. антик даврнинг инкирози й.ларида гностицизмга карши кураш жараёнида вужудга келган. Бу ҳаракатнинг биринчи даври II–III а.ларга тўгри келади ва ривожланган П. олдида ўзгача ғоявий ва мафкуравий вазифалар турган эди. Чунончи, христианликнинг бирлигини саклаш учун ўша даврга келиб кўпайиб кетган диний бидъатчи мазҳабларга карши курашишни кучайтириш, христиан илоҳиётининг фал-й асосларини таҳлил килиш, инсон, жам-т ва билиш масалаларининг диний тамойилларини ишлаб чикиш зарурияти туғилган эди. Дин ва мистика ҳакикат манбаи сифатида талкин килиниб, мантик ва аклий далиллар фал-й мунозарадан сикиб чикарила бошланди. Христианлик дини антик фал-й тафаккур б-н ўз чегара чизиғини белгилаб олиши зарур эди. Бу кураш мураккаб вазиятда олиб борилди. Бир томондан – барча антик мад-т, жумладан, фал. рад этилди, ҳар кандай ҳакикий билим ва эзгулик илоҳий оқимдан келиб чикади (Тертуллиан), иккинчи томондан –кад. юнон фал.си Худони билиш ва танишнинг муҳим воситаси деб тан олинади (мас., гностиклар), учинчи томондан эса, баъзилар (апологетлар, Александрия мактаби, Дионисий) «фал-й» ва «илоҳий» билимларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини қўллаб-кувватлади. Лекин, уларнинг фикрича, бу ҳамжиҳатликда илоҳий тамойил етакчи мавкега эга бўлмоғи лозим.

Христианлик апологетлари мажусийлик ва фал.га қарши (юн. апология – ҳимоя, муҳофаза) ҳужум қилдилар. Улар христианлик таълимотини унга ёт бўлган барча таъсир ва сикувдан куткариб қолишга уриндилар. Апологетлар, асосан, фал-й муаммоларнинг ечимларини изладилар. Улар биринчи христиан файласуфлари бўлиб, кад. юн. фал-й меросини ўзларининг доктриналарини асослаб олишга жалб киладилар. Улардан баъзилари эллинистик маън-й мадтнинг эркин тарафдорлари бўлишса, б.и эса унинг ашаддий душманлари эдилар. Юстин Мартир (тахм. 100–166 й.) – илк апологет бўлиб, у Платонизм фал.сига алоҳида эътибор каратиб, христиан фал.си Худога элтувчи ягона йўл деб ишонтирди. Унинг шогирди Татиан эса б. йўлдан бориб, «Эллинларга мурожаат» а-рида мажусий мад-ти, антик фал. анъаналарини аёвсиз танкид килди.

П.нинг яна бир вакили Квинт Септимий Тертуллиан (тахм. 160–230 й.) фал. ва диний эътикод бирон-бир масалада ҳамоҳанг бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Унинг асосий хизмати христиан динини ташвиқ этиш, черковни Рим ҳокимияти ва бидъат хавфидан ҳимоя килишдан иборат бўлди. Унингча, диний эътикод ва акл ўртасида туташ нукта бўлиши мумкин эмас. Тертулианнинг «Бемаъни эканлиги учун ишонаман» шиор – тамойили таълимотининг мазмун ва моҳиятини яккол ифодалайди, чунки имон-эътикод ҳакикати акл ҳакикатидан тубдан фарк килади. У мажусийликка – христиан динини, аклга – илоҳий ваҳийни карши қўяди. Худони билиш ва таниш манбаи бўлган Таврот мавжуд экан, илм, тад.ларга хеч кандай ўрин йўк. Худо ҳамма нарсани биладн ва барча ҳодисалар йўналишини бошқаради. Шундай экан, фал-й тафаккурнинг вазифаси қолмайди, у аслида турли-туман бидъатларга йўл очиб беради. Тертуллианнинг имон-эътиқодни олиймақом ҳақикат сифатида эътироф этиши фал.ни илоҳиётга бўйсундириш ҳаракатларига замин яратиб берди.

Христианлик диний-мафкуравий тизимга айлана бориши натижасида уни эллинистик фал. б-н якинлаштиришга уриниш кучаяди. Бу, айникса, III а.да, Александрияда ўзининг христиан илоҳиёт мактабини яратган Тертуллианнинг шогирди Тит Флавий Климентнинг фаолиятида кўзга ташланади. У ўз олдига христиан динини ҳимоя килишнигина эмас, балки мажусийлар устидан ғалаба козониб, уларни христиан динига киритишни максад килиб кўяди. Климентдан сўнг Александрия мактабига раҳнамолик килган Ориген (184–254) христианликни платонизм б-н янада якинлаштиришда фаол иштирок этди. Унинг фикрича, христианлик – эллинистик фал.нинг етуклик даражаси. Ориген илоҳиётчилардан кад. антик файласуфларнинг рисолаларини ўрганиб, уларни христиан н. назаридан фойдали жиҳатларни аниқлашни талаб килди. Лекин Оригеннинг таълимоти черковга маъкул келмади. Унинг карашлари фал. со-

тувчи черков отахонларига сезиларли таъсир қилган бўлса-да, бидъат сифатида қораланди.

III а. охири IV а. бошларида черков томонидан Исо пайғамбарни ўзида илоҳий ва инсонийлик моҳиятини жамлаган шахс сифатида талқин этиш кучая борди. Бу вақтга келиб, христианлик Рим империясининг давлат динига айланган эди. Лекин айни пайтда Арий (256–336) ва Афанасий (295–373) ўртасида кескин кураш авжга чиқади. Арий Худо – ота ва Худо – ўғил моҳиятлари бир-биридан фарқланади деса, Афанасий Худо – ўғил азалдан Худо – ота моҳиятидан фарқ қилмаган, деган мавқеда туради. 325 й.да император Константин томонидан Никейда ўтказилган собор Арий шиорларининг нотўғри эканлигини, уларнинг Исо пайғамбар ва черков мартабасига путур етказишини эътироф этиб, Афанасий илгари сурган диний йўл-йўриқни тўғри деб топди. 380–381 й.ларда синод Худо – ота, Худо – ўғил ва муқаддас руҳ бирлиги тўғрисидаги шиорни тасдиқлади ва бу пировард натижада черковнинг катъий қонунига айланди. Герман қабилалари VI–VII а.ларга келиб, арианизм анъаналаридан воз кечиб, католицизм томонига юз тутдилар.

Христиан фал.си анъаналари Аврелий Августин (354–430) томонидан давом эттирилди. Августин фал.си христиан ва қад. доктриналарнинг қоришмаси сифатида вужудга келди. У илоҳиётга оид бир қанча а-рлар ёзди. Уларда Худо борлиқнинг энг юқори ва олий намунаси эканлигини исботлашга уринди. Августин фал.сига ақлпарастлик эмас, балки иродапарастлик хос. Августин эллинистик фал. б-н ҳамоҳанг тарзда инсон ҳаётининг мақсад-мазмуни бахт-саодатга эришиш эканлигини эътироф этади. Бахтнинг калити Худодир. Инсоний бахтга эришиш Худони билиш ва руҳни турли-туман синовлардан ўтказиш орқали амалга ошади. Августиннинг диний-фал.й қарашлари кўп а.лар давомида ўзининг акс-садосини бериб турди. Унинг таълимоти Максим Конфессор, Кассиодор, Алкин, Боэций, дамашқлик тақводор Иоанн томонидан давом эттирилди. Августиннинг маън-й мероси ҳақидаги ғоявий кураш ҳанузгача протестант, католик ва қатор доираларда давом этиб келмоқда.

П. рив-шининг кейинги даврида (VI–VIII а.лар) христиан илоҳиёти илмини тартиблаштириш, Платон, Аристотель, Перфирий, Прокл ва б.нинг а-рларини лот. тилига таржима қилиш ва шарҳлаш, схоластик фал. асосларини яратиш ва тараққий эттириш учун зарур бўлган т.лар, категориялар ва тамойиллар тизими вужудга келтирилди. П. даврида христиан илоҳиётини тартиблаштиришга ҳаракат қилган черков оталари томонидан икки собор Никей (325 й.) ва Ҳалкидан (451 й.) оралиғида муҳим а-рлар ёзилди. Шарқда улардан бири Иоанн Злотоуст (347–407)дир. Ғарбда эса, юқорида таъкидланганидек, черковнинг энг йирик отаси Аврелий Августин бўлиб, у муқаддас, деб ном олган. Яъни, П. юнон Шарқида «каппадокийлар тўгараги» (Буюк Василий, Григорий Богос, Григорий Нисский). Ғарбда Августин фаолиятида юқори чўққига чиққан. Уларнинг китоблари, «Муқаддас ривоят»нинг таркибий қисми сифатида эътироф этилиб келинган. П. ақидаларининг барқарорлашув даври Иоанн Дамаскин фаолияти б-н боғлиқ. У христиан диний таълимотини системалаштирган ва схоластикага асос солган. Ҳоз. даврда католик ва православ илоҳиётчилари шарқий ва ғарбий П.нинг ғояларидан кенг фойдаланиб, уларни рад этиб бўлмайдиган нуфузга эга деб ҳисоблайдилар.

**ПАҲЛАВОН МАҲМУД** (1247–1326) – мутафаккир, шоир, моҳир ҳунарманд, енгилмас паҳлавон, жавонмардлик ҳаракатининг пешволаридан бири. У ёшлигидан илм-маърифатга интилди, шеъриятни севди, ўздан «Рубоиёт» ва «Канз ул-хақойиқ» номли маснавийни мерос қилиб қолдирди. П.М.нинг дунёқараши шу даврда кенг тарқалган жавонмардлик ғоялари б-н боғлиқдир. XIII–XIV а.ларда Хоразм жавонмардлари уч буюк сиймодан – Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, П.М.дан маън-й озиқ ва амалий ибрат олдилар, бу таълимотни кенг тарғиб этдилар. Умрини одамлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар б-н баҳам кўриш, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатида бўлиш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишиларни жавонмардлар, ахийлар деб атаганлар. Уларнинг тариқати – маслаги эса жавонмардлик ёки футувват деб юритилган. Маълумки, жавонмардликнинг асосини шаҳар ҳунармандлари ташкил этар эди. Бу гуруҳнинг ҳаёт принциплари мардлик ва унинг безаги: марҳамат, шафқат, мурувват, саховат, жамоат ва олийжаноблик асосига қурилган. Жавонмардлар элга хизмат қилишни, афтодаларга дастгир бўлишни, муҳтожларга марҳамат, аҳдга вафо қилишни, барчага мурувват кўрсатишни ва бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмасликни ўзлари учун ҳаётий шоир деб билганлар. Жавонмардликнинг юксак ғоялари П.М.нинг рубоиётида ўзининг ёрқин ифодасини топди. П.М. устози Нажмиддин Кубродаги жавонмардлик ғояларининг амалий исботини ўз фаолиятида кўрсатди. Миллат ва Ватан шарафини ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини, озодлигини сақлашга эришиш жавонмардларнинг асосий талабларидан биридир. Манбаларда ёзилишича, П.М. Ҳиндистон сафари пайтида ҳиндлар тарафида жанг қилиб, подшо Рай Ропой Чўнани ўлимдан қутқаргани учун бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилдириб ватанига олиб келади. П.М. Хива яқинида мўғил босқинчиларига қарши курашиб, шаҳид бўлган паҳлавонлар қабри устида улкан мақбара қурдиради. П.М. илгари сурган жавонмардлик ғоялари бугунги кунда ҳам ғоят аҳамиятлидир.

**ПАЦИФИЗМ** (лот. pacificum – яраштирмоқ, битиштирмоқ) – ҳар қандай урушларга, уларнинг характери ва мақсадларидан қатъи назар (жумладан, адолатли, озодлик урушларига ҳам) қарши курашувчи кишилар ҳаракати. Улар кишиларни қурбон қилишга олиб келадиган ҳар қандай қуролли ҳаракатларни, уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, мақсадларига бутунлай эътибор бермай, инсон ахлоқига зид деб қарайдилар ва қоралайдилар.

**ПЕДАГОГИКА** (юн. пайс – бола, эгейн – етакламоқ, бошқармоқ) – тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати, тарбия ҳақидаги фан. П. тарбия ва таълим соҳасига тегишли билимлар йиғиндиси. П. тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва қонуниятларини, унинг жам-т ҳаёти ва шахс тар-ётидаги ролини, таълим жараёнини аниқлаб беради. У тарбия наз-яси, дидактикани ўз ичига олади. П. фал., психология, одам анатомияси ва физиологияси сингари соҳалар б-н боғланган. П. тармоқлари: болалар пед.си, профессионал таълим пед.си, оила тарбияси П.си, олий ўқув юртлари П.си, ҳарбий П., мад-й-оқартув ишлар П.си, дефектология П.си, П. тарихи ва б..

П. дастлабки вақтларда болани бошқариш, таълим-тарбия бериш ҳақидаги фан сифатида шаклланган. Эндиликда эса у жам-тнинг барча аъзоларига таълим бериш ҳақидаги фанга айланди. Ш.у. ҳам ҳозирги замон педагогикасини шахс таълими ҳақидаги фан деб аташ мумкин. П. шахс таълими қонуниятлари, тамойиллари, мазмуни, усул ва воситалари ҳақидаги фандир. П. ўз категориялари ва т.ларига эга. Педагогик категориялар – бошқа фанлар томонидан тан олинган педагогик тушунчалардир. Ҳар бир халқнинг тарихий тараққиёти давомида яратган, тўплаган ва сақлаб қолган таълим-

тарбияга оид ғоялари, қарашлари ва тажрибалари йиғиндиси педагогик қадриятлар дейилади.

П.да таълим сўзи бир қанча маъноларда қўллаинлади. Таълим, кенг маънода – фан, техника, маъ-ят ва тажрибалар тўғрисида ахборотлар йиғиндисини англатади. Таълим, педагогик маънода – ахборотлар мажмуини ёш авлодга ўргатиш орқали шахсни шакллантириш. Таълим, тор маънода – педагогик жараённинг бир бўлаги бўлиб, шахсни муайян билим, кўникма ва малакалар тизими б-н қуроллантиришдир. Таълим муассасаларида махсус ташкил этилган таълим-тарбия ишлари тизими педагогик жараён дейилади. У таълим, тарбия ва шахснинг мустақил фаолиятларини ўз ичига олади. Демак, пед. шахс таълими ҳақидаги фан бўлиб, педагогик жараённинг қонуният, тамойил, мазмуни, усул ва шаклларини тушунтириб беради.

Ҳоз. замон П.си икки асосий элементдан ташкил топган. Биринчи элемент педагогик наз-я бўлиб, педагогик жараён қонуниятларини тадқиқ этиш йўли б-н ғоялар, таърифлар, қоидалар, шарт-шароитлар тарзида ифодаланади. Яратилган илмий ғоя, қарашлар П.ни фан сифатида шаклланиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Иккинчи элемент эса педагогик тажриба бўлиб, иқтидорли ўқитувчилар, тарбиячилар педагогик фаолиятида шаклланган кўникма, малакалар йиғиндисини. П.нинг методологик ғоялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1. Таълим – жам-т тараққиётининг устувор соҳаси, маънани тиклашнинг ишончли омили. 2. Шахс – ижт-й тузум ва таълим-тарбиянинг махсули. Таълим шахс тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. 3. Таълим-тарбияда миллий уйғониш мафкурасига таяниб, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик руҳида, уларнинг муштараклиги таъминланади. 4. Педагогик жараён марказида шахс, унинг қизиқиш, эҳтиёж ва қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш, камол топтириш ётади. 5. Таълимни ривожлантиришнинг бош йўли – уни демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришдир.

Фанлар тизимида педагогиканинг ўрни масаласи қадимдан кишилар диққат-эътиборини тортиб келган. Мас.: қад. юнонлар П.нитарбияшунослик, Форобий, Беруний ва Ибн Синолар эса шаҳарни бошқариш илми деб қараганлар. Айрим олимлар П.ни ахлоқшунослик, одобнома тарзида талқин қилганлар. Ҳоз. замон фаншунослигида П.ни фан деб қараш ғояси мавжуд. Бу ғоя тарафдорларининг фикрича, П. таълим-тарбия жараёнида шахсни таркиб топтиришнинг қонуният, моҳияти, мазмуни, усул ва шаклларини очиб берувчи илм деб ҳисоблайдилар. П. таъриф, т., ғоялардан иборат. Ш.у. ҳам Давлат фан ва техника комитети томонидан П. фан сифатида (13.00.01 рақами б-н) рўйхатдан ўтказилган. Бутун дунёда П.ни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий тадқиқот ин-тлари, лабораториялар, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда.

П.ни санъат сифатида қараш тарафдорлари ҳам бор. Бундай қараш тарафдорларининг фикрича, П.ни эгаллаб олиш ва уни фаолиятда самарали қўллаш учун шахсдан муайян қобилият, истеъдод талаб этилади. П. қадрият сифатида қаралганга кўра, таълим-тарбия тўғрисида илмлар энг аввало, халқимизнинг кўп й.лик тажрибаси асосида яратилган, синаб кўрилган, булардан энг яхшилари, фойдалилари авлоддан-авлодга ўтиб сақланиб қолган маън-й бойликларимиздир. Мас.: катталарга ҳурмат, уларни эъзозлаш, беморларга ғамхўрлик қилиш, ногиронларга, ночорларга меҳрибонлик қилиш хислатларини ёшларга ўргатиш барча халқларда энг олий, муқаддас педагогик мақсад ҳисобланиб келинган. Ш.у. бундай педагогик қадриятлар ҳамма вақт ўз қимматини йўқотмаган.

П.нинг вазифаси халқимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги улкан, бой тажрибаларини ўрганиб, ҳоз. замон талаблари билан чамбарчас боғлаб, муштарак ҳолда ёш авлодда таркиб топтириш усулларини ишлаб чиқишдир. Педагогика жам-тнинг маън-й жиҳатдан тараққий этишига хизмат қиладиган фандир. Бугунги кунда жам-тимизнинг маън-й ҳаёти мураккаблашиб борган сайин одамларни бошқариш, уларни мафкуравий ғоялар, қарашлар руҳида тарбиялаш қийинлашиб бормоқда. Бундай ҳолат, айниқса, жам-т ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш шароитида янада чуқурлашмоқда, мураккаблашмоқда.

Таълим жараёни икки томонлама бўлиб, унда икки шахс – ўқувчи ва ўқитувчи бўлади. Педагогик жараён – ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти бўлиб, у албатта ўз мақсади, мазмуни, шакл, усул ва натижаларига эгадир. Педагогик жараён доимо рив-шда, такомиллашишдадир. Чунки уни такомиллаштирувчи кучлари бўлиб, бу ўқитувчи ҳамда ўқувчи шахсидир. Педагогнинг тарбияланувчи – ўқувчи олдига қўйган вазифалари б-н унинг бажариш имкониятлари ўртасидаги зиддиятдир. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчига қўйиладиган талаблар ўқувчи имкониятларига мос тушса, натижалар шунча ижобий бўлади. П. жараён уч муҳим фаолиятни бир бутунлигидан ташкил топади. Бу таълим, тарбия ва ўқувчи фаолиятидир.

Таълим, тарбия аниқ мақсадли таъсир этиш бўлиб, режали амалга оширилади ва муҳитдаги воқеликни тўғри ва ижобий таъсирини ҳам вужудга келтиради. Чунки таълим-тарбияда муҳит бера олмайдиган нарсалар ўрганилади, билим, маълумот эгалланишида, меҳнат ва техник фаолият б-н боғлиқ кўникма ва малакалар эгалланади; таълим-тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартириб ёки туғма қобилият, иқтидор ривожлантириши мумкин бўлиб, шахс камолга етказилади (мумкин: жисмонан ногиронлар, кўр, соқов кабилар нормал шахс сифатида жам-тда ўз ўрнини топишга эришилади, соғлом кишилар каторига қўйилади); тарбия таъсирида муҳитнинг салбий таъсири бартараф этилиши ва йўқотилиши мумкин; таълим ва тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни кўзлайди.

Пед. наз-ясида таълим мақсади ва уни белгилаш муҳим методологик, амалий аҳамиятга молик муаммо сифатида қаралади. Архитектор яратаётган биноси қандай мақсадда хизмат қилишини, кулол ясаётган буюмини нимага, қаерда фойдаланилишини олдиндан билмасдан ўз фаолиятини бошлай олмайди. Педагог ҳам ўз шогирдларида таълимнинг ҳар бир босқичи охирида қандай ақлий, маън-й-ахлоқий ва жисмоний хислат ва сифатларга эга бўлишини аниқ билмай ўз фаолиятини самарали йўлга қўя олмайди. Ш.у. педагогикада таълим мақсади олдиндан белгилаб олинган бўлиши, яъни шахсда педагогик жараёнда қандай хислат ва сифатларни таркиб топтириши аниқлаб, режалаштириб олиниши зарур.

Таълим усул ва воситалари моҳияти, уни тасниф қилиш педагогика наз-яси ва амалиёти учун муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, таълим усул ва воситалари қанчалик мукаммал, қўллашга қулай бўлса, унинг натижалари шунчалик самарали бўлади. Ш.у. педагоглар ўз а-рларида қулай ва самарали натижалар берадиган таълим усулларини ишлаб чиқиш ва танлаш масалаларига алоҳида эътибор берганлар.

ЎзРси Таълим тўғрисидаги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам П.нинг замонавий масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бу борада айниқса, таълим жараёни мазмунини ислоҳ қилиш, бунинг учун эса таълим мазмунини миллий тикланиш, мустақиллик ютуқлари, халқимизнинг миллий, маън-й ва интелектуал салоҳияти ва умумбашарий қадриятларига таянган, инсонпарварликка йўналтирилган тамойиллар асосида ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу б-н бирга, таълим олувчиларнинг шахсига, унда таълим ва билимга бўлган иштиёқини кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга эътибор бериш, дунё салоҳиятига эга

бўлган мам-тлар методист олимлар, ўқитувчилар б-н ҳамкорликда янги ўқув дастурлари, дарсликлар тузиш, янги педагогик технологияларни қўллаш бунда ниҳоятда катта самара бериши мумкин.

**ПЕРИКЛ** (мил. олд. 490–429) – Афинанинг 444/443–429 й.лардаги (430 й.дан ташқари) давлат раҳбари, демократик сиёсатчилар гуруҳи бошлиги. Сукротнинг дўсти ва раҳнамоси. Афина аристократларидан бири, форсларга қарши урушда денгиз кучларига қўмондонлик қилган Ксантипп оиласида туғилган. Ёшлигиданоқ ниҳоятда яхши билим олган, отаси туфайли кўплаб раҳнамоларга эга бўлган, мол-мулки ҳам мам-тдаги энг бой одамлардан кам бўлмаган П. дастлаб давлат ишлари б-н шуғулланишга рағбат билдирмаган. Аммо 450 й.нинг охирларига келиб, Афинада демократик ҳаракатнинг кучайиб кетиши, кўпчилик сафдошлари қатори П.ни ҳам, фаол сиёсат б-н шуғулланишига сабаб бўлган.

443 й.дан 429 й.гача Афина давлатини бошқарган П. моҳир реформатор, дипломат ва қўмондон бўлган. Унинг даврида гражданлар орасида мулк цензининг бекор қилиниши, яъни мол-мулки ва моддий аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, барча сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиши, халқ мажлисларида шахсий таклиф ва қонунчилик ташаббуси б-н чиқиши, турли лавозимларни эгаллаши мумкинлиги, уларнинг жамоатчилик ишларини бажарганлари учун иш ҳақлари тўлаш тизими ташкил қилинди, бирор лавозимга тайинлашда овоз бериш ўрнига танлов усулига ўтилди, ловозимда ишлайдиган шахсларга маош белгиланди. П. Афина денгиз иттифоқини кучайтириш ва Эгей савдо йўлида устунликка эга бўлиш, Қора денгиз соҳилидаги шаҳар-давлатларга таъсирни янада оширишга, давлати пойтахтини Элладанинг мад-й марказига айлантиришга (Афинада Акрополь қурилиши), иттифоқчи полислар ҳудудидаги энг яхши ерларни ўзлаштириб, афиналикларнинг колонияларини (клерухиялар) ташкил қилиш, уларнинг ушбу полислар сиёсатида муҳим роль ўйнашига ҳаракат қилди.

Афина қудратининг ортиб бориши Пелопония иттифоқига аъзо бўлган спарталиклар ва б. давлатларнинг ғашини келтира бошлади. 433 й.да афиналикларнинг Керкира ва Коринф ўртасидаги можарога аралашгани бахона бўлиб, пелопонияликлар Афинага бостириб киришди ва уни узоқ қамал қилишди. Гарчанд Афина бутунлай мағлубиятга учрамаган бўлса-да, уруш натижасида кучсизлашди ва қаддини тиклаш учун муайян вақт керак бўлди. Бу борада П. ислоҳотлари ва кўплаб ташаббуслари (Парфенон, Пропилей, Одеон каби улуғвор қурилишлар) Афина тар-ётига хизмат қилди, демократик ўзгаришлар, гражданлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, қонунлар қадрини кўтариш ва уларни амалга ошириш борасида кенг имкониятлар яратди. Унинг фал. ва фаннинг бошқа соҳаларига, айниқса илм аҳлига эътибори бу йўналишларда ҳам таҳсинга лойиқ ишлар сифатида авлодлар хотирасида қолди.

**ПЕРИПАТЕТИКЛАР МАКТАБИ** (юн. peripatetikos – сайр вақтида бажарилган) – мил. ав. 335 й.да Афинанинг шарқий қисмида (Ликейда) ташкил этилган бу мактабда, одатда, Аристотель фал.сининг мухлислари сайрлар чоғида фал. б-н шуғулланишган. П.м. қарийб минг й. давомида (мил. 529 й.га қадар) мавжуд бўлган. Перипатетикларнинг бир қанча авлодларини мисол қилиб келтириш мумкин. Биринчи П.м. мил. ав. IV–I а.ларда мавжуд бўлиб, унга аввал Теофраст бошчилик қилган мутафаккирлар гуруҳи – Эвдем Родосский, Аристоксен Тарентский, Дикеарх Мессенский ҳамда Теофраст шогирдлари – Деметрий Фалерский, Дурис, Хамелемон, Праксифанлар, кейинчалик Стратон, Аристон Александрский, Кеосский, Критолай Ликийский, Диодор Тирский Эримнейлар раҳбарлик қилган файласуфлар, олимлар мансуб бўлган.

Айниқса, Теофраст (тахм. мил. ав. 375–285 й.) бошчилик қилган даврда Лицей мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. У ерда тахм. 2000 га яқин ўқувчилар бўлган. Теофраст таълимотининг кўп жойлари Аристотель таълимотига ўхшайди. Диоген Лаэртскийнинг хабар беришича, у бир қанча а-рлар муаллифи бўлган. Бу а-рларда у «Биринчи фал.» сингари, мантиққа оид масалаларни ҳам кўриб чиқади. Унинг илмий фаолиятининг диққат марказида энг аввало табиатшунослик (антик даврда физика деб аталган) фанлари ва ботаника фани турган. У 5000 дан ортиқ ўсимликлар турини тавсифлаган.

Эвдем Родосский алоҳида фанлар тарихига бағишланган бир қанча а-рлар муаллифи ҳисобланиб, Аристотель таълимотини янада оммавийлаштиришга ўз ҳиссасини қўшади. У Аристотелнинг ахлоқ соҳасига оид қарашларидаги идеалистик тенденцияни янада ривожлантиради. «Энг олий бахт-саодат – маъи-й мушоҳада, яъни Худони мушоҳада қилишдадир» деган тезисни ёқлаб чиқади.

Эвдемдан фарқли равишда Аристотелнинг икки шогирди – Аристоксен ва Дикеарх ахлоқий таълимотдаги материалистик тенденцияга алоҳида эътибор қаратдилар ва уни янада ривожлантирадилар. Улар ш-дек, Аристотелнинг наз-й фал.га оид қарашларини ривожлантиришга камроқ аҳамият бериб, асосий эътиборни унинг фал. ва фаннинг конкрет соҳаларига тааллуқли фикрларини тараққий эттиришга қаратганлар. Мас., Аристоксен – мусиқа наз-яси, б.и эса табиатшунослик, тарих, адабиёт масалаларини ўрганиш б-н машғул бўлганлар. Уларнинг баъзи а-рлари, хус-н, Теофрастнинг ботаникага оид китоби бизгача етиб келган.

Теофраст ўлимидан кейин П.м.ни Стратон бошқаради. Унинг кизиқишлари табиат соҳасига қаратилган бўлса ҳам, Диоген Лаэртскийнинг келтирган маълумотларига кўра, унинг илмий ишлари орасида мантиқ ва этика масалаларига қаратилган тадқиқотларни кўриш мумкин. Стратон Аристотель таълимотидаги баъзи идеалистик элементларига танқидий ёндашган. У Аристотелнинг дуализмга олиб келувчи фикрларини рад этган.

Перипатетикларнинг иккинчи авлодини милоднинг I а.ида яшаб, ижод этган мутафаккирлар – Эвдем Родосский, Боэт Сидонский, Ксенарх, Стасей Неополский, Аристон Александрийский, Николай Дамасский ташкил этиб, улар асосан Аристотель а-рларини нашр этиш ва шарҳлаш б-н шуғулланганлар. Бу даврда кўпгина перипатетиклар тарихий биография, адабиётшунослик ва ахлоқ масалалари б-н шуғулланганлар.

Перипатетикларнинг учинчи авлодига Александр Эгский, Сотион, Андраст, Герман, Аристокл Мессенский, Сосиген, Александр Афродизийскийлар мансуб бўлиб, улар I–II а.ларда, замондошлари сингари, Аристотель а-рларини нашр этиш, шарҳлаш, тартибга солиш ва тарғиб қилишга кўпроқ эътибор берганлар. Улар орасида Александр Афродизийский ажралиб турган. У Аристотель таълимотидаги рационализм масалаларига алоҳида эътибор берган. Аристотелизм қолдирган изларни платончилар, пифагорчилар ва стоиклар-да, эклектиклар ёки ўрта платончиларида кўриш мумкин. Улар неоплотонизм шаклланишида муҳим ўрин тутганлар. П.м. мил. ав. 529 й.гача тахм. 900 й. фаолият юргизган.

**ПЕРИПАТЕТИЗМ** – Аристотель фал.сини ўзлаштирган ва уни ривожлантирган оқим. П. ўрта а. ислом фал.сининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган. Унинг асосий намояндалари Киндий (800–879), Форобий (870–950), Ибн Сино (980–1037), Ибн Туфайл (1110–1185), Ибн Рушд (1126–1198)лар ҳисобланиб, бу т. «фалосифа» («файласуфлар»), «арислийюн» («аристотелчилар»), «машшоиюн» («перипатетиклар») ва «ҳукамо»

(«донишмандлар») атамалари б-н ҳам ишлатилган. Шаркда Аристотель мантиғининг кенг тарқалиши (т., мулоҳаза тўғрисидаги таълимотлар, силлогистика, категориялар, зиддиятлар ва қарама-қаршилик тўғрисидаги таълимотлар) бевосита ана шу мактаб намояндалари б-н боғлиқ.

Улар Аристотель ва б. юнон мутафаккирлари а-рларини таржима қилишган ва шарҳлашган, тартибга солганлар ва ривожлантирганлар. Уларни борлиқ, субстанция, мантиқ масалаларини ҳал қилишга ёндашиш усуллари, мантиққа оид а-рларининг тузилиши, фанлар классификациясига эътибор бериши, ш-дек, Форобийнинг «Иккинчи муаллим», деган ном б-н шуҳрат қозониши – Аристотель фал-й ва илмий меросининг Шарқ мутафаккирлари тафаккур тарзига ва ижодига ниҳоятда катта таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

Улар юнон мутафаккирларининг фал-й қарашларини янада ривожлантирганлар ва бир қатор ноаниқликларни эса тўлдирганлар. Мас., Киндий Аристотель ва А.Афродизийскийларнинг ақлга оид назяларини ўрганган ҳолда, ўзининг қарашларини баён этган. Аристотель икки хил ақлни ёзади: наз-й ақл ва амалий ақл. Унга қарши А.Афродизийский уч хил ақл б-н баҳс этади: 1. Моддий ақл; 2. Малакавий ақл; 3. Фаол ақл. Киндий эса унга яна қўшимча қилиб ақлни тўртга бўлади: 1. Бил-феъл ақл; 2. Бил-қувва ақл; 3. Бил-малака ақл; 4. Зоҳир ақл.

Аристотель қарашларида Яратувчи коинот ичидаги моддий бир куч бўлиб, унинг вазифаси моддага фақат илк ҳаракатни бермоқдан иборат қилиб кўрсатилган. Форобий Аллоҳ модданинг ташқарисида ҳам бор бўлиб, олий бир борлиқ ҳамда моддага фақат шакл берибгина қолмай, у б-н ҳар доим алоқададир деб таъкидлаган. Шарқ перипатетик вакиллари фақатгина Аристотель меросига эмас, балки Платон ва янгиплатончилик ғояларидан ҳам таъсирланганлар. Мас., мантиқ соҳасида Аристотелга суянган бўлсалар, метафизика, сиёсат ва ахлоқ соҳаларида Платон ва янгиплатончилик қарашларига эргашганлар. Ш.у. уларнинг фал.лари эклектик бир фал.дир. Шарқ П.и антик мерос шарҳчилари сифатида Ғарбий Европада ҳам маълум бўлган ва сўнгги Ўрта а. фал.сини рив-шига жиддий таъсир кўрсатган.

**ПЕРСОНАЛИЗМ** (лот. persona – шахс) – ҳоз. замон христиан фал.сидаги инсон концепцияси. П. шахсни бирламчи, ижодий реаллик ва олий маън-й қадрият деб, оламни эса олий яратувчи куч – Худо ижодий фаоллигининг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди. П. XIX а. охирларида Россия ва АҚШда шаклланди, кейинчалик XX а.нинг 30-й.ларида Франция ва б. мам-тларга ёйилди. Россияда П. ғояларини Н.А. Бердяев, А. Шестов ва қисман Н.О. Лосский ривожлантирдилар. Америка персонализмининг асосчилари Б. Боун, Ж. Гайс ва уларнинг издошлари У. Хайинг, Э. Брайтмен, Ж. Хаунсон эдилар. Ҳоз. вактда П. сезиларли даражада ўз таъсирини йўқотган, унинг муаммолари феноменология, экзистенциализм, фал-й антропология томонидан ишлаб чиқилмоқда.

**ПЕССИМИЗМ** (лот. pessimus – энг ёмон) – дунёда ёмонлик устун, келажак одамга яхшилик келтирмайди, у азоб-уқубатга маҳкум, келажак ҳаётда бахт-саодатга, мақсадга эришиб бўлмайди, деган тамойилларга асосланадиган т.; кечаётган воқеа ва ҳодисаларнинг боришига икки хил қарама-қарши фикрлар ёки мунтларнинг оқибатини самарасиз, тушкунликка йўйиш б-н ифодалаш.

Оптимизмнинг антоними П. воқеалар ёмонлашиб бораяпти, деган қарашларда, тушкунлик кайфиятларида, яхшилик ва адолатнинг тантанасига ишончнинг йўқлигида намоён бўлади. Фал-й П.нинг йирик вакиллари Шопенгауэр ва Гартман ҳисобланади. П. кишининг келажакка ишончининг сусайиб кетгани, дунёда ёмон одамлар кўплиги, ўз олдига қўйган орзу-мақсадларига эришишига иродаси кучсизлик қилиши, ҳаётда яшашнинг қийинлигидан нолиш, ҳаётга қизиқишининг сусайиши, ҳаётнинг азобу машаққатлардан, тўсиқлардан иборат эканлиги, муаммоларини ечиш ва муваффақиятларга эришиш учун ҳеч қандай илож-имконият йўқлиги, руҳий тушкунлик ҳолатида намоён бўлади.

Инсонлар орасида жаҳолат, ғафлат, худбинлик, танбаллик, пораҳўрлик, таъмагирлик, такаббурлик, мансабпарастлик, шуҳратпарастлик каби иллатларга мубтало бўлган баъзи бир шахслар бор. Айнан мана шу ҳолат кўпчиликнинг умидсизликка тушишига сабабчи бўлади. Чунки мана шундай шахслар ўз шахсий манфаати, нафси, ҳирсини қондириш, шуҳрат қозониш, бойлик орттириш каби мақсадларини амалга ошириш учун маъ-ятга, ахлоққа зид бўлган турли хил тубан ишларга қўл уради. Бундай шахслар б-н бирга ишлаш жараёнида ҳалол меҳнат қилаётган ходимнинг ҳафсаласи пир бўлади, адолатпарварлик, инсонпарварликка ишончи йўқолади, ҳамма жойда ёмонлик устун, уни енгиб бўлмайди деб ўйлайди, орзу-мақсадларига эришиш сароб бўлиб туйилади, белгилаган эзгу мақсадлари ва режалари амалга ошмагач, умидсизликка тушиб, фаол ҳаётдан узоқлаша бошлайди, ўзига ишончни йўқотади. Ҳаётидаги турли кўнгилсизликлар оқибатида ҳам инсон умидсизликка тушиб қолади. Мас., турмуш ўртоғидан ажралиш, яқинларининг вафоти, корхонанинг тугатилиши ва б. бунга сабаб бўлиши мумкин. Япон олимлари (Тохоку унти проф.и Итиро Цудзи бошчилигидаги тадқиқотчилар) илм. тад.и натижалари айнан аниқ мақсадга эга бўлмаслик ёки эзгу орзуларига эришишига ишонмаслик, фаол ҳаётдан узоқ туриш оқибатида инсоннинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўп учрашини таъкидлайди. Худбин, шахсий манфаатини миллат ва халқ манфаатидан устун қўядиган, бойлик ва шуҳрат орттиришга ружу қўйган, б.ни писанд қилмайдиган, манман, такаббур, адолат ва инсонпарварликка зид равишда б.нинг орзу-умидлари ва мақсадларига, рив-шига, ҳаётда уларнинг мавкеи, ўрнини эгаллашига бефарқ, беписанд қарайдиган кимсалар томонидан ор-номуси, қадрқиммати, шаъни топталган, оёқости қилинган инсон ҳам умидсизликка тушади. Унда келажакка ишончсизлик, умидсизлик пайдо бўлиб, бундай ҳолатда у иродасининг сустлиги туфайли ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари ҳам ҳаётда учраб туради. У. руҳий тушкунлик ҳолати бўлиб, бунда киши руҳан синиқади, асабийлашади, стресс ҳолатларни бошидан ўтказади. Бунинг натижасида унинг танасида турли хил касалликлар пайдо бўла бошлайди. Суқрот айтганидек, «Руҳни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди». Демак, умидсизликка тушган одамнинг, аввало руҳини даволаш лозим бўлади. Умидсизликка тушган одамга, ундаги тушкунлик ўткинчи бир ҳолат экани ва вақти келиб ўтиб кетишини; руҳий тушкунлик ҳолати ҳар кимнинг бошига тушиши мумкинлигини тушунтириш, ундаги ижобий жиҳатларга, ирода, ақл, билимга эътиборни қаратиш, унинг оиласи, яқин қариндошлари, дўстларига кераклигини ҳис қилдириш, яшаш учун берилган ҳуқуқдан, имкониятдан бахт яратиш учун фойдаланиш зарурлигини уқтириш орқали ҳам унда келажакка ишонч, умид уйғотиш мумкин. Умидсизликка тушган одамнинг қалбига қулоқ солиш, уни ёлғизлатиб қўймаслик ва тушунишга ҳаракат қилиш, яхши сўзларни гапириш, унинг ҳаяжони, дардларини сабр б-н тинглаш, унга эътиборли, меҳрибон ва ҳамдард бўлиш, очиққўнгиллик б-н самимий муомала қилиш, келажакка ишонтириш ҳамда уни қийнаётган муаммоларни ечишга амалий ёрдам бериш, ғамхўрлик, маън-й ва моддий кўмак кўрсатиш орқали уни ҳаётга қайтариш мумкин. Умидсизлик ҳолатидан чиқариш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим: яъни, умидсизликка тушган кишига меҳрибонлик кўрсатиш ва ҳамдард

бўлиш, ундаги ижобий ўзгаришларни олқишлаш, унинг аҳволидан атрофидаги дўсту биродарларини хабардор қилиш, ёлғизлатиб қўймаслик, янги дўст топиши учун ёрдам бериш, унинг атрофида хурсандлик муҳитини яратиш, аҳволи ёмонлашса, психологик ва тиббий ёрдам чораларини кўришга интилиш зарур. Бу тадбирларнинг барчаси одамдаги руҳий тушкунлик кайфиятини йўқотишга, уни умидли, мазмунли ҳаётга қайтаришга ёрдам беради.

**ПЕТРАРКА, Франческо** (1304–1374) итальян файласуфи ва шоири. Унинг отаси нотариус хизматчиси эди. 1312 й.да Петраркалар оиласи Провансга кўчиб ўтади. Бу ерда ёш Франческо ҳуқуқ муаммолари б-н шуғуллана бошлайди. Ш.у. бўлса керак, у 1316 й.да Монтельеда, 1320 й.да Болоньяда ҳуқуқ асосларидан сабоқ олади. 1326 й.да П. Францискан орденига аъзо бўлади ва минорит даражасида фаолият кўрсата бошлайди. П. 1374 й.нинг 19 июлида Падуя яқинидаги Аркуа шаҳрида вафот этади.

П. ўзидан ажойиб илмий мерос қолдирди. Чунончи, 1342–1343 й.ларда лот. тилида ёзилган «Оламдан ҳазар қилиш ҳақидаги» фал-й трактати, 1374 й.да нашрга тайёрланган «Авлодларга мактуб» автобиографик а-ри, 1339–1342 й.ларда лот. тилида ёзилган «Африка» поэмаси, 1327 й.дан кейин ёзилган «Менинг Италиям» канциони, ш-дек, 1346–1366 й.ларда ёзилган «Ёлғизликдаги ҳаёт ҳақида»ги, 1358–1366 й.ларда битилган «Азоб ва қувончларга қарши воситалар», 1374 й.да чоп этилган «Республика ҳақида»ги а-рлари фикримизнинг исботидир. Ушбу а-рларда П. ўзининг фал-й қарашлари, хус-н олам ва одам тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Айникса, инсон ва унинг қадр-қиммати, тақдири ҳақида кўп бош қотирди.

П.ни замондошлари «биринчи гуманист» ёки «гуманизмнинг отаси» деб аташарди. Чунки у инсон ҳақида, унинг танаси б-н жони, жони б-н руҳи орасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақида кўп ўйлар эди. У Падуядаги аверроистлар мактабини қаттиқ танқид қиларди. Чунки, аверроизм тарафдорлари киши жонининг ўлмаслиги, унинг абадий мавжудлиги ҳақидаги антик замон мутафаккирлари қарашларларини инкор этишарди. П. фикрига кўра, индивидуал жон ҳам абадий ҳаётга муносибдир. Айни пайтда мутафаккир католик христианларнинг инсон ва унинг тақдири тўғрисидаги ақидаларига ҳам қўшилмас эди. Чунки, христиан католиклари инсон тақдирини, айникса бахт-иқболини унинг ўлимдан кейинги ҳаёти б-н боғлар эдилар. П. эса инсоннинг ўлимдан кейинги бахт-саодати ҳақида эмас, унинг ердаги, «бу дунёдаги» ҳаётида бахтли бўлиши ҳақида кўпроқ ўйлаш зарур эканлигини қайта-қайта такрорлар эди. Ш.у. ҳам П. инсоннинг руҳий кечинмаларига алоҳида эътибор б-н қарайди. Инсонни руҳий-маън-й оламини ҳар томонлама улуғловчи антик замон файласуфларига мурожаат қилади. Худди ш.у. ҳам П. ўзининг инсонпарварлик ғояларини шакллантиришда антик мад-т, хус-н антик-фал-й меросга таянди. Ўз ижодида антик мад-тни тарғибот ва ташвиқот қилишга кўпроқ эътиборни қаратди. У тўплаган лот. тилида ёзилган қўлёзмалар, классик матнлар ўз замонасининг ноёб кутубхонасини ташкил этди.

П. антик замон мад-тини улуғлар экан, унга тарихийлик н. назаридан ёндашди. Мутафаккир учун антик замон ортда қолган жаннат ёхуд олтин аср эмас, балки муҳим аҳамиятга эга бўлган мад-й меросдир. Ушбу мероснинг гуманистик моҳиятини замондошларига тушунтириб беришни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билган. П. назарида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига кўра, Рим Юнонистондан устунроқ туради. Чунки, Рим жаҳон цивилизациясининг анъанавий намунаси эди.

Ўзининг гуманистик қарашларини баён этишда П. ўрта а.лар мад-й меросига, жумладан Августин ижодига ҳам мурожаат этди. У, ш-дек, «Ўз билимсизлигим ва ўзгалар билимсизлиги ҳақида» номли трактатида Ибн Рушд тарафдорларига қарши чиқди. Ўз навбатида, П.нинг фикр-мулоҳазалари Ибн Рушд тарафдорларининг бошқа бир танқидчиси Фома Аквинский қарашларидан ҳам мутлақо фарқ қиларди. Ш.у. ҳам П. ўзининг икки томонлама ҳақиқат тўғрисидаги таълимотини яратиш жараёнида ҳатто Фома Аквинскийнинг номини эслатиб ҳам ўтмади.

П. ҳар қандай обрў-эътиборга сажда қилишга қарши чиқди. У Аристотель қарашларини эмас, балки ёлғон обрў-эътибор ҳақида фикр-мулоҳаза юритган «эси паст аристотелчилар»нинг қарашларини танқид қилди. Унинг фикрига кўра, ўрта а.лар охирида юзага келган ун-тлар инқирозга юз тутмоқда эди. Чунки ўрта а.лар охирида ун-тларнинг ўқитувчилари «художуйликдан борган сари йироқлашиб бораётган, теологияни обрўсизлантираётган эдилар». П. ўзининг билимсизлигини тан олиш орқали ўз тафаккурининг схоластик ғояларидан озод бўлаётганини ифодаламоқчи бўлди.

П. ўз замондошлари каби бағоят художуй одам эди. Лекин, у ўрта а.лар схоластикасининг сохта, ясама билимдонлигини тан олмас эди. Инсон ўзидаги барча қобилият, истеъдодларини эркин намоён қилиши зарур, деб ҳисобларди. Инсон инсондек роҳат-фароғатда яшашга, ҳузур-ҳаловат олишга ҳақ-ҳуқуқи борлигини исботлашга уринди. Ш.у. бўлса керак, у ўзининг фал-й қарашларига ахлоқий сайқал берди. Бунинг учун эса қад. юнон файласуфи Сукрот фал.сига қайта-қайта мурожаат этди. П. ахлоқий қарашларида инсон муҳаббати муаммолари биринчи ўринда туради. Муҳаббат инсон маън-й етуклигининг энг олий ифодасидир, деб таърифлайди у, ш-дек, ўзининг «Менинг сирим» номли фал-й мулоқотларида инсоннинг руҳий кечинмалари хусусида бош қотиради, инсоннинг руҳий-маън-й камолот томон бошлаш ҳақида ажойиб ғояларни кун тартибига қўяди. Бу борадаги мутафаккирнинг фикр-мулоҳазалари ўша замон Европа адабиёти учун нотаниш – лирик жанрда ёзилган эди. Худди ш.у. ҳам П. Европа адабиётида лирика жанрининг асосчиси деган номга сазовор бўлди.

П. номи Европалик инсонпарвар ва маърифатпарвар мутафаккирлар орасида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг номи а.лар оша аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

**ПИЕТЕТ** (лот. pietas – тавфиқ) – римликларда Худолар ва одамлар ўртасидаги самимий дўстона мун-т. Кейинчалик, бу сўз одамга нисбатан қўлланилиб, тавфиқлилик, диёнатлилик маъносида ишлатилган. Бундан ташқари, бу сўз ота-она, аждодлар, муассасалар, ўз Ватанига бўлган ҳурмат маъносида ҳам ифодалаган.

**ПИЕТИЗМ** (лот. pietas – очиқ кўнгиллилик) – XVII–XVIII а.ларда протестантизмнинг оқими. Догматик диний таълимотларга рационалистик н. назардан қараган. П. динни янгилаш тарафдори эди. Ҳиссиёт б-н фал-й мистика анъаналарига қайтишни ёқлайди. П. Гёте а-рларида ҳам ўз аксини топган, Гердерга ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. П. немис адабиёти ва романтизми ривожида, шахс етуклиги муаммосига кенг ўрин берган.

**ПИРРОН** (тахм. мил. ав. 365–275 й.) – қад. юнон скептицизмининг асосчиси. П. Александр Македонскийнинг ҳарбий юришларида қатнашган, ҳеч қандай а-р ёзмаган. Унинг фал-й қарашлари Секст-Эмпирикнинг «П. қоидалари» а-рида баён этилган. П. Элида шаҳрида ўз мактабини яратган. Унга Афинанинг фахрий фуқароси унвони берилган. П.нинг қарашларини унинг шогирдлари Тимон ва Евсевия ёзиб қолдирганлар. Тимон устозига учта савол б-н мурожаат этган: «Нарсаларнинг моҳияти нимада? Уларга қандай мун-тда бўлишимиз керак? Бундан қандай хулоса келиб чиқади?»

П. Тимоннинг биринчи саволига «биз нарсалар ҳақида бошқасига нисбатан катта эмас, деймиз. Бундан биз нима бўлганда ҳам нарсаларининг моҳияти ҳақида фикр юритмаганимиз маъқул, деган хулоса келиб чиқади. Бизнинг ҳар қандай мушоҳадамиз объектив олам б-н алоқада эмас, балки бизнинг субъектив ҳолатимиз б-н боғлиқдир. Учинчи саволга жавоб берар экан, биз ҳар қандай нарсадан холи бўлган руҳий ҳолатга эга бўлишимиз керак, агар ҳаракат қилиш зарурияти пайдо бўлса, урф-одлар, мам-тнинг қонун-қоидалари б-н иш юритишимиз лозим», дейди. П. оламни билиш мумкинлигини инкор этди, донолик фақат Худонинг қўлидадир, деб тушунди.

**ПИРС, Чарльз Сандерс** (1839–1914) – XX а. бошлари ва кейинги й.ларда Ғарб фал.сида катта аҳамиятга эга бўлган прагматизм фал.си асосчиси. Америкада туғилган ва шу ерда ижод қилган. Кембриж, Бостон ва Бальтимор ун-тларида ишлаган, замонавий АҚШ фал.сининг «отаси», деган ном олган. П. АҚШда фақатгина файласуф бўлибгина қолмай, ўз даврида фаннинг астрономия, мат., химия, логика каби соҳаларини ривожлантирган. Семантика фанига асос солган, ш-дек, мантиқ фани ривожига ҳам катта ҳисса қўшган ва математик топология соҳасида П. Листинг назиясини кашф қилган.

Прагматизм фал.сида П. Декартнинг фал-й қарашидаги «умумий методологик шубҳа» таълимотини атрофлича танқид қилади. 'Бу танқид П.нинг 1868 й.и «Спекулятив фал. журнали»да нашр қилинган илк мақолаларида ўз аксини топган. Пирс Декартнинг қуйидаги уч асосий тамойилини қатъиян танқид остига олади: методологик шубҳа, интуиция ва ҳақиқат мезонининг равшан ва аниқ ғоялар сифатида намоён бўлиши ҳақидаги қарашларини инкор қилади.Декарт фал.сида асос қилиб олинган умумий шубҳаланиш таълимоти ҳақиқий билимнинг мутлақ ва ишонарли негизини яратиш учун илгари сурилган эди. Ш-дек, Декартнинг бу услуби нуфузли шахслар фикрига кўркўрона эргашишга, хурофотларга, кенг тарқалган оммавий фикрларга, баъзи эътиқодга қарши қаратилган эди. П.нинг фикрича, ҳар нарсадан шубҳа қилиш Декарт айтганидек, осонликча бўлмайди. Инсон ҳаётида шубҳаланмайдиган ходисалар ва нарсалар кам эмас. Уларнинг борлигидан шубҳаланиш ҳаётий тажрибага тўғри келмайди.

Фан ва т.лар нарсаларнинг инъикосидир. П. учун фикрларнинг мантиқий боғланиши ўзининг инъикос сифатидаги аҳамиятини йўқотади, у ўз диққатини ғояларни боғлаб турувчи ички қонуниятларга қаратади. П. учун ғоялар боғланишининг ички қонуниятлари ташқи оламдаги объектларга эмас, балки улардан ташқаридаги «трансцендентал борлик»қа боғланади. Трансцендентал объектнинг борлигини исботлаб бўлмайди, лекин биз уни борлигига ишониб, шунга асосланган тарзда иш юритишимиз керак. Фикримизнинг тўғри ва нотўғри рив-ши шу трансцендентал объектга бориб тақалади.

П. фикрича, ҳеч қандай ғоя нарсаларни акс эттириб, улар ҳақида мутлақ билим бермайди. Унинг учун ғоялар, фикрлар билим эмас, балки нарсалар борлигини кўрсатувчи белгилардир. Белгиларнинг ўзи ҳам талқин қилинишга ва уларнинг ички маъносини очишга мухтождир. Бу белгиларнинг маъносини улардан юқори даражада турган бошқа белгилар очиб беради. Ўз навбатида, юқоридаги белгилар, улардан ҳам юқорида турган бошқа белгилар томонидан талқин қилинади ва бу жараён чексиз бўлиб, унинг на бошланғич асоси ва охирги нуқтаси бордир. Ш.у. ҳам П. бошланғич билимларни тан олмайди, унингча «трансцендентал объект» белгилар орқали тушунтирилган билим жараёнидан четда қолади. Белгиларнинг моҳиятини очиб бериш масаласи кейинчалик П. томонидан ҳақиқат, ишонч ва билим ҳақидаги таълимотида ҳал қилинди.

Агар Декарт тафаккурни ташқи оламни акс эттириш қобилияти, онгнинг инъикос этиш хус-яти, деб тушунган бўлса, П. тафаккурни организмнинг ташқи муҳитга мослашиш фаолияти, деб тушунди. Биз учун нарсаларнинг ички моҳияти аҳамиятга эга эмас. Уларга биз қандай мослаша олишимиз ва қандай фойдалана олишимиз кўпроқ аҳамиятга эга. Тафаккурни бундай тушуниш психологик аҳамиятга эга ва уни эътиқод б-н боғлашга имконият яратади. Эътиқод, П. фикрича, ҳаракат қилишнинг энг фаол усулидир. Эътиқоднинг бундай талқинини П. XIX а.нинг машҳур инг. руҳшуноси Бэндан ўзлаштириб олди.

Билиш жараёнида шубҳани йўқотиш ва эътиқодни мустаҳкамлаш П.нинг шубҳа-ишонч наз-ясининг асосий ғояси ва унга хос фал-й тафаккурнинг асосий мақсадидир. Лекин инсон жам-тда яшар экан, ҳар хил фикр юритувчи шахслар тўқнашувининг олдини олиш учун П. нуфузли кишилар фикрини ҳам муҳим, деб ҳисоблайди. Мас., ўрта а.лар давомида христиан черкови ва б. диний муассасалар бу усулдан кенг фойдаланишган ва одамларни шу усул орқали бирлаштиришган. Фан услуби П.нинг фикри бўйича, ишонч мустаҳкам кучли далилга асосланиши керак. Бундай далил сифатида П. фан усулини таҳлил қилди.

П.нинг фикрича, фан объектнинг таҳлил қилиниши ва таърифланиши учун зарур бўлган объектив реалликдир. Бу реалликни қабул қилиш, унинг фикрича, кейинчалик объектив борлиқдаги ҳодисаларни ўрганишда керак бўлади. Лекин кейинчалик Пирс фаннинг объекти бўлган борлиқни гипотеза деб қабул қилди. Олдин ўзи тан олган фан услубига ўзи қарши чиқди. Чунки П. бутун борлиқни эмас, ўзи ўрганадиган айрим объектларнигина тан оларди. Ш.у. ҳам, П. бутун объектив борлиқнинг мавжудлигини фан томонидан исбот қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Унга фақат ишониш керак.

П.нинг прагматизмда илгари сурган ғояси шундан иборат бўлди-ки, у ғоялар маъносини уларнинг объектга амалий таъсири орқали очиб берди. Шу амалий таъсир орқали инсонга билимлар фойда келтирадимийўқми, деган масала Пирсни биринчи навбатда қизиқтирар эди. Бундан икки хулоса келиб чиқади, биринчидан, амалий таъсир нарсаларнинг борлигини эмас, бизнинг таассуротларимиздан иборат ва иккинчидан, бу таассуротларимиз бизнинг ҳис-туйғуларимизга боғлиқдир. Кейинчалик Пирс нарсаларнинг объектив борлигини тан олмай, уларни ҳис-туйғуларимиз маҳсулининг мажмуаси, деб ҳисоблайди. Бу б-н у Берклининг субъектив фал.сига яқинлашади.

«Биз ишонган нарса ҳақиқатдир». Бу прагматизмнинг тўғрироғи П.нинг ҳақиқатга берган умумий таърифидир. Ҳақиқатни бундай тушуниш унга нисбий тус беради ва уни инсон онгига, ишончига боғлаб қўяди. П. олим бўлганлиги учун ҳақиқатни мутлақ релятив т.га айлантирмади. Уни олимлар жамоасининг бирон-бир тадқиқот масаласи бўйича умумий фикрига боғлади. Шу йўл б-н П. ҳақиқат т.сига умумийлик хус-ятларини беришга ҳаракат қилди. Унингча, бирон-бир нарса ҳақида айрим олимларнинг фикри эмас, балки кўпчилик олимларнинг умумий келишилган фикри ҳақиқатдир. П. ҳақиқат таърифини берар экан, бу таърифга янги жиҳатларни киритди. Ҳақиқат – чексиз олимлар жамоасининг келишилган фикри, деб ҳисоблади. Кейинчалик бу таърифга П. «мақсад» т.сини ҳам киритди. У ҳақиқатни мақсадга олиб борувчи фаолиятга боғлади, яъни тўғри фикр бизни нотўғри фикрга нисбатан мақсадга тезроқ олиб боради, деб ҳисоблади.

Асосий а-рлари: «Фикрларимизни қандай қилиб аниқлаштириш мумкин» (1878), «Эътиқодни қайд

эгаларининг мафкурачилари, деб ҳисобласалар, б.и эса шаҳар аҳолиси бўлмиш савдо ва ҳунармандчилик намояндаларининг мафкурачилари, деб биладилар. Чунки, улар ҳокимияти даврида «Буюк Эллада» полисларида тангалар зарб қилинган. «П.и.»чилар сиёсий қарашларининг холис таҳлили шуни кўрсатадики, улар анархияга жуда ҳам нафрат б-н қарашган. Давлат қонунчилиги манбаини улар Худодан деб билганлар. «П.и.»чилар иттифоқининг ичида «Ота-боболардан қолган урф-о.лар» тарафдорлари б-н ҳамма олий ҳокимиятда ва халқ мажлисида иштирок этиши зарур, деб ҳисобловчилар, яъни аслзодалар ва демократлар ўртасида сиёсий кураш борар эди.

Маълумотларга кўра, аввалида «П.и.»чилар Кротон ва «Буюк Эллада»нинг бошқа шаҳарларида ҳокимият тепасига келишган. Аммо уларга Килон деб аталган кимса ва унинг тарафдорлари қарши туришган. «П.и.»чилар Кротонда Милон уйида ўз курултойларига тўпланган вактда Килоннинг тарафдорлари бу уйни ўраб олиб, ёқиб юборишган.

**ПИФАГОРЧИЛИК** – Пифагор издошлари, уларнинг фал-й-сиёсий қарашлари ва амалий фаолиятлари, аллома томонидан дастлаб мил. ав. 532 й.и ҳукмдор Поликратнинг тазйиқи б-н Жанубий Италиядаги Кротон шаҳрига кўчиб кетиб, ерда диний-фал-й жам-т – «Пифагор иттифоқи» уюшмаси тузилишидан бошланган фал-й оқим.

Илк пифагорчилардан қуйидагилар машҳурдир: Пармениск, Перкопс, Бронтин, Петрон, Алкмеон. Гиппас ҳамда Бронтиннинг хотини Дейноно (Теано). У ҳақда Ямвлих қайд этиб ёзадики, «у ақлли ва доно аёл бўлиб, олийжаноб қалбга эга эди». Унинг олдига Кротонли аёллар илтимос б-н келиб, Пифагорни ўз эрлари б-н гаплашиб, уларга ўз хотинларига нисбатан оқилона мунтда бўлишни уқтиришни сўраганлар. Никостратга ёзган хатида Дейноно қуйидагиларни айтган: «хотиннинг хайрли фазилати эрини эҳтиёт этиш ва кузатишдангина эмас, балки унга ёқиш учун унинг истакларини бажо келтиришдадир. Бунга эришиш учун эса унинг (эрининг) аҳмоқликларига сабр-тоқат б-н чидаши керак». Пифагорчилар дин ва ахлоқни жамтни тартибда тутиб турувчи асосий омил сифатида ҳисобладилар. Уларнинг бу масаладаги қарашларига форс ва ҳинд илоҳиёти маълум таъсир ўтказган.

Пифагорчилар мўътадил рив-ш тарафдорлари бўлган демократик тамойилдаги шахслар эдилар. Уларнинг христианлик таълимотидан аввал абадийлик қаршисида барча руҳларнинг тенглиги ғоясини илгари сурганликлари диққатга сазовордир. Пифагорчилар биринчи бўлиб, соннинг аҳамиятини ва ролини кўрсатдилар. Улар оламнинг бирламчи асосини сон деб билдилар. Пифагор ва унинг тарафдорлари сонда гармоник уйғунлик хусусиятларини кўрдилар. Улар Шарқ мутафаккирларидан оддий математик исботлаш усулини олган ва бу б-н милетликлардан ўзиб кетган эдилар. Бироқ шунга қарамай, улар ҳам оламнинг асоси нима, деган саволга жавоб бера олмаган эдилар. Соннинг мутлақлаштирилиши пифагорчиларнинг тарихан чекланганлигидан далолат берарди. Улар ҳамма нарсадан гўзал миқдорий мутаносибликни топишга ҳаракат қилдилар. Бундай интилиш муқаррар равишда олам қонуниятларини очишга ундар, бу эса, ғоят мураккаб вазифа эди. Пифагорчилар гармоник мутаносибликни ниҳоятда севдилар, у б-н ҳайратландилар ва ўз ҳаётларини ана шундай ташкил этишга интилдилар.

Пифагор таълимотида инсон вафотидан кейин унинг руҳининг бошқа мавжудотларга кўчишига ишонч, овқатланиш ва хулқ-атвор қоидаларини олдиндан белгилаш масалалари муҳим ўрин эгаллаган. Пифагор таълимоти шогирдлари томонидан ривожлантирилди. Пифагорчилар оламнинг диалектик бирлигини асослаш мақсадида жуфт фал-й категорияларни (тоқ ва жуфт, ёруғлик ва қоронғилик, тўғрилик ва эгрилик, ўнг ва сўл, эркак ва аёл) ишлаб чиқдилар.

Пифагорчилар субстанция тўғрисидаги, табиатнинг бирламчи асослари тўғрисидаги, ўзгаришлар тўғрисидаги масалалар б-н шуғулландилар. Уларнинг бу масаладаги қарашлари милетлик файласуфлар ва Демокритнинг қарашларидан кескин фарқ қилар эди. Пифагорчилар оламнинг моддий элементи тўғрисида эмас, балки унинг таркиби ва шакли тўғрисида фикр юритдилар. Улар табиат фақат мат. оркалигина ўрганилиши ва кашф қилиниши мумкин, деб ҳисобладилар. Шу мақсадда қуйидаги далилларни кўрсатдилар: 1. Гармония (мутаносиблик) тўғрисидаги таълимот орқали мат. б-н мусиқа ўртасидаги бевосита алоқадорлик мавжудлигини кўрсатдилар. 2. Тўғри учбурчакнинг томонлари ўртасидаги нисбатни очиб берувчи Пифагор теоремаси мат.ни бошқа моддий нарсаларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкинлигидан далолат беради. 3. Осмон жисмларининг доиравий ҳаракати ҳам бу жисмларнинг мат.га бўйсунишидан гувоҳлик беради.

Пифагорчилар барча нарсалар асосида математик структуралар ва мун-тлар ётади, деб ҳисобладилар. Мат.ни бундай тушунишга далил сифатида қуйидаги фактларни келтирдилар: нарсалар йўқолади, лекин математик структуралар ва т.лар барқарорлигича қолаверади. Ўз моҳиятига кўра, мат. ўзгармасдир. Математик билимлар аниқ билимлардир, чунки унинг объекти ўзгармасдир. Бундай билимнинг муайянлиги шундаки, математик теоремалар мантиқан исботланади. Пифагорчиларда диний мистицизм ва математик тадқиқот ёнма-ён ва бирбири б-н боғлиқ равишда ривожланди.

Пифагорчилар таълимотида жам-тга иерархик қараш б-н руҳни гуноҳлардан сақлаш тўғрисидаги таълимот ўртасидаги алоқадорлик ўз ифодасини топган. Пифагорчилар аскетик хаёт тарзи б-н фал-й, математик билимларни эгаллаш ўртасида узвий алоқадорлик мавжудлигини кўрсатдилар.

Пифагор таълимотининг ислом фал.сига таъсири катта бўлган. Ушбу таълимотга ислом алломаларининг қизиқиши юнон ва Искандария мадтининг бевосита таъсири остида юз берди. Буни Ибн Сино ўзининг «Алишорат ва ат-танбеҳот» а-ри (4-қисм 36-саҳифаси)да қайд этган. Мусулмон мутафаккирларини тавҳид (яккахудолик) масаласи қизиқтирганлиги учун улар Пифагор наз-ясидаги сонлар, жумладан, 1 рақамига алоҳида эътибор берилганлигини қадрладилар. Ҳатто Пифагор фал.сининг энг дағал жойи бўлган, руҳнинг кўчиб юриши, яъни таносух наз-яси ҳам Муҳаммад ибн Закариё Розийнинг эътиборини жалб қилган эди.

Пифагор фал.сининг хус-яти бўлган илм б-н ирфонни ғаройиб тарзда бир-бири б-н қўшилиши ислом тафаккуридаги бир-бирига мухолиф бўлган икки қутбни келиштиришга қаратилган эди. Юнонча тафаккур тарзига тушиб қолган, аммо иккинчи томондан Шарқ ҳикмати таъсиридан чиқиб кета олмай, иккиланаётганлар учун бундай қўшилиш маън-й озуқа бўлиб хизмат қилган. Пифагор фал.сининг ички хислати бўлган таркидунёчилик тамойили ҳам, муайян даражада, Шарқ руҳига муносиб келар эди. Бундай руҳият X а.даги ижт-й ва сиёсий можаролардан ўзни олиб қочиш зарурияти туфайли туғилган эди. X а. ислом тарихида нафақат буюк илмий ва фикрий тар-ёт даври, балки ислом империяси сиёсий бирлигини тадрижий узилиши ва Бағдод халифалари шону шавкатининг қўлдан кетиши ҳам рўй берган эди. Агар бу халифаларнинг фармонлари илгари Синд дарёсидан тортиб Атлантика океанигача бўлган минтақаларда бажарилган бўлса, энди кичик амирликларга бўлиниш ва уларнинг мустақиллик даъволари юз берди. Саффорийлар (867–908) Эронда, сомонийлар Мовароуннахр

ва Эронда (874–979), газнавийлар Афғонистон ва Панжобда (962–1186), ислом дунёсида шиа мазҳабини ёйилишига сабабчи бўлган Ол Буйа (946–1055) ва уларнинг равнақига тўсқинлик қилган Салжуқий турклар (1055–1194) мустақил сулолалар сифатида фаолият кўрсатган эдилар. Мисрда фотимийлар (909–1171), Андалузияда уммавийлар (912–1031) Х а. бошидаёқ, мустақил ҳукмронликни бошлаган эдилар.

Ана шундай таҳликали даврда пифагорчиликни асос қилиб олган «Ихвон ас-сафо» номли махфий диний-фал-й ташкилот Басрада фаолият кўрсатди. 52 фал-й рисола ва битта умумий илмларга бағишланган китоб ёзган бу ташкилот аъзоларининг биринчи даражали қизиқиши «илоҳий илм» бўлган. «Ихвон ас-сафо» ёзган 52 рисола янги пифагорча ва янги афлотунча фикрлар қоришмасидан, ҳамда табиатшунослик – математик т.лардан иборат эди.

«Ихвон ас-сафо» Пифагорга ҳам доим иззат-ҳурмат кўрсатиб, уни «ҳаким» деб атадилар ва уни мақташ ва унга таянишни тўхтатмадилар. Аммо улар ҳар қандай бошқа манбалардан фойдаланишни ҳам давом эттирдилар. Уларнинг шиори шундай эдики, «ҳеч қандай илм манбаси инкор этилмасдан фойдаланилсин ва барча диний эътиқодларнинг ижобий томонлари ўзлари яратаётган таълимотларга киритилсин».

Пифагор ва унинг издошлари таълимоти кейинчалик Уйғониш даври ва ундан сўнгги фал. ва табиатшунослик ривожида муҳим роль ўйнади. Пифагорчилар фал.ни мат. б-н узвий боғладилар ва оламнинг миқдорий таркиби тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйдилар. Уларнинг фал-й қарашлари кейинги давр фал-й тафаккури ривожига кучли таъсир кўрсатди.

**ПЛАНЕТАР ОНГ** – мутахассислар томонидан кейинги й.ларда муайян жам-тлар, давлатлар ва миллатлар эмас, балки бутун жам-тга хос шаклланаётган умумий онг шаклини ифодаси сифатида талқин қилинаётган т.. Унинг зарурлиги баъзи адабиётларда ҳам алоҳида қайд этилмоқда. Чунки, планеталараро онгнинг шаклланиши ўзига хос хус-ятларга эга. П.о.нинг муҳим сифатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, умуминсоний қадриятлар хусусий (регионал, миллий, синфий) қадриятлардан устун бўлиб, П.о.да доминантлик қилади. Мана шу доминантликка локайдлик планетар онг маъносининг йўқолишига олиб келади. П.о. яратилган тақдирда ҳам дунёвий ҳамкорлик турли-туманлигича ва карама-каршилигича қолаверади. Ривожланган давлатлар ўртасидаги сиесий, иқт-й зиддиятлар сақланиб қолади: ўткир ва хавфли низолар (конфликтлар)ни келтириб чиқаради. Шимол ва жанубнинг қарама-қаршилиги синфлар ўртасидаги, этник гуруҳлар ўртасидаги танглик кўп мам-т ва минтақаларда ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Иккинчидан, П.о.нинг вазифаси юқорида тилга олинган муаммоларни кейинга суриб, глобал муаммоларни ҳал этишда барча мам-т ва халқларнинг изчил ҳамкорлигини таъминлашдан иборат. «Бутун дунё ҳалок бўлсин, лекин ҳақиқат тантана қилсин» деган тамойил ҳар қандай инсонпарварлик мазмунидан маҳрум эди, лекин бугун ҳалокат ёқасида турган дунёда бу тамойилга амал қилиш жиноятга айланмоқда. Дастлаб дунёни ҳоз. кунда қандай бўлса шундайлигича сақлаб қолиш керак. Худди мана шу буюк вазифа планетар онгни юзага келтирди. «Планетавий онг» т.сини аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, кўпчиликка тааллуқли онг эканлиги назарда тутилади, у фақатгина профессионал сиёсатчиларгагина тааллуқли эмас.

Учинчидан, П.о. айрим халқлар ва мам-тларнинг ижт-й онгини, ш-дек, индивидуал онгини тузатишга олиб келади. Ўзини жаҳон фуқароси сифатида ҳис этиш ҳоз. пайтда сиёсий мад-тнинг узвий элементига айланди. Бу ҳолат индивидуализм ва коллективизм мун-тларини ижт-й мад-т қадриятлари сифатида рившига туртки берди. Асрлар мобайнида ҳукмрон бўлиб келган мам-тлар ва халқларнинг индивидуализми планетавий коллективизм томон кўпроқ силжимоқда. Дунёни қутқариш учун бундан бошқача йўлнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Планетавий бирдамлик онг фактидан умуминсоний амалиётга айланиши керак. Дарвоқе, бу ҳақда Бутунжаҳон файласуфларининг XIX конгрессида айтиб ўтилган эди (Москва, 1993). Бугунги кунда ривожланган Ғарб мам-тларида коллективизм фойдасига сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Шуни таъкидлаш кераки, бундай силжишларнинг халқаро ва ички вариантлари бир йўналишга эга.

Тўртинчидан, П.о. табиий, техникавий, гуманитар, фал-й фанларнинг янги ютуқларини четлаб ўтиш орқали глобал муаммоларни «соғлом фикрлаш» ёрдамида ҳал қила олмайди. Планетавий онг синергетиканинг муҳим хулосаларини ўз ичига олади, яъни: а) мураккаб тузилган тизим (худди шундай «жам-т – табиат» тизими уларнинг рив-ш йўлларини тўсиб қўймаслиги керак, балки уларни тушуниш, уларнинг ўз йўлларини топиш зарур); б) мураккаб тизимлар учун рив-шнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд, уларни ўрганган ҳолда апокалистик вариантларни рад қилиш керак, илмий-техникавий рив-ш ютуқларидан фойдаланган ҳолда кейинги рив-шнинг шундай вариантини топиш керакки, у инсонларни қониқтириши ва табиатнинг емирилишига йўл қўймаслиги керак; в) мураккаб тизимни ва бошқарувни ишончли текшириш учун куч муҳим эмас.

Ҳоз. даврда миллий муаммолар миллий ўзликни англашда ўз аксини топганидек, XXI а.нинг глобал муаммолар системаси умумпланетавий ўз-ўзини англашда ифодасини топмоқда. Бундай шароитда П.о. мавзусини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**ПЛАНК (Planck), Макс** (1858.24.04, Кил – 1947.4.10, Геттинген) – физикада биринчилардан бўлиб квант назариясига асос солган машҳур немис олими. М.П. Максимилиан гимназиясида таълим-тарбия олди, уч й. Мюнхен ун-тида, кейин эса Берлин ун-тида таҳсил кўрди. У, айниқса Гельмгольц, Кирхгоф ва Клаузис каби йирик олимларнинг физика соҳасида эришган ютуқларига ўта қизиқиш б-н қарайди. У 1878 й.и Берлин ун-тини тамомлагач, Мюнхенга қайтади. Олий ўқув юртида ўқитувчилик қилиш мақсадида имтиҳон топширади ва орадан бир й. ўтгач, термодинамиканинг иккинчи қонунини қайта асослаб беришга бағишлаб д-рлик диссертациясини ёқлайди. У Берлин ун-тида қирк й. мобайнида талабаларга таълим бериш б-н машғул бўлди. 1894 й. Пруссия фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланади, 1902 й.дан эса унинг илмий котиби лавозимини эгаллайди.

П. даврида кўпгина олимлар, жумладан О. Жолли, Г. Кирхгоф, Г. Гельмгольц ва б. физика соҳасида барча асосий наз-я ва илмий тамойиллар ўзининг мантиқий такомилини топди, эндиликда унга таҳлика соладиган хавф-хатарлар йўқ, фан ўзининг хотиржамлигига чек қўйди: термодинамика қонунларига, энтропия, эритманинг тўйиниши масалаларига мурожаат қилди. Айниқса, Г. Кирхгоф томонидан XIX а.нинг 50-й.да асослаб берилган иссиқликнинг нурланиши қонуни қониқтирмас эди. Рэлей, Джинс, Лоренц ва б. классик механика қонунларини изидан боришиб, иссиқ жисм ҳар қандай ҳароратдан қатъи назар, спектрнинг ультрабинафша қисмида узлуксиз тарзда электр энергиясини нурлатиб туриши лозим, деган хулосага келган эдилар. П. эса узоқ илмий изланишлар натижасида атом ва молекулалар томонидан электромагнит энергиясининг чиқариши ва ўзида сингдириши узлуксиз тарзда эмас, балки дискрет, узлукли, муайян квант миқдори тар-

зида рўй беришини башорат қилади. Келажакда бу илмий гипотеза квант наз-ясининг муҳим асосига айланди. Мазкур гипотезани таҳлил қилишда Эйнштейннинг нисбийлик наз-ясига теран кириб борди ва Минковскийдан бирмунча аввал релятивистик динамика негизини яратди. Эйнштейннинг таъкидлашича, П. биринчи бўлиб моддий нуқта ҳаракатининг релятивистик қонунини асослаб берди ва квант ҳаракат классик механикадагина эмас, балки нисбийлик наз-ясида ҳам устувор мақомга молик эканлигини кўрсатиб беришга эришди. У ўзининг илм. тад.ларида энергия ва инерт массанинг ўзаро узвий боғлиқлигини теран таҳлил қилди. Асосий а-рлари: «Физикадан лавҳалар», «Физикавий билишнинг янги йўналишлари», «Динамик ва статик қонунлар», «Физика наз-яларининг ўзаро мун-ти», «Энг янги физиканинг механистик дунёқарашга мун-ти», «Илмий ғояларнинг вужудга келиши ва ўзаро бир-бирига таъсири».

**ПЛАТОН** (мил. ав. 427–347, Афина) – файласуф, санъаткор, шоир ва драматург. Аттика қироли сулоласига қарашли Кодра оиласида туғилган. Онаси Периктиона ҳам ўз даврининг атоқли арбоблари – машҳур қонуншунос Салон ва ҳукмдор Критийлар сулоласидан. Маълумотларга кўра, Критий П.нинг Суқрот таълимини олишига сабабчи бўлган. Устози Суқротнинг фожиали ўлимидан (399) сўнг П. Афинани тарк этади. Авваламбор у Мисрнинг Гелиопол шаҳрида мат., жам-тшунослик, иқтисодиёт ва б. фанларда эришилган ютуқлар б-н яқиндан танишади, сўнгра жанубий Италияга ва Сицилия оролига боради. 12 й.лик ушбу саёҳат давомида илмий ва ҳаётий жиҳатдан фойдали маълумотлар тўплайди. Жанубий Италияда пифагорчилар таълимоти б-н яқиндан танишади, айниқса, машҳур Архит фаолияти тажрибасида давлат арбоби учун фаннинг (айниқса мат.) қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кузатади. Сицилияда эса, П. Италия ва Юнонистонда энг машҳур бўлган мад-й марказ – Сиракуза шаҳрининг ҳукмдори Дионисийнинг кўп қиррали сиёсий-бошқарув фаолиятини ўрганади ва унинг меросхўри Дион б-н яқиндан танишади. 367 й.да Дионисий I нинг ўрнига Дионисий II тахтга ўтиргандан сўнг ҳукмдор маслаҳатчиси Дион таклифига биноан П. яна Сицилияга келади. Чунки П. учун бўлажак подшо Дионни идеал давлат қуришга тайёрлаш асосий мақсад эди. Лекин П.нинг ушбу мақсади маълум сабабларга кўра рўёбга чиқмади, аммо энг муҳими – ғоя яратилган эди. Афсуски, бу ғоя амалга ошмаслиги ва Платон Дион ҳукмига кўра қул қилиб сотиб юборилиши ҳам мумкин эди. Бахтли тасодиф алломани сақлаб қолган ва у кейинги умрини Афинанинг Гакадемия деган жойида, ўзи ташкил қилган илм даргоҳида ўтказган.

П. мероси ниҳоятда катта ва залворли. У суҳбат шаклидаги бадиийфал-й а-рлар ёзиб қолдирган. Унинг фал-й қарашлари «Тимей», «Катта Гиппий», «Федон», «Базм», «Филеб», «Федр», мантиқий таълимоти – «Софист», «Театет», «Менон» сиёсий қарашлари эса – «Сиёсат», «Қонунлар», «Критий», «Давлат» ва б. а-рларида баён этилган. П. фал. сида «ғоялар дунёси ва соялар дунёси» асосий ўринни эгаллайди. Унинг таълимотига кўра, «ғоялар дунёси» бирламчи, «соялар дунёси» эса иккиламчидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқни ифодалайди, соялар, яъни оламда мавжуд нарса, ҳодисалар ўзгарувчан бўлгани боис ҳақиқий бўла олмайдилар. Чунки ҳақиқий тараққиёт ғоялар дунёсига хос. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиётни ҳамма ҳам билмайди, чунки уларни билиш учун инсон катта ақл, соф тафаккур эгаси бўлиши керак, ўзгарувчан соялар дунёсини билиш учун инсонга ҳиссиёт ва идрок етарлидир. «Ғоялар дунёси» замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангу, абадий ва ўзгармасдир ва у ҳақиқий дунёдир.

Файласуфнинг фикрича, табиат – ғоялар маҳсули. Ғоялар ўзгармас, абадий, ҳаракатсиз. Ҳис қилинадиган нарсалар эса ғояларнинг сояси. Моддий дунё ўткинчи, ғоялар дунёсида энг олий ғоя – Худодир. Моддий дунё – ҳайвонлар, маъданлар, ўсимликлар «умумий ғоялар»нинг нусхасидир. Энг олий ғоя ва ҳақиқат ғояси гўзаллик ғояси бўлмай, балки фаровонлик ғоясидир. У фаровонликни мақсадга мувофиқлик ва ақл б-н тенглаштиради. П. ўзининг «Тимей» а-рида космогоник ва космологик наз-яни илгари суради.

Унинг билиш наз-ясида диалектика масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Диалектика деганда, у савол-жавоб, оғзаки суҳбат, исботлаш, ҳиссий билишдан қутулиш ва тафаккур орқали ғоялар дунёсининг идрок қилиш воситасини тушунади. П.нинг диалектик қарашлари метафизик табиатга эга бўлиб, ундаги умумий ғоялар ҳаракатсиз ва ўзгармасдир. П. савол беришни биладиган ва унга жавоб бера оладиган кишиларни диалектиклар, деб атайди. Унингча, диалектика, бу – кишиларнинг саволлар беришнинг уддасидан чиқиб, унга жавоб беришга қодир бўлишидир. П.нинг фикрича, одамлар ҳиссий қабул қилишдан воз кечиб, ақлий билимга ўтишлари зарур. Умуман олганда, П.нинг диалектикаси Гераклит диалектикасига яқин туради. П.нинг диалектикаси Гегель диалектикаси учун асос бўлиб хизмат қилди.

П. ижт-й-сиёсий масалаларга бағишланган бир неча а-рлар муаллифидир. Булар «Давлат», «Қонунлар», «Критий», «Сиёсат» каби рисолалардир. П. давлат ва уни бошқариш услублари тўғрисида фикр юритар экан, мавжуд давлатларни инсонлар ҳаётида салбий роль ўйнаётганлигини, зероки уларда бойлар ва камбағаллар мавжудлигини айтади. Бундай давлатлар шаклига қараб олигархия, демократия, тирания, теократияга бўлинади. У демократияга қарши курашиб, уни энг ярамас давлат, деб ҳисоблайди. П. аристократик давлат тарафдори бўлади. У мукаммал давлат тўғрисидаги утопик – хаёлий қарашларини баён этади. Бундай давлатни ақлли, ишбилармон, доно, қобилиятли кишилар гуруҳи идора қилиши керак. Мукаммал давлатнинг муҳим хус-яти адолат қонунқоидаларига амал қилишдир.

П. аристократик жам-тни учта ижт-й қатламга ажратади: биринчиси – файласуфлар, иккинчиси – ҳарбийлар, учинчиси – деҳқонлар ва ҳунармандлар. У давлатни файласуфлар ёки фал-й фикр юритишга қодир арбоблар бошқариши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳарбийлар эса мамлакатда тартиб-интизом ўрнатилишига ёрдам бериши, давлат хавфсизлигини таъминлаши лозим. П.нинг фикрича, файласуф ва ҳарбийлар ҳеч қандай мулкка эга бўлмасликлари керак. Деҳқонлар ва ҳунармандлар мулк эгалари бўлиб, улар файласуф ва ҳарбийларни таъминлаб туришлари керак. П. ўзининг ижт-й қарашларида фақат эркин фуқаролар тўғрисида фикр юритади. Қулларни эса инсонлар қаторига қўшмайди. Қуллар жам-тда ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилган, деб билади.

П. кишиларнинг фазилатларини туғма, бир хил ва ўзгармас, деб ҳисоблайди. Унингча, инсонда туғилгандаёқ яхшилик, софдиллик, ёмонлик, ғаразгўйлик тўғрисида т. бўлади. У ҳар хил табақага ҳар хил хислатлар хослигини айтади. Мас., донолик файласуфга, шижоаткорлик ҳарбийларга, мўътадиллик (иффат) қуйи табақага хосдир. Юқоридаги учта фазилатнинг қўшилувидан адолат ҳосил бўлади. Ҳар бир табақа ўз иши б-н машғул бўлиши, б.нинг ишига арашмаслиги даркор. Давлат эса ўз фуқароларини, айниқса ёшларни тарбияси б-н шуғулланиши лозим. П. ахлоқ масалаларини объектив ғоя н. назаридан туриб ҳал қилди. П.нинг ахлоқий қарашлари у тарғиб қилган ғояларга асослангандир. Файласуф инсонлар яшаб турган дунёни ҳақиқий дунёнинг, яъни ғоялар дунёсининг сояси, деб билгани учун инсоннинг бирдан-бир мақсади ахлоқий идеал яна қайтиб, ана шу ғоялар ола-

мига кўшилишидан иборат, дейди. Мутафаккир ахлок муаммоларига тўхталар экан, инсондаги фазилатлар ва салбий иллатлар туғма эканлигини таъкидлайди. Унинг акидасига кўра, яхши хулк-одоб эгаси бўлган киши ўзининг фазилатларини бошкача намоён эта олмайди. Яхши малакани ҳатто таълим бериш, ўкиш-ўкитиш ва машк килиш оркали ҳам эгаллаб бўлмайди. Яхши хулкли ота-оналарнинг фарзандлари ҳамма вакт одобли бўлавермайди, деб хулоса килади.

П.нинг эстетик карашлари унинг «Софист», «Базм», «Қонунлар», «Федон» ва б. а-рларида ўз ифодасини топган. П. эстетикаси унинг «ғоялари» б-н чамбарчас боғликдир. У мана шу ғояларидан келиб чикиб, ҳамма учун бир хил, ўзгармас, мутлак гўзалликни кидиради. П. гўзал ғояни хислатларга карама-карши кўяди. Уни хиссиёт оркали эмас, акл ёрдамида идрок этиш мумкин, дейди. Санъатга ҳам шу н. назардан карайди. У санъат соҳасида, хиссий нарсаларга таклид килиш тўғрисида фикр юритиб, бу хиссий нарсалар ғоялардан иборат эканлигини айтади. Унингча, мусаввир хиссий нарсалардан нусха кўчиради, нарсалар эса хиссий ғоялардан иборат. П. эстетиканинг мукаммал давлатда ўрни бўлмаслиги тўғрисида гапирса ҳам, санъат ва тароналар кишиларда жасурлик ва ватанпарварлик хиссини тарбиялаши лозим, деб ҳисоблайди.

П.нинг педагогик карашлари ҳам «ғоя» таълимоти б-н узвий боғлик. Унингча, давлат аристократия кўлида бўлиши ва халкни итоат этишга мажбур килиши лозим. П. ўзининг «идеал давлат» наз-ясида жам-тни уч табакага: давлат арбоблари – файласуфлар; сокчилар (харбийлар); деҳконлар ва ҳунармандларга бўлади. Бундай давлатда донолик, жасорат, бардошлилик, меъёр ва адолат каби тўрт тамойил устувордир. Давлатни бошкарувчи шахслар авваламбор ана шундай сифатларга эга бўлишлари керак. Унинг ахлокий карашлари ҳам ушбу принципларни атрофлича исботлашга каратилган.

П. фал. тарихида биринчилар каторида эмпирик усулга асосланган Демокрит ва унинг сафдошлари яратган кузатувчан фал.дан фаркли, фал. фанининг предмети сифатида акл, тафаккур фаолиятини олға суради. Бу борада инсоннинг билиш жараёнидаги мавжуд зиддиятларни таҳлил килиб, билишнинг диалектик ривожи тўғрисида теран фал-й таълимот яратди. Шу боис, унинг таълимоти ўзининг аҳамиятини йўкотмаган. XX а. машҳур файласуфи К. Поппер ибораси б-н айтганда, буюк немис файласуфи Гегель П. фал.сининг янгича таърифини берган, холос. П. Шаркда, М.О.да ҳам машҳур бўлган. Уни «Устоз» деб улуғлаганлар, унга таклид килганлар ва а-рларини ўрганганлар.

**ПЛАТОН АКАДЕМИЯСИ** (Платон мактаби) – жаҳон фани ва фал. си тарихида ўчмас из колдирган аллома Платон томонидан мил. олд. 386 й.да Афинада ташкил этилган ва милоднинг VI а.игача, 900 й.дан ортикрок фаолият кўрсатган ўкув даргоҳи. Бу ҳакдаги маълумотларга кўра, унинг ташкил этилиш тарихи ғоят ибратли: мил. ав. 386 й.да Дионисий Афлотунни кул килиб сотиб юборишга карор килади. Бирок, мутафаккирни такдир ўз ҳимоясига олади, уни Афинага келтириб, куллар каторида сотаётганларнинг тасодифий гувоҳи бўлиб колган Мегара фал-й мактабининг вакили Анникерид мутафаккирни 30 минг кумушга сотиб олади ва озод килади. Тез орада Афлотун ўзи учун сарфланган маблағни коплаш истагини билдиради, бирок Анникерид пулни кайтариб олишдан бош тортгач, Афина якинидан мўъжаз бир боғни сотиб олади, у ерда мактаб ташкил килади ва уни маҳаллий каҳрамон Гакадем шарафига «Академия» деб атайди. Афлотуннинг колган карийб 40-й.лик умри ана шу академияда фал-й а-рлар яратиш ва шогирдларига таълим бериш б-н ўтади. Шу маънода, академия аллома меросининг таркибий кисми сифатида талкин килиниши мумкин.

Академия том маънода илк фал-й мактаб сифатида Европада фал-й таълим ва тарбия анъаналарини бошлаб берди. Унда асосий эътибор фал-й билимларни шакллантиришга, фал-й мулоҳаза мад-тини ҳосил килишга каратиларди. Афлотун нафакат буюк мутафаккир, балки Европада фал-й таълим ва тарбиянинг асосчиси сифатида ҳам шуҳрат козонди. Академияда фал-й таҳсил тўғри йўлга кўйилгани боис у карийб 900 й.дан ортикрок, яъни император Юстиниан томонидан барча фал-й мактаблар ёпилганига кадар (мил. ав. 529 й.и) фаолият кўрсатди. Афлотуннинг фал-й ўкув маскани Юнонистоннинг буюк давлат арбоблари ва нотиклари Ликург, Геперид, Демосфенларни, стоицизм асосларини яратган буюк файласуф Антисфенни, эпикуризмнинг йирик намояндаларидан бири Аристиппни вояга етказди. Биргина Арастунинг ушбу ўкув масканида тарбия топгани академиянинг кандай кишиларни тарбиялаганини кўрсатиш учун кифоя эди.

П.А. очик ва нодавлат характерга эга бўлган ҳамда ўз атрофига диний-фал-й таълим бўйича ўкувчиларни бирлаштирган. Бу ерда Сукрот услубидаги суҳбатлар ташкил этилган, маърузалар ўкилган ва мунозаралар ўтказилган. П.А.да ахлок, сиёсат, фал., табиий фанлар, илоҳиёт фанлари каторида мат.га алоҳида ўрин берилган. Академия аъзолари ихтиёрий равишда ўзларини уйкудан, жинсий муҳаббатдан ва гўшт истеъмол килишдан тийганлар. Цицерон даврига келиб эски ва янги академияга ажралиш юз берган. Кейинчалик (эра. ав. 265 й.дан кейин), эски, ўрта ва янги академия вужудга келган. Эски академияда Ксенократ, Полеман, Кратетлар фал.да кейинги давр платончилигидаги пифогорчилар анъаналарини кўллаб-кувватлаб, «Тимея» космология наз-ясини ривожлантирганлар. Диалектик мунозаралар техникасини мутлаклаштириш ва уни дунёкараш тамойилига айлантириш ўрта академия позициясини белгилаб берди (Аркесилай, Лакид, Телеклетлар). Карнеад Епиком ўғли билимнинг мумкин эмаслиги тамойилини мутлаклаштириб, бу б-н ҳар кандай догмаларни ишончсиз эканлигини исботлашга ҳаракат килган. Унинг бу карашлари янги академияда Карнеад, Кратет, Клитомахлар томонидан ҳам маъкулланган.

Эрамиздан аввалги 86 й.да Сулла томонидан Афинанинг камал килиниши чоғида академия вайрон килинган, кутубхона ҳам йўк бўлиб кетган. Аммо эрамиздан аввалги 78 й.ларда Антиох томонидан унинг фаолияти тикланган, машғулотлар олиб борилган. 176 й.гача, Марк Аврелий томонидан Афинада 4 та фал. кафедраси ташкил этилишига кадар академиянинг макоми аник бўлмаган. II а.нинг охиридан IV а.нинг бошларигача академияда умумижт-й фанлардан билим берилган, риторика ва адабиёт бўйича машғулотлар олиб борилган. Плутарх (ваф. 432 й.) даврида неоплатонизм таълимоти академияда кенг тарғиб этилган. 529 й.да Юстинианнинг фармони б-н Афинадаги фал-й мактаблар ёпилганидан сўнг 530 дан ортик Афиналик неоплатончилар ва б. мактабларнинг вакиллари Эрон шоҳи Ҳисрав ҳузурига, Дамашкка борганлар ва шу ерда ўз фаолиятларини давом эттирганлар.

Аслида, «П.А.» факат файласуфларни ўкитадиган оддий ўкув даргоҳи эмас, балки у Платоннинг донишманд раҳбарларни тайёрлаш зарурлиги ҳакидаги ғоясини амалга ошириш воситаси ҳам эди. Аллома айнан шу ғоясини ҳаётга татбик килиш ва Афинани кучли давлат сифатидаги мавкеини муттасил саклаб туриш учун бу борадаги зарур билимлар ва кўникмаларга эга бўлган, кенг фикрли ва замонавий тафаккурли ёш раҳбарларни тарбиялаш методикасини ишлаб чиккан ва уни ўз академиясида амалиётига татбик этган. Аста-секин академиянинг айнан ана шу функцияси устувор бўла борди, ёш ва тафаккури кенг раҳбарларни тайёр-

лаш эхтиёжи ортаверди. Платоннинг бу борада ишлаб чиққан ўқув методикаси машҳур бўлиб кетди, натижада бутун Афина иттифоқи давлатларида, кейинроқ Рим империясининг кенг ҳудудида ана шундай фал-й мактаблар тизими шаклланди. Аввал Платоннинг ўзи ва ундан кейин бу муассасалар тизими раҳбари бўлган шогирдлари ҳам қарийб 900 й. давомида устозларининг ғоясига содиқ бўлишга ҳаракат қилдилар. Тўғри, бу орада кўплаб ҳокимиятлар алмашди, македониялик Александр ва римликлар империя яратиш йўлидан бордилар. Марказий мактаб ва унинг ҳудудлардаги мактаблар тизими ҳам турли ўзгаришларни бошидан кечирди. Аммо кучли ҳимояланган ва марказлашган маър-й давлат ғояси, бунга мос маън-й етук мансабдорларни муттасил тарбиялаб етиштириш эхтиёжи сақланиб қолаверди.

П.А.нинг ўз даври ва келажак авлодларга таъсири ҳозиргача таҳсинга лойиқ амалиёт сифатида тарих саҳифаларида қолди. Унинг фаолиятига асос бўлган ғоялар ўша даврда нафақат македониялик Александрни, балки Рим империяси, аслида бутун Европанинг кўплаб давлат бошлиқларини етиштирган маър-й тизим, яъни Платон мактабларининг қарийб 900 й. зиё тарқатишига замин яратди. Ва ниҳоят, ўз муаллифи номини инсоният тарихи саҳифаларида ўчмас ва абадий ёзилишига сабаб бўлди.

**ПЛАТОНЧИЛИК** (платонизм) – 1) тор маънода – антик фал.да I а.дан III а.га қадар ҳукм сурган йўналиш; 2) кенг маънода – Платон таълимотига асосланган ҳар қандай фал-й йўналиш. П. асосий хус-яти ҳиссий оламни ғоялар оламига қарши қўйишдан иборат. П.нинг дуалистик системаларида борлиқ йўқликнинг мустақил ибтидоси сифатида таърифланади ва борлиқнинг номоддий ибтидоси б-н биргаликда таҳлил қилинади. Монистик-идеалистик П.да материя борлиқ ибтидосининг бўлиниб кетиши натижасида юзага келган, деб уқтирилади. Ўрта а.ларда ва янги замонда П. асосан, неоплатонизм намояндаларининг ижодида ривож топди.

**ПЛЕБИСЦИТ** (лот. plebs – оддий халқ ва scitum – қарор) – умумхалқ овоз беришнинг бир тури. Қад. Римда плебейлар, яъни оддий халқ йиғилишида қарор қабул қилиш «П.» деб аталган. Бундай қарорлар мил. ав. V а.дан бошлаб қабул қилина бошлаган. Аммо уларга фақат плейбейларгина риоя қилишган. Мил. ав. 287 й.дан бошлаб, П. ҳамма фуқаролар учун мажбурий характерга эга бўлиб қолган. Ҳоз. даврда ҳам П. халқнинг хоҳиш иродасини аниқлаш воситаларидан биридир. Хус-н. халқаро мун-тларда П. баҳсга сабаб бўлаётган ҳудуд ёки унинг бир қисмининг қайси давлатга тегишлилигини халқ орасида овозга қўйиш йўли б-н аниқлаш учун хизмат қилади. Айрим мам-тларда (мас., Францияда) П.га, референдумга нисбатан кенгроқ мазмун берилса, баъзи давлатларда (мас., АҚШ) улар бир-биридан фарқланмайдиган т.лар сифатида қаралади.

**ПЛЕХАНОВ, Георгий Валентинович** (1856–1918) – рус демократ публицисти, сиёсатшунос олим. П. кичик дворян оиласида туғилган. Воронежда ҳарбий гимназияни тугатгач, 1874 й.да Петербург Тоғ ин-тига ўқишга кирган, бироқ 1876 й.да интни ташлаб кетишга мажбур бўлган. 1875 й.да унинг инқилобий кураш даври бошланади ва умрининг охиригача бу ҳаракатларда фаол қатнашди. 1880–1917 й.ларда Швейцария, Франция, Италия каби бир қатор Ғарбий Европа мам-тларида муҳожирликда яшашга мажбур бўлди. 1882 й.дан П. марксизм таъсирига берилди, Россиядаги народниклик ҳаракатининг кескин танқидчисига айланди. П. марксизмнинг Россиядаги биринчи тарғиботчиси эди. Ушбу таълимот асослари ифода этилган кўплаб а-рларнинг таржимони ҳамдир.

Россияда инқилобий ҳаракатлар кучайган даврда «йўқ қилувчилик», «худоясовчилик», «худоизловчилик», «махизм» каби оқимларга қарши қаттиқ курашди. Февраль инқилобидан сўнг Россияга қайтгач, шовинистик қарашларга берилди, муваққат ҳукуматнинг урушни ғалабагача давом эттириш сиёсатини қўллаб-қувватлади, большевикларга қарши курашди, Октябрь воқеаларини нохайрихоҳ кутиб олди. П.нинг «Тарихга монистик қарашнинг ривожи масаласига доир» (1895), «Материализм тарихига оид очерклар» (1896), «Тарихда шахснинг роли масаласига доир» (1898) каби а-рлари ижт-й фал.нинг муаммоларига бағишланган.

П. фал.си зиддиятлар ва камчиликларга ҳам эга эди. Ўз даврининг ҳукмрон мафкурасига айланганлиги боис марксизм фал.сининг кучли таъсири натижасида баъзи масалаларда П. томонидан тарихда субъектив омилнинг ролига етарли баҳо бера олмаганлиги, динга бўлган мунтни нотўғри ҳал этганлиги, диннинг жам-т маън-й ҳаётида тутган ўрнини етарли баҳолай олмаганлиги каби бир қатор хатоликларга йўл қўйилганлигини кўрамиз. Гарчи, баъзи камчиликлар ва хатоликларга эга бўлса-да, П. фал.сини ўрганиш у яшаган даврнинг моҳиятини, бу даврга хос бўлган ижт-й-маън-й муҳитнинг мураккаблигини, фал-й фикр ривожига хос жиҳатларни аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

**ПЛОТИН** (Plotinos) (204–205 – Ликополь – 269) – қад. юн. файласуфи, неоплатонизм асосчиси. П. 233 й.да Александрияда Аммоний Саккас б-н учрашди ва Ориген, Гереннй каби шогирдлар қаторида 11 й. давомида ундан таҳсил олди. 243 й.да қад. Эрон ва Турон, Ҳинд фал.си б-н яқиндан танишиш мақсадида император Гордиан аъёнлари сафида Эронга йўл олди. Эрондан қайтгач, 244 й.да Римда ўз мактабини ташкил этди ва 254–255 й.ларга қадар шогирдларига фал.дан сабоқ берди. Айни пайтда Платонопол номи остида файласуфлар шаҳрини яратиш орзусида яшади. Кўп й.лар мобайнида оғзаки таълим б-н шуғулланиб келган П. кексайган чоғида ўз фал-й фикрларини қоғозга тушира бошлади. Унинг кўлёзмалари кейинчалик шогирди Порфирий томонидан таҳрир қилиниб, чоп этилади. Порфирий устози а-рларини тартибга солди ва 54 та трактатга бўлди. Ҳар бири тўққиз бўлимдан иборат бўлган олти қисмли П. кўлёзмаси «Эннеада» деб номланади (юн. «эннеада» сўзи «тўққиз» маъносини беради). П. антик давр идеалистик фал.сининг сўнгги вакилидир. Ўша даврдаги ижт-й-иқт-й таназзул бу файласуфнинг қарашлари, таълимотига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

П. фал.сининг асосий мақсади ҳар қандай мавжудликнинг асосини илоҳий бирлик б-н боғлаш орқали барча мавжудотларнинг келиб чиқиши босқичларини ҳамда яна дастлабки ибтидога қайтиш йўлини аниқлашдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришишда П. асосий восита сифатида фал. ва диалектикага таянади. П. ўз олдига қўйган вазифани амалга ошириш нақадар мушкул эканини яхши тушунсада, унга қатъий интилар эди. Бирликни англаш, уни мустақил ибтидо деб тушуна билиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди, нодир руҳий қудратга эга бўлган даҳогина бунинг уддасидан чиқиши мумкин. Барча мавжудотларни ягона ибтидога қайтариш мақсадида П. руҳ масаласини батафсил кўриб чиқади. Руҳ инсон танасининг маҳсули бўлмай, балки тана каби яхлит бўлган ўзига хос борлиқдир. У одамнинг хатти-ҳаракатларини бошқаради, эҳтирослар б-н курашади. Дунёда мавжуд бўлган барча нарсаларнинг жони бор. Бироқ руҳ нарсаларга хос бўлмаган, ушбу мавжудотлардан фарқ қилувчи унсурдир.

П. таълимотига кўра, Руҳ бирлик ва Ақлдан кейинги ўринда туради. Ақл бирликка нисбатан қандай мун-тда бўлса, Руҳ ҳам Ақлга нисбатан худди шундай мун-тдадир. Агар, Ақлда фикр-ўйлар ўз-ўзига, ички томонга йўналтирилган бўлса, Руҳда бу жараён ташқарига йўналтирилган.

Бирлик ва Акл харакатсиздир, Рух эса харакатланади. Бир жихатдан Рух олий ибтидога каратилгандир, уни кузатади ва ушбу олий ибтидо конунига биноан харакат килади. Иккинчи жихатдан, у онгсиз равишда фаол ибтидога айланади ва кисман олам таркибига кириб боради. Рух Аклга хам, бирликка хам дахлдордир. Хатто хиссий дунёга кириб борганда хам, Рух абадий ва илохий ибтидолигича колаверади. Барча рухлар ягона олий Рухдан пайдо бўлади. Рухнинг ягоналиги одамларнинг бир-бирларига хайрихохлик билдира олишларида, ўзгалар кувончи ва кайғусига шерик бўла олишларида намоён бўлади. Моддий оламда юз бераётган ходисалар гоялар оламининг инъикосидир. Шунга асосланиб, П. хиссий дунёни мукаммал деб хисоблайди.

П.нинг билиш хакидаги таълимотига кўра, билишнинг икки йўли мавжуд: 1) хис-туйғулар оркали; 2) аклий билиш. Хис-туйғулар ибтидони билишнинг воситаси бўла олмайди. Акл категория ва умумий т.ларининг эса бирликка сира дахли йўк, чунки у барча т.лардан устундир. Хатто энг умумий категория – «борлик» т.сини хам бирликка татбик килиб бўлмайди. Хар бир мавжудот – бирликдир. Демак, уларнинг хар бири ўз Рухига эга. Шу сабабга кўра, Рух ибтидо даражасигача юксалиши мумкин. Бирок бунга хис-туйғу, фикр-мулохаза ёки сўз оркали эмас, балки барча диккат-эътиборни билиш предметига йўналтириш оркали эришиш мумкин. П. бирлик табиати ва уни билишнинг усулларини таърифлар экан, барча мавжудотларнинг кандай ва кай тартибда бирликдан келиб чикканини тушунтиришга харакат килади.

П. фикрича, Акл таркибидаги куйидаги уч нарсани фарклай олиши лозим: 1) моддий т.; 2) онгли борлик; 3) тафаккур. Ғоялар оламида модда хам бўлиши лозим. Аклнинг таркибий кисмларидан бири бўлган модда абадий бўлиб, шундай абадийлигича колади. Аксинча, хиссий дунё моддаси тирик бўлмаган материядир. Акл таркибидаги иккинчи нарса онгли борлик бўлиб, табиати унинг зарурлигини такозо этади. Аклнинг учинчи таркибий кисми, тафаккур бўлиб, унинг хам ўзига хос хус-ятлари мавжуд. Аклнинг ушбу уч жихатига мос келувчи уч боскич мавжуддир.

П. инсон рухига доир мулохазалари б-н хам эътиборни тортади. Унинг фикрига кўра, инсон рухи илохий ва хиссий дунё орасида жойлашган. У яна дастлабки ибтидосига кайтиши учун ахлокий хаётни такомиллаштириши лозимдир. Факат хиссий кечинма, эхтирос ва б. шу кабилардан холи бўла олган одамларнинг рухлари ўлимидан сўнг илохга кўшилиб кетади. Шунда идрок, хотира, тасаввур, хаяжон каби рухий фаолиятнинг оддий махсуллари бархам топади. Агарда Рух илохий даражага кўтарила олмаса, унда рухий фаолиятнинг оддий махсуллари инсон ўлимидан кейин хам сакланиб колиб, бир жонивордан бошкасига ўтиб юраверади.

П. этикаси Рухнинг покланиши таълимоти б-н якунланади. Рухий покланиш юксак мукаммалликка эришиш йўлидаги зарурий воситадир. Айнан покланиш туфайли Рух жисмоний хус-ятлардан, хаётий манфаатлардан холи бўлади ва илох даражасига кўтарилади. Бундай холатнинг энг юкори чўккиси – экстаз, илохиёт б-н кўшилиб кетишдир.

П. фал-й тафаккур тар-ётига катта таъсир кўрсатди. Унинг гоялари Макробий ва Августин оркали Ғарбий Европа мад-тига кириб борди. Бруно ва Беркли каби мутафаккирлар, немис классик фал.си вакиллари, немис романтизми намояндалари унинг таълимоти таъсирида ижод килдилар.

**ПЛУТАРХ** (46–120 й.лар) – кад. эллин (юн.) мад-тининг буюк намояндаларидан бири, машхур адиб, файласуф ва тарихчи. Рим императорлари Нерон ва Троян даврларида ижод килган. У ўз даврининг энг чукур маълумотли кишиси сифатида замондошлари, зиёлилар, зодагонлар орасида катта хурмат ва эхтиромга эга бўлган. П. Платон Академиясига мансуб бўлган ва Платон шахсига сигинган. Император Троян унга ўша даврда ўта нуфузли хисобланган «консуляр» фахрий унвонини берган.

П. асосан Афинада ўз ижодий фаолиятини амалга оширган бўлса-да, кўп саёхат килган, икки марта Римда бўлган, лекин умрининг иккинчи ярмини туғилиб ўсган шахарчаси Херонияда ўтказган. П. колдирган илмий ва адабий мерос икки катта тўпламда – «Киёсий таржимаи холлар» ва «Ахлокий а-рлар»да жамланган. Уларнинг биринчиси П.нинг жахон мад-ти тарихида буюк ёзувчи ва тарихчи олим сифатида хозирга кадар улкан ахамият касб этишига асос бўлган. Унда хаммаси бўлиб 46 та машхур тарихий шахсларнинг 23 та жуфтланган хаётий фаолиятлари баён килинган. Жуфтликни битта юнон ва битта рим арбоби ташкил этган, улардан хар бирининг алохида-алохида таржимаи холлари баён килинганидан кейин улар иккаласининг бир-бирига киёсий тавсифи берилган. П. ахлок-одоб, бадиият, санъат, сиёсат, хукукка оид 80 дан ортик рисола ва маколалар муаллифи бўлиб, улардан бизгача «Ахлокий а-рлар» тўплами етиб келган. П. илмий ва бадиий салохиятининг кенг кўламли ва теран фикрли эканлигини тўпламга кирган «Давлат ишлари тўғрисида панд-насихатлар», «Болалар тарбияси тўғрисида», «Мусика хакида», «Аристофан ва Менандрнинг киёсий киёфалари», «Карздор бўлмасликнинг афзалликлари хакида», «Аёлларнинг жасоратли фаолиятлари тўғрисида» ва ш.к. а-рлари мисолида кўриш мумкин.

**ПЛЮРАЛИЗМ** (лот. pluralus – кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик, яъни сиёсий-фал-й маънода – фикрлар ва карашлар ранг-баранглиги) – монизмга бутунлай зид бўлган, оламнинг асосида кўп нарсалар ётиши хакидаги ғояларни илгари сурувчи фал-й таълимот. П. атамаси биринчи бўлиб немис файласуфи Х. Вольф томонидан 1712 й.и илмий муомалага киритилган. П. ижт-й-сиёсий хаётда турли ижт-й гурухлар ва улар манфаатларини химоя этувчи сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, диний ва б. ташкилотлар эркинлигини, ўзаро ракобатини ифодалайди; хоз. замон реформизмининг асосий ғояларидан биридир.

П. бутун борлик асосига ёлғиз материяни кўядиган (материалистик монизм) ёки факат рух, ғояни кўядиган (идеалистик монизм) фикрга карши т.дир. П. намояндалари XVIII–XIX а.ларнинг бошка анъанавий фал-й таълимотларидан фаркли равишда ўз таълимотларига кенгрок дунёкараш тусини берадилар. Онтологик П. ижт-й хаётда жуда кўп омиллар – икт-й, жуғрофий, сиёсий, маън-й омилларнинг бир хил ахамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурадилар. Шу боис, П. мантик ва билиш наз-яси (гносеология) сохасига хам ўтди. Бу эса бир-бирига зид бўлган барча тадкикот услубларининг тенг эканлигини эътироф этишга, яъни релятивизм ва конвенционализмга олиб келди. Ахлокий-хукукий сохада П. барча ахлокий ва хукукий меъёрларга тенг кимматга эга эканлиги эътироф этилди, айримларининг устунрок куйилиши эркин танлаш окибати деб хисобланди. Ижт-й-сиёсий сохада П. кўппартиялилик, барча сиёсий-ижт-й гурухлар манфаат ва карашларининг ўзига хослигини билдиради.

Сиёсий П. хоз. замон демократик жам-тининг мухим хус-ятларидан бири саналади. Сиёсий П.нинг асосий белгилари: а) ижт-й кадриятларнинг хар хиллиги; б) ракобатчилик на мухолифатга йўл бериш оркали хаёт ранг-баранглигини таъминлаш; в) жам-т таркибий кисмларининг ўзаро тенглиги ва мустакиллиги; г) диктатура ва зўравонликдан воз кечиш, карама-каршилик ва можароларни

қонун йўли б-н, тинч ҳал қилиш кабиларда намоён бўлади. П. тамойиллари ижт-й ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин, шу боис «икт-й плюрализм», «ижт-й плюрализм», «сиёсий плюрализм» т.лари мавжуд. Сиёсий П.сиз икт-й ва ижт-й ҳаётда П. бўлмаслиги табиий. Ўз навбатида, сиёсий П. маън-й П.сиз – эски қолип ва ўлчовлардан воз кечишсиз ривожланмайди. Сиёсий П.нинг муҳим кўриниши кўппартиявийликдир. П. ҳоз. замон цивилизациясининг муҳим ютуғидир.

Шу б-н бирга тарих сабоқлари шундан далолат берадики, ўз эркин фикрини ифода этадиган шахс, гуруҳ ёки ижт-й қатлам, аввало, ўзининг аниқ равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз н. назарининг оқибати учун масъулиятини ўз зиммасига олиши, баҳс-мунозара мад-ти талабларига амал қилиши лозим. Яъни фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги муайян жам-тнинг миллий манфаатларига, умумбашарий қадриятларга, қонун нормаларига, ахлоқий мезонларга зид бўлмаслиги лозим. Ўз-н Конституциясида П. фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида бу қоида қуйидагича ифодаланган: «ЎзРда ижт-й ҳаёт сиёсий ин-тлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

П., яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маър-й жам-тгагина хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз ғояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илғор, кучли ва ҳаётбахш бўлади. Бундай мафкура эса ҳеч қачон эркин фикрга тўсқинлик қилмайди. Ёлғон ва ғайриинсоний ғоялар асосида шаклланган мафкура эса ўзининг сохталиги ошкор бўлиб қолмаслиги учун бунга йўл қўймайди. П. тамойили эркин сайловлар, эркин матбуот сингари демократиянинг асосий шартларидан биридир. Кўп й.лик демократик тажрибаларга эга бўлган илғор мактабларда бу тамойил жам-т ҳаётидан чуқур ўрин олиб, тар-ётга чуқур таъсир кўрсатмоқда.

**ПЛЮРАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ НАЗАРИЯСИ** – инсоният тарихий тар-ётининг узоқ ўтмишидан то ҳозирга қадар узлуксиз равишда такомиллашиб ва ривожланиб келаётган маън-й-ахлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлар маҳсули. Хитой донишманди Конфуций, барча жаҳон динларининг асосчилари ва фидойилари, зардуштийлик таълимоти ва Ману қонунлари, юнон жам-ти қулдорчилик демократияси (арсопаг ва архонийлар), Суқрот, Платон, Аристотель таълимотлари, Шарқ фал.си П.д.н.нинг ижодкорлари ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври, Европа маърифатпарварлиги, жадидлар ҳаракати, халқ иродаси, фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий тизимда кўппартиявийлик тамойилининг қарор воситасида кенг ифода топиши ҳам П.д.н.нинг янги тарихий шарт-шароитларда рив-шида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

П.д.н.нинг ҳоз. давр тар-ётида кенг ўрин эгаллаб бораётганлиги кўп жиҳатдан А. Токвил, М. Вебер, Ж.К. Гелбайт, Р. Дарендорф, Р. Дал, Д. Истон, Р. Миллс ва б. файласуф, социолог, политологлар эришган илмий ютуқларнинг амалий (функционал) демократия ифода топишига кўшган ҳиссаларида намоён бўлмоқда. Мас., А. Токвилнинг «Америкада демократия» а-ри, Р. Дарендорфнинг «Ижт-й давлатчиликдан цивилизациялашган ҳамжам-т сари» рисоласи, Р. Далнинг «Икт-й демократияга кириб бориш» китоби, Р. Миллснинг «Ҳукмдорлик қилаётган элита» а-ри кабиларда икт-й и.ч. эркинлиги заминида инсонга муносиб ҳаёт тарзи ва даражасини яратиш ғояси плюралистик демократияга эришишнинг энг самарали йўли эканлиги кўрсатилган. Жам-т социал структурасида ўрин эгаллаган барча асосий ижт-й гуруҳлар, табақалар, қатламлар туб мақсад-манфаатларини мувофиқлаштириб, уйғунлаштириб уларнинг жам-т сиёсий ҳаётида тенг асосларда эркин амал қилишини тақозо этади. Мана шундагина П.д.н. амалий фаолият соҳасига ўтиб, ижобий самаралар бера бошлайди.

**ПНЕВМА** (юн. pneuma – нафас олиш, руҳ) – қад. юнон натурфал.сида нафас олиш ва юрак уришини бошқарувчи. Стоицизмда ҳаётий куч, руҳ. Христиан теологиясида – илоҳий руҳ (pneumalagion). Пневма т.сининг рив-ши руҳ соҳасига қарашли т.нинг шаклланиши учун муҳимдир.

**ПОДШОҲ, ПОДШО, ШОҲ** (қад. форс, пати – ҳукмдор ва шоҳ) – дастлаб Сосонийлар давлатида қўлланила бошлаган давлат раҳбарини англатувчи атама. Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи мам-тлар ҳукмдорлари, мас., Усмонли турк империясида (XV а. – 1922), Афғонистонда (1926–1973) П. дейилган. Самодержавие ағдарилгунга қадар ўзбеклар орасида Россия ҳукмдорларини шундай аташган (бошқа номлари чор П., оқ П.).

**ПОЗИТИВИЗМ** (лот. positivus – ижобий) – Ғарб мам-тларида кенг тарқалган фал-й йўналиш бўлиб, унинг диққат марказида фал. ва фаннинг мун-ти муаммоси туради. XIX а.нинг 30–40 й.ларида, Францияда эски фал-й анъаналардан узил-кесил воз кечиш ва янги илмий фал. яратиш зарурлиги тўғрисида О.Конт баҳс-мунозаралар юритади ва позитивизм фал.сига асос солади. Позитивизм дастлаб Францияда, сўнгра Англияда ва Ғарбий Европанинг бошқа мамтларида ривожланди.

П. тарихи уч даврга бўлинади: Биринчи давр – О. Конт, Э. Липрс, Э. Ренан, Роберти (Францияда), Д.С. Милль, Г. Спенсер, Дж. Льютс (Англияда), Ю. Охорович (Польшада), Г. Вирубов, В. Лесевич, Н. Михайловский (Россияда), К. Каттанео, Д. Феррари, Р. Ардиго (Италияда) кабиларнинг ижод этган даври. Иккинчи давр – механизм ва эмпириокритицизм даври, деб аталади. Учинчи давр – неопозитивизм даври. Бундай даврийлаштириш асосан фал.нинг муҳим масалаларини қандай талқин қилинишига қараб бўлинган. Бу масалаларни умуман инкор қилувчилар, унинг ҳал қилиб бўлмаслигини тан олувчилар ва бу масаланинг бўлинишини инкор қилувчилар ҳам П.га хосдир.

П. дастури ўзининг эволюциясида қуйидагича изоҳланиши мумкин: 1) билиш дунёқараш ва қадрият сифатида ҳар қандай фал-й талқиндан озод бўлиши керак; 2) ҳамма «анъанавий», илгариги фал., яъни «метафизика», догматик таълимотлар бевосита аниқ, махсус фанлар б-н алмаштирилиши шарт (фаннинг ўзи – «фал.») ёки билимлар тизимига умумий шарҳ бериш, фанлар ўртасидаги ўзаро мун-тларни ва уларнинг тилларини ўрнашиш б-н қаноат ҳосил қилиши лозим; 3) фал.да «метафизикани енгиш учун ўртача йўл тутиш керак, яъни материализм б-н идеализм ўзаро курашидан, қарама-қаршилигидан юқорироқда турувчи «учинчи» йўлни, «нейтрал» – бетарафлик йўлини топиш керак.

П.нинг асосчиси Конт фикрича, аввалги фал-й анъаналар керак бўлмаган ечиб бўлмайдиган муаммолар б-н ёки ечими топилса ҳам инсонларга ижобий, позитив, фойдали бўлолмайдиган муаммолар б-н шуғулланган. П. вакиллари н. назарида, фақат наф келтиришга қаратилган, илмий услублардан фойдаланадиган билим илмий ҳисобланади. «Позитивизм» т.сини О.Конт қуйидагича таърифлайди: биринчидан – ёлғончиликка қарши ҳаққонийлик; иккинчидан – кераксизликка қарши фойдалилик; учинчидан – шубҳаликка қарши ишончлилик; тўртинчидан, – ноаниқликка, мавҳумликка қарши аниқлик; бешинчидан – салбийликка қарши ижобийлик ва ниҳоят, ол-

тенциализм вакили Н. Аббаньяно (1901–1977) а-ри. Бу а-рда экзистенциализм инсон мавжудлигининг инкирозли ҳолатларида жамланган «ноумидлик фал.си» эмас, балки инсонга унинг асл табиатини очиб берувчи ҳамда бошқа кишилар, дунё б-н биргаликда ўзини намоён этиши учун хизмат киладиган нарсани излашга имкон берадиган «ижобий фал.» сифатида талкин қилинади. Инсоннинг бундай ҳаракати унинг мавжудлиги сифатидаги энг муҳим сифатларни: якунийлик ва ўзлигини аниқлайди, буларни тушуниш эса фақат «ўз якунийлигига жалб қилинганлик» жараёнининг бир қисми, холос.

Аббаяно фикрига кўра, излаш нимаидир ва боз устига ўзини узил-кесил топиш кафолати эмас. Асл мавжудлик сифатидаги жалб қилинганлик инсоннинг шубҳалари йўлида вужудга келади ва билишнинг муайян шаклида – фал. учун хус-ятли бўлган муаммолилик шаклида ифодаланади. Аббаньяно фикрича, «фал. доимо вокелик, инсон, дунё ва Худонинг барча жиҳатларини изоҳлаш ва оклашга интилиб келган, бирок у аксарият ҳолатларда ўзига энг яқин бўлган муаммони – унинг ибтидоси, рив-ши ва унинг хулосалари б-н бирга кечадиган ҳамда унинг энг ишончли натижасини кайта-кайта муаммо сифатида илгари сурадиган ўз-ўзидаги муаммони ва бу б-н биргаликда мавҳумлик, бекарорлик ва шубҳаларни унутиб колдирган ёки буларни изоҳлаш ҳамда оклашни назардан кочирган». Кьеркегор эса, деб ҳисоблайди Аббаньяно, салбий имконият файласуфидир, у ўзини ноумидликнинг карахт қилувчи кудратида намоён этган ҳолда мавжудлик муаммосини ҳис этишни кучайтирган.

Аббаньяно инсоннинг танлаш мезонига асосланган барча имкониятларини таҳлилга тортади: 1) инсоннинг ҳар қандай танлови ўринлидир ва шу боис барча имкониятлар тенг маъного эга. Инсон ниҳоясиз эркинликда сон-саноқсиз имкониятларга эга – бу концепция Сартр ва Камю карашларига яқиндир. Ҳар қандай танлов ўринлидир, бирок улардан бири – ўлиш учун ҳаёт кечириш инсон учун муқаррардир. Шубҳасиз, далил сифатидаги ўлим биз учун бегона, аммо имконият сифатида эса бизнинг табиатимиз ва мавжудлигимизни белгилаб беради. Ўлим ҳаётни ўта ҳимоясиз қилиб қўяди ва бу б-н инсонга ўлим борасида савол қўйишни асосий масала қилиб қўяди, бошқа масалаларни эса аҳамиятсизга чиқаради. Шу боис барча имкониятлар тенг бўлиб қолади. Бундай мулоҳаза Ясперс фал.си учун ҳам хосдир, бирок барча имкониятларни тенглаштирувчи нарса ҳаётга, транцендентликка бирлашувнинг имконсизлиги вазиятидир. Аббаньянонинг «агар мавжудликни шакллантирувчи барча имкониятлар у ёки бу сабабга кўра тенг маъноли бўлса, унда мавжудликнинг имкони йўқ» хулосаси мана шундан келиб чиқади. Аббаньяно имкониятларнинг ўзи ўз мезонларига ва ўз қиймати ўлчамларига эга бўлиши лозим деб ҳисоблаган ҳолда баҳолаш талабини йўлга солиш заруратини кўрсатиб беради.

Аббаньянонинг фикрига кўра, «ижобий экзистенциализм» мавжудликни излаш манбаидир ва шу боис икки талабга: «1) имкониятни унинг икки ёқлама ижобий-салбий шаклини сақлаб қолиш ва уни мавҳумлик зарурати б-н асослашдан кочиш; 2) мавжудлик имкониятларини танлашнинг гарчи бекаму кўст бўлмасада бирок ишончли мезонларини таъминлаш» талабларига жавоб бериши лозим. Тушуниш инсоний олам моддаси сифатида юзага чиқади. «Ижобий экзистенциализм» инсонни хушёрлигини заифлаштирадиган ва уни фаолиятсизликка маҳкум этган ҳолда, ҳимоясиз қолган ҳолда барча офатларга дучор қиладиган, унга хайриҳоҳликнинг ҳаддан ташқари умидларига тўлдирадиган инсонни аллалаш мулоҳазаларидан бош тортади. Аббаньяно экзистенциализми инсонни бирмунча самарали давом этиши ва рив-ши мумкин бўлган мулокот шароитларини белгилашга интилган ҳолда эркинлик ва жавобгарликни танлашга чорлайди.

**«ПОЗИЦИЯЛАР»** («Positions». – Paris, 1972) – XX а.нинг машҳур франц. файласуфи Ж. Деррида (1930–2004) а-ри бўлиб, у муаллифнинг А. Ронс (китобнинг ушбу кисми 1967 й.да илк бор нашр қилинган), Ю. Кристева (дастлабки нашр 1968), Ж.Л. Удбин ва Г. Скарпетт (дастлабки нашр 1971) б-н суҳбатларини ўз ичига олган. Муаллифнинг ўзи берган «хабар»га кўра, бу суҳбатлар икки ёклама бўлган ҳолда «фаол талкин қилиш ҳаракатидир». Китобнинг матни Деррида качонлардир ўзини жалб қилган ҳодисаларга бағишланган ва саналари қўйилгандир. Шу боис ушбу тўплам, Дерриданинг фикрига кўра, «бу ерда бир муддат дам олишга тўхтаган киши тўғрисида эмас, балки качонлардир эркин фикр баён қилиш, икки ёқлама ва кўп ёклама мулокот» тарзида кечган эркин суҳбатнинг бориши нашр қилинган матн доиралари б-н катъий чегараланади: агар таъбир жоиз бўлса «мангу дам олиш» ҳолатига тушади – биринчи суҳбат: мактублар мавзулари (к.), грамматология (к.), differance (к.) ва б.. Дерриданинг фикрига кўра, унинг китоблари 1970 й.лардаги вазиятга кўра, гарчи принципиал ошкора бўлсада, «ягона тизимни» ташкил этади.

**«ПОКЛАНИШ»** – кад. дунёнинг энг машҳур мутафаккирларидан бири, Сицилия оролида жойлашган Акрагант шаҳрида умргузаронлик қилган Эмпедокл (мил. ав. 490–430 й.лар) томонидан ёзилган ва 3000 шеърдан иборат поэма. Ундан 100 тагина шеър етиб келган, холос. А-рда ўша давр Сицилия мад-тининг кўплаб намояндалари, буюк юн. шоирлари Симонид, Эсхил, Пиндар, пифагорчилар, ш-дек, Ксенофан ва Парменид каби файласуфлар гояларидан таъсирланган мутафаккирнинг фикр-мулоҳазалари акс этган. Унда Эмпедокл, бошқа а-рлари каби, ўзининг ижт-й-фал-й ва табиий карашларини шеърий тил оркали баён этади.

«П.»да ҳам Эмпедокл борликнинг ҳақиқий элементлари ва бирламчи асоси тўрт унсур – олов, ҳаво, сув, тупрок эканлигини эътироф этади ва уларни «нарсаларнинг тўрт ўзаги», деб номлайди. Улар образли тарзда шундай тасвирланади: «бўронли денгиз», «кора, совук суюклик» (сув), «ноёб каттик олам» (тупрок), «иссиқ ва шуълакор Қуёш» (олов), «ўлмас фалак», «чексиз осмон» (ҳаво). Коинотда мавжуд нарсалар ушбу ўзакларнинг турли даражадаги кўшилишидан ҳосил бўлади. Бирок нарсаларнинг пайдо бўлиши ёки барча ҳодисаларини тушуниш учун, дейди Эмпедокл, юкоридаги тўрт ўзакдан ташқари бир-бирига карама-карши бўлган кучларнинг ҳаракатини ҳам билиш зарур. Эмпедокл барча элементларни ҳаракатга келтирувчи икки куч – Дўстлик ва Душманлик тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқади. Коинотдаги барча жараёнларни ушбу бир-бирига карама-карши кучларнинг кураши оркали тушуниб етиш мумкин.

Бу асослар моддий эмас, балки психик кучлардир. Эмпедокл уларни Филия (бошкача номи гармония, шодлик ва космик куч – Афродита) ва Нейкос (душманлик, ғазаб, нафрат) деб атайди. Дўстлик ягоналик ва эзгуликнинг космик сабабчиси бўлса, Душманлик – кўплик ва ёвузликнинг сабабидир. Филия (Дўстлик) б-н Нейкос (Душманлик) ўртасидаги курашда гоҳ унисн, гоҳ бунисн устунлик қилиши мумкин. Эмпедокл шоир бўлгани туфайли бу кучларни илмий т.лар ёрдамида эмас, балки Дўстлик ва Душманлик образлари оркали ифодалайди. Олтин давр деб аталган бир замонлар Дўстлик кучлари ғалаба қилганини баён этар экан, файласуф келишув ва гармония ҳукмрон бўлган даврдагина ижобий кучлар ғолиб келишини таъкидлайди.

Эмпедокл тилга олган тўрт элемент орасида олов алоҳида ўрин тутади. Эмпедокл ҳамма нарсанинг негизини Дўстлик ва Душманлик б-н боғлаб тушунтирар экан, ҳамма нарса оловдан ҳосил бўлганлигини эътироф

этади. Эмпедокл ҳам Гераклит каби олам ривожини даврийлик тамойили асосида шарҳлайди. Ҳар бир давр тўрт босқични ўз бошидан кечиради. Биринчи босқичда, Дўстлик ҳукмрон бўлади ва барча элементлар бирлашиб кетади ҳамда яхлитликни ҳосил қилади. Дўстлик ҳамма асосни бирлаштириб, марказни ишғол қилади, ҳаракат эса сокинликка айланади.

Иккинчи босқичда, Душманлик турли йўллар б-н марказга интила бошлайди. У яхлитликнинг ичига кириб, Дўстлик томонидан бирлаштирилган элементларни бир-биридан ажратиб ташлайди. Сўнгра уларнинг ҳар бирини ўзи кабилар б-н бирлаштиради: сувнинг сув б-н, оловнинг олов б-н, тупроқнинг тупроқ б-н қўшилиши содир бўлади.

Учинчи босқичда, Душманлик тўла ғолиб келади ва марказга жойлашиб олиб, Дўстликни қувиб чиқаради. Бу босқичда, олам алоҳида-алоҳида намоён бўладиган тўрт элементдан иборат бўлади. Тўртинчи босқичда, Дўстлик марказни ишғол қилган Душманлик таркибига кириб боради, уни сиқиб чиқаради, ҳамма элементларни қайтадан бирлаштиради.

Олам иккинчи ва тўртинчи босқичларда, яъни Дўстлик марказни эгаллаган ва Душманликни қувиб чиқариб, ғолиблик қила бошлаган пайтда пайдо бўлгандир. «П.» а-ри Эмпедоклнинг бошқа «Табиат тўғрисида», «Табиблик сўзи», «Аполлонга мурожаат», «Ксеркснинг кечиб ўтиш», «Форс урушлари» номли а-рлари каби қад. Юнон ва Италия фал.си ривожига катта таъсир кўрсатган.

**ПОКЛИК** – энг муҳим маън-й-ахлоқий талаблардан бири бўлиб, туб принципиаллик, садоқат, ишонч ва табиийликни ўз ичига олган. (Инсоннинг қалби поклиги унинг чин садоқатида, ишончида, табиийлигида, самимийлигида билинади.) Пок: 1. Ифлосликдан холи, тоза (пок жой, пок кийим). 2. Ҳалол, тўғри (пок инсон) (кўчма маънода). Нопок: 1. Тоза-озода эмас, ифлос (нопок кийим). 2. Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, кабиҳ, ярамас (нопок одам). 3. Ёмон, жирканч (нопок иш).

П. инсоннинг мад-тини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки П. мазмунида оқил ва эътиқодлилик, шарм-ҳаё ва ор-номуслик, зийрак ва фаросатлилик, ўз ёрига муҳаббатли бўлиш, ҳалоллик, меҳрибонлик каби яхши хислатлар мужассамлашган. П. – бу улуғлик. П. турмушда, меҳнат ва кишилар б-н бўлган мун-тда намоён бўлади. П. бу зеҳн ва идрок тиниклигидир. Маън-й П. – бу ахлоқ зиёсидир. Унда руҳ шаффофлиги, сезги туйғулари юксакдир. Покиза ақл инсонни айб ва камчиликлардан қутқаради, руҳий ҳаётга рағбатлантиради, поклик келтиради.

Инсоннинг пок, озода бўлиши, озодаликни сақлаши ва унга ҳамиша амал қилиши соғлом турмушнинг асосий омилидир. Пок одам усти боши, юз-қўллари, уй-жойларини тоза тутади, фарзандларини ҳам шунга ўргатади. Халқ орасида пок муҳаббат, пок йигит, пок қиз, покиза ҳаёт каби сўзлар тез-тез учраб туради.

Киши ҳаётида ахлоқий П. биринчи даражали вазифадир. Ахлоқий П. таъма ва молпарастликка мутлақо зиддир. Ишларнинг поки – чиройли ва ҳалол бажарилганида, эътиқодларнинг поки қатъийликда, таомларнинг поки ҳалолликдадир. Демак, пок нарса фақат П.ни келтиради. Пок инсон ширин гапиради, фақат эзгу ишларни бажаради, покиза нарсаларни садақа қилади. Унинг ҳаёти ҳам, ўлими ҳам П.дир.

Алишер Навоий таълимотида маърифатга эришган ҳар бир киши ахлоқий жиҳатдан пок, кўнгли оқ, лафзи ҳалол бўлиши шартдир, деб таъкидлаган. Алишер Навоий Фарҳодни бундай таърифлаган: «Демакки кўнгли поку ҳам сўзи пок, Тили поку ўзи пок». Инсон ўз феълини яхшилаши, хулқини поклаши, қалбини мусаффо қила олиши, ўзига, унинг интилишига боғлиқ. Агар бунга амал қилмаса, ёмон феълларга ўрганиб, разолат ботқоғига ботиши мумкин. Демак, инсон ўз-ўзини поклаши учун доимо саховатли бўлишга интилиши ва уларга қарши бўлган феъллардан узоқлашиши лозим.

П. виждонлиликнинг кўринишларидан биридир. П.нинг антоними ёлғончилик, ўғрилик, хоинлик ва мунофиқликдир. П. – инсоннинг маън-й гўзаллигини белгилайдиган мезондир. Инсоннинг поклиги, аввало, унинг виждони поклиги б-н белгиланади. Пок виждонли инсон инсоф ва фаҳм-фаросат каби маън-й фазилатларга эга бўлади. Инсоннинг б. ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиши, аҳдига вафодор бўлиши, садоқатли, шармҳаёли ва ор-номусли бўлиши, уятли ишларга дуч келганда хижолат тортиши, жам-тда қабул қилинган турмуш тарзи мад-тига риоя қилиши, бажарган ишлари учун жавобгарликни ҳис қилиши – бу унинг пок ва бегубор инсон эканлигини кўрсатади.

Пок инсон ёмон ишлар қилмасликкагина эмас, балки ҳар доим яхшилик қилишга, яхшиликка интилади, бошқалар б-н бегубор, соф, илтифотли муомалада бўлади ва мадтли амалий мун-тлар қилади. П. ҳар бир давр, ҳар бир замоннинг талаби бўлган.

**ПОЛАНИ (Polanyi), Майкл** (1891–1976) – британиялик фай., постпозитивизмнинг асосчиларидан бири, Венгрияда туғилган, 1923 й.дан Берлин физика-химия ин-тида ишлаган, 1933 й.дан эмиграцияда Манчестер ун-ти проф.и бўлган. Философия ва социология бўйича а-рлари: «Шахсий билим. Посткритик философия йўлида» (1958), «Эркинликни менсимаслик» (1940), «Акад. эркинлик асослари» (1947), «Эркинлик логикаси» (1951), «Билим ва борлиқ» (1969).

Мантиқий позитивизм асосларини ва тамойилларини танқид қилган, 50-й.ларда «ноаниқ билим» концепциясини яратган, «илмий ҳамжам-т» т.сини фанга олиб кирган ва уни биринчи бўлиб тавсифлаб берган. Аниқ ва ноаниқ билимлар концепциясини ишлаб чиққан ва илм-фанда ҳалигача ўз таъсирини сақлаб қолаётган диагностик ва экспериментал методлар, билишнинг ўзига хос хус-ятлари ҳақидаги ғояларни илгари сурган. А-рлари XX а. Ғарб фал.си ривожига катта таъсир кўрсатган.

**ПОЛИАНДРИЯ** (грек. polys – кўп сонли, кенг ва andros – эр), кўп эрлилик – асосан, матриархат даврига хос гуруҳли никоҳнинг камдан-кам учрайдиган шакли, унда аёлнинг бир неча эри (одатда, ака-укалар) бўлган. П.да хотинлар эркин эр танлаганлар, эр-хотинли, оила тургун бўлмаган. XIX а.да П. алеутларда ва эскимосларнинг айрим гуруҳларида мавжуд бўлган; кейинчалик Шим. Ҳиндистон ва Тибетдаги айрим этнографик гуруҳларда сақланиб қолган.

**ПОЛИБИЙ** (тахм. мил. олд. 207–120 й.лар) – қад. даврда яшаган юнонистонлик тарихчи ва файласуф. П.нинг «Жаҳон тарихи» а-рининг баъзи қисмлари бизгача етиб келган. У оламда ва одамлар дунёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни қаерда ва қандай ҳолда бўлмасин, бир-бири б-н узвий алоқадорликда, деб қараган. Айни пайтда у Рим томонидан кўшиб ва босиб олинган мам-тлар тарихига ҳам катта эътибор қаратган. Тарихни наз-й фандан кўра, амалий аҳамиятга молик илм сифатида тушунган.

П. жам-т тар-ётида одамларнинг олдиндан белгилаб қўйилган тақдири б-н бирга, ижт-й кучлараро ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик катта таъсир кучга эгалигини эътироф қилган, тарихдаги такрорланишлар ва тар-ётнинг алоқадорлигини таъкидлаган. Унингча, монархия, аристократик ҳокимият ва демократия каби сиёсий тузум шакллари тирания, олигархия ва анархия каби бузуқ мазмунли тузумлар б-н алмашиб туриши табиий ва қонуният тарзида намоён бўлади.

Тарихий жараёнда атоқли шахслар роли ва ўрнини таҳлил қилар экан, П. улар жам-т ривожи ёки таназзулида асосий ўрин тутадилар, айнан шундай кишилар одамлар учун мақбул ёки мақбул бўлмаган тузумларни шакл-

лантирадилар ва уларга бошчилик қиладилар, деб ҳисоблайди. Унингча, ҳар қандай йўл б-н ҳокимиятни қўлга киритиш ва ўзининг шахсий майлларини қондириш учун унга ёпишиб олиб, жам-т тар-ётига тўсиқ бўладиган шахслар тарихда ниҳоятда ёмон ном қолдирадилар, жам-тга катта зиён келтирадилар. Аксинча, асл раҳбарлар, ҳалқ ғамини ейдиган арбоблар ҳақиқий тарихни яратадилар, халқи ва жам-ти тар-ётига хизмат қиладилар, яхши ном қолдирадилар.

П. тарихда ижт-й омиллар, табиий шарт-шароитлар, иқт-й асосларга ҳам алоҳида аҳамият берган. Уларнинг инсоният тарихи ва жам-т тарётидаги ўрни ва ролини таъкидлаган. Унинг а-рлари ва ғоялари кейинги тарихчилар, айниқса Ғарб сиёсатшунослари, жумладан Макиавелли қарашларига катта таъсир кўрсатган.

П.нинг «Жаҳон тарихи» а-ри янги замонда биринчи марта Римда 1473 й.да лот. тилида чоп қилинган ва кейин бир неча марта нашр этилган (pt. 1–2, Haganae, 1530; v. 1–9, Lipsiae, 1789–95; v. 1–6, L.–N.Y., 1922–27, рус тилида т. 1–3, M., 1890–99).

**ПОЛИГИНИЯ** (юн. поли ва gyne – хотин) – асосан, патриархат даврига оид никоҳ шакли, кўпхотинлилик. П.нинг иккита турини кўрсатишади: сорорат ва сорорат бўлмаган. Сororатда бир киши бир нечта опа-сингилларга, сорорат бўлмаганда эса қондош бўлмаган аёлларга уйланади. Айрим халқларда ҳозиргача сақланиб қолган.

**ПОЛИС** (грек. polis; лот. civitas) – қад. Юнонистон ва Римда мавжуд бўлган шаҳар-давлат, муайян шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудни англатувчи атама. Платон ва Аристотель а.ларида бу ҳақда кўплаб маълумотлар бор. Мас., Аристотелнинг машҳур «Политика» («Сиёсат») а-рида муаллиф ўша замондаги 158 юн. шаҳар-полислари, қўшни давлатлар тузуми ва сиёсатини қиёсий таҳлил қилган, улар ҳақда муҳим маълумотлар келтирган. Бирор-бир миқдордаги ери ва сиёсий ҳуқуқлари бўлган кишилар П.ларнинг тўлиқ гражданлари ҳисобланган. Қуллар граждан ҳисобланмаган. П. сиёсий тузумининг шакли ва мазмунига кўра фарқланган, кўпроқ тирания, олигархия, демократия типидаги ҳокимиятлар бўлган. «П.» атамасидан «политика» («давлатни бошқариш ёки сиёсат»), «политик» («давлатни бошқарувчи ёки сиёсатчи») т.лари келиб чиққан.

**ПОЛИСИЛЛОГИЗМ** – мураккаб силлогизм, бир неча силлогизмларнинг ўзаро алоқаси ва кетма-кетлигини ифодалайди, бир-бири б-н ўзаро боғланган, икки ёки ундан ортиқ оддий қатъий силлогизмлардан тузилган хулоса чиқаришни англатади. Уни биринчи бўлиб Аристотель таърифлаган. Ибн Синонинг «Донишнома» а-рида ҳам бу т.га таъриф ва тавсиф берилган. П.да дастлабки силлогизмнинг хулосаси кейингисининг катта ёки кичик асоси бўлади. Шунга кўра, П.нинг прогрессив ва регрессив турлари фарқланади. Прогрессив П.да дастлабки силлогизмнинг хулосаси кейингисининг катта асоси ўрнида келади. Мас.: «Инсонни камолотга етиштирувчи нарсалар фойдалидир»; «Илмни эгаллаш – инсонни камолотга етиштиради»; «Илмни эгаллаш фойдалидир»; «Ҳунар ўрганиш – илмни эгаллаш демакдир». Демак, ҳунар ўрганиш фойдалидир.

Регрессив полисиллогизмда дастлабки силлогизмнинг хулосаси кейингисининг кичик асоси бўлиб келади. Мас.: «Ўсимликлар тирик мавжудотлардир»; «Дарахтлар ўсимликлардир»; «Тирик мавжудотлар ҳужайралардан ташкил топган»; «Дарахтлар тирик мавжудотлардир». Демак, дарахтлар ҳужайралардан ташкил топган.

П. таркибидаги биринчи, дастлабки силлогизм просиллогизм, қолганлари эписиллогизм дейилади. П.нинг қисқартирилган кўриниши – сорит деб аталади ва унинг тузилиши қуйидагича:

Ҳамма А–Б.
Ҳамма Б–В.
Ҳамма В–Г.
Ҳамма Г–Д.
Ҳамма А–Д.

Соритлар прогрессив ёки регрессив бўлади. Прогрессив соритда просоллигизмнинг хулосаси – эписиллогизмларнинг катта асоси тушириб қолдирилади. Регрессив соритда просиллогизмнинг хулосаси – эписиллогизмларнинг кичик асоси тушириб қолдирилади. Силлогизмнинг кичик асоси тушириб қолдирилган сорит – Арасту сорити, силлогизмнинг катта асоси тушириб қолдирилган сорит – Гоклен сорити, деб аталади.

**ПОЛИТЕИЗМ** – (юн. «кўпхудолик») ибтидоий жамоа ва инсоният ҳаётининг дастлабки даврларида юзага келган диний қарашлар. П.да ҳар бир Худо табиатга, жам-тга ёки инсон руҳиятига мос бўлган муайян ҳодисанинг гавдаланиши сифатида намоён бўлади. Шу б-н биргa бу ҳодиса ибтидоий одамлардагига қараганда юқорироқ даражада содир бўлган. Хаёлий образлардаги Худоларда бир турдаги буюмлар гуруҳи учун мувофиқ бўлган умумий омиллар ҳақидаги тасаввурлар акс этган. Мас., айрим дарахтнинг руҳи тўғрисидаги тасаввурлардан аста-секин дарахтлар, ўрмонлар руҳи тўғрисидаги тасаввурлар, сўнгра ўрмон Худоси образи таркиб топган. Кейинчалик табиат ва жам-тдаги ҳар бир нарсага Худо белгилаш кучайиб кетди. Бу жиҳатдан олиб қараганда, қад. юнон дини кўпхудоликнинг намунасидир. Мас., осмон хоқони Зевс қад. юнон пантеонининг олий Худоси ҳисобланарди, унинг укаси Посейдон денгизлар хоқони; Зевснинг рафиқаси Гера эса эр-хотинликнинг ҳомийси; Афродита – муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси; Арес – уруш Худоси, Афина – донолик маъбудаси, Аполлон – Қуёш Худоси ва санъат ҳомийси, Артемида – Ой маъбудаси ва овчилик ҳомийси; Дионис – узумчилик, виночилик Худоси эди ва ҳ.к.. Қад. юнонларнинг диний тасаввурлари ўзларининг ҳаёт тарзларига мосланган эди.

Худоларнинг «ҳаёт тарзлари» ҳам кишиларникидан деярли фарқ қилмас эди, деб айтиш мумкин. Осмон Худоларининг фарқи уларнинг абадийлиги ғайритабиий қудратга эгалигидадир. Одамларнинг тақдири, уларнинг ҳаёт мамоти тамомила муайян Худолар қўлида эди. Халқлар ва давлатларнинг қудрати ёки ҳалокати ҳам Худоларнинг иродаси ва ҳоҳишига боғлиқ бўлган. Ш.у. ҳам, айрим Худолар шарафига уларнинг ҳайкаллари, олтин ва кумуш анжомлар б-н безатилган муаззам қасрлар қурилган. Осмон хоқонлари учун қурбонликлар қилинган. Қад. римликларнинг дини кўп жиҳатдан қад. юн.ларникини эслатади. Уларнинг пантеони бошида Зевснинг римликлар нусхаси Юпитер турарди.

Энг кўп эъзозланадиган Худолар каторига Юпитернинг рафиқаси Юнона, донолик маъбудаси Минерва, уруш Худоси Марс ва ҳ.к. кирарди. Римликлар қудратли Рим империяси тузилгач, ўзлари забт этган халқларнинг Худоларини ҳам кўпинча ўз пантеонларига қўшиб олардилар. Худди шу йўсинда бу империяда Эрон Худоси Митрага, Миср маъбудаси Исидага, кичик осиёликлар маъбудаси Кибела ва б.га сиғиниш одати тарқалди. Ҳозирда кўпхудоликка асосланган динлар деярли саноқли ҳолда мавжуд.

**ПОЛИТЕИСТИК ЭЪТИҚОД** – кўп эътиқодлилик, кўпхудолилик, кўп маъбудлик маъносини англатади ва қадимда борлиқдаги барча ҳодисаларнинг ўз эгаси (тангриси) бор, деб қаралганини кўрсатади. Кўпгина ҳалқларда қадимда Ой ва Қуёшга сиғиниш П. (кўпхудолик) қарашларнинг таркибий қисмига айланиб кетган. Қад. одамлар Қуёш, Ой, Ер тангрилари борлигига ишонишган қад. политеистлар Қуёшни бобо – («Қуёш бобо»), Ойни – момо («Ой-момо»), Ерни – она («Она Ер») деб, уларга сиғинишган, мадҳлар ўқиш-

хи даврларини таҳлил қилади. Шунга асосланиб, у метафизика б-н фан т.лари орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, деган хулосага келади. П.нинг таъкидлашича, позитивизмнинг асосий камчилиги шундан иборатки, у эмпиризм принципининг аҳамиятига, ҳиссийликнинг ролига ортиқча баҳо бериб юборди. Билишнинг дастлабки нуқтаси бевосита қабул қилинган элементлар ёки кузатиш б-н эмас, балки наз-я б-н боғлиқдир, чунки наз-ядан илгари ва ундан ташқарида билишнинг бўлиши мумкин эмас.

Ушбу принциплар П.нинг танқидий рационализмида ўз ифодасини топди. Бунда у мантиқий позитивизмнинг қатъий талабларидан (мас., эмпирик верификация наз-ясидан, фал.ни фаннинг мантиқий методологик таҳлилига айлантириш ғоясидан) воз кечиб, физикализм ғоялари, илмий реализм концепцияси, редукционистик методология ва ягона фан наз-ясини ривожлантиришга интилади. Бунинг учун неопозитивизмнинг таҳлил қилиш усулидан ва муаммоларга лингвистик ёндашувидан фойдаланади.

П.га хос постпозитивизмнинг қуйидаги ўзига хос хус-ятларини қайд этиш мумкин, булар, биринчидан – фал.ни ўзига хос тарзда ҳимоялаш, оқлаш ва унинг метафизикага қайтарилиши; иккинчидан – фанни тадқиқ қилишда бир ёндашувнинг ёки ёндашувлар мажмуи, чунончи: тарихий-илмий, методологик, мантиқий ва б. ёндашувларнинг қўлланилиши; учинчидан – илмий билимни эмпирик ва наз-й қисмларга ажратмасдан, унга яхлит тузилма деб қаралиши кабилар. П. а-рларида тушунишнинг динамик тузилмаси яратилган тақдирдагина фанни наз-й тушуниш мумкинлиги ҳақида таъкидланади. У билиш тарихида изчиллик йўқ, илмий наз-яларни эса қоида тарикасида, таққослаш ва ўлчаш мумкин эмас, улар илмий билимда парадигмалар ўзгариши тарзида намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Постпозитивизмнинг вакили сифатида П.нинг очиқ жам-т ҳақидаги ғоясида ижт-й жараёнларни икки йўналишга: рационализм ва иррационализмга ажратганлиги яққол кўзга ташланади. Фал. тарихини ўрганиш бундай бўлишнинг асоссизлигини кўрсатади. Чунки рационал ва интуитив тафаккур белгилари ҳар бир файласуфга хосдир. Мас., Сукротни олсак, П. уни рационализм лагерига мансуб, дейди. Аслида эса Сукрот биринчи бўлиб ўз фал.си марказига инсон қалбини қўяди. Эзгулик тўғрисидаги мулоқотларида яхшиликни интутив тушуниш мумкинлигини исботлаб беради, яъни эзгулик, Сукрот фикрича, инсон руҳининг энг юксак поғонасидир, уни тафаккур, т.лар орқали очиб, тушунтириб бўлмайди, уни фақат онгли равишда ҳис этиш мумкин. Ҳар бир инсон қалб овозига қулоқ тутиши лозим. Қалб овозини кейинчалик Сукрот даҳо, деб атайди. Ҳар бир инсонда даҳолик мавжуд. Ана шу даҳолик Худонинг намоён бўлишидир. Сукротнинг бу фикрларини англаб етмаган Афина демократлари уни ўлимга маҳкум этишади. П. фал.сида ана шундай рационал ва иррационал жиҳатлар уйғунлашиб кетган ва бу ушбу фал.ни серқирра таълимотга айлантирган.

**ПОРАХЎРЛИК** – шахсий манфаат, ғаразли мақсад йўлида ҳар қанча таъмагирлик, товламачилик қилишга тайёр маън-й қашшоқ кимсага хос маън-й иллат. П. учун б., халқ ва жам-т манфаатлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Порахўр учун, энг аввало, ахлоқий нопоклик, хушомадгўйлик, таъмагирлик, товламачилик характерлидир. Порахўрда виждон, инсоф туйғулари бўлмайди, у ўзгалар ҳаққи – порани олиш учун виждонини сотади. Порахўрнинг моддий танг аҳволда яшаётган кишиларга нисбатан таъмагирлиги қабиҳликдир. Порахўр пора олиш, ўз ғаразли мақсадини амалга ошириш учун турли йўллар қидиради, у мавжуд қонунларни, тартиб-қоидаларни бузади, ҳақиқатни поймол қилади, эгрини тўғри дейди, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланади ва ҳ.к..

П. ижт-й ҳодиса бўлиб, энг қабиҳ иллатлардан саналади. Ш-дек, у жиноят, ҳуқуқбузарликнинг бир кўриниши. П.нинг ижт-й зарари жам-т рив-шига, мам-т мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига тажовуз сифатида баҳоланиши лозим. П.нинг энг хавфли кўриниши давлат муассасаларида ишлаётган, вазифаси инсонлар тақдири б-н боғлиқ, юқори мансабда ўтирган раҳбар шахс томонидан содир этилганидир.

П. раҳбар хизмат лавозимини шахсий бойлик орттириш манбаига айлантиради, у нима яхши-ю нима ёмонлигини яхши била туриб, онгли равишда пора олади. Ҳақиқий инсонпарвар, адолатпарвар, имонли, ҳалол раҳбар ҳеч қачон П. б-н шуғулланмайди. Пора бир кимсанинг бошқа кимсадан унинг ёки ўзининг муайян ишини битириб бериши эвазига, халқ ва давлат манфаатларига зарар келтирган ва мансабини суиистеъмол қилган ҳолда пул ёки бошқа мол-мулк тарзида оладиган улуши. Пора талаб қилиш товламачилик ҳисобланади.

П.ка назоратсизлик, интизомсизлик, буйруқбозлик, ўта расмиятчилик, одамлардаги лоқайдлик каби тартибсизликлар йўл очиб беради. Бундай одамлар ва иллатларнинг кучайишига меҳнат жамоалари, ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий тартиб-интизомнинг сусайиб кетгани, айрим шахсларнинг шахсий бойлик орттириш йўлида ўз нафсини тия олмаслиги, кишилардаги ижт-й фаоллик, шахсий жасоратнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Бу зарарли иллатга қарши курашилмаса, порахўр текин бойлик ҳисобига гаштини сураверади. Таъмагирлик, фирибгарлик, алдамчилик б-н олинган пора ҳаромдир. Қуръони Каримда б.нинг ҳақини ейиш, пора олиш ҳаром амал ва гуноҳ экани уқтирилиб, бундай гуноҳ ишларни қилмаслик буюрилган: «Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ ҳаром йўллар б-н емангиз! (Яъни, бирбирингизнинг ҳақингизни еманг!). Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл б-н ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!» П. б-н маълумотли ҳам, маълумотсиз ҳам, хуллас, турли лавозим ва мансабда ишлаётган кимсалар ҳам шуғулланади. Порахўр қинғир ишларини пинҳона тарзда амалга оширишга ҳаракат қилади.

Жам-тда П. иллатини тугатиш, ундан халос бўлишнинг мақбул йўлларидан бири ижт-й ҳаётда ошкораликни ошириш, меҳнат жамоаларида назоратни кучайтириш, бу борадаги қонун устуворлигига қатъий риоя қилиш талабини оширишдир. П.нинг авж олиши жам-тни маън-й инқирозга олиб келувчи сабаблардан биридир. Бу ҳолатдан тезда огоҳ бўлиш, олдини олиш бора-бора ёшлар онгида порасиз ҳеч нарса битмайди, деган тасаввур пайдо бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Бу эса уларнинг билимсиз, масъулиятсиз кишилар бўлиб шаклланишига олиб келади. Қолаверса, буларнинг барчаси юртимиз келажаги учун таҳдиддир.

**ПОРНОГРАФИЯ** (қад. грек. πόρνη – фоҳиша, бузуқ ва γράφω – ёзаман, чизаман, тасвирлайман; πόρνη, πέρνημι – сотаман) – шаҳват қўзғатиш мақсадида адабиётда, расмларда, ҳайкалларда, фильмлар ва б.да жинсий хатти-ҳаракат акс эттиришни ифодалайдиган маън-й иллат. Инсониятнинг бутун тарихи давомида ва бугунга қадар ҳам П. давлат ҳамда диний ҳокимиятлар томонидан чекланиш ва тақиқларга тортиб келинган. Қораланадиган ва пинҳон тутиладиган порнографик материаллар ва маъқулланиши анчагина кенг бўлган эротика ўртасидаги фарқ муайян жамтнинг вақт ўтган сари ўзгариб бораётган мезонларини акс эттиради. Бугунги кунда Ғарбда ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайдиган фильмлар ва телекўрсатувлар кўпгина мусулмон-

лик жам-тларида «порнография» деб аталади. Бошка томондан кад. Греция ва Римда гарчи бу тасвирлар замонавий П. кўзлаган максадларга интилмаган бўлса-да, фаллос (жинсий аъзо) ва оргиялар (жинсий кўшилиш) сахналари кўп тасвирланган.

Шундай бўлса-да, порнография эротикага нисбатан жиддий фаркларга эга. Бугунги дунёда порнобизнеснинг кенг ривожланиб бориши б-н боғлик холда П.нинг мавжудлиги масаласи ўта мухимдир. Бу атама пайдо бўлишига XVIII а.да Францияда Ретиф де ла Бретоннинг «Порнограф ёки фохишаликнинг хакикий ахлоксизлиги тўғрисида тартибли одамнинг мулохазаси» китоби чикиши сабаб бўлган. Мазкур китобда жам-т хаётида кишининг анъанага кўра номакбул хисобланувчи хаёт фаолияти сохаси кўриб чикилган, шунга боғлик холда китобнинг номи шахватпарастлик б-н боғлик бўлган номакбулчиликнинг салбий т.сига айланди.

Жахонда илк бор П. Буюк Британия парламенти томонидан 1857 й.даги номакбул нашрлар тўғрисидаги конунда (Obscene Publications Act) такикланди. Бугунги кунда кўпгина мам-тларда П. кўрсатилган фильмлар конунга хилоф хисобланади. Қонунга хилоф порно жахоннинг мутлак кўпчилик мам-тларида такикланган, шу жумладан Интерпол томонидан таъкиб килинади.

Порнотопия, П. каби маън-й тахдидлар каршисида катта-катта давлатлар, жам-тлар хам ожиз колмокда. Энг ёмони, улар инсоннинг дунёкараши, хис-туйғулар олами, маъ-ятини жиддий хавф остида колдирмокда, баъзан ахлок меъёрлари тамомила унутилмокда. Бундай шароитда одамларни бундай хатарлардан огох этиш, эл-юрт, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга каратиш, ёш авлодни маън-й соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш мухим ахамият касб этмокда.

**ПОРФИРИЙ** (232 тахм. 301–304) – неоплатончилар орасида Плотиндан кейинги энг йирик ва иктидорли файласуф. У сермахсул адиб, олим, файласуф ва диншунос сифатида яхши танилган эди. Фаннинг мат., гармоника, риторика, грамматика ва тарих сохаларида ижод килган. Унинг фал-й-наз-й а-рлари орасида «Арасту «Категориялар»ига кириш» ё «Беш хилдаги оханг» номли китоби машхурдир. Ушбу кўлёзма Византия, Шарк ва Ғарбнинг кўплаб олимлари томонидан бир неча маротаба турли тилларга таржима килинган ва шархлаб берилган. Бу а-рида П. т.ларнинг белгилари (хил, тур, турга оид хус-ятлар, ўзининг ва ўзга нарсанинг белгилари, тасодифий хус-ятлар) хакидаги мантикий таълимотини баён килади. Порфирий космология ва астрология, христианликка зид бўлган мунозарага оид бошка кўплаб а-рлар хам яратган. У Плотин маърузалари ва Афлотуннинг бир катор мухим диалогларига шархлар ёзган.

П. нафакат Афлотуннинг, балки Арастунинг хам а-рларига, айникса, унинг мантик сохасидаги китобларига шархлар ёзган. П.нинг ўзи неоплатонизмнинг энг йирик мантикшуноси эди. Унинг наз-й а-рлари б-н бир каторда амалий фал.га оид а-рлари хам мавжуд. Ушбу а-рларда П., жумладан, сиёсий фазилатлар, хаяжонлардан покланиш, аклга таъсир килувчи фазилатлар ва х.к. хакидаги таълимотларини баён килган.

П. амалий мистикага катта ахамият берган ва ўз а-рларида уни химоя килган. Августин «Илохий шахар хакида» а-рида хабар килишича, П.нинг «Рухнинг юксалиши» номли а-ри мавжуд бўлган. Ушбу а-рда П.нинг икки йўл тўғрисидаги таълимоти шаклланган ва ривожлантирилган. Биринчи йўл факат файласуфларга хос бўлган соф мушохада йўли бўлса, иккинчи йўл оломон учун мўлжалланган теургия (илохларга таъсир этиш воситалари тўғрисидаги таълимот) йўлидир.

**ПОСИДОНИЙ** (Poseidonios) (мил. ав. тахм. 135, Апамея, Сурия – мил. ав. 51, Рим) – кад. юн. файласуфи, ўрта стоикларнинг забардаст мутафаккирларидан бири, Годосс мактабининг асосий рахбари. Афинада Панетий кўлида тахсил кўрган. У ерда Цицерон ва Помпейнинг диалоглари эшитилган. Улар ўз даврларининг комусий олимлари бўлишган. Ўрта Ер денгизи атрофи мам-тлари, Италия, Испания, Галлия ва Германияга саёхатлар килган, турли халклар тарихи, мад-ти, кадриятлари б-н танишгач, бир неча й. Римда яшаган, бу давлат аслзодалари б-н илик мунтлар ўрнатган. Кейинрок, мил. ав. 987 й.да Родос оролига кўчиб ўтган ва у ерда ўзининг нотиклик-фал-й мактабини очади. Посидоний мактабида мил. ав. 78–77 й.лари Цицерон хам тахсил кўрган ва аллома ушбу шогирди туфайли Помпей б-н танишган.

П.нинг «Океан тўғрисида», «Осмон ходисалари тўғрисида», «Коинот тўғрисида», «Худолар тўғрисида», «Физика тўғрисидаги мулохазалар», «Этика тўғрисидаги мулохазалар» каби а-рларидан унинг замондошлари Цицерон, Лукреций, Страбон, Секст Эмпирик, Диоген Лаэртский ва б. фойдаланишган ва иктибос килишган. П.нинг илмий кизикишлари доираси кенг бўлган. Қад. замон фал. си тадкикотчиси Л.Ф. Лосев П.ни мулохазасининг чукурлиги бўйича Афлотун, комусийлиги бўйича эса Арасту б-н тенглаштиради. П. файласуф, табиатшунос, математик, астроном, географ, тарихчи ва этнограф бўлиб, фал-й илмий эклектик тизимни яратган. Унингча, Космос ягона ва тугал, шарсимон ва бўшлик б-н ўралган бўлиб, Ер унинг марказида жойлашган. Худо – оловланган онгли пневма, у – космик логос, барча космик жараёнларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминловчи. Юлдузлар – илохий эфир жисмлари, Куёш – хакикий олов. П. астрологиянинг фаол тарафдори, инсон такдири юлдузларнинг жойлашувига боғликлигига тўла ишонадиган астролог сифатида олам ва коинот тузилиши, юлдузлар жойлашуви, шамол, чакмок, камалак жилоси, океанларнинг хажми ва чукурлиги, ер кимирлашлари, денгизлар сувининг кўтарилиши ва пасайиши, бу ходисаларнинг Ой фазалари б-н боғликлиги кабиларни ўрганган. Ер шарининг катталиги хакида Эротосфен карашларидан фарк киладиган фикрларни баён килган, унинг кобиғи катталигини 240000 стадиядан иборат деб хисоблаган. Ер б-н Ой ораси – 52¼ Ер радиуси, Ер б-н Куёш ораси – 13098 Ер радиусига тенглиги хакидаги хулосага келган. Гарчанд П.нинг кандай асбоб ва воситалардан фойдаланганi маълум бўлмаса-да, унинг бу фикри ўзининг аниклиги б-н бугунги олимларни хам хайрон колдиради.

П. оламдаги жараёнлар марказига табиатдан илохийлашган инсонни кўяди. Дуалистик мавкедан фикр юритиб, рухнинг танадан мустакил равишда мавжудлигини шу тарика инсон хаёти ва иррационал оламда хиссиётнинг ўрни ва ривожи тасвирлаб берилади. Унингча, инсоннинг энг паст туйғулари уни лаззатланиш томон тортса, энг юксак хиссиётлари жисмоний ва маън-й баркамолликка ундайди. Ким кайси йўлга кетса, шу томонга хос хус-ятлар касб этади ва унинг жам-тдаги обрўси шунга яраша бўлади. Ш.у. хам хар бир инсоннинг яшашдан максади паст туйғулар йўлига юрмаслик, энг олий кадриятларга интилиш бўлиши лозим.

П. ўзидан илгари Полибий бошлаган анъанани давом эттириб, «Тарих» деб аталган 49 жилдли фундаментал а-р ёзган ва унда дастлаб Дикеархнинг «Греция хаёти» а-рида баён килинган концепцияга асосланган. Бу концепцияга кўра, инсоният тарихи муттасил икт-й фаровонлик, бойлик ва мол-мулкка интилиш тарихи бўлгани каби, доимий маън-й таназзул ва ахлокий кадриятларнинг тўхтовсиз кадрсизланиши жараёнидан иборатдир. П.нинг бу хакдаги ғоя ва карашлари б-н чукур танишган сари унинг ўз а.идан анча илгарилаб кетгани, бугунги кунда баъзи икт-й ривожланган Ғарб мам-тларидаги маън-й та-

наззулнинг илдизлари узок даврларга бориб такалишини беихтиёр хис киласиз. Шу жиҳатдан П.нинг фикрлари ўз даври ва унинг кейинги тар-ёти учун жуда катта аҳамият касб этган.

**ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ** – ижт-й фал. ва социология фанлари доирасида тарихий жараёнга цивилизацион ёндашувни ҳамда цивилизация тар-ётининг хоз. боскичини ифодалаш учун қўлланиладиган т.. П.ж. термини биринчи бўлиб америкалик социолог, футуролог Даниел Белл (1919) томонидан илмий муомалага киритилган. Белл дастлаб бу т. оркали таълимоти номини («Постиндустриал жам-тнинг вужудга келиши. Ижт-й башоратчиликдаги авантюра», 1973), кейинчалик эса цивилизация реал ривожидаги конкрет боскични ифодалаган. Беллнинг фикрича, тарих цивилизацион ташкилотларнинг бири ўрнини бошкаси изчил равишда эгаллайдиган уч боскичли жараён (анъанавий жам-т, индустриал жам-т ва П.ж.) сифатида намоён этади.

П.ж.га хос хус-ятлар куйидагилардир: 1) иктисодиётнинг товар и.ч.дан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга караб йўналтирилиши ҳамда саноатда илмфанга асосланган соҳаларнинг устуворлигида; 2) назорат килинадиган технологик тар-ёт истикболларини режалаштирувчи метатехнологияларни яратиш имкониятини берадиган янгича технологик соҳанинг ташкил этилишида; 3) жам-тнинг ижт-й структурасидаги мун-тларнинг тубдан ўзгаришида, индустриализм давридаги синфий бўлиниш ўрнига касбхунарга караб бўлинишнинг устунлик килиши, мулкчилик мун-тлари аҳамиятининг ўзгариши окибатида аввал асосий бўлган меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддият ўрнини ишни билмаслик ва касбий маҳорат ўртасидаги зиддият (конфликт) эгаллайди; 4) жам-тнинг муассаса ва ташкилотлари таркибида туб сифатий ўзгаришларнинг юз беришида, илмнинг янги технологик жараёнларнинг асоси, ш-дек, ижт-й ихтилофларнинг бош сабаби сифатида намоён бўлиши; ижт-й ташкилотлар доирасида семантик ва аксиологик ургунинг ўзгариши анъанавий жам-тда «армия ва черков», индустриал жам-тда «фирма ва корпорация» устунлик килган бўлса, постиндустриал жам-тга келиб, бу жам-тнинг асосий ҳодисаси бўлган илмни вужудга келтирувчи муассаса – ун-тлар устунлик килади; 5) мад-т соҳасининг кайта ташкил этилишида, унинг ташки шаклий томонини компьютерлаштириш ташкил этса, ички мазмунини биринчи навбатда, интеллектуализм ҳамда шу аснода ҳар бир киши томонидан ўзини илм индустрияси сифатида ташкил этиши белгилайди.

Белл томонидан яратилган П.ж.нинг асосий концепцияси кейинчалик бошка социолог ва футурологлар томонидан 2 йўналишда ривожлантирилди: П.ж. концепциясини европача моделини ишлаб чикишга асосланган радикал йўналиш (Ж. Фурастье, Турен); П.ж.нинг америкача моделини яратишга йўналтирилган либерал йўналиш (Гэлбрейт, К.Э. Боулдинг, Г. Кан, О. Тоффлер).

П.ж. концепциясининг радикал йўналиши – юкори гоявийлиги ва ижт-й-мад-й муаммоларга махсус кизикиши б-н характерланса, либерал йўналиш – асосий эътиборни амалий тадкикотларга ҳамда ҳокимият, уруш, бошкарув муассасалари, оила, оммавий коммуникация каби П.ж. доирасида ривожланадиган ижт-й-сиёсий, структуравий, ташкилий характердаги ҳодисаларнинг сценар моделларини яратишга каратади.

П.ж. шахснинг ўз-ўзини доимий тарзда такомиллашиб бориш эҳтиёжини вужудга келтиради. Ана шундай жам-тда инсонинг ўз-ўзини англаши ҳодисаси марказий мавкени ишгол этади, ҳар бир кишининг комилликка бўлган интилиши табиий заруратга айланади.

**ПОСТМОДЕРНИЗМ** (лот. post – кейин, modernism – замонавий модернизмдан кейинги замонавий боскич) – тарихий, ижт-й ва миллий контекстга боғлик фал-й эпистемологик, илмий-наз-й ва хиссий эстетик тасаввурлар мажмуини билдиради. Бу атама илк бор Р. Привиннинг «Европа мад-тининг бўҳрони» (1917) китобида кўлланилган. П. атамасининг маъносини тушунишга ҳаракат килганда унинг пародоксал эканлигини аниклайди. Сўзма-сўз таржимаси «замонавийдан кейинги» маънони билдиради. Маълумки, футуристлар XX а. бошида яшаб туриб бу даврдан «сакраб чикиш»га ҳаракат килганлар. Аммо бундай ҳаракат беҳуда бўлиб чикди. Шу маънода П. инсон ўз замонасидан кочишини англата бошлади. П.ни тушуниш учун «Қайси томонга ҳаракат килиш – олдинга, оркага, ҳоз. замонга ёки...» деган савол катта аҳамият касб этиб, «ҳаракат» йўналишини аниклаш муҳим роль ўйнайди.

П. атамаси XX а.нинг 20–30-й.ларида илмий муомалага модернизм адабиётининг ўрнини босувчи адабиёт маъносида киритилиб, конкрет тарихий мазмунга эга эди. Аксарият ҳолларда унинг ўрнига бошка синонимлар мас., «ультрамодернизм» (ўта юкори модернизм) т.сидан фойдаланилди. Унинг мазмуни ультрамодернизм намояндалари ўз замонасини жуда яхши билиши, якин келажакда амалга ошадиган тенденцияларни олдиндан айтиб бериши б-н боғлик даъвони акс эттирар эди.

XX а.нинг 30–40-й.лар интеллектуал контексти бундай даъволарни жиддий кабул килмади. Фақат 60-й.лардан бошлаб тарихчилар ва адабиётшунослар П.га ғоявий дастур кўринишини беришиб, дунёкараш либосига ўрашди. Тойнби а-рларида П. т.сининг мазмуни ўтган даврлардан тубдан фарк киладиган замонавий даврни (Биринчи Жаҳон уруши давридан бошлаб) белгилаш учун кўлланилган. 1960–70 й.ларнинг охирларига келиб, ушбу т. меъморчилик ва санъат соҳаларида янги окимларни кайд этиш учун кўлланила бошланди. Ш-дек, у икт-й, технологик ва ижт-й тарихий йўналишдаги соҳаларга ҳам татбик килина бошланди. 1979 й.дан бошлаб (Лиотурнинг «Постмодернистик ҳолат: билим ҳакида маъруза» номли а-ри нашр килингач) ҳоз. даврнинг ўзига хослигини кайд этувчи фал-й т., категория макоми такикланади (К. Ботлер, В. Вельш, Т. Доан, Р. Девис, Ч. Женкс, А. Ле Во, Д. Лож, Ж. Модзоро, А. Олива, У. Спайнос, У. Стейнер, Д. Форворд, А. Уойлд, И. Хассон).

Адабиётшунослар И. Хассон, Д. Анин, У. Спайнос, Л. Фридлар П. дунёкарашининг асосчилари бўлиб, улар постмодернни ўзига хос парадигма ва эластема сифатида кўришди. П. фал.си структурализм, марксизм, фрейдизм ва ницшечилик каби окимлар дунёкарашига оид ғояларни айримларини саклаб колиш, баъзиларини бартараф этишга уриниш натижасида вужудга келди. Шу маънода П. эклектик дунёкарашнинг натижаси сифатида каралади. П.нинг атокли вакиллари: Р. Борт, Батой, Бланшо, Бодрийор, Делез, Деррида, Жеймисон, Гваттари, Клоссовский, Кристева, Лиотор, Мерло-Понти, Фуко ва б.дир. П. йўналиши тарафдорлари асосий т.лари куйидагилардан иборат: дунё тартибсизликлардан ташкил топган ва ш.у. уни постмодернистик таъсирчанлик б-н тушуниш зарур; вокеликни ҳажв йўсинда ҳикоя килиш; дунёга истеҳзоли мун-т; зид баркарорлиги; санъатни «элита» ва «омма учун» деб бўлинишини кабул килмаслик; санъат ва кундалик ҳаёт ўртасидаги чегарани тополмаслик; ҳаётни кандай бўлса шундайлигича кабул килиш. Дунёкараш сифатида модернизмнинг асосида урбанизм (шахсга сиғиниш), технологизм (шахсга сиғиниш), примитивизм (таклидни ривожланмаган намуналарига сиғиниш), эротизм, дегуманизация ва б. тамойиллар ётади. Постмодернизм модернизм тамойилларини кайта кўриш ва бартараф этиш сифатида вужудга келди.

П. шаклланишининг объектив сабаблари ичида уч омил катта аҳамият касб этади. Биринчидан – умуман давлат ва тоталитар давлатнинг инсонларни яшаши учун хавфсиз шарт-

шароитларни шакллантириш борасидаги имкониятларнинг камайиб кетганлиги. Иккинчидан – технологик мун-тларнинг инсонпарварликка қарши қаратилганлигининг кўпайиб бориши, коммуникация жараёнларида инсон юраги ва қалбига ўрин қолмаганлиги. Учинчидан – ижт-й жараён таркибига илгари унда иштирок этмаган янги ижт-й гуруҳларни кириши. Мас., турли феминистик ва экология б-н боғлиқ ҳаракатлар. Ҳоз. вақтда П. т.сининг ўзгариши тарихи постмодернлик (модернизмдан кейинги) фал-й рефлекциянинг махсус предметига айланмоқда (Х.Бертенс, И.А.Роуз ва б.). Ш-дек, П. терминини кенг маънода тушуниш тенденцияси устунлик қилиб, яъни бу т.ни «тарихий-адабий ёки тарихий маънода эмас, балки умумилмий т. сифатида қўллаш лозим»лигини эътироф қилиш кучайди (Г.Кюнг), шу б-н бирга, ҳоз. вақтга келиб шундай н. назар қарор топдики, унга кўра П. фақат ижт-й реалликнигина эмас, балки онгнинг ҳам рив-ш даври (З.Боуман) ни англата бошлади.

**ПОСТНОКЛАССИК ФАЛСАФА** – XX а.дан фал. рив-шида янги босқич бошланганини ифодалайдиган т.. Бу давр фани постноклассик деб аталади, чунки мазкур а. бўсағасида фанда инқилоб юз беради ва бунинг натижасида у олдинги даврнинг классик фанидан сезиларли даражада фарқ қила бошлайди. XIX–XX а.лар чегарасида амалга оширилган инқилобий кашфиётлар бир қанча фанларнинг асосларини ларзага солади. Мат.да тўпламлар наз-яси ва математик тафаккурнинг мантиқий асослари танқидий таҳлил қилинади, бир қанча янги фанлар вужудга келади. Физикада классик физиканинг фал-й асосларини қайта кўришга мажбур қилган фундаментал наз-ялар – нисбийлик наз-яси ва квант механикаси яратилади. Биолог.да генетика ривожланади. Тиббиёт, психология ҳамда инсон ҳақидаги бошқа фанларда янги фундаментал наз-ялар пайдо бўлади. Илмий билимнинг шакл-шамойилида, фан методологиясида, илмий фаолиятнинг шакл ва мазмунида, унинг меъёрлари ва идеалларида оламшумул ўзгаришлар юз беради.

XX а.нинг иккинчи ярми фанни янги инқилобий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар адабиётларда кўпинча фан-техника инқилоби сифатида тавсифланади. Бу ўзгаришлар шу б-н боғлиқки, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин иқт-й ривожланган мам-тларда фан ютуқлари илгари мисли кўрилмаган миқёсда амалиётга – саноат, қ.х., соғлиқни сақлаш, кундалик ҳаётга жорий этилади. Фан энергетикада (атом электростанциялари), транспортда (автомобилсозлик, авиация), электроникада (ТВ, телефония, компьютерлар), айниқса улкан ўзгаришлар ясайди. Фаннинг рив-шни энг янги ҳарбий техникани яратишнинг асосий омилига айланади ва «икки лагер»нинг урушдан кейинги қарама-қаршилиги шароитида авж олган қуролланиш пойгаси йирик давлатларни илмий-техникавий тадқиқотларга улкан маблағларни сарфлашга мажбур қилади.

XX а.нинг сўнгги ўн й.лликларида фан-техника тар-ёти ахборот (компьютер) инқилоби босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот жам-т рившининг муҳим ресурсларидан бирига айланди. Шу тариқа фан б-н боғлиқ юксак технологиялар, улар б-н муштарак таълим эндиликда ҳар қандай жам-тнинг цивилизацион рив-ш даражасини белгиламоқда. Илмий кашфиётлар ва уларнинг амалга татбиқ этилиши ўртасидаги масофа мумкин қадар қисқаради. Илгари фан ютуқларидан амалда фойдаланиш усулларини топиш учун 50–100 й. вақт сарфланган бўлса, эндиликда бунга 2–3 й.да ёки ҳатто бундан ҳам қисқароқ вақт ичида муваффақ бўлинмоқда.

Давлат ҳам, хусусий фирмалар ҳам фан рив-шининг истиқболли йўналишларини қўллаб-қувватлашга катта харажатлар қилиши табиий бир ҳол бўлиб қолди. Натижада XX а.нинг иккинчи ярми фани жадал суръатларда ўсиб, ижт-й меҳнатнинг муҳим тармоқларидан бирига айланди. «Катта фан» даври бошланди. Кўп сонли илмий муассасалар ишига сон-саноқсиз одамлар оммаси жалб қилинди. Олим касби кам учрайдиган касб бўлмай қолди. Ҳоз. вақтда илмий фаолият ўзларини қизиқтирган муаммоларни ечишга бунинг бутун хавф-хатарини ўз бўйнига олиб кўл урган айрим мутафаккирларнинг машғулоти эмас, балки буюртмага, режали топшириқка биноан ишлайдиган, уни белгиланган муддатда бажариш ва ўз иши ҳақида ҳисобот беришга мажбур бўлган йирик жамоаларнинг иши. Ҳозирда илмий меҳнат – индустриал меҳнатнинг бир тури. Фан б-н шуғулланувчи кишилар ҳозир «илмий ходимлар» деб аталиши бежиз эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўз-нда фаннинг барча соҳалари рив-шига алоҳида эътибор қаратилди. Фан рив-шнинг юксак даражасига эришган бўлса-да, лекин амалда фал. б-н узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Улар фаол ўзаро таъсирга киришиб, бир-бирининг рив-шига самарали таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол шу б-н изоҳланадики, фал. далилий материалга, синовдан ўтган илмий маълумотларга таяниб, ўз мавҳум ғояларини борлиқ б-н таққослаш имкониятига эга, фан эса далилларни қайд этиш ва тавсифлаш б-н чекланмай, янада асослироқ хулосалар чиқариш имкониятини қўлга киритади. XXI а. бошига келиб жаҳонда олимлар сони қарийб олти млн.га етди, тахм. шунча одам фанга хизмат кўрсатувчи меҳнат б-н банд (лаборантлар, техниклар, нашриётларнинг ходимлари ва ҳ.к.). Ерда қадим вақтлардан бошлаб то XXI а.нинг бошига қадар яшаган олимларнинг умумий сонини олсак, уларнинг ўндан тўққиз қисми бизнинг ватандошларимиз эканлиги аён бўлади. Ривожланган мам-тларда илмий ходимлар сони меҳнатга қобилиятли аҳолининг қарийб 10% ини ташкил қилади, фанни таъминлашга миллий даромаднинг 5% дан кўпроғи сарфланади.

Ҳоз. замон фани жам-т, техника, иқтисодиёт, мад-т, турмуш ва кундалик ҳаётни йўлга солувчи қудратли кучга айланди. Айни вақтда одамлар бугун фаннинг қудратинигина эмас, балки у б-н боғлиқ бўлган хавфларни ҳам яхши англайдилар. Ҳоз. дунё ўз ютуқлари ва ўзининг жўшқинлиги учун фан олдида масъулиятли. Аммо илмий ҳақиқат ўз ҳолича одамларнинг эҳтиёжларига бефарқ. У бепарво ва раҳм-шафқатсиз. Ҳоз. замонда жам-т кўп жиҳатдан фаннинг улкан ютуқлари туфайли ўзини ўзи йўқ қилиш ёқасига келиб қолди. Бу илмий тар-ётни тўхтатиш керак, дегани эмас. Аммо илмий изланишни инсоний, ахлоқий мун-тга бўйсундириш ва балки унинг қайсидир йўналишларини чеклаш зарурлиги тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилмоқда. Илмий изланишнинг инсонпарварлашуви, унинг йўллари ва оқибатларига ахлоқий мун-т – бу давримизнинг муҳим муаммоларидир.

**ПОСТПОЗИТИВИЗМ** – XX а.нинг 50–70-й.ларида неопозитивизм ғояларини танқид қилиш жараёнида юзага келган Ғарб фал.си қатор концепцияларини ифодаловчи истилоҳ. Айни пайтда, ушбу концепциялар моҳиятан мантиқий эмпиризм б-н ҳамоҳангдир. П.нинг асосий йўналишларига К. Попперниннг танқидий рационализми, У. Куайн ва М. Уайтнинг прагматик таҳлили, Д. Армстронг ва Ж.Ж. Смартнинг илмий материализми, П. Фейерабенд ва Р. Рорти концепциялари, ҳоз. замон фал-й реализмининг турли кўринишлари киради. Айни пайтда, П. термини аниқ таърифга эга эмас. Баъзи файл.лар уни таҳлилий фал. б-н боғласалар, б.н мазкур терминга торроқ таъриф берадилар. Неопозитивизм ривожлангани сайин унинг фал.ни тубдан ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ижо-

бий натижа бермаслиги маълум бўла борди. Шунга асосланиб, П. намояндалари метафизика б-н фан т.лари орасига катъий чегара қўйиб бўлмайди, деган хулосага келадилар. П.нинг таъкидлашича, П.нинг асосий камчилиги шундан иборатки, у эмпиризм принципининг аҳамиятига, ҳиссийликнинг ролига ортича баҳо бериб юборди. Билишнинг дастлабки нуктаси бевосита кабул килинган элементлар ёки кузатиш б-н эмас, балки наз-я б-н боғликдир, чунки наз-ядан илгари ва ундан ташкарида билишнинг бўлиши мумкин эмас. Ушбу принциплар К.Попперниг танкидий рационализмида ўз ифодасини топди. П. йўналишлари мантикий позитивизмнинг катъий талабларидан (мас., эмпирик верификация наз-ясидан, фал.ни фаннинг мантикий методологик таҳлилига айлантириш ғоясидан) воз кечиб, физикализм ғояларн, илмий реализм концепцияси, редукционистик методология ва ягона фан наз-ясини ривожлантиришга интиладилар. Бунинг учун неопозитивизмнинг таҳлил килиш усулидан ва муаммоларга лингвистик ёндашувидан фойдаланилади.

Сўнгги зикр этилган караш бир канча фал-й тадкикотларда П. деб аталади. Унинг таникли намояндалари Т. Кун, И. Лакатос, П. Фейерабенд, К. Поппер, Г. Гадамер, К.-О. Апель ва б. ҳисобланади. Мутахассислар ҳоз. замон П.нинг куйидаги ўзига хос хус-ятларини кайд этган. Булар, биринчидан, фал.нинг ўзига хос тарзда ҳимоялаш оклаш ва унинг метафизикага кайтарилиши; иккинчидан, фанни тадкик килишда бир ёндашувнинг ёки ёндашувлар мажмуи, чунончи: тарихий-илмий, методологик, мантикий ва б. ёндашувларнинг кўлланилиши; учинчидан, илмий билимни эмпирик ва наз-й кисмларга ажратмасдан, унга яхлит тузилма деб каралиши.

П.да тушунишнинг динамик тузилмаси яратилган такдирдагина фанни наз-й тушуниш мумкинлиги хакида таъкидланади. Ниҳоят, антикумулятивист (кумулятивизм – билимларнинг аста-секин ва изчил ўсиши жараёни) бўлган постпозитивистлар (К. Поппер, Т. Кун ва б.) билиш тарихида изчиллик йўк, илмий наз-яларни эса конда тарикасида, таккослаш ва ўлчаш мумкин эмас, улар илмий билимда парадигмалар ўзгариши тарзида намоён бўлади, деб ҳисоблаганини кўрсатиб ўтиш лозим.

**ПОСТСТРУКТУРАЛИЗМ** (ёки неоструктурализм) – структурализмдан келиб чиккан ва уни кайта кўриб чикишга каратилган фал-й таълимот. Лингвистик структурализм асосчиси Ф. Соссюр ва структурализмнинг йирик вакили Клод Леви-Строс фикрича, анъанавий фал-й усул ва лингвистик коидалар ва б. ижт-й наз-ялар б-н дунёни изоҳлаб бўлмайди. Уларни тубдан кайта кўриб чикиш керак. П. Ж. Деррида, Фуко ва Лакон таълимотига суянади. Илгариги лингвистик наз-яни «кайта конструкция» килиш асосида, Ж. Деррида феноменология соҳасини, Соссюрнинг лингвистик карашлари, структурализм ва Лаканнинг руҳий таҳлилини танкидий таҳлил килди. Соссюр лингвистик белгиларни термин ва товушда ифодалашнинг бир-биридан фаркини кўрсатди.

П. вакиллари ундай терминларнинг бир бутунлиги, бир хиллиги максадга мувофик эмас, деб кўрсатадилар. Улар бошка турлиликдан «сирганиб» чикиб кетди. Ш.у. охирги таърифни бериш мумкин эмас, деб кўрсатадилар. П. тарафдорлари структура доирасида статистик жиҳатдан тарихий жараёнда эркин бўла олмайди. Бундай структура ҳокимиятга бўйсуниш ва бўйсундириш мун-тини келтириб чикаради. П. структурани бутунлай рад этмайди. Балки структурага янгича мун-тда бўлишни талаб этади.

**ПОСТУЛАТ** (лот. postulatum – талаб этиш) – бирон-бир илмий наз-я доирасида ҳакикат деб кабул килинган ва мазкур наз-яда аксиома вазифасини бажарувчи коида. П. наз-янинг номантикий (махсус) аксиомасидир. Баъзан П. аксиома т.сининг синоними сифатида ҳам кўлланади. Лекин бу т.ларни айнийлаштириш ярамайди. Аксиома бирор наз-янинг бошланғич тамойили бўлса, П. шу наз-янинг махсус-илмий тамойили ҳисобланади. П. т.си кўлланилишига караб турлича маъно касб этиши мумкин. Мас.: Евклид исботсиз кабул килинган соф мантикий коидаларни аксиома деб, баъзи геометрик коидалар яратиши мумкин бўлган наз-яларни эса П. деб ҳисобланган.

**«ПОЭТИКА»** («Поэзия санъати») – кад. замоннинг буюк мутафаккирларидан бири, антик даврдаги юнон фал.си ва илм-фани тар-ётида янги даврни яратган аллома Арасту (мил. ав. 384–322 й.лар) томонидан ёзилган ва «Риторика» рисоласи б-н бирга алломанинг санъат, эстетика масалаларига бағишланган а-ри. «Поэзия санъати» деб ҳам номланган ушбу а-рнинг 26 боби, тугалланмаган фикрлардан иборат ҳолда бизгача етиб келган.

«П.» алломанинг санъатга мун-ти ва эстетик таълимоти унинг фал-й меросининг марказий кисмларидан бирини ташкил этишидан далолат беради. Унда муаллиф устози Афлотуннинг санъатга нисбатан карашларидан фарк киладиган эстетик ғояларини илгари сурган. Бу а-рда нафакат кад. Юнонистон, балки бутун дунёга машҳур бўлган Гомернинг «Илиада» ва «Одессия»си, Софоклнинг «Шоҳ Эдип» каби а-рлари ҳакидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Ш-дек, «Поэтика» ўз замонаси бадиий амалиётнинг мажмуаси ҳисобланиб, бадиий ижоднинг меъёрий конунлари илк бора тизимли тавсифланган а-р ҳамдир. Мутаффакир унда санъатнинг антик далилларига таянади, Зевксис, Полигнот каби рассомлар, ҳайкалтарош Федия ва б.ни тилга олади.

«П.»да Арастунинг кад. юнон драмаси, эпоси, архитектураси, мусикаси, рассомчилигини жуда яхши билгани кўзга ташланиб туради. У булар ҳакидаги жуда кизикарли фикрларни баён килади, муҳим бадиий масалалар ҳакида фикр-мулоҳаза юритади. Мас., комедия ёмонни ҳажв остига олиб, яхшини тасдикласа, трагедия эса энг яхшини таърифлаб, энг ёмонни рад этади, дейди Арасту, ҳаётий вокеаларни каламга олади, тартибга солади, персонажларнинг кандай каҳрамонлик кўрсатганларини ёки гуноҳ иш килганларини тасвирлайди.

Арасту «П.»да ўз ўтмишдошлари Пифагор, Демокрит, Афлотун каби эстетик таълимоти марказига гўзаллик масаласини кўяди. Гўзалликнинг асосий турлари муаллиф фикрича, батартиблик, меъёрлик ва аникликдир. Гўзалликнинг энг юкори ифодасини жонли нарсалар ва, айникса, инсон ташкил этади. Инсон ўзининг гармоник ва пропорционал ҳолда тана кисмларининг тузилиши туфайли гўзалликни ифодаловчи ва у б-н бирга санъатнинг асосий предмети сифатида иштирок этади. Гўзаллик, унинг фикрича, объектив ва мутлак нарсалар. Бу жиҳатдан Арасту Гераклит ва Демокритга якин туради. Унингча, улар учун гўзаллик ғояларда эмас, балки реал предметларда, улар б-н муҳим алока ва ўзига хосликдадир.

Санъат «П.» муаллифи фикрича, ҳаётни талкин этиш ва янгиланишдан иборат. Талкин этишлик ритм, сўз ва ҳамоҳанглик (кўп маъно)лар асосида бўлади. Раккосанинг хатти-ҳаракатига бас бериб, аллома шундай дейди: раккоса ўзининг кўркам, ритмик ҳаракати б-н характерни кайта ишлаб, ифода этади. Шеъриятда ҳамоҳанг, ўлчов коидасининг аҳамиятини алоҳида кайд этади. Фикр ва сўз яхлитлиги ҳамда мантикийлиги зарурлигини тўғри ва муфассал баён килади. Сўз воситасида ифодалашнинг афзаллиги унинг аник бўлишида, тубан бўлмаслигидандир, дейди мутафаккир. Санъат, Арасту фикрича, кишиларнинг кайта яратишга мойиллигидан туғилади. Таклид килиш, бирин-

чидан, кишида боладикдан бошланади ва улар бошқа махлукотлардан таклид қилиш қобилиятлари юқори бўлганлиги учун дастлабки билимни ола бошлайдилар, иккинчидан, озиқ-овқатларни танаввул қилиш барчага лаззат келтиради. Бу орқали Арасту кишилар адабий а-рларни кузатиб лаззатланишларининг сабабини тушунтиришга харакат қилади. Бу лаззат, унинг фикрича, «билиш» қувончида яширинган бўлади. Шуни айтиш керакки, Арасту эстетик лаззатнинг манбаини ғоялар дунёсидан эмас ёки тажриба доирасидан ташқаридаги моҳиятдан эмас, балки кишиларнинг реал хоҳишлари орқали билишга боғлиқ дейди.

Арасту санъатни борлиқдаги имкониятини фаол, ижодий юксак бадиий маҳорат б-н ифодалаш деб билган. Мутафаккир тили б-н айтганда, умуман, санъат хус-н яхши трагедия инсонни поклайди, уни ёмонликлардан сақлайди. Яхши трагедия оддий ва содда бўлмай, балки у кўпгина турли-туманликни ўз ичига олади, унда даҳшатли ва ачинарли воқеа бир-бирига кўшилиб кетади. Трагедияда хурматли кишилар бахт-саодатдан кетма-кет бахтсизликка учраб турувчилар сифатида ифодаланмаслиги керак, акс ҳолда томошабинда на ачиниш, на раҳм-шафқат, на қўрқув туғилади. Ш-дек, ярамас киши кетма-кет бахтиёрликдан бахтсизликка тушиб турган ҳолда тасвирланмаслиги керак, чунки кайғуриш, безовталаниш, азобланиш гуноҳсизнинг бахтсизлигига нисбатан пайдо бўлади холос, дейди мутафаккир. Арасту санъатнинг вазифаси воқеликни механистик тарзда қайта тикламай, балки уни ижодий акс эттиришдир дейди. Агарда бадиий а-рнинг таъсирчанлиги катта бўлишини таъминлашда аниқ қайта тиклаш шарт бўлмаса, ундан чекиниш мумкин. Воқеликнинг ҳақиқатлигидан ҳар қандай чекиниш бадиий жиҳатдан окланмоғи лозим. Демак, бадиий ҳаққонийлик нарса ва ҳодисани оддий тўғри қайта тиклашга олиб келмайди. Арасту даврига келиб санъатнинг турлари ва кўринишлари нисбатан аниқ белгиланган ва тар-ётнинг етарли юқори босқичига кўтарилди. Шундай қилиб, санъатни турларга ажратиш масаласини қўйиш учун етарли фактик материаллар тўпланган эди.

Арасту «Поэтика» а-рининг учинчи бобида таклиднинг учта фарқи баён этилган: 1) восита; 2) предмет; 3) услуб. Унинг фикрича, санъатнинг барча турлари бир-биридан таклид қилиш воситаси б-н ажралиб туради: мас., товуш, мусиқа – кўшиқнинг, ранг, шакл – расм ва ҳайкалтарошликнинг, ритмик ҳаракат – ўйиннинг, сўз ва ўлчов – шеъриятнинг воситаси ва х.к.. Юқорида номлари келтирилган санъат турларини Арасту ўз навбатида ҳаракатдаги санъат (поэзия, мусиқа, рақс)га ва турғун санъат рассомчилик ва ҳайкалтарошликка бўлади.

А-рда файласуф сўз санъатини турларга ва кўринишларга бўлади, таклиднинг объекти, шакллари ва хус-ятларига батафсил тўхталади. Файласуф санъат а-рларини яратишда кўлланиладиган муайян меъёр, қонунларга амал қилишга интилади. – Санъатдаги донолик, ўз санъатида энг аниқ бўлганликка айтилади. Федияни биз доно ҳайкалтарош ва Поликлитни эса доно ўймакор деб тан оламиз. Донолик – санъатдаги мукаммал фазилатдир, – дейди у. «П.»да санъатнинг тарбиявий роли катта ўрин эгаллайди. Унингча, санъат ўзи учунгина аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо нарса эмас. У кишиларни маън-й жиҳатдан бойитади. Санъатни инсоннинг маън-й фаолияти б-н боғлаши Арастунинг катта хизматидир. Арасту тарбиянинг воситаси сифатида мусиқага катта аҳамият беради. Бироқ унинг фикрича санъатнинг бошқа турлари ҳам инсоннинг маън-й қиёфаси шаклланишига ёрдам беради.

Хуллас, аллома «П.» а-рида қад. Юнонистонда пайдо бўлган санъат ва поэзиянинг барча турларини ўрганиб, уларни умумлаштирди ва мантиқий, наз-й хулосалар чиқарди. Бу а-р қад. Юнонистонда эстетик фикрлар ривожи айнан Арасту ижодида ўз олий нуктасига эришганидан далолат беради. Ҳатто Арастунинг энг яқин шогирдлари ҳам ўз устозининг ишларини аллома даражасида давом эттиришга қодир бўла олмадилар. Арастунинг илғор эстетик ғоялари ўз даврида ва ундан кейин ҳам бу соҳа ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жаҳон цивилизациясида ҳозиргача мавжуд бўлган санъати поэзияси ҳамда эстетика тўғрисидаги таълимотларни унинг меросисиз тасаввур қилиш қийин.

**ПРАГМАТИЗМ** (юн. pragma – иш, амал) – XIX а.да АҚШда вужудга келган фал-й оқим. П.нинг асосий ғоялари Ч. Пирс томонидан ишлаб чиқилди. У XX а.да Ғарб мам-тларида кенг ёйилди, маън-й ҳаётга кучли таъсир кўрсатди. П. асосида И. Кантнинг «Софокл танқиди» а-рида илгари этилган «прагматик ишонч» ғояси ётади. Ч. Пирс П.ни ҳақиқат қадрини манфаатдорлик б-н белгиловчи таълимот» деб таърифлади. П.нинг асосий ғоялари Ч. Пирснинг «Ишончни мустаҳкамлаш» (1877) ва «Ғояларимизни қандай қилиб равшанлантириш мумкин» (1878) мақолаларида баён этилган.

XIX а. охиригача «прагматик принцип» файласуфлар ва жамоатчиликнинг эътиборини ўзига жалб эта олмади, чунки Пирс таълимотнинг гносеологик масалаларини ёритиб, унинг амалий-услубий аҳамиятини атрофлича таҳлил этолмаган эди. Бу вазифани У. Жеймс амалга оширди ва П.ни америкаликларнинг миллий фал.си даражасига кўтарди. Шу б-н бирга П. шимолий америкаликларнинг жанубий америкаликлар устидан ғалабасинигина эмас, балки У. Жеймс ибораси б-н айтганда, АҚШнинг икт-й, сиёсий ва мад-й соҳаларда жаҳондаги ғалабаси учун наз-й асос яратди. П. ҳақиқатни наз-й (гносеологик) масала сифатида тан олмайди. Унингча, ҳақиқат ва амалиёт яхлит ҳолда намоён бўлсагина бирон маънога эга бўлади. Дьюи ибораси б-н айтганда, ҳақиқат ва амалиёт бирлиги индивид манфаатида акс этади. Манфаат т.си эса ўз навбатида индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани англатади.

П.социологияси «буюк шахслар»га сиғиниш (Джеймс), буржуа демократиясини мактаб, илоҳийлаштириш (бўрттириб кўрсатиш) (Дьюи), ирқчилик, миллатчилик, ҳатто фашистик ижт-й мун-тларни (Шиллер) ҳимоя қилишгача ўзгариб борди. П.нинг динга нисбатан мун-тида ҳам манфаат «тажрибаси» марказий ўринни эгаллайди. Мас., Дьюининг «инструментализм»ида анъанавий диний т.лар рад этилади, диний т.лар «натуралистик» т.ларга қарама-қарши қўйилади ва натижада инсон назоратидан ташқаридаги кучлар таъсирида пайдо бўладиган «тобелик» тажрибаси уни «художўйлик»ка олиб келади. Демак, «назоратдан ташқаридаги кучлар» – бу Худонинг инсонга кўрсатадиган доимий таъсирининг ўзгинасидир. Этикада П. мелиоризмга (хаётдаги устувор қоидалар, қонунларнинг такомиллашиб боришига ишониш) таянади. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Ғарб мам-тларида П. таълимотининг таъсири кескин сусая бошлади.

**ПРАГМАТИЗМ ЭСТЕТИКАСИ** (юн. pragma – иш, ҳаракат) – Ғарб эстетикасида XX а.нинг биринчи ярмида юзага келган ва прагматизм фал.сига асосланган йўналиш. Прагматизм асосчиси Ч.Пирс (1839–1914), т.ларнинг мазмунини унинг амалиётдаги қўлланиши б-н айнийлаштириб кўрсатишга уринган. Ч.Пирс ғоялари эстетик белгиларни тасвирий санъатга киритишга, санъатни қадриятлар тизими сифатида тушунишга, семиотик эстетиканинг кейинги рив-шига таъсир кўрсатган. Прагматизм фал. сининг намояндаси У. Джеймс (1842–1919) ҳисобланади. У «онг оқими» тўғрисидаги таълимотни илгари сурди, бу эса модернизм санъатида кенг қўлланилди. Джеймс XX а. прагматик эстетиканинг асосий принци-

нини шундай ифодалади: инсон хар қандай фаолиятининг мақсади «ижобий тажриба»га, яъни ёруғ ва кучли ҳаётий кечинмаларга эришишдан иборат. Джеймс фикрича, ижобий тажриба ахлоқий, диний ва эстетик қадриятларни қамраб олиши керак.

Прагматик эстетиканинг кейинги босқичи Ж. Дьюи (1859–1952) ва унинг издошлари фаолияти б-н боғлиқ. Улар қадриятлар тўғрисидаги таълимотга аниқ ифодаланган эстетик асосни татбиқ этдилар: эстетика ўзида диний, илмий, ахлоқий қадриятларни мужассамлаштирган энг олий қадрият, деб таърифланади, гўзаллик эса ички боғлиқлик ва бир бутунликка эришган тажрибанинг сифатий кўриниши тарзида талқин этилди. Эстетик тажрибада табиийлик ва ижт-йлик ўртасидаги алоқани аниқлашга интилган прагматизм тарафдорлари санъатнинг ижт-й вазифаларини мад-й-интегратив воқеа, ижт-й ахборот воситаси сифатида талқин этадилар.

Европа позитивизмидан фарқли равишда П.да субъектнинг фаоллигига алоҳида эътибор берилди. Эстетик билиш жараёнида субъект (томошабин, ўқувчи, тингловчи) ҳар сафар муаллиф ёки ижрочи томонидан ҳавола этилаётган а-рни ўз тажрибаси б-н солиштириш, бирлаштириш йўли б-н ўз санъатини ҳосил қилади, деб ҳисоблаганлар.

**ПРАГМАТИК МЕТОД** (юнон pragma – иш, амал, хатти-ҳаракат) – Америка математиги, мантиқшунос ва файласуф Ч. Пирс асослаган ва унинг ватандошлари У. Жеймс, Ж.Г. Мид, Буюк Британияда Шиллер ривожлантирган услуб. У инсон моҳиятини унинг фойдали ҳаракати, мақсадга мувофиқ фаолиятида намоён бўлиши б-н боғлиқ тамойилларга таянадиган янги фал-й тафаккур услубидир. Ушбу услубга кўра, фал-й тафаккурнинг қадри, аҳамияти ва муҳимлиги ҳаётий масалаларни ҳал қилишда амалий натижаларининг самарадорлиги б-н белгиланади. Бу борада билимларни ҳаётга татбиқ қилиш, унда фойдалана билиш муҳим аҳамият касб этади.

П.м.да гносеологик муаммоларга эмас, балки инсон фаолиятига кўпроқ эътибор берилади. П.м. учун энг аввало инсониятнинг ижт-й тажрибаси муҳим. П.м.нинг вазифаси ижт-й мун-тларни такомиллаштириш учун ҳар бир кишининг фойдали яшаши, унга муносиб фикрлашини шакллантиришдир (Дьюи). Ҳақиқат эса объективликни онгга мувофиқлиги эмас, балки уни амалиётга татбиқ қилиш натижасида эришилган ютуқ ва фойдалигидадир (Джемс).

П.м. асосчилари таъбирича, у шундай фал-й методки, у фал-й т. ва маън-й эътиқоднинг маъносини аниқлашга ёрдам беради, ғоя ва т.лар, фақат тадқиқотчи томонидан текширувдан ўтгандагина ва уларнинг фойдалилиги аниқлангандагина бирон-бир аҳамиятга эга бўлади. Пирс ўзининг «Эътиқоднинг ўрнатилиши» номли а-рида (1878–1879) эътиқод ва бурч ўртасидаги фарқни ажратишга уринади. Унинг фикрича, бурч ҳаракатга ундайди ва бу йўлда эътиқодни сақлаш учун курашга рағбатлантиради. П.м. бўйича ҳақиқат наз-й (гносеологик) масала сифатида тан олинмайди, балки у амалиёт б-н яхлит ҳолда намоён бўлсагина ва бирон-бир фойда келтирсагина муайян маъно ва аҳамиятга эга бўлади. Дьюи ибораси б-н айтганда ҳақиқат ва амалиёт бирлиги индивид манфаатида акс этади. Манфаат т.си эса ўз навбатида индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани англатади. Бу услуб кўпроқ иқт-й фойдани кўзлайдиган, сиёсатда ўз манфаатларини устун қўядиган тафаккурга асосланишини қайд этадиган мутахассислар ҳам бор. Аммо бозор шароитида ўз фойдасини кўзлаш бундай иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади, дейдиган мутахассислар ҳам йўқ эмас.

Афсуски, баъзи ҳолларда П.м. социологияси «буюк шахслар»га сиғиниш (У. Жеймс ибораси), ўз идеологиясини мактаб, илоҳийлаштириш, бўрттириб кўрсатиш (Дьюи ибораси), иркчилик, миллатчилик, ҳатто фашистик ижт-й мун-тларни (Шиллер ибораси) ҳимоя қилишгача ўзгариб борди. Унинг динга нисбатан мун-тида ҳам манфаат тажрибаси марказий ўринни эгаллайди. Мас., Дьюининг интрументализм наз-ясида анъанавий диний т.лар рад этилади, диний т.лар натуралистик т.ларга қарама-қарши қўйилади ва натижада инсон назоратидан ташқаридаги кучлар таъсирида пайдо бўладиган тобелик тажрибаси уни художўйликка олиб келади. Демак, назоратдан ташқаридаги кучлар – Худонинг инсонга кўрсатадиган доимий таъсирининг ўзгинасидир. Этикада П.м. мелиоризмга (ҳаётдаги устувор қоида ва қонунларнинг такомиллашиб боришига ишониш) таянади. Илмий билишда тажриба ўтказишга катта эътибор бериш – П.м.га хос хус-ятдир. Логиканинг (мантиқнинг) қонунлари ва шаклларини П.м. фойдали функциялар сифатида олиб қарайди. Ш.у. бўлса керак, Ғарб, айниқса АҚШ олий ўқув юртлари, ун-т ва коллежларининг ўқув дастурларида у катта ўрин тутади. У бизнес, жумладан, ҳар қандай фойдали фаолият кўрсатиш учун қулай бўлган услуб сифатида бизнесменлар, менежерлар, сиёсатдон ва давлат арбоблари ўртасида кенг ёйилган Ҳоз. даврда Ғарбда турли П.м.лар кенг тарқалган.

**ПРАГМАТИКА** – семиотиканинг белгиларни ишлатиш ва талқин қилиш усулларини ўрганадиган қисми. Ушбу т.ни айнан шу маънода биринчи бўлиб Ч. Моррис тавсифлаган бўлса, бу борада Ч. Пирс ва Айдукевич а-рлари катта аҳамиятга эга бўлди. Моррис семиотикани уч тармоққа, яъни синтактика, семантика ва П.га ажратган. Белгининг триадик моделида Ч. Пирс белгини «яккалик» намунаси сифатида, унинг объектини – икки ёқламалик намунаси сифатида, интерпретаторни эса уч ёқламалик намунаси сифатида кўрсатади. Бу тамойил Ч. Пирснинг белги моделининг асосини англатади П.нинг баъзи масалалари талқинида муҳим аҳамият касб этади.

Агар синтактика белгилар тизими ва улар орасидаги мақбул мун-тлар ҳамда уларнинг ифодаланишига, семантика ушбу ифодаларнинг интерпретациясига катта эътибор берса, П. ифоданинг қабул қилиниши ва қабул қилувчисига алоқадор жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратади. А. Черч фикрича, П.нинг асосий т.си мулоҳаза бўлиб, у инсон б-н хулоса ўртасидаги мун-тни ифодалайди. Р.Карнап эса буни инсон б-н бирор белгининг моҳияти ва мазмунини англатадиган гап ўртасидаги боғлиқлик деб қарайди.

П.га кўра, белги муайян маънога эга бўлган бирликни ўзида ифодалайди. Белгилар сўзлар, образлар, товушлар, ҳаракатлар ёки объектларнинг физик шаклида намоён бўлади (бундай физик шакл баъзан белги воситаси (ташувчиси) деб аталади). Белгилар ўз муҳим функцияларига эга бўлиб, улар Р.Якобсонга бориб тақалувчи моделда уч гуруҳга ажратилади: белгилаш функциялари, адрес функциялари ва контекстуал функциялар.

П.да белгиларнинг адрес функцияларидан бири бўлган фатик функциясига алоҳида аҳамият қаратилади. Мазкур функция адресант ва адресат ўртасидаги мунтнинг белгили конструкциясига ишора қилади. Шу б-н бирга, П.да белгилаш (сигнификация) амалиёти ҳам муҳим ўрин тутади ва бу матнларни яратиш ва талқин қилиш амалиёти б-н узвий боғлиқдир. Бунда белгилаш (сигнификация) даражаларига алоҳида аҳамият қаратилади.

П. ҳақидаги маълум наз-ялардан бири Р.М. Мартиннинг «Систематик прагматикага доир» а-рида тавсифлаб берилган. Бу наз-я нейрофизиология, экспериментал психология, бионика ва интеллект ҳақидаги кўплаб ғоя ва қарашларга асосланади.

Ҳоз. даврда амалий П. кенг ривожланмоқда, хус-н сунъий интеллект ва роботлар яратиш ҳақидаги илм соҳаси – роботикада унга катта аҳамият берилмоқда. Голландиялик

математик Фройденталь П.га хос баъзи функциялардан «lingua cosmica», яъни «космик тил» яратишда фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайди. Математик логика соҳасида П.дан фойдаланиш борасида голландиялик мутахассислар Ван Данциг ва Маннурининг изланишларини таъкидлаш мумкин.

**ПРАКРИТИ** (санскрит. яратувчи, ижодкор) – ҳинд фал.сининг энг асосий категорияларидан бири, дастлабки яратувчи она табиат маъносини ҳам англатади. Илк П. ҳақидаги ғоялар «Маҳабҳорат» достонида ифодаланган ва баъзи бошқа манбаларда пуруша, атман, браҳман, худога бўйсунувчи сифатида тавсифланган (Mishra M.U., Conception of matter. According to Nyaya-Vaighesika, Allahabad, 1936; History of Indian philosophy, v. 1 – Allababad, 1957).

**ПРАКСИОЛОГИЯ** (юн. praktikos – фаол) – фал.нинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган бўлимларидан бири. У фаолиятнинг табиати ва моҳиятини, унинг шахсий имкониятлари, ижт-й алоқалари ва мун-тларини, инсон маън-й дунёси ва моддий амалиёт жабҳасини теранроқ тушунишга имкон яратади. Инсонни тушуниш бу фаолият турларидан ҳар бирининг теран қатламлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва айни вақтда уни яхлит бир бутун организм сифатида тушуниш демакдир. П.да фаолият инсонга хос бўлган ва ташқи дунёни оқилона ўзгартиришга қаратилган фаолликнинг алоҳида шакли сифатида тавсифланади. Бу фаол инсон ташқи дунёни ўзгартириши ва ўзи ҳам ўзгаришини англатади. Форобий фикрича, «инсон фаолиятсиз тура олмайди, аммо ҳар қандай фаолият ва ҳаракат инсонни инсон қилиб кўрсата олмайди. Чунки ўз табиатига кўра ҳайвонлар ҳам ҳаракат қиладилар. Ҳайвон овқатни кўради ва унга интилади ва бунда онгсиз ҳаракатни амалга оширади. Одамни ҳайвондан ажратадиган нарса – ирода бўлиб, у ихтиёр деб номланади» («Фозил одамлар шаҳри». – Т.: А. Қодирий нашриёти, 1993. – 55-б.). Э. Кассирер инсоннинг энг муҳим хус-яти, унинг ўзига хос белгиси метафизик ёки жисмоний табиати эмас, балки унинг фаолиятидир, инсоният моҳиятини айнан меҳнат, фаолият турлари тизими белгилайди, деб қайд этган.

П.га кўра, фаолиятнинг умумий тузилиши эҳтиёжлар б-н белгиланади. Инсоннинг эҳтиёжлари унинг фаоллик манбаи ҳисобланади. Ҳаёт эҳтиёжлари (инсоннинг жонли мавжудот сифатидаги эҳтиёжлари), ижт-й эҳтиёжлар (ижт-й рив-ш эҳтиёжлари, ш-дек, шахснинг жам-тга мослашув эҳтиёжлари) ва маън-й эҳтиёжлар (маър-й, диний, ахлоқий, эстетик ва ш.к.) фарқланади. Эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги инсон фаолияти турларининг ранг-баранглигини белгилайди. Фаолият турларини таснифлаш замирида ётувчи энг муҳим омил у қаратилган ва фаолият мотивини ташкил этадиган предметлар фарқидир. Фаолият мотивсиз бўлмайди, «мотивлаштирилмаган» фаолият субъектив пинҳона мотивга эга бўлади.

П. фаолиятнинг ҳаракатлардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳаракат алоҳида мақсадга, яъни эришилиши лозим бўлган натижа ҳақидаги тасаввурга бўйсунадиган жараён сифатида тавсифланади. Мақсад инсон онгида эҳтиёж ва мотив б-н фаолият объектив ҳолатларининг нисбатлашуви жараёнида юзага келади. Ўз навбатида, ҳолатлар мақсадга эришиш йўлларини белгилайди. Булар фаолият шартлари б-н белгиланадиган амаллар ҳисобланади. Шундай қилиб, умуман фаолият – мотив б-н, ҳаракат – мақсадлар б-н, амаллар – шартлар б-н белгиланади.

П. инсон фаолиятини ўта ранг-баранг ҳодиса сифатида ўрганади. Унга кўра, фаолият атрибутлари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Бу атрибутлар орасида аввало субъектлилик ва моддийлик қайд этилади. Фаолиятнинг субъектлилиги шу б-н изоҳланадики, у шахснинг ўтмишдаги тажрибаси, унинг эҳтиёжлари ва мўлжаллари, мотивлари ва мақсадлари, эмоциялари ва иродасини тавсифловчи хус-ятлари, билиш қобилиятлари ва ҳ.к. б-н белгиланади. П.да моддийлик фаолият жараёни ва натижасининг материалга боғлиқлигини белгилайди, деб ҳисобланади.

Фаолият натижаси инсон оқилона ўзгартирган материалда ўз аксини топади, моддийлашади (предметга айланади). Фаолият натижаси инсон кучлари ва қобилиятларининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади. Моддийлашув нима эканлиги ҳақида амалда тасаввур ҳосил қилиш учун чевар, ғишт терувчи, маърузачи ва ш.к.нинг ишини кузатадиган бўлсак, инсон қандай ишлаши, унинг фаолияти натижасида нима вужудга келганига қараб инсоннинг ўзи ҳақида хулоса чиқариш, унинг ақл-заковат даражаси, иродаси, касбий маҳорати, эстетик диди, меҳнатга мун-ти, ахлоқий мўлжаллари ва ҳ.к.ни аниқлаш мумкинлигини кўрамиз.

П. инсон фаолиятини оқилона, онгли ва мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўрганади. Ҳар бир инсон табиат каби зарурият тақозосига кўра эмас, балки онгли ният б-н иш кўради. Айни ш.саб. онглилик ва мақсадга мувофиқлик – инсон фаолиятини ҳайвонлар фаоллигидан фарқлаш имконини берувчи муҳим хоссалардир. Онглилик фаолиятнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди, чунки мақсадни қўйиш ўз эҳтиёжларини ҳамда мавжуд вазиятни бу эҳтиёжларни қондириш шарти сифатида англашни назарда тутади. Мақсадга мувофиқ фаолият олдиндан мўлжалланган муайян натижага қараб мўлжал олади. Инсон фаолияти унумли, аксарият ҳолларда амалийдир, лекин унумсиз ҳам, ноамалий ҳам бўлиши мумкин.

П.да инсон фаолияти моддий ва маън-й экани қайд этилади. Яъни, инсоннинг реал ҳаётидаги маън-й фаолияти моддий фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди, амалда моддий ва маън-й фаолият унсурлари турли даражада акс этган фаолият ранг-баранг шаклларининг континууми (лот. continuum – узлуксиз тўплам) ҳолатида мавжуддир. Бу жараёнда мулоқот фаолият сифатида намоён бўлади. П.га кўра, инсоннинг шаклланиши ва камол топишида фаолият ва унинг намоён бўлиш шаклларининг роли катта. Зеро инсоннинг ақлли мавжудот сифатида ва индивиднинг шахс сифатида шаклланиши, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши фақат фаолият доирасида юз бериши мумкин. Инсон фаолиятининг ўзига хос хус-ятларини билиш ўз меҳнати ва бўш вақтини ташкил этишни ҳам, ўз болаларини тарбиялаш жараёнини ҳам, бошқа одамлар б-н ўзаро мулоқотни ҳам, расм-русумларни адо этишни ҳам, мад-тга мун-тни ҳам сезиларли даражада оптималлаштириш имконини беради.

П. фаолиятни тартибга солиш механизмларини ҳам ўрганади. Фаолиятни тартибга солишнинг умумий механизмлари қаторига инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган мун-тлари тизимини тўла қамраб оладиган ва мад-т алгоритми бўлиб хизмат қиладиган ранг-баранг ижт-й қадриятлар ва меъёрларни киритиш лозим. Хулқ-атвор, одатлар ва анъаналарнинг ижт-й-мад-й меъёрлари, қоидаларининг мавжудлиги ва рив-ши инсон фаолиятини тартибга солиш омили ҳисобланади. Меъёрлар муайян шароитда одамлар ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди ва инсон фаолиятида бевосита иштирок этиб, ижт-й ва табиий шароитларга шахснинг мослашувини таъминлайди, ижт-й жараённинг узлуксизлигини таъминловчи механизм ҳисобланади. Мазмуни, ижт-й мустаҳкамлаш усуллари ва ижт-й функцияларига кўра меъёрлар ҳар хил бўлади.

Фаолият мақсадлари, воситалари ва усулларини қатъий белгиловчи қоидаларнинг бутун бир туркуми мавжуд. Бу қоидалар ижт-й амалиётда яратилган нарсалар дунёсини ва одамлар ўртасидаги мун-тлар дунёсини ўзгартириш усулларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Булар

стандартлар – муайян ишни бажаришда қатъий риоя қилиш лозим бўлган сифат, шакл ва ўлчамнинг қатъий белгиланган намунаси; қоидалар – тегишли ҳолатларда қандай иш кўриш лозимлигини белгиловчи кўрсатмалар; эталонлар – фаолиятда мўлжал сифатида фойдаланиш лозим бўлган қатъий белгиланган, стандартлаштирилган қадриятлардир. Инсон фаолиятини тартибга солишни таъминловчи ижт-й меъёрлар тизимида ҳуқуқ нормалари ва ахлоқ меъёрлари алоҳида ўрин эгаллайди.

**ПРАКТИКА** – узб. тилида «амалиёт» т.си маъносида қўлланиладиган категория (қ.: **Амалиёт**).

**ПРАМОНОТЕИЗМ** (ибтидоий яккахудолик) – дин энг қад. даврларда одамларнинг ягона Худога сиғиниши сифатида шаклланганини исботлашга ҳаракат қиладиган наз-я ва қарашлар мажмуи. Унинг асосида одамни ягона Худо яратгани ҳақидаги қад. динларнинг барчасида мавжуд бўлган ибтидоий тасаввурлар ётади. 1873 й.да рус философ-идеалисти В. Соловьев «Қад. ёввойи одамларда мифологик жараёнлар» китобида, ундан кейинрок 1898 й.да инглиз лик фольклорчи Э. Лэнг «Диннинг яратилиши» а-рида кўплаб «қолоқ» халқларда олий осмоний илоҳиёт ҳақидаги ғояларнинг сақланиб қолгани дин шаклланишининг асосий омили бўлиши мумкинлиги исботлашга ҳаракат қилинган. Бу хулосани қабул қилган австриялик этнограф В. Шмидт бошчилигидаги католик олимлар жамоаси 12 жилддан иборат «Худо ғоясининг пайдо бўлиши» (W.Schmidt, «Der Ursprung der Gottesidee», Bd 1–12, Minister, 1912–55) номли фундаментал ва б. кичикроқ а-рларида ушбу наз-яни янада чуқурроқ ва кенгроқ асослашга ҳаракат қилганлар (Lang A., «The making of religion», 2 ed., L., 1900; Schmidt W., «Die Uroffenbarung als Anfang der Offenbarungen Gottes», Munch., 1921).

**ПРАТТ (Pratt), Джеймс Биссет** (22.06.1875–15.01.1944) – америкалик файл., дин тарихи мутахассиси, танқидий реализм асосчиларидан бири. П. инсоннинг билиш имкониятларини юқори баҳолаган. «Танқидий реализмга доир эссе» («Essays in critical realism», L., 1920, p. 96) а-рида прагматизмга хос субъективизм ва неореализмнинг псевдообъективизми акс этган. А-рда олим «Мен» т.сини алоҳида тавсифлаган, ва «руҳнинг фаолияти» тамойилини илм-фанга киритган. «Материя ва рух» («Matter and Spirit», N.Y., 1922) а-рида П. руҳнинг субстанциаллиги учун тана асос бўлиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Бу олим учун «Персоналистик реализм» («Personal realism», N.Y., 1937) а-рида диний ёки персоналистик «реализм» наз-ясини яратишга имкон беради. П. оламни турли даражадаги «шахслар»дан иборат «космик Мен», деб тасаввур қилган. П. тарих, психология, социология б-н шуғулланган, АҚШда бу фанлар ривожига таъсир кўрсатган.

**ПРЕАНИМИЗМ** (лот. олдин ва анимизм) – XX а. бошларида пайдо бўлган ва диннинг келиб чиқишида бирон-бир аниқ шакл-шамойилга эга бўлмаган ғайритабиий, ақл бовар қилмайдиган мўъжизавий кучлар асосий омил бўлган деган қарашлар мажмуи. Дин келиб чиқишининг анимистик наз-ясидан фарқ қиладиган бундай қарашлар К. Прёйс, А. Фиркандт ва, айниқса, Р. Маретт томонидан илгари сурилган.

**ПРЕДИКАБИЛИА** (лот. praedicabilia) – қад. грек ва схоластик логикага хос т., предикатлар шаклларини англатади. Аристотель «Топика» а-рида 4 хил П.ни кўрсатган. Порфирий «Категорияларга кириш» а-рида Аристотель П.ларига бешинчи П.ни ҳам киритган.

**ПРЕДИКАТ** (лот. praedicatum – кесим) – анъанавий мантиқ илми н. назаридан ҳукмда предметга хос белгини ифодалайди. Предметдаги белгини мантиқий боғловчилар орқали тасдиқ ёки инкор шаклида кўрсатади.

**ПРЕДИКАТЛАР МАНТИҒИ** – муҳокама юритиш жараёнларини мулоҳазаларнинг ички структурасидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган мантиқий система. У мулоҳазалар мантиғини ўз ичига олади. П.м. тили мулоҳазалар мантиғи тилига қўшимча символлар киритиш ёрдамида ҳосил қилинади. П.м.га тегишли семиотик категориялардан фойдаланиб турли хил ифодалар ҳосил қилиш мумкин. Бошқа предикатга ажралмайдиган предикат элементар предикат деб аталади.

Предикатга умумийлик ёки мавжудлик кванторини қўшиб ёзиш квантор б-н боғлаш амали деб аталади. Квантор б-н боғлаш амали предикатдан мулоҳазани ҳосил қилиш усулларидан бири ҳисобланади. Бошқа бир усули – ўзгарувчининг ўрнига ном қўйишдан иборат. Номни ўзгартирувчи ўрнига тўғри қўйиш натижаси чин ифодалардан фақат чин ифодаларнинг келиб чиқиши б-н характерланади.

Биринчи даражали П.м. учун қуйидаги қоидалар характерлидир: 1) ўзгарувчи ўрнига қўйилаётган ифодалар ўзгарувчи X аниқланган предметлар соҳасига тегишли бўлиши керак; 2) X ўзгарувчи ўрнига фақат у бўш бўлгандагина ном (ёки индивидуал ўзгарувчи) қўйиш мумкин; 3) агар муайян ифодадаги X ўрнига ном қўйсак, уни ана шу ифодадаги бошқа барча X лар ўрнига қўйиш зарур; 4) ўрнига ном қўйиш натижасида ҳеч бир эркин ўзгарувчи боғланиб қолмаслиги керак.

П.м.нинг асосий қоидалари каторига мулоҳазалар мантиғи бўйича хулоса чиқариш қоидалари, ш-дек, кванторларни киритиш ва чиқариш қоидалари ҳам киради. Бу қоидаларга риоя қилинганда чин хулосалар ҳосил бўлади.

**ПРЕДМЕТ** – инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектлар дунёсидан ажратиб қаралган маълум бир яхлитликни ифодаловчи т.. Ўз вактида И.Кант П. ва объект ўртасидаги фарқни белгилашга ҳаракат қилган. Билиш жараёнида «материя» П. сифатида олинса, «шакл» П.ни билиш усули сифатида қаралган. Австриялик файласуф Р. Амездер 1904 й.да П. ва объектни қарама-қарши қўйиш ҳақидаги таклифни киритган. Лекин умумгносеологик йўналишда бундай қарама-қарши қўйиш нисбий ҳисобланади. П.ни объектдан асосий фарқи шундаки, П. энг муҳим белги ва хус-ятларни ифодалайди.

**ПРЕЗЕНТИЗМ** (ингл. present – ҳоз., замонавий) – тарихни ўрганиш нафақат ўтмиш, балки ҳоз. даврнинг мазмун-моҳиятини тўла-тўкис акс эттириши, бунда тарихчининг алоҳида роли ҳақидаги ғоя ва фикрларга асосланган қарашлар мажмуи. Бундай йўналиш АҚШ тарихчи олимлари К. Беккер ва Ч. Бирд а-рларида яққол ифодаланган. Улар айниқса, тарих фанида объектив ҳақиқат йўқ, тарихчиларнинг фикр ва мулоҳазалари уларнинг шахсий кечинма ва позицияларини ифодалайди, деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолда ҳар бир кишининг ўзига хос «инсоният тарихи бор ва уларнинг ҳар бири муайян ҳақиқатни исботлайди», деган қарашни асослайди ва бу ўз навбатида тарихий релятивизмга олиб келади.

**ПРЕЗИДЕНТ** (лот. praesidents – олдинда ўтирувчи) – республика бошқарув шакли амалда бўлган давлатларда давлат ва ижро этувчи ҳокимият ёки давлат бошлиғи. БМТга аъзо бўлиб кирган 190 мам-тнинг 140 дан ортиғида президентлик ин-тига амал қилинган. П. лавозими ҳоз. кўринишда илк бор 1787 й.и АҚШда вужудга келган. П.нинг конституциявий мақоми ва ваколатлари республика турига қараб анча фарқ қилади. П.лик республикасида президент нафақат давлат бошлиғи, балки ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, яъни маъмурият (АҚШда, Лотин

Америкаси мам-тларида) ёки ҳукумат (Замбия, Белорусь, Қозоғистон, Ўз-н-да) бошлиғи ҳамдир. П. халқ томонидан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) сайланади. Парламентар республика (ГФР, Италия)да П. фақат давлат бошлиғи ҳисобланади.

Ижро этувчи ҳокимиятни амалда бош вазир бошчилигидаги ҳукумат бошқаради. П. парламент томонидан ёки унинг иштирокида сайланади. Аралаш ёки яримпрезидентлик республикалари (Франция, Португалия, Польша)да ҳам П. фақат давлат бошлиғи ҳисобланади. Аммо у парламент олдида жавобгар бўлган ҳукуматга амалда раҳбарлик қилиш имконини берувчи ҳокимият ваколатларига эга бўлади. Ушбу тизимда президент, қоида тариқасида, умумхалқ сайловида сайланади.

П.лик моделидан қатъи назар, президент, одатда, конституцияга кўра қуйидаги ваколатларга эга бўлади: халқаро мун-тларда мам-т манфаатларини ифода этади, халқаро шартномалар тузади, ҳукумат (маъмурият) аъзолари ва судьяларни тайинлашда иштирок этади, қонунларни имзолайди ва эълон қилинишини таъминлайди, фармонлар чиқаради, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ва вето ҳуқуқига эга бўлади, орден ва медаллар б-н мукофотлайди, олий ҳарбий унвонлар беради, афв этиш ҳуқуқини амалга оширади, фуқаролик масалаларини ҳал қилади, дипломатик миссияларнинг раҳбарларини тайинлайди ва чақириб олади.

Парламентар республикада ва аралаш республикада П. муайян ҳолатларда парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайлов тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ўз-н тарихида биринчи президентлик лавозими 1990 й. 24 мартда таъсис этилди. 1991 й. 24 декабрда эса мустақиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И.А. Каримов Ўз-ннинг Биринчи П.и этиб сайланди.

**ПРЕСВИТЕРИАНЛИК** – кальвинистик черковдан келиб чиққан бўлиб, (юн. энг эски) мўътадил пуританлардир. 1592 й.и Шотландия парламенти бу таълимотни асосий мафкура, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилган. Бу жамоа бошида жамоа аъзолари томонидан сайланган пресвитер туради. Жамоалар маҳаллий ва давлат иттифоқларига бирлашади. Диний маросим жуда содда, ибодат пайтида ваъз айтилади, биргалашиб дуолар ўқилади ва диний қўшиқлар куйланади. Пресвитернинг маъвизаси, оятларни куйлашдан иборат. Литургия бекор қилинган, бошқа оқимларда асосий ибодат қўшиғи ҳисобланган «Дин рамзи» ва «Отче наш» ўқилмайди. Фақат дам олиш кунлари байрам куни деб ҳисобланади.

Пресвитерианлар диний таълимотининг асосий ақидалари «Вестминстер» китобида баён қилинган. Бу ақидалар ортодоксал кальвинизм руҳида бўлиб, оламдаги барча одамларнинг гуноҳкорлиги ва қисматнинг мутлақлигига ишонишдан иборат.

Пресвитер жамоаси қавмлар сайлаган пресвитерлар ва пасторлардан иборат консистория томонидан бошқарилади. Пресвитерчиларнинг олий органи – Бош ассамблея. Бош ассамблея пресвитериялар вакил қилиб юборган пресвитер ва пасторлардан иборат. Пресвитерчиларнинг кўпчилиги ўзларининг халқаро ташкилоти – «Пресвитерчиларнинг ташкилий тузилишига амал қилувчи Жаҳон реформация черковлари альянси»га аъзодир. Мазкур алянс 1875 й.да ташкил этилган.

Ҳоз. пайтда Шотландия (давлат черкови), Англия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия ва б. мам-тларда пресвитерчилар мавжуд.

**ПРЕФОРМИЗМ** (лот. prae – олдин, forma – шакл) – моддий жисмлар ва жонзотларни вужудга келтирадиган уруғларда улар туғилганидан кейин намоён бўладиган ва уларнинг ривожини белгилайдиган жиҳатлар ва хоссаларнинг мавжуд бўлиши ҳақидаги ғоя ва қарашлар мажмуи. Бу ғоя дастлаб ниҳоятда содда шаклда атомистик қараш вакилларининг «нарсаларнинг уруғлари» (гомеомериялар) ҳақидаги фикрларида намоён бўлган эди.

Анаксагор ва Гиппократ фикрича, инсон уруғида соч, суяк, пайлар ва б. ниҳоятда кичик ва кўринмас тарзда мавжуд бўлади, инсон пайдо бўлиши ва жисмоний камолоти давомида улар аста-секин катталашиб, мустаҳкамланиб боради. Аристотель бундай қарашларни рад қилган ва эпигенез ҳақидаги таълимотни илгари сурган. Унинг бу таълимоти Гарвей давригача ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Сваммердам (1669), Мальпиги (1673) ва Левенгук (1683) тухум ва уруғларда илгаридан мавжуд бўладиган жиҳатлар борлигини эътироф этдилар. Бу масалада эпигенетик, виталистик (Гарвей), механистик (Декарт), ижт-й ва техник (Мальбранш ва Лейбниц) ёндашувлар шаклланди ва бир муддат эътиборга эга бўлди. XVIII а.да П. концепцияси Галлер, Бонне ва Спалланцани томонидан ривожлантирилди. Мопертюи, Дж. Нидем, Ж. Бюффон ва Дидро ҳам ўз даврида шундай қарашлар таъсирида бўлган. П.нинг кенг танқиди К.Ф. Вольф томонидан амалга оширилган. XIX а. бошларидаги эмбриология соҳасидаги ютуқлар (Х.И. Пандер, К.Э. Бэр) П. ҳақидаги қарашларни бутунлай рад қилгандай бўлиб кўринди. Аммо, сал кейинроқ цитологиянинг ривожи, хромокинезнинг кашф этилиши, хромосомалар наз-яси ва, айниқса, генлар ҳақидаги таълимот ва генетиканинг тар-ёти бу масалага жиддий қараш лозимлигини кўрсатди.

**ПРИГОЖИН, Илья Романович** (1917–?) – белгиялик табиатшунос, физик, физико-химик, турли хил оғирликдаги суюқликлар жараёнлар термодинамикаси асосчиси. 1942 й.да Озод Брюссель ун-тида физика фанлар д-ри унвонини олади ва 1947 й.да ўша ун-тда проф. бўлади, 1962 й.да Халқаро физика-химия ин-ти директори бўлади. 1987 й.дан бошлаб АҚШнинг Техас ун-ти механика ва термодинамика статистик маркази директори бўлиб ишлайди. 1977 й.да у ҳар хил оғирликдаги системалар термодинамикаси бўйича иши учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Кейинги й.ларда у Брюссель ун-тида (Брюссель мактаби) турли хил фан соҳасидаги олимлар ва ўзи ташкил қилган физиклар гуруҳига раҳбарлик қилди. Улар дунёни ўрганишда синергетика асосларини ишлаб чиқиш б-н машғул бўлдилар.

**ПРИМИТИВИЗМ** (лот. primitivus – биринчи, энг қад.) – мураккаб масалаларга нисбатан ниҳоятда оддий мун-т ва соддаларча ёндашувни ифодалайдиган ғоя ва қарашлар мажмуи. Кўпроқ ибтидоий одамларга хос тафаккур тарзи, ибтидоий санъат ва мад-тга хос белги ва хус-ятларга нисбтан ишлатиладиган т.. Францияда А. Руссо, АҚШда А.М. Мозес ҳамда П.Гоген қарашларида ўз ифодасини топган. XX а.да халқ усталари ижодида, анъанавий санъат ва номоддий мад-т намуналарида ўзига хос тарзда намоён бўлди. Бу ибора баъзида айрим киборлар ва ўзига бино қўйган кишилар томонидан ушбу ибтидоийликни менсимаслик тарзида ҳам ишлатилади.

**ПРИНЦИП** (лот. principum – ибтидо, асос, илк сабаб) – 1) турли аҳамиятга эга бўлган фактлар ва билимлар мажмуининг асоси, пойдевори; 2) ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидалари. Антик фал.да П. бошқа нарса ва ҳодисалардан холи равишда мавжуд бўлган субстанция, негиз сифатида талқин берди. Бундай талқин борлиқни яхлит тасаввур қилиш имконини яратди.

Борлиқнинг асосий П. сифатида метафорик талқин тарафдорлари сув, ҳаво, апейрон, олов ва б.ни, интеллектуал билим тарафдорлари рақамлар, ҳарфлар ва б.ни, атомистик талқин тарафдорлари атомни, идеалистик талқин тарафдорлари ғояни, субстанционал талқин тарафдорлари фикр ва гапни таҳлил этадилар. П.лар ҳодиса ва нарсаларнинг шаклланишидаги

конуниятни ифодалайди. Янги замон фал.сида ҳам борлиқнинг асосини аниқлаш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Немис файласуфи И.Кант анъаналарига таянган кўплаб файласуфлар вокеликнинг онтологик асосини конститутив П. деб, бирон-бир фаолиятнинг инструментал асосини регулятив П. деб номлайдилар.

Билишда П. наз-й ва амалий фаолиятда кўлланиладиган қоида сифатида эътироф этилади. Хоз. замон фал.си билиш П.ларини иккига бўлади: 1) билишда дастлабки асос вазифасини ўтовчи П.лар туркумига объективлик, системалилик, тарихийлик, диалектик зиддият киради: 2) тадқиқот жараёнида тўғридан-тўғри кўлланиладиган П.лар туркумига: мавҳумликдан конкретликка бориш, мантиқийлик ва тарихийлик бирлиги ва б. киради. Бу П.ларнинг ҳар бири императивлар (талаблар) системасидан иборат. Мантиқда П. системанинг марказий т.си сифатида кўлланади. Бу т. ўрганилаётган объектнинг истисносиз барча ҳолатлари ва аспектларига тааллуклидир. Ахлоқда П. эътиқод асоси ҳисобланади.

**ПРИСКИЛЛИАН** (Присциллиан) (Prisciliano (исп.); Priscillianus (лот.); туғилган й.и ? – ваф. 385 й.) – мил. IV–VI а.ларида Испанияда кенг тарқалган еретик харакатнинг асосчиси ва идеологи, Авила шаҳри епископи бўлган. Манихейликка асосланган таълимот яратган, Худонинг учланганлиги ва ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги христиан ақидаларини рад қилган. П.лик Сарагоса соборида даҳрийлик сифатида қораланган (380) П. ўзи эса Бордодаги суд жараёнидан кейин қатл қилинган (384). П., унинг таълимоти ва шогирдлари тўғрисидаги маълумотлар узоқ давр мобайнида унинг рақиблари ва черков идеологлари – Августин, Иероним, Орозий, Сульпиций а-рлари орқалигина маълум бўлган. Фақатгина XIX а.охирида Г. Шеппс Вюрцбург ун-ти кутубхонасидан П.га тегишли деб ҳисобланадиган 11 та диний-фал-й трактатларни топган ва улар нашр қилинган (Corpus scriptorum ecclesiasticorum latinorum, v. 18, Vindobonae, 1889).

**ПРИСТЛИ (Priestley), Жозеф** (13.3.1733, Филдхед, Лидс, – 6.2.1804, Нортамберленд, Пенсильвания, США) – инг. олими, файласуф, жамоат арбоби, инг. Қироллик жам-ти (1767) ва Париж ФА аъзоси (1772). П. тўкувчининг фарзанди бўлган. 22 ёшида руҳонийликка эришган. Рим папасининг чексиз ҳукмронлигига қарши фикрлар билдирган, АҚШнинг инг. империясидан озодликка эришиш йўлидаги ҳаракатини, бу йўлдаги 1775 -1783 й.лар урушини, XVIII а. сўнггидаги Француз инкилобини қўллаб-қувватлаган. Бу фаолияти учун таъқиб қилинган ва 1794 й.да АҚШга кетишга мажбур бўлган ҳамда умрининг охирини ўша ерда ўтказган.

**ПРАВОСЛАВ** – маъноси чин эътиқод демакдир. Ушбу оқимнинг католик оқимидан фарқи шуки, бу оқимда ягона диний марказ, черковларнинг ягона раҳбари йўқлигидир. П. 1054 й.да христианликнинг Шарқий Рим империяси ўрнида расмийлашган, унинг давлат дини бўлган ва «П. черкови» деб аталган. Ғарбий христианлик эса, «Католик черкови» деб аталган ва унга Рим патриархати ҳамда унинг таркибига кирган қавмлар итоат этган. Асрлар давомида бу икки черков орасида турлича мун-тлар бўлган, жиддий келишмовчиликлар, куролли тўқнашувлар ҳам рўй берган. Кейинги й.ларда улар орасидаги мун-тлар мўътадиллашган, бу айникса, 1915 й.да иккала черков раҳбарларининг Кубадаги учрашуви давомида яққол намоён бўлди. П. оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учликдан иборат ягона Худо эканлиги, нариги дунё, ажр тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-уқубатларга дучор қилинган инсоният нажот топишга имкон берувчи Исо Масиҳнинг халоскорлик фаолияти (миссияси) ҳақидаги ақидаларни тан олади. Бу оқимда 7 сирли маросим асосий ўринни эгаллайди. Булар чўқинтириш, нон ва вино тортиш, руҳонийлик унвонини бериш, тавба-тазарру, миро суртиш, муқаддас зайтун мойи суртиш, никоҳ маросимларидир.

П.нинг католикдан фарқлари шундаки, муқаддас рух фақат Ота – Худодан келиб чиққанлиги, черков бошлиқлари эмас, балки черковнинг ўзи гуноҳсизлиги ва ақидаларнинг ўзгармаслиги эътироф этилади. Руҳонийларнинг уйланишлари ва никоҳдан ўтишлари мажбурий қилиб белгиланган. П.да байрамлар ниҳоятда кўп бўлиб, улар – улуғ, ўрта ва кичик байрамларга бўлинади. Жумладан, Пасха байрами Хочга тортилган Исонинг мўъжизавий қайта тирилиши хотирасига бағишланган бўлиб, баҳорги тенгкунликларда нишонланади. Исо Масиҳнинг туғилиш байрами, католикда ҳар й.и 25 декабрда, П.да 7 январда нишонланади ва б..

Мутахассислар Бердяев, В.С.Соловьев, Хомяков, Н.О.Лосский, В.Н. Лосский, Зеньковский, Флоренский каби олимларни П. фал.си вакиллари, деб ҳисоблашади. П. йўналишида теология бўйича мутахассислар тайёрловчи маър-й муассасалар мавжуд.

Ҳоз. вақтда П.га эътиқод қилувчилар сони 150 млн.дан ортиқрок кишини ташкил этади. П.да 15 та автокефал (мустақил) черков мавжуд. Булар 9 та патриархат (Константинопол, Александрия, Қуддус, Москва ва бутун Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар) 3 та автокефал архиепископлик (Кипр, Албан ва Эллада) ва 3 митрополия (Польяк, Чехо-Словак, Америка) ва Шарқий Черковлар иттифоқига кирмайдиган бошқа баъзи черковлардир.

**ПРОГНОЗ** – бирор-бир ҳодисанинг келажакдаги ҳолати ҳақидаги илм. тад.ларга асосланган эҳтимолий мулоҳаза. Қадим замонлардан бошлаб турли халқларда эртанги кунга назар ташлаш, келажакни башорат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилар катта иззат-икромга сазовор бўлган. Форслар уларни афсунгарлар, руслар, бобилликлар ва ассирияликлар – халдейлар, қад. Миср аҳолиси – коҳинлар деб атаган. Башоратгўйлар қад. Юнонистон аҳолисининг ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган. Келажакни башорат қилишга фал. тарихида ҳам, ижт-й тафаккурда ҳам турли кўринишларда алоҳида эътибор қаратилган. Тарихнинг ўтиш даврларида, кескин ижт-й конфликтлар юз берган даврларда башоратнинг аҳамияти айникса ошган. Бу инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида оламшумул ўзгаришлар юз бераётган ҳоз. даврга ҳам хос. Юзага келган шароитда ижт-й башорат масалалари ўта муҳим наз-й ва методологик аҳамият касб этмоқда, уларни ишлаб чиқиш эса фал-й тафаккурнинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

П.нинг икки кўриниши мавжуд: табиий-илмий П. ва ижт-й П.. Улар бир-биридан ўзининг характери б-н ажралиб туради. Мас., табиий-илмий П.дан башорат қилинаётган ҳодисанинг вужудга келишини тезлаштириш ёхуд олдини олиш мақсадида фойдаланиш чекланган. Бундай П.лар туркумига метеорологик, гидрологик, геологик (литосфера ҳодисаларига доир), биологик (мас., ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги касалликларга доир), тиббий-биологик (инсон организмидаги касалликларга доир), илмий-техник, космологик, физико-химик П.лар киради. Ижт-й П.лардан олинган информациялар мақсадга мувофиқ фаолиятда шу қадар кенг кўлланиладики, кишилар ўз хатти-ҳаракатлари б-н башорат қилинаётган ҳодисанинг вужудга келишини бехосдан тезлаштириб юборишлари ҳам мумкин. Бундай П.лар сарасига фан ва техниканинг умумий тар-ётига доир П.лар, ижт-й П.лар, иқт-й П.лар, психологик П.лар, сиёсий П.лар ва б. киради.

П.лар ўз мақсадига кўра ҳам фарқ қилади. Айрим П.лар мавжуд тенденцияларнинг оқибатларини аниқлаш мақсадида қилинади. Бундай П.ларда

эхтимоллик меъёри маълум шкалалар ёрдамида қайд этиб чиқилади. Бошқа П.лар эса ҳодисаларнинг кутилган (хоҳланган, кишилар яратган гояларга мос тушадиган) ҳолати қачон содир бўлишини аниқлашга қаратилади. П. башорат қилинаётган давр давомийлигига қараб жорий (1 ойга қадар), қисқа муддатли (1–5 й.), ўрта муддатли (5–10 й.), узоқ муддатли (10–30 й.), энг узоқ муддатли (30 й.дан ортиқ) П.ларга бўлинади.

Прогноз қилишнинг илмий воситалари тўплами келажакни билишнинг 200 дан ортиқ методлари, махсус методикалари ва мантиқий воситаларини ўз ичига олади. Уларни беш асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин (қолганлари уларнинг вариантлари ҳисобланади). Прогнозлаштиришнинг методлари: 1. Экстраполяция методлари. 2. Тарихий аналогия. 3. Моделлаштириш. 4. Экспертиза усулида баҳолаш. 5. Келажак сценарийлари. Ушбу методларининг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Келажакни олдиндан айтиш усули, теранлик ва аниқлик даражасига кўра, башоратнинг турларини фарқлаш мумкин: мифологик башорат; кундалик башорат; астрологик башорат; интуитив башорат; илмий башорат. Мифологик башорат архаик онг даражасидаги (энг қад.) башорат турларидан бири бўлиб, унда воқеалар образларнинг ҳаракатларида ифодаланади. Кундалик башорат инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибасига, табиат ва жамтда у ёки бу воқеаларнинг тез-тез такрорланишини бевосита кузатишга асосланади.

Кундалик башоратларга халқда машҳур бўлган об-ҳаво аломатлари мисол бўлиши мумкин. Мас., Қуёш ботаётганда одатдагидан узоқроқ ушланиб қолган бўлса, ёмғирни кутиш керак; эрта эрталаб туман тушган бўлса, демак кундузи ҳаво очиқ бўлади; шарқдан шамол эсса, тез орада ёмғирлар тугайди. Астрологик башорат осмон жисмларининг ҳаракати, Ой ва Қуёш тутилиши циклларини кузатишга асосланади. Астрологик башорат ўрта а.ларда кенг тарқалган бўлсада, кейинчалик унга мун-т ўзгарган. Лекин, XX а.да эзотерик билимларнинг ривожи астрологик башоратларнинг асосли эканлигини тан олмоқда.

Интуитив башорат илмий тажриба ва мантиқий мушоҳадасиз ҳақиқатнинг тагига бевосита етишдир. Башоратнинг бу тури ҳали яхши ўрганилмаган ва кўпинча унга етарлича баҳо берилмайди. Ҳолбуки, ақлни лол қолдирадиган фактлар маълум. Мас., тўрт юз й. олдин яшаган франц. табиби Мишель Нострадамус мисли кўрилмаган башоратгўйлик қобилиятига эга бўлган. Ўзининг машҳур «Центуриялар»и ва б. а-рларида у XX а.нинг техник кашфиётлари – сув ости кемалари, самолётлар, водород бомбасинигина эмас, балки франц. ва рус инқилобларини, ш-дек, де Голль, Франко, Ленин, Сталин, Гитлер, Муссолини каби шахсларнинг пайдо бўлишини ҳам башорат қилган. Ўз даврининг машҳур фолбини А.Ф. Кирхгоф А. Пушкинга унинг ҳаётидаги муҳим воқеаларни: тез орада кўп пул олиши, икки сургун, уйланиш, машҳурлик, 38 ёшида ҳаётни тарк этиш эҳтимолини башорат қилган. Афсуски, бу башорат тўла рўёбга чиққан. Украиналик атоқли файласуф ва шоир Г. Сковорода ҳам башорат қилиш қобилиятига эга бўлган. У ўз қишлоғи – Ивановкага охирги марта келганда касал бўлмаган. Ҳаммага ўзининг ўлими яқинлигини эълон қилган, ўзи ўзига қабр қазган, ўз «хонакоси»га қайтиб келган, ич кийимини алмаштирган, бошига ўз а-рларини қўйган ва вафот этган. Бошқа кўплаб гайриоддий фактларни келтириш мумкин. Уларнинг барчаси интуитив башоратни эътибордан соқит этиш ярамаслигидан далолат беради.

Илмий башорат фан доирасида ёки унинг ёрдамида амалга оширилади ва ўрганилаётган жараённинг қонуниятларини билишга асосланади. У келажакни анча самарали башорат қилиш ва олдиндан кўра билиш имконини беради. Илмий башоратнинг айрим элементлари қад. дунёдаёқ мавжуд бўлган. Мас., файласуф Фалес Қуёш тутилишини башорат қилгани маълум. Аммо башорат ҳақидаги дастлабки билимлар XV–XVII а.лардагина табиий ва ижт-й фанларнинг рив-ши б-н бир вақтда илмий тизимга солина бошлаган.

Ижт-й башоратнинг хус-ятини қайд этиш учун «прогноз қилиш» т.си муомалага киритилган. П. қилиш башоратнинг алоҳида шакли бўлиб, у ижт-й жараёнларни ўрганишда юқори даражада илмий асосланганлик ва объективлик б-н ажралиб туради. Илмий башоратнинг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ прогноз қилиш – ўз методологияси ва техникасига эга бўлган махсус тадқиқотдир.

Ғарб мам-тларида ижт-й прогноз қилиш илмий башоратнинг тури сифатида «футурология» (лот. futurum – келажак ва юн. logos – таълимот) деган ном б-н вужудга келган. Бу атамани илк бор Ғарбий Берлин ун-ти ҳузуридаги Отто Зур номидаги ин-т проф.и О.Флехтгайм ишлатган. Шуни қайд этиш лозимки, «футурология» атамаси умумий эътироф этилгани йўқ. Мисол учун, башорат муаммолари бўйича франц. мутахассисларининг аксарияти футурология инсоннинг келажакни ишонч б-н башорат қилиш қобилияти ҳақида хомхаёл қилиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Футурология ўрнига «фютюрибли» атамаси таклиф қилинган бўлиб, у «эҳтимол тутилган келажак» деган маънони англатади. Бунда келажакнинг шартлилиги, кўп вариантлилигига ургу беради.

Ҳоз. даврда ижт-й башорат б-н боғлиқ тадқиқотлар «прогностика» деган ном олган. Прогностика П. қилиш қонунлари, тамойиллари ва методларини ўрганади, мантиқ муаммоларини ва ҳар хил типдаги прогнозтик тадқиқотларнинг таснифларини ишлаб чиқади. У эндигина шаклланиш даврини бошдан кечирмоқда, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ келажакнинг илмий муқобилларини яратишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бугунги кунда ижт-й П. қилиш муаммолари б-н махсус халқаро ташкилотлар шуғулланади. Уларнинг орасида қуйидагилар бор: Гудзон ин-ти, РЕНД ва Келажак учун ресурслар корпорациялари, Чикаго ва Калифорния ун-тлари (АҚШ); Кейинги 30 й.да Англия, Франция, Германия, Голландиядаги футурология ин-тлари ва б.. Йирик халқаро уюшмалар: Жаҳон футурологлар жам-ти, Келажак дунёси, Фютюрибллар халқаро ташкилоти тузилган. Бу футурологик ташкилотлар орасида Рим клуби алоҳида ўрин эгаллайди.

**ПРОГНОЗЛАШ** – бирор-бир ҳодисанинг истиқболларини махсус илмий тадқиқ этиш. Ўз предметига кўра, табиий-илмий ва П. жараёнини тафовутлаш қабул қилинган. П.да асосий манба вазифасини тажрибадан олинган маълумотлар, башорат қилинаётган ҳодисанинг истиқболига доир аналогияга асосланган баҳолар, маълум тенденциялар экстрополяцияси, ҳодисаларнинг келажакдаги ҳолатига доир моделлар ва б. ўтайди. Уларга мувофиқ тарзда ижт-й соҳани П.нинг уч асосий услублари синфи мавжуд: 1) субъектив фикрмулоҳазаларни объективлаштириш мақсадида аҳоли сўровини амалга ошириш; 2) экстраполяция ва интерполлаштириш – башорат қилинаётган жараён кўрсаткичларининг ўзгариб бориши хус-ятларини аниқлаш; 3) моделлаштириш – башорат қилинаётган ҳодисанинг эҳтимоллиги меъёрларини тузиш.

П.да индукция, дедукция, аналогиядан, ш-дек, статистика, иқтисодиёт ва социология услубларидан фойдаланилади. П.нинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат: 1) П. мўлжалларини аниқлаш (объект ва предметни, П. мақсади ва вазифаларини, ишчи гипотезалари ва услубларини белгилаш); 2) П. учун маълумот тўплаш; 3) П. учун асос вазифасини ўтайдиган модель тузиш; 4) мавжуд тенденцияларнинг оқибатларини аниқлаш мақсадида

башорат қилиш; 5) кутилаётган ҳолатнинг юзага келиши муддатини аниқлаш мақсадида башорат қилиш; 6) олинган натижаларнинг асосланганлиги даражасини аниқлаш; 7) тавсиялар ишлаб чиқиш.

**ПРОГНОСТИКА** (юн. «prognostike» олдиндан пайқаш, келажакни кўриш, илмий асосда башорат) – бирон-бир ҳодисанинг рив-ш истиқболларини махсус тадқиқ этиш. П. геогр., физика, астрономия, экология, политология, социология, психология фанларининг тадқиқот вазифаси ҳисобланади. Унинг таркибий қисми бўлган прогнозлаш айрим маълумотлар, натижалар юзасидан олдиндан мулоҳаза билдириш б-н чекланади.

П. прогнозни амалга ошириш йўллари, усуллари, методлари, қонуни тўғрисидаги фандир. П. илмий асосга қурилган изланишларнинг методологик асоси ва фойдаланиш воситаларининг йиғиндиси ҳисобланганлиги сабабли у халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли қўлланилиб келинади. П.дан ташқари фанда яна диагностика (юн. diagnostikos – билишга, аниқлашга қодир деган маънони билдиради) ҳам фойдаланилади.

Диагностика воқеликни бевосита аниқлаш, баҳолаш, даражаси, кўрсаткичи, ҳолати кабиларни белгилаш б-н шуғулланади. Ундан фарқли ўлароқ П. содир бўлмаган ҳодисалар, амалга оширилмаган фаолият натижалари юзасидан илмий омиллар, қонуниятлар, методлар, методикалар, электрон асбоблар ёрдамида олдиндан башорат қилишга асосланади. Жумладан, об-ҳаво маълумоти, иқлим шароити, биосфера ва ноосфера мун-тлари, и.ч. самарадорлиги, меҳнат маҳсулдорлиги, геополитика, мам-тлараро алоқалар, цивилизация, фан ва техника тар-ёти юзасидан илмий маълумотларга асосланиб мулоҳазалар билдириш шулар қаторига киради.

**ПРОГРЕСС** (лот. progressus – илгариланма ҳаракат, муваффақият) т.си қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон рив-ш б-н тавсифланувчи тар-ётни ифодалайди. Замонавий фал-й адабиётларда «рив-ш» ва «тар-ёт» т.лари б-н бирга қўлланилади. Бу т. орқали тар-ёт тўғрисида умумий тизимга татбиқан ҳам, унинг айрим жиҳатларига нисбатан ҳам сўз юритиш мумкин. У «регресс» т.сининг зиддидир.

Оламдаги ўзгаришларнинг маълум йўналишда содир бўлиши тўғрисидаги тасаввурлар қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Кўпинча антик муаллифлар тарихни ўзгармайдиган ҳодисаларнинг оддий изчиллигидан иборат, умуман, у қад. «олтин давр»дан кейин келадиган регрессив жараён (Гесиод, Сенека) ёки бир хил босқичларнинг такрорланиши (Платон, Аристотель, Полибий) тарзида тасвирлаганлар. Энг аввало прогресс илмий билиш соҳасида кузатилди. Ф. Бэкон ва Р. Декарт ўтмишга, орқага қарайвермаслик керак, илмий билим оламни олға ривожлантиради, деб кўрсатдилар. Прогресс ғояси ижт-й мун-тлар соҳасига ҳам (Фюрго, Кондорсе) татбиқ этилди. Маърифатпарварлик фал.си прогрессни инсон ақлидан келтириб чиқарди. Бошқа рационалистик оқимларга ҳам тарихийлик ёт эди. Айни чоғда Вико ва Руссо тарихий жараённинг зиддиятли характерга эга эканлигини кўрсатдилар.

XIX а. бошларидаги романтик тарихшунос маърифатпарварларнинг рационализмига қарши органик эволюция ғоясини, тарихий даврларнинг индивидуаллиги ва бекиёслиги ҳақидаги тезисни олға сурдилар. Лекин бу тарихийлик ўтмишга қаратилган эди. Гегель ўтмишга салбий мун-тни ҳам, сохта тарихийликни ҳам кескин танқид қилди. Тарихий прогрессни «мутлақ руҳ»нинг ҳаракати сифатида талқин этди. Гегель, ўтмишга эътиборсиз қараган маърифатпарвар ҳамда тарихчиларни, ёлғон тарихшуносликни танқид қилиб, борлиқнинг Худо томонидан оқил идора этилишининг (теодиция) уйғун тар-ёти ғоясини илгари сурган эди. Унинг тарих фал.си соф маънода «илоҳийликдан» иборат бўлиб қолди. Шундай ғояларни, ундан олдин, Г.В. Лейбниц ҳам баён этган.

П.нинг собиқ марксча концепцияси уни моддий и.ч. усули б-н боғлаб тушунтирди. Лекин, бу наз-я и.ч. воситаларига ижт-й мулкчиликни П.нинг мутлақ асоси деб, ҳисоблади. Ижт-й амалиёт бундай қарашнинг бир ёқлама ва хато эканлигини кўрсатди. Албатта, прогрессда и.ч. усулининг роли бор. Аммо, айни чоғда маън-й омилларнинг ролини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

XIX а. «романтик тарихчилари» назарида, ҳар бир тарихий давр ўз индивидуаллигига эга бўлиб, бу даврни бошқасига ўхшаши, асло, шарт эмас. Бу фикрларни тарихий романтиклар асосан, тарихий ўтмишга нисбатан айтган эдилар. Қад. донишмандлар ғояларини, янгича н. назардан, такрорлаган файласуфлар XX а. фал. сида ҳам бор. Мас., Ғарб ва Шарқнинг чуқур билимдони ҳисобланган, дунё фал.си ва динларни теран ўрганишга ўзини бахш этган ва ислом сўфий донишмандлигининг изчил намояндасига айланиб, Францияга, Қоҳирага кўчиб бориб, сўфийлик даражасига эришган, франц. традиционалисти Рене Генон (1886–1951) борлиқни прогрессив эмас, балки, регрессив йўналишларда ўзгаришларга дуч келганини, ўзининг «Борлиқнинг қотиб бориши», деган концепциясида, баён этди. Айнан шундай ғояни машҳур ҳинд файласуфи Ауробиндо Гхош ҳам илгари сурди. Ушбу ғояларни б. файласуф ва олимлар ҳам тан олганлар.

**ПРОДИК (Пробгкос), Кеосский** (мил. олд. тахм. 470–460 й.лар орасида туғилган) – қад. Юнонистонлик файласуф-софист, Протагорнинг шогирди. П. «Табиат ҳақида», «Йил фасллари», «Лақмаликка ҳамду сано» каби бир неча а-рлар муаллифи ҳисобланади. Фал-й қарашларида софистларга хос ғоялар устувор бўлган. У Протагор, Горгий, Гиппийлар б-н бирга катта софистлар гуруҳига киради. Катта софистлар гуруҳи ҳуқуқ ва ижт-й-сиёсий масалаларда йирик мутафаккирлар бўлган. Унга ҳам софистларнинг барчаси учун умумий бўлган хусят инсониятга хос т.ларни, ахлоқий меъёри ва қадриятларини бир томонлама нисбий эканлигини таъкидлаш ҳоллари учрайди.

П. таълимотининг умумий хус-яти релявитизмдан иборат. Ҳамма нарса нисбий деган хулоса бунда яққол кўринади. Билишнинг мазмунан нисбийлигини таъкидлайди. У ҳам нотиқлик санъати назариётчиси сифатида сўзга катта эътибор берган, ажойиб сухандон бўлган. Мантиқ соҳасида ҳам хизматлари катта. Фал. да у асосан инсон, жам-т, билим масалаларига эътибор қаратган. Барча кекса софистлар қатори билиш назясида релявитизм наз-ясида турган. Гносеологияда у «Бизнинг тафаккуримиз ҳақиқий оламни била оладими?» деган саволга йўқ, деб жавоб беради, объектив оламни билиб бўлмайди деб ҳисоблаган. Барча катта софистлар каби Эллада фал.си рившида ижобий роль ўйнаган. Катта софистлар қатори нутқ санъати, этика масалаларининг рив-шига жиддий ҳисса қўшган, «инсон ҳамма нарсаларнинг ўлчовидир» деган ғояга таяниб иш юритган. Гарчанд Аристотель томонидан софистлар «сохта донолик ўқитувчилари» деб аталган бўлса-да, П. номи юксак нотиқлик санъатини эгаллаган, билимдон ва уста ижодкор, донишманд устоз сифатида қад. Юнонистон ва фал. тарихида абадий қолган.

**ПРОЗЕЛИТИЗМ** – бирон-бир динга ишонган фуқарони тўғридан-тўғри ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишни англатувчи атама. Минтақамиз ҳудудида П. б-н шуғулланувчи миссионерлик ташкилотлари орасида «Иегово гувоҳлари» черкови фаол ҳаракати б-н ажралиб туради. 1870 й.да Чарльз Рассель томонидан ташкил этилган бу ташкилот вакиллари ҳозирда тахм. 6,7 млн. кишини

ташкил этади. МДҲдаги марказий бошқарув органи Санкт-Петербург шаҳрида, М. О. бўйича минтақавий маркази эса Олмаотада жойлашган. Ўз-нда биринчи иеговачилар 1950 й.ларнинг охири – 1960 й.ларнинг бошларида пайдо бўлган. 1972 й.да Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида уларнинг илк жамоалари тузилган. Бугунги кунда республика бўйича фақат битта «Иегово гувоҳлари» черкови – Чирчиқ шаҳрида расмий фаолият олиб бормоқда. Маълумотларга кўра, диний ташкилотнинг республикамиз ҳудудидаги жамоаларига 3000 га яқин иеговачилар бириккан.

Яна бир миссионер ташкилот – Тўлиқ инжил христианлари черковига расман 1901 й.нинг 1 январида АҚШнинг Канзас штатидаги Топеке шаҳрида Чарльз Пархем томонидан асос солинган. Бугунги кунда жаҳонда тахм. 120 миллионга яқин тўлиқ инжилчилар мавжуд. ЎзР ҳудудида мазкур йўналишга тааллуқли биринчи ташкилот 1985 й.да Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Бугунги кунда республика бўйича ушбу черков таркибида жами 21 та диний ташкилот мавжуд. Улар миссионерлик фаолиятини яширин кўринишда амалга оширишади.

1966 й.да АҚШда пайдо бўлган Кришнани англаш жам-ти ҳам П. б-н шуғулланади. Жам-т асосчиси – А.Ч. Бхактиведанта. 1970 й.лардан эътиборан кришнаизм турли мам-тларга тарқала бошлаган. 1971 й. июнда Шрила Прабхупада Москвага келган. Шу вақтдан бошлаб кришначиларнинг собиқ иттифоқ мам-тидаги рив-ши бошланган. 1990 – й.ларнинг ўрталарида Тошкент шаҳрида жойлашган «Кришнани англаш жам-ти» вакиллари шаҳарнинг турли бурчакларида ибодат кийимларида юриб, турли адабиётлар сотиш б-н шуғулланганлар. Олиб борган тадбирлар натижасида кришначиларнинг бу турдаги фаолиятига барҳам берилди.

П. диннинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши, динлараро ва миллатлараро низоларни келтириб чиқишига замин яратиши мумкинлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Дунёдаги баъзи ҳудудларда бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқиши ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин.

**ПРОКЛ** (мил. 410–485 й.) – антик фал.да неоплатонизм қарашларини якунловчи афиналик файласуф. Бу давр фал.сида натурализм инкор этилиб, табиатни тушунишда, инсон ҳақидаги билимда, антропология ва психологияда идеализм тантана қилади. Прокл ана шу муҳитда тарбия топади. У ўзидан кейин бой адабий мерос қолдирган. У Евклиднинг «Ибтидо»си Плотиннинг айрим а-рлари, ш-дек, Афлотуннинг 12 та диалогига шарҳлар ёзган. Улардан «Парменид», «Тимей», «Кратил» а-рларига ёзган шарҳлари бизгача етиб келган.

Проклнинг энг буюк а-ри «Оддий илоҳий таълимот»дир. А-р неоплатонизм таълимотининг бирлик, ақл, руҳ ҳақидаги т.ларни камраб олувчи 211 та тезисдан иборат. Прокл қурилиш ва изоҳлашга доир учлик тамойилини ривожлантирди. Бу тамойилларнинг биринчиси – ўзлик ичида бўлиш, иккинчиси – ўзликдан чиқиш, учинчиси эса ўзликка қайтишдир. Бу гоя Плотин таълимотининг бирмунча такомиллашган шакли эди. Расман қараганда, Проклдаги Ақл триадаси немис классик фал.сидаги Гегель қарашларини эслатади. Лекин улар орасида жиддий фарқ бор. Гегель фикрича, ақл ривожланиб боради. П. эса фараз қилинаётган ақл тўлароқ ва бойроқ, ўрганувчи, интилувчи ақлни эса ундан ожизроқ деб билади. П. бошқа нарсалар хусусида фикр юритганда ҳам, учлик тамойилига амал қилишга интилади. Ҳатто Руҳ – илоҳий, иблисона ва инсоний каби турларга бўлинади.

П. Афинада Академия бошлиғи, юксак таҳлилий ақл соҳиби бўлганига қарамай, неоплатонизм ҳукмронлигини сақлаб қола олмади. Зеро, юнон кўпхудоликка зид ўлароқ, христиан дини ҳукмронлиги даври бошланаётган эди. Унинг вафотидан сўнг бир авлод умрича вақт ўтмай, 529 й.и император Юстиниан декретига кўра, Афинадаги Афлотун Академияси ва унинг Рим империяси ҳудудидаги 64 та мактаби ёпилди. Шу б-н антик фал.нинг минг й.лик умри тугади. Европада кейинги бир неча юз й. давомида бу ҳақда маълумотлар ҳам сақланиб қолмади. Фақатгина орадан қарийб минг й.ча вақт ўтиб, антик юнон фал.си Шарқдан Ғарбга қайтди, жумладан Прокл номи ва мероси ҳам бу жараённинг бир қисмига айланди.

**ПРОКОПОВИЧ (Елизар), Феофан** (1681–1736) – украин ва рус файл. маърифатпарвари. Киевдаги савдогар оиласида таваллуд топган. Киев – Могилев академиясини битириб, ўз маълумотини Польшада давом эттиради ва у ерда католикликни қабул қилади. Кейин эса Римда илоҳиёт ва фал. соҳасида тайёргарликни ўтаб, Киевга қайтади ва академияда ишлайди.

1709 й.да П. Киевга келган Пётр I га таништирилади ва тез орада аввал Москвага, кейин эса Петербургга черков ислоҳотлари режасини ишлаб чиқиш учун таклиф этилади. У Пётр I нинг ишончли одами сифатида ўқув муассасалари, босмахоналар, кутубхоналар ташкил қилиш б-н шуғулланади, ФАни ташкил этишда фаол иштирок этади, унинг учун китоблар ва жиҳозлар сотиб олади, Кантемир ва талаба Ломоносов сингари ёш талантларга раҳнамолик қилади. Унинг «Подшонинг ҳоҳиши ҳақиқат» ва «Диний регламент» а-рлари Пётр давлати сиёсатини асослашда муҳим роль ўйнаган.

Машҳур сиёсий арбоб ва мутлақ монархия манфаатларининг ифодачиси сифатида П. демократик ва олигархик бошқариш тартибларини халқ мусибатларининг манбаи сифатида қоралайди, унга энг «фойдали» бошқариш усули сифатида танҳо ҳукмронлик шаклидаги ворисийликка асосланган монархияни қарама-қарши қўяди. Бу бошқариш шакли, унинг наздида, ижт-й фаровонликнинг кафолати ҳисобланади. Муаллиф фикрича, тинчликни, ижт-й тартибни, ҳаққоний адолатни, саноат ва савдо ривожини, етарли даражадаги саводхонликни таъминлаш давлатнинг бурчидир. Маориф жам-тни мукаммаллаштиришнинг муҳим омилидир. Умумий саводхонлик аҳлоқни юксалтиради, хурофот ва жоҳиликка барҳам беради, инсоннинг қадр-қимматини улуғлайди. Буларга эса фақат маърифатли подшо раҳбарлигида эришиш мумкин.

П. учун ҳам, Пётр I учун ҳам черковнинг мавкеи ҳамда диний ва дунёвий ҳокимият ўртасидаги мун-т масаласи гоят долзарб эди. Аксарият руҳонийлар Пётр ислоҳотларини инкор этганлар ва черковнинг мустақиллиги ва ҳатто унинг дунёвий ҳокимиятдан устунлиги тамойилига содиқ қолганлар. П. «дунёвий ҳокимият»ни илоҳий деб ҳисобламайдиган руҳонийларга қарши чиқади, тарихда христианларнинг ва ҳатто мажусийларнинг ҳар доим подшога бўйсуниб келганлигини таъкидлаган. Черков давлатдаги давлат бўлиши, руҳонийлар эса ўзига хос табақа саналиши мумкин эмас, улар ҳам халқнинг бир «лавозимли» кишиси, яъни ҳарбий хизматчи, шифокор сифатида давлатга хизмат қилиши лозим.

П. илоҳиётни ва ўз даврининг фал.сини чуқур эгаллаган киши бўлган, замонавий табиатшунослик илми-

дан хам хабардор бўлган. Унинг ўта билимдонлиги, юксак нотиклик кобилияти, кенг мулохазалилиги, уни илохиётчилар ва олимлар орасида машхур килган эди. Ўзини «янги фал.»нинг ихлосманди хисоблаган П., унинг кенг таркалишини зарурият деб билади ва, ш-дек, бу фал.ни мам-тни янгилашнинг воситаси, деб хисоблайди.

П. маърифатпарвар сифатида табиатни тадкик киладиган барча фанларни таркатишни ўзининг вазифаси деб хисоблайди. Шу мун-т б-н наз-й билиш, илм, тад. ва ўкиш-ўкитишнинг баъзи масалаларига тўхталади. У Локк ва Декартдан эмпириксенсуалистик ва аксиоматик усулларни ўзлаштирган холда, мантикий дедукция ва математик геометрик методларнинг самарадорлигини таъкидлайди. Хакикат борасида эса ўз объектига мос келган хукм хакикатдир, худди ш-дек, мос келмаган хукм хатодир, дейди. П. ижоди рус тафаккурининг икки даврини ўзида мужассамлаштирган. Унинг таълимоти рус ўрта а.нинг диний-фал-й рационализмини якунлайди ва янги дунёвий фал. пайдо бўлиши учун шартшароит яратади.

**«ПРОЛЕГОМЕНЛАР»** – И. Кантнинг ўз фал.си асосларини, унинг мазмун-мохиятини акс эттирган а-ри, 1785 й.да ёзилган.

**ПРОТАГОР** (мил. ав. V а.нинг 80-й.ларида туғилган) – кад. Юнонистонлик файласуф. Унинг Демокрит б-н танишиши, ундан билимлар ўрганганлиги, Эрон сехргарлари б-н алокаси хакида турли ривоятлар мавжуд. Бой софист оиласида туғилган, яхши таълим олган. Кейинчалик нутк санъати, эристика – нутк ва тортишиш санъатининг ўкитувчиси бўлган.

У биринчилар каторида таълим бергани ва дарс ўтгани учун пул тўланиши тартибини жорий килган. Иктидорли ва атокли конуншунос бўлгани учун, Перикл топширигига мувофик, конституция ишлаб чиккан. Унинг каламига ўнлаб а-рлар мансуб: «Мохият хакида», «Фанлар хакида», «Давлат хакида», «Худолар хакида», «Мунозара ёки тортишув санъати», «Хакикат ёки кайд килиб бўлмас нутк» ва б.. Уларнинг биронтаси бизга етиб келмаган, факат айрим парчалар сакланиб колган.

Онтологияда П. «барча ходисаларнинг сабаби материяда бўлади» деб ўйлади. Материянинг асосий хус-яти, софист фикрича, унинг объективлиги ёки материяда кандайдир конуний асос борлигида эмас, балки унинг ўзгарувчанлиги хамда окувчанлигидадир. Агар Гераклит окиб турган дарёга икки марта кириб бўлмайди, деган бўлса, П. бу принципни материянинг мутлак ўзгарувчанлигига татбик этиб нафакат олам, балки оламни биладиган жонли жисм хам ўзгаради, деб фикрлайди. Демак, субъект хам, объект хам узлуксиз ўзгаришда. Бу тарзда у софизмнинг биринчи релятивистик тамойилига асосланган. Иккинчи асослаш куйидаги тарзда ифодаланади. Унга кўра, хеч нарса ўзидан ўзи мавжуд эмас, балки бир-бирига мунтдагина мавжуд ва пайдо бўлади. Релявитизмнинг бу гоясини кейинчалик Афлотун шархлаб; «Бир нарса ўз-ўзидан хеч нарса эмас, аммо хамма нарса нима б-ндир боғликликда пайдо бўлади», – деб ёзган.

Релятивизмни учинчи жихатдан асослаш куйидаги тарзда ифодаланади. Унингча, хамма нарса дабдурустдан, ўз-ўзидан ўзгармайди, балки барча мавжудотлар доимо ўзига карама-карши томонга ўтади. Хар кандай нарса ўзининг карама-карши томонига эга бўлади. Кўриниб турибдики, П. давридаги файласуфлар гарчи стихияли диалектик фикрларни илгари сурган бўлса-да, лекин унинг туб мохиятини тушуна олмаган.

П. юкоридаги реалитизмнинг онтологик приципларидан дадил гносеологик хулосалар чикарди. Агар хамма нарса алмашса ва ўзининг карама-карши томонига ўтса, дейди софист, унда хар бир нарсада икки карама-карши фикр бўлиши керак. Файласуфларнинг фикрича, бу тезис кўп жихатдан хозиргача тўғри. Кундалик нуткимизда биз «бир томондан» ва «иккинчи томондан» деган сўзларни ишлатамиз. Аммо хулосамиз тўғри бўлиш учун, аввало, бу икки томондан кайси бири етакчи эканлигини аниклаб олишимиз керак. Акс холда релятивизм ва агностицизм позицияларига тушиб коламиз. П. айнан шу йўналишда борган. Хар бир нарсада ва хар бир жараёнда икки карама-карши томонлар ва йўналишлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосага келиб, хамма нарса ва жараёнларга оид икки карама-карши фикр бўлиши мумкинлиги хакидаги ишончга эга бўлиб, софист «хамма нарса хакикат» – деган фавкулодда хулосага келган.

П.нинг бу фикри Демокрит, Афлотун ва Арасту томонидан танкид килинган. Аммо мутафаккирнинг фал-й карашларини ўрганиш шуни кўрсатдики, «хамма нарса хакикат» тезиси унинг асосий тезиси эмас. Чунки нарса хакидаги фикрда карама-карши томонлар бор. Унинг «инсон хамма нарсанинг мезони, ўлчови» деган асосий тезисни ташкил килади. Одам икки карама-карши фикрлардан бирини танлаб олиши мумкин. Бу ерда одам эркин. Инсон хамма нарсанинг ўлчови деган фикрга кўра, унинг мезонини манфаат ташкил этади, дейди П. Шу ерда унинг гносеологик релятивизмдан этикадаги релятивизмга ўтиши кузатилади. П. тарих фал.си ва дин сохаларида хам кўплаб фал-й фикрлар баён этган.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** (nepotism, protectionism, лот. protectio – химоя, таниш-билишчилик) – 1) ижт-й алокалар ва шахслараро мун-тлар сохасида кариндош-уруғчилик ва таниш-билишликни устувор хисоблаш; 2) давлат идоралари ва ташкилотлардаги фаолият, ишга кабул килиш ва кадрлар танлашда кон-кариндошлик, махаллийчилик, яъни протекцияга катта эътибор каратиш; 3) муайян давлатнинг импортни чеклаш ва экспортни кувватлаш хисобига миллий иктисод ва махаллий и.ч.ни тараккий эттиришга каратилган сиёсати ва унда намоён бўладиган устувор тамойиллардан бири.

**ПРОТЕСТАНТИЗМ** – христианликдаги уч асосий йўналишдан бири (католицизм ва православ б-н бирга). XVI а.да Европада католикларга карши каратилган Реформация даврида вужудга келган, мустакил черков ва секталарни ўз ичига олади. П. тарихи Мартин Лютердан (1483–1546) бошланади. У XVI а.да Европада католикларга карши каратилган реформация харакати б-н боғлик жуда кўп мустакил черковлар ва секталарни ўз ичига олади. 1526 й.да Шпейер рейхстаги немис лютерчи-князлари талаби б-н хар бир немис князи ўзи ва фукароси учун хохлаган динни кабул килиш хукукига эга эканлиги тўғрисида карор кабул килган. Аммо 1529 й.да 2-Шпейер рейхстаги бу карорни бекор килган. Бунга карши империянинг бир канча шахарлари ва 5 та князь «протест» (норозилик) билдиришди.

«П.» термини шу сўздан келиб чиккан. Эски тартиботларни мукаддаслаштирувчи католиклар черковига карши кураш бошлаган янги замон зиёлилари бу черковни бутунлай тугатмай, уни «тузатиш», ислох килишни, ўз манфаатларига мувофиклаштиришни максад килиб кўйди. П. Худонинг борлиги, унинг уч киёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах (католизмдаги аърофдан ташкари) хакидаги вахий ва б. тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этади, шу б-н бирга П. 3 та янги принципни – шахсий эътикод б-н нажот топиш, динга ишонувчи барча кишиларнинг рухоний бўлиш мумкинлиги ва Библиянинг олий нуфузи принципларини илгари сурди. Таълимотига кўра, дастлабки гунох инсон феъл-атворини бузди, уни яхшилик килиш кобилиятидан махрум этди, ш.у. у хайрли ишлар, сирли маросимлар ва аскетизм йўли б-н эмас,

балки бандалар гуноҳини сўраб олиш учун ўзини қурбон қилган Исога шахсий эътиқод қилиш йўли б-н охиратда гуноҳлардан озод бўлиши мумкин эмиш. Мумтоз ҳисобланган ва чўқинтирилган ҳар бир христиан ўзини Худо б-н ғайритабиий мулоқотда бўлишига бағишлайди, черков ёки руҳонийларнинг воситачилигисиз ибодат қилиш ҳуқуқиға эга бўлади.

Чунончи, П.да руҳоний б-н қавм ўртасидаги ақидавий фарқ тан олинмайди, черков иерархияси рад этилади. П.да руҳоний қавмларнинг тавбасини қабул қилиш ва гуноҳларидан фориғ этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, у жамоага ҳисоб беради. Руҳонийларнинг оила қуриши ман этилмайди. Маросимларни бажаришда ҳам ўзгаришлар юз берди. П. сирли маросимлардан кўпчилигини бекор қилди, самовий ҳузур-ҳаловат тўғрисидаги таълимотни рад этди. Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азизавлиёларга сиғиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга ва бутларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблар, бутлар, ҳайкаллардан холи қилинди, қўнғироқлар олиб ташланди. П. черковни дахрийлаштирди, монастир ва монахликдан ҳам воз кечди. П.да ибодат ниҳоятда соддалаштирилди, ваъз диний таълимотларнинг ягона асоси, деб эълон қилинди, муқаддас ривоятлар рад этилди.

Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни ўрганиш ва шарҳлаш «гуноҳ» ҳисобланмади (католицизмда «гуноҳ» ҳисобланади), балки ҳар бир художўйнинг муҳим бурчи бўлиб қолди. Ҳамманинг тақводорлиги принципи жамоаларнинг демократик асосда тузилишига олиб келди. П.нинг илк шакллари: лютерчилик, цвинглиchилик, кальвинизм, унитаризм ва социнчилик, анабаптизм ва меннончилик, англиканчилик эди. Кейинроқ, «сўнгги П.» шакллари: баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, иегово шоҳидлари, мормонлар ёки «Охират авлиёлари»дир. «Нажот армияси», «Христиан фани» ва б. диний оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг кўпчилиги «диний уйғониш», илк христианлик ва Реформация идеалларига қайтиш шиори остида ташкил топди.

Ҳоз. вақтда П. Скандинавия мамлакатларида, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Швейцарияда кенг тарқалган. П.нинг жаҳон маркази – АҚШда жойлашган. Бу ерда баптистлар, адвентистлар, иегово шоҳидлари ва б.нинг штабквартираси бор. Ҳоз. П. бирлашишга интилмоқда. П. илоҳиёти христиан идеологиясининг бир кўринишидир. 1517 й.и 31 октябрда жамоатчилик ҳукмига бу борада тезислар ҳавола қилинган ва кейинчалик бу кун протестантлар байрами бўлиб қолди.

**ПРОТЕСТАНТ ФАЛСАФАСИ** – XVI а.да Европада католикларга қарши қаратилган реформация ҳаракати натижасида шаклланган ва дастлабки ғоялари Мартин Лютер (1483–1546) томонидан асослаб берилган диний-фал-й қарашлар мажмуи. П.ф. М.Лютер томонидан тузилган 95 та тезисдан иборат бўлган ва дастлаб Виттенберг насроний черковининг шимолий эшикларига ёзиб қўйилган низомга таянади. Бу низомга кўра, инсон Худо б-н бевосита мулоқот қилиши мумкин бўлиб, улар ўртасида воситачига (Папа, руҳонийлар ва б.) ҳожат йўқ. Ўша даврда Папанинг диний ва дунёвий ҳокимиятга эгалиги, католик диндорларининг имони ва виждонини инсон б-н Худо ўртасидаги воситачи сифатида назорат қилиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларига Лютернинг қарши чиқиши немис жамоатчилиги томонидан фавқулодда қизиқиш б-н қабул қилинган.

П.ф. Худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах (католицизмдаги аърофдан ташқари) ҳақидаги, ваҳий ва б. тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этади. Бироқ Лютер яратган «Низом»га кўра, П.ф. католицизм ғояларидан фарқ қилиб, протестант черковининг асосий қоидаларига таянади ва уларни ҳимоя қилади. Тезисларнинг бир нусхасида Исо пайғамбар: «Тавба қилинг, чунки самовий шоҳлик яқинлашиб қолди», деб жар солганида шуни таъкидлайдики, имон келтирганлар ҳаёти бошдан оёқ тўхтовсиз тавба-тазаррудан иборат бўлмоғи даркор. Тавба-тазарру руҳоний (авлиё) олдидаги биргина тазаррудан иборат эмас. Биринчи тўрт тезисда Лютер таъкидлайдики, ҳақиқий тавба узоқ муддатли жараёндир, у биргина хатти-ҳаракат б-н рўёбга чиқмайди. Бу б-н у католицизмдаги «аъроф» ва у б-н боғлиқ индулгенция масаласини рад этади. Айтадики, Папа фақат ўзи белгилаган жазони олиб ташлаши мумкин.

Черков ҳеч қайси самовий жазодан инсонни озод қила олмайди. Тавба-тазарру қонунлари тириклар учун жорий қилинади (белгиланади). «Руҳлар учун индульгенция олган шахсларга тавба-тазарру қилиш талаб қилинмайди», деган таълимот Исо таълимоти эмас. Чиндан тавба қилган кишиларнинг гуноҳларини Худо кечиради ва абадий азобдан озод қилади. Гуноҳкор папа ёрлиғисиз ҳам бундай мағфиратдан умид қилиши мумкин. Бу ерда ва кейинги бир қанча тезисларда Папанинг аъроф устидан ҳукмронлиги рад этилади. Лютер бир неча тезисларда таъкидлайдики, чиндан тавба қилган, надомат чеккан христиан «самовий жазога шошилмайди, яъни унга самовий жазо жорий этилмайди». Лютернинг таъкидлашича, черковнинг ҳақиқий хазинаси муқаддас Инжил ва Худонинг марҳаматидир. «Хайрли амаллар хазинаси»нинг мавжудлиги камбағаллар учун эмас, бойлар учун фойдалидир, бу хазиналарга Папа марҳамати б-н эмас, ўз амаллари б-н эришиш мумкин. Бу хил воситалар б-н Худонинг меҳрини қозонмоқни Лютер сароб, деб атайди. Ҳақиқий христиан Исога эргашиш истаги б-н ёнмоғи зарур. Нажот йўли рухсатнома ёрлиғида эмас, балки чин юракдан надомат чекмоқ ва тавба қилмоқдадир.

Лютернинг ушбу тезисларига асосланган П.ф.нинг моҳиятига кўра илоҳий лутфу марҳамат инсонларга черковнинг иштирокисиз инъом этилади. Инсон нажот топиши унинг шахсий эътиқоди ва Исонинг воситаси орқали рўй беради. Авом руҳонийлардан фарқланмайди, руҳонийлик ҳамма диндорларга бир хилда жорий этилади. П.ф.га кўра, диний маросимларнинг кўпчилиги бекор қилинди, фақатгина лютеранликда нон ва вино б-н чўқинтириш сақланиб қолди.

П.ф. христиан илоҳиёти ва мафкурасининг бир кўриниши сифатида ўз тар-ётида муайян босқичлардан ўтди. XVI аср ортодоксал илоҳиёти (М. Лютер, Ж. Кальвин), XVIII–XIX асрлардаги янги протестантизм ёки либерализм илоҳиёти (Ф. Шлейермахер, Э. Трёльч, А. Гарнак), Биринчи Жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган диалектик илоҳиёт (К. Барт, П. Тиллих, Р. Бультман), Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг тарқалган радикал ёки «янги» илоҳиёт (Д. Бонхеффер ва б.) шулар жумласидандир.

**ПРОФЕССИОНАЛИЗМ** – бирон-бир касб асосларини ва маҳоратини эгаллаш, меҳнат мад-ти унинг мезонлари ва тамойиллари мажмуини намоён қилиш. Барча касблар, жумладан, фал-й фанларни ўзлаштирувчи бўлажак файласуфларни тарбиялашда муҳим омиллардан бири, касбий фаолиятда ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳар бир инсон вояга етиб, бир касбни эгаллагач, ўз касби доирасида одамлар б-н мунтазам мун-тда бўлади. Бу мун-т, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар б-н юзага келади. Айни пайтда, касбий П. мад-тнинг энг юксак шаклларидан бири; унинг жам-т ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий П.га бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жам-тда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жам-тдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жам-т аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маън-й соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Шу боис б.нинг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суиистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймасликучун. ш-дек, улар маън-й даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш П.га, ҳатто жамтга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида хоз. кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қад. Юнон ҳакими Гиппократ (мил. гача V–IV а.лар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоби қонун-қоидалари жамланган машҳур «Гиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Чунончи, қад. ҳинд эпоси «Рамаяна»да (II а.) беҳуш ётган Лакшман бошида турган девлар шоҳининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири – салтанат душманини муҳтож бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш б-н уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадан сўнг табиблик одоб-қоидаларига бўйсунишни – Лакшманни даволашни афзал кўради. Зеро, П. қонун-қоидалари талабига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган т.лар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатга муҳтож, заиф инсон ётади. Даволаниб, ҳаётга қайтган Лакшман девлар мам-тининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиаҳди Индиржидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин, китобхон табибни хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча унинг маън-й жасоратига, ҳалоллигига, касбий бурчига содиқлигига ҳайрат б-н тасаннолар ўқийди.

Булардан ташқари, муаллимлик П.и, ҳуқуқ-тартибот ходимлари П.и, муҳандислар, компьютерчилар П.и сингари бир қанча П. турлари борки, улар ҳам жам-тда муҳим аҳамиятга эга. П. муаммоси, баъзилар ўйлагандек, арзимас масала эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш, касбий П.ни ўстириш ва камолга етказиш масалалари ҳамда уларни ҳар томонлама тадқиқ этиш XXI а. илм-фанида ва амалиётда муҳим ўрин эгаллайди.

**ПРОЦЕСС** – воқеа ва ҳодисалар ривожидаги узлуксизликни ифодаловчи фал-й т., П. социал, иқтисодий, сиёсий, мад-й, маън-й, партиявий, этник-миллий, демографик, ахборот ҳамда илмий ва б. соҳаларга бўлиниши мумкин. Миқёсига кўра умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга молик П.лар бир-биридан фарқланади. Ижт-й П.лар, одатда уларни белгиловчи омиллар ва манбаларга нисбатан сабаб ва оқибат сифатида намоён бўлади. Демак, ҳар қандай П. шу жумладан ижт-й П.лар зоҳирий ва ботиний асосларга эга бўлиб, улар айни чоғда ўзида сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодифият категорияларида ўз ифодасини топадиган мунтларни англатади.

Иж-й тараққиётнинг таркибий қисми бўлган П.лар жам-т кайфиятига таъсири н. назаридан салбий ва ижобий тарзда кўзга ташланади. П. инсон омилининг кучи ва қудратига боғлиқ. Уларни бошқариш, мақсад сари йўналтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

**ПРОЭРЁСИЙ (Паруйр)** – арм. ритор, файласуф, софист, мил. IV а.ида Грецияда яшаган. Афинадаги неоплатонизм мактаби раҳбари, бизгача айрим парчалари сақланиб қолган а-рлар муаллифи. П.нинг асосий фал-й қарашлари Платоннинг «Яхлитлик – Ақл – Жон» триадаси талқини б-н боғлиқ. Унингча, борлиқ иерархиясининг энг юқори нуқтасида Яхлитлик туради ва у барча моҳиятларнинг моҳияти бўлиб, ақлни вужудга келтиради. Ақл (нус) жонни (петохе) юзага келтиради. Жон икки кўринишда мавжуд: қуйи жон ва олий жон. Қуйи жон материяга интилиб яшайди. Олий жон эса худолар томонидан яратилади. Ақл ва жоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларигина олий жонни энг юқори мақомга эриштиради. П. фал. си ўз даврида христиан таълимоти ва теологиянинг рив-шига муайян таъсир кўрсатган.

**ПРУДОН (Proudhon), Пьер Жозеф** (15.01.1809–19.01.1865) – франц. олими, иқтисодчи ва анархизм назариётчиси. 1845–47 й.ларда ҳунармандлар, савдогарлар, кичик и.ч. муассасалари раҳбарлари ва аъзолари, ишчилардан иборат «мютюэлизм» (ўзаро ёрдам) тамойилига асосланган «прогрессив ассоциациялар» тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади. Бу борада унинг «Иқт-й зиддиятлар системаси ёки фал. қашшоқлиги» («Systeme des contradictions economiques, ou Philosophie de la misere», t. 1–2, P., 1846) а-ридаги ғоялари асос бўлган.

Антиномиялар сақланиб қолади, деб ҳисоблаган П.нинг давлат ҳақидаги наз-ясида анархистик ғоялар, давлатни бархам топтириш ва унинг ўрнига индивидуумлар ва турли даражадаги субъектлар ўртасида шартнома асосларини жорий этиш ҳақидаги фикрлар устуворлик қилган («Les confessions d'un revolutionnaire», P., 1849; («Idee generate de la revolution aux XIX siecle...», P., 1851). Кейинроқ ёзилган «Федеративлик принципи ҳақида...» («Du principe federatif et de la necessite de reconstituer le parti de la revolution», P., 1863) а-рида П. «давлатни йўқ қилиш» шиорини марказий ҳокимиятларни майда қисмларга ва автоном областларга бўлиб юбориш ғоясини илгари сурган, «Уруш ва тинчлик» («La guerre et la paix», t. 1–2, P., 1861) китобида урушларни қонунсизликнинг намоёни сифатида тасифлаган. П. анархизми кейинроқ Бакуниннинг анархистик ғояларига ва давлатни йўқ қилиш ғояси таъсирига тушган бошқа оқимларга, анархо-синдикалистик қарашларга таъсир кўрсатган.

**ПСИХИКА** (юн. psyche – «жон», «руҳ») – юксак даражада ривожланган оламнинг энг олий ҳаёт ва инъикос шакли, инсон ва ҳайвонлар руҳий оламининг ўзига хос ҳодисаси. У сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида намоён бўладиган яққол шакллардан иборатдир. Одатда психик ҳодисалар деганда, ички, субъектив тажриба далилларининг (воқеликнинг) намоён бўлиши тушунилади, бошқача айтганда, психик ҳаётнинг сезги, идрок, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шакллардан иборатдир. Ички субъектив тажрибанинг ўзи инсондаги қувонч ёки зерикиш туйғулари унинг нималарнидир эсга туширишни, биронбир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш ҳисларининг барчаси шахснинг ички дунёси таркибий қисмлари, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар ҳисобланади.

Психик ҳодисаларнинг муҳим хусусияти уларнинг бевосита субъектга тааллуқли эканлигидадир. Агар инсон идрок қилса, сезса, фикрласа, эсласа, хоҳиш билдирса, бу ҳодисаларни иш даврининг ўзида тушуниб ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, бир қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб турамиз ҳам. Ш.у. психологик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда рўёбга чиқиб туради. Образли қилиб айтган-

да, одамнинг ички дунёсида турли ҳодисалар вужудга келади, кечади, одатда шахс бундай ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларнинг кузатувчиси хисобланади.

Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жараёнлар, англашилмаган холатлар, хулқ-атвор, психосоматик ҳодисалар, инсон акл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маънавий мад-т маҳсулини яратди. Ҳар қандай субъектив ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хус-ятларини кўрсатади. Улар орқалигина психикани ўрганиш ва унга хос жараёнларни тасаввур қилиш мумкин.

Ҳоз. даврда информацион технологияларнинг рив-ши, турли роботларнинг ишлаб чиқилиши, компьютерларнинг такомиллашиб бориши бу соҳани ўрганиш ва тасаввур қилишда янги имкониятлар яратмоқда. Кейинги й.ларда мутахассислар орасида «интеллектуал ақл»ни яратиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар, инсон психикасининг имкониятларини ўрганиш доирасини кенгайтириб, бу ҳақдаги билимларимиз чуқурлашишига сабаб бўлмоқда.

**ПСИХОАНАЛИЗ** – руҳий хасталикни даволаш усули ва психологик таълимот. У XX а. бошларида taникли немис олими Зигмунд Фрейд (1856–1939) томонидан ишлаб чиқилган. П. асосини инсон хулқининг негизини лаззат олишга интилиши (либидо) айниқса илк болаликда пайдо бўлган сексуал (жинсий) майл ташкил этади, одам хулқини онглилик эмас, балки онгсизлик бошқаради, деган ғоя ташкил этади. З. Фрейд даставвал онглилик, ёлғончилик ва онгсизликдан иборат психиканинг уч босқичини тадқиқ этди.

Олдинги икки босқичдан фарқ қилувчи психик даражани (лот. instantia – бевосита яқинлик маъносини англатади) цензура деб атади. Одатда цензура иккита функцияни бажаради: 1) инсон томонидан ўзининг шахсий ҳис-туйғулари, мулоҳазалари ва хоҳишларини муҳокама қилади, уларни онгсизлик ҳолатидан сиқиб чиқаради; 2) онгга ёриб киришга интилувчи фаол онгсизликка қаршилик кўрсатади. З. Фрейд шахс тузилишининг янги наз-ясини таклиф этди. Бу наз-я уч хил психик инстанциянинг хукм суриши тўғрисидаги фаразни асослашга қаратилди: «У» (Id) – лаззатланиш, роҳатланиш тамойилига боғлиқ бўлган инстинктив майлларни қамраб олади; «Мен» (Ego) – ташқи олам б-н билвосита алоқага киритувчи психологик инстанция; «Мендан юқори» (Super-Ego) ўз ичига ижт-й тақиқлар, конун тусига кирган мажбурий тартиб-қоидалар ва идеалларни олади. Унинг фикрича, «Мен» (Ego) реаллик тамойилига асосланган ҳолда инсон психикасида ҳаракатланувчи карама-қарши кучларни мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Фрейднинг кўрсатишича, инсон фаоллиги асосида кад. авлод-аждодларидан наслий йўл б-н ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши ётади. Инстинктив майллар даставвал жинсий инстинкт ва ўзини ҳимоя қилишга интилиш инстинкти тарзида юзага келади. Лекин жам-т шахсни кўп жиҳатдан чеклаб қўяди, унинг инстинктлари ва майлларини «цензурадан» ўтказади. Бунинг натижасида шахс ўзининг аксарият инстинктларини ва майлларини жиловлашга, тақиқлашга мажбур бўлади. Инстинктив майллар унинг шахсиятига зид бўлган руҳий ҳолат сифатида онгли ҳаётдан сиқиб чиқарилади, лекин йўқолиб кетмайди, балки онгсизлик соҳасига ўтказиб юборилади. П. таълимотнинг вазифаларидан бири – онгсизлик соҳасидаги «комплекс»ларни аниқлаш ва уларни англашга ёрдамлашишдан иборатдир.

П. намояндалари шахснинг ички конфликтларини очиб бериш ва тушунтириш учун «Эдип комплекси» т.сини яратдилар. Бунга кўра, ўғил боланинг ўз онасига нисбатан жинсий майли ва отасининг ўлимини исташи («Эдип комплекси»), яқин қариндоши б-н жинсий алоқа қилишга майллиги жазоланишдан кўрқиш ҳисси б-н тўқнашади. П. вакиллари шахснинг бундан кейинги тар-ётини онгсизлик ҳолатига сиқиб чиқарилган инстинктив майлларнинг турлича комплекслар б-н тўқнашуви ташкил этади; инстинктив майллар ўз қуввати ва фаоллигини сақлаган ҳолда инсоният мад-ти ва инсон фаолияти маҳсулининг ҳар хил шаклларига ўтиб («сублимациялашиб»), онгсизлик ҳолатида шахснинг хулқ-атворини бошқаришда давом этади, деган хулосага келдилар. П.да онгсизлик б-н онглилик ўртасидаги қарама-қарши мунтни мутлақлаштириш ҳолатлари учрайди, бунинг натижасида уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имконияти рад этилади.

**ПСИХОЛОГИЗМ** – XX а. охирларида Ғарб социологиясида вужудга келган оқим. П. тарафдорларининг таъкидлашича, психологиянинг, ш-дек, бошқа барча фанларнинг ҳам объекти маълум усуллар орқали билиб олинган сезгилар ва сезгилар комплексларидан иборатдир. П.нинг таникли вакиллари: Г. Тард, Ч. Кули, Ж. Мид, У. Мак-Дугал неофрейдизм, структуравий функционал мактаб ва б. учун ижт-й мун-тлар ва социал структура моҳиятини психик фактлар асосида тушунтиришга ҳаракат қилдилар.

П.нинг дастлабки кўпол ва ибтидоий шаклларида генетик омилларнинг роли ҳаддан ташқари бўрттирилди, социал хулқ-атвор гўё инсон психикаси учун азалдан хос бўлган сексуаллик, ваҳшийлик, эффективлик, ўлимга мойиллик ва ҳ.к., б-н боғлиқ деб ҳисобланди. Шахс хус-яти ёки миллий характерини урушлар, иркий ва синфий конфликтлар сингари социал ҳодисалар б-н боғлашга интилиш бўлди.

Кейинчилик П. тарафдорлари генетик ғоялардан воз кечса ҳам жам-т, социал система, социал ташкилот сингари ижт-й ҳодисаларнинг реал мавжудлигини инкор этиш йўлидан бордилар. П. тарафдорлари кишиларнинг бевосита ўзаро таъсирини таҳлил қилиш доирасидан ташқарига чиқмайдилар, кўпроқ «бевосита кузатиладиган хулқ-атвор» т.си б-н иш кўрадилар. П. таҳлил методлари кичик социал гуруҳ ва жамоаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир, бироқ бу метод орқали кенг социал муаммоларни ўрганиб бўлмайди.

Ҳоз. замон Ғарб социологиясида П.нинг бир ёқлама принципларини бартараф этишга уринишлар бўляпти. П. Парсоннинг структур-функционал таҳлил наз-яси бунга мисол бўлиши мумкин. П.Дюркгеймнинг «социологизм»и, М.Вебернинг «институционализм»и таъсирида жиддий ўзгаришларга учради. Ҳоз. пайтда П. социологиядаги алоҳида мактаб эмас, балки социологиядаги методология принципидир.

**ПСИХОЛОГИЯ** (юн. psyche – жон, logos – илм) – инсон ва ҳайвонлар психик (руҳий) ҳаётининг қонуниятлари, механизмлари ва фактлари тўғрисидаги фан; ўзб. тилида – «жон», «руҳ» ҳақидаги илм, таълимот деган маънони англатади. Ушбу маънода «жон» ва «психика» т.лари айнан бир хил мазмунни билдиради. Бироқ ҳоз. даврда «жон» т.си ўрнига «психика» ибораси кўллаб келинмоқда. П. фанининг кейинги даврдаги тар-ёти улар ўртасида бир талай тафовутларни келтириб чиқарди. У ўрганадиган ҳодисалар юз й.лар давомида фал.да рух (жон) деб аталди ва унинг бир соҳаси хисобланди. XVI а.дан бошлаб П. фал.дан ажралиб чиқа бошлади.

П. тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун даставвал психик ҳодисалар моҳияти б-н танишиш керак. Одатда психик ҳодисалар деганда, ички, субъектив тажриба далилларининг (воқеликнинг) намоён бўлиши тушунилади, бошқача айтганда, психик ҳаётнинг сезги, идрок, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шакллардан иборатдир. Ички субъектив тажрибанинг ўзи инсондаги қувонч ёки зерикиш туйғулари унинг нималарнидир эсга

тушириш, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш ҳисларининг барчаси шахснинг ички дунёси таркибий қисмлари, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар ҳисобланади.

Субъектив ҳодисаларнинг муҳим хус-яти – уларнинг бевосита субъектга тааллуқли эканлигидадир. Агар инсон идрок қилса, сезса, фикрласа, эслаcа, хоҳиш билдирса, бу ҳодисаларни иш даврининг ўзида тушуниб ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, бир қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб турамиз ҳам. Ш.у. психологик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда рўёбга чиқиб туради. Образли қилиб айтганда, одамнинг ички дунёсида турли ҳодисалар вужудга келади, кечади, одатда шахс бундай ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларнинг томошабини ҳисобланади.

Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан психик жараёнлар, англашилмаган ҳолатлар, хулк-атвор, психосоматик ҳодисалар, инсон ақл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маън-й мад-т маҳсулини яратди. Ҳар қандай фактларда (воқеликда), ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хус-ятларини ажратади, фақат улар орқалигина психикани ўрганиш мумкин.

Психологик воқелик – субъектнинг ички кечинмаларининг таркибий қисмлари б-н бир қаторда уларни объектив шакллари (хулк-атвор, фаолият маҳсули, ижт-й-мад-й ҳодисалар) орқали психиканинг хус-ятлари, ҳолатлари, қонуниятларини ўрганиш тушунилади. Яъни, инсон онгидан ташқари унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳукм сурувчи объектив борлиқ (атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар, муҳит, шароит) ва б.нинг психикада акс этиши психологик воқелик деб аталади.

Бугунги кунда психология тўғрисидагина эмас, балки унинг соҳалари бўйича ҳам бой илмий материаллар тўпланган. Жаҳон психология фани тажрибасида қуйидаги соҳалар психологиянинг мустақил тадқиқот предметига айланган. Жумладан: меҳнат П.си (инженерлик П.си, авиация П.си, космик П.си), педагогик П., тиббиёт П.си, саломатлик П.си, махсус П., юридик П., ҳарбий П., савдо П.си, спорт П.си, умр даврлари П.си, киёсий П., социал П., психофизиология, экспериментал ва амалий П. қабилар.

**«ПСИХОТАҲЛИЛГА КИРИШ БЎЙИЧА МАЪРУЗАЛАР»** («Vorlesungenzur Einfuehrungindie Psychoanalyse». Wien, 1916–1917; «Neue Folge der Vorlesungenzur Einfuehrung in die Psychoanalyse». Wien, 1933) – австриялик невропотолог, психиатр ва психолог, фрейдизм ва психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейднинг (1856–1939) фундаментал а-рларидан бири бўлиб, унинг психотаҳлил тўғрисидаги таълимоти асослари баён қилинган. Китоб «П.к.б.м.» (1916–1917) ва «П.к.б.м. давоми» (1933) каби икки қисмдан иборат.

Китобнинг биринчи қисми хато ҳаракатлар, туш кўришлар ва асаб касалликларининг (невроз) умумий наз-яларига бағишланган. Унда психотаҳлилнинг наз-й тамойиллари, усуллари, тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни талқин қилиш усуллари ва психотаҳлилий наз-янинг бир қатор умумий қоидалари келтирилган. А-рда турли хато ҳаракатларни тасвирлаб берган ҳолда Фрейд, бундай ҳаракатлардан ҳар бири ўзининг яширин маъносига, ўзининг муайян симптоматик аҳамиятига эга эканлиги ҳамда субъектда англанилмаган бироқ аниқ мавжуд бўлган мақсад ва хоҳишлар мавжудлигини фош этиши тўғрисидаги хулосага келади. Туш кўришларни таҳлил қилар экан, Фрейд уларнинг тузилмаси ва қандай кечиши динамикасининг яширин қонуниятларини тасвирлаб беради. У хато ҳаракатлар ва туш кўришлар ўртасида муайян ўхшашлик борлигини таъкидлайди ҳамда худди хато ҳаракатларда уни хатти-ҳаракатда ифодалашнинг қандайдир шакли бўлгани сингари туш кўришда ҳам унинг ошкора шакли ва онгдан ташқари тарзда белгиланувчи яширин мазмуни борлигини кўрсатиб ўтади.

Туш кўришларнинг умумий вазифаси – бу уйқудаги кишининг эҳтиёжлари ва истакларини ҳаёлий қондириш орқали уйқуга ҳалал берадиган кўзғатувчиларни бартараф этишдир. Асаб касалликларининг умумий наз-ясида аломатларнинг субъектив мазмунига алоҳида эътибор қаратилади: беморнинг ҳар бир сўзи, хомхаёллари (фантазияси) уларнинг асл мақсадини очиб бериш борасида таҳлилга тортилади. Хаёлдан суриб чиқарилган турткилар (импульслар), мойилликлар ва кечинмалар онгга етказилганда тузалиш юз беради. Китобнинг иккичи қисмида Фрейд психиканинг (онгсиз, онг олди ва онгли) ва шахснинг («Эго – Мен») ва («Супер Эго – Олий Мен») психотаҳлилий моделлари асосий ғоясини келтиради ҳамда онг ва «Эго – Мен»нинг бир-бирига мос эмаслигини таъкидлайди. Асаб касалликлари «Эго – Мен»нинг, у томонидан шиддатли босим ўтказилиши сабабли заифлашиши оқибати сифатида кўриб чиқилади, бунинг оқибатида ушбу босимга қарши туриш учун қувват сарфлаш (антикатексис) юз беради.

Фрейд асаб касалликларининг яна бир манбаи «Эго – Мен» ва «Супер Эго – Устун Мен» ўртасидаги зиддиятдир деб ҳисоблайди. Бунда «Мен» ахлоқий ва ижт-й талаб ва тақиқларга қарши бўлиб чиқади. Умуман, китобнинг асосий мазмуни психотаҳлилий таълимотнинг моҳиятини ифодалайди. А-рда муҳим аҳамиятга молик фал-й, психологик, социологик, антропологик ва мад-тшунослик мазмунига эга бўлган бир қатор ғоялар ҳам ўз ифодасини топган.

**ПСЮХЕ** (юнон. рух) – қад. юнон фал.сида рух, этимологик маъносига кўра, нафас, ҳаво олмоқ, деган маъноларини англатади. Гомерда П. қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1) «ҳаётбахш куч», у танани охирги нафасда тарк этади; 2) танасиз «шарпа», инсон вафотидан сўнг, Аид салтанатида бўлади. Бунга мисол тариқасида «Одиссей», «Иллиада» а-рларини кўришимиз мумкин. Янги антигомерчилар концепциясида П. мил. ав. X а.дан бошлаб пифагорчилар афоризмларида кенг тарқалади. П.ни «дев» сифатида билишади, яъни у абадий бўлиб, танадан танага, ўсимликларга кўчиб юради. Титанлар томонидан «қилган гуноҳлари учун «жазо» сифатида берилади, «тана» гўё руҳ қабри, унинг мақсади ёмон гуноҳлардан сақланиш ва вақти келганда П.ни эркин табиати озод бўлиши назарда тутилади.

**ПТОЛЕМЕЙ, Клавдий** – машҳур грек астрономи ва алломаси, II а.нинг 1-ярмида Александрияда яшаган. Асосий китоби «А-рлар ёки математик системалар» (лот. «Compositio seu syntaxis mathematica») бўлиб, у ўша давр Юнон тафаккурининг яққол намунасидир. Гарчанд, мил. ав. III а.да Сомослик Аристарх томонидан гелиоцентрик система принциплари тавсифлаб берилган, ундан юз й. кейин селевкиялик Селевк уни такомиллаштирган бўлса-да, П.нинг кузатувчи ва унинг кузатиш воситаларининг кўзғалмасдан бир нуқтада туришига асосланган астрономик хулосалари ва тадқиқотларининг натижалари катта эътирофга сазовор бўлган. Ўша даврда П.ғояларига бўлган зарурият ортиб борган, хус-н, денгиз саёҳатининг ривожланиб бориши ва умумсайёравий характер касб этиши аниқ мўлжалларни ишлаб чиқишни талаб қиларди. Бундан ташқари Юлий Цезарь даврида жорий этилган календарнинг астрономик асослари янада мустаҳкамланиши зарур эди. Энг муҳими, мазкур календарь христиан байрамларини нишонлашнинг даврийлигини таъминлаши лозим эди. Ниҳоят, аста-секин кучайиб ва таъсир доираси кенгайиб бораётган христиан дининнинг космологик назяси таянадиган яхлит астрономик

таълимотга эҳтиёж ортиб бормоқда эди. П. фаолияти ва а-рлари ана шу муаммоларга жавоб тариқасида майдонга келган эди.

П. қад. юнон олимлари ва, айниқса, пифагорчилари ғоялари б-н яхши таниш бўлган. У Ер шакли ҳақида фикр юритар экан, қад. Юнонистоннинг илк «табиатшунослари» тахмин этган барча шаклларни, фигураларни тилга олган. Тадқиқотлари жараёнида Анаксимандрдан тортиб Демокритга қадар барча файласуфларнинг хулосаларини таҳлил этиш натижасида «Ер доирасимон ва думалоқдир» – деган хулосага келади. Ваҳоланки, антик файласуфлар бу фикрни аллақачонлар илгари суриб бўлган эдилар. Антик файласуфларнинг бошқа ғоялари ҳам Птолемей диққатидан четда қолмаган. Кейинчалик бу ғоялар Шарқ тафаккурига ҳам таъсир кўрсатган, олим а-рлари 825 й.да Бағдод халифаси Маъмуннинг фармони б-н араб тилига таржима қилинган, ўша даврдаги Маъмун академияларида қўлланма сифатида фойдаланилган. Абу Райҳон Беруний П.нинг «Ал-магест» а-рини қад. ҳинд тилига таржима қилган ва уни янада кенг тарқалишига туртки берган.

Птолемей ижоди намуналари ҳам Римнинг жоҳил амалдорлари фал. ва табиий фанларнинг ўчоғи бўлган мактаблар тизимини (VI а. бошларида) бутунлай йўқ қилганларидан сўнг, узоқ вақт Шарқда «жон сақлаган» ва Ўрта а.ларга келибгина, қад. юнон мад-тининг бир қисми сифатида, Европага қайта олган. 1515 й. П. а-ри Венецияда араб тилидан лот. тилига ўгирилиб, нашр этилган ва кейинроқ бошқа Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Улуғбек ва Коперниклар ҳам олимни ўзларининг маънавий устозларидан бири сифатида эътироф этишган.

**ПУАНКАРЕ (Poincaré), Анри** (1854.29.4, Нанси – 1912.17.7, Париж) – франц. математиги, Париж ун-ти проф., Париж ФА аъзоси. Мат., физика, дифференциал тенгламалар, топологияга оид ажойиб а-рларнинг муаллифи. 1905 й.да А. Эйнштейнга боғлиқ бўлмаган ҳолда нисбийлик наз-ясининг асосий математик т.ларини кашф қилди. Умрининг охирги 10 й.и давомида П. табиатшунослик масалаларига қизиққан ҳолда фаннинг фал-й муаммолари ва илмий билиш методологиясига оид тадқиқотларига кучли эътибор қаратди. Бу борада унинг фал-й қарашлари конвенционализм оқимига асос бўлиб хизмат қилди. Чунки П. фан қонунлари реал оламга хос эмас, балки олимлар ўртасидаги ўзаро ўзбошимча битимлардан (конвенциялардан) иборат, деб ҳисоблар эди. Унинг фикрича, бу битимлар ҳодисаларни қулай ва фойдали этиб тасвирлашга хизмат қилмоғи лозим.

Эмпириокритицизмнинг билиш масаласида П. фикрлари янги босқич очиб берди, у фанга конвенционализм наз-ясини киритди. Ўзининг «Фан қадриятлари» китобида П. ҳозирга замон кашфиётлари жамғтнинг ўзгармас қадриятларини остин-устин қилаяпти, дейди. У шундай деб ёзади: «Браун ҳаракати Карно тамойилини шубҳа остига олади. Бизнинг кўз олдимизда механик ҳаракат иссиқлик ҳаракатига айланади ва, аксинча иссиқлик ҳаракати механик ҳаракатга айланади. Ва бу ўзгаришларда ҳеч қандай йўқотиш содир бўлмайди, ҳаракат доимо содир бўлади. Физикадаги Майкельсон ва Морин кашфиётлари энергиянинг сақланиш қонунини шубҳа остига олиб, бутунлай бошқа физикавий қадриятларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада Эйнштейннинг нисбийлик наз-яси яратилди».

П. махизмнинг субъектив идеалистик ғоясига қўшилиб, инсондан ташқарида мавжуд бўлган реалликни тан олмайди ва борлиқни инсон ҳиссиётлари орқали тушуниш мумкин, деб ҳисоблайди. Барча инсонларга хос булган умумийлик – уларнинг фикридаги мутаносиблик қонуниятидир. Бу қонуният математик мантиқ қонунлари ва усуллари орқали ифода этилади ва инсонлар оламини бирлаштирувчи алоқаларга айланади. П. фикрича, табиат қонунлари инсонлар орасида келишилган келишувлардир. Мас., Евклид геом.си ва ноевклидий геом. лар бизнинг ҳиссиётларимиздан келиб чиқмайди. Бу геометрик тамойиллар табиатнинг ўзида ҳам мавжуд эмас. Уларни олимлар илмий йўл б-н ўрганиб, ўзаро келишиб олишади ва қонун сифатида қабул қилишади. Бу олимлар томонидан келишилган келишув Пуанкаре фикрича конвенциялардир.

Ана шу тарзда П. табиат ва борлиқнинг объектив реаллигини ва уларнинг рив-ш қонунларининг ҳам объективлигини инкор қилди. Фанда объектив ҳақиқатни инкор этмаган ҳолда П., муайян даражада чекланган билиш орқали инсон ақли мат. тилида ифодаланган «табиат уйғунлиги» қонунлари кўринишида тасаввур этди. Бироқ П. фикрича, бу ҳақиқат мақсадни кўрсатувчи лекин ҳеч қачон эришиб бўлмайдиган сабабларга ўхшайди. Пуанкаренинг конвенционализмида икки жиҳат кўзга ташланади. Биринчиси, конвенциялар деб аталиб, олимларга маъқул бўлган илмий наз-ялардир. Мас., Евклид ёки ноевклид геометрик тамойиллар ҳақиқий бўлганлиги учун эмас, балки қулай бўлганлиги учун ишлатилади. Иккинчиси, конвенцияларда нарсалар ўртасидаги реал алоқалар мавжудлигидир. Конвенциялар олимларнинг хоҳишларига қараб эмас, аксинча уларнинг ихтиёридан қатъи назар нарсаларнинг алоқаларини акс эттиради, лекин бу алоқалар нарсаларнинг ўрнини боса олмайди.

Ўзининг илмий а-рларида Пуанкаре нисбийлик наз-ясига ва квант физикасига юқори баҳо бериб, моддий оламдаги жараёнларни ўрганишда уларнинг катта аҳамиятини таъкидлаб ўтади. П.нинг илм ва гипотеза ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг «Фан ва гипотеза» а-рида П. илмий наз-яни ақида, яъни шубҳасиз ҳақиқат сифатида эмас, балки гипотеза сифатида қабул қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бундай илмий гипотеза вақт ўтиши б-н ўзининг фойдали аҳамиятини йўқотмайди. П. фикрича, мат. фанида мантиқ ва интуиция ҳам катта аҳамиятга эга. Мантиқ математик фикр юритиш қуроли, интуиция эса янги кашфиётлар очиш қуролидир.

**ПУРИТАНИЗМ** (лот. purus – тоза) – XVI–XVII а.ларда Англия ва Шотландияда мавжуд бўлган реформацион оқим, унда кальвинизмнинг расмий англикан черковига мун-ти ўз ифодасини топган. П. вакиллари Реформацияни, яъни черков ерларини бўлиб бериш, черковни давлатдан ажратиш, епископлик ва черков судларини йўқ қилиш, турли диний маросимларни қисқартириш ва ихчамлаштириш, «муқаддас» шахсларга сиғинишни бекор қилишни тарғиб қилганлар. Улар сарой мулкининг ҳаддан ташқари кўплиги, унинг дабдабозлиги, турли аристократларнинг бойликларига қарши фаолият юритганлар.

Бундай қарашлар ўша давр инг. тафаккури ва адабиётига катта таъсир кўрсатган, айниқса халқ орасида катта эътирофларга сазовор бўлган. XVI а. 60-й.ларига келиб, П. вакилларидан кўпчилиги ҳокимият ва черков ҳукмронлигига очиқдан-очиқ қарши чиқа бошлаган ва уларнинг ўрнига пресвитерийлик тизими – сайлаб қўйиладиган кальвинистик ташкилотлар бошқарадиган тузумни тузишга ҳаракат қилганлар. Айнан шу даврда П. икки йўналишга, яъни мўътадил пресвитерлик ва радикал индепендентликка ажралган. Индепендентлик вакиллари ҳар қандай умумдавлат черковлар тизимига қарши бўлган ва ҳар бир диний қавмнинг мустақиллигини (Конгрегационализм) эътироф этишни талаб қилишган. Улар одамлар б-н Худо ўртасида ҳеч ким ва ҳеч қандай восита бўлмаслиги керак деб ҳисоблаганлар.

XVI а.нинг 80-й.ларига келиб П.нинг ана шундай ғоялар асосидаги очиқ оппозицион ҳаракатлари уларнинг давлат ва черков томонидан репрессия қилинишига олиб келган ва

бу XVII а.даги Англия инқилобидан кейин мазкур оқим вакилларининг оммавий тарзда Америкага кетишларига сабаб бўлган. Кейинроқ П.нинг иккала йўналиши орасидаги идеологик бўлиниш кучайиб борган ва бу уларнинг сиёсий партияларга айланишига асос яратган.

**ПУРУША** (санскр. эркак, фуқаро, инсон: жон, рух) – ҳинд фал.сига хос т., турли оқимлар ва мактабларда турлича талқин қилинган ва пайдо бўлганидан кейин хилма-хил маъноларда тушунилган. Ведаларда П. умуман инсонни англатган. Ригведанинг баъзи қўшиқларида (мас., 10. 90) П. мингбошли, мингкўлли ва мингоёқли самовий Худони акс эттирган. «Маҳабҳорат» ва кейинги фал-й матнларда ўз моҳиятига кўра атман ва браҳман т.ларига мос келувчи жон ва руҳни англатади. Санкхья системасида П. индивидуал жон ва руҳни ифодалайди. Д.П. Чаттопадхья фикрича, П. қад. орий қабилаларига хос бўлган патриархат, эркаклик ибтидосини англатади.

**ПУТЧ** (нем. putsch) – одатда, консерватив ва ўта радикал кучлар бошчилигидаги қуролли исён, давлат тўнтариши. Ракобатдошлар кўп бор бир-бирини путччилар деб, ўз ҳаракатларини эса инқилоб, деб номлаган. Мас., 1905 й. декабрь инқилобини Макс Вебер П. деб, Гитлер эса Пиво П.ини инқилоб, деб атаган. Энг йирик П.ларга қуйидагиларни киритишади: Цюрих П.и (1899), Пиво П.и (1923), Испаниядаги Ф. Франко бошчилигидаги Миллий П. (1936 й. 17–18 июль), собиқ иттифоқдаги 1991 й.ги август П.и ва ҳ.к..

**ПЬЕР МАРИКУРЛИК** (Pierre de Maricourt, Petrus Peregrinus) – XIII а.да яшаган франц. олими, математик, оптик, астроном, медик, алхимик. Бир неча физик асбобларни яратган, «абадий двигатель» муаммосини ҳал этишга ҳаракат қилган. Унинг «Астролябидан янги восита» («Nova compositio Astrolabii particularis») «Магнит ҳақида» («Epistola... de magnete», G. Hellmann, Neudrucke von Schriften und Karten über Meteorologie und Erdmagnetismus, h. 10. «Rara Magnetica» 1269–1599, B., 1898). П. экспериментал методга катта эътибор қаратган, унинг тадқиқотлари Р. Бэкон қарашларига таъсир ўтказган. XVI а.га келиб, Европада магнитизм ҳодисаларига эътибор кучайиши П. а-рларига қизиқиш ортишига сабаб бўлган.

**ПЬЕРОН (Pieron), Анри** (18.07.1881–6.11.1964) – франц. психологи, психофизиолог ва психотехник. А. Бине ва П. Жаненинг издоши, Сарбонна психологик лабораторияси директори (1921), Франция психология ин-ти асосчиси (1928). Психологияни организмнинг умумий руҳий ҳолати ва шундай хоссаси сифатида талқин қилган. Тадқиқотларида олий нерв системаси, бош мия гистологияси ва морфологияси, инсоннинг ижт-й ривожи борасидаги ютуқ ва натижаларга таянган. Психофизиология соҳасида П. бир неча қонуниятларни (Пьерон қонуни) кашф этган, уларни илмий асослашга ҳаракат қилган.

**ПЬЕТРО Д'АБАНО** (Pietro d'Abano, Petrus de Padua, Aponensis) (1257–1315) – италиялик файласуф, аверроистларнинг Падуя мактабига асос солган. Падуя ун-тида фал., тиббиёт ва мат. бўйича проф. бўлган. Асосий а-ри «Файласуфлар ва шифокорлар орасидаги келишмовчиликларни бартараф қилувчи» («Conciliator differentiarum philosophorum et praecipue medicorum», 1310, Matuae, 1472; Venetiis, 1476) китобида схоласт-томачилардан фарқли равишда, табиий-тарихий қонуниятлар асосида талқин қилган. П. астрономия бўйича йирик қўлланма яратган. Италия ва умуман Европа илми тарихида осмон жисмлари ҳаракатини одамларнинг тақдири б-н боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Бунинг учун черков томонидан таъқиб қилинган ва инквизиция судига топширилган.

**ПЯТИДЕСЯТНИКЛАР** (Тўлиқ Инжил христианлари) – диний секта, евангелия йўналишидаги оқим. XX а.нинг биринчи ярмида Уэльс ва Лос-Анжелесда пайдо бўлган. Тез орада Скандинавия, Венгрия, Польша, Германия ва Лотин Америкасига тарқалган. Лютеранлар ва баптистлар орасида катта эътиборга сабаб бўлган. Ҳоз. даврда 10 млн.дан ортиқ вакилларига эга. Секта XX а. ўрталарида Евангелия христианлари иттифоқига қабул қилинган.

П.нинг юртимизга тарқалиши XIX а.нинг 70-й.лари Ў.О. минтақасига православ б-н бир каторда бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб келган давридан бошланган. Шу даврда Чор истилоси туфайли юртимизда турли секталарга мансуб диндорлар, мас., баптистлар, адвентистлар, католиклар ва б. ҳам пайдо бўлди. 1879 й. 27 мартда Россия императорининг махсус қонуни эълон қилингач, бу жараён янада фаоллашади. Россия армияси томонидан Биринчи Жаҳон урушида асир олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва б. ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод қиладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди.

Хорижликларнинг бундай фаолияти а.имизнинг тахм. 20–30-й.ларига қадар давом этди. XX а. бошларига келиб, Туркистон генерал-губернаторлигида 6,03 млн. мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимига мансуб старообрядчилар, 8,2 минг лютеранлар, 7,8 минг католиклар, 26 минг яҳудий динига ва 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлган.

Ўз-нда фаолият кўрсатаётган Тўлиқ Инжил христианларининг (пятидесятниклик) илк жамоалари XX а. 20-й.лари охирида Тошкент шаҳрида тузилган. Бугунги кунда уларнинг вакиллари ҳам ўз ибодатларини эркин амалга ошириб келмоқдалар.

# Р

**РАБҒУЗИЙ** (тахаллуси; асл исмшарифи Носириддин Бурҳониддин ўғли) (XIII а. охири – Хоразмнинг Работўғуз мавзеи – XIV а. боши) – файласуф, шоир ва фақиҳ. Работўғузда қозилик қилган. Шарқ халқлари оғзаки ижодини, айникса, ривоятларни, авлиё-анбиёлар тўғрисидаги қиссаларни чуқур ўрганган. Ўзи ҳам кўпгина ибратли ҳикоятлар, қиссалар ёзган. Туркий халқлар адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб насрда ривоятлардан ҳикоят, ҳикоятлардан қисса яратишни бошлаб берган.

Бизгача «Қисаси Р.» (1309–1310) а-ригина етиб келган. А-р мусулмон мўғил бекларидан Носириддин Тўқбуғанинг топшириғи б-н ёзилган. Китоб туркий тилда, асосан, насрда мадҳиялар, баъзи қиссаларнинг хулосалари, лирик кечинмалар ва хотима қисми эса назмда ёзилган. Қуръони Каримдаги баъзи лавҳалар, исломга оид б. китоблардан ва Абу Исҳоқ Нишопурийнинг «Қисасул-анбиё»сидан айрим фактлар а-рга асос қилиб олинган. А-р анъанавий ҳамд ва наът б-н бошланади, сўнг унинг ёзилиш сабаби, муаллиф ҳақида маълумот берувчи қисқа сўз боши, кейин эса қиссалар келади. Жами 72 қиссадан иборат.

Мавзу доирасига кўра, асар қиссалари жуда ранг-баранг. Оламдаги бутун мавжудот эгаси бўлган Аллоҳни улуғлаш, пайғамбарлар ҳаётига доир лавҳаларни эслаш, камтаринлик ва такаббурлик, ота-она ва фарзанд муносабатлари, эрк ва адолат мавзулари шулар жумласидандир. Қиссалар ҳажми турлича: мас., Юсуф ҳақидаги қисса салкам 100 саҳифани ташкил қилса, Лут ҳақидаги қисса бир неча саҳифадангина иборат. Қиссаларда реал ҳаёт воқеалари б-н боғлиқ мавзулар ҳам учрайди. Қиссалар баёнида, персонажлар тасвирида халқ оғзаки ижодининг бевосита таъсири сезилади. А-рда маърифий-дидактик ҳикоятлар ҳам мавжуд (Луқмон ҳикояси ва б.), қиссалардаги ҳикоятларга дунёвий руҳ ҳам сингдирилган (Юсуф қиссаси ва б.). Р.нинг бу асари ўзбек адабиётида муҳим асарлар сирасига киради.

**РАДДИЯ** – исботни бузишга қаратилган мантиқий амал. Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун Р.ни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Р. ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрация (рад этиш усули)дан ташкил топган бўлади. Р. бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди.

Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезисларга асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади. Р. уч хил усул б-н амалга оширилади: 1) тезисни рад этиш; 2) аргументларни рад этиш; 3) демонстрацияни рад этиш.

Фактлар орқали рад этиш энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб, тезис рад этилади. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этишда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш» деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу бемаънилик бўлади. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Аргументларни рад этиш усулида тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин. Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиш усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезис чинлигининг, унинг асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади. Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

**«РАДДИЯГА РАДДИЯ»** («Таҳофутил таҳофут») – Европада Аверроэс номи б-н маълум бўлган аллома Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад Ибн Рушднинг (1126–1198) Ғаззолий фалсафага қарши қаратилган энг машҳур а-ри (қ.: **«Таҳофутил таҳофут»**).

**РАДИКАЛИЗМ** (лот. radix – илдиз) – тарихий шароит ва давр воқеликларини ҳисобга олмасдан сиёсий тузум ва ижт-й ин-тларни зудлик б-н тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатларни ифодаловчи сиёсий, диний оқим. Р. умумэътироф этилган анъаналарга бутунлай зид мун-тда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқади. Тарихда бу атама мўътадилислоҳотлар тарафдорларига нисбатан ҳам қўлланган. Мас., Буюк Британияда «Ислоҳотлар тўғрисидаги Билл»нинг мухолифларига нисбатан радикализм атамаси қўлланган (1832). Кейинроқ эса утилитаризм асосчиларидан И.Бентам ва унинг издошлари «фал-й радикаллар» деб аталди.

Ҳозир қатор сўл сиёсий партияларга нисбатан ҳам радикализм т.си қўлланади. Ўрта а.лар сўнгги ва Янги давр бошида радикализм демократия шиорлари б-н чиқди. Унинг тарафдорлари (Ж. Локк, Ж. Руссо ва б.) нотабиий ижт-й мун-тлар ва шароитларни радикал тарзда оқилона тартиблар б-н алмаштириш ғоясини илгари сурди. Анархистлар эса жамтдаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг ортиқчалиги, инсон эркини тубдан кенгайтириш лозимлигини ёқлаб чиқди. Уларнинг ғоявий раҳнамоси У. Годвин инсон ақлзаковат ва эркинлик рамзидир, шу унинг эркини чеклаш керак эмас, деган ғояни илгари сурди.

Ҳоз. давр Р.ига хос бўлган хусусиятлардан бири ижт-й ҳаётнинг ҳам наз-й, ҳам амалий муаммоларини ҳал қилишда зўрлик усулидан фойдаланишга мойилликдир. Тинч йўл б-н ҳал қилиш мумкин бўлган оддий муаммоларни ечишда улар куч,

зўравонликдан фойдаланишга интилади.

Тарихнинг бурилиш нуқталарида, танглик юз берган ҳолатларда радикализм авж олади. Ҳоз. радикализм экстремизмнинг наз-й манбаи бўлиб, ижт-й муаммоларни ҳал қилишда зўрлик усуллари ва воситаларидан фойдаланмоқда. Ҳоз. пайтда радикал кайфиятлар ва қарашлар аклий меҳнат б-н шуғулланувчилар орасида, люмпенлашув кучайган мамлакатларда кўпроқ кузатилмоқда.

XX а.да юз берган илмий-техник тар-ёт туфайли аклий меҳнат вакиллари миқдорининг кескин ошиши ҳар доим ҳам уларнинг моддий турмуш даражасининг кўтарилиши ва ижт-й мавқеининг ортиши б-н бирга кечмайди. Айникса, ижт-й инкироз ва танглик даврларида зиёлиларнинг люмпенлашуви кучаяди. Бу эса улар орасида радикал кайфиятнинг авж олишига сабаб бўлади. Тарихий тар-ёт шундан гувоҳлик берадики, радикаллар ҳокимият тепасига келган тақдирда ҳам уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этмайди. Етмиш й.дан ортиқроқ ҳукмронликдан кейин большевиклар тарих саҳнасидан улоқтириб ташланди.

Собиқ шўролар тузуми ўрнида ташкил топган мустақил давлатлар ҳудудида ривожланишнинг дастлабки босқичида радикал оқимлар пайдо бўла бошлади. Бу оқимлар баъзи мам-тларда фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Унинг кўпчилигида сиёсий Р. диний ниқоб остида намоён бўлди. Улар ислом давлати қуриш, халифаликни қайта тиклаш шиорлари б-н чиқиб, жам-тнинг сиёсий, ижт-й-иқт-й ва маън-й-маър-й ривожини тўхтатишга, бу жараённи ортга – ўрта а.ларга қайтаришга интилаётгани ўта хатарлидир.

Диний ақидапарастлик ҳам радикализмнинг бир кўриниши ҳисобланади. Диний радикализмнинг мазмун-моҳияти радикализмнинг бошқа кўринишлари каби ўзига мос келмайдиган бошқа ҳар қандай оқим ва қарашларга нисбатан муросасизликда, жам-т тар-ётига зид, ғайриинсоний ғоя ва қарашларни илгари суришда намоён бўлади.

**РАДХАКРИШНАН, Сервапали** (1888–1975) – Ҳиндистоннинг таниқли файласуфи, машҳур давлат арбоби. 1909 й.и Мадрасдаги христианлик коллежини тугатиб, шу ерда фал.дан дарс берди. Кейинчалик Ҳиндистондаги бир неча ун-тларнинг фал. кафедраларига раҳбарлик қилди. Оксфорд ун-тининг проф.и этиб сайланади. 1956 й.дан Москва Давлат ун-тининг фахрий проф.и, Ҳиндистон Миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари. Р. 1962–1967 й.ларда Ҳиндистон Президенти этиб сайланган эди.

Р.нинг фал-й таълимоти «Робиндранат Тагор фал.си», «Озодлик ва мад-т», «Ҳиндистон қалби», «Шарқ динлари ва Ғарб тафаккури», «Маориф, сиёсат ва уруш», «Дин ва жам-т» каби а-рларида ўз ифодасини топди. Р. руҳнинг бирламчилиги, оламнинг илоҳийлигини исботлаш ва ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. У умумий фал-й масалаларни Веданта таълимоти асосида талқин этади. Р.нинг фикрича, бутун борлиқнинг ягона асоси Мутлақ руҳдир. Унинг фикрича, Мутлақ руҳ ўзидан ҳисобсиз оламларни пайдо қилади ва яна ўзига айлантиради. Унинг фикрича, Худо яратган бу олам реал мавжуддир, у ривожланади. «Мутлақ руҳни (Худони) дин ва илоҳият ёрдамида тушуниши мумкин». Унинг фикрича, дин универсал, умумий характерга эга, дин жам-т ҳаёт-мамотини белгиловчи омиллардан биридир.

Ҳар бир шахс ҳам бутун инсоният ҳам эътиқодга муҳтождир. У фақат диний эътиқодгина ҳаётнинг аниқ йўлини кўрсата олади, дейди. Р. дин миллати, ирқидан қатъи назар ҳаммага баробар хизмат қилади, деб динни фан б-н боғлашга уринди. Дин б-н фан бир-бирини тўлдиради, дейди файласуф.

Дин б-н фаннинг фарқи шундаки: дин руҳий ҳолатни, инсоннинг «ички табиатини» ифодаласа, фан «ички табиат»дан ташқаридаги эмпирик ҳолатни ифодалайди. Бироқ, улар орасидаги фарқ нисбийдир, уларнинг ўзаро боғлиқлиги аксинча, мутлақдир. «Ҳар бир дин инсонга нисбатан ва шахснинг ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаши керак», дейди файласуф. Р. универсал дин орқали бутун инсоният бир оилага бирлашди деб ҳисоблади. Унинг фал.си универсал дин ҳақидаги ғояларга хизмат қилади. Р. ўзининг ижт-й-сиёсий қарашларида одил жам-т қуришни орзу қилган.

**РАЙХ (Reich), Вильгельм** (1897.24.3, Галиция 1957.03.11, Люнсбург, АҚШ) – америкалик врач ва психолог, фрейдчи. 1933 й.дан бошлаб АҚШда ўз фаолиятини бошлаган. Р. фикрича, ҳар қандай тоталитар қурилма охир-оқибат сексуал тазйиқ таъсири натижасида келиб чиқиб, у асосий характерни акс эттиради ва оммавий неврозларнинг манбаси бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолларда индивиднинг психологик структураси ижт-й тизимнинг ҳукмронлиги келиб чиқади.

Психик энергиянинг жисмоний реаллигини таъкидлаб, Р. «либидо» т.сини узил-кесил кенгайтирди ва натурфал.нинг универсал космик ҳаётий энергия «оргоне» ҳақидаги таълимотига барҳам берди. 60 й.ларда «Янги сўл қанот» ҳаракатчилари уни ўз мафкурачиси деб эълон қилди. Р.нинг жуда кўп фикрлари Т. Адорно, Э. Фромм а-рларида янада такомиллаштирилган. Асосий а-рлари: «Фашизмнинг оломон психологияси» (1933) «Характер анализи» (1970), «Организм функцияси» (1972) ва б..

**РАЙҲОНИЙ, Амин Райҳоний** (1876–1940) – ливанлик олим, шоир ва маърифатпарвар. Узоқ й.лар АҚШда яшаган, фал-й фикрлари ва социологик қарашлари Карлейль ғоялари таъсирида шаклланган. Пантеистик фал. вакили ҳисобланади, ўз концепциясида оламни мавжуд дунё, макон ва замон мажмуи сифатида талқин қилган, инсон, унинг жисми, жони ва ақлининг ажралмаслигини таъкидлаган.

Олам ва ҳаётни турли зиддиятлар, номутаносибликлар ва уларни бартараф қилиш орқали ўзига йўл очади, деб ҳисоблаган. Жам-т тар-ёти инсон камолотига хизмат қилиши лозимлигига алоҳида аҳамият қаратган. Араб олимлари орасида биринчилардан бўлиб, америкача турмуш тарзини системали танқид қилган. Шарқ халқлари қадриятларига ҳурмат б-н қараш лозимлигини таъкидлаган.

**РАМАЗОН** – ҳиж. й. ҳисобининг тўққизинчи ойи, Аллоҳ Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръонни ваҳий қилиб, Жаброил (а.с.) орқали нозил этган, деган қарашга кўра, бу ой муқаддас ҳисобланиб, бир ой давомида рўза тутиш буюрилган. Р. б-н боғлиқ исломий қарашларга ўхшаш тасаввурлар дунёнинг турли ҳудудларида яшаган айрим қад. халқларда ҳам бўлган. Баъзи таббий-ижт-й сабабларга кўра, айрим қадимий халқларда й.нинг муайян кунлари ёки ойи муқаддас деб улуғланган. Бунга хос ғоя ва қарашлар маън-й ҳаётнинг таркибий қисми, деб ҳисобланган.

**РАМАКРИШНА** (ҳақиқий номи Гададҳар Чаттержи, 1836.18.2, бошқа манбаларга кўра 1834.20.2, Камарпукур I (Ғарбий Бенгалия) – 1886.16.8, Калькутта) – ҳинд диний мутафаккири, жамоат арбоби. Вивекананданинг маън-й устози. Шанкаранинг адвайтаведантасини Рамануджа таълимоти б-н бирлаштиришга интилди.

Ҳиндистон ва бутун инсониятнинг уйғониши учун ягона дин керак, деб ҳисоблаб, барча динларнинг маън-й яқинлигини тарғиб қилган. Р.нинг фикрича, ҳар бир инсон ўзининг Худога нисбатан муҳаббатини таркидунёчилик йўли б-н эмас, балки шу реал дунёда ўз бурчини адо этиш йўли б-н изҳор этиши керак. Ҳинд миллий ҳаракати мафкурасига катта таъсир кўрсатган. 1897 й. Р. шогирдлари унинг ғояларини тарғиб қилиш учун «Р. миссияси» жам-тини ташкил қилганлар, бу жам-т ҳозиргача иш олиб боради.

**РАМАНУЖА** (XI–XII а.лар) – Ўрта а.ларда яшаган ҳинд мутафаккири, монизмнинг веданта, вишиштавайта художўйлик оқимининг асосчиси. Бхагавадгита ва Упанишадларга ҳамда «Брахмасутра» («Шрибхашья»), «Ведантара», «Ведартхасанграха»га ёзган катта ҳажмдаги сермазмун изоҳлари б-н ҳам машҳур бўлган.

Р. ҳам Ведалардаги каби бутун табиатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимотни илгари суради. Бундаги тасаввурларда қатор бири иккинчисидан юқори бўлган, иккинчиси, аксинча, пастроқ бўлган илоҳиятлар сиймоси намоён бўлади. Бироқ, бу даражалар тўхтовсиз алмашиб туради. Р. фикрича, илоҳиётлар орасида «энг улуғи, энг кичиги, энг қариси, энг ёши» бўлмай, улар барчаси улуғликда тенгдир. Энг юқори ҳокимият ҳам кўпчиликка тегишли. Бир вақтнинг ўзида бир Худо бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлиши ва шу б-н бирга у иккинчи бир Худога тобе бўлиши мумкин. Мас., Индра ва барча Худолар Варунага тобе бўлган бир пайтда, Варуна ва б. барча Худолар Индрага бўйсунадилар. Худди шу мун-т бошқа Худоларга ҳам тегишли. Р. бу масалада веда илоҳиётига таянади.

Р. фикрича, мутлақ ҳақиқат браҳманнинг мутлақ руҳида намоён бўлади. У Шанкарадан фарқли равишда, объектларнинг реал мавжудлигини эътироф этган. Унингча, браҳман, уч ибтидонинг узвий бирлигидан иборат: субъектив маън-й олами (бхоктри), объектив олам мира (бхогья) ва ҳаракат қилувчи куч. Табиатни тавсифлашда Р. Санкхьянинг пракрити (материя ҳақидаги таълимотига асосланади, унинг тар-ётини Худо белгилайди, деб ҳисоблайди. Унингча, ҳақиқатни англаш Худони англашдан бошланади ва абадий унга интилишни ифодалайди.

Р.нинг ғоя ва қарашлари Худони англаш асосий мазмуни бўлган бхакти таълимотининг турли оқимлари шаклланиши учун маън-й-ғоявий омиллардан бири ҳисобланади (Vedarthasangraha, ed. by J.A.B. van Buitenen, Рома, 1956).

**«РАМАЯНА»** – санскрит тилидаги қад. ҳинд эпоси. Муаллифи Валмики деб тахмин қилинади. Мил. ав. IV а.да Шарқий Ҳиндистонда яратилган, халқ оғзаки ижодида тўлдирилган ва қисман ўзгариб, мил.нинг II а.ига келиб тўлиқ шаклланган. Достонда Қуёш сулоласига мансуб афсонавий шоҳ Раманинг қаҳрамонликлари, унинг зулм ва адолатсизликка қарши кураши баён этилади. Одамхўр дев (ракшас)лар подшоси Раван томонидан Раманинг рафиқаси Ситанинг ўғирлаб кетилиши ва Ситани қутқариш учун Раманинг Раван б-н жанглари «Р.»нинг марказий воқеасини ташкил этади. Ўрта а.ларда «Р.» вишнуизмнинг муқаддас китобларидан бири бўлган.

«Р.» 7 китобдан иборат, 1–7-китоблари тил ва мазмун жиҳатдан б.идан фарқ қилади ҳамда бу факт а-рга кейинчалик қўшимчалар қилинганини тасдиқлайди. «Р.» Ҳиндистонда «Маҳабҳорат»дан кейин турадиган машҳур а-р. Унинг сюжетлари мумтоз ҳинд адабиётида қўлланган. XIV–XVII а.ларда қатор янги ҳинд, дравид тилларига таржима қилинган. «Р.»нинг турли вариантлари Тибет, Хитой, айниқса жанубий-шарқий Осиё мам-тларида а.лар давомида тасвирий санъат ҳамда халқ театрлари учун севимли сюжет манбаи бўлиб хизмат қилган.

«Р.» асосида ҳинд киноусталари яратган видеофильм ўзбек тилига таржима қилинган.

**РАММОҲАН РАЙ (Rammohan Roy)** (22.05.1772–1833) – ҳиндистонлик олим ва жамоат арбоби, неоиндуизм идеологи, дин реформатори, бенгал миллий адабиёти ва дунёвий маърифий тизими асосчиси. Диний-фал-й қарашлари «Монотеистларга туҳфа», «Ҳинд художўйлигини ҳимоялаш», «Ведантанинг қисқа шарҳи», «Упанишадлар шарҳи» каби а-рларида акс этган.

Р. ҳиндуизм ақидапарастлигини танқид қилган, аммо Ведаларнинг муқаддаслигига шубҳа қилмаган. У ҳиндуизм, ислом ва христианликнинг энг илғор томонларига асосланадиган мўътадил динийлик маъқуллиги ғоясини ҳам тарғиб қилган. Инсоннинг оламдаги ўрни, унинг ақли ва тафаккурининг кўп нарсаларга қодирлиги, халқни маърифатли қилиш, унинг турмушини енгиллаштириш ҳақида эътиборга молик фикрларни баён қилган.

Ҳиндистон халқининг озодликка эришиши, ўз мустақил давлатини қуриши, жам-тни ақл-идрок ва адолат асосида ўзгартириш, одамлар учун фаровон ҳаёт барпо этишни орзу қилган. Бу йўлда амалий ҳаракатларга қўшилган, мақолалар ёзган, чиқишлар қилган. Аммо бевақт ўлим унинг бу борадаги ишларини ниҳоясига етказишига имкон қолдирмаган (The English work, Allahabad. – 1906; Singh J., Rammohum Roy, v. 1. – Bombay, 1958; Collet S.D., The life and letters of raja Rammohum Roy. – Calcutta, 1962).

**РАНГЛИ ИНҚИЛОБ** – демократик тартиботни қарор топтиришни мақсад қилган айрим гегемон давлатларнинг «демократия тақчиллиги» кузатилган давлатларда инқилоблар уюштириш технологияларини ифодаловчи амалиёт шакли. Аслида турли мам-тларда куч ишлатмасдан ҳокимиятни ағдариш технологиялари XX а.нинг 80-й.ларида ишлаб чиқилди ва шарқий Европанинг бир неча мам-тларида синовдан ўтказилди. Тинч йўл б-н амалга оширилишига ишора қилиниб, бу жараёнлар «бахмал инқилоблар» дея номланди. XXI а.да бу технологиялар янада такомиллаштирилган ҳолда МДҲ давлатларининг айримларида қўлланиб, «рангли инқилоблар» мақомини олди ва «демократия экспорти» стратегиясининг тактик босқичларига айлантирилди.

Мутахассислар фикрича, Р.и. стратегиясини четдан бошқариладиган икки ёқлама юриш сифатида талқин қилиш мумкин. Биринчи юриш: ҳукумат қўлига янги, урф бўлган «демократик» ўйинчоқни – сайловларни тутқазиш, уни қандай ишлатишни ўргатиш, сиёсий технологлар ва сиёсий маслаҳатчилар қатламини яратиш, уни (халқнинг мад-ти ва менталитетидаги хус-ятлардан келиб чиққан ҳолда) ҳокимиятни алмаштириш ёки давом эттиришнинг оддий воситасига айлантириш. Иккинчи юриш: ушбу воситадан фойдаланишни таҳлил қилиш ва сайлов демократик механизми устидан ишлашга – замонавий ҳокимият инстанцияларининг: «биоҳокимиятлар» ва «талқинлар ҳокимияти»дан фойдаланишга асосланган карама-қарши сценарийни яратиш.

Р.и. томошасини қўюувчиларнинг бош вазифаси ўзларининг вазифаларига мос оломонни яратишдир. Бу биринчидан, кишиларнинг етарли ҳажмини ҳаракатга жалб қилиш ва зарурий вақт давомида зарур жойларда ушлаб туриш ҳамда оломон махсус сценарий бўйича тегишли ҳаракатларни режиссёрларнинг ишорасига кўра, аниқ бажариши уларнинг онгига ишлов беришни англатади. Инсоний жамоанинг алоҳида тури сифатидаги оммани ўрганиш борасидаги бой тажрибадан келиб чиққан ҳолда онгни сездирмай бошқариш (манипуляция) орқали бунга эришилади.

Тажриба Р.и.ларнинг четдан ташкил қилиниши, бошқарилиши, маблағ б-н таъминланишидан далолат беради. Бу борада махсус сценарийлар ишлаб чиқилгани ҳам маълум. «Бугунги кунда «демократияни олға силжитиш» деб аталаётган муайян технологияларнинг шаклланган – бу энди бошқа гап», деб таъкидлаган эди Ўз-нинг Биринчи Президенти Ислом Каримов. Мисол учун, ҳозир худди Ироқда бўлаётганидек. Яъни, маълум бир мам-тда, айтайлик, «демократия тақчиллиги» мавжуд, ушбу мам-т халқига ана шу тақчилликдан халос бўлишга ёрдам бериш керак, деб ҳисобланади. Бунинг учун катта маблағлар ажратилиб, тегишли кучлар йўналтирилади. Ва бундан кўзланган мақсад – тўнтариш уюш-

тириш ва ана шундай «такчиллик»ни вужудга келтирган ва авж олдирган раҳбариятни йўқотишдан иборат. Мана шундай ҳолатларда «бахмал ўзгариш»лар технологиялари ишга тушади: аввалги ҳокимият нисбатан тинч йўл б-н, қурбонларсиз кетиши, унинг ўрнини бошқа, мазкур технологиялар манфаатларига жавоб берадиган кучлар эгаллаши кўзда тутилади».

Тар-ётнинг ҳоз. босқичида демократияни ва турли «очиқ жам-т моделлари»ни экспорт қилиш, давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан тиқиштириш, бу йўлда Р.и.ни уюштириш оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги тобора ўз тасдиғини топиб бормоқда. Мутахассислар фикрича, дунё саҳнасида «Р.и.» деган умумий номда бир-бирини такрорловчи спектакллар қўйилгани ўз тақдирига бепарво бўлмаган кишини муайян хулосалар чиқаришга ундайди. Грузиядаги тўполонлар жозибадор қилиб «Атиргуллар инқилоби» деб ном олган бўлса, Украинадаги талатўплар «Зарғалдоқ», Қирғизистондаги талашлар «Лолалар инқилоби», дея жар солинди. «Араб баҳори» шиори остида амалга оширилган Р.и.лар сценарийининг оқибатлари ҳам маълум. Бугунги кунда мутахассислар Р.и. амалга оширилиши мўлжалланаётган мам-тларда кўплаб чет эллар таъсиридаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият олиб бориши, уларнинг аксарияти ташқаридан олинадиган молиявий кўмак асосида иш юритиши, уларнинг ўз ҳомийлари манфаатларини қондириш воситасига айланганини таъкидлайдилар.

Хуллас, Р.и.лар демократияга эмас, балки демократия ниқоби остида миллий киёфани бузиш, миллий ифтихор ва ўзликни англашдан маҳрум этиш, ҳавойи хирс-эҳтиросларни кучайтириб, руҳий-маън-й фазилатларни, яъни одамийликни йўқ қилишга қаратилади. Бунда нафақат алоҳида кишилар шикастланади, балки бутун миллатлар емирилади ва одамлар эса шундай ғояни олиб келиб, сингдирганлар учун тайёр қуролга, «тараққий этган» қулга айланади (яна қ.: **Демократия экспорти**).

**РАСАДХОНА** (**обсерватория**). (араб. расад – кузатмоқ ва хона) астрономик ва географик (магнит, гидрометеорологик, сейсмик ва б.) – кузатиш ҳамда текширишлар учун махсус жиҳозланган илмий муассаса ва шу муассаса жойлашган бино.

Ўрта а.ларда Ўрта ва Яқин Осиёда кўплаб Р.лар қурилган (мас., Самарқанддаги Мирзо Улуғбек Р.си). Кейинчалик Европада Р.лар оптик, радиофизик ва б. асбоблар б-н таъминлана бошланди. Ўз-н ҳудудида оптик асбоблар б-н жиҳозланган биринчи Р. 1873 й.да Тошкентда барпо қилинган. Р. дастлаб кузатиш нуқталаридан иборат бўлган, сўнгра бирор ҳодисани фақат кузатиш эмас, балки уларни келтириб чиқарувчи жараёнларни текширадиган илмий-текшириш муассасаларига айланди. Сўнгги й.ларда тор соҳадаги кузатишларга мўлжалланган ва б. махсус Р.лар ташкил этила бошлади (Магнит, космик ва ҳ.к.). Р. мураккаб илмий муассаса бўлганлиги сабабли, фақат саноқли халқлар тарихидагина Р. қурилганлигини учратиш мумкин. Бунга мазкур халқларнинг мад-й даражасининг юксак поғоналарга кўтарилиб, илм-фанда бекиёс ютуқларга эришганлиги, доно подшо ёки улкан салоҳиятли олимларга эга эканлиги имконият яратган.

Ўзбек халқи тарихидаги мад-т гуллаб-яшнаган «олтин давр» – темурийлар даври ҳам айнан шунақа имкониятларни юзага чиқарди ва 1428–1429 й.ларда Самарқандда Мирзо Улуғбек фармойиши б-н Р. қурилди. Самарқанддаги XV а. меъморлигининг нодир намуналаридан бири – Улуғбек Р.си Кўҳак (Чўпонота) тепалигида, Обираҳмат ариғи бўйида бунёд этилган. Р. цилиндр шаклида уч қаватли, баландлиги 30,4 м дан иборат улкан бино. Унинг асосий қисми радиуси 40,2 м ли гигант секстант (баъзи манбаларга кўра квадрат) бўлган. Секстантнинг жанубий қисми ер остида жойлашган бўлиб, қолган қисми шимол томонда Ер сатҳидан 30 м ча баланд. Асбоб айланасида бир градус ёй 701,85 мм ва бир минут ёй 11,53 мм га мос. Р. ўрта а.ларда асбоб-ускунаси жиҳатидан ҳам бекиёс бўлган.

Асбоб астрономиянинг асосий доимийликлари: экватор ва эклиптика орасидаги бурчакни ўлчаш, й.лик процессия доимийсини, тропик й. давомийлигини ва б. фундаментал астрономик доимийликларни аниқлашга имкон берган. Сайёралар, Ой ҳаракати текширилган. Р. кичик ўлчамли асбоблар: армиляр сфера, 2, 4 ва 7 халқадан иборат ўлчаш асбоблари, Қуёш ва юлдуз соатлари, астролябия ва б. бўлган. Шарқ астрономиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган «Зижи Кўрагоний» а-ри шу ерда яратилган. Қурилишга замонасининг машҳур олимлари – астроном, математик, меъморлари (мас., Салоҳиддин Мусо Муҳаммад Қозизода ал-Румий, Коший, Ғиёсиддин ал-Чустий, Али Кушчи ва б.) жалб қилинган. 1908 й.да археолог В.Л. Вяткин (1869–1932) хароба бўлган Р. қолдиқларини тарихий хужжатлар асосида топди.

Шундан кейин у ўрганила бошланди: собиқ иттифоқ даврида узоқ ва синчиклаб текшириш натижасида бино цилиндр шаклида бўлганлиги аниқланди. Унинг катта заллари, турли катта-кичик хоналари бўлган. Бобурнинг ёзишича, Улуғбек Р.сининг сирти кошин ва сирли парчинлар б-н безатилган. Р. ичига ўрнатилган жуда катта асбоб ёрдамида Қуёш, Ой, сайёра ва юлдузлар катта аниқлик б-н ўрганилган. Р.да кутубхона ҳам бўлган. Ички деворда осмон тасвири, юлдузлар картаси, тоғ, денгиз, мам-тлар белгиланган. Ер шари тасвири ишланган. Улуғбек ўлдирилгач (1449), Р. вайрон қилинган, XVI а.га келиб бутунлай вайрон бўлган. Ҳозирда Улуғбек Р.сидаги катта асбоб – секстантнинг Ер остида сақланган қисми баландлиги б-н 11 м келади. 1964 й.да Улуғбек Р.си ёнида Улуғбек музейи очилган. Улуғбек Р.си XV а.да ўзб. халқининг мад-ти ўта юксак бўлганлигидан дарак беради.

**РАССЕЛЬ** (**Russel**), **Бертран** (1872.18.5, Треллик, Уэльс – 1970.2.2, Пенриндайдрайт) – инг. математиги, файласуфи, социолог, ахлоқшунос, мантиқшунос, жамоат арбоби. Мантиқ соҳасида «Математик тамойиллар» (1910–13) а-ри, социологияда «Озодлик йўллари: социологизм, манархия ва синдикализм» (1918), ахлоқ наз-ясида «Бахтга эришиш» (1930) каби а-рлари Р.га катта шуҳрат келтирди. «Ғарб фал.си тарихи» (1940) а-ри ҳам машҳур бўлса-да, у Р.га фал. да шуҳрат қозониши учун етарли бўлмади.

Р.нинг, айниқса, ҳоз. замон математик логикани ривожлантиришдаги хизмати катта. У мун-тлар логикасини ривожлантирди, мантиқий символика тилини янада такомиллаштирди. Р. фал. ўз муаммоларини табиёт илмидан олишини, унинг асосий вазифаси табиат илми тамойиллари ва т.ларини таҳлил қилиш ва тушунтириш асосида тадқиқ этишдан иборатлигини таъкидлади. Инглиз неореализми ва неопозитивизми Р. номи б-н боғлиқ. Унинг қарашлари объектив идеализмдан субъектив идеализмга томон ўзгариб борди. Р. фикрича, инсон билишда ҳиссий маълумотларга таяниб иш кўради.

Билиш наз-ясида Р. материалистик инъикос наз-ясини инкор этиб, скептицизм фал.сини таклиф этди. Диннинг душмани бўлган Р, атеистик маслакни ҳимоя қилган эди. У фанда асосан буюк мантиқшунос олим сифатида машҳур. 1962 й.да Кубада юз берган инқирозни бартараф этиш ва жаҳонда тинчликни сақлаш, умумий қуролсизланиш ҳаракатининг фаол қатнашчиси сифатида Р. инсоният тар-ёти учун муҳим хизмат қилди. Илмий ишлари туфайли Нобель мукофотига (1950) сазовор бўлган.

**РАҲБАР** (йўлбошчи, сардор, етакчи) – жам-т, давлат, ташкилотга доимий ва ҳал қилувчи таъсирга эга бўлган шахс. Раҳбар ишнинг кўзини биладиган, жамоа, соҳа манфаат-

ларини кўзлаб фаолият юритадиган бошқарув ходимидир. Раҳбарлик ақл-фаросат, куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, тадбиркорликни талаб қилади.

Раҳбар т.сининг қуйидаги жиҳатлари аҳамиятлидир:

1. Раҳбар ижт-й шахс сифатида ишлаб чиқарувчи кучлар ва и.ч. ресурсларини бирлаштириб, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини бошқарувчи сифатида омилкорлик б-н иш юритувчи шахс.

2. Раҳбар ҳар қандай ишни амалга ошириш учун, аввало, мустақил қарор қабул қилади. Бу қарор раҳбарнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти мақсадларини белгилайди.

3. Раҳбар ўз соҳасига янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этувчи тадбиркор шахс ҳисобланади.

4. Раҳбар меҳнати, айни вақтда, тадбиркорликка асосланган машаққатли фаолиятдир. Унга сарфланган куч, маблағ баъзан вақтинча фойда эмас, зарар келтириши, муассаса фойда ўрнига зарар кўриши ҳам мумкин. У бундай ҳолатларни олдиндан кўра олиши ва бунга тайёр туриши, зарур бўлганда, фаолиятини қайта бошлаши, ўзида бунга куч-ғайрат топа билиши лозим.

Ушбулар раҳбарлик фаолиятининг муайян жиҳатларини намоён этади. Масаланинг иккинчи томони – раҳбарлик фаолияти б-н шуғулланувчи кишининг шахси б-н боғлиқ юксак инсоний фазилатлардан иборатдир. Раҳбар ҳалол, пок, виждонли, имонли, қаттиққўл, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Раҳбарликка эгри йўл, эгри қўл, эгри мақсад б-н эришиб бўлмайди. Феъл-атворида эгрилик бор киши раҳбарлик лавозимида узоқ фаолият юрита олмайди. Раҳбар мустақил бўлиши, ижт-й фаолиятнинг қонуний тақиқланмаган ҳамма соҳаси б-н шуғуллана олиши лозим. Шу б-н бирга, у ўзи бошқараётган жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлиши зарур. Раҳбар фаол бўлмаса, жам-тда ижт-й фаоллик шаклланмайди.

Р.лик ва бошқарувда тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва идрокнинг ҳам роли катта. Аммо, энг аввало, бошқарув – бу санъат, аниқроқ айтганда, ижоддир. Раҳбарликка ҳам, худди санъаткор учун зарур бўлганидек, иқтидор ва истеъдод лозим. Кўринадики, ҳар кимдан санъаткор чиқмаганидек, истаган одамдан ҳам яхши раҳбар чиқавермайди. Раҳбар ўз қобилияти, истеъдодини ишга солиб изланади, шу мақсадда ҳаётни, одамларни чуқур ўрганади. Натижада тўплаган билимлари, тажрибаларини бошқарувнинг умумий қонуниятлари асосида шакллантириб, ўзининг раҳбарлик усулини яратади, у ўз бошқарув усулларини шакллантиришда мутлако эркин шахсдир, аммо унинг раҳбарлик усули ижобий натижа бериши керак.

Раҳбарлик фаолиятининг самарадорлиги раҳбар шахсининг тафаккури, ақл-идрокига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Тафаккур раҳбарга кенг ва чуқур фикрлай олиш, яхшини ёмондан, фойдани зарардан, муҳимни номуҳимдан бехато ажрата олиш имкониятини беради. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган юксак фазилат. Агар раҳбарда шулар шаклланган бўлса, ундай раҳбар бошқарувнинг сир-асрорларини қийналмасдан эгаллаб олади, ўз жамоаси ўртасида обрў ва ишонч қозонади.

Ҳар қандай раҳбар кенг ва чуқур фикрлай олиши б-н бирга, чаққон ва уддабурон, ҳаракатчан ва шижоатли бўлиши ҳам керак. Раҳбарлик фаолиятини тафаккур ва ҳаракат бирлиги дейиш мумкин. Р.даги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ҳамда масъулият жамоа аъзоларида ҳам жавобгарлик ҳиссининг шаклланишига сабаб бўлади. Малакали раҳбар кадрлар тизимини муваффақиятли шакллантириш учун ижт-й психология, раҳбар психологияси, бошқарув психологияси каби фанларнинг яхши ўзлаштириши учун бор имкониятларни ишга солиши керак.

Жамоага раҳбарлик қилиш катта санъат. Раҳбар – устоз, мураббий, раҳбар – миллат тарбиячиси, жам-тимиздаги масъул шахс. Унинг машаққатли меҳнати натижаси ўлароқ, келажак ворислари камол топиб боради. Раҳбарларга қаратилган эътибор – Ватан тақдирига қаратилган эътибордир.

**РАҲБАР МАДАНИЯТИ** – бошқарув соҳаси ходими ва турли даражадаги раҳбарларга хос хус-ятлардан бири, унинг маън-й қиёфаси, одоб-ахлоқи ва инсоний мад-т тамойилларига эгалигини ҳамда уларнинг амалий фаолиятда намоён бўлишини ифодалайдиган т.. Мад-т, аввало, маън-й бойлик ҳосиласидир. Сиёсий мад-ти юксак раҳбар миллат, давлат, халқ манфаати н. назаридан иш тутади, умум манфаатини ўз шахсий эҳтиёж ва манфаатларидан устун қўяди.

Аввало, раҳбарлар ва раҳбарликка даъвогар шахслар ўзларини ҳар жиҳатдан тарбиялаб боришлари лозим. Бунинг учун сиёсий ҳаётдан хабардор бўлиш ёки иқт-й ва касбий билимларни ўзлаштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Улар жаҳон тажрибалари асосида шаклланган илғор бошқарув малакаларини ҳам ўзлаштирган бўлишлари керак.

Бугунги раҳбар бунга ўзига нисбатан талабчан бўлиб эришади. Мас., у ҳар куни газета ва журналлар ўқиши, радио ва ойнаи жаҳон янгиликларидан хабардор бўлиш орқали ҳам маълум даражада билим эгаллаши мумкин. Яна сиёсат, иқтисодиёт ва маънавиятга дахлдор китобларни, ҳатто мумтоз адабиётларни мустақил ўқиши, тарихий жараёнларни чуқур мушоҳада қилиш ҳам унинг дунёқарашини кенгайтиради. Буларнинг барчаси раҳбар мад-й савиясининг ўсиб боришига ва сиёсий мад-тининг такомиллашувига катта ёрдам беради. Чунки чекланган тафаккур, чала билим, паст мад-т б-н дунёни билиб, масъулиятли иш ва мансабни эгаллаб бўлмайди.

Бинобарин, демократик асосда шаклланиб бораётган жам-тимиз талаби шуки, сиёсий етук, ақлан ва маънан баркамол, пухта билимга эга бўлган теран тафаккурли кишиларгина раҳбар бўлишга ҳақлидирлар.

Аждодларимизнинг киндик қони тўкилган муқаддас масканимиз саналмиш шу Ватаннинг бир кафт тупроғи, зилол суви, тоза ҳавоси, ранго-ранг табиати-ю қир-адирлари, тоғу тошлари юракка шунчалик яқинки, буни бир сўз б-н таърифлаш қийин. Ана шундай мўътабар Ватанда раҳбарлик қилиш, унинг келажак авлоди, ҳар бир жамоасига масъул бўлиш, бутун умрини раҳбарлик меҳнатига бағишлаш, юрт равнақи учун умрини сарфлаш ҳар бир етакчи учун катта бахт.

**РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ** – раҳбар маъ-яти ва мад-тининг асосий белгиларидан бири бўлиб, унинг маълум соҳага, бирон-бир иш ёки вазифага жавобгарлигини, Ватан, халқ ва давлат олдидаги бурчини акс эттиради. Алоҳида шахс, ходим масъулиятидан фарқ қилиб, кўлами кенглиги ушбу масъулиятни унутиш оқибатлари салмоғи б-н ажралиб туради. Шу боис, раҳбар масъулияти ҳамиша муҳим саналган. Масъулият, аввало, ҳар бир кишининг виждони, имони, қолаверса, ўзгалар олдидаги, жамоа, жам-т, Ватан, миллат олдидаги бурчини теран англашдир. Умуман, масъулият раҳбарнинг зиммасидаги вазифасига нисбатан жавобгарлик туйғусидир. Масъулиятли раҳбар, энг аввало, ўзига, сўнгра б.га нисбатан талабчан бўлади. Раҳбар фаолиятидаги барча салбий ҳодисалар эса ана шу масъулият ҳиссининг йўқлигидан келиб чиқади.

Масъулиятсизликнинг энг салбий кўриниши – сиёсий масъулиятсизликдир. Сиёсий масъулиятсизлик – сиёсий калтабинлик, сафсатабозлик, найрангбозлик, қаллоблик ва б. хунук иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бинобарин, раҳбарлик лавозимидаги кишидан юксак онг ва тафаккур, ҳушёр идрок талаб этилади. Тарихий тафаккур ва сиёсий онгнинг қай даражада шаклланиши эса, аввало, жам-тнинг тар-ёти, ундаги ички ва ташқи шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда кечади.